

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

ХАЛҚАРО БОБУР ФОНДИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

# БОБУРНОМА

„О‘ҚИТУСНИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2008

*Ўзбекистон Республикаси мустақил-  
лигининг 17 йиллиги ва Заҳриддин  
Муҳаммад Бобур таваллудининг 525  
йиллигига бағишланади*

***Таҳрир ҳайъати:***

АЗИЗ ҲАЮМОВ, ХАЙРИДДИН СУЛТОНОВ, БОБУР АЛИМОВ,  
ЗОКИРЖОН МАШРАБОВ, ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВ,  
ҲАСАН ҚУДРАТИЛЛАЕВ, РУСТАМ МИРЗАЕВ,  
САИДБЕК ҲАСАНОВ, АБДУЛЛА ҲАСАНОВ

*Масъул муҳаррир: Маҳмуд САЪДИЙ*  
*Махсус муҳаррир: Нажмиддин КОМИЛОВ*

---

*Порсо ШАМСИЕВ, Содиқ МИРЗАЕВ, Эйжи МАНО ва Саидбек ҲАСАНОВ*  
нашрга тайёрлаган „Бобурнома“ асарини ҳозирги ўзбек тилига  
*Ваҳоб РАҲМОНОВ ва Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА* таъдил қилган.

Б 5001000000-161  
353(04)-2008

ISBN 978-9943-02-198-3

© „O'qituvchi“ НМИУ, 2008.

## ШОҲ, АДИБ ВА ШОИР — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Ҳар бир халқнинг тарихий, маданий-миллий қиёфасини аниқ белгиловчи улуғ шоҳлари, буюк олимлари, йирик адиб ва шоирлари бўлади. Чунончи, Искандари Мақдуний, Суқрот, Арасту, Буқрот, Еврипид, Ҳомер номларини эслаганимизда, буюк эллин маданияти улуғворлиги ва нафосати билан куз унгимизда намоён бўлади.

Жалололиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Шайбонийхон, Абулғози Баҳодирхон, Амир Умархон, Муҳаммад Раҳимхон Феруз сингари шоҳ, хон ва амирлар; Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Абу Мансур ас-Саолибий, Маҳмуд Замахшарий сингари дунёвий: ижтимоий-гуманитар ва аниқ фанлар алломалари; Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Абу Зайд Дабусий, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Бурҳониддин Маргиноний, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби ҳадис, калом, дин ва тасаввуф илми уламолари; Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳофиз Хоразмий, Мавлоно Лутфий Шоший, Алишер Навоий, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Моҳларойим Нодира, Жаҳонотин Увайсий, Зокиржон Фурқат ва уларнинг сафдошлари бўлган сўз санъаткорлари эса Ватанимиз ўтмиши қиёфасини тасаввуримизда жонлантиради.

Президентимиз Ислоҳ Каримов шунинг учун ҳам миллий-маънавий қадриятларимиз вакилларининг таваллуд тантаналарини нишонлаш хусусида шундай ёзган эдилар: „Халқимиз республикамиз ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва юртимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлигини бежиз эмас, деб уйлаймиз. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз

уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало, ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз“<sup>1</sup>.

Инсониятнинг абадиётга мансуб буюк фарзандлари сафида бу йил таваллудининг 525 йиллиги нишонланаётган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ўрнига эга. Кишилиқ тарихида Бобурчалиқ шахсий имкон, иқтидор ва фазилатлари беқиёс кишилар жуда кам учрайди.

*Бобур — буюк подшоҳ, мумтоз шоир, назарийётчи адабиётшунос, фақиҳ, тилшунос, санъатшунос, этнограф, ҳайвонот ва наботот оламининг билимдони* сифатида кўпқиррали фаолият ва ижод соҳиби эди. Биргина „Бобурнома“ унинг йигирмадан ортиқ соҳаларга қизиққанлигига яққол мисолдир.

*Бобур, биринчи навбатда, шоҳ, бобурийлар сулоласининг асосчиси.* Балки, бобурийлар жаҳон тарихида энг узоқ йиллар (332 йил) ҳукмронлик қилган сулола бўлиб чиқар...

У подшоҳ сифатида лашкар тортиб шоҳларга хос мағлубиятларнинг аччиқ аламларини зафарларнинг улуғвор нашидаларини суришни кўп мартаба ўз бошидан кечирди. Отаси сингари улуғ ҳимматли ва олий мақсадли шахс бўлганлигидан Фарғона вилоятини кичик жой деб ҳисоблаб, Самарқандга интилди. У ерда Шайбонийхондан енгилиб, Кобулга келди ва кейин Ҳиндистондек бепоён йирик мамлакат ҳукмдорига айланди.

Буюк шоҳ Бобур Ҳиндистонда темурийларга хос улуғ бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди: муҳташам қасрлар тиклаш, ариқ-каналлар қазош, боғроғлар бунёд этиш, адабиёт, илм-фан ривожига ҳомийлик қилиш, элни адолат билан бошқариш сингари фазилатлар кейинчалик Ҳиндистоннинг буюк фарзандлари томонидан чинакам ижобий баҳоланди. Ҳиндистоннинг буюк донишманд фарзанди, давлат арбоби Жавоҳирлаъл Неҳру ўзининг „Ҳиндистоннинг очилиши“ ва „Жаҳон тарихига бир назар“ асарларида Заҳириддин Муҳаммад

<sup>1</sup> Ислоҳ Каримов. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари. Ўзбекистоннинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари. Тошкент, 1990, 70-бет.

Бобур ҳақида самимиятга тўлиқ ушбу фикрларни изҳор этган:

„Бобур — дилбар шахс. Уйғониш даври ҳукмдорининг ҳақиқий намунаси. У мард ва тадбиркор одам булган.“

Бобур ўта маданиятли ва жозибали инсонлар орасида энг етук инсонлардан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди... Бобур санъат ва, айниқса, адабиётни севарди“.

Бугун Ҳиндистоннинг Панипат шаҳрига борган киши Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Султон Иброҳим Лудий билан булган тарихий музаффарона жанги манзараларини шаҳарнинг очиқ осмони остидаги музейда кўраркан, улуг ҳинд халқининг Бобурга нисбатан ҳурмат-эҳтироми кучлилигига амин бўлади. Ёки Бангладеш пойтахти Дакка шаҳрини кезган киши „Лаълбоғ-қалъа“ тарихий музейига кириб Бобур ва бобурийларга бағишланган хоналарни кезаркан, Бобур ва унинг ворисларига тегишли кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, Устод Алиқули қуйган тошотар тўплар, милтиқлар — туфаклар, совут, қилич-қалқонлар, дубулга, от кежимларини(ўқ ва қилич зарбасидан ҳимоя қилувчи ёпинчиқлар), ўша давр кишиларини ўз замонлари либосларида томоша қилган киши Ҳиндистон ва Бангладеш халқларининг Бобур ва бобурийларга бўлган ҳурматларини ёрқин тасаввур эта олади.

Бу мозийгоҳда бўлган адиб Қамчибек Кенжа „Андижондан Даккагача“ номли сафарномасида ҳаяжонини яшира олмай ёзади:

„Ҳиндистон ва Покистон шаҳарларида кўп мозийгоҳларда, жумладан, Ҳайдарободдаги машҳур Соларжанг, Лоҳурдаги миллий музейларда бўлган эдик. Лекин Шарқ оламининг олис бир четида фақат ва фақат бобурийлар ҳаёти, уларнинг подшолик фаолиятига оид ягона, махсус музейни кўрамиз, деб сира ўйламовдик“.

Ҳиндистон ва Бангладешда Бобур ва бобурийлар салтанати шунчалик қадрланишидан Бобур ва ворисларининг подшоликлари бу юртларда хайрли чуқур из қолдирганлиги маълум бўлади.

„Бобурнома“нинг котиби Бобурнинг улуг подшоҳларга хос саккиз шахсий фазилатини қайд этган:

„Ва маҳолдурким, ул подшоҳи қобилнинг яхшилигларини айтган билан ва битиган билан тугангай. Лекин мужаммал буким, секкиз сифати асил анинг зотига муттассил эди: бириси буким, нажҳати баланд эди; иккимчиси, ҳиммати аржуманд эди; учимчиси, вилоят олмоғ; тўртумчиси, вилоят сахламоғ; бешумчиси, маъмурлуғ; олтимчиси, рафоҳият нияти Тенгри таоло бандаларига; еттимчиси, черикни кўнгли(ни) қўлга олмоқ; секкизимчиси, адолат қилмоқ“.

Матн табибли: „У қудратли подшоҳнинг яхшиликларини айтган билан ва ёзган билан тугатиш маҳолдир. Лекин қисқаси буки, саккиз асл сифат унинг зотига хос эди: бири буким — иқболи баланд эди; иккинчиси — ҳиммати юксак эди; учинчиси — вилоят олмоқ; тўртинчиси — вилоят сақламоқ; бешинчиси — маъмурлик; олтинчиси — Оллоҳ бандаларига фаровонлик нияти; еттинчиси — лашкар кўнглини қўлга олмоқ; саккизинчиси — адолат қилмоқ“.

Буюк тарихий сиймо сифатида Бобур шахси Европа ва АҚШ шарқшуностарихчи олимлари диққат-эътиборини ўзига жалб этган. Инглиз тарихчиси Эдуард Ҳолден, аввало, Бобурни машҳур Юлий Цезар билан қиёслашни лозим топади: „Бобур феъл-атворига кўра Цезарга қараганда севишга арзигуликдир. Унинг манглайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган“.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида роман ёзган „Бобурнома“нинг инглиз таржимони Уилям Эрскин Бобурни Осиё подшоҳларига қиёсан шундай баҳолайди:

„Саховати ва мардлиги, истеъдоди, илм-фан, санъатга муҳаббати ва улар билан муваффақиятли шугулланиши жиҳатидан Осиёдаги подшоҳлар орасида Бобурга тенг келадиган бирорта подшоҳ топилмайди“.

**Бобур — соҳибдевов, соҳир шоир.** Бобур шуҳратда даҳо Алишер Навоийнинг ёнида турадиган мумтоз сўз санъаткори, шоир ва адибдир. Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоҳ ва шоири Бобур билан беллаша олмайди. Шеър-



ят учун хос булган бир неча заруратлар: нуктапардозлик (янги фикрлар айта олиш маҳорати), жозибали бадиий санъатлардан меъёрида усталик билан фойдаланиш сеҳргарлиги ва эҳтирос жўшиб турган рангин туйгулар талқини бобурина самимий шеърият фазилатларидир. Бунинг устига унинг мумтоз шеъриятга дадил киритган таржимаи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеъриятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйгуларига жон багишлайди. У она шаҳри, Ватани соғинчларини шеърда ифодалар экан, Ҳиндистон шаҳаншоҳи бехтиёр ўзининг андижонлик ғариблигига китобхон эътиборини тортади:

*Не ерда булсанг, эй гул,  
андадур чун жони Бобурнинг,  
Ғарибингга тараҳдум айлагилким,  
андижонийдур.*

Шоирона юртсеварлик, ватанфидойлик Бобур шахсида шунчалик тантана қиладики, буюк император Бобур энди Андижондан йироқликни, гарчи бу мартаба Ҳиндистон тахти бўлса ҳам, қисматдаги юз қаролик, деб ҳисоблайди:

*Толёй йўқи жонимга балолиг булди,  
Ҳар ишники айладим хатолиг булди.  
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзладим,  
Ё Раб, нетайин, не юз қаролнг булди?!*

Шеър таъсирчанлигини таъминлаган фикрий кашфиёт: толесизлик, жонга бало орттиришлик, хато қилишлик, юзи қаролик — буларнинг ҳаммаси ўз юртидан бош олиб кетишда, ғарибликни бўйинга олишдадир.

Кечагина Бобур ўзининг Кобулга ташрифи вақтинчалик экани, ҳамишалик (муқим) эмаслигига иқрор булган эди:

*Беқайдмену хароби сийм эрмасмен,  
Ҳам мол йягиштирур ланм эрмасмен.  
„Кобулда иқомат қилди Бобур“ дерсиэ,  
Андоқ демангизки, муқим эрмасмен.*

Ҳеч бир шоир Ватандан йироқлик фожиасини Бобурчалик кўптомонлама ва таъсирчан ифодалай олмаган бўлса керак.

Бобур газалларининг асосий мавзуси ошиқона эҳтирослар, муштоқликлар, ёлворишлар, изтироблару кўйиб-ёнишлардир.

Ошиқнинг маҳбубага илтижоси талқинида тазод усулида йигит юзининг кузги япроқдек сарғишу, сулувнинг лола юзи қирмизилигига диққат тортилгани таъсирчан:

*Хазон япроги янглиг  
гул юзуиг ҳажрида саргардим,  
Куруб раҳм айлагил, эй доларух,  
бу чеҳраи зардим!*

Ошиқона муносабатларнинг Бобур топган ажабтовур зиддиятига қойил қолмасликнинг иложи йўқ: ошиқнинг маҳбубаси айрилигига сабр қилиши жуда мушкул. Бироқ учрашувда — висолда ҳам уларнинг чиқишмоқликлари бунданда мушкулроқ:

*Агарчи сенсизин сабр айламак,  
эй ёр, мушкулдур,  
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи  
бисёр мушкулдур.*

Чунки:

*Мизожинг нозику сен — тунд,  
мен — бир беадаб телба,  
Сенга ҳолимни қилмоқ, эй пари,  
нзҳор мушкулдур!*

Шеърда нур ва соялар жилваси, яъни маъно жиҳатидан қарама-қарши сўзларни қўллаш таъсирчанликни таъминловчи омиллардан бўлиб, буни тазод (зидлов) санъати дейилади. Одатда, байтда бир-бирига зид маъноли икки сўз ушбу санъатнинг мисралардаги кўрсаткичи бўлади.

Бобур тазод санъатидан фойдаланишда маҳорат курсатиб, зид маъноли икки сўзни эмас, тўрт сўзни эмас, олти сўзни бир байтда қарама-қарши маъноларда тиза олади:

*Нетгаймен ул рафиқ билаким,  
қилур баса,  
Меҳру вафо — рақибга,  
жавру жафо — менга.*

Байтдаги ўзаро зид маъноли тазод кўрсаткичларини тизиб кўрайлик:

*рафиқ — рақиб;  
меҳр — жавр;  
вафо — жафо.*

Ошиққа жафокор, рақибга лутф-марҳаматли офатижон маҳбубанинг феъл-атвори ана шундай зидлов усулида бир байтдаёқ ойдинлашади.

Алишер Навоий бадиий тасвир воқиталаридан ийҳом санъатининг „хосса

маъно“ ифодаловчи унсурлигини қайд этган эди. Бобур шеърятти байтда бир ёки икки сўзни икки маънода қўллаш санъати булган ийҳомга жуда бойдир. Чунончи, унинг қуйидаги байтида „сўрорим бор“ бирикмаси сурамоқчиман ва сўрмоқчиман маъноларида қўлланган:

*Лабияг багримни қон қилди,  
кўзумдин ёш равон қилди,  
Нега ҳолим ёмон қилди,  
мен овдин бир сўрорим бор.*

Бугина эмас, ҳатто таржимаиҳоллик хусусияти сингдирилган ушбу рубоийнинг тўртинчи мисрасини қуйидагидек тўрт хил талқин қилиш мумкинки, Бобурнинг ўзи қайси мисра маъносини назарда тутгани китобхонга жумбоқлиги-ча қолади:

*Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,  
Гар ул сори борсанг, будурур дилхоҳим:  
Ким, арзи дуо ниёз ила қилгойсен,*

1. Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.
2. Гар сўрса мен хастани гулрух Моҳим.
3. Гар сўрса мен хастани Гулрух моҳим.
4. Гар сўрса мен хастани Гулрух,

*Моҳим.*

Зеро, мумтоз адабиётнинг мумтозлиги ҳам сўз, бирикма ва мисраларнинг турфа маъно товланишлари ва кўпмаънолилиги, ўқувчини фикр юритишга рағбатлантириши билан изоҳланади.

Маълумки, Бобур фарзандларининг оналари Гулрух бегим ва Моҳим бегим эдилар. Шунинг учун рубоий сўнгги мисрасининг қолган уч мазмунини юзага чиқаришга уриндик.

Ҳарфий бадий тасвир воситаларидан жозибалиси ва мураккаброғи истихроҷ санъатидир. Буни тасаввур этиш учун аввал оддий истихроҷга Бобур ижодидан мисол келтирайлик:

*Қаддинг алифу, қошинг эрур ё,  
Десам не ажаб агар сени ой?*

Ошиқ севгилисининг қоматини алифга, қошини ё ҳарфига ўхшатиб, уни „ой“ деб даъво қилмоқда. Зотан, алиф, ё ҳарфларидан ой сўзи ҳосил бўлади...

Энди ҳарф айтилмайдиган мураккаб истихроҷ қатнашган байт намунасини кўрайлик:

*Оғзияю икки зулфу қади булмаса манга,  
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.*

Адабий анъанага кўра оғиз „мим“ ҳарфига, зулф „лом“ ҳарфига ва қад — „алиф“ ҳарфига ўхшайди. Ана шуни назарда тутган ҳолда ҳарфларни тизсак, эски ёзувда матндаги „малол“ сўзи ҳосил бўлади.

Купинча мутахассислар ҳам истихроҷнинг бу турини ҳадеганда илғайвермайдилар. Чунки ҳозирги байтда таҳлилчи диққатини аввало оғизни гунча, зулфни райҳон, қаднинг сарвга ухшашлиги системаси ўзига тортади ва у беихтиёр байтдан лаф ва нашр санъатини кузатади.

Ғазалларининг асосий қисми ута содда, мислсиз маҳорат билан битилган саҳли мумтанеъ маҳсулидир:

*Эй юзи насрин, қомати шамшод,  
Неча қилурсен жонима бедод?*

*Сен киби пуркор, шеваси бисёр,  
Билмади, эй ёр, ҳеч киши ёд.*

*Жаврда нодир, зулмда моҳир,  
Ишвада қодир, ғамзада устод.*

*Ёр ғамидин, ҳажр алаидин,  
Сабр камидин волаю фарёд!*

*Бобури бедил, эй бутя қотил,  
Жаврунга мойил, зулмунга муътод.*

Саҳли мумтанеъ — кўринишидан осон, жўнгина туюладиган, аслида эса, бундай ёза олиш жуда мураккаб бўлган антиқа баён услубидир. Бу услубни биз Бобур ва Мапраб ижодидагина кузатамиз, холос. Юқоридаги ғазал бичими киши эғнида таранг турадиган нафис устки кийимни эслатади. Анъанавий ташбеҳ бичим таранглиги туфайли ўзгача таъсир кучига эга бўлади. Қисқа мисраларнинг ички қофиялар билан таъминлангани, уларнинг ҳар бирини яна икки булакка бўлади. Натижада байт тингловчида тўртликдай таассурот қолдиради. Бу эса жарангдорликни янада кучайтиради:

*Жаврда нодир,  
Зулмда моҳир,  
Ишвада қодир,  
Ғамзада устод.*

Шу биргина байтнинг поэтик фазилатларини бир дафтар қилиб шарҳласа арзийди. Иккитагина мисрада яратилган маъшуқа тимсоли феъл-атворининг купқирралилигига эътибор берайлик. Янгича поэтик шакл муъжиза содир

этиб, анъанавий фикрларга янгидан жон ато этган, залвор берган, оҳорли қилган. Улкан полотно миниатюрага нисбатан юз баравар таъсирчан эканлиги санъатшуносликда маълум. Аммо Бобур шу таъсирчанликни тескари амалиётда юзага чиқарган.

Улкан полотно — дostonлардаги тасвирни жажжи байт — миниатюра ҳолатига келтириб мўъжиза яратган.

Шу биргина байтда шоир ишвада қудратли, ғамза қилиш(кўз сузиш)да устоз даражасидаги, жабрнинг кўз кўриб-қулоқ эшитмаган хилларини ошиқ бошига сола оладиган, зулми моҳирлик билан ўтказа оладиган маҳбуба сиймосини ярата олган.

Бобур жозибали мумтоз газаллар ижодкоригина эмас, у рубоий жанрида ҳам уз шахсий услубини намойиш эта олган улкан санъаткордир. Узбек мумтоз адабиётининг рубоий жанри ривожига Бобурнинг ўрни алоҳидадир.

Фалсафий ва тасаввуфий рубоийчиликда Умар Хайём форс адабиётида пешво булганидек, Бобур узбек адабиёти рубоийчилигида икки жиҳатдан: рубоийларининг кўплиги ва рубоийга таржимаи ҳолга доир деталларни сингдиргани билан бошқа мумтоз шоирларимиздан устун туради.

Бобур бу кичик лирик жанр намуналарида уз исми, гоҳ вафодор хотинлари — Моҳимбегим ва Гудрухбегим, гоҳ ўгли Комрон, гоҳ хушовоз ҳофиз Рухдамнинг исми шарифларини муҳрлаган. Шуниси эътиборлики, Бобур рубоийларининг мавзулари гоят хилма-хил. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, диний-тасаввуфий, севги-муҳаббат, дўстлик-тотувлик, ҳаётга муҳаббат, ёрудиёр, нифоқ ва ноиттифоқлик, жўмардлик ва тантилик, ҳаётдан тўйиб кетиш ва далли-девоналик сингари талқинлар маънавий теранлигию табиийлиги билан ўқувчини мутолаага мойил этади.

Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, „Вақоеъ“ („Бобурнома“) Бобур саргузаштларининг воқеий тарихий лавҳаларидан иборат бўлса, унинг рубоийлари ана шу қомусий асарга ўзига хос иловадир. Зотан, „Бобурнома“ воқеалар баёни бўлса, рубоийлар ўша воқеалар иштирокчиси Бобурнинг ҳис-туйғулари галаёни ифодасидир.

Таржимаи ҳолнинг рубоий ёки газалга дахли бадиий матнга ҳужжатлилик бахш этади; ҳужжатлилик эса умумийликдан кўра таъсирчанликда устунлик қилади. Чунки китобхон умуман лирик қаҳрамондан кўра, Бобурнинг ўзини юракка яқинроқ олади.

Шуниси диққатга сазоворки, муайян рубоийда, юзаки қараганда, таржимаи ҳолга доир ҳеч қандай белги курунмайди. Агар биз унга адабиётшуноснинг ўткир кўзи билан боқиб, тадқиқ эта бошласак, у рубоийнинг кимга аталгани ва унинг исботини ҳам манзур этишимиз мумкин. Чунончи, Бобурнинг:

*Ашъорингким, шеър оти то булғай,  
Табъ аҳли анга волау шайдо булғай.  
Ҳар лафзи дуру баҳри маони анда  
Ким кўрди дуреки анда дарё булғай?! —*

рубоийсини ўқиганимизда гап ким ҳақида бораётганини аниқ билмаймиз. Хаёлан мазмунини тушуниб олишга ҳаракат қиламиз:

*Дунёда шеър номи бор экан, сенинг шеърларингга истеъдоддиллар мафтуну шайдо буладилар. Шеърларингнинг ҳар бир сўзи — гавҳар, лекин у гавҳарда маънолар денгизи жойлапган. Денгизни ўзига сингдира олган гавҳарни ким кўрипти?*

Ўйлаймиз: у қандай буюк шоир эканки, дунёда то шеър оти бор экан истеъдодли шоиру адиблар унинг шеърларига мафтун ва шайдо буладилар?

Бобур — қаттиққўл адабиётшунос. У кимни бундай улуғ мақтовлар билан сийламоқда?

„Бобурнома“даги қуйидаги сатрларни куз олдимиёзга келтирамиз:

„Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эмас...“;

„Бу иккинчи навбат Самарқандни олганда, Алишербек тирик эди. Бир навбат манга китобати ҳам келиб эди. Мен ҳам бир китобат йибориб эдим, орқасида туркий байт айтиб, битиб йибориб эдим“.

Балки, Бобур ёзган мактуб варагининг „орқасида байт айтиб, битиб йибор“ гани шу рубоийдир?

Исботи шуки, оламдаги бирор шоир „Мен гавҳарга денгизни жойлаганман“ демаган. Алишер Навоий эса ана шу гапни айтган:

*Дур булур баҳр ичра пинҳон назмедия  
шаҳ мадҳида,  
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури  
макнун аро.*

Бобур юқоридаги байтда даҳо устознинг ушбу байтига ишора қилиб, талмеҳ санъатининг риёзий намунасини қўллаган. Демак, рубоий Алишер Навоийга аталган бўлиши мумкин экан...

Бобур шоиргина эмас, йирик адабиёт назариётчиси ҳамдир. Шеършуносликда аруз вазни масаласи ҳамиша асосий ва долзарб бўлган. Нега шоҳ Бобур бу соҳага жуда қизиқади? Гап шундаки, шеърятда кўп вазн қўллаш ҳодисаси муайян маънода шу адабиёт нуфузи ва савиясини белгилайди.

Ҳатто Ҳусайн Бойқаро девонидаги газаллар бир вазнда ёзилганини махсус қайд этар экан, бу ҳолни Бобур ижобий ҳодиса деб қарамаган.

Бобургача ўзбек тилида аруз илмига доир икки рисола ёзилган. Биринчиси — Шайх Аҳмад бин Худойдод Тарозийнинг „Фунун ул-балога“ (1436/37) асари бўлиб, бундаги тўрт илмнинг бири аруздир.

Иккинчиси — Алишер Навоийнинг „Мезон ул-авзон“ асаридир. Бу рисолада 140 вазн ҳақида илмий маълумот берилган.

Навоийнинг „Фунун ул-балога“ асаридан хабари бўлмаган кўринади. Бобур ўзбек тилидаги арузшуносликнинг бу манзарасидан яхши хабардор бўлгани учун ундан қониқмаган ва бу соҳага ҳисса қўшишга шайланган.

„Бобурнома“ни кўчирган котиб Бобурнинг аруз рисоласи номини „Муфассал“ деб курсатади. Дарҳақиқат, Бобур бу рисолаи шундай ёзганки, унда асл, фуруъ ва зиҳофлар юзасидан ишлаб чиқилган 537 вазн миқдорига аҳамият берилса, тадқиқотнинг бежиз „Муфассал“ деб аталмаганига амин буламиз. Ушбу маълумот келгусида Бобурнинг аруз рисоласи номини турли нашрларда ва мактаб адабиёт дарсликларида „Муфассал“ тарзида эълон қилинишини тақозо этади...

**Бобур — фикҳ олими.** Фикҳ — мусулмончилик фарз ва суннатлари ҳақидаги амалий низоми илмидир. Бобурнинг нега бу соҳага қизиқганини унинг

исми шарифи маъно-мазмунидан мушоҳада қилсак мақсадга мувофиқ бўлади. Зотан, исми ва унинг маъноси инсоннинг феъл-атвори ёки умрбод фаолиятининг мазмунини белгилайдиган муҳрдир.

Биз „Заҳрирдин Муҳаммад“ — унинг исми, „Бобур“ адабий таҳаллуси деб мулоҳаза юритамиз. Аслида эса, Мирзо Олим Мушрифнинг „Ансоб ус-салотин фи таворихи хавоқин“ („Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихи“) номли тарихий асари ва Бобурнинг қуйидаги рубоийсига қараганда учала сўз ҳам шоҳ ва шоиримизнинг исми шарифидир:

*Туз оҳ Заҳрир дини Муҳаммад Бобир,  
Юз оҳ Заҳрир дини Муҳаммад Бобир.  
Сарриштаи айшдин кунгулни зинҳор  
Уз оҳ Заҳрир дини Муҳаммад Бобир.*

Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмов уч жилдлик Бобур „Асарлар“ининг I жилдида ушбу рубоийни шу тарзда манзур этганлар. Нашрга тайёрловчилар китобхон исми маъносига аҳамият берсин, дея шундай қилишган. Чунки рубоийнинг аслияти қуйидагича кўчирилмоғи керак эди:

*Туз оҳ Заҳрирдини Муҳаммад Бобур,  
Юз оҳ Заҳрирдини Муҳаммад Бобур...*

Мирзо Олим Мушрифнинг „Ансоб ус-салотин фи таворихи хавоқин“ номли тарихий асари маълумотларига қараганда, Умаршайх мирзонинг тўнгич ўғлига бу исми Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор қўйган. Исм сўзларининг шарҳига келсак: Заҳрир дини Муҳаммад — Муҳаммад динининг таянчи, посбони, демакдир. Бобур — бабр(шер)сифат, шердек деган маънога моликдир.

Шунинг учун ҳам Заҳрирдин Муҳаммад Бобур бир умр шариятпаноҳ ҳукмдор бўлиб яшади; шариятга амал қилди; шаръий ҳукмлар берди ва фикҳга оид „Мубаййин“ (баён этилган) номли асар ёзди. Ушбу китобда муаллиф фарзандлари билиши зарур бўлган фарз асосларини (имон, намоз, рўза, закот, ҳаж) уташ масалаларини шеърӣ усулда бутун муфассаллиги билан баён этди.

Бобур ёзади:

*Билгасен, эй хужаста фарзанд,  
Жигарим бирла жонима пайванд.*

*Масалаларки, ул зарур эрди,  
Билмасанг дининга қусур эрди.*

*Етти кўнглумгаким, йиғиштурсам,  
Назм тартибида сиғиштурсам.*

*То ани забт қилгасен осон,  
Ул масойилни билгасен яксон...*

*Дину довишда ҳар кун афзул бул,  
Давлату бахт ила Ҳумоюн бул...*

Матннинг охириги мисрасидаги ийҳом сўз уйини(ҳумоюн, Ҳумоюн)да исм келтирилган бўлса, демак, „Мубаййин“ валиаҳд фарзанди Ҳумоюн мирзога бағишланган бўлиб чиқади. Агар ундан кейинги байтдаги сўз уйини (Комрон, комрон) да атоқли от инobatга олинса, балки бу рисола угли Комрон мирзога атаб ёзилгандир, деб тахмин қилиш ҳам мумкин:

*Комрон бул жаҳонда, давлат кўр,  
Юз туман обрўю иззат кўр.*

XX асрда „Мубаййин“ таркибидаги „Китоб уз-закоат“, „Китоб ул-ҳаж“, „Китоб ус-салот“ қисмлари алоҳида китоблар ҳолида бир неча маротаба нашр этилган эди. Ниҳоят, „Мубаййин“ тулалигича профессор Саидбек Ҳасанов томонидан 2000 йили нашр этилди.

XVI асргача фикҳга оид асарларнинг асосан араб ва форс тилларида битилганини инobatга олсак, эл устида турган Бобурнинг ўз миллатдошлари — ўзбеклар тушунадиган тилда бундай асарлар яратгани нақадар муҳим ва долзарблигини аниқроқ тасаввур этиш мумкин.

„Бобурнома“ котиби бу ҳақда: „...маснавий китоби ҳам борким, оти „Мубаййин“ дур деб маълумот берар экан, ҳаяжонини яшира олмай мақтовга утади: „Тил билур доно халқ орасида анингдек латойиф (ажойиб китоб) йўқтур“.

**Бобур — бадий таржимон.** Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва уларнинг фарзанду невараларига ҳурмат-эътибори катта бўлган. Хожа невараларидан икки киши Бобур хизматида бўлган. Айниқса, Хожа Калоннинг Бобур билан қадрдонлиги бир умрлик хизмати билан изоҳланади.

Бобур Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг форс тилида насрда ёзилган „Волидия“ асарини шеърый усулда ўзбек тилига таржима қилган. Хожа Убайдуллоҳ бу асарни оталарининг тавсиялари билан ёзган:

*Отаси қилган учун таклифе,  
Қилди онинг отига таълифе.*

Бобур ота сифатида бу асардаги ота тилидан фарзандга айтилган диний-таълимий угитларни ўз фарзандларига етказиш учун ушбу китобни назмда она тилига угирган.

Нега насрда эмас? Чунки назмни хотирада сақлаш имкони каттадир. Қолаверса, назмнинг ҳурмат ва эътибори насрга нисбатан жуда юқори ҳисобланган.

Таржимон таржимани бошлаш ва охирига етказиш сабабини „Вақоеъ“да шундай баён этади (матн табибли): „Жума куни, оининг йиғирма учинчисида баданимда иситма зоҳир булди. Шундай булдики, жума намозини масжидда қийналиб ўқидим. Эртасига пешин намозини эҳтиёт юзасидан китобхонада бироз муддатдан сўнг ўқидим. Индини, якшанба куни яна иситмам чиқди, озроқ титрадим.

Сешанба кечаси, сафар оинининг йиғирма еттинчисида ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг „Волидия“ рисоласини назм қилмоқ фикри кунглимга келди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кунглимдан кечирдимки: агар бу манзума ҳазратга маъқул бўлса, худди „Қасидаи Бурда“нинг қасидаси маъқул бўлиб, соҳиби фалаж касалидан халос бўлгани сингари, мен ҳам бу хасталиқдан фориғ бўлсам, назмим қабул қилинганига шу далил бўларди. Ушбу ният билан... рисолаи назм этишга киришдим. Уша кечанинг узида ўн уч байт ёздим. Худди атайин келишилгандек, ҳар куни ўн байтдан кам битилмас эди. Дарвоқеъ, бир кунгина бу иш қилинмади. Ўтган йили ва балки ҳар гал бу хасталикка чалинганимда, ақалли бир ой, қирқ кун огрирдим. Тангри инояти билан, ҳазратнинг ҳимматидан, пайшанба куни, оининг йиғирма тўққизинчисида бирозгина иситмаладим, кейин мутлақо тузалиб кетдим. Шанба куни, раби ул-аввал оинининг саккизинчисида рисола сўзларини шеърга солиш ниҳоясига етди...“.

„Волидия“ рисоласи инсон ихтиёри ва фаолиятини Оллоҳ билан боғлаш, унигина зикр этиш, сўзи („Қуръон“)ни ёдлаш ва айтишни тавсия этувчи, инсоннинг ҳаётий фаолияти, еб-ичиш, майшатда ўртачаликка чорловчи панднома, насихатномадир. Шунинг учун ҳам гар-

чанд асар шеърга солинган булса-да, матнда асосий диққат шоирона сеҳрсозлик эмас, балки Хожа насиҳатларини китобхонга аниқ етказишга қаратилади.

Шундай бўлса-да, шеър сеҳрига қизиқувчилар, бадий унсурларга аҳамият берувчилар учун асар бошидаги бир байтдаги лафзий ва маънавий тасвир воситаларини кузатамиз. Оллоҳ ҳамдидан:

*Тил анинг ҳамдида қосирдур, бил,  
Бил, анинг ҳамдида қосирдур тил.*

Ижодкор лафзий санъатлардан такрорнинг беш-олти хилидан фойдаланган. Чунки такрор санъатлари таъкид ва таъсирчанлик унсурларидан ҳисобланади. Аввало байт бошидаги ва охиридаги остин ва устин икки сўзга аҳамият берайлик.

Биринчи мисрада қатнашган „тил“ ва „бил“ сўзлари иккинчи мисрада урин алмашиб такрорлангани туфайли тарду акс санъати қўлланилган.

Байтни бошлаган сўз („тил“) байт охирида такрор келса („тил“) тасдир санъати бўлади.

Биринчи мисра охиридаги сўз („бил“) такрори билан иккинчи мисра бошланса тасбе санъатидан даракдир.

Байтнинг боши ва охиридаги сўзлар уртага олган сўзларга аҳамият берамиз: „анинг ҳамдида қосирдур“ сўзлари ҳар икки мисрада қофия олдидан такрорланмоқда. Бу усул ҳожиб санъати намуна-сидир.

„Тил“ ва „бил“ сўзларининг байт бошидаги оҳангдошлиги музораа санъати иштироки туфайлидир. Байтдаги фикрни „бил“ деб букориш эса амр санъатидан даракдир.

Тилнинг Оллоҳ мақтовида(ҳамдида) восита эканлиги ва айни пайтда қосирлиги — тегишлича мақтовга яроқсизлигига аҳамият берилса: тил, ҳамд ва қосир сўзларининг ўзаро дахлдорлиги туфайли таносиб санъати қўлланганига амин бўламиз.

Ниҳоят, биринчи ва иккинчи мисралардаги барча сўзларнинг остин ва устин ҳолатини назарда тутсак: улар оҳангдошлик вазиятидирлар. Демак, байтдаги остин ва устин турган сўзларнинг ўзаро оҳангдошлиги (музораа, такрор ва қофия) тарсеъ санъати иштирокини кўрсатмоқда.

Демак, Бобур бу байтда тарду акс, тасбе, тасдир, тарсеъ, музораа лафзий санъатларини, амр ва таносиб маънавий санъатларини қўллаган экан...

**Бобур — янги ёзув кашфиётчиси.**

Маданият тарихида ёзувларнинг аҳамияти катта. Маънавий меросни, маданият ва санъатни кейинги авлодларга етказадиган муҳим восита — ёзув (хат) дир. Туркийлар ўз узоқ тарихларида кўплаб ёзувлардан, чунончи, турк-руний ёзувидан, араб ёзувидан, уйғур ёзувидан фойдаланганлар. Бобур араб ёзувида савод чиқарган ва умри бўйи шу ёзувда икки-уч тилда матн битган, бу ёзувнинг ифода имкониятлари, ўзлаштириш усуллари яхши билган. Шунинг учун у бу ёзувни янада мукаммаллаштириш, осонлаштириш, сўзни ҳар хил ўқиш нуқсонларини бартараф этиш мақсадида янги ёзув — Бобурий хаттини кашф этди. Унинг бу жасорати, биринчидан, маънавий ва саводхонликка куюнчаклигидан бўлса, иккинчидан, ўқиш ва ёзишни осонлаштириш, қулайлаштиришга интилиши туфайли эди.

Бобур замонида ёзувни янгилаш ёки янги хатни жорий этишга уриниш осон эмасди. Чунки араб ёзуви — „Қуръон“ ёзуви эди. Шунинг учун Бобурий хаттини амалиётга жорий қилиш ниятида Бобур бу хатда, аввало, Қуръони каримдан икки нусха тайёрлаб, бирини Маккага, иккинчисини Теҳронга жунатади.

Бобурий хатти ҳақидаги маълумотларга Бобурнинг девонида бир маротаба ва „Бобурнома“да кўплаб маротаба дуч келамиз. Шоир бир газалида ёзади:

*Турклар хатти насибинг бўлмаса,  
Бобур, не тоғ,  
Бобурий хатти эмасдур,  
хатти сигноқидурур.*

Мутахассисларнинг фикрларига қараганда, Бобурий хаттининг амалдаги араб ёзувидан фарқи (гарчанд шу ёзув асосида яратилган булса-да) ва афзалликлари имлода сўз аниқлиги(ҳар хил ўқилмаслиги), ёзиш ва ўқишнинг қулайлиги билан изоҳланади. Буни „Бобурнома“да келтирилган қуйидаги парча мазмунидан ҳам билиб олиш мумкинки, Бобурий хатти алифбоси билан илк бор танишган киши шу ўрганиш жараёнидаёқ бирмунча сўзларни ёза олган(матн табдили):

„Мурғобда мирзолар билан мулоқот қилганимда, Қози Ихтиёр Муҳаммад Мир Юсуф билан келиб мени кўрдилар. Бобурий хаттидан сўз чиқди, муфрадотни (ҳарфларини) сўради, ёзиб бердим. Уша базмдаёқ муфрадотни ўқиб, қоида-сига амал қилиб, бир нималар ёзди“.

Матндан икки нарсани: аввало, Қози Ихтиёрнинг ута зийраклигини, сунгра Бобурий хаттининг ўқиш ва ёзишга қулайлигини билиб оламиз.

Таассуфки, биз билмаган сабабларга кўра, бу ёзув ҳаётга жорий этилмасдан қолиб кетган.

„Бобурнома“нинг охирги варағидаги котиб иловаларига эътибор берилса, Бобурнинг яна бир неча китоблар ёзгани ҳақида маълумот олиш мумкин (матн табдили): „У подшоҳнинг мусиқа илмидан ҳам хабари бор эди“; „У подшоҳнинг аруз ва қофияга доир ҳам рисолалари бор“.

Мусиқага оид айрим китобларда Бобурнинг „Мусиқа сирлари“ номли рисоласи тилга олинади. Афсуски, бу асарни излаш ҳозирча ижобий натижа бермаяпти.

Бобурнинг қофия илмига оид рисола-сининг номи ҳам номаълум, ўзи ҳам ҳануз топилган эмас.

Бобурнинг ҳарбий саркарда сифатида бир умр катта-кичик жанг-жадалларда бўлгани маълум. Унинг ҳарбий санъат сирларига жуда қизиқганини „Бобурнома“ни ўқиган киши билиб олади. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг „Ҳарб иши“ номли рисоласи ҳақида ҳам маълумотлар бор, аммо асарнинг ўзи ҳозирча топилмаган.

**Бобур** — „**Бобурнома**“ **ижодкори**. Биз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мумтоз шоир сифатидаги шуҳратидан воқифмиз. Биз ўзбеклар учун Бобур бошқа барча мумтоз шоирларимиз каби азиз ва муҳтарам.

Бироқ Бобурга жаҳоний шуҳрат келтирган асар унинг „Девон“и, „Мубаййин“и ёки „Аруз рисоласи“ эмас, балки „Бобурнома“, янада аниқроғи, унинг турли тилларга қилинган таржималаридир.

XV—XVI асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Афғонистон, Эрон ва Туркияда форс тили ва адабиёти нуфузининг қай даражада юксак экан-

лигини „Бобурнома“ котиби ва таржимони сўзлари билан изоҳлаш мумкин: асарнинг форс тилига ўгирилиши Ҳиндистондан Туркиягача бўлган жуда улкан ҳудуд халқларига, зиёлиларига етиб борди, деган ишонч эди: котиб „Бобурнома“ни назарда тутиб ёзмоқда: „Ушбу китобким, „Бобурия“ дур, Байрамхонни ўгли Мирзохонга буюрдиларким, туркийдин форсийга келтургилким, туркий билмоғон халойиққа осон бўлгай“.

„Бобурнома“ни яна форс тилига ўгирган Рашид Ахтар Надвий Байрамхоннинг ўгли Абдураҳим Хони Хононнинг илк форсий таржимаси хусусида тўхталиб ёзади: „Шундан кейин жаҳон аҳли биринчи марта буюк тождор(Бобур)нинг сўз мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканидан хабар топди“.

Шоҳ, адиб, шоир, лашкарбоши Бобурнинг „Вақоеъ“ (Воқеалар), кейинчалик „Бобурнома“ номида шуҳрат қозонган асари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг онгли ҳаёти ва фаолияти муҳим қисмининг кундаликсимон баёнидир. Шунинг учун шоир бу асар ва унинг ўз таржимаи ҳолига нечоғли дахлдорлиги хусусида бир рубойида шундай ёзади:

*Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,  
Олам элидин турфа сяталар кўрдум,  
Ҳар ким бу „Вақоеъ“ни ўқур,*

*билгайким:*

*Не ранжу, не меҳнату, не гамлар кўрдум.*

„Бобурнома“, аввало, етук бадий асар. Бадий тасвирга хос талқинлар, воқеа-ҳодисаларни бутун воқеийлиги билан китобхон кўз олдида гавдалантира олиш, сўз устида санъаткорона ишлаш, услуб бақувватлиги — бу услубнинг бир хусусияти фикран саҳийлигу ихчам баён бўлса, иккинчи хусусияти — ўзигагина хослиги ва, энг муҳими, таъсирчанлик устуворлигидир.

Муаллиф гарчанд камтарлик билан кўпинча ўзини четроқ тортиб, „фармон бердим“ ўрнига „фармон берилди“ тарзида матнда ўз дахлини олдинга чиқаришдан тийилса-да, асардаги бош қаҳрамон — Бобурнинг ўзи бўлиб қолаверди. Фарғона, Кобул ва Ҳиндистондаги воқеа-ҳодисалар уммонида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ўктам шахсияти баралла кўзга ташланади.

Инглиз шарқшуноси Монстюарт Элфинстоннинг „Бобурнома“ ва унинг бош қаҳрамони ҳақида айтган қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир:

„Бу хотираларда буюк туркий подшонинг ҳаёти батафсил тасвирланган, унинг шахсий ҳис-туйғулари ҳар қандай муболага ва пардалашлардан холи. Унинг услуби оддий ва мардона, жонли ва образли. У ўз замондошларининг қиёфалари, урф-одатлари ва интилишларини, қилиқларини ойнадек равшан тасвирлайди. Шу жиҳатдан бу асар Осиеда ягона, чинакам тарихий тасвир намунасидир. Бобур ҳарбий одамнинг ташқи кўриниши, кийими, таъби ва одатларини ифода этади, мамлакатларни, уларнинг иқлими, табиати, хўжалиги, санъат ва ҳунармандлик намуналарини тасвирлаб беради. Лекин муаллифнинг ёрқин характери асарга энг куп жозиба бағишлайди“.

Асардаги воқеа-ҳодисалар муайян маънода унинг қисмат саргузаштларига чамбарчас тутшиб кетган. Шунинг учун асарни бошдан охиригача ўқиган китобхон ўсмир Бобурни, йигит шаҳзода Бобурни, ошиқ Бобурни, умрбод жанговар лашкарбоши Бобурни, подшоҳ ва мутафаккир, меҳрибон ота Бобурни, барча зафару мағлубиятлари, фазилатларини нуқсонлари билан равшан тасаввур эта олади. Муаллиф „Вақоеъ“ („Бобурнома“)ни ёзгани қўлига қалам олган кундан бошлаб воқеа-ҳодисалар талқини ва кишилар шахсиятига доир фикр-мулоҳаза ва маълумотларнинг фақат ростини ёзишга аҳд қилган (матн табдили): „Бўлган воқеаларни рост ёзганман. Чунки бу асарда шу нарса лозим топилганки, ҳар сўзнинг ростини битилади ва ҳар иш айнан қандай воқеъ бўлган бўлса, шундай айтилади“. Шу боис Бобур ҳар бир шахсга баҳо берганда унинг барча муҳим фазилатлари ва феъл-атворидаги нуқсонларини айтишга ҳаракат қилади. Бунда у мустасноликка йўл қўймайди, ҳатто отаси бўлса ҳам ўша икки зарурий ўлчовга амал қилади. Фақат отасига эмас, ўзига нисбатан ҳам.

Бобур, назаримизда, бир неча жиҳатдан камолот соҳибидир:

биринчидан, ўз қариндош-уруғлари-гагина эмас, бегоналарга ҳам меҳр-му-

руват ва ҳадялар саховатидаги олийҳимматлилик;

иккинчидан, ким бўлмасин, дўст ёки душманми, унинг шахсини холис, тўла-тўқис баҳолаш иқтидори;

учинчидан, шариатнинг толмас байроқдори, шариатпаноҳлилик;

ҳар бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ҳолатга баҳо ва ҳукми шаръан бериш салоҳияти, зинҳор бундан чекинмаслик;

тўртинчидан, жисмоний етуклик (чунончи, Хаштияк қишлоғида қирғоғи музлаган чуқур тезоқар ариқда куп мартаба чўмиб чиқади (матн табдили): „Менга гуслга эҳтиёж бор эди. Бир ариқ сувидаким қирғоқлари қалин муз тўнгуб эди, ўртаси сувнинг тезлиги сабабли муз боғламаган эди, бу сувга кириб гусл қилдим. Ўн олти қатла сувга чўмдим. Сувнинг совуқлиги хийла таъсир қилди“);

бешинчидан, кечиримлиликда мусулмони комилга хос энг юксак даража соҳиби эди (Бобур Ҳиротга, Ҳусайн Бойқаро таъзиясига кетганида поччаси Мирзохон Кобул салтанатини эгаллаб олади. Бобур қайтиб келиб, ўз тахтига эга бўлиб, ҳеч бир жазо чорасини қўлламай, Мирзохонни Хуросонга жўнатади. Бир йил ўтар-ўтмас Мирзохон қайтиб келиб, Бобурнинг ишончли ва эътиборли кишилари сафига қабул қилинади);

олтинчидан, ҳар соҳада фикр етуклиги — мутафаккирлик унга хос эди. Ижтимоий-сиёсий ҳодисалар, ахлоқий муаммолар, ҳатто адабиётшунослик соҳасида ҳам. Мутафаккирликнинг илк белгиларидан бири — йўл қўйилган хатодан тегишли хулоса чиқариб, тажриба ҳосил қилишдир. Бобур иккинчи марта Андижонга эга бўлгач, ўз кишиларининг мол-ҳолларини Жаҳонгир мирзо тарафдорларидан қайтариб олиш ҳақидаги ҳақли талабларига кўниб, бу ҳақда фармон бериб, хато қилади ва Андижондан яна маҳрум бўлади (матн табдили):

„Жаҳонгир мирзодек ганим ёнимизда ўтирганда элни бундай ҳуркитмоқнинг ҳеч маъноси йўқ эди. Мамлакатларни эгаллаш ва юрт сақлашда баъзи ишлар юзаки қараганда маъқул ва асосли кўринадди. Бироқ ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдир. Ушбу бир мулоҳазасиз ҳукм қилганимиздан қанчалик гавго ва тўполонлар содир



бўлди. Ахир Андижондан иккинчи маротаба чиқиб кетишимизга ушбу пухта уйланмаган ҳукмимиз сабаб бўлди“.

Ушбу кўчирмадаги „ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдир“ жумласи мутафаккир Бобурнинг ёмби фикридир.

„Бобурнома“нинг аҳамияти ва унинг ижодкори фазилатлари ҳақида инглиз бобуршуноси Лейн Пуулнинг мулоҳазалари жуда қимматлидир: „Бобурнинг хотиралари бир аскарнинг ҳарбий юриш ва чекинишлари ҳақидаги оддий кундалик дафтар эмас; бу хотираларда Шарқ адабиётини жуда яхши билган, нозик ва билимдон кузатувчи, одамларни синчиқлаб урганадиган, улар ҳақида холис ва одил фикр юрита оладиган мутаассир қалб эгасининг дунё ҳақидаги шахсий таассуротлари ва нозик фикрлари берилган.“

Унинг ўз қиёфасини чизишдаги самимийлиги, фазилат ва нуқсонларини ҳам мардона тасвирлаши, очиқкўнгиллиги, ҳаққонийлиги ва ажойиб ҳазилкашлик туйғулари бу гўзал хотираларнинг қадри ва аҳамиятини янада оширади“.

„Бобурнома“ бадиий асар бўлгани учун унинг бош қаҳрамони Бобур тимсоли таҳлили, бизнингча, жуда муҳим ҳисобланади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, аввало, мард инсондир. Бу хислат айниқса Бобур каби қисматлари мураккаб ва кўпқиррали кишиларни тез-тез турли синовларга солади. Чунки мардлик фақат дўстлар билан эмас, балки душман билан муносабатларда янада қаттиқроқ синалади.

„Бобурнома“даги жуда кўп воқеа-ҳодисалар Бобур шахсининг ана шу мардона хислати тантанасини қайта-қайта намоиш этади. Чунончи, хонлар Бобур билан биргаликда Андижон ва Ахсини эгаллаш ниятида ҳарбий юриш қилганларида Ахси қўрғонбеги Шайх Боязид Бобурни чорлайди. Бу ҳақда Бобур тоғаси Султон Маҳмудхон ва кичик хон — Олачахондан бир киши орқали маслаҳат сўрайди: „Унинг (Шайх Боязиднинг) чорлаганини хонларга ишора қилдик. Хонлар дебдиларки: „Борсин. Ҳар нима қилиб бўлса-да Шайх Боязидни тутсин“.

Бу макру фириб бизнинг одат ва усулимиз эмас эди. Алалхусуским, орада аҳд бор. Бундай аҳдни бузиш қандай бўлади?!“.

Вазият янада оғирлашади. Хонлар Шайбонийхон келишини эшитиб, Тошкент томонга жуфтакни ростлайдилар. Бобур, шартга мувофиқ, Ахсида. Танбалнинг йирик лашкар билан келиши кутилмоқда. Яна „Бобурнома“ воқеаларига қайтамиз (матн табдили): „Биз бу ҳолатда тараддудда эдик: турмоққа хийла ишонч йўқ эди. Сабабсиз-несиз Ахсини ташлаб чиқмоқ ҳам хуш ёқмасди. Бир куни эрталаб Маргинондан Жаҳонгир мирзо келди. Кўришдим. Ушбу замон Шайх Боязид ҳам изтироб билан келди. Эсанкираб қолган. Жаҳонгир мирзо ва Иброҳимбек дедиларки: „Шайх Боязидни тутмоқ керак. Аркни қулга олмоқ керак“. Дарҳақиқат, тугри ишнинг ҳисоби шу эди. Мен дедимки: „Аҳд қилган. Биз нега аҳдга хилоф қиламиз?!“.

Кўраётирмизки, ҳар қандай оғир, таҳликали вазиятда ҳам Бобурнинг мардлиги, аҳдига содиқлиги яққол намоён бўлади.

Мардлик ганимга нисбатан ҳам аҳд ва шартга устуворликда билинганидек, ута қийин жисмоний азобларни эл қатори ўзига тенг раво кўришда ҳам зуҳур этади.

Бобур мардликда ҳиммати юксак давлат арбоби эди. Ҳиротдан Кобулга боришда қор отнинг қорнидан келадиган йўлларда ўзи олдинга тушиб қор тепиб, лашкарга йўл очади. Бошқалар горда қор буронидан жон сақласалар, Бобур қорда ура қазиб, ўша ерда тонг оттиради (матн табдили): „Бир ҳафтага яқин қор тепиб, кунда бир шаръий — бир ярим шаръийдан ортиқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ун-ун беш ичкилар билан ва Қосимбек эди, икки ўғли — Тангриберди ва Қанбар Али билан, яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу зикр этилганлар яёв юриб, қор тепар эдик. Ҳар киши етти-саккиз-ун қари илгари юриб қор тепар эди. Ҳар қадам қўйганида белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди.“

Шу усулда қор тепиб... Ҳаволи Қутий деган горга келдик. Ушбу кун даҳшатли бурон билан қор ёғар эди. Шунчаликки, барчага ўлим ваҳимаси бўлди...

Гор торроқ кўринди. Мен горнинг оғзида курак олиб, қор кураб, узимга бир такя миқдори ер ясадим, қорни кўксимгача қаздим. Хануз оёгим ерга тегмасди. Бироз шамолдан паноҳ булди. Ўша ҳолатда утирдим. Ҳар неча дедиларки: „Горга боринг“. Бормадим. Кўнгилга кечдиким, барча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат билан; унда барча эл ташвиш билан машаққатда, мен бунда уйқу билан фароғатда. Муруватдан йироқ ва ҳамжиҳатликдан нари ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат бўлса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса — турайин. Бир форсий мақол бор: „Дўстлар билан ўлим — тўйдир“ деган...”

Бу мулоҳазалар улуг раҳбарга, мард сардорга хосдир, албатта.

Шунинг учун ҳам „Бобурнома“ни француз тилига таржима қилган Паве де Куртейл Бобурга қуйидагича ҳаққоний баҳо беради: „Ҳар қандай синовга бардош бера олувчи, ирода ва матонатни мужассамлаштирган бу зот ўзида ҳарбий ҳийла ва жасоратни уйғунлаштира олар, зарур бўлганда жазолашга ҳам, афв этишга ҳам қодир эди; у истеъдодли ҳарбий арбоб ва ишнинг кўзини биладиган, қўшинларни моҳирлик билан бошқара оладиган, уларнинг ишончини қозона олган саркарда эди...”

**Бобур — шариатпаноҳ подшоҳ ва шариатга риоя қилувчи мусулмон.** „Бобурнома“да ижтимоий жиноят содир этганларга турли-туман жазолаш усуллари қўллангани ҳикоя қилинган. Чунончи, Бобур тинч аҳолининг ёғли хумини ўғирлаган бир навкарни таёқ тутган саф ўртасидан ўтказиб, таёқлатиб ўлдиртиради.

Айниқса, оилавий муносабатлардаги шаръий ва ношаръий ишларга Бобур катта аҳамият беради. Ҳисор беги Хисравшоҳ — йирик бек. Навқари 20—30 мингга етадики, бу жуда фавқулодда ҳодисадир. Бироқ у шариатдан беҳабар бир нусха. „Ҳисор халқи, — деб ёзади Бобур, — хусусан, Хисравшоҳга тааллуқли эл ҳамиша ичкилик ва зинога машғул эди. Шу даражадаки, Хисравшоҳнинг навкарларидан бири бир кишининг хотинини тортиб олиб кетади. Бу хотиннинг эри Хисравшоҳга келиб арз-дод

қилади. Хисравшоҳ жавоб берадики: „Бир неча йил сен билан бирга эди, бир неча кун бу билан бирга бўлсин“.

Бу воқеани эшитган ва ёзган шариатпаноҳ Бобур шу даражада газабланадики, „Бу воқеани эшитиб Хисравшоҳга лаънатлар ёғдирмаган кишига ҳам лаънатлар бўлсин!“ деб юборади.

Бобур Хисравшоҳ беклик қилган Ҳисордан утаётганда ҳам шаръий бир даъво воқеаси берилади (матн табдили): „Хисравшоҳни кўриб қайтган оқшом Мирзохон менинг қошимга келиб, оғаларининг қонини даъво қилди. Бизнинг орада баъзилар ҳам амин эдилар, дарвоқеъ, шариат ва урф билан ҳам муносиби шундай эдики, бундай кишилар жазосига етгай“.

Ҳусайн Бойқаронинг феъл-атворида баҳо берганда Бобур унинг эътиқоди юзасидан мулоҳазалар юритади (матн табдили): „Жами иш кучи суннат ва жамоат мазҳаби билан мувофиқ эди. Мафосил(ревматизм) хасталиги туфайли намоз ўқий олмас эди. Сузамол ва хушхулқ киши эди. Хулқи бироз тезроқ эди. Баъзи муомалаларда шариатга кўп риоя қиларди. Бир марта бир ўгли бир кишини ўлдиргани учун хунталабларига топшириб, қозихонага юборди...“

Аввал тахтни олган пайтлари олтиетти йил ичкилик ичмади. Ундан кейин ичишга тушди. Қирқ йилга яқинки, у Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдики, пешин намозидан сўнг ичмасин. Лекин ҳеч қачон „бош оғриғи“ қилиб эрталаб ичмас эди. Уғиллари, барча амалдорлари ва шаҳар аҳолисининг аҳволи ҳам шу эди. Ўта айш-ишрат ва ахлоқсизлик қилар эдилар“.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг юқоридаги мулоҳазаларида икки нуқта алоҳида эътиборли: биринчиси, Ҳусайн Бойқаронинг шариатга амал қилиши; иккинчиси, шариатга хилоф иш қилиши.

Шариатпаноҳ Бобур Ҳусайн Бойқаронинг шариатга хилоф ишларини бирма-бир санагач, ниҳоят, шаръий ҳукм ҳам ижро қилинганини „Бобурнома“да шундай қайд этади: „Ушбуларнинг касофатидан эдики, шундай хонадондан етти-саккиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодан ўзга ному нишон қолмади“.

*Бобур — фидойи ота.* „Бобурнома“ маълумотларидан биз Бобурни ўз укалари, опа-сингилларига гамхўр, хола ва бўлаларининг, тоғаларининг, хуллас, барча уругларининг қадрига етувчи андишали инсон сифатида таниймиз. Ҳар икки укасини ўзи билан Кобулга, сўнг Ҳиндистонга олиб кетди; уларни тарбиялади ва қадрлади. Поччаси Мирзохон Бобур тахтини олганда холаси туфайли, холаваччаларининг юзини қилиб, у ўлимга мустақил бўлса ҳам, кечирди.

Фарзанд тарбияси масаласида ҳам Бобур идрокли маърифатпарвар, талабчан устоз мақомидаги падардир.

Ҳумоюнга ёзган хатида унинг ёзувидаги нуқсонлар, услубидаги камчиликларни қайд этади; ҳукмдорга хос бўлмаган хилватпарастликни танқид қилади; кўп билан ишлаш, беклар билан шугулланиш, кенгашиш шартлигини уқтиради.

Ўзи ҳам оталик бахтидан сурур топади. Мақтовга хасис бўлган Бобур Ҳумоюннинг ахлоқ-одоби ва камолотига жуда юқори баҳо беради.

Ҳумоюн мирзо ота-онасини соғиниб ўз вилояти Бадахшонни ташлаб Ограга келади.

У отаси Бобурни шу даражада қўсганки, йирик вилоят ҳукмдорлигидан ота дийдорини устун қўйиб, пойтахтда қолиш майли борлигини одоб доирасида билдиради (матн табдили): „Муҳаммад Ҳумоюн, бир йили эдики, Бадахшонда дийдорлардан айру тушиб эди. Сўнгра бизни соғиниб, Бадахшонни кўёви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Кобулга келди. Мирзо Комрон ҳам Қандаҳордан Кобулга келган экан. Ийдгоҳда мулоқот қилиб, ҳайрон бўлиб, қайтиш сабабини сурабди. Муҳаммад Ҳумоюн бизнинг иштиёқимизни айтиб, Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонга юбориб, бизнинг тарафга юраберишти. Бир неча кунда пойтахт Ограга етиб, ўша соатда, биз унинг онаси билан номини айтиб, сўзлашиб ўтириб эдик, етиб келди.“

Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чирогдек ёришди. Муқаррар ҳар куни катта зиёфат эди. Бир-биримиз билан тўйиб-тўйиб суҳбат қилардик. Чиндан ҳам суҳбатда мислсиз эди ва комил инсон ким, дер эдилар, шу эди.

... бизга шундай хабар еттиким, кошгарийлар келиб, Бадахшонни олдилар. Биз Хожа Халифага буюрдикки, Бадахшонга бориб, ўз мулоҳазасича бу масалани ҳал қилиб келсин. Бироз тушунмовчилик бўлдимикан, у қабул қилмади. Муҳаммад Ҳумоюнга айтдикки: „Сен борсанг қандай бўларкан?“. У жавоб бердики: „Фармонни бажармасликка иложим йўқ. Бироқ ўз ихтиёрим билан дийдорингиздан айрилгим келмайди“. Шунинг учун Мирзо Сулаймонни Бадахшонга жўнатдик“.

Кейинроқ Бобур Ҳумоюнни Санбал вилоятига ҳоким қилиб жўнатади. Олти ойча туради-ю, негадир, об-ҳавоси ёқмай-дими, доим иситмалай бошлайди. Ота буйруғи билан Ҳумоюн мирзо пойтахтга келтирилиб, мумтоз табиблар қарамоғида бўлади. Бироқ ҳадеганда тузалавермайди. Фарзандининг куйиб-ёниб ётишини ҳар куни кўравериб, Бобурнинг тоқати тоқ бўлади. Салтанатнинг улуг кишиси Мир Абдулқосим Бобурга арз қиладики, бундай дард дармони учун энг яхши нарсаларни садақа қилмоқ керак: токи Оллоҳ таоло сиҳат-саломатлик берсин. Боқеа давомини „Бобурнома“дан ўқийлик (матн табдили): „Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендан бошқа яхшироқ нарсаси йўқ. Мен ўзим садақа бўлайин, Худо қабул қилсин. Хожа Халифа ва бошқа яқинлар дедиларки: Муҳаммад Ҳумоюн сиҳат топар, сиз бу сўзни нечун тилингизга келтирасиз? Мақсад: дунё матоидан яхшисини садақа қилмоқдир. Иброҳим билан бўлган урушда қўлга тушган олмосни сиз Муҳаммад Ҳумоюнга ҳадя этган эдингиз. Ўшани садақа қилмоқ керак.“

Тилимга келдики, дунё моли унинг эвазига ярармиди?! Мен ўзимни унга фидо қиламан. Чунки унинг аҳволи жуда огир. Мен ортиқ унинг куйиб-уртанишларига тоқат қилолмайман.

Ўша ҳолатда унинг ҳузурига кириб, уч маротаба бошидан айланиб-ургилиб, дедимки: „Ҳар қанча дардинг бўлса мен кўтардим.“

Ўша заҳоти мен огир бўлдим, у енгил булди. У сиҳат бўлиб ўрнидан турди. Мен нохуш бўлиб йиқилдим...“.

Бобур эртаси куни тахту тожни Ҳумоюн мирзога топширади ва кўп ўтмай вафот этади.

„Бобурнома“да бадий санъатлар — тасвирий ва ифодалилик воситалари намуналарини кўплаб кузатиш мумкин. Чунончи, юқоридаги ўгилнинг келиши туфайли ота-онанинг беҳад шодланганликлари талқинидаги матнда қўлланилган ташбиҳ (ўхшатиш) санъати ҳам табиийлиги, ҳам латофати билан ўқувчини ром этади: „Кўнгуллар гул каби очилиб, кўзлар чирогдек ёришди“.

Насрда шоир Бобур шеъриятига хос қатма-қат тазодлар — қарама-қарши маъноли сўзларни қаторлаштириш ва ички қофиясимон — оҳангдошлик яратувчи сажъ усулини қўллаш ҳолатлари ҳам оз эмас: „Ҳар неча дедиларки: „Горга боринг“. Бормадим. Кўнгилга кечдиким: барча эл қорда ва чопқунда, мен иссиқ уйда ва истироҳат билан; унда барча эл ташвиш билан машаққатда, мен бунда уйқу билан фароғатда“. Матндаги „қор ва чопқун“ каби тушунчалар ёнида роҳат-фароғатни ифодаловчи „иссиқ уй ва истироҳат“ сўзлари зидлиги воқеа таъсирчанлигини китобхон кўнгилга етказишда унумли тазод воситасидир. Муаллифнинг сеҳргарлиги шундаки, у қайд этилган ушбу тазод кўрсаткичлари билангина чекланмайди. Балки, уларни қалаштириб ташлайди: „ташвиш ва машаққат“ ҳамда „уйқу ва фароғат“ сўзларидаги маъно зидлиги ҳам ана шу бадий санъатдан Бобурнинг унумли фойдаланганлигини кўрсатади. Бу усул нур ва соялар ўйини бўлиб, ҳам китобхон диққатини тортади, ҳам юракка кучлироқ таъсир этади.

Қуйидаги қисқа гапдаги хушоҳанглик сажъ санъати туфайли юзага келгандир:

„Бажавр эли чун *боғий* эдилар, ислом эли била *ёғий* эдилар“.

Назмда мутойиба вазиятларини акс эттириш, сўз ўйини қилиб бир сўзни икки маънода қўллай олиш маҳорати айниқса қайд этгуликдир. Бобур Самарқанд ҳокими Фўлод(Пўлат) Султонга ўз шеърлари девонини юбориб, мактубга ушбу қитъасини ҳам илова қиладики, туртинчи мисрадаги „Фўлод“ сўзи ҳам ҳокимнинг исми, ҳам пўлат (қаттиқ) маъноларини ифодаловгани туфайли ийҳом санъати кузатилади:

*Ул сарвинг ҳаримига гар етсанг, эй сябо,  
Бергил бу ҳажр хастасидин ёд кўнгилга.  
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни,*

*бор умид*

*Солгай Худой раҳми Фўлод кўнгилга.*

Сўнгги мисрани ўқувчи қуйидагича икки хил маъмунда идрок эта олади:

Биринчиси: Худо Фўлод (султон) кўнгилга раҳм солсин.

Иккинчиси: Худо унинг пўлат кўнгилга раҳм солсин.

Ийҳомдек нозик бадий санъатни даҳо Алишер Навоий „хосса (юксак) маънолар“ни ифодаловчи восита деб қайд этгани маълумдир.

Дарҳақиқат, юқоридаги қитъанинг туртинчи мисрасидаги икки хил маъмунни сезган китобхон ижодкор салоҳиятига қойил қолади.

Шоҳ асар „Бобурнома“да илмий маълумотларнинг беҳад кўплиги ва улар ҳозирги тармоқлашган фанларнинг элликка яқин соҳаларига мансублигини инобатга олсак, „Вақоеъ“ — „Бобурнома“ни қомусий — энциклопедик асар дейиш мумкин. Чунончи:

1. „Бобурнома“ — тарихий асар. Унда XV асрнинг охири — XVI асрнинг биринчи яримларигача Хуросон, Мовароуннаҳр, Ҳиндистонда кечган муҳим тарихий воқеалар ўз аксини топганидек, асарда юзлаб тарихий шахсларнинг номлари бор. Уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотлар ҳар қандай тарихий асарда топилмайдиган ноёблиги, муҳимлиги билан олимларни ҳам лол қолдиради.

Агар „Бобурнома“ ёзилмаса, бизнинг Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ҳаётлари, фаолиятлари ва ижодлари, хусусан, шахслари ҳақидаги тасаввурларимиз анчайин юзаки бўлиб қолган буларди.

Айниқса, темурийлар салтанатининг таназзули йилларидаги тарихий жангжадаллар, инқироз сабаблари, Ҳусайн Бойқародек буюк подшоҳнинг, Бобур ибораси билан айтганда, „Темурбек ўрнида булган“ Ҳусайн Бойқаронинг сусткашлиги, Шайбонийхонни қақшатқич ҳужум билан енгиш ўрнига мудофаа билан чекланганлиги, Ҳусайн Бойқаро фарзандларининг базму созда моҳиру, жангу жадалда яроқсизлиги Бобур томонидан таҳлил этиб берилган.

„Бобурнома“ да тарихий воқеа-ҳодисаларнинг юз бериши сабаб ва оқибатлари ўта пухталиқ, теранлик билан ўз талқинини топган.

„Бобурнома“ китобхон учун гуё кўп-серияли фильм. Бу улуг кўзгуда деярли 50 йиллик Мовароуннаҳр, Хуросон, Ҳиндистон ва уларга ёндош мамлакатларда кечган воқеа-ҳодисалар тизилишиб китобхон кўз ўнгида намойиш этилади. Шу маънода „Бобурнома“ни ажойиб воқеий тарихий роман дейиш мумкин. Чунки жанг-жадаллар тарихий асарлардагидек ҳисобот-ахборот тарзида эмас, балки бадиий асарга хос юз хил қиёфа, феъл-атворли кишилар фаолияти тасвири орқали кўрсатилади.

Тарихий шахсларнинг якка шахсият, давлат бошлиғи, лашкарбоши сифатидаги фаолиятларининг кўпқиррали талқини ва таҳлили бу асар учун хослигини Ҳусайн Бойқаро шахси, тарихий қисмати, шахсий ва оилавий фожиаси сабаблари хусусидаги маълумотлар билан исботлашга ҳаракат қиламиз.

Бобур Ҳусайн Бойқаро салтанати ва нуфузини Амур Темур билан қиёслаб улуглайди, уни чин юракдан теурийларнинг энг улуг подшоҳлари сафида қадрлайди.

Бобурнинг фикрича, Ҳусайн Бойқаро ва фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб, Бобур ва унга ўхшаганларни ўз иттифоқчилигига чорлаб, шайбонийларга қарши курашилса, уни енгиб бўларди.

Лекин Ҳусайн Бойқаро худди Муҳаммад Хоразмшоҳ йўл қўйган хатони такрорлайди: ўз фарзандлари, Бобур, Хисравшоҳ, Зуннун аргун ва Шоҳбекларнинг ҳар бирига ўз қалъасини мустаҳкамлаб, ганимга нисбатан мудофаани ташкил қилиш юзасидан мактублар йўллайди; бу хато тактикасини бир вақтлари қўл келган ўз тарихий тажрибаси билан асослашга уринади.

„Вақоеъ“ да Бобур бу ҳақда ёзади (матн табдили): „Ушбу фурсатлар Султон Ҳусайн мирзодан Бадиуззамон мирзога, менга, Хисравшоҳга ва Зуннунга бир мазмунда узундан-узоқ мактублар келди...

Мазмуни бу эдики: „Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Улуғбек мирзо — уч ога-ини иттифоқ қилиб

юриш қилганларида мен Мурғоб ёқасини беркитдим. Мирзолар яқин етиб ҳеч иш қила олмай қайтиб кетдилар. Ҳозир ҳам агар ўзбак (шайбонийлар) юриш қилса, мен Мурғоб ёқасини беркитай, Бадиуззамон мирзо Балх, Шабургон ва Андхуд қўрғонларига сақлай оладиган кишиларини қўйиб, ўзи Гурзавон ва Дарайи Зангда у тоғликларни беркитсин“.

Менинг бу ерларга келганим хабари унга етган эди. Менга ҳам битиб эдики: „Сен Коҳмард ва Ажарда у тоғ этакларини беркитиб, Хисравшоҳ Ҳисор ва Қундуз қўрғонларида ишончли кишиларни қўйиб, ўзи билан иниси Вали Бадахшон ва Хатлон тоғларини беркитсинлар. Ўзбак ҳеч иш қила олмай қайтгусидир“, деб.

Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари ноумидликка сабабчи бўлди. Не учунки, Темурбекнинг юртида ҳозирги пайтда ундан улугроқ подшоҳ ҳам ёш, ҳам вилоят ва ҳам лашкар билан йўқ эди...

Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўрнига ўтирган улуг подшоҳ ганимнинг устига юришни демай, ер беркитмоқни деса, эл ва улусга не умидворлик қолгай?!“.

Энди Бобурнинг Ҳусайн Бойқаронинг замони ва ободончиликдаги фаолияти хусусидаги мулоҳазалари — ҳайратларининг гувоҳи бўлайлик (матн табдили): „Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб бир замон эди: фазл аҳли ва мислсиз санъаткорлардан Хуросон, хусусан, Ҳирот шаҳри тўла эди. Ҳар кишинингки, бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва мақсади шу эдики, у ишни камолга етказгай“;

„Яна Ҳиротким, ернинг одамлар яшайдиган қисмида бундай шаҳар йўқдир; Султон Ҳусайн мирзонинг замонида мирзонинг саъй-гайрати ва тақаллуфидан Ҳиротнинг зеб-зийнати бирга ўн, балки йигирма баравар обод бўлиб эди“.

Бобур Ҳусайн мирзонинг шахсий фазилатларидан яна бир нечасини намойиш қилади: „Шижоатли ва мардона киши эди. Кўп маротаба ганимга ўзи қилич солган. Темурбек наслидан ҳеч ким маълум эмаски, Ҳусайн мирзодек қилич чопган бўлсин. Назмий истеъдоди бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий ёзарди. Тахаллуси Ҳусайний эди.

Баъзи байтлари ёмон эмас. Лекин мирзонинг девони батамом бир вазндадир“.

Худди ана шундай теран таҳлил, муҳим ҳаётӣй нуқталарни, ижод ва шахсни кўпқиррали таҳлил этишни биз Алишер Навоӣйга нисбатан ҳам кузатамиз.

Алишер Навоӣй ҳақидаги „Бобурнома“ маълумотлари шу даражада ўта муҳим, кенг қамровли ва муфассалки, ўрта асрларда Алишер Навоӣй ҳақида ёзилган маълумотлар, бағишловлар ва ҳатто улуг даҳога махсус бағишланган Хондамирнинг „Мақорим ул-ахлоқ“ асари ҳам илмӣй ва таржимаи ҳолга доир маълумотларнинг бойлиги, муҳимлиги, аниқлиги ва жозибалилиги жиҳатидан „Бобурнома“даги битиклар билан беллаша олмайди, десак муболага бўлмас.

Алишер Навоӣй ва Бобурнинг шахсий муносабатлари 1500 йиллар — Бобурнинг Самарқандни иккинчи маротаба қўлга киритганидан бошланади.

Бобурнинг Алишер Навоӣйга берган баҳоси: мислсиз туркийгўй шоир, жаҳон кам кўрган олийҳиммат мураббӣй ва ҳомӣй. Ана шу фикрда Бобур умрбод собит (матн табдили): „Алишербек мислсиз киши эди. Туркий тил билан шеър ёза бошлаганларидан буён ҳеч ким унчалик куп ва яхши шеър ёзган эмас“;

„Фозиллар ва ҳунармандларга Алишербекча мураббӣй ва ҳомӣй инсон бўлгани ёки утгани оламда маълум эмас“.

Бобур ҳар бир тарихӣй шахс ва унинг фаолиятини пухта таҳлил этади. Унинг маълумотларида шахсинг кимлиги, феъл-атвори, кишиларга ва оилага муносабати, қилиқлари, эл орасидаги обрў-эътибори, фаолияти, унинг ижобӣй, салбӣй ёки мулоҳазаталаб хусусиятларигача фақат энг муҳим томонлари саралаб талқин этилади. Айни ана шу таҳлил усулида Бобур Навоӣй таржимаи ҳоли, шахси, фаолияти ва асарларига ёндашади.

„Бобурнома“да Ҳусайн Бойқаро беклари бирма-бир саналаётганида навбат Алишер Навоӣйга келади (матн табдили): „Яна Алишербек Навоӣй эди, беги эмас, балки суҳбатдоши эди. Ёшлигида Ҳусайн мирзо билан мактабдош экандирлар. Хислатлари куп экан.“

Билмадим, нима сабабдандир, Султон Абусаид мирзо уни Ҳиротдан сургун қилди. У Самарқандга борди. Неча

йилки Самарқандда эди, Аҳмад Ҳожибек мураббӣй ва ҳомӣйси эди. Алишербекнинг мизожи нозиклик билан машҳурдир. Эл унинг нозиктабиатлилигини давлатининг гуруридан деб тасаввур қиларди. Ундай эмас экан. Бу сифат унда туғма экан. Самарқандда эканида ҳам ушундай нозикмизож экан“.

„Бобурнома“да улуг шоирнинг давлат амалдори сифатида Ҳусайн Бойқарога садоқати ва саховати, унинг бир байти мазмуни ҳалокатига сабаб булган хасталикка ишора эканлиги ўта ихчам талқин этилади (матн табдили): „Авваллари муҳрдор эди. Фаолиятининг урталарида бек бўлиб, бир қанча вақт Астрободда ҳокимлик қилди. Охири амалдорликни тарк этди. Мирзодан ҳеч нарса олмас, балки ҳар йили унга йирик-йирик маблағлар тортиқ қилар эди. Султон Ҳусайн мирзо Астробод лашкаридан қайтганда истиқболига чиқди. Мирзо билан кўриша туриб, ҳолати ўзгарди, тик туролмади, кўтариб олиб кетдилар. Табиблар унга асло ташхис қўя олмадилар. Эртасигаёқ Тангри раҳматига борди. Бир байти ўз ҳолати ифодасига мувофиқ келган:

*Бу дард илаки улармен,*

*мараз чу зоҳир эмас,*

*Табиблар бу балога не чора қилгайлар“.*

„Бобурнома“ ундаги тарихӣй шахсларнинг кўплиги, сулолалар, салтанатлар тараққӣйси ва таназзулини ёрқин намоён этувчи бадиӣй-илмӣй ҳужжат, урушлар тарихи, жанг қурол-яроғлари, жангга саф тортиш ва жанг усуллари, давлатлараро ва шоҳлараро муносабатлар йилномаси сифатида қимматли тарихӣй манбадир.

Айниқса, жангларнинг бу асардаги талқини кишини ҳайратга солади. Жанг учун сабаб ва баҳоналар, жанггоҳ танлаш ва жой жугрофиясига кўра, қуёш нури тушишига кўра ҳарбӣй сафларга жой танлаш, қўшин қисмларини ҳарбӣй амалиётда мувофиқлаштириш усуллари, ҳарбӣй асбоб-ускуна, жангчи ва от-уловлар учун совуту зирҳларнинг аҳамияти, шаҳарга кириш ва қалъани забт этиш чора-тадбирлари шунчалик мукамал берилганки, гўё бу асар шоҳларга ўзига хос қўлланма ва зифасини ҳам бажара оларди. „Бобурнома“ бизга Урта Осиё ва атрофдаги дав-

латларда ишлатилган ҳарбий қуруллар, мудофаа воситалари, қалъага чиқиш асбоб-ускуналарининг ўзига хос қомуси сифатида ҳам тарихий-маърифий аҳамиятга моликдир.

„Бобурнома“ Амир Темури, Шоҳрух мирзо, Абусаид мирзо, Улугбек, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллахон, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Умаршайх мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо, Султон Маҳмудхон, Аҳмад Танбал, Хисравшоҳ, Зуннун аргун, Исмоил Сафавий, Шоҳ Таҳмосп, Абулмакорим, Хожа Мавлоноӣ Қози, Бадиуззамон мирзо, Абдуллатиф мирзо, Раана Сангаа сингари шоҳ ва шаҳзодалар, амир ва беклар, пир-муршидлар ҳақида муҳим тарихий маълумотларни ўзида акс эттиргани билан бағоят қимматлидир.

2. „Бобурнома“ни адабиётшунослик асари дейиш ҳам мумкин. Зотан, адабиёт намояндалари ҳақидаги маълумотлар, адиб ва шоирларнинг асарлари таҳлили, уларга баҳо бериш адабиётшунослик илми соҳасига мансуб.

„Бобурнома“да элликка яқин шоирнинг исми шарифи айтилиб, уларнинг асарлари таҳлил этилган ёки баҳо берилган. Кўплаб шоирлар номлари айтилмай(уларнинг асарлари шунчалик машҳурки, муаллифларини эслатиб ўтиришни Бобур лозим топмаган), асарларидан талай парчалар бирор воқеа муносабати билан келтирилган. Бу жиҳатдан, айниқса, Шарқда ахлоқ отаси сифатида шуҳрат қозонган Саъдий Шерозий ва унинг „Гулистон“ асари алоҳида қайд этгулик. Бобур бу асардан гоҳ эслатиб, гоҳ эслатмай ўнларча иқтибослар келтиради. Чунончи, шулардан иккитаси айниқса таъсирчан ва эсда қоларлидир:

бири — Оббурданда тошга ўйиб ёздирилган Жамшид ҳақидаги Саъдий шеъри(бу тош ҳозир Душанбе давлат музейида сақланади):

иккинчиси, Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг унинг икки ўгли — Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзонинг шериклик билан тахтга ўтиришлари воқеаси айтилганда „Гулистон“дан қуйидагича ҳикмат келтирилади (табдили): „Шайх Саъдий сўзи мазмунининг хилофи юз берди. „Гулистон“да келтирганки: „Ўн

дарвиш бир гиламга сиғиб ётарлар-у, икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайди“.

„Бобурнома“да бизга таниш ва таниш бўлмаган жуда кўплаб ўша даврнинг форсийгўй ва туркийгўй шоир, адиб ва олимлари ҳақида маълумотлар ҳамда асарларидан парчалар, уларнинг таҳлиллари берилган. Асарда зикр этилганлардан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бадриддин Ҳилолий, Камолиддин Биноий, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий, Муҳаммад Солиҳ, Абдулло Ҳотифий, Осафий, Мир Муртоз, Муллозодаи Мулло Усмон, Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайний, Амир Шайхим Суҳайлий, Хондамир, Абдураззоқ мирзо, Асириддин Ахсикатий, Байрамхон, Аҳмад Ҳожибек(Вафой), Ҳусайн Али Жалойир, Сайфий Бухорий, Мир Ҳусайн Муаммоӣ, Мулло Муҳаммад Бадахший, Юсуф Бадиӣ, Маҳмуд барлос, Султон Маҳмудхон, Оҳий, Шоҳ Ҳусайн Комий, Аҳлий, Мир Сарбараҳна, Қози Ихтиёр, Мулло Масъуд Ширвонийни эслатиш мумкин.

Заҳриддин Муҳаммад адабиётшунос сифатида ўта талабчан, ҳатто қаттиққўл. Сара бадиӣ ёки илмий асарларга улуглар берадиган баҳо муштарак бўлиб чиқади, албатта. Чунончи, Мир Атоуллоҳ Машҳадийнинг „Бадойи ус-санойиъ“ номли поэтикага доир асари хусусида Бобур ёзади: „Яна санойи шеърда „Бадойи ус-санойиъ“ номли рисола ёзган экан, хийла яхши ёзган“.

Энди шу асар ҳақида Алишер Навоий нима дегани билан қизиқайлик: „Саноеъда бир китоб ёзган: „Бадоеъи Атоӣ“ номида. Энди оққа кўчирилди. Маълум эмаски, бу илмда ҳеч ким унчалик мукамал ва фойдали китоб ёзган бўлсин“.

Адабиётшунос Бобурнинг асар ҳақида „ёмон эмасдир“ деган баҳосини олиш ҳам катта ютуқ. У мақтовга нисбатан — хасис, танқид ва камчилик топишда мислсиз моҳир. Унинг баҳолаш меъёри билан Алишер Навоийникини қиёсласак, Навоийда мақтов кўпроқ, танқид озроқ. Нега бунақа? Чунки Навоий ўқитувчи, алқаб истеъдодларни улгайтирувчи устод. Бу жиҳатдан у Мавлоно Лутфий усулидан кўпроқ фойдаланади. Ҳар ҳолда, танқид қилиб тарбиялашдан кўра, алқаб, мақтаб истеъдодларни ўстириш устозлар учун кўпроқ хосдир. Бобурга келсак, у

— подшоҳ. Ҳамма — унинг хизматида. Савияси ўртача асарларни у арзимас қоралама деб ҳисоблайди. Биз юқори савия талаб қиладиган Бобурга айб қўёлмаймиз, уни инсофсизликда айблаб бўлмайди. Аслида чинакам адабиётшунос ҳамisha ана шу даражада турмоғи лозим.

Алишер Навоий ҳам, Бобур ҳам Бадриддин Ҳилолийнинг куп матн ёд билиш қобилияти — мислсиз ҳофизасига бирдай аҳамият берганлар. Навоий „Мажолис унафоис“да йигитча Ҳилолий ҳақида ёзади: „Мавлоно Ҳилолий — турк элидиндир. Ҳофизаси яхшидир. Истеъдоди ҳам ҳофизасича бордир“.

Бобур „Вақоеъ“да орадан йигирма йиллар ўтгач ёзади: „Яна Ҳилолий эди. Ҳозирги вақтда ҳам бордир. Газаллари текис, ажойиб... Жуда кучли ҳофизаси бор эмиш: ўттиз-қирқ минг байт ёдида бор эмиш. Дейдиларки, „Хамса“нинг аксар байтлари ёдида бор...“

Адабиётшунос Бобур Ҳилолий ҳақидаги ушбу маълумотлари давомида адабиёт назариясининг муҳим муаммолари — мазмун ва композиция амалиётига маҳсул эътибор беради; Ҳилолий дostonининг композицияси бўшлигини уқтиради, образлар мантиқи масаласида ҳам шоирни қаттиқ танқид қилади (матн табдили): „Бир дostonи бор, хафиф баҳрида, „Шоҳ ва Дарвеш“ номли. Гарчи баъзи байтлари жуда ажойиб чиққан бўлса-да, лекин дostonнинг мазмуни ва устухонбандлиги (композицияси) жуда буш ва харобдир. Илгари ўтган шоирлар ишқ ва ошиқликка оид дoston ёзганларида ошиқликни эрга ва маъшуқликни аёлга нисбат берганлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилипти, шоҳни — маъшуқ.“

Алишер Навоийнинг азиз дўсти Амир Шайхим Суҳайлий (Шайхимбек) ҳақидаги „Бобурнома“ маълумоти икки жиҳатдан диққатга лойиқ: биринчидан, шоирнинг шеър ўқишидаги сунъийликка аҳамият берилган; иккинчидан, шеър санъатларидан муболага санъатида меъёр муҳимлигига эътибор қаратилган (матн табдили): „Яна Шайхимбек эди. „Суҳайлий“ тахаллус қилгани учун Шайхим Суҳайлий дер эдилар. Шеърни алланечук оҳангда ўқирди. Қўрқинчли сўзлар ва маъноларни ифодалар эди. Унинг шеърларидан бир байти будир:

*Шаби гам гирдбодя оҳам аз жо  
бурд гардувро,  
Фуру бурд аждаҳон сели ашкам  
рубъя маскувро.*

(Мазмуни:

*Гам туни оҳим қуюни фалакни урнидан суриб юборди. Куз ёшим селининг аждаҳоси ер куррасини ютиб юборди.)*

Шу воқеа машҳурдирки, бир мартаба шоир бу байтни Мавлоно Абдураҳмон Жомий хизматида уқибди. Мавлоно айтибдики: „Мирзо, сиз шеър айтасизми ёки одам қўрқитасизми?“.

Адабий даҳонинг танбеҳли саволида икки хил эътироз бор: бири — ифодали ўқишдаги нуқсонки, муаллиф байтни ўқишда расмий меъёрга амал қилмаган; иккинчиси, байт ижодкори муболаганинчўққиси бўлган гулунни ҳам суистеъмол қилган. Зотан, ҳар қандай муболагада ҳам меъёрни сақлаш жоиздир.

Бундан Бобурнинг ҳам адабиёт назарияси, ҳам бадиият яратувчи омиллар — шеър санъатларидан моҳирона фойдаланиш кераклигига алоҳида аҳамият берганлиги маълум бўлади.

3. „Бобурнома“ни тилшунослик асари деб ҳам қараш мумкин. „Вақоеъ“ муаллифи тил илмининг энг қизиқарли соҳалари — этимология, фонетика хусусида ўта жозибали ва теран илмий кузатишларини баён қилади.

„Бобурнома“ ёзилганида Қашқадарё вилоятининг маркази Қарши шаҳрининг нима муносабат билан бундай номланганини билмаган бўлардик. Чунки „қарши“ сўзи кўплаб туркий дostonлар ва тарихий асарларда асосан *зид*, *рупара*, *сарой*, *қаср* сингари маъноларда учрар эди, холос.

Бобур шаҳар номи сифатида қўйилган „қарши“ сўзининг мўгулча экани, бу сўз „қабристон“ маъносини ифодалашини изоҳлаб, асослашга навбат келганида шаҳарнинг мўгул истилоси қурбони бўлганлиги билан далиллайди (матн табдили): „Яна Қарши вилоятидирки, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўгулча отдир. Гурхонани мўгул тили билан „қарши“ дерлар. Афтидан, бу от Чингизхон истилосидан сўнг бўлгандир“.

Шаҳар ва жой номларининг бундай фожеий номланиши Хужанд ва Конибодом ўртасидаги Ҳодарвеш чулидаги бир



воқеа билан яна бир карра далиллангани диққатга сазовордир (матн табдили): „Хужанд билан Кандибодом орасида бир дашт бор. Номи — Ҳодарвешдир. Ҳамиша бу даштда шамол эсади. Маргинон унинг шарқидадир, ҳамиша бундан шамол боради. Хужанд ғарбидадир, доим ундан шамол келади. Қаттиқ шамоллари бор. Дерларки, бир неча дарвеш бу даштда қишда қаттиқ шамолга йулиқиб, бир-бирларини тополмай, „Ҳо, дарвеш!“, „Ҳо, дарвеш!“, дея-дея ҳалок бўлибдилар. Ушандан бери бу даштни Ҳодарвеш дерлар“.

Бобур биринчи маротаба „адабий тил“ тушунчасини „қалам“ сўзида ифодалаган тилшуносдир. У Андижон вилояти халқининг тили туркий (ўзбек) адабий тилга мувофиқ эканлигини қўйидагича талқин этади: „Эли туркдир (ўзбекдир). Шаҳар ва бозорларида туркий билмас киши йўқдир. Элининг лафзи (тили, сўзи) қалам била ростдир. Ани учунки, Мир Алишер Навоийнинг асарлари Ҳиротда яратилиб шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган“.

Бобур исм ва лақабларнинг келиб чиқишига доир ажойиб фикрлар баён қилади. Шулардан бири ўзининг кичик тоғаси Султон Аҳмадхоннинг лақаби ҳақидадир (матн табдили): „Султон Маҳмудхондан кичиги Султон Аҳмадхон эди. У Олачахон номи билан машҳурдир. „Олача“ исмининг қўйилиши сабабида дейдиларки, қалмоқ ва мўғул тилларида „ўлдирувчи“ни „олачи“ дерлар. Қалмоқларни бир неча маротаба босиб, кўп кишини қиргани учун Олачи деб кўп айтилаверганлигидан Олача бўлиб кетган“.

Айрим кишиларга лақаб ўзларининг ёки оталарининг касб-кори билан боғлиқ ҳолда қўйилиши „Бобурнома“да кўплаб мисолларда далилланади. Чунончи (матн табдили): „Яна бири Қанбар Али мўғул эди, ахтачи эди. Отаси вилоятга кириб бир қанча вақт саллохлик (қассоблик) қилгани учун Қанбар Али саллох дер эдилар“.

„Полвон“, „курашчи паҳлавон“ сўзлари ўзбек тилининг турли лаҳжаларида турлича ифодаланади. „Бобурнома“ муаллифининг хизмати туфайли бу сўзнинг „зўр“ ва „бука“ тарзидаги ифодасига ҳам дуч келамиз: „Ўзбак зўр ки-

шини бука дер эмиш. Жонибек дерки: „Букамусен? Бука бўлсанг, кел, кураш тушайлик“.

Сўз этимологияси жой номига нисбатан текширилганда Бобур ўша сўзнинг ясалиши ва ном қўйилишига тарихан ёндашади (матн табдили): „Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибди: „Масжиди муқаттаъ“ дейдилар. Бу боисдан „муқаттаъ“ дейдиларки, қитъа-қитъа (парча-парча, бўлак-бўлак) ёғочларни тарашлаб, ислимий ва хитойи нақшлар солганлар. Деворлари ва шифти батамом ушбу йўсинликдир“.

Топонимикага бундай масъулиятли, илмий муносабатда бўлиш намуналарига „Бобурнома“ анча бойдир. „Шаҳрисабз“ шаҳри номининг келиб чиқишини ҳам муаллиф шу йўсинда талқин этади: „Баҳорлар саҳроси ва шаҳри ва боми ва томи хўб сабз бўлур учун Шаҳрисабз ҳам дерлар“.

Бобур Самарқанд шаҳридаги Лақлақа масжиди атамасини ҳам қўйидагича жозибали илмий далиллайди (матн табдили): „Самарқанд қалъасининг ичида яна бир қадимий иморат бор: масжиди Лақлақа дерлар. У гунбазнинг ўртасида туриб ерни тепсалар гунбазнинг ҳаммаёғидан „лақ-лақ“ товуши чиқади. Ғаройиб ҳолдир. Ҳеч ким бунинг сирини билмас“.

Бобур тилнинг товуш жиҳатига ҳам алоҳида эътибор беради. Айниқса, у халқнинг турли жойда яшаши натижасида, сўзга қўшимчалар қўшилганда ҳарфий ва айни пайтда товуш ўзгаришига учрашини қайд этади. Бобур тоғаси Султон Маҳмудхонга ўз аҳволи ва истагини ифодаловчи қўйидаги рубойини манзур этар экан, қофиялардаги урин-пайт келишиги қўшимчаларидаги „д“ товушининг „т“ товушига айланишига диққатни қаратади: „Бу рубойини хонга утқариб, тараддудимни арз қилдим...“

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни*

*гурбатта киши.  
Кўнглум бу ғарибликта шод улмади ҳеч,  
Гурбатта севунмас эмиш, албатта киши.*

Сўнгра маълум бўлдики, туркий тилда жой тақозоси билан то(т) ва дол(д), яна ғайн(ғ) ва қоф(қ) ва коф(к) бир-бирларига айланиб қолар экан“.

Бобур зийрак тилшунос сифатида айрим жойларда кўптиллилик ҳодисаси учраши, бир вилоятда кўплаб ҳар хил халқ ва элатлар бир неча тилда сўзлашишларига аҳамият беради. Чунончи, у „Бобурнома“да ёзади (матн табдили): „Кобул вилоятида хилма-хил қавмлар бор. Сайхонликлар ва текисликларда турклар(ўзбеклар), аймақ ва саҳройи араблар; шаҳри ва баъзи кентларида сорт(тожик)лардир. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида пашойи, парожӣ, тожик, бараки ва афғонлар истиқомат қилади. Газни тоғларида ҳазора ва нақдарилар яшайди. Буларнинг орасида айримлари мўғул тилида гаплашади...

Ўн бир-ўн икки тилда Кобул вилоятида сўзлашадилар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, парожӣ, габрий, баракий, ламғоний. Бунчалик ҳар хил қавмлар ва бошқа-бошқа тилларда гаплашиш бошқа ҳеч бир вилоятда йўқ“.

Ҳатто ўт-ўланлар номларининг нега бундай аталганини ҳам Бобур синчиклаб текшириб кўради, кузатади ва илмий хулосалар чиқаради. Кобул вилояти ўтлоқларидаги бутака хусусида ёзади (матн табдили): „... аксар бутака ўти бўлур, отга жуда яхши ўтдир. Андижон вилоятида бу ўтни „бутка ўти“ дейдилар. Нега бундай ном қўйилганининг сабаби маълум эмас эди. Бу вилоятларда маълум бўлди: бу ўт бута-бута бўлиб чиққани учун бутака дейишар экан“.

Сўзларнинг ясалиши, тарихий асоси ва келиб чиқиши ҳақидаги бундай аниқ илмий маълумотлар бу асарда жуда кўп.

4. „Бобурнома“ни санъатшунослик асари, дейиш ҳам мумкин. Чунки унда санъатнинг жуда кўп хиллари: рақс, куй, ашула ва тасвирий санъатга доир маълумотлар берилган. Китобхон Бобур замонининг машҳур ҳофизлари: Руҳдам, Ҳофиз Ҳожи, раққослари: Тенгриқули, Рамазон, Мир Бадр; созандалари: Қулмуҳаммад Удий, Шайхӣ Нойӣ, Шоҳқули Гижжакий, Хожа Абдуллоҳ Марворий; бастакорлари: Гулом Шодий, Мир Азу, Камолиддин Биноӣ, Паҳлавон Муҳаммад Бусаъид; рассомлари: Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар ҳақида, уларнинг куй, қўшиқ, рақс, сувратлари хусусида муайян тасаввурга эга бўлади.

Санъаткорлар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Бироқ санъатдаги анъанавийликдан ихтирокорлиги билан ажралиб турган ижодкорларнинггина номлари эл оғзига тушиб, шуҳрат қозонган. Бобур Ҳиротда эканида Музаффар мирзонинг базми тасвирида Мир Бадрнинг раққослик санъатига қойил қолади (матн табдили): „Музаффар мирзонинг базмига ҳам бир навбат бордим. У базмда Ҳусайн Али Жалойир ва Мир Бадр Музаффар мирзо ҳам бор эди. Базм аҳлининг кайфи зўрайганда Мир Бадр рақсга тушди, яхши рақс тушди. Чамаси, бу нав рақс Мир Бадрнинг ўз ихтиросидир“.

Бобур тасвирий санъатга жуда қизиққан, ҳатто унинг сир-синоатларини билишга ҳаракат қилган. У Беҳзодни мусаввирлар пешвоси сифатида ўта қадрлайди, айна пайтда, унинг ижодининг айрим мулоҳазаталаб жиҳатлари устида тўхталишни ҳам лозим топади (матн табдили): „Мусаввирлардан Беҳзод эди. Мусаввирлик санъатини жуда нозик қилди. Бироқ соқолсиз кишиларнинг чеҳрасини яхши очмайди: иягини узунроқ тортади. Соқолли кишининг юзини қойилмақом қилиб чизади“.

Қўшиқчи ҳофизларнинг сараси, айниқса, Бобуршоҳ базмларининг хушхон булбули Руҳдам эди. „Руҳдам“ сўзининг лугавий маъноси „нафаси жон бағишлайдиган“ демакдир. Бундай улуг мақтов сўзи биргина Исо алайҳиссаломга нисбатангина ишлатилган эди.

Бобур бу ҳофизни шунчалик қадрлайдики, унингча, гўё Руҳдам қатнашган базмлар руҳли, оромижон бўлади. Усиз, ё тасодифан у кетиб қолса, базмда руҳ қолмайди. Руҳдамнинг қадри шунчаликки, Бобур у ҳақда қуйидаги рубоийни ёзган:

*Гар Руҳдам этса эрди оҳанги нағам,  
Мажлисда не қузв қолур эрди, не гам.  
То боргали Руҳдам, бизинг мажлисдин,  
Мажлис элига не руҳ қолдию не дам.*

Хушхонларни шунчалик юксак баҳолаган Бобур ашулани яхши, ёқимли қилиб айтолмайдиган, савияси пастроқ ҳофизлар ҳақида ҳам ёзишни лозим топган. Қуйидаги матнда Ҳирот аҳлининг бақироқ, аммо овози ширали ва таъсирчан бўлмаган самарқандлик Миржон

ҳофиз хонишини қандай тинглаганликларини жуда қизиқарли баён этади. Музаффар мирзонинг Тарабхонадаги базмидан бир лавҳа (матн табдили): „Мажлисда мусиқачи ва ҳофизлардан Ҳофиз Ҳожи, Жалолоддин Маҳмуд нойи, Гулом Шодийнинг иниси Шодибача бор эди. У чанг чалар, Ҳофиз Ҳожи яхши хониш қилар эди. Ҳирот эли паст, нозик ва текис хониш қилади. Жаҳонгир мирзонинг самарқандлик Миржон исмли бир ҳофизи бор эди. Баланд, хунук ва нотекис хониш қиларди. Жаҳонгир мирзо кайф устида унга қўшиқ айтишни буюрди. У ажабтовур баланд овозда қўпол ва бемаза хониш қилди. Хуросон эли ҳазил-ҳузил билан тирик эл. Ҳожининг бу хонишидан бириси қулогини беркитадими-ей, яна бири юзини бужмайтирадими-ей, аммо мирзо туфайли ҳеч ким уни ман қила олмайди...“

5. „Бобурнома“ни набототга оид асар ҳам дейиш мумкин. Муаллиф „Бобурнома“да Фарғонадан Ҳиндистонга қадар ер, жой, тоғ, улкаларда усадиган дарахт, ўсимлик, ўт-ўлан, гуллар ҳақида қимматли маълумотлар берар экан, кўпроқ бу маълумотлар харитаси Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга тўғри келади.

Бобур Ҳиндистон меваларидан, чунончи, анба ҳақида мукамал ва муҳим маълумотларни бизга манзур этади (матн табдили): „Ҳиндистонгагина хос мевалардан бири анбадар... Яхшиси яхши бўлади, кўп ейиш мумкин. Лекин яхшиси кам бўлади. Уни аксар хом узадилар: уйда туриб пишади. Хоми яхши ош қатиги бўлади. Ғурасининг мураббоси ҳам яхши бўлади. Дарҳақиқат, Ҳиндистоннинг яхши меваси шудир. Баъзи одамлар анбани жуда мақтаб, қовундан бошқа барча мевалардан устун қўйган эдилар. Эл мақтаганича эмас. Кордий шоптолига ўхшашлиги бор. Пашакаал вақтида пишади. Икки хил ейилади: бирини сиқиб, пўла қилиб, терисини тешиб, сўриб сувини ичадилар; яна бирини кордий шоптолидек терисини арчиб ейдилар. Япроқлари шоптоли баргига бироз ўхшайди. Танаси кўримсиз ва хунукдир“.

Ҳиндистон меваларидан кейла ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта аниқ

тасвир ва талқини билан китобхонни ҳайратга солади (матн табдили): „Яна бир меваси кейладир. Араблар „мавз“ дейди. Дарахти унчалик баланд эмас, балки дарахт ҳам деб бўлмас. Бута билан дарахт орасидаги бир нарсадир. Барги амон-қоранинг баргига ўхшайди. Лекин кейла баргининг узунлиги икки қари бўлади, яссилиги бир қарига яқинлашади; ўртасидан юракдек бир шох чиқади, гунчаси ана шу шохда бўлади; гунчасининг ҳар барги очилгач, баргининг тубида қатор олти-етти гули бўлади. Бу қатор гуллар кейла бўлади. Ушбу юракдек шох узайгани сайин у катта гунчанинг барглари очилиб, қатор кейла гуллари кўринади. Кейла дарахти бир мартагина ҳосил берар эмиш.

Кейланинг икки латофати бор: бири буки, териси осон сўйилади; яна бири буки, ҳеч донаси ва вазни бўлмайди. Бодинжондан бироз узунроқ ва ингичкароқдир. Унчалик чучук эмас. Бангола кейлалари жуда чучук бўлар эмиш. Хийла хушбичим дарахти бор. Яп-ясси хушранг яшил барглари яхши кўринади“.

Меваларнинг кўриниши, таъми ҳақидаги тасаввур тўлиқ ва ишончли бўлиши учун берилган бундай маълумотларнинг аниқ, лунда ва муҳимлигига китобхоннинг қойил қолмасдан иложи йўқ. Ўқувчи тасаввурини бойитиш учун уша меваларнинг дарахти, ҳажми, ранги, гули ва япрогига тасвирлаш, аниқлик учун уларни бизда, Фарғона ва Урта Осиёда усадиган дарахт, мева, гул ва баргларига қиёслашнинг турли усулларини қўллаш намуналари асар муаллифининг адиб ва олимга хос кузатувчанлиги далилидир.

Бобур тугилган ватани — Фарғона набототи ҳақида оз-у соз ёзган (матн табдили): „Фарғона... кичик вилоятдир. Дон-дуни кўп, меваси фаровон. Қовун ва узуми яхши бўлади. Қовун пишиги пайтида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношвотисидан яхшироқ ношвоти бўлмайди.

Яна Маргинондир... ноз-неъматга бой. Анори ва ўриги жуда яхши бўлади. Бир хил анори бор, „донакалон“ — йирик донали дейдилар. Чучукликда ўрик таъмидан анча ширин. Самнон анорларидан устун қўйса бўлади.

Яна бир нав уриги бўладики, данагини олиб, ичига магиз солиб қуритадилар: „субҳоний“ дейдилар, жуда лаазатли.

Фаргона вилоятининг теварак-атроф тоғларида яхши яйловлари бор. Тобулғу дарахти бу тоғларда бўлади. Ўзга ҳеч ерда бўлмайди. Тобулғу шундай дарахт: пусти қизил, ҳасса, қушларга қафас қиладилар, қамчи дастаси ҳам қиладилар, тарашлаб камон ўқи қиладилар, хийла яхши дарахтдир. Табаррук қилиб йироқ жойларга алтадилар.

Баъзи китобларда битибдиларки, „ябруҳ ус-санам(женшен) бу тоғлардадир. Лекин бу муддатда ҳеч эшитилмади. Бир гиёҳ эшитилдики, Еттикентнинг тоғларида бўлади. У эл уни айиқути дейди: меҳригиёҳ хосиятли, эҳтимол, меҳригиёҳдир...“.

Бобурни меваларнинг хиллари, навлари, энг сараси, дарахтларнинг ҳатто ўтинга боп-нобоплиги, чўгининг узоқ ёки қисқа муддат учмаслиги каби эл эҳтиёжига зарурати қизиқтиради.

Биз „Бобурнома“ни ўқиб XV—XVI асрлардаги ҳайвонот ва наботот олами, экологик соғлом вазият гувоҳи бўламиз.

**6. „Бобурнома“ — ҳайвонот олами ҳақидаги қимматли маълумотлар манбандир.** Бу асардан Ҳиндистон ва Афғонистон теварак-атрофидаги биз номларини эшитмаган ёки эшитгану кўрмаган ўнлаб ёввойи, хонаки ҳайвонлар, қушлар ва ҳатто хилма-хил балиқлар ҳақида ўқиб ҳайратга тушамиз. Тўғри, ҳозирги телевидение имкониятлари мислсиз даврда ўша ҳайвон, қуш ва балиқлар тўғрисида анча-мунча маълумотлар бор. Аммо „Вақоеъ“ („Бобурнома“) яратилган даврлардан буён — деярли беш юз йил давомида асардаги ҳайвонот ва қушлар ҳамда балиқлар ҳақидаги маълумотлар кечаги кунгача Ўрта Осиё аҳолиси учун мўъжизалар дунёси булиб келганини тасаввур қилиб кўрайлик...

Бизнингча, Бобурнинг бу ҳақдаги маълумотлари бугунги ўзбек китобхони учун ҳам ўз янгилигини сақлаб келади.

Бобур Андижоннинг ов ҳайвонлари ва қушлари хусусида ёзади (матн табдили): „Ов қуши ҳам кўп бўлади. Қирғовули беҳад семиз бўлади. Шундай

ривоят қилдиларки, бир қирғовулнинг гўштини тўрт киши еб тугата олмайди“. Шундай маълумотни Хўжандга нисбатан ҳам берган: „Хўжанднинг овлоғи ва қушлоғи кўп яхшидир. Оқ кийик, буғумарал, қирғовул ва товушқони (ёввойи қуёни) кўп бўлади“.

„Бобурнома“ муаллифини Ҳиндистоннинг бой, хилма-хил ва гаройиб ҳайвонот дунёси қизиқтиради (матн табдили): „Ҳиндистонда жониворлар кўп: тути ва шорак, товус ва луча, маймун, нилагов ва кўтаҳпой(қисқаоёқ). Балки, бу мазкур булган жониворлардан яна ўзга-ўзга жинс қушлар ва жониворлар бўлур“;

„Ҳайвонотки, Ҳиндистонгагина хосдир. Ёввойи ҳайвонлардан бири филдир. Ҳиндистонлик уни „ҳаатий“ дейди... Фил йирик жуссали ва зийрак жонивордир. Ҳар нима десалар билади ва ҳар нима буюрсалар қилади. Баҳоси ёши улуглигига ярашади. Улғайтириб сотадилар. Ҳар неча ёши каттароқ — баҳоси баландроқдир... Филнинг емак-ичмаги фақат хартуми биландир. Хартуми бўлмаса — яшаёлмайди. Хартумининг икки ёнида — юқориги энгагида икки йирик тиши бор, томга ва дарахтга ушбу тишларини қўйиб, зурлаб қулатади... Филнинг туки йўқдир...“

Яна бири каркдир. Бу ҳам йирик жонивор. Катталиги уч сигирча бўлади... Бир шохи бор — бурнининг устида, узунлиги бир қаричдан кўпроқ, икки қаричлиги учрамади... Ўзга ҳайвонотдан кўпроқ отга ухшаш. Негаки, отнинг қорни катта бўлмас, бунинг ҳам қорни катта бўлмайди. Худди отнинг оёғида ошиқ ўрнида парча суяги бўлганидек, бунинг ҳам ошиқ ўрнида парча суяги бор, худди отнинг олдинги оёғида кўмук бўлганидек, бунинг ҳам олд оёғида кўмук бор. Бу филдан йиртқичроқдир. Лекин унингчалик муте ва эл бўлмайди. Роса шох уради. Бу овларда кўп кишини ва отни шох урган. Бир овда Мақсуд номли танқуриқчи отини шохи билан бир найза бўйи кўтариб ташлади. Шу боисдан Мақсудга карк лақаби қўйилди.

Ҳайвонларидан яна бири маймундир. Ҳиндистонлик „бандар“ дейди. Бунинг ҳам хилма-хил навлари бўлади. Бир нави улдирки, бошқа вилоятларга олиб

кетадилар. Лўлилар унга уйин ургатадилар. Туки сариқ ва юзи оқ. Қўйруги унчалик узун эмас...

Яна бир хил маймуни бўлади. Юзи ва туки, бари аъзо-узвлари қоп-қорадир.

Яна нувлдир. Силловсиндан бироз кичикроқ бўлади. Дарахтга чиқади. Баъзилар уни муши хурмо(хурмо сичқони) ҳам дейдилар. Буни табаррук ҳисоблайдилар“.

Бундай маълумотлари билан китобхонни ҳайратга сола оладиган Бобур буларни кўриб аввал узи кучли ҳайратни бошдан кечиргани сир эмас (матн табдили): „Нингнаҳорга етгач, ўзга бир оламга назарим тушди: гиёҳлар ўзгача, дарахтлар ўзгача ва ёввойи ҳайвонлар ўзгача, қушлар ўзгача, эл ва улуснинг расму одатлари ўзгача. Ҳайратда қолдим. Зотан, ҳайратга арзийдиган жойлар эди“.

„Бобурнома“ қушлар ва балиқлар, уларнинг навлари, ранг-туслари, хатти-ҳаракатларидаги ҳайратомуз ҳолатлар хусусида ҳам бой маълумотларга эга. Буларнинг тасвирида Бобур икки ҳолатга алоҳида аҳамият беради: аввало, уларни кўрмаган китобхонларга балиқ ва қушларнинг ҳар бири ҳақида тасаввур ҳосил қилдирувчи маълумотларни тақдим этади; сўнгра балиқ ва қушларни овлаш усуллари ҳақида сўз юритадики, бу усулларни биз на кўрганмиз, на бировдан эшитганмиз.

Ҳар иккала ҳолат талқинида ҳам муаллиф маълумотларнинг янгилиги, қизиқарлилиги билан китобхон эътиборини қозонади.

Ушбулардан ташқари „Бобурнома“ китобхонга дин ва шариат, этнография, инсоншунослик, астрономия, табобат, ҳарбий илм, халқ оғзаки ижоди, математика, боғшунослик, шаҳар қурилиши, туш таъбиригача ўнлаб илмлардан муҳим ва қизиқарли маълумотлар беради. Бу асар мазмуни, воқеаларига эътибор қилган зийрак китобхон: „Бобурнинг қизиқмаган ва билмаган соҳаси қолмаган экан!“ деган ҳайратли хулосага келади. Дарҳақиқат, бу ажойиб фазилатлар унинг кўпқиррали фаолиятига хос ва мосдир.

\* \* \*

Ўзбекистон ва жаҳон олимлари саъй-ҳаракатлари, заҳматли кўпасрлик меҳнатлари туфайли Заҳириддин Муҳаммад

Бобур шахси бутун баркамоллиги билан тарихий ва адабий сиймо сифатида баралла қад кўтарди. Фанда бобуршунослик ва „Бобурнома“ шунослик йўналишлари яққол сезилиб қолди.

XX асргача ўзбек тарихчи ва тазкирачилари асарларида Бобур ҳақида маълумотлар берилди. Чунончи, Бобур вафотидан 36 йил кейин Ҳасанхожа Нисорий „Музақкири аҳбоб“ номли тазкирасида Бобур ва бобурий ижодкорларга катта ўрин ажратган. Бобурга бағишланган саҳифадан иқтибос: „(Бобур) чигатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси эди. Шамшир зарби билан Мовароуннаҳр мамлакатларига эга бўлиб, уни сақлаб қолишда кўп саъй-ҳаракатлар ва жонини аямасдан жаҳду жадаллар кўрсатди. Мардона тўқнашувлар қилди. Аммо тақдир ўқиға тадбир қалқони дош бера олмади...“

Тазкирачи Бобурнинг Ҳиндистон тахтига эга бўлганини шундай байтда ифодалайди:

*Ҳумоюнфол Бобурподшоҳ*

*шоҳи жаҳон булди,*

*Ки Ҳинд олиб, муҳолиф аскарига*

*комров булди.*

*(Исмоил Бекжон таржимаси.)*

Тарихчи Мирзо Олим Мушрифнинг „Ансоб ус-салотин фи таворихи хавоқин“ („Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари“) асарида Бобурнинг ҳаёти: таваллуди, исми шарифининг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор томонидан қўйилиши каби тафсилотлар берилган.

Ўзбекистонда Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларининг илмий академик ва оммавий нашрларини эълон қилиш асосан XX асрнинг 40-йилларидан бошланди. Ушбу хайрли иш бошланишига муайян маънода Алишер Навоий таваллуди тантаналарининг режалаштирилиши ва утказилиши ҳам туртки бўлган, деган фикрлар бор.

Бобурнинг Ўзбекистонда танилиши ва ўрганилишида олимлардан Абдурауф Фитрат, Мақсуд Шайхзода, Ҳомил Ёқубов, Ойбек, Олим Шарофиддинов, Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев, Азиз Қаюмов, Воҳид Абдуллаев, Натан Маллаев, Ботирхон Валихўжаев, Хосият

Назарова, Ҳамидулла Ҳасанов, Саид Алиев, Александр Самойлович, Ия Стеблева, Михаил Салье, Сабоҳат Азимжонова, Саидбек Ҳасанов, Абдурашид Абдугафуров, Ёқубжон Исҳоқов, Иброҳим Ҳаққул, Турғун Файзиёв, Фозила Сулаймонова, Фатҳиддин Исҳоқов, Ҳасанжон Қудратиллаев, Исмоил Бекжон, Бегали Қосимов, Гайбулла Саломов, Неъматулла Отажонов, Ансориддин Иброҳимов, Раҳим Воҳидов, Ҳамидулла Болтабоев, Иқболлой Адизова, Гафуржон Сотимов, Зокиржон Машрабов, Сайфиддин Жалилов, адиблардан Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов, Қамчибек Кенжанинг хизматлари қайд этгуликдир.

Ҳар нима бўлганда ҳам шоҳ ва шоир Бобур асарларининг ўзбек поэзияси антологиясига, ўрта мактаб дарсликларига киритилиши, 40- йиллардаёқ „Бобурнома“нинг икки китоб ҳолида нашр этилиши, рус тилига Михаил Салье томонидан таржима қилиниши ва шу таржима орқали бошқа тилларга ўгирилиши; Бобур даври, ҳаёти ва ижоди ҳақида тарих, адабиёт фанларидан номзодлик ва докторлик диссертацияларининг ёзилиши, Бобур асарлари учун лугатлар тузилиши, адабиёт ва санъатда Бобур образининг яратилиши, Ўзбекистонда шоир номининг абадийлаштирилиши кабилар ХХ асрга мансубдир. Бунда 80- йиллари Бобурга нисбатан мафкуравий хуружлар уюштирилганини ҳам инobatга олмоқ керак бўлади, албатта.

60- йиллардаёқ Сабоҳат Азимжонова ва Азиз Қаюмов Бобур асарларининг уч жилдлигини эълон қилганликлари; Порсо Шамсиев ва Содиқ Мирзаев „Бобурнома“нинг илмий-танқидий матнга яқинлаштирилган мукаммал нусхасини нашр этганликлари, Саидбек Ҳасанов Бобурнинг „Муфассал“ номли йирик аруз тадқиқотини „Мухтасар“ номи остида аслининг фотофаксимил нусхасини ва матнни кирилл ҳарфларида нашрга тайёрлаб чоп эттиргани, Ия Стеблеванинг „Бобур газаллари семантикаси“ тадқиқотининг яратилгани, Салоҳиддин Жамоловнинг „Бобурнома“нинг бадий хусусиятлари“, Хосият Назарованинг „Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача

лугат“, Сабоҳат Азимжонованинг „Бобурнинг Кобул ва Ҳиндистондаги давлати“, Гайбулла Саломов ва Неъматулла Отажоннинг „Бобурнома жаҳон кезади“ китобларининг олам юзини кўргани бобуршуносликка қўшилган илмий ҳиссалар бўлди.

Буюк истиқлол шоҳ ва шоир Бобур буй-бастини ўз элига баралла намойиш қилишнинг янги-янги имкониятларини яратди. Мустақиллик ва миллий гоё олимларга бобуршуносликда ўзига хос қанот берди, дейиш мумкин. Ушбу йилларда Бобур ва бобурий ижодкорлар асарларини катта тиражларда нашр қилиш жадал суръатларда давом этди.

Комрон девонининг оммавий ва илмий-танқидий матнларини профессор Саидбек Ҳасанов амалга оширди. Энг жиддий ютуқлардан бири шу олим тайёрлаган Бобурнинг фикҳга оид „Мубаййин“ асарининг мукаммал нашри бўлди. Бу ютуқларнинг ҳадди аълоси Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев нашрлари ва Эйжи Мано илмий-танқидий матни асосида „Бобурнома“нинг 2002 йилги нашри бўлди. Бу илмий хизмат ҳам профессор Саидбек Ҳасановга насиб этди.

Истиқлол йиллари давомида Бобур ва бобурийлар ҳақидаги китобларнинг кўплаб яратилганини алоҳида қайд этишга тўғри келади; юзлаб мақолалар, ўнлаб рисола ва монографиялар бунинг ёрқин далилидир. Ҳасанжон Қудратиллаевнинг „Бобур армони“, Раҳим Воҳидовнинг „Биз билган ва билмаган Бобур“, Иқболлой Адизованинг „Сўзумни куруб англагайсан ўзумни...“, Ансориддин Иброҳимовнинг „Бобурнома“ — буюк асар“, „Бобурнома“даги ҳиндча сўзлар“, Гафуржон Сотимовнинг „Бобурийзодалар“, „Марказий Осиё ва Ҳиндустон тарихида бобурийларнинг ўрни“, Сайфиддин Жалиловнинг „Бобур ва Юлий Цезарь“, „Бобур ҳақида ўйлар“, Фатҳиддин Исҳоқовнинг „Бобурнома“ учун қисқача изоҳли лугат“, Зокиржон Машрабов ва С. Шокаримовнинг „Асрларни бўйлаган Бобур“, Азиз Қаюмов ва Саидбек Ҳасановнинг „Бобур ижодиёти“, Қамар Раиснинг „Бобур шахси ва шеърляти“, Шафиқа Ёрқиннинг „Бобур девони. Такмила“; Комрон „Девон“и (илмий-танқидий матн), „Гулбадан Бегим

„Хумоюннома“, Румер Годеннинг „Гулбадан“ романи, Пиримқул Қодировнинг „Бобур“, „Авлодлар довони“ романлари, Хайриддин Султоновнинг „Бобурнинг тушлари“, „Саодат соҳили“, „Бобурийнома“ қиссалари ва маърифий романи, Қамчибек Кенжанинг „Ҳинд сорига“, „Буюклар изидан“, „Андижондан Даккагача“, „Андижондан Бағдодгача“ сафарномалари шулар жумласидандир.

Улуғ Истиқлол билан деярли тенгдош — 1992 йил февралдан таъсис этилган Бобур халқаро хайрия фонди ҳам Заҳриддин Муҳаммад Бобур абадиятини таъминлашда, Бобур ва бобурийлар асарлари, таржималари ва улар ҳақидаги жаҳон олимларининг тадқиқотларини қўлёзма, тошбосма ва типографик нашрлар ҳолида уз ватанига — Андижонга олиб келишда куплаб хайрли ишларни бажармоқда. Чунончи: фонд ташаббуси билан Андижон шаҳридаги Боғишамол мавзесидан 300 гектарлик ер Бобур Миллий боғи учун ажратиб олиниб, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Боғда „Бобур ва жаҳон маданияти“ музейи ташкил этилди. Огра ва Кобулдаги Бобур қабрлари хокидан келтирилиб, Миллий боғда Бобурнинг муҳташам рамзий мақбараси бунёд этилди. Гўё Бобур қабри кучириб келинди. Заҳриддин Муҳаммад Бобуршоҳ шоир тилидан васият қилганидек:

*Улсам ясаманг мунда мазоримни* *менинг,*  
*Юклаб элтиятг жисми низоримни* *менинг.*  
*Утру чиқариб халқи дёнрими* *менинг,*  
*Куйида қуйинг тани фигуримни* *менинг.*

Унинг хоки ўзи туғилиб усган Андижон шаҳрига келтирилди. Андижонда иккита куркам Бобур ҳайкали ўрнатилди.

Бобур фондининг „Бобур изидан“ илмий экспедицияси узининг ўн икки сафарда жаҳоннинг 30дан ортиқ мамлакатларида — Бобур қадамжоларида булиб, 300га яқин Бобур ва бобурийларга тегишли бадий, илмий ва таржима асарларни келтириб „Бобур ва жаҳон маданияти“ музейи мулкига айлантирдилар.

Ушбу нодир топилмалар орасида бобурий хати билан ёзилган Қуръони карим, Аннета Сюзен Бевериж Лондонда чоп этган „Бобурнома“ (Ҳайдарободдаги Соларжанг музейида сақланаётган нусхасининг факсимил наشري) нусхаси, „Бобурнома“нинг Қозонда 1856 йили Н. Ильминский томонидан амалга оширилган наشري, Эрондаги „Гулистон“ музейидан келтирилган „Бобур куллиёти“ нусхаси, „Бобурнома“нинг йигирмадан ортиқ тилларга таржима намуналари, Анна Флора Стиннинг „Тож кийган дарвиш“, Уилям Эрскиннинг „Бобур ва Эрон“, Харолд Лембнинг „Бобур-йулбарс“, Румер Годеннинг „Гулбадан“ романлари, Мирзо Голибнинг „Меҳри нимруз“, Эйжи Манонинг тўрт жилдлик тадқиқотлари: 1) „Бобурнома“нинг илмий-танқидий матни; 2) „Бобурнома“нинг япон тилидаги таржимаси; 3) „Бобурнома: кўрсаткичлар, шарҳлар“ ва 4) „Бобур ва унинг даври“ китоблари борлигини қайд этиш жоиздир.

Бобур фонди раиси Зоқиржон Машрабов бошлиқ экспедиция ўз сафарлари давомида Бобур қадамжолари бўлган ва бобурийларга дахлдор музейлар, шаҳарлар ва одамлар ҳақида йигирма бешта видео- ва кинофильмлар яратишга муваффақ бўлди.

Бобур фонди халқаро Бобур мукофотини ҳам таъсис этди. Бу мукофот жаҳон олимлари, рассомлари, адиб ва шоирлари, киносанъаткорларининг Бобур ва бобурийлар ҳақидаги энг яхши ишларига берилади. Ҳозиргача бу мукофотга Ҳиндистондан Қамар Раис, Афғонистондан Шафиқа Ёрқин, Япониядан Эйжи Мано, Ўзбекистондан Пиримқул Қодиров, Хайриддин Султонов, Азиз Қаюмов, Саидбек Ҳасанов, Гайбулла Саломов, Сайфиддин Жалилов, Сабоҳат Азимжонова, санъаткорлардан: Муҳаммадали Абдуқундузов, Маъмуржон Тўхтасинов ва кинорежиссёр Маҳмуд Юнусов, меъморлар Муҳаммадҷон Мирзаев, Раҳмонҷон Азимов сазовор бўдилар. Бобур халқаро фондининг бундай кўпқиррали фаолияти президентимиз И.А. Каримов назарига ҳам тушди. Президент 2007 йил 10 декабрда Андижон вилояти сайловчилари билан учрашув нутқида вилоятнинг саноат, қишлоқ хўжалиги ва маънавияти

жонбозлари исм-шарифлари сафида Зокиржон Машрабовни „Маънавиятимиз фидойиси“ деб атади.

Ўзбек миллати ва Ўзбекистонни уз шоҳ асари „Бобурнома“ билан жаҳонга танитган шоҳ ва шоир Бобур таваллудининг бу йил 525 йиллиги тантаналари мактаблар, маърифий даргоҳлардагина

эмас, балки кўпмиллатли халқларимиз кўнгилларида акс-садо бермоқда.

Бобур ҳаёти ва ижоди билан жаҳон олимлари мунтазам шугулланмоқдалар; халқаро Бобур фонди жамоаси Андижонда ўзига хос Бобур академиясини барпо этишга сидқидилдан ҳаракат қилмоқда.

Ваҳоб РАҲМОНОВ

### СЎЗБОШИГА ҚЎШИМЧА

„Бобурнома“да бугунги китобхонга нотаниш сўзлар ва махсус тушунчалар бор. Биз шулардан баъзиларига изоҳ беришни лозим топдик: **атка** — ўғилни вояга етказувчи, тарбияловчи бек; **бек атка** — подшо боласини тарбия қилувчи бек; **балут** — эман; **биёзи/пиёзи** — уруш қуроли; **гурзи, чўқмор**; **берк** — мустаҳкам, пухта мудофаага эга; **булук** — кичик вилоят; **гарий** — йигирма-йигирма беш минут оралигидаги вақт; **гов** — ҳўкиз; **говмиш** — қўтос; **йигоч** — тахминан 8 километрга тенг масофа; **карур** — ун миллион; **куруҳ** — 4 минг қадамга тенг узунлик ўлчови; **кўтал** — доvon; **паҳар** — бир кеча-кундузнинг

саккиздан бири, уч соатли вақт; **пос** — уч соат, бир кеча-кундузнинг саккиздан бири; **савдар** — хизматкор; **урук** — лашкаргоҳ, қароргоҳ; **уруқ** — ҳарбий юриш пайтида лашкар кетидан борадиган кўч (обоз); **шаръий** — икки-уч минг қадам миқдордаги масофа ўлчови; **қазоқ** — мулксиз, дарбадар ҳарбий; **қари** — бир метр чамасидаги узунлик ўлчови, тахминан олтмиш сантиметр.

\* \* \*

*„Бобурнома“ ни ҳозирги ўзбек тилига Ваҳоб Раҳмонов 29-бетдан 166-бетгача ва Каромат Муллаҳўжаева 166-бетдан охиригача ўгирган.*



## БОБУРНОМА

## БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

## Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеалари

Тангри таолонинг инояти ва коинот сарвари бўлган ҳазрат Расули акрамнинг шафоати, поккўнгил чаҳорёрларнинг ҳиммати билан сешанба куни, рамазон ойининг бешинчисида, саккиз юз тўқсон тўққизинчи йили Фаргона вилоятига ўн икки ёшда подшоҳ бўлдим.

Фаргона вилояти бешинчи иқлимдадир. Шарқи Кошғар, гарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг чегараси — тоғлар, шимолида илгарилар Олмолиқ, Олмоту ва Янги сингари шаҳарлар бўлган экан, уни китобларда Утрор деб ёзадилар, мўгул ва ўзбаклар юришлари туфайли ҳозирги пайтда бузилиб кетган, асло ободонлик асари қолмаган.

Кичик вилоятдир, галла ва меваси фаровон. Теварак-атрофи тоғлар билан ўралган. Гарбий тарафида, яъни Самарқанд ва Хўжанд томонида тоғ йўқ. Ушбу ёқдан бошқа ҳеч бир томондан қишда душман кела олмас. Сайхун дарёси Хўжанд суви номида машҳур, у шарқу шимол тарафдан келиб, вилоятнинг ичи билан ўтиб, гарб сари оқади; Хўжанднинг шимоли ва Фанокатнинг (ҳозир Шоҳрухия сифатида машҳур) жанубий тарафидан ўтиб, яна шимолга бурилиб, Туркистон сари боради. Туркистондан анча қуйроқда бу дарё бутунлай қумга сингиб кетади, биронта дарёга қўшилмайди.

Етти қасабаси (шаҳарчаси) бор: беши Сайхун (Сирдарё) сувининг жануб тарафида, иккитаси шимол томонида. Жанубий тарафидаги шаҳарлардан бири — Андижон, ўртада жойлашган, Фаргона вилоятининг пойтахтидир. Ғалласи мўл, меваси кўп, қовун ва узуми яхши бўлади. Қовун пишиғида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас. Андижоннинг ношвотисидан яхшироқ ношвоти(нок) бўлмас.

Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш (Шаҳрисабз) қўргонидан кейин бундан каттароқ қўргон йўқ. Уч дарвозаси бор. Арки (подшоҳ саройи) жануб тарафида

жойлашган. Шаҳарга тўққиз тарнов сув киради. Ажабки, бирор ердан ташқарига чиқмайди.

Қалъанинг теварак-атрофи — хандақ. Унинг ташқариси — тош тўкилган катта кўчадир. Қалъанинг атроф-айланаси тамоман маҳаллалар билан қуршалган. Бу маҳаллалар билан қалъа оралиги хандақ ёқасидаги катта кўчадир.

Ов қушлари ҳам кўп бўлади. Қирговули беҳад семиз бўлади. Шундай ривоят қиладиларки, бир қирговул гўштини тўрт киши еб тугатолмаган.

Эли туркдир (ўзбекдир). Шаҳар аҳлиси ва бозорга келувчилардан туркийни билмайдиган киши йўқ. Элининг тили адабий тилга мувофиқ. Шунинг учун ҳам Мир Алишер Навоийнинг асарлари, гарчанд Ҳирий (Ҳирот)да шуҳрат қозонган бўлса-да, бу тил билан ёзилган.

Элининг орасида санъаткорлари кўп. Мусиқада машҳур Хожа Юсуф андижонликдир.

Ҳавосининг рутубати бор. Куз пайтлари халқ кўп безгакка чалинади.

Яна бири Уш шаҳарчасидир. Андижоннинг шарққа мойилроқ шарқи жанубий тарафида. Андижондан тўрт йиғочлик йўлдир. Ҳавоси яхши, оқар суви мўл. Баҳори жуда яхши бўлади.

Ушнинг фазилати ҳақида кўп овозалар бор. Қўргонининг шарқи жанубида бир кўркам тоғ қад ростлаган, Бароқўҳ деб номланади. Бу тоғнинг чўққисида Султон Маҳмудхон бир ҳужра солган. У ҳужрадан қуйроқда, ушбу тоғнинг тумшугида тўққиз юз иккинчи йили (1497) мен бир айвонли ҳужра солдирдим. Гарчи у ҳужра юксакроқда бўлса-да, бу ҳужра ҳам кўп яхши жойда қад кутарган: бутун шаҳар ва маҳаллалар шундайгина кўриниб туради.

Андижон сойи Уш маҳаллалари ичидан ўтиб, Андижонга кириб боради. Бу сойнинг иккала томони ҳам боғлар билан

обод. Боглар шундайгина сойга туташиб кетган. Бинафшаси беҳад нафис бўлади. Оқар сувлари бор, баҳори жуда яхши бўлади. Куп лола ва чечаклар очилади. Барокўҳ тоғининг этагида — шаҳар билан тоғ орасида бир масжид қад кутарган, масжиди Жавзо номли. Тоғ тарафидан бир катта ариқ оқади. Ушбу масжиднинг ташқари саҳни нишаброқ, себаргалик, серсоя, сафолик майдондир. Ҳар мусофир ва ўткинчи ўша ерда истироҳат қилади. Ўш бебошларининг қалтис ҳазиллари буки: кимки у ерда ухласа, шу катта ариқдан унга сув сочадилар.

Умаршайх мирзо салтанатининг сўнги пайтлари ушбу тоғдан қизил ва оқ товланадиган тош топилди: пичоқ дастаси, такбанд ва баъзи нарсалар қиладилар, анча яхши тошдир. Фарғона вилоятида ҳавоси тозаликда Ўш сингари шаҳар йўқ.

Яна бири Маргинондир. Андижоннинг гарбида. Андижондан етти йигочлик йўлда.

Яхши шаҳарча, неъматларга бой: анори ва ўриги жуда кўп ва яхши. Бир нав анори бўлади: йирикдона, дейдилар, чучуклигидан бироз ўрик ширинлигича таъми бор. Самнон анорларидан юқори қўйса бўлади. Яна бир нав ўрик бўладики, данагини олиб, ичига магиз солиб қуритадилар, буни субҳоний дейдилар, кўп лазиздир.

Ов қўшлари яхши, оқ кийик шаҳарга яқин жойда топилади. Эли сорт(тожик)дир, мушти югурук ва сержанжал эл. Жангарилик Мовароуннаҳрда одатдир. Самарқанд ва Бухородаги номдор жангариларнинг аксари маргинонликдилар.

„Ҳидоя“ асари муаллифи Маргиноннинг Рушдон номли кентидандир.

Яна бири тоғ этагида жойлашган Исфарадир. Оқар сувлари, сафолик богбоғчалари бор. Маргиноннинг гарби жанубидадир. Маргинон ва Исфара ораси тўққиз йигочлик йўлдир. Мевали дарахтлари кўп, бироқ богларида аксар бодом дарахти экилади. Халқининг барчаси сорт, форсий сўзлашади. Исфарадан бир шаръий масофада жануб томонида тепаликлар орасида бир йирик тош бор, уни „Санги ойна“ (кўзгу тош) дейдилар. Узунлиги тахминан ўн қари

келади, баландлиги баъзи ери одам бўйи, баъзи ери пастлиги киши белигача бўлиб, ойнадек ҳар нима акс этади.

Исфара вилояти тоғ этагидаги тўрт бўлукдан иборат: бири Исфара, бири Ворух, яна бири Сух, яна бири Ҳушёр.

Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон билан Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шоҳрухияни олган пайтда ушбу Сух билан Ҳушёр тоғ этакларига келиб, бир йилга яқин муддатни қийинчиликда ўтказиб, Кобулга томон йўлга тушдим.

Яна бири Хужанддир, Андижондан гарб томонга йигирма беш йигочлик йўлда. Хужанддан Самарқандга ҳам йигирма беш йигочлик йўл. Қадимий шаҳарлардан. Шайх Муслиҳиддин ва Хожа Камол Хужанддандилар.

Меваси мўл ва жуда яхши бўлади. Анори машҳурдир. Чунки „Самарқанд олмаси“ ва „Хужанд анори“ дейдилар. Бироқ бу тарихий санада Маргинон анори янада афзалдир.

Қўргони баланд ерда жойлашган. Сайхун суви шимол томонидан оқади. Дарё қўргондан бир ўқ отими масофададир. Қўргон билан дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушган, Мевагул номли. Бу тоғда феруза кони ва бошқа маъданли конлар топилади, дейишади. Бу тоғда илон кўп бўлади.

Хужанднинг ҳайвон ва қўш овланадиган жойлари жуда қулай. Оқ кийик, буғу-марал, қирғовул ва ёввойи қуён кўп бўлади. Ҳавоси жуда рутубатли: куз пайтлари безгак кўп тарқалади. Шундай ривоят қилдиларки, ҳатто чумчуқ ҳам безгакка чалинган экан. Ҳавосининг нохушлиги шимолдаги тоғ туфайли эмиш.

Бунга тобе мавзелардан бири Кандибодомдир. Шаҳар деб бўлмайдую, аммо яхшигина шаҳарчадир. Бодоми яхши бўлади. Бу жиҳатдан шу исм билан номланган. Ҳурмуз ва Ҳиндистонга кўпроқ шу ёрнинг бодоми боради. Хужанддан беш-олти йигоч шарқий тарафдадир. Хужанд ва Кандибодом орасида Ҳодарвеш номли бир дашт бор. Бу даштда ҳамиша шамол эсади. Бундан шарқ томонда булган Маргинонга ҳам шу ёрнинг шамоли боради. Хужанд бунинг

гарбида бўлиб, мудом бу ердан у ерга шамол эсади; қаттиқ шамоллари бор. Дерларки, бир неча дарвеш бу даштда қаттиқ шамолга йўлиқиб, бир-бирларини тополмай, „Ҳо, дарвеш!“ „Ҳо, дарвеш!“ дея-дея ҳалок бўлганлар. Ушандан бери бу даштни Ҳодарвеш дейдилар.\*

Сайҳун сувининг шимолий тарафидаги шаҳарлардан бири Ахсидир. Китобларда Ахсикат деб ёзадилар. Чунончи, Асириддин шоирни Асириддини Ахсикатий дейдилар. Фарғонада Андижондан кейин бундан йирикроқ шаҳар йўқ.

Ахси Андижондан ғарб сари тўққиз йигочлик йўлда. Умаршайх мирзо буни пойтахт қилган эди. Сайҳун дарёси қўргонининг пастидан оқади. Қўргони баланд жар устида жойлашган. Хандақ ўрнида чуқур жарлар бор. Буни пойтахт қилган Умаршайх мирзо бир-икки маротаба ташқариоқдан яна жарлар қаздирди. Фарғонада бунчалик мустаҳкам қўргон йўқ. Маҳаллалари қўргондан бир шаръий йироқроқда жойлашган. „Қишлоқ қаердаю, дарахтлар қаерда?“ мақолини афтидан Ахси учун айтганлар.

Қовуни яхши бўлади. Бир нав қовунини „миртемурий“ дейдилар, бундай қовунининг бошқа жойда ҳам борлиги маълум эмас. Бухоро қовуни машҳурдир. Самарқандни олган пайтимда Ахсидан, Бухородан қовун келтириб, бир ўтиришда сўйдирдим. Ахси қовунининг ҳеч мисли йўқ эди.

Овланадиган қушлари беҳад яхши бўлади. Сайҳун дарёсининг Ахси тарафи даштдан иборат. Оқ кийиги кўп бўлади. Андижон тарафи тўқай; бугу-марал, қирговул ва ёввойи қуён кўп. Аксари жуда семиз бўлади.

Яна бири Косон. Ахсининг шимолида жойлашган кичикроқ шаҳарчадир. Андижонга сув Ушдан келганидек, Ахсига сув Косондан келади. Ҳавоси яхши. Сафоли бог-богчалари бор. Бироқ сафоли богчалари бутунлай сой ёқасида булгани учун уни олди барра терили пустинга ўхшатадилар. Хушҳаволикда Уш билан Косоннинг ўхшашлиги бор.

Фарғона вилоятининг атроф-теварагидаги тоғларда яхши яйловлар бор.

Тобулғу\*\* шу тоғларда бўлади, бошқа ҳеч ерда бўлмайди. Тобулғу шундай бир бутасимон дарахтдирки, пусти қизил, ундан ҳасса, қамчи дастаси, қушларга қафас қиладилар; йўниб камон ўқи ясайдилар, анча яхши дарахтдир. Табаррук билиб йироқ юртларга олиб борадилар.

Баъзи китобларда „ябруҳ ус-санам“\*\*\* шу тоғлардадир, деб ёзганлар. Бироқ бу муддатгача ҳеч кўрмадик. Бир гиёҳни Еттикент тоғларида бўлади, дейишади, номи „айиқути“ эмиш; меҳригиёҳ хосиятли, афтидан ўша меҳригиёҳдир, у эл бу ном билан айтади.

Бу тоғларда феруза ва темир конлари бўлади. Фарғона вилоятининг ҳосили билан, агар адолат қилсалар, уч-тўрт минг кишилик лашкар сақласа бўлади.

Умаршайх мирзо олийҳиммат ва улғурзули подшоҳ бўлгани учун ҳамиша унда бошқа мамлакатларни эгаллаш истаги бор эди; бир неча маротаба Самарқанд устига лашкар тортди: баъзи маҳал шикаст топди, баъзи маҳал умиди амалга ошмай қайтди. Бир неча маротаба қайнотаси Юнусхонни (Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатойхон наслдан. Чигатойхон юртида мўғул халқининг хони у пайтларда ўша эди. У менинг катта отам бўлади) илтимос қилиб келтирди. Ҳар гал чорлаганда вилоятлар берарди. Умаршайх мирзо кўнглидагидек бўлмагани учун гоҳо Умаршайх мирзонинг ёмон муносабатидан, гоҳо мўғул халқининг мухолифатидан вилоятда тура олмай, яна Мўғулистонга қайтиб кетар эди.

Охирги дафъа чақирган пайтида Тошкент вилояти Умаршайх мирзо тасарруфида эди (китобларда Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар; „камони чочий“ (Тошкент камони) ибораси шу туфайлидир, унга берди. Ўша фурсатдан тўққиз юз саккизинчи (1502) йилгача Тошкент ва Шоҳрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида бўлди. Бу фурсатда мўғул улусининг хон ва султонлиги Юнусхоннинг катта ўгли — менинг тоғам Султон Маҳмудхонда эди. Умаршайх мирзонинг оғаси Самарқанд

Кейинчалик бу дашт Қароқчиқум деб аталган.

\*\* Йулгунсимон пустилоғи қизил дарахт.

\*\*\* Ябруҳ ус-санам — меҳригиё, женшен, илдизи одамга ўхшаш ўсимлик.

подшоҳи Султон Аҳмад мирзо ва мугул улусининг хони Султон Маҳмудхон Умаршайх мирзонинг ёмон муомаласидан безор бўлганликларидан бир-бирлари билан иттифоқ тузиб, Султон Аҳмад мирзо Султон Маҳмудхонни ўзига куёв қилиб, ўша йили Сайхуннинг жануб томонидан Султон Аҳмад мирзо ва шимол тарафидан Султон Маҳмудхон Умаршайх мирзо устига лашкар тортдилар. Бу аснода галати воқеа юз берди. Зикр этилганидек, Аҳси қўргони баланд жар устида жойлашган, иморатлари ҳам жар ёқасида эди. Ушбу йили душанба куни, рамазон ойининг тўртинчисида Умаршайх мирзо жардан кабутарлар ва кабутархонаси билан учиб, ҳалок бўлди. Ўттиз тўққиз ёшда эди.

**Таваллуди ва насл-насаби.** Саккиз юз олтмишинчи (1455) йили Самарқандда туғилди. Султон Абусаид мирзонинг тўртинчи ўгли эди. Султон Аҳмад мирзо, Султон Муҳаммад мирзо, Султон Маҳмуд мирзодан кичик эди. Султон Абусаид мирзо Султон Муҳаммад мирзонинг ўгли эди. Султон Муҳаммад мирзо Мироншоҳ мирзонинг ўгли эди. Мироншоҳ мирзо Темурбекнинг учинчи ўгли эди. Умаршайх мирзо билан Жаҳонгир мирзодан кичик, Шоҳрух мирзодан катта эди.

Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзога бериб, Бобои Кобулийни бекота қилиб, жўнашга рухсат берганди. Мирзоларнинг суннат тўйи сабабли Дараи Газдан қайтариб, Самарқандга келтирди. Тўйдан сўнг, Темурбек катта Умаршайх мирзога Фаргона вилоятини берганидек, Султон Абусаид мирзо ҳам ўгли Умаршайх мирзога Андижон вилоятини бериб, Худойберди Тугчи Темуртошни бекота қилиб юборди.

**Шакл-шамойили:** паст бўйли, юмалоқ соқолли, сарғиш юзли норғил киши эди. Тўнни роса тор кияр эди. Шунчаликки, белбоғ боғлаганда қорнини ичига тортиб боғлатар, боғлагандан сўнг ўзини қўйиб юборса кўпинча боғлари узилиб кетарди. Киймоқ ва ёмоқда бетакаллуф эди. Саллани дасторпеч (махсус салла ўрайдиган киши) ўраб қўярди. У замонда саллалар бутун тўртўрама бўларди. Текис чирмаб, учини осилтириб қўярдилар. Ёз пайтлари маҳкамадан бошқа ерларда аксар мўгулча бўрк киярди.

**Феъл-атвори:** ҳанафий мазҳабида, покиза эътиқодли киши эди. Беш вақт намозни тарк қилмасди. Умрий намоз қазоларини бутунлай тамомлаган эди. Аксар тиловат қилар эди. Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳга мурид эди. Суҳбатларига кўп мушарраф бўлган, Хожа ҳам уни фарзанд дер эдилар.

Яхши саводи бор эди. „Хамсатайн“ (Низомий Ганжавий ва Амир Хисрав Деҳлавий „Хамса“лари), дostonлар ва тарихларни ўқир эди. Кўпинча „Шоҳнома“ ўқир эди. Шеъринг истеъдоди бор, бироқ шеър ёзишга қўнт қилмасди.

Адолати шу даражада эдики, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг пастида Хитойдан келаётган минг қорамоллик карвонни шундай қор босдики, икки киши қутулиб қолди, холос. Хабар топиб, одамларини юбориб карвоннинг ҳамма нарсаларини йигдирди. Ўша пайтда ворислари бўлмаганидан, эҳтиёт юзасидан сақлаб, бир-икки йилдан сўнг Самарқанд ва Хуросондан ворисларини суриштириб, топтириб келтириб, молларни эсон-омон топширди.

Ғоят саховатли эди. Хулқи ҳам саховатича бор эди. Хушхулқ, ҳазилкаш, гапга чечан ва ширинсўз киши эди. Шижоатли ва мардона киши эди.

Икки маротаба жангда ўзи барча йигитларидан ўзиб қилич чопти: бир маротаба Аҳси дарвозасида, яна бир маротаба Шоҳрухия дарвозасида. Ўқни ўртача чоғлиқ отар эди. Мушти жуда қаттиқ эди, унинг муштидан йиқилмаган йигит йўқдир. Юрт олиш дағдағаси тўфайли анча ярашлар урушга ва дўстликлар душманликка айланарди.

Авваллари кўп ичарди, кейинчалик ҳафтада бир ёки икки марта ичадиган бўлди; хушсуҳбат киши эди. Бирор баҳона билан хўб шеърлар ўқирди. Кейинги пайтлари кўпроқ маъжун истеъмол қиларди. Маъжунийликда қалтис ҳаракатларга йўл қўяр, ҳазил-шухликка ўч, ҳамиша нард ўйнар, гоҳо қимор ҳам ўйнарди.

**Жанг ва урушлари.** Уч маротаба саф тортиб уруш қилган. Аввал Юнусхон билан Андижоннинг шимол тарафи — Сайхун дарёсининг ёқасидаги Такасекретку деган ерда. Бундай номланишининг боиси шуки, тоғ этаги бўлганидан бу ерда

дарё шундай тор жойдан оқадики, ривоят қилишларича, у ердан така сакраб ўтган экан. Мағлуб бўлиб, қўлга тушди. Юнусхон яхшилик қилиб вилоятга рухсат берди. Бу ерда уруш бўлгани учун „Така-секретку уруши“ ул вилоят тарихида қолгандир.

Яна Самарқанд туманларини талон-торож этиб келаятган ўзбеклар билан Туркистонда музлаган Арис сувини кечиб жанг қилиб, галаба қозонди; асирларни озод қилиб, молнинг ҳаммасини эгаларига қайтариб бериб, ҳеч нима тамаъ қилмади.

Яна бир марта Султон Аҳмад мирзо билан Шоҳрухия ва Ўратепа орасида, Хавос деган кентда урушиб енгилди.

**Вилоятлари.** Отаси Фаргона вилоятини берган эди. Бир неча маротаба Тошкент ва Сайрам ҳам мирзонинг тасаруфида бўлди. Бу шаҳарларни унга акаси Султон Аҳмад мирзо берган эди. Шоҳрухияни фириб билан олиб, анча вақт фойдаланиб турди. Охирги чоғларда Тошкент ва Шоҳрухияни қўлдан чиқарган эди. Фаргона, Хўжанд ва Ўратепагина қолди. Ўратепанинг асл номини китобларда Усрушнабир, Усруш деб ҳам ёздилар. Хўжандни баъзилар Фаргонага кирмайди, дейди.

Султон Аҳмад мирзо Тошкентга мўғуллар устига лашкар тортиб, Тошкентдан икки шаръий йўл наридаги Чир (Чирчиқ) сувининг ёқасида шикаст топди; Ўратепа Ҳофизбек дўлдой қулида эди, Умаршайх мирзога берди. Ўшандан кейин Ўратепа Умаршайх мирзо тасаруфида бўлди.

**Авлоди:** мирзодан уч ўғил, беш қиз қолди. Бари ўғлонларидан каттаси мен — Заҳириддин Муҳаммад Бобурман. Менинг онам — Қутлуг Нигорхоним. Яна бир ўғли Жаҳонгир мирзо мендан икки ёш кичик эди. Унинг онаси Фотима Султон мўғулнинг туман бекларидан бирининг қизи эди. Яна бир ўғли Носир мирзо бўлиб, унинг онаси андижонлик Умид исмли гунчачи эди; у мендан тўрт ёш кичик эди.

Қизларидан каттаси Хонзодабегим мен билан бир онадан туғилганди, у мендан беш ёш катта эди. Мен Самарқандни иккинчи марта олганимда Шайбонийхондек киши билан Сарипулда чиқиб

урушдим, имкон борича гайрат ва шижоатда хато қилмадик (ҳали уз вақтида бу ҳақда ёзилур), бироқ енгилиб, беш ой қалъадорлик қилдим. Қалъани сақлаш, уни мустаҳкамлаш ва сардорликда камчиликка йўл қўймадик.

Теварак-атрофдаги подшоҳу беклар ҳеч қандай мадад-кумак бермадилар, руҳим тушиб, шаҳарни ташлаб чиқдим.

Ўша таҳликали тўполонда Хонзодабегим Муҳаммад Шайбонийхон қўлига тушганди. Бир ўғил кўрган эди. Исми Хуррамшоҳ, яхши ўғлон эди. Шайбонийхон унга Балх вилоятини берган эди. Отаси ўлгандан кейин бир-икки йил ўтгач, вафот этди. Шоҳ Исмоил узбак (шайбонийлар)ни Марвда мағлуб этганда Хонзодабегим Марвда эди. Менинг ҳурматим туфайли, у ердан узатдилар, Қундузда менга келиб қўшилди. Жудолик муддатига ун йил бўлган эди. Мен ва Муҳаммадий кўкалдош икковимиз келдик, бегим ва бегимнинг ёнидагилар танимадилар. Исминни айтганимда ҳам анча муддатдан сўнг танидилар.

Яна бир қизи Меҳрбонубегим эди. Носир мирзо билан бир онадан туғилган, мендан икки ёш катта эди.

Яна бир қизи Шаҳрбонубегим эди. У ҳам Носир мирзо билан бир туғишган бўлиб, мендан саккиз ёш кичик эди.

Яна бир қизи Ёдгор Султонбегим эди, унинг онаси Ога Султон исмли гунчачи эди.

Яна бир қизи Руқия Султонбегимнинг онаси Маҳдум Султонбегим эди, уни Қорақўзбегим дердилар. Бу иккови мирзонинг вафотидан сўнг туғилдилар. Ёдгор Султонбегимни менинг улуғ онам Эсон Давлатбегим асраган эди. Шайбонийхон Андижон ва Ахсини олганда Ёдгор Султонбегим Ҳамза Султоннинг Абдуллатиф Султон исмли ўғлига тушган эди. Мен Ҳамза Султон бошлиқ султонларни Хатлон вилоятида босиб, Ҳисорни олганимда менга қўшилди. Ўша талотўп пайтида Руқия Султонбегим Жонибек Султонга тушганди, бир-икки ўғилли бўлди, бироқ болалари турмади. Яқинда хабар келдики, тангри раҳматига борибди.

**Хотинлари ва канизлари:** Қутлуг Нигорхоним, Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди.

Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатой наслидандир. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожохон ибн Туглуқ Темурхон ибн Эсан Бугахон ибн Дўвахон ибн Бароқхон ибн Йесун Тува ибн Мутугон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон.

Шунчалик тўхталдик, энди хонларнинг аҳволини ҳам қисқача зикр этайлик. Юнусхон ва Эсан Бугахон Вайсхоннинг ўғлонлари эди. Юнусхоннинг ўғлонлари Офоқхон ва Жонбобохон эди. Юнусхоннинг онаси Темурбек (Амир Темур) қадрлаган туркистонлик қипчоқ бекларидан Шайх Нуриддинбекнинг қизи ё невараси бўлади.

Вайсхоннинг ўлиmidан сунг мўгул улуси иккига бўлинади. Бир бўлаги Юнусхон томон ва кўпроги Эсан Бугахон томон бўлади. Улугбек мирзо бурунроқ Юнусхоннинг эгачисини Абдулазиз мирзога олиб берган эди. Шу муносабат билан Борин туман бекларидан Эрзан, Чарос туман бекларидан Мирак туркман Юнусхонни уч-тўрт минг уйли мўгул улуси билан Улугбек мирзога келтирдилар. Мақсадлари кўмак олиб, яна мўгул улусини эгаллаш эди; мирзо мурувват қилмади, баъзисини асир қилди: баъзиларини бирин-сирин вилоятларга тарқатди. Эрзан таназули мўгул улусида бир тарих бўлиб қолган.

Юнусхонни\* Ироқ сари утказиб юбордилар. Бориб бир йилдан ортиқроқ Табризда турди. У маҳалда Табриз подшоҳи Жаҳоншоҳ Бороний қорақўйлуқ эди. У ердан Шерозга келди. Шерозда Шоҳрух мирзонинг иккинчи ўгли Иброҳим Султон мирзо эди. Беш-олти ойдан сунг Иброҳим мирзо ўлиб, ўгли Абдуллоҳ унинг ўрнига ўтирди. Абдуллоҳ мирзога хон навкар эди, мулозамат қилар эди. Ўн етти-ўн саккиз йил хон Шероз ва бошқа вилоятларда турди.

Улугбек мирзо ва ўғилларининг гавгоси пайтида Эсан Бугахон фурсатдан фойдаланиб Фаргона вилоятини Кандибодомгача босиб, Андижонни олиб, элини батамом асир қилди.

Султон Абусаид мирзо тахтни қўлга киритгач, лашкар тортиб бориб Янги

шаҳридан наридаги Исфарада, Мўгулистонда Эсан Бугахонни тор-мор қилди. Унинг фитнасини даф этиш учун Абусаид мирзо илгари Абдулазиз мирзо олган эгачиси хонимни олиб, Юнусхонни шу муносабат билан Ироқ ва Хуросондан чорлаб, тўйлар қилиб, дўст бўлиб, мўгул улусига хон қилиб юборди. Сағрийчи туман бекларининг барчаси бу пайтда Эсон Бугахонни ёмонлаб, Мўгулистонга келгандилар. Юнусхон уларга қушилди. Бу пайтда сағрийчи бекларнинг улуғи Шер Хожибек эди. Юнусхон унинг қизи Эсон Давлатбегимга уйланди. Мўгул урфодатига кўра, Юнусхонни ва Эсон Давлатбегимни бир оқ кигиз устига ўтиргизиб, уни хон қилиб кўтардилар.

Хон Эсон Давлатбегимдан уч қиз кўрди. Ҳаммасидан каттаси Меҳр Нигорхоним эдики, уни Султон Абусаид мирзо катта ўгли Султон Аҳмад мирзога олиб берган эди. Мирзодан бирорта ўғил ёки қиз бўлмади. Самарқандни узбаклар олганда Меҳр Нигорхоним Шайбонийхон қулига тушди. Мен Кобулдалигимда Шоҳбегим билан Самарқанддан Хуросонга, Хуросондан Кобулга келди. Шайбонийхон Қандаҳорда Носир мирзони қамал қилганда, мен Ламгонга йўл олдим. Хон мирзо ва Шоҳбегим ҳамда Меҳр Нигорхон Бадахшонга кетдилар. Мирзохонни Муборакшоҳ Зафар қалъасига чорлаганда Абобакр Кошғарийнинг ҳужумига йўлиқиб, Шоҳбегим ва Меҳр Нигорхоним ҳамда жами элнинг аҳли ва аёли асирликка тушиб, у золим бадкирдор қамоғида ҳаётдан кўз юмдилар.

Иккинчи қизи менинг волидам Қўтлуғ Нигорхоним эди. Аксар ҳарбий сафарлар ва саргардонликларда мен билан бирга эди. Кобулни олганимдан сунг беш-олти ой ўтиб, тўққиз юзу ўн биринчи (1505) йили тангри раҳматига борди.

Учинчи қизи Хуб Нигорхоним эди, Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дўғлатга берган эдилар; бир қизи, бир ўгли бор эди. Қизини Убайдхон олган эди. Мен Бухоро ва Самарқандни олганимда шаҳардан чиқмай қолган эди. Амакиси Саййид Муҳаммад мирзо Самарқандга Султон Саидхондан элчиликка келганда, унга

\* Улугбек ўн уч яшар Юнусхонни машҳур мутафаккир Шарафиддин Али Яздий тарбиясига топширади. У йигирма йилга яқин шу даргоҳда тарбия топади.

қушилиб кетди. Султон Саидхон унга уйланди. Ўғли Ҳайдар мирзо\* эди. Отасини узбаклар улдиргандан сўнг келиб, менинг хизматимда уч-тўрт йил туриб, сўнгра ижозат сўраб, Кошғарга, хон қошига кетди.

*Воз гардад ба асли худ Ҳама чиз,  
Заря софия нуқрау арзиз.*

(Таржимаси:

*Ҳаммаси аслига қайтар муқаррар,  
Хоҳ қургошин, хоҳ кумуш, хоҳ тоза зар.)*

Дейдиларки, ҳозирги пайтда ичишни ташлаб, яхши йўлга кирибди. Хат ва расм, уқ ва пайкон ҳамда зеҳгирга (камондан уқ узишда бармоққа кийиладиган ўймоқсимон нарса) — ҳар нарсага қули келади. Шеърый истеъдоди ҳам бордир. Менга мактуби келган эди, услуби ҳам ёмон эмас.

Хоннинг яна бир хотини Шоҳбегим эди, бошқа хотинлари ҳам бор эди, бироқ ўғил ва қизларининг оналари шу иккиси эди.

Шоҳбегим Бадахшон шоҳи Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди. Бадахшон шоҳлари ўз насабларини Искандари Файлақусга (македониялик Александр) боғлашади, дейдилар. Бу шоҳнинг яна бир қизини, Шоҳбегимнинг эгачисини Султон Абусаид мирзо олган эди. Ундан Абобакр мирзо бино бўлган эди.

Хоннинг Шоҳбегимдан икки ўғил ва икки қизи бор эди. Бу ўғиллардан каттаси ва қизлардан кичик Султон Маҳмудхон эди. Самарқанд ва ўз туманларида баъзилар уни Хоникахон дейдилар. Султон Маҳмудхондан кичиги Султон Аҳмадхон бўлиб, Олачахон исми билан машҳур. Олачахон деб аталишининг сабаби шундаки, айтишларича, қалмоқ ва мўғул тилида қотилни „олачи“, дейдилар. Қалмоқларни бир неча марта босиб, кўплаб одамларини қиргани учун „Олачи“ дейилавериб, истеъмолда Олача аталиб кетган.

Ҳали тегишли уринларда хонларнинг зикри такроран муфассал келтирилади. Воқеалар ва ҳолатлари ўшанда ёзилади.

Бошқаларидан кичик, бир қиздан каттаси Султон Нигорхоним эдики, уни

Султон Маҳмуд мирзога чиқаришган эдилар. Мирзодан бир ўғил туғилганди. Исми Султон Вайс, бу ҳақда ҳали яна сўз юритилади. Султон Маҳмуд мирзо ўлгандан сўнг Султон Нигорхоним ўғлини олиб, ҳеч кимга хабар қилмай, Тошкандга оғалари олдига борган эди. Бир неча йилдан сўнг уни Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи наслидан бўлган қозоқ султонларидан Адик Султонга бердилар. Шайбонийхон хонларни енгиб, Тошканд ва Шоҳрухияни эгаллаганда Султон Нигорхоним ўн икки мўғул навқари билан қочиб, Адик Султон ёнига борди. Адик Султондан икки қизли бўлди, улардан бирини Шайбонийхоннинг султонларига, яна бирини Султон Саидхоннинг ўғли Рашид Султонга берди.

Адик Султондан сўнг Султон Нигорхонимни қозоқ улусининг хони Қосимхон олди. Дейдиларки, қозоқ хон ва султонларининг орасида ҳеч ким бу улусни Қосимхончалик забт қилган эмас. Лашқари уч юз мингга яқин ҳисобланарди. Қосимхон ўлгандан сўнг хоним Кошғарга Султон Саидхон қошига борди.

Энг кичиги Давлат Султонхоним эди. Тошкандни шайбонийлар эгаллаганда Шайбонийхоннинг ўғли Темур Султонга тушган эди, ундан бир қизи бор эди. Самарқанддан мен билан бирга чиққан эди. Уч-тўрт йил Бадахшон вилоятида бўлди. Ундан сўнг Кошғарга Султон Саидхон қошига кетди.

Умаршайх мирзонинг ҳарамларидан яна бири Хожа Ҳусайнбекнинг қизи Улус оға эди, унинг ҳам бир қизи бор эди, гўдаклигида ўлди. Бир йил-бир ярим йилдан сўнг уни ҳарамдан чиқардилар.

Яна бири Фотима Султон оға бўлиб, мўғул туман беклари авлодидан эди. Мирзо ҳаммасидан аввал шу Фотима Султон оғани олган эди.

Яна бири Қорақўзбегим бўлиб, унга кейинчалик уйланган, анча суюкли эди. Қорақўзбегим мирзога ёқиш учун ўз наслнасабини Султон Абусаид мирзонинг оғаси Минучеҳр мирзога етказган эди.

Ўури ва канизлари анча эди. Уларнинг бири Умид оғача эди, у мирзодан олдин қазо қилганди. Мирзонинг сўнгги

\* Мирзо Ҳайдар дўғлат — Бобурнинг бўласи (холаваччаси), машҳур давлат арбоби ва тарихчи олим, „Бобурнома“га ўхшаш тарихий-мемуар асар муаллифи.

маҳаллардаги канизи Тун Султон бўлиб, у мўғуллардан эди. Яна бири Ога Султон эди.

**Амирлари:** Худойберди Темуртош. У Ҳирот ҳокими Оқбугабекнинг огаси наслидандир. Султон Абусаид мирзо Жўги мирзони Шоҳрухияда қамал қилганда Фарғона вилоятини Умаршайх мирзога бериб, эшикоғаликка Худойберди Темуртошни тайинлаган эди. У пайтда Худойберди Темуртош йигирма беш ёшда, ёш булса-да, тартиби, бошқарув ва иш тутишлари жуда яхши эди. Бир-икки йилдан сўнг Иброҳим Бекчик Уш атрофларига ҳужум қилганида Худойберди Темуртош урушда иштирок этиб, шаҳид бўлди.

Уша пайтда Султон Аҳмад мирзо Ҳратепанинг Оққапчигай деган, Самарқанддан ун саккиз йигоч шарқ томондаги яйловда, Султон Абусаид мирзо эса Ҳиротдан ун икки йигоч шарқ томондаги Бобо Хокийда эдилар. Бу хабарни Абдулваҳҳоб шиговул\* орқали хат қилиб, мирзога етказдилар; у юз йигирма олти йигоч йўлни тўрт кунда босиб ўтди.

Яна бир амири Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой бўлиб, Султон Малик Кошғарийнинг ўғли, Аҳмад Ҳожибекнинг иниси эди. Худойбердибек улганидан сўнг уни эшикоға қилиб юборган эдилар. Султон Абусаид мирзонинг улимидан сўнг Андижон беклари у билан яхши чиқишмаганлари сабабли Самарқандга Султон Аҳмад мирзо хизматига кетди. Султон Аҳмад мирзо Чир дарёси бўйида енгилганда, у Ҳратепада эди. Умаршайх мирзо Самарқандга юриш қилиб, Ҳратепа устига келганда Ҳратепани мирзо мулозимларига топшириб, ўзи мирзо хизматида бўлди. Умаршайх мирзо ҳам Андижон ҳокимлигини унга берди. Сўнгра Султон Маҳмудхон қошига борди. Султон Маҳмудхон Мирзохонни унга топшириб, Дизак(Жиззах)ни берди. Мен Кобулни олганидан бурунроқ у Маккага отланиб, Ҳинд йўли орқали сафар қилди. Йўлда Тангри раҳматига борибди. Фақир, камгап ва одми киши эди.

Яна бири Хожа Ҳусайнбек, одми ва фақир киши эди. Уша пайт расмига кўра, базмларда қушиқларни яхши айтар экан.

Яна бири Шайх Мазидбек бўлиб, менга аввал уни бекота қилган эдилар. Файратли, интизоми анча яхши эди. Бобур мирзога хизмат қилган. Умаршайх мирзо қошида ундан улугроқ бек йўқ эди. Ахлоқсиз киши эди, бачча сақларди.

Яна бири Али Мазидбек қавчин эди, икки марта ёв тарафга утиб кетди: бир марта Ахсида ва яна бир марта Тошкандда. Мунофиқ, ахлоқсиз, курнамак ва ярамас киши эди.

Яна бир амири Ҳасан Яъқуббек эди. Болатабиат, истеъдодли, чечан ва самий киши эди. Бу байт униқидир:

*Боз ой, эй ҳумой, ки бетўти хатат,  
Наздик шуд ки, зог барад устухони маи.*

(Мазмуни:

*Қайтиб келгил, эй Ҳумой,*

*тутиранг патларингсиз,*

*Сал булмаса суягимни карга олиб кетгуси.)*

Мардона киши эди. Ўқни яхши отар, чавгонни яхши уйнади. Тупроқпаллани яхши сачратар эди. Умаршайх мирзо фожиасидан сўнг у менинг эшигимда эшикоға бўлди. Ичи тор, камҳафсала, фитнароқ киши эди.

Яна бири Қосимбек қавчин эди. Андижоннинг қадимий қўшин бекларидан эди. Ҳасан Яъқуббекдан сўнг менинг эшигимда у эшикоға эди. Умрининг охиригача ихтиёр ва эътибори ортса ортди, камаймади. Мардона киши эди. Бир марта Қосонга бостириб кирган узбакнинг орқасидан яхши ҳужум қилди. Умаршайх мирзо ёнида қилич чопиб, ўзини кўрсатган эди. Ясси Кечит урушида ҳам яхши жанг қилди. Чекка юртлардаги саргардонликларимизда Масчо тоғларидан Султон Маҳмудхон томонга отланганимда Қосимбек айрилиб, Хисравшоҳ томонга ўтиб кетди. Тўққиз юз унинчи(1504) йили Хисравшоҳни енгиб, Кобулда Муқимни қамал қилдим. Шу пайтда Қосимбек етиб келди. Яна аввалгидек эътибор ва шафқат қилдим. Туркман ҳазорасига Дараи Хушда ҳужум қилганимизда, Қосимбек кексалигига қарамай, йигитлардан кўра яхшироқ урушгани учун Бангиш вилоятини тортиқ қилдим. Сўнгра Кобулга

\* Шяговул — подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутиб олувчи ишончли киши.



келгач, уни Ҳумоюнга бекота қилдим. Замини Доварни олган пайтда у тангри раҳматига борди. Мусулмон ва диёнатли, тақводор киши эди, шубҳали таомдан парҳез қиларди. Раъйи ва тадбири жуда яхши эди. Хийла ҳазилкаш эди. Саводсиз булишига қарамай, зийраклик билан лутфлар, мутойибалар қиларди.

Яна бири Бобоқули Бобо Алибек эди. Шайх Али Баҳодирнинг наслидан. Шайх Мазидбек улганидан сўнг уни менга бекота қилдилар. Султон Аҳмад мирзо Андижонга лашкар тортганда Султон Аҳмад мирзога қўшилиб, Уратепани берди. Султон Маҳмуд мирзодан сўнг Самарқанддан қочиб келаётганида Уратепадан Султон Али мирзо чиқиб, урушиб енгди ва уни ўлдирди. Файрати яхши эди, қуролни яхши ишлатар, навкарга яхши қарарди. Бенамоз эди, рўза тутмасди. Золим ва кофиртабиат киши эди.

Яна бири Али Дуст тағойи сағрийчи туман бекларидан эди. Менинг онаминг онаси Эсон Давлатбегимга уруғ бўлар эди. Умаршайх мирзо замонидан бошлаб унга мен кўпроқ эътибор қилгандим. Қўлидан иш келади, дердилар. Неча йилки менинг қошимда бўлди, бироқ айтишга арзигулик бирор иш қилмади, деса бўлади. Султон Абусаид мирзога хизмат қилган даврида ядачиликни (афсун билан ёмгир ёғдиришни) даъво қиларди. Қушчи эди. Ярамас ахлоқ-атворли, бахил ва фитначи, бадқовоқ ва мунофиқ, қайсар ва қаттиқсўз, юзи совуқ киши эди.

Яна бири Вайс Логарий Самарқанднинг тўқчи элатидан эди. Умаршайх мирзо қошида кейинги пайтлари хийла яқин бўлган эди. Чекка юртлардалик пайтларимда мен билан бирга бўлди. Иш юритиши хийла яхши бўлса-да, бироз фитначи эди.

Яна бири Мир Фиёс тағойи эди. У Али Дустнинг иниси эди. Мўгул мирзодалари орасида Султон Абусаид мирзо салтанатида унинг олдига тушадиган киши йўқ эди. Султон Абусаид мирзонинг тўртбурчак муҳри унда турарди. Умаршайх мирзонинг сўнгги йилларида жуда қадрдонлашиб қолган эди. Вайс Логарийнинг улфати эди. Султон Маҳмудхонга Косонни берганларидан сўнг умрининг охиригача хон хизматида

қолди. Хон ҳам унга хийла эътибор қиларди. Хушчақчақ ва ҳазилкаш киши, аммо ахлоқда тийиқсиз эди.

Яна бири хуросонлик Али Дарвеш эди. У Султон Абусаид мирзо қошида Хуросон танқўриқчилари сафида хизмат қиларди. Хуросон ва Самарқанд Абусаид мирзо тасарруфига кирганда, бу икки пойтахтнинг ишга яроқли йигитларидан махсус ҳарбий гуруҳ тузган эди; уларни Хуросон танқўриқчилари ва Самарқанд танқўриқчилари дер экан. Менинг қошимда Самарқанд дарвозасида иш кўрсатди. Мардона киши эди. Насхтаълик хатини ажиб бир усулда ёзарди. Хушомадга мойил, табиатида хасислик устунлик қиларди.

Яна бири Қанбар Али мўгул бўлиб, у отбоқарлардан эди. Отаси вилоятга келиб, узоқ вақт қассоблик қилгани учун Қанбар Али қассоб дер эдилар. Юнусхон қошида офтобачилик қилди. Сўнгра бек бўлди. Менинг қошимда хийла улуг эътибор топди. Иш бошлангунча гайрати сезиларди. Ишга келганда қолтоғайлиги (иш қилмай ўзини ишлаган қилиб кўрсатиш одати) бор эди. Сергап ва бўлар-бўлмасни вайсайдиган киши эди. Маълумки, кўп гапирган киши беҳуда сўзларни кўп айтади. Ҳафсаласизроқ, феъли тор киши эди.

Умаршайх мирзо билан ўша фожиа юз берганда, мен Андижонда чорбоғда эдим. Сешанба кун, рамазон ойининг бешинчисида бу хабар Андижонга етиб келди. Изтироб билан отланиб, ёнимдаги навкар ва савдарларим билан қўргонга йўл олдим. Мирзо дарвозасига етган маҳалда Ширим тағойи отимнинг жиловини олиб, Намозгоҳ сари юрди. Унинг хаёлидан: Султон Аҳмад мирзо улуг подшоҳдир, агар кўп лашкар билан келса, беклар мени ва вилоятни топширадилар; ўзи мени Ўзганд ва Олатог этаклари томонга олиб кетади; агар вилоятни берсалар, мен ҳам қўлга тушмай, тоғаларим Олачахон ёки Султон Маҳмудхон ёнига бораман, деган уй кечибди.

Хожа Мавлонойи Қози (у Султон Аҳмад қозининг ўгли ва Шайх Бурҳониддин Қиличнинг наслидан бўлиб, она тарафидан Султон Илик Мозийга боғланади, уларнинг хонадони аҳлига эл

этиқоди баланд, улар шайх ул-ислом йусинида бўлиб келганлар, улар ҳақида ҳали такрор сўз юритилади) ва қўргон ичидаги беклар бу хабарни эшитиб, Умаршайх мирзонинг синашта мулозими, бир қизининг бекотаси бўлмиш Хожа Муҳаммад Дарзийни юбориб, уша ваҳималарни бекларнинг кўнглидан қувиб, Намозгоҳга яқин етган маҳалда мени олиб қайтди. Келиб аркка тушдим. Хожа Қози ва беклар менинг қошимга келиб, сўз ва кенгашни бир ерга қўйиб, қўргоннинг бурж ва шинакларини тузатишга, тартибга солишга киришдилар. Маргинон ва Уш тарафларга ҳужумчи қўшин қўйган Ҳасан Яъқуб, Қосим қавчин ва яна баъзи беклар бир-икки кундан сўнг келиб, мулозамат қилиб, барчаси бирдам ва ҳамжиҳат бўлиб, қалъа мудофааси билан машгул бўлдилар.

Султон Аҳмад мирзо Уратепа, Хўжанд ва Маргинонни олиб, Андижондан тўрт йигоч масофадаги Қубога келиб тушди. Бу фурсатда Дарвеш Гов исмли киши Андижон арбоблари ҳақида беҳуда сўз айтгани учун қатл этилди. Бу сиёсатдан бутун эл тинчиб қолди.

Хожа Мавлонойи Қозини ва Узун Ҳасан Хожа Ҳусайини Султон Аҳмад мирзога шундай мазмунда элчиликка юборилди: бу вилоятга мулозимлардан бири қўйилади; мен ҳам мулозим, ҳам фарзандман, агар бу хизматни менга топширсалар яхшироқ ва маъқулроқ бўларди.

Султон Аҳмад мирзо камгап, фақир ва одми киши эди. Ҳар бир маслаҳат ва иш-ҳаракат бекларсиз қарор топмас эди. Беклар бу сўзларга илтифот кўрсатмай, ножоиз жавоблар айтиб, илгарига қўзгалдилар. Оллоҳ таоло, ўз комил қудрати билан ҳар ишимни ўз вақтида кишилар миннатисиз кўнглимдагидек юзага чиқариб келганки, бу сафар ҳам бир неча ишни сабаб қилди-ю, душманлар келганларидан афсусландилар, балки бу ури-нишларидан пушаймон бўлиб, мақсадларига етолмай қайтиб кетдилар.

Шулардан бири: Қубонинг ботқоқли қора суви бор, кўпригидан бошқа ўтиб бўладиган жойи йўқ, кўп кишилиқ лашкар келиб, кўприкка тиқилиб қолди, кўплаб от ва туялар бу қора сувга йиқилиб нобуд бўлди. Бундан уч-тўрт йил бурунроқ Чир

(Чирчиқ) сувидаги кечувда катта шикаст топган эдилар, бу воқеа уша ҳалокатни эслатиб, лашкар ваҳимага тушди.

Яна бири буки, уша пайтда отга шундай ўлат етдики, уюр-уюр отлар йиқилиб ўла бошлади.

Яна бири: улар бизнинг лашкаримиз билан халқнинг бирдам ва ҳамжиҳатлигини кўрдиларки, булар жон ва танларида мадор борица курашмоққа шай эканликларига ишонч ҳосил қилдилар.

Бу сабаблар боис, Андижондан бир йигоч масофадан Дарвеш Муҳаммад тархонни юбордилар, ичкаридан Ҳасан Яъқуб Намозгоҳ масканига чиқиб, кўришиб, сулҳ тузишган бўлиб, орқага қайтдилар.

Хўжанд суви(Сирдарё)нинг шимол томонидан келаётган Султон Маҳмудхон Ахсини қамал қилди. Жаҳонгир мирзо уша ерда эди, беклардан Али Дарвешбек, Мирзоқули кўкалдош, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикога ҳам Ахсида эдилар. Вайс Логарий, Мир Фиёс тағойи ҳам шу ерда эди. Улар беклардан хавфсираб, Вайс Логарий вилоятга, Косонга кетдилар. Носир мирзога Вайс Логарий бекота эди. Шу сабабли Носир мирзо Косонда бўлар эди. Хон Ахси атрофларига етганда, бу беклар хон томонига ўтиб, Косонни бердилар. Мир Фиёс хон мулозаматида қолиб, Вайс Логарий Носир мирзони Султон Аҳмад мирзога олиб борди. Уни Муҳаммад Мазид тархонга топширди.

Хон Ахси яқинига келиб, бир неча марта уруш қилди, бироқ ҳеч иш чиқара олмади. Ахсидаги беклар ва йигитлар чинакам жонфидалиқ кўрсатдилар. Шу пайтда Султон Маҳмудхон хасталанди, урушга кирганига пушаймон еб, ўз вилоятга қайтиб кетди.

Абобакр дуглат Кошгарий ҳеч кимга бош эгмай, неча йилдан бери Кошгар ва Хўтанга ҳокимлик қилиб келарди, у ҳам вилоят ораусида Узганд яқинига келиб, қўргон солиб, вилоятда бузғунчилик қилишга киришди. Хожа Қози ва барча бекларга Кошгарийни даф этиш ҳақида буйруқ берилди. Булар яқин етган пайтда Кошгарий бу лашкарга тенг келолмаслигини кўрди ва Хожа Қозини орага солиб, юз макр ва ҳийла билан қутулди.

Бундай катта воқеалар рўй берганда Умаршайх мирзодан қолган беклар ва йигитлар яхши уюшиб, мардона жонфидолик кўрсатдилар. Ахсидан мирзонинг онаси Султонбегим, Жаҳонгир мирзо ва аҳли ҳарам ҳамда беклар Андижонга келдилар. Аза расми бажо келтирилиб, фуқаро ва мискинларга ош, таом тортилди. Бу муҳим ишлардан фориг булгандан сунг, лашкар ва вилоятларнинг тартиб-интизом, таъмиру ободонлигига киришила бошланди. Андижон ҳукумати ва эшик огалигини Ҳасан Яъқубга беришга қарор қилинди. Ҳаш ҳокимлиги Қосим қавчинга берилди. Акси ва Маргинон Узун Ҳасанга ва Али Дўст тағойига тайин бўлди. Умаршайх мирзонинг бошқа беклари ва йигитларининг ҳар қайсисига мартабаларига яраша вилоят ва ер, амал ва мансаб, тирикчилик учун маош тайин қилинди.

Султон Аҳмад мирзо қайтгандан сунг, икки-уч манзил юргач, аҳволи кескин ўзгариб, қаттиқ иситмага чалинди. Уратепа туманида Оқсувга етганда шаввол ойининг урталарида, саккиз юзу туқсон туққизинчи йили (1494) қирқ тўрт ёшида ўтар дунё билан видолашди.

**Таваллуди ва насаби.** Таваллуди саккиз юз эллик бешинчи(1451) йили, Султон Абусаид мирзо тахтни эгаллаган йили эди. У Султон Абусаид мирзонинг ўғилларидан энг каттаси эди. Онаси Ўрда Бўга тархоннинг қизи, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг эгачиси, мирзонинг эътиборли хотини эди.

**Шакл-шамойили:** баланд бўйли, қўнғир соқолли, қизил юзли, норғил киши эди. Соқоли энгагига тушарди. Икки ёногида соқоли йўқ эди. Жуда ширинсўз киши эди. Саллани ўша замон одатига кўра, тўртўрама чирмаб, учини олдинроққа, қошининг устига ташлаб қўярди.

**Феъл-атвори:** ҳанафий мазҳабида, покиза эътиқодли киши эди; беш вақт намозни канда қилмасди. Ичкилик пайтларида ҳам намози тарк бўлмасди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга мурид эди. Ҳазрати Хожа унга мураббий ва ҳомий эди. Жуда одобли эди. Хусусан, Хожа суҳбатида. Айтишларича, ҳаргиз Хожа мажлисида бир тиззасини иккинчи тиззасига чалиштириб ўтирган эмасди. Бир сафар

ҳазрати Хожа суҳбатида, одатига хилоф тарзда, оёқларини узатиб ўтирибди. Мирзо урнидан тургандан сунг, ҳазрат Хожа мирзо ўтирган ерни қараб кўришни буюрибди: бир суяк бор экан.

Ҳеч нима ўқиган эмас, оми эди. Шаҳарда улгайган бўлишига қарамай, тўғрисўз(турк) ва содда эди. Истеъдоддан бебаҳра эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам ҳурматлари орада эди. Аксар муҳим ишлар шариатга мувофиқ ҳал қилинарди. Аҳд ва сўзига барқарор киши эди. Ҳаргиз ундан аҳдга хилоф иш юз бермади.

Шижоати бор эди. Ўзининг қўлидан иш келган ҳеч бир ҳолат бўлмаган эса-да, айтишларича, баъзи жанг маъракаларида унда шижоат асари кўринган экан. Ўқни жуда яхши отар эди. Илвасинга патли ва патсиз ўқлари кўп ҳолларда тегарди. Нишон учун қўйилган қовоқни майдоннинг у боши, бу бошидан келиб ҳам аксар ҳолларда урар эди. Умрининг охирларида семириб қолганда ҳам қирговул ва беданани ингичка ўқ билан отиб, камдан-кам хато қиларди. Қушчи киши эди, қуш билан қуш овлар, яхши овларди. Улугбек мирзодан сунг унингчалик қушчи подшоҳ бўлмаган.

Жуда ҳаёли эди. Дейдиларки, хилватларда маҳрам ва ичкиларидан ҳам оёқларини бекитар экан. Гоҳида ичкиликка берилса, йигирма-ўттиз кун муттасил ичар эди. Гоҳида ичмай қўйса, йигирма-ўттиз кунлаб ичмасди. Базмда бир ўтирганда бир кеча-кундуз ўтирар, яхши ичарди. Май ичмаган кунлари басит (баданни қиздирувчи модда)ни жуда кўп истеъмол қиларди. Табиатида хасислик устунлик қилар, камсўз ва одми киши, ихтиёри беклар қўлида эди.

**Жанглари.** Тўрт марта саф тортиб уруш қилди. Аввал Шайх Жамол аргунининг иниси Неъмат аргун билан Зомин туманининг Оқар яланглигида урушиб, голиб бўлди. Яна бир марта Умаршайх мирзо билан Хавосда ҳам урушиб, голиб бўлди. Яна бир марта Тошканд атрофида, Чирчиқ сувининг бўйида Султон Маҳмудхон билан туқнашдилар. Бунда саф тортиб жанг қилинмаганди. Мўғулларнинг ҳужумчи қисми лашкарнинг орқасидан келиб, ҳарбий юклар ортилган

араваларга ташланиши биланоқ шунча катта лашкар уруш-талосиз бир-бирларига қарамай, бузилиб тарқалиб кетди. Лашкарнинг купи Чирчиқ сувига ғарқ бўлди. Яна бир маротаба Ҳайдар кукалдош билан Ёряйлоқ атрофларида жанг қилиб, енгди.

**Вилоятлари Самарқанд ва Бухоро эдики,** уларни отаси берганди. Шайх Жамолни Абдулқуддус ўлдирганидан сўнг Султон Аҳмад мирзо Тошкандни, Шоҳрухия ва Сайрамни олган эди, бу жойлар бир қанча вақт унинг қўл остида бўлди. Сўнгра Тошканд билан Сайрамни укаси Умаршайх мирзога берди. Хужанд ва Уратепа ҳам анча вақт Султон Аҳмад мирзо тасарруфида эди.

**Авлоди.** Икки ўгли бор эди, кичиклигида нобуд бўлдилар. Беш қизи бор эди, тўрттаси Қутуқбегимдан эди.

**Ҳаммасидан каттаси Робиа Султонбегим эди,** уни Қоракўзбегим дейишарди. Уни ўзи ҳаётлигида Султон Маҳмудхонга чиқарган эди. Хондан Бобохон исмли бир ўғил тугилган эди, хийла мақбулгина ўғлон эди. Ўзбаклар(шайбонийлар) хонни Хужандда шаҳид этганда, уни ва яна унингдек бир неча норасидани ҳам нобуд қилдилар. Султон Маҳмудхон фожиасидан сўнг Робиа Султонбегимни Жонибек Султон олди.

**Иккинчи қизи Солиҳа Султонбегим эди,** уни Оқбегим дер эдилар. Султон Аҳмад мирзо вафотидан кейин Султон Маҳмуд мирзо туйлар қилиб, катта ўғли Султон Масъуд мирзога олиб берди. Сўнгра у Шоҳбегим, Меҳр Нигорхоним билан Кошгарга тушди.

**Учинчи қизи Ойиша Султонбегим эди.** Беш ёшимда Самарқандга келганда менга бешиккерт қилишган эди. Сўнгра саргардонлик пайтларимда Хужандга келди, ушанда уйландим. Самарқандни иккинчи марта олганимда биргина қизи бўлган эди, бир неча кундан сўнг Тангри раҳматига борди. Тошкандни шайбонийларнинг босиб олишларидан бурунроқ эгачисининг хусумати билан мендан чиқди.

**Тўртинчи қизи Султонбегим эди,** уни Султон Али мирзо олганди; ундан сўнг Темур Султон, ундан сўнгра эса Маҳдий Султон олди.

**Ҳаммасидан кичик қизи Маъсума Султонбегим эди.** Онаси аргунлардан, Султон аргуннинг жияни Ҳабиба Султонбегим эди. Мен Хуросонга борганда кўриб, хушлаб, сўраб, Кобулга келтириб олдим. Бир қизли бўлди. Ўша фурсатдаёқ „зоча“ хасталиги билан вафот этди. Қизига онасининг исми қўйилди.

**Хотин ва канизаклари.** Аввалгиси Султон Абусаид мирзо олиб берган Меҳр Нигорхоним эди. Юнусхоннинг катта қизи, менинг онамнинг туғишган эгачиси эди. Яна бири тархонлардан эди, уни Тархонбегим дер эдилар. Яна бири Қутуқбегим, уша Тархонбегимнинг кукалдоши эди. Султон Аҳмад мирзо ошиқ бўлиб олган, жуда суюкли ва хўп эркантиқ эди. Май ичарди. Унинг тириклигида Султон Аҳмад мирзо бошқа аёлларига бормас эди. Охири ўлдирди ва бадномлигидан халос бўлди. Яна бири — Хонзодабегим Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошига келган пайтда олган эди. Ҳануз юз ёпуги бор эди. Туркона расм билан менга буюрдилар, мен юзини очдим.

**Яна бири Аҳмад Ҳожибекнинг Латифбегим исмли қиз набираси эди,** мирзодан кейин уни Ҳамза Султон олган, Ҳамза Султондан уч ўғли бўлган эди. Мен Ҳамза Султон ва Темур Султон бошлиқ султонларни енгиб, Ҳисорни олганимда, бу султонзодалар ва яна бир неча султонзодалар асир тушганди, ҳаммасини озод қилдим.

**Яна бири Ҳабиба Султонбегим эди.** У Султон аргуннинг жияни эди.

**Амирлари: Жонибек дўлдой.** У Султон Малик Кошгарийнинг иниси эди. Султон Абусаид мирзо уни Самарқанд ҳокими, Султон Аҳмад мирзони эса эшикога қилиб, ўз эшиги ихтиёрини берган эди. Фаройиб феъл-атворли киши бўлган экан. У ҳақда қизиқ воқеаларни ривоят қиладилар. Жумладан, ривоятлардан бирида айтилишича, у Самарқанд ҳокими бўлган пайтлари шайбонийлардан элчи келади. Бу элчи ўзбак улусида полвон сифатида машҳур экан. Ўзбаклар зур кишини бука дер эмиш. Шунда Жонибек: „Букамусен? Бука бўлсанг, кел, курашайлик“ деган экан. Бу элчи ҳар қанча

узр сураса-да, қўймай кураш тушадилар. Жонибек йиқитади. Мардона киши эди.

Яна бири Султон Малик Кошгарийнинг ўгли Аҳмад Ҳожибек эди. Ҳирот ҳукуматини Султон Абусаид мирзо бир қанча вақт унга берган эди. Амакиси Жонибек ўлгандан сўнг, унинг мартабасини бериб, Самарқандга юборди. Аҳмад Ҳожибек хуштабъ ва мардона киши эди. „Вафой“ тахаллуси бор эди. Девон тартиб берган, шеъри ёмон эмас эди, бу байт уникидир:

*Мастам, эй муҳтасиб, имруз эн ман  
даст бидор,  
Эҳтисобам бикун, он руз ки ёби ҳушёр.*

(Таржимаси:

*Қилма безовта мени, эй муҳтасиб,  
мастман бугун,  
Истаганча қил суроқ топган кунинг  
ҳушёр мени.)*

Мир Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга келган пайтлари Аҳмад Ҳожибек билан бирга булар эди. Султон Ҳусайн мирзо подшоҳ бўлгандан сўнг Ҳиротга келди. Жуда улугъ эътибор топди. Аҳмад Ҳожибек чопқир отлар сақлаб, яхши минар эди. Бу отларнинг аксари зотдор эди. Мардона киши эди, сардорлиги мардоналигидек эмас, бепарво киши эди. Муҳим ишларини навкару савдарлари тартибга келтириб юрарди. Бойсунқур мирзо Султон Али мирзо билан Бухорода урушиб мағлуб бўлганида қўлга тушди. Дарвеш Муҳаммад тархонни ўлдирди, деган тухмат билан ҳурматсизларча қатл этдилар.

Яна бири Дарвеш Муҳаммад тархон эди. У Ўрда Буға тархоннинг ўгли, Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзонинг туғишган тогаси эди. Султон Аҳмад мирзо қошидаги барча беклардан улугъроқ ва мўътабарроғи шу эди. Мусулмон, одми ва дарвешсифат киши эди. Ҳамиша Қуръон кўчириб ўтирарди. Шоҳмотни кўп ва яхши ўйнарди. Қуш илмини яхши биларди, қуш билан кўп ов қиларди. Охири Бойсунқур мирзо билан Султон Али мирзонинг гавғоси(Бухоро жанги)да улугълик замонида ёмонотлиқ билан ўлди.

Яна бири Абдулалӣ тархон эди. У Дарвеш Муҳаммад тархонга яқин қарин-

дош эди. Синглиси(Боқи тархоннинг онаси) ҳам шунда бирга эди. Дарвеш Муҳаммад тархон амал ва вазифада ундан улугъ бўлса-да, бу фиръавннусха уни кўзга илмасди. Бухоро ҳукумати бир неча йил унинг қўлида эди, навкари уч мингга етган; навкарни яхши шафқат кўрсатиб сақларди. Саховати, муомаласи ва маҳкама юритиши, тартиб-тутумлари ва базми подшоҳларга хос эди. Қаттиққўл ва золим, фосиқ ва димоғдор киши эди. Шайбонийхон, гарчи навкари бўлмаса-да, кўп вақт у билан бирга буларди. Кичик-кирим султонларнинг аксарияти унга навкар бўлгандилар. Шайбонийхоннинг бунчалик кучайиб кетмогига ва бунчалик қадим хонадонларнинг бузилмогига Абдулалӣ тархон сабабчи бўлди.

Яна бири Саййид Юсуф ўғлоқчи эди. Унинг катта отаси мўғулдан келган экан. Отасини Улуғбек мирзо қадрлаган эди. Саййид Юсуф уқувли ва тадбирли киши эди. Мардоналиги ҳам бор; қубизни яхши чаларди.

Мен Кобулга келган дастлабки пайтлари ёнимда эди, катта эътибор кўрсатгандим, эътиборга арзигулик фазилатлари ҳам бор эди. Аввалги йили Ҳиндустонга қўшин тортганимда Саййид Юсуфбекни Кобулга ҳокимият тепасига қўйгандим. Уша фурсатда оламдан ўтди.

Яна бири Дарвешбек. Темурбек қадрлаган Эгу Темурбекнинг наслидан эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга ихлоси бор эди. Муסיқа илмидан хабардор, соз чалар, шеърий қобилияти бор эди. Султон Аҳмад мирзо Чирчиқ суви бўйида шикаст топганда, Чирчиқ сувига гарқ бўлди.

Яна бири Муҳаммад Мазид тархон Дарвеш Муҳаммад тархоннинг туғишган иниси эди. Бир неча йил Туркистон ҳокими бўлди. Шайбонийхон Туркистонни ундан олди. Уқувли ва тадбирли киши эди. Раҳмсиз ва ахлоқсиз эди. Самарқандни иккинчи ва учинчи марта олганимда менинг ҳузуримга келганди. Мен ҳам яхши эътибор кўрсатгандим. Кули Малик урушида ўлди.

Яна бири Боқи тархон эди. У Абдулалӣ тархоннинг ўгли ва Султон Аҳмад мирзонинг амакиваччаси эди. Отасидан

сўнг Бухоро ҳукуматини унга бергандилар. Султон Али мирзо замонида жуда кучайган, навкари беш-олти мингга етган эди. Султон Али мирзога унчалик муте ва итоаткор эмасди. Шайбонийхон билан Дабусия қалъасида урушиб, енгилди. Ўша галабадан кейин Шайбонийхон Бухорони олди. Қушни куп яхши кўрарди. Айтишларича, унинг етти юзта қуши бор экан. Феъл-атворида айтишга арзигулик фазилати йўқ эди. Мирзоликда ва давлатмандликда улгайганди. Отаси Шайбонийхонга яхшиликлар қилгани боис Шайбонийхон қошига борди. У ҳақтанмас, мурувватсиз курган яхшиликлари эвазига Боқи тархонни ҳеч қадрламади ва унга шафқат қилмади. У хор-зорликда Аҳси вилоятида оламдан ўтди.

Яна бири Султон Ҳусайн аргун эди. Бир қанча вақт Қорақўл ҳукумати қулида бўлгани учун Султон Ҳусайн Қорақўлий номи билан машҳур эди. Уқувли ва тадбирли киши эди. Менинг қошимда ҳам кўп булар эди.

Яна бири Қулмуҳаммад Бугдо қавчин эди. Мардоналиги ҳам бор экан.

Яна бири Абдулкарим Ашрит уйғур эди. Султон Аҳмад мирзо қошида эшикога эди. Сахий ва мардона киши эди.

Султон Аҳмад мирзо вафотидан сўнг беклар ўзаро келишиб, тоғ йули орқали Султон Маҳмуд мирзога чопар юбориб, ёрдам сўрадилар. Султон Абусаид мирзонинг оғаси Минучеҳр мирзонинг ўгли Малик Муҳаммад мирзо салтанат орзусида бир неча дайди ва бебошларни ўзига қушиб, лашкардан айрилди. Бироқ, Самарқандга келиб ҳам ҳеч иш қила олмади. Ўзининг ва яна бир неча бегуноҳ подшоҳзодаларнинг ўлимига сабабчи бўлди, холос.

Бу хабар Султон Маҳмуд мирзога етгани заҳотиёқ, у дарҳол Самарқандга келиб, заҳмат ва машаққатсиз тахтга ўтирди. Султон Маҳмуд мирзонинг бир неча ёмон ишларидан азиз ва шарафли сипоҳи ҳамда аҳоли нафратланиб қочиб йўлини тутди.

Аввали шуки, зикр этилган Малик Муҳаммад мирзо Султон Маҳмуд мирзо

амакисининг ўгли ва ўзининг куёви эди; яна тўрт мирзони Кўксаройга чиқариб, иккисини қўйиб юбориб, Малик Муҳаммад мирзони ва яна бир мирзони шаҳид қилди. Буларнинг баъзисига аслида подшолик тегмас ҳам эди. Уларнинг бундай орзулари йўқ эди. Гарчи Малик Муҳаммад мирзода биров гуноҳ бўлсада, бошқаларининг ҳеч гуноҳи йўқ эди.

Султон Маҳмуд мирзо қаттиққўл ва тартибли, девонпараст, маҳкамада куп ўтирадиган киши эди. Ҳисоб илмини билар, бироқ таъби зулм ва бузуқликка мойил эди. Самарқандга киргач, ўзгача тартиб ва тутум ўрнатди, янги солиқлар чиқара бошлади.

Бурун ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга тегишли кишилар, пир ҳимояси боис, кўп фақир-мискинлар хирож ва солиқлардан халос бўлардилар, Султон Маҳмуд мирзо одамлари шуларга ҳам иззат-икром кўрсатиш нари турсин, зулм ва зўрлик кўрсата бошладилар. Бундай тазйиқлар Хожанинг авлодига нисбатан ҳам қўлланилди.

Бундан ташқари, ўзи қандай золим ва ахлоқсиз бўлса, беку кичик беклар ва навкару хизматчиларининг барчаси ҳам шундай золим эдиларки, Ҳисор эли, хусусан, Хисравшоҳга тааллуқли эл ҳамиша ичкилик ва бузуқчилик билан машғул бўлди. Бу шу даражага етдики, Хисравшоҳнинг навкарларидан бири бир кишининг хотинини тортиб олади. Хотиннинг эри Хисравшоҳга арз қилганда, у жавоб бериб: „Бир неча йил сен билан бўлган эди, энди бир неча кун унинг билан бўлсин“, дейди.

Яна шуки, шаҳар ва бозор эли, турк ва сипоҳининг ўсмир ўғлонлари шоҳ бачча қилади, деган қўрқувда уйдан чиқмасдилар.

Самарқанд аҳли йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад мирзо замонида осойишта ва фароғат билан кун кечирган эди; аксар муҳим ишлар ҳазрати Хожа туфайли адолат ва шариат йўли билан амалга ошарди. Бундай зулм ва бузуқчиликдан халқнинг жону диллари озор чекиб, ранжидилар. Азиз ва шариф, фақир ва бечоралар нафрату қарғишга оғиз очиб, қўл кўтардилар.

*Ҳазар кун зи дарди дарунҳояи реш,  
Ки реши дарун оқибат сар каяд.  
Баҳам бармакун то тавони диле,  
Ки оҳе жаҳове баҳам бар каяд.*

(Таржимаси:

*Дилни яралама, оҳидан чўчи,  
Бу яра бирор кун сиртга тепади.*

## ТУҶҶИЗ ЮЗИНЧИ (1494-1495) ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

Менга Султон Маҳмуд мирзодан Абдулқуддусбек исмли элчи келди. Тунгич угли Султон Масъуд мирзога оғаси Султон Аҳмад мирзонинг Оқбегим исмли иккинчи қизини туй-томошалар билан олганининг белгиси сифатида сочқи келтирди: олтин ва кумушдан бодом ва писталар қилибдилар.

Элчининг Ҳасан Яъқубга қариндошлиги бор экан. Ҳасан Яъқубни ваъдалар билан Султон Маҳмуд мирзога қаратгани келган экан. Юмшоқ жавоб айтиб, ўзини у томонга утгандек кўрсатиб элчини жўнатди. Беш-олти ойдан сўнг Ҳасан Яъқубнинг феъли ўзгариб, менинг яқинимдаги катта-кичик билан ёмон муомала қила бошлади. Иш шу даражага етдики, мени жўнатиб, Жаҳонгир мирзони подшоҳ қилмоқчи бўлди. Ҳасан Яъқубнинг бошқа кишилар, амирлар ва сипоҳи билан ҳам муомаласи яхши эмас эди. Унинг бу фикридан барча эл хабардор бўлганди. Хожа Қози ва Қосим қавчин, Али Дўст тағойи ва Узун Ҳасан ҳамда яна баъзи хайрихоҳлар менинг улуг онам Эсон Давлатбегимнинг қошига йигилишиб, Ҳасан Яъқубни бекликдан тушириб, фитнасига барҳам беришга қарор қилдилар. Хотинлар орасида фикрлаш ва тадбирда улуг онам Эсон Давлатбегимга етадигани кам эди, кўп оқида ва тадбирли эди. Муҳим ишлар кўпроқ уларнинг кенгаши билан бўларди.

Ҳасан Яъқуб аркада, онам ва катта онам — Эсон Давлатбегим ташқи қўргондаги шоҳга қарашли манзилда эдилар.

Фитначини амалдан тушириш нияти билан отланиб аркка қараб йўл олдим. Ҳасан Яъқуб қуш овига отланган экан. Хабар топиб, ўша ёқданоқ Самарқанд сари жунаб қолибди.

*Бирорта кунгилга бермагил озор,  
Жаҳонни урташга бир оҳ етади.)*

(Ғафур Фулом таржимаси.)

Хуллас, зулм ва бузуқчилик касофатидан Султон Маҳмуд мирзо Самарқандда беш-олти ойдан ортиқ ҳукмронлик қила олмади.

Унинг атрофидагилар, барча беклари қўлга олинди. Тутилган беклар — Муҳаммад Боқирбек, Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси Султон Маҳмуд дўлдой эдилар. Улардан бошқалари ҳам бор эди. Айримларига Самарқандга кетишга рухсат берилди. Эшик оғалик ва Андижон шаҳри ҳокимлиги Қосим қавчинга топширилди.

Самарқандга кетиш ниятида йўлга чиққан Ҳасан Яъқуб Кандибодомгача борган экан. Бир неча кундан сўнг бузуқ хаёл билан Ахсига қараб йўл олиб, Хуқон кенти атрофларига келганида хабар топиб, баъзи беклар билан йигитларни унинг устига жўнатдик. Хужумчи қисм беклари бир гуруҳ йигитларни ўзларидан илгарироқ қаровулликка юборган эдилар. Ҳасан Яъқуб билиб қолиб, кечаси бу қаровулликка ажратилган йигитларнинг устига юриб, молшохи тарзида аскар тизиб, ўқ оттиради. Лекин қоронги кечада қоча олмай, ўз аскарининг ўқи чаккасига тегиб, қилмишининг қурбони бўлди.

*Чу бад карди, мабош эмиян зи офот,  
Ки вожиб шуд табиатро мукофот.*

(Таржимаси:

*Ёмонлик қилдингми: сенга йўқ нажот,  
Табиатга вожиб эваз — мукофот.)*

Ушбу йили шубҳали таомдан ўзимни торта бошладим. Пичоқ, қошиқ ва дастурхонгача эҳтиёт бўлар эдим. Тунги ибодатларни ҳам камроқ тарк этардим.

Раби ул-охир ойида Султон Маҳмуд мирзо бир огир касалликка чалиниб, олти кунда оламдан ўтди. Қирқ уч ёшда эди.

Таваллуди ва насл-насаби. Саккиз юз эллик еттинчи (1453) йили туғилган эди. Абусаид мирзонинг учинчи ўгли, Султон Аҳмад мирзонинг туғишгани эди.

**Шакл ва шамоили:** паст бўйли, сийрак соқолли, семиз, камҳафсалароқ киши эди.

**Ахлоқ ва феъл-атвори** яхши, намозни канда қилмасди. Тартиб ва бошқариш қобилияти жуда яхши эди. Ҳисоб илмини пухта биларди. Вилоятлардан бирор танга, бирор сўм ҳам унинг рухсатисиз харж қилинмасди. Навқарининг маоши ҳеч қачон камайтирилмасди. Базм ва ҳадяси, зиёфати ва девони(маҳкамада иш юритиши) жуда яхши эди. Барчаси қоида ва тартиб билан олиб бориларди. Шундай тартиб ва интизом ўрнатган эдики, лашкар ҳам, халқ ҳам уни суистеъмол қила олмасди. Олдинлари қуш овига жуда уч экан. Сўнгра кўпроқ ҳайвон овлайдиган бўлди.

**Зулм ва бузуқлик** билан кўп машгул бўлар, муттасил май ичарди. Кўп бачча сақлар, ўзига қарашли жойларнинг қарерида чиройли ўсмирлар бўлса, уларни турли йўллар билан келтириб, бачча қиларди. Бекларнинг ўғилларини, кўкалдошларини бачча қилар, ҳатто ўзининг кўкалдошидан туғилганга ҳам бу хизматни буюрганди. Бу шум одат шунчалик расм бўлган эдики, баччасиз киши йўқ эди. Бесоқолбозликни ҳунар деб билишарди. Бачча сақламасликни айб санашарди. Зулм ва бузуқчиликнинг касофатидан барча ўғлонлари жувонмарг бўлдилар.

**Шеърга иштиёқи** бор эди. Девон тартиб берган, бироқ шеъри жуда бўш ва бемаза эди. Ундай шеър ёзгандан кўра, ёзмаган яхшироқ.

**Ёмон эътиқодли** киши эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳни қадрламасди. Юраксиз, ҳаёси камроқ киши эди. Атрофида бир неча майнавоз ва бебоклар йиғилган, девон ва халойиқ қошида ёмон ва хунук ҳаракатлар қиларди. Бадкалом эди. Сўзини дарҳол англаб бўлмасди.

**Урушлари.** Икки марта саф тортиб жанг қилди. Ҳар иккаласида ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо билан туқнашди: бир маротаба Астрободда мағлуб бўлди. Яна бир марта Андхуд тупроғида, Чаман деган ерда ҳам мағлуб бўлди. Икки марта Бадахшоннинг жануб томонидаги Кофистонга бориб газот қилди. Шу сабабли фармонининг сарлавҳасида Султон Маҳмуд ғозий деб ёзардилар.

**Вилоятлари:** Султон Абусаид мирзо унга Астрободни берган эди. Ироқ воқеасидан кейин (уша ерда Абусаид мирзо жангда ҳалок бўлган) Хуросонга келди. Бу пайтда Ҳисор ҳокими Қанбар Алибек Султон Абусаид мирзонинг буйруги билан Ҳиндистон лашқарини йиғиб Ироққа, мирзонинг орқасидан бораётганда Хуросонда Султон Маҳмуд мирзога қўшилди. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзонинг овозасини эшитгач, Хуросон халқи ҳужум қилиб, Султон Маҳмуд мирзони Хуросондан ҳайдадилар. Султон Маҳмуд мирзо Самарқандга Султон Аҳмад мирао қошига келди. Бир неча ойдан сўнг Аҳмад Муштоқ бошлиқ Сайид Бадр ва Хисравшоҳ ҳамда яна баъзи йиғитлар Султон Маҳмуд мирзони олиб қочиб, Ҳисорга Қанбар Алибек қошига бордилар. Ушандан бери Қаҳқа билан Кўхтан тоғининг жануб тарафидаги вилоятлар, чунончи, Термиз ва Чағониён, Ҳисор ва Хатлон, Қундуз ва Бадахшон Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзонинг ихтиёрига ўтди. Акаси Султон Аҳмад мирзо ўлгандан сўнг унинг вилояти ҳам бунинг тасарруфида бўлди.

**Авлоди:** беш ўғил, ўн бир қиз курди. Барча ўғилларидан каттаси Султон Масъуд мирзо эди. Онаси Мир Бузург Термизийнинг қизи эди.

Яна бир ўғли Бойсунқур мирзо эди. Онаси Пошобегим эди.

Яна бир ўғли Султон Али мирзо эди. Онаси Зухрабегим ога ўзбак чури эди.

Яна бир ўғли Султон Ҳусайн мирзо эди. Онаси Хонзодабегим Мир Бузургнинг набираси эди. У мирзо тириклигида ўн уч ёшида Тангри раҳматига борди.

Яна бир ўғли Султон Вайс мирзо эди. Онаси Юнусхоннинг қизи, менинг онамининг синглиси Султон Нигорхоним эди. Бу тўрт мирзонинг ҳолатлари мазкур асарнинг тегишли воқеаларида зикр этилади.

Уч қизи Бойсунқур мирзо билан бир туғишган эди. Каттасини Султон Маҳмуд мирзо амакиси Минучеҳр мирзонинг ўғли Малик Муҳаммад мирзога чиқарган эди.

Яна беш қизи Мир Бузургнинг невараси Хонзодабегимдан эди. Каттасини Султон Маҳмуд мирзо вафотидан кейин Абобакр Кошгарийга бердилар. Иккинчи



қизи Бикабегим эди, Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо Ҳисорни қамал қилганда Султон Абусаид мирзонинг қизи Поянда Султонбегимдан туғилган Ҳайдар мирзо исмли углига олиб, ярашиб, Ҳисорнинг устидан қайтиб кетди. Учинчи қизи Оқбегим эди. Тўртинчи қизи Ойбегим эди. Султон Ҳусайн мирзо Қундуз устига келганда, Умаршайх мирзо угли Жаҳонгир мирзони Андижон лашкари билан кўмакка юборганда Жаҳонгир мирзога номзод бўлган эди. Тўққиз юзу ўнинчи йили (1504) Амударё бўйида Боқи Чағоний менга келиб мулозамат қилди. Бу бегимлар оналари билан Тирмизда эдилар. Булар ҳам Боқи Чағонийнинг кўчкўрони билан келиб қўшилдилар. Коҳмардга келганда Ойбегимни Жаҳонгир мирзо олди. Биргина қиз кўрди. Мазкур йилда у катта онаси Хонзодабегим билан Бадахшон вилоятидадир. Бешинчи қизи Зайнаб Султонбегим эди. Кобулни эгаллаганимда онам Қутлуг Нигорхонимнинг таклифи билан уни олдим, хийла ҳамжиҳатлик бўлмади. Икки-уч йилдан сўнг чечак хасталиги билан оламдан ўтди. Яна бир қизи Махдума Султонбегим эди. Султон Али мирзонинг туғишган эгачисидир. Ҳозир Бадахшон вилоятида. Яна икки қизи икки канизақдан туғилган: бирининг оти Ражаб Султон, яна бирининг исми Муҳиб Султондир.

**Хотинлари ва канизақлари.** Катта хотини Мир Бузург Термизийнинг қизи Хонзодабегим эди. Мирзо уни жуда севарди. У Султон Масъуд мирзонинг онаси эди. Хонзодабегим ўлганда мирзо жуда қаттиқ таъзия тутганди. Ундан сўнг Мир Бузургнинг набираси — Хонзодабегимнинг биродарзодасини олди. Уни ҳам Хонзодабегим дер эдилар. Беш қиз ва бир ўғилнинг онаси эди.

Яна бири — Пошобегим. Қорақўйлуқ Баҳорлу аймаги туркман бекларидан Али Шукурбекнинг қизи эди. Уни аввал Жаҳоншоҳ мирзо Бороний Қорақўйлуқнинг угли Муҳаммадий мирзо олган эди. Озарбойжон ва Ироқни Жаҳоншоҳ авлодидан оққўйлуқ Узун Ҳасан олгач, Али Шукурбекнинг ўғиллари тўрт-беш минг уйли қорақўйлуқ туркманлар билан Султон Абусаид мирзо хизматига кирдилар. Султон Абусаид мирзо енгилганда бу вилоятларга

тушдилар. Султон Маҳмуд мирзо Самарқанддан Ҳисорга келганда эса, улар Султон Маҳмуд мирзо хизматига кирдилар. Пошобегимни Султон Маҳмуд мирзо ўша пайтда олган эди. Пошобегим бир ўғил, уч қизнинг онаси эди.

Яна бири Султон Нигорхоним эди. Насаби хонлар воқеаларида шарҳлаб ёзилганди.

Чури ва канизақлари ҳам анча эди. Муътабар чўриси Зухрабегим ога эди. Ўзбакдан. Султон Абусаид мирзонинг тириклигида, ёшлигида олганди. У бир ўғил, бир қизнинг онаси эди.

Канизалари ҳам анча эди. Уларнинг иккитасидан икки қиз бўлган эдики, юқорида зикр қилинди.

**Амирлари:** Хисравшоҳ туркистонлик қипчоқлардан. Кичиклигида тархон бекларининг хизматида эди. Балки шахсий соқчи эди. Ундан сўнг Мазидбек аргунга навкар бўлди. У Хисравшоҳни ҳар томонлама қадрлаган эди. Ироқ маглубиятида Султон Маҳмуд мирзога қўшилиб йўлда келаётганида арзирли хизматлар қилгани учун Султон Маҳмуд мирзонинг эътиборини қозонди. Кейинчалик жуда кучайиб кетди. Султон Маҳмуд мирзонинг замонидаёқ Хисравшоҳ навкари беш-олти мингга етганди. Амударёдан Ҳиндукуш тоғигача Бадахшондан бошқа вилоятларнинг ҳаммаси унга тааллуқли эди. Бир бутун мустақкам беклик тузди. Зиёфати ва саховати яхши эди. Соддалигига қарамай, жуда топармон-тутармон эди. Қанча кўп топса, шунча яхши харж ҳам қиларди.

Султон Маҳмуд мирзодан сўнг ўғлонларининг замонида ҳам жуда кучайиб кетди. Навкари йигирма мингга яқинлашган эди. Гарчи намоз ўқиб, таомда парҳез қилса ҳам, аммо бетамиз, бузуқи, гидроксиз, бефаҳм, бевафо ва оқибатсиз киши эди. Беш кунлик утар дунё учун бир ўзи устирган валинеъматзодаси Султон Маҳмуд мирзо ўғлининг кўзини кўр қилди. Бошқа бирини ўлдирди. Тангри қошида осий ва халқ олдида ёмонотлиқ бўлди. Қиёмат тонгигача лаънат ва нафратга сазовор бўлди. Бу утар дунё учун шундай ёмон ишлар қилди. Бундай жуда обод вилоят ва бунчалик кўп яроғлик навқарга эга бўла туриб, бир макиён билан ҳам урушмади. Ҳали бу воқеалар зикри келади.

Яна бири Пирмуҳаммад элчи Буга, қавчин эди. Балх дарвозасида ҳазоралар билан урушда Султон Абусаид мирзо олдида баҳс бойлашиб мушт жангига кирганди. Мардона киши эди. Султон Маҳмуд мирзога доим мулозамат қиларди. Мирзонинг ихтиёрига қараб иш тутарди. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо Қундузни қамал қилганда, Хисравшоҳга қарши оз киши билан зирҳли кийимсиз ўйламай-нетмай тунги босқинга отланди. У шундай кўп навкарга қарши нима ҳам қила оларди! Муҳаммад элчи Буга орқасидан қувгунчи борди: у ўзини дарёга ташлаб, гарқ бўлди.

Яна бири Айюб эди. Султон Абусаид мирзо қошида Хуросон танқуриқчилари қисмида хизмат қиларди. Бу мардона киши Бойсунқур мирзонинг бекотаси эди. Емак ва киймаги меъёри билан эди. Ҳазилкаш ва сўзамол бўлгани учун Султон Маҳмуд мирзо унга „беҳаё“ деб хитоб қилар экан.

Яна бири Вали Хисравшоҳнинг туғишган иниси эди. Навкарини яхши сақларди. Султон Масъуд мирзонинг кўзига мил тортилмоғига ва Бойсунқур мирзонинг ўлдирилмоғига сабабчи у эди. Жами элнинг гийбатини қиларди. Тили заҳар ва фаҳш сўзлар айтгучи, қайсар ва бемаза эркак эди. Ўзидан бошқа ҳеч кишини бирор-бир ишда писанд қилмасди. Мен Қундуз вилоятдан келиб Душий атрофида Хисравшоҳни навкар-савдаридан айириб жўнашга рухсат берган пайтимда, у ҳам ўзбаклар қўрқувидан Андароб ва Серобга келганди. У мавзелардаги аймақларни босиб-талаб, бизни деб Кобулга келди. Вали Муҳаммад Шайбонийхон қошига борди. Самарқанд шаҳрида боши қирқилди.

Яна бири Шайх Абдулло барлос эди. Шоҳ Султон Муҳаммаднинг бир қизи унда эди. Бу аёл Абобакр мирзо билан Султон Маҳмудхоннинг холаси бўлади. Шайх Абдулло барлос тўнни таранг ва тор кияр эди. Одми ва асил киши эди.

Яна бири Маҳмуд барлос эди. Навандоклик барлослардан. Султон Абусаид мирзо қошида ҳам бек эди. Султон Абусаид мирзо Ироқ вилоятини эгаллаганда Кирмон шаҳрини Маҳмуд барлосга берган эди. Абобакр мирзога Мазидбек аргун ва

қорақўйлуқ туркман беклари қўшилиб, Султон Маҳмуд мирзонинг устига Ҳисорга юрганда, Султон Маҳмуд мирзо оғаси ёнига — Самарқандга кетди. Маҳмуд барлос Ҳисорни бермай, яхши ҳимоя қилди. Девон тузган шоир эди.

Султон Маҳмуд мирзонинг вафотидан сўнг Хисравшоҳ бу воқеани элдан яшириб, хазинага қўл чуза бошлади. Бундай хабар қандай яширин қоларди? Дарҳол бутун шаҳар халқига ёйилди. Ўша куни Самарқанд халқининг катта ҳайити эди. Лашкар ва фуқаро Хисравшоҳнинг устига ҳужум қилиш пайида бўлдилар. Аҳмад Ҳожибек ва тархон беклари гавғони босиб, Хисравшоҳни чиқариб Ҳисорга узатдилар. Султон Маҳмуд мирзо ҳаётлигида катта ўгли Султон Масъуд мирзога Ҳисорни, Бойсунқур мирзога Бухорони берган эди. Бу воқеа, яъни Султон Маҳмуд мирзонинг вафоти пайтида ҳеч қайси ўгли ҳозир эмас эди. Хисравшоҳни ҳайдашгандан сўнг Самарқанд ва Ҳисор беклари ўзаро келишиб Бухорога — Бойсунқур мирзога киши юбордилар ва келтириб, Самарқанд тахтига ўтиргиздилар. Бойсунқур мирзо подшоҳ бўлганда ўн саккиз яшар эди.

Уша фурсатда Тошканд ҳокими Султон Маҳмудхон Султон Жунайд барлос ва Самарқанднинг баъзи улуглари сўзи билан Самарқандни эгаллаш умидида лашкар тортиб, Канбой мавзесига келди. Самарқанддан Бойсунқур мирзо ҳам катта, яхши қуролланган лашкар билан чиқиб, Канбой мавзесида саф тортиб урушдилар. Ҳайдар кўкалдош мўғул лашкарининг улуг таянчи, ҳужумчилик қисмининг бошлиғи эди; ҳаммалари одан тушиб, жангга кирдилар. Самарқанд ва Ҳисорнинг ҳамиятли йигитлари от солдилар. Ҳайдарбек бошлиқ одан тушганлар бутунлай отлар оёғи остида қолдилар. Ҳайдарбек қўлга олингач, мўғуллар уруша олмадилар, енгилдилар. Кўп мўғул кишиси қирилди. Бойсунқур мирзо ўз олдида ҳам кўп кишининг бошини олди.

Шунчаликка борилдики, ўликнинг кўплигидан шоҳ чодирини уч ерга кўчирдилар.

Бу фурсатда минглик элидан бўлган, отамнинг олдида кичиклигидан хизматлар қилиб беклик мартабасига етган, бироқ сўнгра бир гуноҳи туфайли

мартабаси пасайтирилган Иброҳим сору Исфара қўргонини эгаллаб, Бойсунқур мирзо отига хутба ўқитди, мухалиф томонида бўлди.

Шаъбон ойида Иброҳим сору фитнасини даф этиш учун лашкар отланди. Ушбу ойнинг охирида Исфарани қамал қилдик. Ўша куни йигитлар шўхлик қилиб, етиб келганданоқ қўргоннинг ташқарисидаги янги солинган қўргонни олдилар. Сайид Қосим эшикога шу куни ҳаммадан яхшироқ ҳаракат қилиб, ўзиб қилич урди. Султон Аҳмад Танбал ҳам қиличининг кучини кўрсатди. Муҳаммад Дуст тағойи ҳам қиличбозлик додини берди. Бироқ баҳодирлик улуши совринини Сайид Қосим олди. Баҳодирлик улуши мўгулларда қадимий расмдир. Ҳар уруш ва ҳарб маъракасида ҳар кимки элдан ўзиб қилич урган бўлса, улушни ўша олади. Шохрухияга борганда, тоғам Султон Маҳмудхоннинг намунали баҳодирлик улушини Сайид Қосим олди. Аввалги кунги урушда Худойбердибек отамга тахш (кичик ўқ отиш қуроли) ўқи тегиб, улди. Зирҳли кийимсиз урушга кирилгани учун баъзи йигит-яланг нобуд бўлиб, анча одам ярадор бўлди. Иброҳим сорунинг қошида бир тахшотари бор эди, жуда яхши отарди. Унингдек тахшотарни кўрмаган эдик. Аксар элни у ярадор қилди. Қўргон олингандан сўнг, ўша тахшотар доим менинг қошимда бўлди. Қамал узоққа чўзилди. Икки-уч ерда сарқублар\* ясаб, ерости йўлларини қазиш буюрилди. Қалъа олиш ҳаракатига жиддий киришиш тайинланди. Қамал қирқ кунга чўзилди.

Охири Иброҳим сору ожиз қолиб, Хожа Мавлонойи Қозининг воситачилиги билан қулликни бўйнига олиб, шаввол ойида қилич, садоғини бўйнига осиб келиб, мулозамат қилиб, қўргонни топширди.

Хужанд ҳам узоқ муддатлардан бери Умаршайх мирзо давлатига тааллуқли эди. Бироқ бу тўс-тўполонларда ҳокимидан путур кетгани учун Султон Аҳмад мирзога қарар эди. Шу муносабат билан унинг устига юриш қилиб борилди. Хужандда Мир Мўгулнинг отаси

Абдуваҳҳоб шиговул эди. Мен етган заҳотимоқ қўргонни таллашиб-тортишиб ўтирмай топширди.

Бу фурсатда Султон Маҳмудхон Шохрухияда эди. Бундан бурунроқ Султон Аҳмад мирзо Андижон тупроғига келганда хон ҳам келиб, Ахсини қамал қилганди. Зикр этилганидек, хотиримга келдики, хон онаминг акасибир, ора бунчалик яқин бўлгани боис бориб бош эгсам, утган гина-кудуратлар бартараф бўлса, яқин-йироқда эшитган-кўрганга яхши бўлади, деб келиб, Шохрухиядан ташқаридаги Ҳайдарбек солган боғда хонга мулозамат қилдим. Хон боғнинг ўртасидаги улуг чордара (тўрт эшикли) уйда ўтирган эдилар. Уйга киргач, уч марта таъзим қилдим. Хон ҳам таъзим қилиб ўринларидан турдилар. Куришиб, қайтиб таъзим қилгандан сўнг, ёнларига олиб, кўп шафқат ва меҳрибончиликлар кўрсатдилар.

Бир-икки кундан сўнг Кандирлик довони билан Ахси ва Андижон сари йўлга тушдим. Ахсига етиб отамнинг мозорини тавоф қилдим. Ахсидан жума намози вақти чиқиб, Банди Солор йўли орқали шом билан хуфтон намози орасида Андижонга келдим. Бу Банди Солор йўли тўққиз йигоч йўлдир. Андижон вилоятининг даштда яшовчи аҳолисидан бири одами кўп Чакрак элидир. Беш-олти минг уйлик эл. Улар Фарғона билан Кошғар орасидаги тоғларда истиқомат қиладилар. Отлари кўп ва қўйлари беҳисобдир. У тоғларда қорамол ўрнига қўтос сақлайдилар. Қўтослари ҳам кўп бўлади. Тоғлари берк ва чегарада бўлгани учун мол беришга ўрганмаганлар. Чакракдан мол олиб, лашкарга бўлиб бериш учун лашкарни Қосимбекка бошлатиб, Чакракка юборилди. Қосимбек бориб, йигирма мингга яқин қўй ва минг-минг беш юз от олиб, лашкарга улашди.

Лашкар Чакракдан қайтгандан сўнг Ўратепанинг устига отланилди. Ўратепа узоқ муддатлар Умаршайх мирзо тасаруфида эди. Мирзо ўлган йили қўлдан чиқиб кетганди. Бу фурсатда Бойсунқур мирзонинг иниси Султон Али мирзо бу

\* Сарқублар — тош, тупроқ ва ёғочдан қурилган баланд истеҳком.

ерда эди. Султон Али мирзо хабар топиб, ўзи Фалгар ва Масчо тогликларига чиқиб кетиб, бекота Шайх Зуннунни Уратепага қўйган эди. Хўжанддан ўтиб ярим йўлга етганда, Халифани Шайх Зуннунга элчи сифатида юборилди. У беақл нокас муносиб жавоб бермай, Халифани туттириб, ўлимга буюрди. Қисматда йўқ экан, Халифа халос бўлиб, юз минг машаққат ва азоблар билан икки-уч кундан кейин яёв ва яланғоч қайтиб келди.

### ТУЌҚИЗ ЮЗ БИРИНЧИ (1495-1496) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо Хурсондан Ҳисор устига лашкар тортиб, қишда Тирмиз тўғрисида келди. Султон Масъуд мирзо ҳам лашкар йиғиб, Тирмизга рўпара келиб ўтирди. Хисравшоҳ ўзи Қундузни маҳкам қилиб, иниси Валини лашкарга юборди. Қишнинг аксарини сув ёқасида ўтказдилар, нарига ўта олмадилар. Султон Ҳусайн мирзо ишбилармон ва тажрибали подшоҳ эди. Қундуз сари дарё юқорисига кўчди. Рўпарасидаги лашкарни гофил қолдириб, Абдуллатиф бахши бошлиқ беш-олти юз уддабурон одамларини Килиф кечигига юборди. У лашкар хабар топгунча, Абдуллатиф бахши тайин бўлган эл билан Килиф кечигидан ўтиб, сув ёқасини эгаллади. Бу хабар Султон Масъуд мирзога етиб боргач, Вали Хисравшоҳ бу кечган одамларнинг устига бормоққа ҳарчанд ҳаракат қилди, Султон Масъуд мирзонинг қўрқоқлигидан ёки Валининг тескариси бўлган Боқи Чағониёнийнинг раъйига қараб, бу кечган лашкарнинг устига юрмади. Лашкар тартибсиз йўсинда Ҳисор сари қайтди.

Султон Ҳусайн мирзо сув кечиб, Бадиуззамон мирзо ва Иброҳим Ҳусайн мирзони, Муҳаммад Валибек ва Зуннун аргунни Хисравшоҳ устига ҳужумчи қисм қилиб юборди. Музаффар мирзо ва Муҳаммад Бурундуқ барлосни Хатлон устига жўнатди. Ўзи Ҳисор устига келди. Яқин борганда хабар топдилар.

Султон Масъуд мирзо Ҳисорда турмоқнинг йўлини тополмай, Камруд анҳори ёқалаб, юқори Сири тоғ йўли билан иниси Бойсунқур мирзо қошига — Самарқандга кетди. Вали ҳам Хатлон

Уратепа тарафларга келдик. Қиш яқин қолгани учун эл шоли-молини бутунлай йигиштириб олган эди. Шу сабабдан бир неча кун ўтгач, Андижон сари қайтиб йўлга тушилди. Биз қайтгандан сўнг хон лашкари Уратепа устига юрди. Уратепа кишилари сақлай олмай, у ерни ташлаб чиқдилар. Хон Уратепани Муҳаммад Ҳусайн кўрагонга берди. Ўша вақтдан туққиз юз саккизинчи йилгача (милодий 1502 йил) Уратепа Муҳаммад Ҳусайн кўрагонда эди.

сари йўл тортиди. Ҳисор қўрғонини Боқи Чағониёний, Маҳмуд барлос ва Қўчбекнинг отаси Султон Аҳмад беркитдилар.

Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон бир неча йилдан бери Шайбонийхондан айрилиб келиб, Султон Маҳмуд мирзо хизматида эдилар. Барча ўзбаклари билан Муҳаммад дуглат Султон Ҳусайн дуглат ва жами Ҳисор вилоятида ўтирган мўгуллар билан бу таҳликада Қоратегин сари йўл тортидилар. Султон Ҳусайн мирзо бу хабарларни эшитиб, Абулмуҳсин мирзони ва баъзи йигитларни Камруд дараси юқорисига, Султон Масъуд мирзо ортидан юборди. Тор дарага кирган пайтда ортидан етиб борган бўлсаларда, лекин айтарли иш ҳам қила олмадилар. Бироқ, Мирзобек фарангибоз (уқотар) унда қилич билан иш кўрсатади.

Иброҳим тархон, Яъқуб Айюб, яна баъзи лашкар Ҳамза Султон ва мўгулларнинг устига Қоратегинга юборилди. Қоратегинда кейинидан етиб урушдилар. Лекин улар Султон Ҳусайн мирзонинг илгор қисмини босиб, бекларнинг аксарини қўлга тушириб, яна қўйиб юбордилар.

Ҳисордан ўша чиққанларидан кейин Ҳамза Султон, Маҳдий Султон, Ҳамза Султоннинг ўгли Мамоқ Султон, Муҳаммад дуглат (сўнгралар Муҳаммад Ҳисорий сифатида машҳур бўлиб эди), Султон Ҳусайн дуглат ва бу султонларга тааллуқли ўзбаклар, Ҳисор вилоятида яшаб турган Султон Маҳмуд мирзо навкарлари бўлган мўгуллар бизни деб рамазон ойида Андижонга келдилар.

У пайтда темурий султонлар расми билан тўшак устида ўтиргандим. Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон ва Мамоқ

Султон келганларида, бу султонларнинг таъзимига ўрнимдан туриб, тушакдан тушиб, султонлар билан кўришдим. Султонларни ўнг қўл томонимга ўтиргиздим. Муҳаммад Ҳисорий бошлиқ барча мўғуллар келдилар. Барчаси мулозимликни ихтиёр қилдилар.

Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо келиб Ҳисор қўргонини қамал қилди. Лаҳм қазимоқ, қўргон олмоқ, тош урмоқ ва тошотар қозон қўрмоқнинг пайида кечаю кундуз ором ва қарори йўқ эди. Тўрт-беш ерда лаҳм қаздирди. Шаҳар томон дарвоза ёнидан қазилган лаҳм анча илгарилаганди. Қўргон эли ҳам лаҳм қазиб, бу лаҳмни топдилар. Қўргонликлар юқоридан буларга томон тутун ҳайдадилар. Хужумчилар тешикни беркитгач, тутун юқорига — қўргон элининг ўзларига қайтиб, қўргон эли улим ваҳимасида лаҳмдон қочиб чиқдилар. Охири кўза-кўза сув келтириб қуйиб, ташқи элни лаҳмдан қочирдилар. Яна бир маротаба бир тўда илдам йигитлар чиқиб лаҳм устидаги йигитларни қочирдилар. Яна Ҳусайн Бойқаро мирзо тушган шимол тарафдан тошотар қозон қуриб, кўп тош билан уриб, қалъанинг бир бурчагидаги миноранинг ичини ўйдилар. Хуфтон намози пайтида қалъанинг кунгирадор устунни учди. Баъзи йигитлар тезлик қилиб урушга рухсат сўрадилар. Султон Ҳусайн мирзо „Кечаси бўлди“, деб рухсат бермади. Тонг отгунча қўргон эли қалъанинг учган устунини тўла таъмирлаб, қайтадан тиклаган эдилар. Эртаси уруш ҳам бўлмади. Бу икки ой, икки ярим ойда дўқ-пўписа ва қалъа тешмоқ, саркўб тикламоқ ва тош отмоқдан бошқа тузук уруш бўлмади.

Бадиуззамон мирзо ва Хисравшоҳ устига юборилган лашкар қисми Қундуздан уч-тўрт йиғоч қуйироқ тушганда Хисравшоҳ бор кишиси билан аслаҳаланиб, Қундуздан чиқиб, орада қўниб, Бадиуззамон мирзо ва лашкарининг устига бостириб келди. Булар — шунча мирзолар ва шунча сардор беклар аскарлари Хисравшоҳнинг кишиларидан икки ҳисса ортиқ бўлмаса-да, бир ярим ҳиссадан кўпроқ бўла туриб чўчиб, эҳтиёткорлик дея хандақдан чиқмадилар. Хисравшоҳнинг яхши-ёмон, катта-кичик навкари тўрт-беш мингча эди.

Хисравшоҳ бу утар бебақо дунё учун ва кетар навкари бевафо учун шунча ёмонлик ва бадномликни ихтиёр қилиб ҳамда мунча зулм ва адолатсизлик қилмоқни ўзига шиор қилиб, катта-катта вилоятларга эга бўлиб, шунча кўп навкар ва савдар сақлаш тутумини қилиб, балки сўнгралар навкар ва мулозимлари йигирма-ўттиз мингга етиб, вилоятлари ва ноҳиялари ўз подшоҳи ва мирзоларидан ортиб, умрида эришган ғалабаси шу бўлди. Шу туфайли Хисравшоҳ ва тобеларининг номи сардорликка чиқиб, мардона бўлдилар. Хандақдан чиқмаганлар қўрқоқликда ном чиқариб, юраксизлик билан афсона бўлдилар.

Бадиуззамон мирзо ундан кўчиб, бир неча манзил қўниб Толиқоннинг Олгу тоғига келиб тушди. Хисравшоҳ Қундуз қўргонида эди. Ташқаридан уларга хавф солиб туриш учун иниси Валини бир тўда жасур йигитлари билан Ишкамиш, Фулул ва у тоғ этакларига юборган эди. Яна Муҳиб Али қўрчи бир даста баҳодир йигитларни олиб келиб, Хатлон дарёсининг ёқасида буларнинг одамларига учраб, уларни енгиб, бир гуруҳ кишини асир қилиб, бир неча бошни кесиб кетди. Сўнгги навбат бунинг қасдига Сайдим Али эшикога, иниси Қўлибек ва Баҳлул Айюб бир қисм кучли йигитлар билан келиб, Анбаркўҳ этагида Хожачангол мавзесида Хуросон лашкари кўчган маҳали тўқнашадилар. Кўп киши етиб Сайдим Али ва Қулбобони, яна бир гуруҳ йигитларни асир олди.

Бу хабар Султон Ҳусайн мирзога етишди. Бунинг устига Ҳисорнинг баҳор ёгинлари сабабидан лашкар ҳам ташвишдан холи эмасди. Яраш учун ичкилардан Маҳмуд барлос чиқиб келди. Ташқаридан Хожа Пир баковул, улуғ оғалар ҳамда мавжуд бўлган созанда ва ҳофизлар келиб, Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган катта қизини Султон Абусаид мирзонинг қиз набираси Поянда Султонбегимдан бўлган Ҳайдар мирзога олиб, Ҳисор устидан қўзғалиб Қундуз сари юзландилар. Қундузга келиб ҳам бир оз сиёсат қилган бўлиб шаҳарни қамал қилдилар. Охири Бадиуззамон мирзо орага тушиб, ярашиб, ичкари-ташқари тушган йигитларни алмаштириб қайтиб кетдилар.

Хисравшоҳнинг бунчалик улгаймоғига, бунча ҳадди сизмас ишларни қилмоғига Султон Ҳусайн мирзонинг икки маротаба келиб ҳам уни енга олмай қайтмоғи сабаб булди. Султон Ҳусайн мирзо Балхга етганда Мовароуннаҳр вилояти маслаҳати учун Балхни Бадиуззамон мирзога бериб, унинг вилояти бўлган Астрободни Музаффар Ҳусайн мирзога берди. Ҳар иккаласини Балх ва Астробод ҳокимлигига бир мажлисда таъзим — қуллуқ қилдирди. Ана шу сабабдан Бадиуззамон мирзо ранжиди. Кейинги шунча йиллик душманликлар ва фитналарнинг сабаби шу эди.

Ушбу рамазон ойи Самарқандда тархонийлар фитнаси содир бўлди. Шарҳи шуки, Бойсунқур мирзо Ҳисор беклари ва лашкар сардорлари билан яхши муносабат ва тутумда эди, лекин Самарқанд бек ва сипоҳилари билан унчалик эмасди. Шайх Абдулло барлос энг улуг, эътиборли бек эди. Ўғлонлари Бойсунқур мирзо оила аҳли билан шунчалик яқин ва қадрдон эдиларки, уларни ошиқлик ва маъшуқликка ўхшатар эдилар. Тархон беклари ва баъзи Самарқанд беклари шу сабабларга кўра, Бойсунқур мирзодан ранжидилар.

Дарвеш Муҳаммад тархон Бухородан келиб, Султон Али мирзони Қаршидан келтириб, подшоҳ кўтариб, Боги Навга келди. Бойсунқур мирзо шу ерда эди. Бойсунқур мирзони навкар-савдаридан айириб тутқун тарзида аркка келтирдилар. Иккала мирзони бир жойга утиргиздилар. Кечқурун, намози дигарда Бойсунқур мирзони Кўксаройга чиқариб қатл этиш хаёлида эдилар. Бойсунқур мирзо таҳорат олмоқ баҳонаси билан Бўстон саройининг шарқи-шимол тарафидаги бир уйга кирди. Эшик оғзида тархонийлар тургандилар. Мирзо билан Муҳаммад Қули қавчин, Ҳасан шарбатчи бирга кирдилар. Қисматни қарангки, мирзо таҳоратга кирган уйнинг орқа тарафида фақат гишт тахлаб чиқилган эшиги бўлиб, ундан ҳовли орқали ташқарига чиқилар экан. Дарҳол бу гиштарни йиқитиб, аркнинг Готфар тарафидаги деворининг сувчиқар ариғи орқали чиқиб, иккинчи девордан ошиб Хожа Кафширга, Хожаго Хожа уйига бордилар. Таҳоратхона эши-

гида турганлар бирпасдан сўнг мулоҳаза қилиб курсаларки, мирзо қочибди.

Эртасига эрталаб тархонийлар йигилиб Хожаго Хожанинг эшигига борадилар. Хожа: „Йуқдир“ деб, бермайди. Булар ҳам зўрлаб олмайдилар. Чунки хожаларнинг ҳурмат мартабаси зўрлаб олишга йул қўймас эди. Бир-икки кундан сўнг Хожа Абдулмакорим, Аҳмад Ҳожибек ва яна баъзи бек, кичик беклар, сипоҳилар ва шаҳар элининг жамоаси оммавий ҳужум қилиб Хожанинг уйидан мирзони келтирдилар; Султон Али мирзони ва тархонийларни аркда қамадилар. Аркни бир кун ҳам сақлай олмадилар.

Муҳаммад Мазид тархон Чорраҳа дарвозаси билан чиқиб қочиб Бухорога борди. Султон Али мирзо билан Дарвеш Муҳаммад тархон қулга тушди.

Бойсунқур мирзо Аҳмад Ҳожибекнинг уйида эканида Дарвеш Муҳаммад тархонни келтирдилар. Бойсунқур мирзо бир-икки сўз сўради. Яхши жавоб бера олмади. Яхши жавоб бергулик иш қилмаган эдики, жавоб берса! Мирзо уни ўлимга буюрди. Дарвеш Муҳаммад тархон бетоқатликдан устунга ёпишди. Устунга ёпишгани билан қўядиларми?! Қатл этдилар. Султон Али мирзони Кўксаройга чиқариб кузларига мил тортишни буюрди.

Темурбек солган олий иморатлардан бири Кўксаройдирки, у Самарқанд аркида жойлашган. Ажиб хосиятли иморатдир. Темурбек авлодидан ҳар ким бош кўтариб тахтга ўтирса ҳам бунда ўтиради, ҳар ким тахт орзуси билан бош қўйса ҳам бунда қўяди. Ҳаттоки, фалон подшоҳни Кўксаройга чиқардилар, яъни ўлдирдилар, деган кинояли гап юрарди.

Султон Али мирзони Кўксаройда кузларига мил тортидилар. Жарроҳнинг ихтиёри биланми ё бехосданми наштардан Султон Али мирзонинг кўзларига ҳеч бир зарар етмади. Буни у дарҳол билдирмади. Султон Али мирзо Хожа Яҳонинг уйига борди. Икки-уч кундан сўнг қочиб, Бухорога — тархонларга борди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ авлодининг орасида бу сабабдан иттифоқлик-иноқлик пайдо бўлди. Улуғи улуғига мураббий, кичиги кичигига ҳомий бўлди.

Бир неча кундан сўнг Хожа Яҳё ҳам Бухорога борди. Бойсунқур мирзо лашкар тортиб Бухорога, Султон Али мирзонинг устига юрди. Бухорога яқин қолганда Султон Али мирзо ва тархон беклари саф тортиб чиқдилар. Бир оз уруш бўлди. Ғалаба Султон Али мирзо тарафида бўлиб, Бойсунқур мирзо шикаст топди. Аҳмад Ҳожибек ва яна бир гуруҳ сара йигитлар қулга тушди, аксариятини ўлдирдилар. Аҳмад Ҳожибекни Дарвеш Муҳаммад тархоннинг қатли сабабли ҳурматсизларча қатл этдилар.

Султон Али мирзо Бойсунқур мирзонинг ортидан дарҳол Самарқандга юрди. Бу хабар шаввол ойида Андижонга, бизга етиб келди. Биз ҳам Самарқанд умиди билан уша шаввол ойидаёқ лашкар тортиб отландик. Султон Ҳусайн мирзо Ҳисор ва Қундуздан қайтган эди. Султон Масъуд мирзонинг ва Хисравшоҳнинг хоотири жам эди. Султон Масъуд мирзо ҳам Самарқанд орзусида Шаҳрисабз устига келди. Хисравшоҳ иниси Валини Масъуд мирзога қўшди. Уч-тўрт ой Самарқандни уч томондан қамал қилдик.

Хожа Яҳё Султон Али мирзо олди-дан келиб, орада иттифоқ ва ҳамжиҳатлик урнатмоқчи бўлди. Куришмоққа

рози бўлиб, Самарқанддан икки-уч шаръий қуйироқ Сугд тарафидан мен лашкарим билан бордим. У тарафдан Султон Али мирзо лашкари билан келди. Наридан тўрт-беш киши Султон Али мирзо, беридан тўрт-беш киши билан мен Куҳак сувининг оралигидан кечиб, от устидаёқ кўришиб, сўрашиб, улар у тараф кетдилар, мен бу тараф келдим.

Мулло Биноийни ва Муҳаммад Солиҳни ушанда Хожа Яҳё хизматида кўрдим. Муҳаммад Солиҳни ушанда бир мартагина кўрдим. Мулло Биноий эса кейинчалик анча вақт менинг хизматимда булди.

Султон Али мирзо билан кўришганимиздан сўнг, қиш яқин келиб қолган эди, Самарқанд эли ҳам унчалик танқисликни кечираётган эмасди. Шу сабабли мен Андижонга, Султон Али мирзо Бухорога қайтдик.

Султон Масъуд мирзо Шайх Абдулло барлоснинг қизига жуда мойил эди. Уни олиб, мамлакат олишлик дағдағасини қўйиб, Ҳисорга қайтди. Балки бу келишдан мақсади шу бўлгандир.

Шероз ва Канбой мавзеларидан Маҳдий Султон қочиб, Самарқандга борди. Ҳамза Султон Зоминдан ижозат билан Самарқандга борди.

## ТУҶҚИЗ ЮЗ ИККИНЧИ (1496-1497) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Ушбу қишда Бойсунқур мирзонинг иши анча ривож топган эди. Султон Али мирзо томонидан Абдулкарим ашрит Куфин ва унинг яқинидаги мавзеларга келган эди. Самарқанддан Маҳдий Султон Бойсунқур мирзо лашкарининг ҳужумчи қисмини бошлаб келиб, буларнинг устига ташланди. Абдулкарим ашрит билан Маҳдий Султоннинг ўзлари юзма-юз бўлдилар. Абдулкаримнинг отига Маҳдий Султон черкасий қилич солиб йиқитди. Ўзи тураётган ҳолатида Маҳдий Султон қўлининг тирсагидан чопди. Уни қулга тушириб, уша ҳужумчи лашкарни яхши босдилар. Бу султонлар Самарқанд ишини ва мирзоларнинг салтанатини кучсиз билиб, айрилиб, баҳорда Шайбонийхон қошига кетдилар.

Шунча воқеалардан сўнг самарқандликлар тўпланиб, Султон Али мирзонинг

қаршисига лашкар тортиб чиқдилар. Бойсунқур мирзо Сарипулга келди. Султон Али мирзо Хожайи Кордзанга келди. Ушбу фурсатда Хожа Мунир Ўшийнинг қутқуси билан Хожа Абулмакорим ва Андижон бекларидан Вайс Лоғарий, Муҳаммад Боқир ва яна Қосим дўлдой ҳамда Бойсунқур мирзонинг бир гуруҳ яқин кишилари Бухоро устига юрдилар. Яқин етганларида Бухородагилар хабардор бўлдилар, буларнинг ишлари юришмай, ортга қайтдилар.

Султон Али мирзо билан кўришганимизда, ёзда улар Бухородан, мен Андижондан келиб, Самарқандни қамал қиламиз, деб келишилган эди. Уша ваъдалашувга кўра, рамазон ойида Андижондан отланиб, Ёряйлоқ мавзесига етганда, мирзоларнинг юзма-юз утирганлари хабарини эшитиб, Тулун Хожа

мўгулни икки-уч юз жангари йигитлар билан ҳужумчи қисм қилиб айирдик. Яқин етганимизда Бойсунқур мирзо бизнинг бораётганимиздан хабар топиб, сафи бузилган йўсинда орқасига қайтади. Бу йигитлар уша кеча уларнинг йўлини кўндалангига кесиб чиқиб, кўп кишини отиб, анча ўлжа келтирдилар.

Биз бир-икки кундан сўнг Шероз қўрғонига етдик.

Шероз Қосим дўлдойда эди. Қўрғонбеги Шерозни сақлай олмай, қўрғонни топширди. Шероз қўрғони Иброҳим сору ихтиёрига берилди. Тонгда фитр ҳайити намозини уша ерда ўқиб, Самарқанд сари йўлга чиқиб, Обёр истироҳатгоҳига тушдик. Уша куни Қосим дўлдой, Вайс Логарий, Ҳасан набира, Султон Муҳаммад Сайфал, Султон Муҳаммад Вайс учтўрт юз киши билан келиб, мулозамат қилдилар. Бойсунқур мирзо кучиб, орқага қайтгач, биз айрилиб подшоҳ қуллуғига келдик, дейишди улар. Охири маълум бўлдики, булар баҳслашиб Бойсунқур мирзодан айрилиб, Шерозни мудофаа қилгани келган эканлар. Шероз иши бундай бўлгач, ноилоҳ қолиб келишибди.

Қорабулоққа тушганимизда баъзи ерли кишиларга бебошлик қилган (талаган) мўгулларни тутиб келтирдилар. Қосимбек сиёсат учун икки-учтасини парча-парча қилдирди. Тўрт-беш йилдан сўнг ҳарбий саргардонликларда Масчодан хон қошига — Тошкентга йўл олганимизда Қосимбек шу сабабли биздан айрилиб, Ҳисорга кетди. Қорабулоқдан утиб, сув кечиб, Ём тўғрисида тушдик. Ушбу кун баъзи хос беклар Хийбон бошида Бойсунқур мирзонинг одамлари билан тўқнашдилар. Султон Аҳмад Танбалнинг бугзига найза санчиб йиқитдилар, лекин қўлга тушмади. Хожа Калоннинг катта акаси Хожаго Мулло Садрнинг йўгон томирига ўқ тегди. Уша заҳоти Тангри раҳматига борди. Жуда яхши йигит эди. Отам ҳам қадрлаб, муҳрдор қилиб эди. Толиби илмлиги бор эди, тилни хийла билар эди, мактуб ёзиши ҳам яхши эди. Қўшчиликни ва дуо билан ёмғир ёғдиришни ҳам биларди.

Ём атрофларида эканимизда шаҳардан кўп бозорчилар ва ҳар хил одамлар чиқиб, ўрдамиз бозорга айланиб, савдо-

сотиқ қилар эдилар. Бир куни кечқурун бирдан халойиқ гавго кўтариб, мусулмонлар молини батамом талон-торож қилдилар. Лашкар забти шу даражада эдики, элнинг таланган нарсаларининг ҳаммасини сақламай қайтариб берсинлар, деган фармон бўлди. Эртаси эрта-лаб икки-уч соат ичида бир қатим ип ва игна синигигача бирор нарса лашкар қўлида қолмади, ҳаммасини эгаларига қайтариб бердилар.

У ердан кўчиб Самарқанднинг шарқ тарафидаги Хон юртига тушилди. Бу жой Самарқанддан уч куруҳ масофада. Қирқ-эллик кун бу юртда ўтирилди. Бу юртдалигимизда бир неча маротаба ташқаридан ва ичкаридан юракли йигитлар Хийбонда яхши қилич чопишди. Бир марта Хийбонда Иброҳим бекчик қиличбозлик қилганда юзини чопдилар. Шундан сўнг уни Иброҳим чопуқ дер эдилар. Яна бир сафар Хийбонда Пули Магокда (Фор кўприги) Абулқосим кўҳбур бировни гурзи билан урди. Яна бир марта Хийбонда Тарнов мавзесида жанг бўлди. Мирзошоҳ қавчин гурзи билан бировни қулатди. Мирзошоҳ қавчинни эса шундай чопдиларки, бўйнининг ярмигача кесилганди, катта томиригина кесилмаганди.

Хон юртида эканимизда қўрғондагилар фириб билан киши юбориб, кечаси Ғори Ошиқон тарафига келинг, қўрғонни берамиз, дедилар. Бу хаёл билан кечаси отланиб, Пули Магокка бордим. Бир гуруҳ сара йигитлар ва пиёдалар ваъдалашган ерга юборилди. Ичкаридан бизнинг пиёдалардан гафлатда қолдириб тўрт-бештасини ўлдирдиларки, хабардор бўлдик. Хийла жасур пиёдалар эдилар. Бирисининг оти Ҳожи эди. Менга ёшлигидан хизмат қиларди. Яна бирини Маҳмуд Кундури сангак дер эди. Барчасини ўлдирдилар.

Бу юртда эканимизда Самарқанддан шаҳарликлар ва бозорчилар шунчалик кўп чиққан эдики, лашкар урдаси шаҳарга айланганди. Шаҳардан ҳар нима истасалар, лашкаргоҳдан топиларди. Бу муддатда Самарқанддан бошқа барча қўрғонлар ва тоғу туз қўл остимга кириб эди. Шовдор тоғининг этагида Ургут номли қўрғонни бир жамоа беркитди. Зарурат бўлиб бу юртдан кўчиб, Ургут устига борилди. Тоқат қилолмай



Хожа Қозини орага солиб келдилар. Биз ҳам гуноҳларини афв қилдик. Яна Самарқанд қамалига қайтдик.

Ушбу йили Султон Ҳусайн мирзо билан Бадиуззамон мирзо орасидаги нифоқлар урушга айланди. Бунинг тафсилоти шуки, ўтган йили Балхни Бадиуззамон мирзога, Астрободни Музаффар мирзога бериб қуллуқ қилдирган эди, бу ҳақда юқорида ёзган эдик. Уша муддатдан бу муддатгача кўп элчилар бориб-келдилар.

Охири Алишербек ҳам элчиликка келди. Ҳарчанд ҳаракат қилсалар ҳам Бадиуззамон мирзо Астрободни инисига бермоққа рози бўлмади: „Менинг ўғлим Муҳаммад Мўмин мирзони хатна қилганда, мирзо унга бағишлаган“, деди.

Бир куни Алишербек билан Ҳусайн Бойқаро орасида бир суҳбат бўлиб ўтдики, бу мирзонинг тезфаҳмлигига, Алишербекнинг кўнгли нозик ва юмшоқлигига далилдир. Алишербек махфий сўзларни мирзонинг қулоғига кўп гапирди. Тагин дедик: „Бу сўзларни унутинг“. Мирзо дарҳол айтдики: „Қайси сўзларни?“. Алишербек кўп таъсирланиб, роса йиглади.

Охири ота-ўғил орасидаги бу гап-сўзлар шунга олиб келдики, отаси отасининг устига ва ўғли ўғлининг устига Балх ва Астрободга лашкар тортдилар. Султон Ҳусайн мирзо Бадиуззамон мирзо устига, Музаффар Ҳусайн мирзо Мўмин мирзо устига лашкар тортди. Гурзивоннинг қуйисида Якчирог ўтлоғига қуйидан Султон Ҳусайн мирзо, юқоридан Бадиуззамон мирзо келдилар. Чоршанба куни рамазон ойининг бошида Абулмуҳсин мирзо Султон Ҳусайн мирзонинг бир неча беклари ва бир даста ҳужумчиси билан илгарироқ келди. Унчалик кўп уруш ҳам бўлмади, Бадиуззамон лашкари босилди. Кўп сара йигитлар қўлга тушди. Султон Ҳусайн мирзо барчасининг бошини кестирди. Ёлғиз бу эмас, қачонки бир ўғли ёвлашган бўлса, ҳамини бостирди. Қўлга тушган навкарларининг барчасининг бошини кестирди. Ҳақ унинг томонида бўлгач, у не қилсин.

Бу мирзолар шунчалик бузуқчилик ва айш-ишратга машғул эдиларки, рамазондек табаррук ва азиз ойга бир кечалик фурсат қолганда, отасидек кўпни кўрган ва ишбилармон подшоҳ ярим кун-

лик йўлдан келган вақтда ҳам, отасидан ийманмай, Худодан қўрқмай, ҳануз ишмай ичмоқ, мажлисоролик билан дилхушликка берилмоқ бўлди: муқаррардирки, бундай киши ўшандай шикаст топади ва бундай яшаган элни ҳар ким енга олади.

Неча йилки, Астробод ҳукумати Бадиуззамон мирзода эди, хонадон аҳли ва хизматкорлар ҳамда йигит-яланги жуда серзавқ ва зеб-зийнатга ботган эди. Олтин ва кумуш асбоб-анжомлари жуда кўп эди. Дабдабали кийинган йигитлари ва чопқир отлари беҳисоб эди. Барчасини шу ерда бой берди. Қочаётганида тоғ йўлига учраб, эниш ва учма жойларга йўлиқиб, ўзи ташвиш билан учмадан тушди. Кўп эли бу учмада нобуд бўлди.

Султон Ҳусайн мирзо ўғлини бостиргандан сўнг, Балхга келди. Бадиуззамон мирзо Балхга Шайх Али тағойини қўйиб эди. Чора қила олмай, чиқиб Балхни топширди. Султон Ҳусайн мирзо Балхни Иброҳим Ҳусайн мирзога бериб, Муҳаммад Валибек ва Шоҳ Ҳусайн танқуриқчини у билан қолдириб, ўзи Хуросонга қайтиб кетди.

Бадиуззамон мирзо шикастдан сўнг таланиб, бор-будини олдириб, йигит-яланг ва яёв-яланги билан Қундузга—Хисравшоҳга томон йўл олди. Хисравшоҳ ҳам яхши хизматлар қилди. От ва туядан, чодир ва шоҳона чодирлардан, балки барча сипоҳилик яроғ-аслаҳасидан мирзога ва мирзо билан бўлганларга бериб, шу даражада хизмат ва одамгарчилик қилдики, буни кўрганлар: бурунги яроғ-аслаҳа билан бунинг ўртасида фарқ йўқ, тафовут балки тилла ва кумуш нарсалардагина холос, дедилар.

Султон Масъуд мирзо билан Хисравшоҳнинг орасида Султон Масъуднинг беқарорлиги, Хисравшоҳ обрӯ-эътиборининг ортганидан жанжал ва гина-кудуратлар чиққан эди. Хисравшоҳ Вали ва Боқини Бадиуззамон мирзога қўшиб, Султон Масъуд мирзонинг устига — Ҳисорга жангга юборди. Улар қўргонга яқин ҳам кела олмадилар. Атроф-теваракдан наридан-бери бир-икки қилич солишдилар. Бир навбат Ҳисорнинг шимол тарафи Қушхона ўлангида Муҳиб Али қўрчи элдан айрилиб келиб, яхши жанг қилди. Отдан йиқилиб қўлга тушиш олдида яна у томондан зўрлаб, халос қилдилар.

Бир неча кундан сўнг нари-бери сулҳ тузган бўлиб, қайтиб кетдилар.

Бир неча кундан сўнг Бадиуззамон мирзо тоғ йули билан Қандаҳор ва Зами-ни Доварга: Зуннун аргун ва унинг угли Шоҳ Шужоъ аргун томонга жўнади. Зун-нун аргун хасислик ва бахиллигига қара-май, яхши хизматлар қилди. Бир тортиқ қилганда қирқ минг қўй совга қилди.

### ТЎҒҚИЗ ЮЗ УЧИНЧИ (1497-1498) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Боғи Майдоннинг орқасидаги Қўлба яланглигига тушилди. Самарқанднинг сипоҳи ва аҳолиси Пули Муҳаммад Чаб мавзесига ёпирилиб чиқди. Бизнинг одам-ларимиз тайёр бўлмаганликлари боис, йигитлар аслаҳалангунча Султонқули ва Бобоқулини қўлга тушириб, қалъага олиб кетдилар. Бир неча кундан сўнг кўчиб, Кўҳакнинг орқаси — Қўлбанинг бошига тушилди. Саййид Юсуфбекни ўша куни Самарқанддан ҳайдадилар. Ушбу юртга келиб мулозамат қилди.

Самарқанддагилар у жойдан кўчиб, бизни бу ердан қайтиб кетди деб уйлаб, сипоҳ ва шаҳар аҳли Мирзо кўпригигача чиқдилар. Бор йигитларни қуролланиб отланишга буюрдик. Икки тарафдан — Пули Мирзодан ва Пули Муҳаммад Чабдан куч келтирдилар. Тангри ишимизни унглади — ёв босилди. Зур-зур беклар ва сара-сара йигитларни қўлга тушириб келтирдилар. Шу жумладан, Муҳаммад Мискин Ҳофиз дўлдойни ҳам. Унинг шаҳодат бармогини чопиб, олиб келтирдилар. Яна Муҳаммад Қосим набирани иниси Ҳасан набира асир қилиб келтирди.

Бундай сипоҳий ва элга таниқли йигитлардан хийла бор эди. Яна шаҳар жангари йигитларидан Девонаи Жомабофни ва Кал Қошуқни келтирдиларки, улар олишув ва жангариликда суяксиз, учар эдилар. Гори Ошиқонда ўлган пиядаларнинг қасосига уларни азоблар билан ўлдириш буюрилди. Самарқанд элига бу катта шикаст эди. Бундан сўнг қўргондан чиқолмай қолдилар. Иш шу даражага етдики, бизнинг эл хандақ ёқасигача бориб қул ва чўри келтирар эдилар.

Офтоб мезон буржига ўтди, совуқ тушди. Кенгашга кирадиган барча бек-

Гаройиб воқеалардан бири шуки, Султон Хусайн мирзо Бадиуззамон мирзони енгган чоршанба куни, Астрободда Музаффар мирзо Муҳаммад Мўмин мирзони енгади. Бундан ҳам ажаброғи шундаки, Чоҳоршанба исмли киши Муҳаммад Мўмин мирзони қўлга тушириб келтиради.

ларни чақириб, кенгашиб, шунга қарор қилиндики, шаҳар одамлари жуда кучсизланиб қолган. Тангри июноти билан бу кун бўлса ҳам олармиз, тонг-ла бўлса ҳам олармиз. Ташқарида совуқда ташвиш тортгандан кўра, шаҳарнинг яқинидан кўчиб, бир қўргонда қишлоқ солмоқ керак. Кетадиган ҳам бўлсак, ул маҳалда бетараддудроқ кетиб бўлади. Қишлоққа Хожа Дийдор қўргонини маслаҳат куриб, кўчиб Хожа Дийдорнинг олдидаги ялангликка тушилди. Қўргонга кириб уй ва қапа ерларини тайин қилиб, иш усталари ва назоратчилар қўйиб, юртга келдик. Бир неча кун қишлайдиган уйлар тайёр бўлгунча ялангликда утирилди.

Бу муддатда Бойсунқур мирзонинг Туркистонга — Шайбонийхонга кетмакет кишилар юбориб, Шайбонийхондан кўмак тилагани ҳақидаги хабар ёйилди. Қишлоқ уйлари тайёр бўлиб, қўргонга кирдик. Шайбонийхон Туркистондан жадаллаб, ўша саҳар бизнинг турган жойимиз устига келди. Бизнинг лашкаримиз яқинда эмас эди. Қишлаш маслаҳати билан баъзилар Работи Хожага, баъзилар Кобудга, баъзилар Шероз қўргонига кетган эдилар. Шунга қарамай, бор лашкар билан аслаҳаланиб чиқилди. Шайбонийхон чидаш бермай, ўзини Самарқанд сари тортди. Самарқанд атрофига борди. Бойсунқур мирзонинг муддаосидагидек бўлмагани учун у Шайбонийхон билан яхши муомалада бўлмади. Бир неча кундан сўнг Шайбонийхон ҳеч иш қила олмай, ноумид бўлиб Туркистонга қайтиб кетди.

Бойсунқур мирзо етти ой қамалда бўлди. Бир умидворлиги Шайбонийхондан эди, ундан ҳам умидини узди. Бой-

сунқур мирзо икки-уч юз оч уруги билан Қундузга— Хисравшоҳ юртига жунаб кетди. Тирмиз атрофидан Амуни кечаётган пайтда Султон Масъуд мирзонинг ҳам уруги, ҳам муътабар кишиси Тирмиз ҳокими Саййид Ҳусайн Акбар хабар топиб, Бойсунқур мирзонинг устига юрди. Мирзо сувдан утган эди. Мирим тархон ушанда сувга чўкди. Кейин қолган айрим кишилар, куч-курон уларнинг қулига тушди. Бойсунқур мирзонинг Тоҳир Муҳаммад исмли танқуриқчиси ҳам қулга тушди. Бойсунқур мирзони Хисравшоҳ яхши кутиб олди.

Бойсунқур мирзо Самарқандни ташлаб чиққач, бизга хабари келди. Хожа Дийдордан отланиб, Самарқандга йўл олдик. Йўлда улуглар, беклар ва йигитлар бирин-кетин истиқболга чиқдилар. Раби ул-аввал ойининг охирларида келиб, арқдаги Бустонсаройга тушдим. Тангри таолонинг инояти билан Самарқанд шаҳри, вилояти муяссар бўлди ва ихтиёримга ўтди.

Ер юзининг аҳоли яшайдиган қисмида Самарқандча латиф шаҳар камроқдир. Бешинчи иқлимдандир. Узунлиги 99 рамзи нужумий даража (градус), 56 дақиқа, эни 40 даража (градус) ва дақиқадир. Шаҳри — Самарқанд, вилоятини Мовароуннаҳр дейдилар. Ҳеч душман қаҳр ва галаба билан бунга эгаллаёлмагани учун „балдаи маҳфуза“— „ҳимоядаги шаҳар“ дейдилар. Самарқанд ҳазрати амир ул-муминин Усмон замонида мусулмон бўлгандир. Саҳобадан Қусам ибн Аббос у ерга боргандир. Қабри Оҳанин дарвозасининг ташқарисида. Ҳозир Мозори Шоҳ (Шоҳи Зинда) номи билан машҳур. Самарқандни Искандар бино қилган. Мўгул ва турк улуси Семирқанд дерлар. Темурбек (Амир Темур) пойтахт қилган эди. Темурбекдан илгари Темурбекдай улуг подшоҳ Самарқандни пойтахт қилган эмас. Қалъасининг деворини устидан қадамлаб ўлчаб чиқишни буюрдим. Ўн минг олти юз қадам чиқди.

Элининг барчаси сунний, покмазҳаб ва шариатга амал қилувчи, диёнатли элдир. Ҳазрати Расули Акрам замонларидан бери Мовароуннаҳрда шунчалик кўп ислом имомлари етишиб чиққанларки, бошқа вилоятларнинг бирортасида бун-

чалик кўп имом кузатилмаган. Калом илми имомларидан бўлган Шайх Абумансур Самарқанднинг Мотурид номли маҳалласидандир. Калом имомлари икки гуруҳдир: бирини мотуридия дейдилар, бирини ашъария дейдилар. Мотуридия фирқаси Шайх Абумансурга мансубдир. Яна „Саҳиҳи Бухорий“ муаллифи Хожа Исмоил Хартанак ҳам Мовароуннаҳрдандир. Имом Абу Ҳанифа мазҳабида „Ҳидоя“дан муътабарроқ китоб фикҳ илмида кам, унинг муаллифи ҳам Фарғонанинг Маргинон номли вилоятдандир, бу ҳам Мовароуннаҳрга киради.

Самарқанд маъмура (ободонлик)нинг чеккароғида бунёд топган бўлиб, шарқи Фарғона ва Кошғар, гарби Бухоро ва Хоразм, шимоли Тошканд ва Шоҳрухияки, Шош ва Банокат деб ёзидилар, жануби Балх ва Тирмиз. Кўҳак (Зарафшон дарёси) шимолидан оқади, у Самарқанддан икки куруҳ келади. Бу сув билан Самарқанд орасида бир тепалик бор, уни Кўҳак (кичик тоғ) дейдилар. Бу дарё Кўҳакнинг тубидан оққани учун Кўҳак суви дейдилар. Бу дарёдан бир катта анҳор чиқарганлар, балки кичик дарёчадай бордир, уни Дарғам суви дейдилар. Самарқанднинг жанубидан оқади. Самарқанддан бир шаръийча келади. Самарқанднинг боғлари ва маҳаллалари, яна неча туманлари бу сув билан ободон. Бухоро ва Қорақўлгача ўттиз-қирқ йигоч масофага яқин жойлар Кўҳак суви билан ободон ва экинзордир. Шундай катта дарё экин ва иморат ишларидан асло ортмайди, шунинг учун ёзда уч-тўрт ой Бухорога сув бориб етмайди. Узуми ва қовуни, олмаси ва анори, хуллас, барча меваси яхши бўлади. Айниқса, икки мева Самарқандда машҳурдир: Самарқанд олмаси ва Самарқанднинг соҳиби узуми. Қори Кобулдагидек тушмаса ҳам, қиши қаттиқ совуқдир. Кобулча бўлмаса ҳам, ёзларда яхши ҳавоси бор.

Темурбекнинг ва Улуғбек мирзонинг иморатлари, боғлари Самарқанд маҳаллаларида кўпдир. Самарқанд аркида Темурбек бир улуг кўшк солган, тўрт қаватли, Кўксарой номи билан маълум ва машҳур, жуда юксак иморатдир. Яна Оҳанин дарвозасига яқин қалъанинг ичида тошдан бир жомеъ масжиди солган, у ерда

аксарият Ҳиндистондан олиб келинган тошйўнарлар ишлаганлар. Масжиднинг пештоқи китобаси — ёзувида: „Ваъ из ярфаъу Иброҳим ал-қавоида (ило охириҳи)“ оятини шундай йирик ҳарфлар билан ёзганларки, уни бир куруҳга яқин ердан ўқиса бўлади. Бу ҳам жуда юксак иморатдир.

Самарқанднинг шарқида икки бог солган, унинг бири йироқроқ бўлиб, Боги Булдудир, яқинроғи Боги Дилкушо (кўнгилочар)дир. У ердан Феруза дарвозасигача хиббон қилиб, икки тарафида терак дарахтлари эктирган. Дилкушо богида ҳам баланд кўшк солдирган. У кўшкда Темурбекнинг Ҳиндистондаги урушлари тасвирланган. Яна Кўҳак тепалигининг этагида Конибилнинг қора суви устида (бу сувни Обираҳмат ҳам дейдилар) бир бог солган. Нақши Жаҳон деб номланган. Мен курган пайтда бу бог бузилган эди, номи ҳам қолмаган эди. Яна Самарқанднинг жанубида Боги Чанор бўлиб, қалъага яқиндир. Яна Самарқанднинг қуйи қисмида Боги Шамол ва Боги Биҳишт бор. Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош қўрғонида — чақарда бир мадраса солган. Темурбекнинг қабри ва авлодидан ҳар кимки Самарқандда подшоҳлик қилибди, уларнинг қабри уша мадрасададир.

Улугбек мирзонинг йирик иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичидаги мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гунбази жуда катта гунбаздир; оламда унчалик катта гунбаз йўқ, деб ҳисоблайдилар. Яна бу мадраса ва хонақоҳга яқин бир яхши ҳаммом солдирган, бу Мирзо ҳаммоми сифатида машҳурдир. Унинг саҳнига ҳар хил тошлардан тўшалган. Хурросон ва Самарқандда бундай ҳаммом борлиги маълум эмас. Яна бу мадрасанинг жанубида масжиди Муқаттаъ номи бир масжид солдирган. Муқаттаъ (булакланган) дейишларининг сабаби, бўлак-бўлак ёғочларни тарашлаб, ислимий ва хитойи нақшлар солингани, бутун деворлари ва шифтлари ушбу йўсинда нақшланганидандир. Бу масжиднинг қибласи билан мадраса қибласининг орасида кўп тафовут бор. Афтидан, бу масжид қибласини аниқлашда мунажжим усулини (астрономик йўсинда) қўллаганлар. Яна бир

юксак иморати Кўҳак тепалиги этакларидаги расадхонадирки, бу зиж битмак (астрономик жадвал тузиш)нинг масканидир. Уч қаватлидир. Улугбек мирзо бу расадхонада „Зижи Кўрагонийс („Кўрагоний астрономик жадвали“)ни тузгандирки, оламда ҳозир бу жадвал амалдадир. Бошқа астрономик жадвал билан кам амал қиладилар. Бундан бурун „Зижи Элхоний“ („Элхоний астрономик жадвали“)га амал қилинар эдики, уни Хожа Носир Тусий Ҳалокухон замонида Мароға шаҳрида тузгандир. Ҳалокухонни Элхон ҳам дейдилар. Афтидан, оламда етти-саккиздан ортиқ расад тузилмаган. Шу жумладан, бири — Маъмун халифа расад тузганки, „Зижи Маъмуний“ни уша асосда ёзганлар. Яна бирини Батлимус тузган. Яна бири Ҳиндистонда рожа Бикрамажит ҳинду замонида Малўт мамлакатидан Ужжай ва Дҳар шаҳарларида тузилган. Бу жойлар ҳозир Манду номида машҳурдир. Яна бир расад тузганлар, ҳозир ҳиндулар амал қиладиган Ҳиндистондаги расад шудир. Бу расад тузилганига бир минг беш юзу саксон тўрт йил бўлган. Бу аввалги зижларга қараганда нуқсонлироқдир.

Яна Кўҳак тепалигининг этагида, гарб томонида Улугбек мирзо Боги Майдон деб аталган бир бог солгандир. Бу богнинг ўртасида бир юксак иморат қад кўтарган. Буни Чилсутун (қирқ устунли) дейдилар, икки қаватли, устунларининг ҳаммаси тошдан. Бу иморатнинг тўрт бурчагида минорасимон тўрт бурж (ичи айлана зинали миноралар) тиклаганларки, юқори чиқиладиган йўллар бу буржлар орқалидир. Бошқа ҳамма жойлардаги устунлари тошдан. Баъзисини тошни йўниб илон ўралган тарзда ўймакорлик билан ишлаганлар. Юқоридаги қаватнинг тўрт томони айвон бўлиб, устунлари тошдан ясалган. Ўртаси чордара (тўрт эшикли) уйдир. Иморат асоси бутунлай тошдан қаланиб ясалган. Бу иморатдан Кўҳак тепалигига қаратиб этакда яна бир богча солган, унда бир йирик тош тахт қўйилган, узунлиги тахминан ун тўрт-ун беш қари бўлиб, эни етти-саккиз қари, бўйи бир қари. Бундай катта тошни анча йироқ йўлдан келтирганлар. Ўртасидан дарз кетган. Айтишларича, тошни бу ерга келтиришгандан сўнг дарз кетган. Ушбу

боғчада яна бир чордара иморат солган, изораси (асоснинг ташқи безаги) бутунлай чиннидан, уни Чиннихона дейдилар. Хитойдан одам юбориб келтиртирган.

Самарқанд қалъасининг ичида яна бир қадимий иморат бор. Уни масжиди Лақлақа дейдилар. Унинг гунбази ўртасида ерни тепсалар бутун гунбаздан „лақлақ“ товуши келади, қизиқ ҳодисадир. Ҳеч ким бунинг сирини билмайди.

Султон Аҳмад мирзонинг замонида ҳам бек ва кичик беклар куп боғ-боғчалар барпо этдилар. Шу жумладан, Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғича сафолик ва ҳаволик, кўзни яшнатадиган чорбоғ кам. Боғи Майдондан қуйроқ, тепалик устида Қулба яланглигига туташ бир чорбоғ солибди. Бу яланглик унинг пастида ястаниб ётади. Чорбоғда ҳам паст-баланд ерларни пухта режа асосида тузатиб, қайрағочлар, сарв ва оқ тераклар экканлар, хийла кўркам манзилдир. Камчилиги шуки, катта оқар суви йўқ.

Самарқанд шаҳри ажойиб ораста бир шаҳардир. Бу шаҳарнинг бир хусусияти борки, бунақаси камдан-кам шаҳарда бўлади, яъни ҳар ҳунарманднинг алоҳида бозори бор, бир-бирига аралашган эмас, бу қизиқ расмдир. Яхши нонвойликлари ва ошпазликлари бордир. Оламда яхши қоғоз Самарқанддан чиқади. Қоғоз жувозларига сув буткул Коникилдан келади. Коникил Сиёҳоб (қорасув) ёқасидадирки, бу қорасувни Обираҳмат ҳам дейдилар.

Самарқанднинг яна бир матоси қирмизи бахмалдирки, уни атроф ва йироқ-яқинларга элтадилар.

Теварак-атрофида яхши уланглари бор. Бир машҳур сайхонлик Коникил улангидир. Самарқанд шаҳридан шарқ тарафда, бироз шимолга мойил, бир шаръий келади, қорасуви бор, уни Оби Раҳмат ҳам дейдилар: Коникилнинг ўртасидан оқади, етти-саккиз тегирмон сув бор. Бу сувнинг атрофи бутунлай сув олинадиган жойлардан иборат. Баъзилар бу улангнинг асли номи Конобгир (кўлмак) дейдилар, бироқ тарихларда фақат Коникил деб ёзадилар, хийла яхши сайхонликдир. Самарқанднинг султонлари ҳаммиша бу сайхонликни ёзги истироҳат жойи қиладилар. Ҳар йили бу сайхонликка чиқиб, бир ой, икки ой яшайдилар.

Бу сайхонликнинг юқорирогиди, шарқи-жануб томонда яна бир ўланг мавжуд бўлиб, Хон юрти деб номланган. У Самарқанднинг шарқий томонидадир, Самарқанддан бир йигоч нарида. Қорасув унинг орасидан ўтиб, Коникилга боради. Хон юртида бу Қорасув юқоридан шундай айланиб келадики, ичида бир лашкаргоҳ сигадиған ер бор. Чиқар ери хийла тордир. Бу ернинг хушҳаволилигини кўзлаб, Самарқанд қамалида бир қанча вақт бу ерда тўхтаган эдик. Яна бир сайхонлик Бўдана қўригидир (ёзги истироҳатгоҳ), Боғи Дилкушо билан Самарқанд орасида. Яна бири Кули Мағок сайхонлигидир: Самарқанддан икки шаръийча келади, ғарб томонда бўлиб, бироз шимолроқда. Бу ҳам яхшигина сайхонликдир. Бир ёнида бир катта кўл бор, шу боис Кули Мағок ўланги, дейдилар. Самарқанд қамалида мен Хон юртида ўтирганнимда, Султон Али мирзо бу ерда тўхтагани. Яна Қулба сайхонлиги бор, бу кичкинароқ ялангликдир. Шимоли Қулба кенти ва Кўҳак дарёси, жануби Боғи Майдон ва Дарвеш Муҳаммад тархоннинг чорбоғи, шарқи Кўҳак тепалиги.

Мовароуннаҳрнинг яхши вилоятлари ва туманлари бор. Самарқанд яқинидаги катта вилоят Бухородир. Самарқанднинг ғарбий тарафидан йигирма беш йигоч йўлдир. Бухоронинг ҳам бир неча туманлари бор. Бу жуда ажойиб шаҳардир. Меваси кўп ва яхши бўлади, қовуни ҳам жуда яхши бўлади. Мовароуннаҳрда Бухоро қовунича кўп ва яхши қовун бўлмайди. Фаргона вилоятидан Ахсининг бир нав қовуни борки, „миртемурий“ дейдилар, бу қовундан чучукроқ ва нозикроқ бўлса-да, бироқ Бухорода ҳар нав қовун кўп ва яхши бўлади. Яна Бухоро қаролиси машҳурдир. Бухоро қаролисидек қароли ҳеч ерда бўлмас: пустини арчиб, қуриштиб, табаррук қилиб вилоятдан вилоятга элтадилар. Ични юмшатиш учун кўп яхши даводир. Парвори (семиз) товуғи ва гози кўп. Мовароуннаҳрда Бухоро майларидан ўткирроқ шароб бўлмас. Мен Самарқандда аввал ичганларимда Бухоро шаробларидан ичар эдим.

Яна Кеш вилоятидур. Самарқанднинг жанубида, тўққиз йигоч йўлдир. Самарқанд билан Кеш орасида бир тоғ

тушган: Итмак довони дейдилар. Тоштарошлик учун тошларнинг ҳаммасини бу тогдан олиб кетадилар. Баҳорлар саҳроси, шаҳри, дала ва томи ям-яшил бўлгани учун Шаҳрисабз ҳам дейдилар. Темурбекнинг тугилиб ўсган жойи Кеш булгани учун уни шаҳар ва пойтахт қилишга кўп саъй-ҳаракатлар қилди. Кешда юксак иморатлар бино қилди. Ўзига девонда бир улуг пештоқ (айвон) ва яна унғ ёнида ҳамда сўл ёнида вилоятлар беклари билан девон беклари маҳкамалари учун икки кичикроқ пештоқ қургандир. Яна арзга келган халойиқ учун бу девонхонанинг бурчак-бурчакларида кичик-кичик хоначалар бунёд этган. Бундай юксак иморатни оламда кам, деб айтадилар. Дейдиларки, бу Кисро тоқидан ҳам юксакроқдир. Яна Кешда мадраса ва мақбара тиклагандир. Жаҳонгир мирзо ва тагин баъзи авлодининг мақбаралари ўша ердадир. Кешнинг бош шаҳар бўлишга Самарқандчалик имконияти катта бўлмагани учун Темурбек охири пойтахт учун Самарқанднинг ўзини танлади.

Яна Қарши вилоятидирки, Насаф ва Нахшаб ҳам дейдилар. „Қарши“ мўғулча сўздир, қабристонни мўғул тилида „қарши“ дейдилар. Афтидан, бу ном Чингизхон юришидан сўнг қўйилган. Бу ерда сув кам, баҳори яхши бўлади, экин ва қовуни яхши бўлади. Самарқанддан жануб томонда, бир оз ғарбга томон ун саккиз йиғоч йўлдир. Вағриқаросимон қуш бўладикки, уни қилқуйруқ дейдилар. Қарши вилоятида сон-саноксиз булгани учун уни бу ерларда мурғаки Қарши (Қарши қушчаси) дейдилар.

Яна Хузор вилоятидир.

Яна Кармина вилоятидир. Самарқанд билан Бухоро орасида.

Яна Қорақўл вилоятидир. Барчасидан кўра сув қўйисидадир. Бухородан етти йиғоч ғарби-шимолдадир. Яхши туманлари бор. Шу жумладан, Сўғд тумани ва Сўғдга туташ туманлар. Боши Ёрайлоқ, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқки, обод қишлоқлари бўлмасин. Беҳад машҳур туманларки, Темурбек: „Менинг бир боғим борки, узунлиги ўттиз йиғочдир“ деганда шу туманларни кўзда тутган.

Яна Шовдор туманидир. Шаҳар ва маҳаллаларга туташ. Хийла яхши тумандир. Бир тарафи Самарқанд билан Шаҳрисабз орасидаги тоғ бўлиб, кентлари аксар бу тоғ этакларига тушган. Яна бир тарафи Кўҳак дарёсидир, хушҳаво ва серсафо, суви мўл, неъматли арзон, хийла яхши тумандир. Миср ва Шомни кўрган жаҳонгашталар бунданда чиройли жой бор, деб айтмайдилар. Яна бошқа туманлари бўлса-да, қайд этилганларча эмас. Шунинг учун ушбу билангина кифояланилди.

Темурбек Самарқанд ҳукуматини Жаҳонгир мирзога берган эди. Жаҳонгир мирзонинг ўлиmidан сўнг катта ўғли Муҳаммад Султон Жаҳонгирга берди. Шоҳрух мирзо Мовароуннаҳр вилоятларининг ҳаммасини катта ўғли Улугбек мирзога бериб эди. Улугбек мирзодан ўғли Абдуллатиф мирзо олди. Бу беш кунлик ўтар дунё учун ўшандай донишманд ва қари отасини шаҳид қилди. Улугбек мирзонинг ўлими ҳақидаги таърих усулида қизиқ жойи бор.

Назм:

*Улугбек баҳри улуму хирад,  
Ки дунёву динро аз у буд пушт.  
Зи Аббос шаҳиди шаҳодат чашид,  
Шудаш ҳарфи таърих: „Аббос кушт“.*

(Мазмуни:

*Улугбекким, илму ақл денгизи эди,  
У дунёю диннинг азим таянчи эди.  
У Аббосдан шаҳидликнинг болини тотди,  
Вафоти тарихи ҳам „Аббос улдирди“ булди.)*

Ўзи ҳам беш-олти ой салтанат қилмади, бу байт машҳурдир:

*Падаркуш подшоҳиро напойд,  
Агар шояд ба шаш моҳаш напойд.*

(Мазмуни:

*Отанинг қотили подшоҳ булолмас,  
Агар бўлса, олти ойдан ошолмас.)*

Унга атаб ёзилган шеърини таърих ҳам қизиқ чиққан.

*Абдуллатиф хисрави Жамшидфар  
ки буд,  
Дар силки бандагонаш Фаридуно  
Зардушут.  
Бобо Ҳусайн кушт жумъааш ба тир,  
Таърихаш ин нависки Бобо Ҳусайн  
кушт.*

(Мазмуни:

*Абдуллатиф эди Жамшидсимон шоҳ,  
Қуллари сафида Фаридун, Зардушт.  
Бобо Ҳусайн отди уни жума кеч,  
Таърихини ёзгин: „Бобо Ҳусайн кушт“*

(улдирди.)

Абдуллатиф мирзодан сўнг Шохрух мирзонинг набираси Иброҳим Султон мирзонинг ўгли Абдулло мирзо (Улуғбек мирзонинг куёви) тахтга ўтирди. Бир ярим йил-икки йилга яқин подшоҳлик қилди. Ундан сўнг ҳокимиятни Султон Абусаид олди, у тириклигидаёқ Самарқанд тахтини тўнғич ўгли Султон Аҳмад мирзога берган эди. Султон Абусаид мирзодан кейин Султон Аҳмад мирзо подшоҳлик қилди. Султон Абусаид мирзонинг вафотидан сўнг Самарқанд тахтига Султон Маҳмуд мирзо ўтирди. Султон Маҳмуд мирзодан сўнг Бойсунқур мирзони подшоҳ қилдилар. Тархонлар гавгоси пайтида Бойсунқур мирзони тутиб, иниси Султон Али мирзони бирикки кун тахтга ўтиргиздилар. Яна Бойсунқур мирзонинг ўзи ҳокимиятни қайтариб олди. Уша йиллар зикрида бу ҳақда ёзилган эди. Бойсунқур мирзодан ҳокимиятни мен олдим. Бундан кейинги воқеалардаги ўзгаришлар ҳақида кейинроқ ёзамиз.

Самарқанд тахтига ўтиргач, Самарқанд бекларининг ҳурматини айнан бурунгидек жойига қўйдим. Биз билан бўлган бекларни ҳам ўзларига яраша қўллаб, шафқатини ўрнига қўйдим. Султон Аҳмад Танбалга келсак, уни қадрладим: у ички беклар даврасида эди, улуғ беклар даврасига қўшдим. Етти ой қамал қилиб, ташвишлар билан олинган Самарқанддан лашкар элига аввал келганда ўлжа-мўлжадек нарсалар тушган эди. Бу Самарқанддан ўзга ҳамма вилоятлар менга қарашли эди. Султон Али мирзога қараган бу вилоятларни талон-торож қилиб бўлмасди. Шунча талон-торож чеккан вилоятлардан бирор нарса олмоқ қандай муяссар бўлсин?

Лашкарнинг озуқаси тугади. Самарқандни олганимизда Самарқанд шунчалик хароб эдики, мадад, уруг ва пул билан бериладиган ёрдамга эҳтиёж бор эди. Кишининг бундай шароитда бир нарса олиши тўғрисида гап ҳам бўлиши мум-

кин эмас эди. Бу жиҳатлардан лашкар халқи кўп танқислик тортди. Биз ҳам элга нарса етказа олмадик. Улар уйлари ҳам соғиндилар. Бир-иккиталаб қоча бошладилар. Аввал Хонқули Баёнқули деган киши қочганди, яна Иброҳим Бекчик қочди. Мугулларнинг ҳаммаси қочдилар. Сўнгра Султон Аҳмад Танбал ҳам қочди. Бу фитнани бостириш учун Хожа Қозини юбордик. Узун Ҳасан Хожага ўзини хийла мухлис ва эътиқодли тутар эди. Мақсад, Узун Ҳасаннинг ҳамкорлиги билан қочганларнинг баъзиларига жазо бериш ва баъзисини бизнинг қошимизга қайтариб юбориш эди.

Бу фитналарга гижгижлатувчи, бундан қочиб борганларни ёмонликка ундовчи Узун Ҳасан туз кўр қилгурнинг ўзи экан. Барчаси Султон Аҳмад Танбал боргани заҳоти очиқ ва ошкора ёмонлик томонида бўлдилар. Самарқандни олиш умидида неча йил жадал лашкар тортган бўлсак, Султон Маҳмудхондан бирор ишончли мадад ва кўмак бўлмас-да, лекин у Самарқанд олингандан сўнг Андижонни олишни истар эди. Аксар лашкар халқи, мугуллар ҳаммаси қочиб Андижон ва Ахсига борган фурсатларда Узун Ҳасан ва Танбал у вилоятларни Жаҳонгир мирзога бермоқчи бўлдилар. Бир неча сабабларга кўра, уларга буни беришнинг иложи йўқ эди: бири буки, гарчи хонга бу вилоятлар ваъда қилинмаган бўлса-да, бироқ хон тилаган эди. Хон тилаб туриб, Жаҳонгир мирзога берилса, хон билан ора мутлақо бузиларди. Яна бири буки, эл қочиб у вилоятларга борган шундай бир пайтда буйруқ йўсинида бу талаб қўйилди. Агар бу таклиф бурунроқ орага тушса, балки ўринли булар эди. Уларнинг ҳукмига ким ҳам рози бўларди?! Мўғул ва Андижон лашкари, баъзи ички беклар ҳам Андижонга боргандилар.

Мен билан Самарқандда бек ва кичик беклар, яхши ва ёмон мингга яқин киши қолди. Улар истаганидек бўлгани учун қочиб борган қўрққан элларни бутунлай ўзларига қўшдилар. Ваҳимада қочиб борган эл ҳам қўрқинчдан бундай воқеани Тангрига ёлбориб тилар эдилар. Фитначилар Ахсидан Андижон устига лашкар тортиб ёмонлик ва ёвликни аниқ ва ошкора қилдилар.

Тулун Хожа борин элатининг мардона, сара ва жангари йигитларидан эди. Отам Умаршайх мирзо уни амал билан эъзозлаган ва ҳануз эътиборда эди. Мен ҳам тарбият қилиб бек қилиб эдим. Ажаб мардона ва азамат йигит эди. Бундай эътиборга арзийдиган киши эди. Муғуллар ичида инобатли ишончли кишимиз Тулун Хожа бўлгани учун элга насиҳат қилиб қўрқувни хаёлларидан чиқарсин, эл ваҳимадан ҳаётларини барбод қилмасин деган мақсадда уни Андижонга юборган эдик. Бу фитначи ва туз кур қилгурлар элни шу даражага етказган эдиларки, ваъда ва мурасага чорлаш, насиҳат ҳамда таҳдид ҳеч фойда қилмас эди. Тулун Хожанинг кучи Иккисув орасида эди. Иккисув орасини Работак урчини дейдилар. Узун Ҳасан билан Султон Аҳмад Танбал бир қисм ҳужумчи лашкарни Тулун Хожа устига юбордилар. Бориб гафлатда тутиб олиб, келтириб улдирдилар. Узун Ҳасан ва Танбал Жаҳонгирни олиб келиб, Андижонни қамал қилдилар.

Лашкар Самарқандга отланганда Андижонга Али Дуст тағойи ва Ахсига Узун Ҳасан қўйилган эди. Сўнгра Хожа Қози ҳам келиб эди. Самарқанддан борган лашкар кишиларидан ҳам анча йигитлар бор эди. Хожа Қози уша қалъа мудофаасида менинг тарафдорларим учун ўн саккиз минг қўйни қўргондаги йигитларга ва биз билан Самарқандда бўлган йигитларнинг хонадонларига улашди. Қамал давомида менинг оналарим ва Хожа Қозидан муттасил „Агар келиб фарёдимизга етмасангиз иш чатоқ бўлади. Бизни бундай қамал қилмоқдалар“ мазмунида хатлар келиб турди. Самарқанд Андижон кучи билан олинган эди. Агар Андижон қўлда бўлса, Худо хоҳласа, Самарқандни яна қўлга олса бўлади. Устма-уст шу мазмунда мактублар келди.

Уша пайтда бир маротаба саломатлигим ёмонлашиб, тузалган эдим. Тузалиш парҳезига яхши амал қилмаганим учун, узулиқтим. Бу навбат қаттиқ огридим. Шунчаликки, тўрт кунгача тилим тутилди, огзимга пахта билан сув томизар эдилар. Менинг билан қолган бек ва кичик беклар ҳамда йигит-яланг менинг соғаймогимдан умид узиб, ҳар ким ўз

иши билан машгул бўлди. Шундай бир вазиятда беклар хато қилиб, Узун Ҳасандан қатъий талаблар билан элчиликка келган навкарга мени кўрсатиб, кетишга рухсат бердилар. Тўрт-беш кундан сўнг аҳволим бир оз яхши бўлди. Бироқ тилимда тутилиш бор эди. Бир неча кундан сўнг ўз ҳолимга келдим.

Оналарим — онам ва онаминг онаси Эсон Давлатбегим, яна устод ва пирим Хожа Мавлонойи Қози бу мазмунда хатлар ёзиб, бундай талаб қўйиб туришганда киши қайси кўнгил билан бу ерда тура оларди?

Ражаб ойи, шанба куни Андижонга отланиб Самарқанддан чиқдик. Бу навбат Самарқанд шаҳрида юз кун подшоҳлик қилдим. Кейинги шанбада Хужандга етдим. Уша куни Андижондан бир киши, биз Самарқанддан чиққан шанба кунда — етти кун бурун, Али Дуст тағойи Андижон қалъасини муҳолифларга берди, деган хабарни келтирди. Тафсилотлари буки, менинг касаллигимда мени кўрсатиб беклар рухсат берган Узун Ҳасан навкари қайтиб бориб, Андижон қўргонини қамал қилган муҳолифларга подшоҳ тилдан қолган, огзига пахта билан сув томизаяптилар, дебди. Айни шундай сўзларни у Али Дуст тағойи қошида ҳам онт ичиб айтипти. Жакан дарвозасида турган Али Дуст тағойи бу сўздан бесаранжом бўлиб, муҳолифларни ичкарига қўйиб, аҳд ва шарт қилиб, қалъани берган. Захирадан ва урушадиган кишидан қўргонда ҳеч камлик йўқ эди. Бу шунчаки ўша мунофиқ, туз кўр қилгур кишининг номардлиги эди. У юқоридаги баҳоналарни ўзига асосли важ деб билди. Улар Андижонни олгандан сўнг менинг Хужандга келганимни эшитиб, Хожа Мавлонойи Қозини арк дарвозасида ҳурматсизларча осиб, шаҳид қилдилар.

Хожа Мавлонойи Қозининг исми Абдуллодир. Бу ном билан машҳур бўлган эди. Ота тарафидан насаби Шайх Бурҳониддин Қиличга туташади. Она тарафидан Султон Илиқ Мозийга боғланади. Фарғона вилоятида бу табақа элбоши ва шайх ул-ислом ҳамда қози бўлиб келгандирлар. Хожа Мавлонойи Қози ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг муриди эди. Улардан тарбият топганди. Хожа



Қозининг валийлигига менинг ҳеч шакшубҳам йўқдир. Валийликнинг бундан ҳам яхшироқ далили бўладими: уларга қасд қилганлардан оз фурсатда ном ва нишон қолмади. Хожа Мавлоноий Қози ажойиб киши эди. Унда асло қўрқув деган нарса йўқ эди. Ундайин юракли киши топилмайди. Бу сифат ҳам валийлик далилидир. Оддий киши ҳар қанча баҳодир бўлса-да, бир оз дағдагаси ва қўрқуви бўлади. Хожада асло дағдаға ва қўрқув йўқ эди. Хожа воқеасидан сўнг Хожага мансуб кишилар: навкар, хизматкор, қариндош ва аҳли оилаларини бутунлай туттириб талатдилар. Менинг катта онамни ва ўз онамни, баъзи менинг билан бўлганларни кўчлари билан Хужандга — менинг қошимга юбордилар.

Андижонни деб Самарқандни қўлдан бердик. Андижон ҳам қўлдан чиққан эди. Биз худди „Гофил у ердан қувилган ва бу ердан айрилган“, деганларидек бўлдик. Кўп мушкул ва машаққатда қолдик. Чунки подшоҳ булганимдан бери бундай навкар ва вилоятдан айрилмаган эдим, ўзимни таниганимдан буён бу йўсунда азоб ва машаққатни кўрганимни эслолмайман.

Хужандга келгач, баъзи мунофиқтабиат кишилар Халифанинг менинг қошимда бўлишини кўра олмадилар. Муҳаммад Хусайн мирзони ва баъзи бошқа кишиларни ҳам шунга кўндирдилар. Халифага Тошканд сари рухсат берилди. Қосимбекни Тошкандга хон қошига юбориб, Андижон устига юриши илтимос қилинди. Хон ҳам лашкар тортиб Оҳангарон тоғ этаги билан келиб, Кандирлик довонининг тубига тушганда мен Хужанддан бориб, хон тоғамни кўрдим. Кандирлик довонини ошиб Ахси тарафига тушилди.

У тарафдан муҳолифлар ҳам бор лашкарини йиғиб, Ахсига келдилар. Бу фурсатда Поп қўргонини мен учун беркитдилар. Хоннинг бир оз суст юришидан фойдаланиб, муҳолифлар Поп қўргонини эгаллаб олдилар. Гарчи хоннинг ахлоқ-атвори яхши эса-да, бироқ сипоҳийлик ва сардорликдан анча бебаҳра эди. Ахир, аҳвол шундай эдики, агар яна бир ҳамла қилинса, урушмаёқ вилоят қўлга олинадди. Ана шундай бир пайтда

муҳолифларнинг фирибомуз сўзларини қулоққа олиб, сулҳ ҳақидаги чўпчагини орага солиб, Хожа Абулмакорим билан Танбал огаси Бек Телбани (у пайтда хоннинг эшикоғаси эди) элчиликка юбордилар. У жамоа ўзларини қутқариш учун бир неча чин ва ёлгон сўзларни айтиб, хонга ё орадагиларга поралар бердилар. Хон бунга қаноат қилиб қайтиб кетди.

Мен билан қолган беклар, ичкилар ва йигитлар аксариятининг кўчлари Андижонда эди. Андижонни олишдан ноумид бўлганларидан сўнг, бек ва кичик беклардан ҳамда йигит-ялангдан етти-саккиз юз киши мендан айрилдилар. Айрилганлар: беклардан Али Дарвишбек, Али Мазид қавчин, Муҳаммад Боқирбек, Шайх Абдулло эшикога, Мирим Лоғарий. Менинг билан қолганлар: гариблик билан машаққатни танлаганлар, яхши-ёмон, тахминан, икки юздан кўпроқ, уч юздан озроқ эди. Беклардан Қосим қавчин бек, Вайс Лоғарий бек, Иброҳим соруий минглигбек, Ширим тағойи, Сайди Қаробек; ичкилардан Миршоҳ қавчин, Сайид Қосим эшикога жалоийр, Қосим ажаб, Муҳаммад Дуст, Али Дуст тағойи, Муҳаммад Али Мубашшир, Худойберди туғчи мўғул, Ёрак тағойи, Султонқули Бобоқули, Пир Вайс, Шайх Вайс, Ёрали Билол, Қосим мирохўр, Ҳайдар рикобдор. Менга кўп огир келди, беихтиёр узоқ йигладим.

У ердан Хужандга келдим. Менинг онамни ва катта онамни ва баъзи мен билан қолганларни кўчлари билан Хужандга, менинг қошимга юбордилар. Рамазонни Хужандда ўтказдик. Султон Маҳмудхонга киши юбориб кўмак тилаб, Самарқанд устига отланилди. Угли Султон Муҳаммад Хоника ва Аҳмадбекка тўрт-беш минг лашкар билан Самарқанд устига юришни буюриб, хон ҳам отланиб, Уратепагача келди. У ерда хон билан кўришиб, Самарқанд устига Ёрйлоқ йўли билан жўнадим. Султон Муҳаммад ва Аҳмадбек бошқа йўл билан илгарироқ Ёрйлоққа келган экан. Мен Бурка яйлови орқали Ёрйлоқнинг доругаси турадиган Санзор қўргонига келдим. Султон Муҳаммад Хоника ва Аҳмадбек Шайбонийхоннинг келиб, Шероз ва унинг атрофларини талаганини эшитиб, орқага қайтибдилар. Зарурат бўлди, мен ҳам қайтиб Хужандга келдим.

Салтанат дағдағаси ва юрт олиш орзуси бор экан, бир марта, икки марта иш юришмагани билан қараб ўтириб бўлмайдди. Андижонга юриш хаёли билан кўмак тилагани Тошкандга хон қошига бордим. Шоҳбегимни ва қариндош-уруғларни ҳам етти-саккиз йилдан бери кўрмагандим. Шу баҳона билан уларни ҳам кўрдим. Бир неча кундан сўнг Саййид Муҳаммад мирзо дуглат, Айюб Бекчик ва Жон Ҳасан боринни етти-саккиз юзча лашкар билан кўмакка бердилар. Бу кўмакни олгач, Хужандда тўхтаб турмай, тез юриб Кандибодомни сўл томонда қолдириб, кечаси билан шоту қўйиб, Хужанддан ун йигоч, Кандибодомдан уч йигоч масофадаги Насух қўргонини, ичкаридагиларни гафлатда қолдириб, эгалладик.

Қовун пишиги эди. Насухда бир нав қовун бўладик, „Исмоил шайхий“ дейдилар, пўчоғи сариқ, сағри терисимон, юмшоқ қовун бўлади, таъми олманикига ўхшайди, гўшти тўрт энлик, ажаб лазиз қовундир. Бундай қовун у томонда бошқа жойда бўлмайдди.

Эртаси мўғул беклари: „Одамимиз оз, бу бир қўргонни олган билан не муддао ҳосил бўлмай?“ деб арз қилдилар. Дарвоқе, шундай эди. У ерда туриш ё қўргонни сақлаш масаласида бир қарорга кела олмай, қайтиб, Хужандга келдик.

Ушбу йили Хисравшоҳ Бойсунқур мирзо билан лашкар тортиб, макр ва фириб билан Чағониённи олди. Султон Масъуд мирзога: „Келинг, Самарқанд устига юрайлик, Самарқанд муяссар бўлса, бир мирзо Самарқандда ўтиргай, яна бир мирзо Ҳисорда“, деб элчи юборди.

Султон Масъуд мирзонинг бек, ички ва йигит-яланглари ундан ранжиган эдилар. Сабаби — Шайх Абдулло барлос мирзога қайинота бўлгани учун Бойсунқур мирзо қошидан Султон Масъуд мирзо қошига бориб жуда улугъ эътибор топди. Ҳисор вилояти камдаромад ва кичикроқ вилоят бўлса-да, унинг тегишини минг туман танга (ун миллион танга) қилиб, Хатлон вилоятини қўшқўллаб топширди. Хатлон вилоятида Султон Масъуд мирзонинг бир қанча беклари ва ичкиларининг ерлари бор эди. Ҳаммасига эга бўлди. Шайх Абдулло ўзи ва ўғлонлари асосий ҳамда айрим эшик

ихтиёрлигини олдилар. Ранжиганлар қочиб-қочиб Бойсунқур мирзо қошига кела бошладилар.

Хисравшоҳ ва Бойсунқур мирзо фирибомуз сўзлар билан Султон Масъуд мирзони гофил қилиб, Чағониёндан жадал отланиб, ногора вақтида Ҳисор қўргонини қамал қилиб олдилар. Султон Масъуд мирзо қўргондан ташқари маҳалларда — отаси солган Давлатсаро номли иморатда эди. Қўргонга кира олмай, қочиб, Шайх Абдулло барлос билан Хатлон сари жунади. Орада Шайх Абдулло барлосдан айрилиб, Убож кечиги билан ўтиб, Султон Ҳусайн мирзо ҳузурига борди. Хисравшоҳ Ҳисор вилоятини олгач, Бойсунқур мирзони Ҳисорда ўтқазиб, Хатлонни Валига берди. Бир неча кундан сўнг Балхни қамал қилиш умиди билан отланди. Ўзидан илгарироқ Назар Баҳодир номли улугъ навкарини уч-тўрт минг киши билан Балх атрофларига юборди. Уч-тўрт кундан сўнг Бойсунқур мирзони олиб келиб, Балхни қамал қилди.

Балхда Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Иброҳим Ҳусайн мирзо ҳоким эди. Яна Султон Ҳусайннинг бекларидан ҳам хийла киши бор эди. Иниси Валига катта қўшин қўшиб, Шабургонни қамал қилиб, теварак-атрофини талон-торож қилиш учун юборди. Вали бориб Шабургонни яқинидан ҳам қамал қила олмади. Бор лашкарини Зардак чўлидаги эл ва халқни талон-торож қилишга юборди. Бориб Зардак чўлини талаб, юз мингдан ортиқроқ қўй ва уч мингга яқин туя олиб келдилар. Вали ундан сўнг Сончорик вилоятига ҳужум қилиб, тоғда беркинган баъзи элларни олиб келиб, Балхда акасига қўшилди.

Хисравшоҳ Балхни қамал қилган фурсатда бир куни мана шу Назар Баҳодир исмли навкарини Балхнинг ариқларини бузгани юборди. Ичкаридан Султон Ҳусайн мирзонинг эътиборли беги Тенгриберди сомончи етмиш-саксон йигит билан чиқиб, Назар Баҳодир билан юзмаюз бўлиб, йиқитиб, бошини кесиб олиб, қалъага кирди. Кўп мардоналик кўрсатиб, зўр иш қилди.

Зуннун аргун ва ўғли Шоҳ Шужоъ Бадиуззамон мирзога навкар бўлиб, қиз бериб, фитна ва бузуқчиликка берилди-

ларки, шу йили Ҳусайн мирзо уларни даф этиш учун лашкар тортиб Бустга келиб тушди. Лашкарига ҳеч тарафдан егулик келмади, очликдан ночор аҳволга тушганларида Буст доругаси Бустнинг қургонини берди. Буст захирасининг мадади билан Хуросонга қайтиб кетди. Султон Ҳусайн мирзодек улуг подшоҳ мунча асбоб ва дабдаба билан бир неча марта Қундуз, Ҳисор ва Қандаҳор устига лашкар тортиб, ола олмай қайтиб кетгани учун уғлонлари ва беклари ботирланиб кетиб, ёвлашдилар ва фитналар қилдилар. Ёзга чиқиб, Астрободни эгаллаш мақсадида ёмонлик қила бошлаган угли Муҳаммад Ҳусайн мирзонинг ниятларини бартараф этиш учун Муҳаммад Валибек бошлиқ бекларни куп лашкар билан Астрободга ҳужумга жунатиб, узи Нишин сайхонлигида утириб эдики, Бадиуззамон мирзо ва Зуннуннинг угли Шоҳбек кутилмаганда Султон Ҳусайн мирзонинг устига лашкар тортиб келдилар. Бахтли тасодифга кура, Ҳисорни олдириб қўйиб, Султон Ҳусайн мирзо ҳузурига отланган Султон Масъуд мирзо ушбу кун етиб келди; Астрободга кетган лашкар ҳам келиб, шу куни Султон Ҳусайн мирзога қўшилди. Икки лашкар рупара бўлган заҳотиёқ уруша олмади ҳам. Бадиуззамон мирзо билан Шоҳбек қочди.

Султон Ҳусайн мирзо Султон Масъуд мирзони яхши кўриб, куёвликка қуллуқ қилдириб, иноят ва шафқатлар курсатди. Бундан илгарироқ Султон Ҳусайн мирзо хизматида бўлган Хисравшоҳнинг иниси Боқи Чағониёний бир

хусумат билан Хуросонда турмай, бир баҳона топиб, Султон Ҳусайн мирзодан рухсатсиз Хисравшоҳга томон жўнади. Хисравшоҳ Ҳисордан Бойсунқур мирзони сўраб келтирди. Ушбу фурсатда Улугбек мирзонинг угли Мироншоҳ мирзо отаси билан ёвлашиб, Ҳазора қалъасига кириб, Ҳазорада ҳам муросасизлик қилиб, тура олмай, у ҳам Хисравшоҳ қошига келган эди.

Баъзи қисқа ўйлайдиганлар учала подшоҳзодани ҳам ўлдириб, Хисравшоҳ отига хутба ўқитишга тайёр эдилар. Хисравшоҳ бу ишни маслаҳат кўрмай, Султон Масъуд мирзони кичиклигидан бери асраб улғайтирган, унга бек оталик қилган бўлса ҳам, на унга ва на бошқага вафо қиладиган, бу беш кунлик дунёни деб, бу кўрнамак уни тутиб кўзларига наштар санчиб, кўр қилди.

Бир неча кўкалдош ва содиқ кишилари Султон Масъуд мирзони Самарқандга, Султон Али мирзо қошига элтиш фикри билан Кешга келдилар. У жамоа ҳам қасд пайида бўлди. Кешдан қочиб, Чоржўй кечиги билан утиб Султон Ҳусайн мирзо қошига борди.

Кимки бундай ёмон йўлга қадам қўйса ва бундай ишга майл қилса, қиёматгача юз минг лаънатлар бўлсин. Ҳар ким Хисравшоҳнинг қилгилгини эшитса, лаънатлар айтсин! Бу воқеани эшитиб лаънатламаган киши ҳам лаънатга сазовор бўлсин. Бу хунук ҳаракатдан сўнг Хисравшоҳ Бойсунқур мирзони подшоҳ қилиб, Ҳисорга жўнатди. Мироншоҳ мирзога Саййид Комилни кўмак қўшиб, Бомиён сари юборди.

## ТУҶҚИЗ ЮЗ ТЎРТИНЧИ (1498-1499) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Самарқанд ва Андижонга такроран юриш қилиб, ҳеч иш чиқаролмай, яна қайтиб Хўжандга келдик.

Хўжанд кичикроқ бир ердир. Юз-икки юз навкарлик кишининг тирикчилиги ташвиш билан ўтади. Юксак орзули киши қараб утирмайди. Самарқандни эгалламоқ умиди билан Ўратепадаги Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дуглатга кишилар юбориб, сўзлашиб, бу вақтлари унга тегишли бўлган ҳазрат Хожанинг мулк ерларидан Ёрйалоқ қишлоқларидан Пашоғарни, бу қиш бизга вақтинча

бериб турсин, деб сўрадик. Муддаомиз у ерда утириб, Самарқанд вилоятини қўлга киритиш учун қўлдан келганча уриниш эди. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ҳам рози бўлди.

Хўжанддан отланиб Пашоғарга жўнаб кетдим. Зоминга етган фурсатда иситма бошланди. Иситмага қарамай, Зоминдан отланиб тоғ йўли билан утиб, Работи Хожа қургонининг устига келдим. Эл гафлатдалигида Шовдор туманининг доругаси утирадиган Работи Хожа қургонига шоти қўйиб олмоқчи бўлдик. Саҳар

пайти етдик. Эли хабардор бўлди. Яна қайтиб, ҳеч ерда тўхтамай Пашоғарга келдик. Иситма тутганига қарамай ун учун тўрт йигоч йўлни азоб ва машаққат билан босиб ўтдим. Бир неча кундан сўнг Иброҳим соруни, Вайс Логарийни ва Ширим тағойини хос беклар ва йигитлар билан бориб, Ёрйлоқ қўргонларини сўз ё куч билан қўлга олиш учун ҳужумчи қисм этиб тайинладик.

Бу фурсатда Ёрйлоқ Саййид Юсуфбекда эди. Мен Самарқанддан чиққанда қолган эди, уни Султон Али мирзо ҳам қадрларди. Саййид Юсуфбек иниси ва углини Ёрйлоқ қўргонларининг ҳимоя ва таъмирига юборган эди. Аҳмад Юсуф (бу воқеа ёзилаётган пайтда Сиёлкут ҳукумати унда эди) ўша ёқда, ўша қўргонларда эди. Бизнинг беклар ва йигитларимиз ҳам бориб бутун қиш бўйи баъзи қўргонни сулҳ билан қўлга киритдилар, баъзисини урушиб куч билан олдилар, айримларини айёрлик ва галамислик билан уғиринча эгаллаб олдилар. У вилоятларда мўғул ва ўзбаклар (шайбонийлар юриши) сабабли, қўргони бўлмаган бирор қишлоқ йўқ эди. Ушбу фурсатларда биз туфайли Саййид Юсуфбек иниси ва углидан бадгумон бўлиб, уларни Хуросонга жўнатди. Бу қиш шундай талош ва тортишиш билан ўтди. Ёз келиб сулҳ учун Хожа Яҳени юбордилар, ўзлари ҳам лашкар пайида Шероз ва Кобуд атрофларига келдилар.

Бизнинг бор лашкаримиз икки юздан кўпроқ, уч юздан озроқ эди. Ҳар тарафда кучли ганимлар Андижон томонда эдилар, толе ҳеч мадад қилмади. Самарқандга уриниб, ҳеч иш юришмади. Заруратдан сулҳ тузганга ўхшаб келишиб, Пашоғардан орқага қайтилди.

Хўжанд кичкина бир ердир. Бир бекнинг тирикчилиги унда ташвиш билан ўтади. Бир ярим-икки йилга яқин кишиларимиз ва оила аъзоларимиз билан шу ерда эдик. У мусулмонлар ҳам бу муддатда имкони борича харж тортиб ва хизмат қилдилар, ҳеч камчиликка йўл қўймадилар. Яна қайси юз билан Хўжандга борамиз? Хўжандга бориб ҳам киши нима қилади?

*Бормоққа не маскане муяссар,  
Турмоққа не маъмане\* муқаррар.*

Охири ушбу тараддуд ва паришонлик билан Уратепанинг жануб тарафидаги яйловларга бордик. Бир неча кунни у томонларда, уз аҳволимизга ўзимиз ҳайрон, кетар-тураримизни билмай, саргардон ўтказдик.

Бир куни шу ерда эканимизда, биздек ватандан айрилиб, саргардон юрган Хожа Абулмакорим мени кўргани келди. Кетар-турар еримиздан, қилар-қилмас ишимиздан сўроқлаб ва суриштириб, қаттиқ таъсирланиб, бизнинг ҳолимизга ачиниб, фотиҳа ўқиб кетди. Менга ҳам жуда қаттиқ таъсир қилди, сиқилдим.

Шу куни намози аср пайти даранинг пастида бир отлиқ пайдо бўлди. Бу Али Дўст тағойининг Йўлчуқ исмли навкари экан. Уни Али Дўст тағойи мандан азим гуноҳлар ўтган бўлса ҳам, умид қиламанки, марҳамат қилиб гуноҳимдан кечиб, биз томон йўлга тушсалар, Марғинонни топшириб, бир нав қуллик ва хизматлар қилгаймен, токи гуноҳим ариб, хижолатим бартараф бўлсин, деган маънода юборибди.

Бундай ҳайронлик ва саргардонликда бу хабар келиши билан ҳеч андиша қилмай, уйлаб ўтирмай, ўша замоноқ — қуёш ботаётган пайтда Марғинонни олиш ниятида йўлга тушдим. Бу ер билан Марғинон ораси тахминан йигирма тўрт-йигирма беш йигоч масофа эди. Ўша кеча тонг отгунча ва эртаси куни пешин намози вақтигача ҳеч ерда дам олмай юрилди. Пешин намози вақтида Хўжанднинг Тангоб деган қишлоғига тушилди. От совутиб, отга ем бериб, тун ярми — ногора вақтида Тангобдан отланилди. Ўша кеча тонг отгунча ва эртаси офтоб ботгунча ва янаги кечаси тонгдан эртароқ Марғинонга бир йигоч қолганда Вайсбек ва баъзилар тараддудга тушиб: „Али Дўст қанча ёмонликлар қилган киши бўлса, бу орада бир-икки навбат элчи бориб-келмай, келишув ва аҳду шарт бўлмай, нимага ишониб бораяпмиз“, деб арз қилдилар. Дарвоқе, бундай ташвишлар

\* Маъман — яшаш жойи.

нинг асоси бор эди. Бироз тўхтаб, кенгашиб олдик. Охири шундай қарорга келиндики, гарчи бу тараддудлар ўринли бўлса-да, буни илгарироқ ўйлаш керак эди. Уч кеча-кундуз тинмай, дам олмай йигирма тўрт-йигирма беп йигоч йўлни босиб келдик: на отда мадор қолган ва на одамларда. Бу ердан энди қандай орқага қайтамиз, қайтиб ҳам қайси томонга борамиз? Бу ергача келдикми, бормоқ керак! Ҳеч нима Худонинг истагидан ўзга бўлмас.

Сўзни бир жойга қўйиб, таваккал қилиб жўнадик. Бомдод намози вақтида Марғинон қўргонининг эшигига келдим. Али Дўст тағойи дарвозанинг орқасида туриб, дарвозани очмай, аҳд илтимос қилди. Аҳд ва шарт қилингандан сўнг дарвозани очиб, икки дарвоза табақаси орасида мулозамат қилди. Али Дўст билан кўришганимиздан сўнг қўргон ичидаги бир муносиб ҳовлига тушилди. Менинг билан бўлган катта-кичик икки юз қирқ киши эди. Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал вилоят халқига кўп зулм ўтказиб, ёмонликлар қилгандилар. Вилоят элининг ҳаммаси мени талаб қиларди. Марғинонга кирганимиздан икки-уч кун ўтгач, Қосимбекка Пашоғардан, янги навкар бўлганлар ва Али Дўст бекнинг навкарларидан юздан кўпроқ кишини қўшиб, Андижоннинг жануб тарафидаги тоғ элларига — Ашпориён, Туруқшорон ва Чакрак каби туманларга биз томонга мойил қилиш ёки зўрлик билан ўша элларни итоатга келтириш учун юборилди. Иброҳим сору, Вайс Логарий ва Сайди Қарони юзга яқин киши билан Аҳси томонга, Хўжанд сувини кечиб, у томондаги қўргонлар ва тоғ элларини ҳар нима қилиб бўлса ҳам бизга бўйсундириш учун жўнатилди.

Бир неча кундан сўнг Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал Жаҳонгир мирзони олиб, мавжуд аскар ва мўғулни тўплаб, Андижон ва Аҳсининг лашкарга қўшиладиган кишиларини сафга қўшиб, Марғинонни қамал қилмоқ умиди билан шаҳардан бир шаръий нари — шарқ томондаги Санон номли қишлоққа келиб тушдилар. Бир-икки кундан сўнг саф тортиб, яроғлашиб Марғинон маҳаллаларига келдилар.

Қосимбек, Иброҳим сору ва Вайс Логарий сингари сардорлар икки тарафга юришга жўнатилган, менинг билан саноқли кишилар қолган бўлсалар-да, бор йигитлар саф тортиб чиқдилар. Душманни маҳаллалардан илгари келгани қўймадилар. Ўша куни дасторпеч танқўриқчи Халил майдонда яхши жанг қилиб, роса ўзини кўрсатди. Фанимлар ҳеч иш қила олмадилар. Қайта иккинчи маротаба қўргон яқинига келмадилар. Қосимбек Андижоннинг жанубий тоғларига бориб эди: Ашпориён ва Туруқшорон, Чакрак ва у тарафлардаги тоғ-туздаги элу элатлар бутунлай бизга келиб қўшилди. Фаним лашкаридан ҳам бир-иккиталаб бизга қочиб кела бошладилар. Аҳси тарафига Сирдарёдан ўтиб борган Иброҳим сору ва Вайс Логарий қўлига Поп қўргони ва яна бир-икки қўргон кирди.

Узун Ҳасан ва Султон Аҳмад Танбал золим, бузгунчи ва кофиртабиат кишилар эдилар: халқ ва вилоят элатлари булардан жуда озор чеккан эдилар. Аҳси улугларидан Ҳасан декча ўз жамоати билан ва яна Аҳсининг бир тўда жангари, чапанилари келишиб, қоратаёқ қилиб, Аҳсининг тошқўргонидагиларни кучли зарбалар билан аркка тиқиб, Иброҳим сору, Вайс Логарий ва Сайди Қаро бошлиқларни талаб қилиб, Аҳсининг тошқўргонига киритдилар. Ўша пайтлари Шайбонийхондан қочиб хон қошига келган Банда Али, Ҳайдар кўкалдош ва Ҳожи Ғози манғитни туман беклари билан Султон Маҳмудхон бизга кўмакка юборган эди. Ушбу маҳалда келдилар. Бу хабар Узун Ҳасанга етгач, типирчилаб қолиб, ишончли навкарлари ва сара йигитларини Аҳсининг аркига мадад учун юборди. Улар саҳар вақти дарё ёқасига келиб етдилар.

Бизнинг лашкаримиз ва мўғул лашкари хабар топиб, бир қисм кишиларни отларини яланғочлаб, сувдан ўтказдилар. Ёрдамга келганлар шошганидан кемани юқорига тортмай, кечган еридан оқ қўйиб юбордилар. Қўргонга ўта олмай, қўйи тушдилар. Бизнинг лашкаримиз ва мўғул лашкари кеманинг атрофига от яланғочлаб кира бошлади. Кемадагилар ҳеч уруша олмадилар. Қорлуғоч бахши Мўғул-

бек углонларидан бирини чақириб, қулидан тутиб чопиб ўлдирди. Бунинг нима фойдаси бор эди? Гишт қолипидан кўчган эди. Аксар кемадагиларнинг ўлиб кетишларига шу ҳаракат сабаб бўлди. Бир зумда дарёдагиларни ўраб олиб, барини қирдилар.

Қорлугоч бахши, Халил девона, Қози Фулом Узун Ҳасаннинг муътабар кишиларидан эдилар. Булардан бири Қози Фуломгина қуллуқ баҳонаси билан халос бўлди. Яна муътабар йигитларидан ҳозир менинг қошимда эътиборда бўлган Саййид Али эди. Яна етмиш-саксон сара йигитдан Ҳайдарқули, яна Қулика Кошғарий сингари ушбу беш-олтита саноқли киши халос бўлди. Бу хабарларни эшитиб, ганимлар Маргинон атрофида тура олмай Андижон сари пароканда йўсинда қочдилар. Андижонга Узун Ҳасаннинг куёви Носирбекни қўйган эдилар. Агар уни иккинчи Узун Ҳасан деб бўлмаса-да, учинчиси деса буларди. Тажрибали киши эди, мардоналиги ҳам бор эди. Бу воқеаларни билиб, уларнинг ишончсизликларини сезгач, Андижон қўргонини беркитиб менга одам юборди. Булар Андижонга етганда қўргон беркилганини билиб, ўзаро келишолмай, Узун Ҳасан кўчига — Ахси сари жўнадилар.

Султон Аҳмад Танбал уз вилоятига — Ўшга кетди. Жаҳонгир мирзони бир неча хос навқарлари ва йигитлари Узун Ҳасандан олиб қочиб, ҳануз Ўшга етмаган Танбалга бориб қўшилдилар. Андижоннинг беркитилгани хабари менга келди. Ҳаялламай, Маргинондан кунчиқарда отланиб, туш қайтганда Андижонга келдим. Носирбек ва углонлари — Дўстбек ва Миримбекни кўриб, сўрашиб, июнат ва шафқат кўрсатиб, хурсанд қилдим.

Ота вилоятим икки йилга яқинлашган эдики, қулдан чиққанди, Тангри июнати билан зулқаъда ойида ҳижрий 904 (1499) йили яна менга муяссар бўлиб эгалланди. Жаҳонгир мирзо билан қўшилиб олган Султон Аҳмад Танбал Ўш сари бориб эди. Ўшга киргач, Ўшда халқ қизилоёқ-қоратаёқ қилиб, уларга зарба бериб ура-ура Ўшдан қувиб, қўргонни биз учун сақлаб, бизга киши юбордилар. Жаҳон-

гир ва Танбал саноқли кишилари билан саросимага тушиб Ўзгандга кирдилар.

Узун Ҳасан Андижонга кира олмай, Ахси тарафга кетган эди. Бориб Ахсининг аркига кирди, деган хабар келди. Ишбоши ва фитнабоши шу бўлгани учун, бу хабар келгач, Андижонда тўрт-беш кундан ортиқ турмай, Ахсига томон отландик. Биз Ахсига етгач, чорасини тополмай, аҳд ва омонлик тилаб, қўргонни топширди. Бир неча кун Ахсида туриб, Ахси, Косон ва ул юртнинг иш кучини йўлга солиб, саранжомлаб, ҳужумчи қисм мўгул бекларига рухсат бериб, Узун Ҳасанни кўчи ва тегишли кишилари билан олиб Андижонга келинди. Қосим Ажаб хос навқарлар гуруҳидан эди, ҳузуримда беклик мартабасига етган эди, Ахсида уни омонат доруга қилиб қолдирилди. Узун Ҳасан билан аҳдлашув борлиги туфайли, жон ва молига зарар, нуқсон етказмай, Қоратегин йўли билан Ҳисор сари кетишга ижозат берилди. У бир неча саноқли кишилари билангина Ҳисорга кетди. Ўзга барча навқарлариндан айрилиб қолдилар.

Бу таҳликали пайтларда бизга тааллуқли элни ва Хожа Қози ҳамда уларга яқинларни тутган, талаган шулар эди. Баъзи беклар билан иттифоқ тузиб, шундай қарорга келдикки, мунча ярамаслик ва бузгунчиликлар қилган, мунча бизга тааллуқли мўмин-мусулмонни тутган, талаган бу жамоат эди. Ўзларининг бекларига не вафо қилдиларки, бизга вафо қилсалар! Буларни тутиб талатсак, нима айби бор? Хусусан, бизнинг кўз ўнгимизда отимизни миниб, тўнимизни кийиб, бизнинг қўйимизни еб юрсалар, бунга ким чидайди?! Агар шафқат қилиб, туттирилмаса ё талатилмаса, биз билан ҳарбий сафарларда ва машаққатларда бўлган жамоатнинг ҳозир таниган молларига фармон бўлсаки, қайтариб олсалар. Шу билангина қутулсалар ҳам миннатдор бўлишлари керак. Бу мулоҳаза тезда маъқул кўринди. Бизникилар ўзлари таниган нарсаларини қайтариб олсинлар, деган фармон бўлди. Бу иш маъқул ва ўринли бўлса-да, бир оз шошилишга йўл қўйилган экан.

Жаҳонгир мирзодек ганим ёнгина-мизда ўтирганда, элни бундай чучитмоқнинг ҳеч маъноси йўқ эди. Мамлакат олиш ва юрт бошқаришда, гарчи баъзи ишлар юзаки қараганда маъқул ва асосли кўринса-да, аммо ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир мулоҳазасиз ҳукм юритганимиз оқибатида қанчадан-қанча гавго ва фалокатлар юз берди. Охири Андижондан иккинчи марта чиқишимизга сабаб ҳам ушбу чуқур ўйланмаган ҳукмимиз бўлди. Шу боисдан мўгуллар қўрқув ва ваҳимага берилиб, Работак мавзесидан (бу жойни Икки сув ораси ҳам дейдилар) Ўзганд тарафига кўчиб, Танбалга одам юбордилар. Менинг онам қошида минг беш юз-икки мингга яқин мўгул улусидан бор эди. Ҳисордан Ҳамза Султон ва Маҳдий Султон, Муҳаммад дуглат билан яна шунча мўгул келган эди. Ҳамиша ёмонлик ва бузуқчилик мўгул улусидан содир бўлиб келгандир. Ҳозиргача беш марта мен билан ёвлашдилар. Менга муносабатсизликдан ёвлашганлари йўқ. Бундай ҳаракатларни улар ўз хонларига нисбатан ҳам такрор-такрор қилдилар. Мен Худойберди буқоқни мўгуллар орасидан алоҳида қадрлаб танлаган эдим. У вафот этиб, мўгуллар орасида яшаётган ўгли Султонқули чиноқ бу хабарни келтирди. Ўз эл ва улусидан айрилиб бу хабарни етказгани яхши иш бўлди. Гарчи бу воқеада яхшилик қилган бўлса, лекин сўнгра шундай ишлар қилдики, оқибатда юз бор қилган бундай хизматлари ҳам йўққа чиқади. Ҳали бу ҳақда ёзилади. Кейинги қабоҳатлари ҳам мўгулликнинг оқибати эди.

Бизга хабар келгач, бекларни йигиб кенгаш ўтказдик. Беклар арз қилдиларки, бу кичик бир иш, бунга подшоҳнинг отланмоғига эҳтиёж борми? Қосимбек барча беклар ва лашкарни бошлаб борсин, дейишди улар. Шунга келишдик. Улар осон йўл тутдилар ва тадбир хато бўлган экан. Бу куни Қосимбек бекларини ва лашкарни бошлаб чиқди. Улар етиб борганча Танбалнинг ўзи келиб, мўгулларга қўшилган экан.

Тонгласи эрта билан Иламиш дарёсининг Ясси кечик номли кечигидан

утишлари биланоқ юзма-юз бўладилар, яхши урушадилар. Қосимбек ўзи Султон Муҳаммад аргун билан рўпара бўлиб, икки-уч навбат қилич солиб, уни бош кўтаргани қўймайди. Охири йигитлар шикаст топадилар. Қосимбек, Али Дўст тағойи, Иброҳим сору, Лоғарий, Сайди Қаро, яна уч-тўрт бек ва ичкилар жангдан саломат чиқдилар. Ўзга аксар беклар ва ичкилар қўлга тушдилар. Асир тушган беклар — ичкилардан Али Дарвешбек, Мирим Лоғарий, Тўқабек Тағойибек, Муҳаммад Дўст, Али Дўст, Миршоҳ қавчин, Мирим девон ҳар бирлари бу урушда икки йигитча қилич чопадилар. Бизнинг томонимиздан Иброҳим сорунинг иниларидан Самад исмли, улар томондан ҳисорлик мўгуллардан Шаҳсувор номли жангчи юзма-юз бўладилар. Шаҳсувор шундай қилич чопадикки, дубулгадан ўтиб, қилич Самаднинг бошига анча ботади. Шундай жароҳатига қарамасдан Самад шундай чопадикки, Шаҳсуворнинг бошидан қўл кафтича суякни қилич олиб кетади. Шаҳсуворнинг дубулгаси йўқ экан. Шаҳсуворнинг бошини ўйдилар, яхши бўлди. Самаднинг бошини уяр киши йўқ эди. Уч-тўрт кундан кейин ўша жароҳат билан қазо қилди. Бу мағлубият саргардонликлардан ва фалокатлардан халос бўлиб эндигина вилоят олган пайтимизда жуда бевақт шикаст эди.

Улуғ бек — рукни аъзамим Қанбар Али мўгул Андижонни олган чоғимда вилоятга кетган эди, йўқ эди. Шунчалик билан Танбал Жаҳонгирни олиб келиб, Андижондан бир шаръий наридаги Айш тепалигининг олдидаги сайхонликка тушди. Бир-икки маротаба Чилдухтаронда ганим лашкари саф тортиб, Айш тепалигининг этагига келди. Бизнинг йигитларимиз маҳалла ва боғлардан дарҳол яроғланиб чиқдилар, душман илгари кела олмади, этакларданоқ нари кетди. Ёв ушбу жойга келганда асир тушган беклардан Мирим Лоғарий ва Тўқани ўлдирди. Бир ойга яқин бу атрофда утириб, ҳеч иш қила олмади. Ўш томонга қараб қайтди. Ўш Иброҳим соруга берилганди. Унинг одамлари ўша ерда эди, Ўшни ёвга қарши беркитдилар.

## ТУҶҚИЗ ЮЗ БЕШИНЧИ (1499-1500) ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

Вилоятдаги отлиқ ва пиёда аскарларга шошилиш хабар етказувчи беклар ва назоратчилар юборилди. Қанбар Алига ва уз вилоятларига кетган аскарларга тура (буй баравар қалқон), кетмон, ойболта ва бошқа ҳарбий қурол-яроқлар ҳамда озиқ-овқат топиб келтириш учун сергайрат топагон кишилар юборилди. Барча вилоятлардан урушга яроқли бўлган отлиғу пиёдаларни тўпладим ва ҳар тарафга кетиб қолган навкару сипоҳийларни чақириб, Тангрига таваккал қилган ҳолда, муҳаррам ойининг ўн саккизинчисида Ҳофизбекнинг чорбоғига қараб юрдим. Бир-икки кун ушбу чорбоғда туриб, қолган аслаҳа ва озиқ-овқатни тайёрлаб ҳамда қўшинни ўнг қанот ва сўл қанотга, марказ ва ҳужумчи қисмга бўлиб, отлиғу пиёдалар билан душманга қарши Ўш томонга юрдик. Ўшга яқин келганимизда муҳолифлар Ўш атрофида тура олмай Ўш шимолидаги Работи Сарҳанг тумани томонга кетгани ҳақида хабар олинди. Шу оқшом Лотканд қишлоғига қўндик.

Эрталаб қўшинни сафга тизиб ва юриш қилиб Ўшдан ўтганда ганимларнинг Андижон томон кетгани ҳақида хабар келди ва биз Ўзганд томонга қараб юрдик. Ўзганд ерларига ҳужум қилиш учун илгарироқ бу томонга чопқунчи айирдик. Андижон томонга кетган муҳолифлар эса тунда хандаққа тушиб шаҳар деворларига шоти қўяётган чоғда шаҳарликлар сезиб қолишган. Ганимлар ҳеч нима қилолмай чекинадилар. Бизникилар ҳам Ўзганд атрофини талаш учун бордилар-у, аммо деярли ҳеч нима қўлга киритолмай қуруқ қайтдилар.

Ўшга қарашли ва ўзининг мустаҳкамлиги билан шуҳрат топган Мозу қўрғонида Танбал икки юз-икки юз элликта одами билан укаси Халилни қолдирган ва у қўрғонни маҳкам беркитиб олган эди. Ўзганддан орқага қайтиб Мозу қўрғонига ҳужум қилдик. Мозу — анча мустаҳкам қўрғондир. Сой оқадиган шимол томондаги девори анча баланд. Масофа шунчаки, агар сой томондан ўқ отсалар деворгача етиб бориши мумкин. Сувни бошқа томонга бурадиган тарнов ўша томонда. Қўрғон деворининг икки ёнидан

тарнов суви оқадиган томонга тор йул ўтган. Тепалик эса хандақ билан уралган. Хандақ сойга яқин бўлгани учун сойнинг қозондек-қозондек катта тошларидан қўрғонга олиб чиқиб тўплаб қўйганлар. Мозу қўрғонидан отилган бундай катта тошлар биз қуршаб олган бирорта қўрғондан ташланмаган эди. Каттабекнинг акаси Абдулқуддус кўҳбур қалъа деворининг этак томонига чиққан эди, девордан унга қарши шундай катта тошни ташладиларки, Абдулқуддус ҳеч нарсага осилмай, хайрият, зарарланмасдан шундай баланд жойдан пастга юмаланиб-юмаланиб тепаликнинг этак қисмига келиб тушди. Ҳеч ери лат емай, шу ондаёқ отга минди-ю, чоптириб кетди. Қўштарнов узанида Ёрали Билолнинг калласига тош билан шундай урдиларки, охири бошини ўйдилар. Куп одам ўшандай тош зарбидан ҳалок бўлди. Эрталаб уруш бошланиб, чошгоҳгача тарнов бўйларини ишғол қилдик, уруш кечқурунгача давом этди. Тарнов атрофи ишғол қилинган, эрталаб душманлар омонлик тилаб қалъадан чиқдилар. Танбалнинг иниси Халилни етмиш-саксон, балки юзта сараланган одами билан асир олиб эҳтиёт билан қўриқлаш учун Андижонга юборилди. Бизнинг ҳам бекларимиз ва яқинларимиздан айримлари, баъзи фидокор кишиларимиз асир тушди. Ушбу жанг яхши натижа билан тугади.

Мозуни эгаллагач, Ўшнинг Ўнжу Туба деган қишлоғида тухтадик. Танбал ҳам Андижондан қайтиб Работи Сарҳанг атрофидаги Обихон деган қишлоққа келиб тўхтади. Бу икки қўшин орасидаги масофа бир йиғоч келар эди. Шу орада Қанбар Али бетоб бўлиб Ўшга жўнаб кетди. Бир ой — қирқ кунча уруш қилмай шу ерда турдик. Лекин бизнинг ва уларнинг таъминотчи аскарлари ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди. Ўша кунлари ўрда ҳамда бутун атроф кечалари ҳушёрлик билан қўриқланди. Хандақлар қазилди, хандақ бўлмаган жойларга эса говлар тутилди. Барча жангчилар қуролланган ҳолда хандақ ёқасига чиқиб ўрнашдилар. Шунча эҳтиёткорликка қарамай, ҳар уч-тўрт кунда кечқурун-



лари ўрдада тўс-тўполон ва қичқириқлар булиб турарди. Бир куни Саййидбек тағойи душманнинг таъминотчиларига қарши ҳужум қилган эди, ганим одамлари голиб келиб, қўққисдан бўлган жангда Саййидбекни асир олдилар.

Шу йили Хисравшоҳ Балхга қарши юриш мақсадида Бойсунқур мирзони Қундузга чақириб олди ва Балхга ҳужум қилди. У Авбож деган жойга етганида бадбахт, ношукур Хисравшоҳ ҳукмронлик орзусида шундай қилди: — Ахир пасткаш, қобилиятсиз, зоти-ю насаби нотайин, нуноқ ва шижоатсиз, ноинсоф ва адолатсиз бу бадбахтга ҳокимият ҳайф эмасми! Бойсунқур мирзони беклари билан тутиб, Бойсунқур мирзо буйнига аргамчи солди, муҳаррам ойининг ўнинчи куни шундай заковатли, серфазилат, шахсий хизматлари ва насаби безаб турган шаҳзодани шаҳид қилди. Унинг беклари ва яқинларидан ҳам бир нечасини ўлдирди.

**Бойсунқур мирзонинг таваллуди ва насаби:** саккиз юз саксон иккинчи йили Ҳисор вилоятида таваллуд топган эди. Султон Маҳмуд мирзонинг иккинчи ўгли, Султон Масъуд мирзодан кичик, Султон Али мирзо, Султон Ҳусайн ва Хон мирзо номи билан машҳур бўлган Султон Вайс мирзодан катта. Онаси Пошобегим эди.

**Ташқи қиёфаси:** кўзлари катта-катта, тўла юзли, ўрта буйли, чеҳраси туркманга ўхшаш малоҳатли йигит эди.

**Ахлоқи ва феъл-атвори:** адолатли ва камтар, хушчақчақ ва фазилатли подшоҳзода эди. Айтишларича, унинг устози шиа мазҳабли Саййид Маҳмуд бўлган. Шу сабабдан Бойсунқур мирзога ҳам таъна қилишган. Сунгралар эшитдимки, у Самарқандда бу ёмон ақида (мазҳаб)дан воз кечган ва эътиқодда покланган. Май ичишга хийла ҳирс қўйган эди. Ичмаган вақтларида эса, намозларини адо этарди. Саховатда ва ҳадялар беришда ўртамиёна эди. Насхтаълиқ хатини жуда яхши ёзарди. Наққошлиқда ҳам қўли ёмон эмас эди. Шеърни ҳам узига хос йўсинда ёзарди. Одилий таҳаллус қилган эди. Шеъри девон тартиб бергунчалик бўлмаган эди. Бу матлаъ униқидир:

*Соявор аз нотавони жо-бажо меуфтам,  
Гар нагирам рӯи деворе зи по меуфтам.*

(Мазмуни:

*Тутмасам деворларни ҳар қадам,  
Соядек ер узра тушгум дам-бадам.)*

Самарқандда Бойсунқур мирзо ғазаллари шунчалик расм бўлганки, мирзонинг шеърлари бўлмаган уй кам топилади.

**Жанглари.** Икки мартаба саф тортиб урушди. Бир мартаба Султон Маҳмудхон билан. Бойсунқур мирзо тахтга янги чиққан пайтда Султон Маҳмудхон Султон Жунайд барлос ва бошқа баъзиларнинг игволари, гижгижлаши билан Самарқандни олиш умидида лашкар тортиб Оқкўталдан ўтиб, Работи Сўғд ва Канбой атрофларига келди. Бойсунқур мирзо Самарқанддан чиқиб, Канбойда урушиб, яхши енгди. Уч-тўрт минг мўгулнинг бошини кесди. Хоннинг ҳақиқий яқини бўлган Ҳайдар кўкалдош шу урушда ўлди.

Яна бир мартаба Бухорода Султон Али мирзо билан урушиб, мағлуб бўлди.

**Вилоятлари.** Отаси Султон Маҳмуд мирзо Бухорони унга берган эди. Отасидан сўнг отасининг беклари йигилиб, иттифоқ билан Бойсунқур мирзони Самарқандга подшоҳ қилдилар. Бухоро ҳам анча вақтларгача унинг ҳокимияти остида эди. Тархонлар ёвлашганларидан сўнг Бухоро Бойсунқур мирзо тасарруфидан чиқди. Мен Самарқандни олганимда, Бойсунқур мирзо Хисравшоҳни қора тортиб кетди. Хисравшоҳ унга Ҳисорни олиб берди.

Ундан ҳеч авлод қолмади. Хисравшоҳнинг юртига келганда амакиси Султон Халил мирзонинг қизини олди. Ўзга хотин ва чўриси йўқ эди. Бир кишини ўз қўлида улғайтириб мўътабар бек қила оладиган истиқболли салтанатга эга бўлмади. Беклари отасининг ва амакисининг бекларигина эдилар.

Бойсунқур мирзонинг қатлидан сунг Қўчбекнинг отаси Султон Аҳмад қаровул, оға-иниси, кўчи ва тегишли кишилари билан Қоратегин вилоятдан чиқиб, бизни деб келди. Ўшда бетоб ётган Қанбар Али ҳам хасталиқдан фориг бўлиб, у ҳам келди. Шундай пайтда Султон Аҳмад қаровулнинг ўз жамоати билан келиб

қўшилишини ғайб кумаги ҳисоблаб, эрталабоқ ганим устига саф тортиб юрдик. Улар Обихонда туриш бермай, юртидан кўчди. Баъзи чодир, гилам, сафар анжоми — курпа-тўшакдек нарсалар лашкаримиз қўлига тушди. Келиб унинг юртида тўхтадик. Ушбу оқшом Танбал Жаҳонгирни олиб, ўнг ёнимиздан айланиб утиб биз турган жойдан Андижон томонда уч йиғочлик масофадаги Хубон деган кентга келиб кирди. Эртасига биз ҳам лашкарни ўнг қанот, чап қанот, марказ ва ҳужумкор қисмларга тартиб қилиб, отларга ҳимоя ёпинчиқларни ёпиб, совутлар кийиб, яроғланиб, мунтазам сафланиб, бўйи баравар қалқон кўтарган пиедаларни олдинга солиб, ганим устига юрдик. Бизнинг ўнг қанотимиз — Али Дўст тағойи тобелари билан; чап қанотимиз Иброҳим сору ва Вайс Логарий, Сайди Қаро, Муҳаммад Али Мубашшир, Хожа Калонбекнинг оғаси Кичикбек, яна баъзи ичкилар; Султон Аҳмад қаровулни ва Қучбекни ога-инилари билан чап қанотга қўйилди. Қосимбек марказда — менинг қошимда эди. Ҳужумкор қисмда Қанбар Али ва яна баъзи ичкилар эди.

Хубондан уч шаръий масофадаги Хубоннинг шарқи-жануби томонидаги Сақо номли кентга етишиб эдикки, ганим кишилари Хубон кентидан сафланиб чиқди. Биз ҳам илдамлаб юравердик. Ҳушёрлик ва эҳтиётимизни қилиб, ўқчилар ҳимояси учун махсус йирик тўра-қалқонларгача тайёрланган эди, тўқнашув бўладиган пайтда улар кейинроқ қолишди. Тангрининг инояти билан уларга эҳтиёж бўлмади. Етган заҳоти бизнинг чап қанотдаги кишиларимиз билан унинг ўнг қаноти олишиб кетди. Хожа Калоннинг оғаси Кичикбек унда яхши қиличлашди. Муҳаммад Али Мубашшир ҳам Кичикбекдан қолишмади. Ёв шу тўқнашувга ҳам тоб келтиролмади, қочди. Ўнг қанот билан ҳужумкор қисм ҳатто урушга киришга улгурмади. Кўп йигитларни тутиб келтирдилар. Уларнинг бошларини кесишни буюрдик. Бизнинг бекларимиз — Қосимбек ва Али Дўстбек (кўпроқ Али Дўст) ҳушёрлик ва сардорликка риоя қилиб, қувгинчиларимизни йироқ юборишни маслаҳат кўрмадилар. Бу жиҳатдан ёвнинг кўп кишиси қўлга тушмади.

Хубон кентининг ўзига тушдик. Менинг биринчи саф тортиб жанг қилишим шу эди. Тангри таолонинг фазл ва карамии билан ғалаба ва зафар насиб этди. Буни хайрли истиқбол нишонаси деб билдик.

Эртасига отамнинг онаси — менинг улуг онам Шоҳ Султонбегим Андижондан келди. Жаҳонгир агар қўлга тушган бўлса, тилаб олиш хаёли билан ошиққан экан. Қиш яқинлашгани учун дала-даштда дондун қолмаган эди; Ўзганд устига боришни маслаҳат кўрмай, Андижонга қайтиб келинди. Бир неча кундан сўнг кенгашиб, шундай қарорга келдикки, бизнинг Андижонда қишламоғимиздан ганим кишисига ҳеч зарар ва халал етмас, балки уларнинг ўғирлик ва аскар йигиш билан кучайиб олиш эҳтимоли бордир. Бир ерда қишламоқ керакки, токи лашкар озиқсизликдан ожиз бўлмасин ва ганим кишисига ҳам таҳдид солиб туриш эҳтимоли бўлсин. Бу маслаҳат учун Работак ўрчинидеги, бу Работак туманини Икки сув ораси ҳам дейдилар, Армиён ва Нўшоб атрофларида қишламоқ хаёли билан Андижондан кўчиб, мазкур кентларга келиб қишлашга қарор бердик.

Бу жойлар яхши ов қилинадиган ерлардир. Иламин дарёсининг яқинидаги қалин тўқайларда бугу, марал ва тўнғиз кўп бўлади. Паст-паст чангалларида қирғовул ва ёввойи қуён кўп бўлади. Тепаликларида рангдор, товланиб турадиган чиройли тулки кўп бўлади. Тулкиси ўзга ер тулкиларига қараганда югурук бўлади. Бу қишлоқда эканимизда ҳар икки-уч кунда овга отланардим. Тўқайларга ўт қўйиб, бугу-марал овлардик. Пастак-пастак чангалларни ураб олиб, қуш учириб қирғовул овлардик. Бу ернинг қирғовуллари беҳад семиз бўлади, у қишлоқда яшаган пайтларимизда қирғовул эти мўл эди. Ушбу қишлоқдалигимда мен риоят қилиб бек қилган кишим — Худойберди тугчи икки-уч марта Танбалнинг дайидиган йигитларини босиб, бошларини кесиб келтирди. Андижон ва Ўш атрофларида ҳам ҳужумкор йигитларимиз ҳаракатда бўлиб, йилқиларни ҳайдаб, ганим кишиларини ўлдириб, уларни ожиз қилдилар. Агар қишни шу қишлоқда ўтказилса эди, ганимнинг ёзга етмаёқ тумарақай бўлиши эҳтимолдан холи эмас

эди. Ганимни шунчалик бечораҳол ва ожиз қилган пайтимизда Қанбар Али вилоятига бормоққа ижозат сўради. Мана шу ҳолатларни эсига солиб, ман қилинди, унинг жаҳли чиқди. Ажаб энгил ва мулоҳазасиз эркак эди. Зарурат булди, вилоятига ижозат берилди. Бурун вилояти Хужанд эди. Бу навбат Андижонни олганимизда Исфара ва Кандибодомни ҳам унга берилди. Бизнинг бекларимиз орасида куп вилоятли ва куп навкарли киши Қанбар Али эди. Ҳеч кимнинг навкари ва вилояти уникача эмас эди. Қирқ-эллик кун у қишлоқда эдик. Қанбар Алининг далолати билан баъзи лашкар элига ҳам рухсат берилди.

Ўзимиз ҳам Андижонга келдик. Қишлоқда ва Андижонда бўлган пайтимизда Танбалнинг кишиси тинмай хон қошига Тошкандга борар ва келар эди. Хоннинг угли Султон Муҳаммаднинг бекотаси ва хоннинг улуг риоят қилган беги Аҳмадбек Танбалнинг туғишган амакиси эди. Бек Телба хоннинг эшикоғаси эди. Танбалнинг туғишган акаси эди. Бора-кела хонни Танбалга кумак юборишга кўндирдилар. Кумакдан бурунроқ туғилганидан бери Мўғулистонда яшаб улгайган Бек Телба, у вилоятга кирмас, вилоят подшоҳларига хизмат қилмас, хонларгагина хизмат қилар эди, кўч ва аҳлу аёлини Тошкандда қўйиб, ўзи келиб иниси Танбалга қўшилди.

Бу фурсатда галати ҳодиса юз берди. Ахсига вақтинчалик қўйилган Қосим Ажаб ганимнинг озгина дайди навкари кейинидан чиқиб, қувлаб Бичрота билан Хужанд сувидан ўтаётганда Танбалнинг куп кишисига учраб қўлга тушди. Танбал лашкаримизнинг тарқагани хабарини эшитгач, акаси Бек Телба хон билан сўзлашиб келган эди. Кумак келиши аниқ ва муқаррар эди. Ўзгандан отлаиб Иккисув орасига келди. Шу пайтда Косондан ҳақиқий хабар келдики, хон Танбалнинг кумагига Султоним исми билан машҳур бўлган угли Султон Муҳаммад Хоникани Аҳмадбек билан тайин қилиб, беш-олти минг лашкар қўшипти. Улар Арчакент йўли билан келиб Косонни қамал қилдилар. Биз ҳам йироқдаги кишиларимизга боқмай, ҳозир бўлган кишиларимиз билан фурсат кутмай, қишнинг қаттиқ совуғида Тангрига

таваккал қилиб, Андижондан Банди Солор йўли билан ошиб Султоним билан Аҳмадбекнинг устига отландик. Кечаси ҳеч ерда тўхтамай, туни билан юриб Ахсида тушдик. Ўша оқшом қаттиқ совуқ эди. Шунчалик совуқ эдики, баъзиларнинг қўл-оёқларини совуқ урди. Куп кишининг қўлоқлари олмадек-олмадек қавариб чиқди. Ахсида тўхтаб ўтирмай, Қосим Ажабнинг урнига Ёрак тагойини вақтинчалик қўйиб, Косон устига утдик. Косонга бир шаръий қолганда хабар келдики, Аҳмадбек биздан хабар топиб, Султоним билан апил-тапил қайтиб кетибди.

Танбал бизнинг отланганимизни билиб, акасига кумакка шошиб келаётган экан. Кун икки намоз ораси пайти эдики, Танбал лашкарининг қораси Навканд томонидан пайдо бўлди. Акасининг бундай ночор қолиб, мулоҳазасиз чекинишидан ва бизнинг бундай илдам етганимиздан лол ва ҳайратда туриб қолди. Биз дедикки, уни бизга бу тахлит Худо етказди, ҳозир у саросимада турипти, агар биз ҳаракат қилиб, уларга ташлансак, Тангри кумагида бирортаси ҳам қочиб кетолмайди. Вайс Логарий ва яна баъзилар дедиларки, кун кеч бўлди. Бугун бўлмаса, эртага урушармиз, қаёққа ҳам боришарди? Эрталаб ҳар қаерда бўлса, учратамиз, деб дарҳол ҳужум қилишни маъқул кўрмадилар. Шундайгина эшикка келган ганим ҳеч қандай зарар кўрмай қутулди. „Қопудагини қопмаса, қаригунча қайгурар“ деган мақол бор.

**Байт:**

*Корҳоро ба вақд боят жуст,  
Кори бевақт суст бошад, суст.*

(Мазмуни:

*Иш вақтида унумли бўлур,  
Бевақт ишнинг ишкали бўлур.)*

Улар эртаси эрталабгача фурсатни ганимат билиб, кечаси ҳеч ерда тушмай, бориб Архиён қўргонига кирдилар. Эртасига ганимнинг устига юриб, уни топмай, сўнгича келиб, Архиён қўргонини яқиндан қамал қилишни маъқул кўрмай, ундан бир шаръий масофадаги Ғазнайн Намангонга тушилди. Ўттиз-қирқ кун биз бу юртда эдик. Танбал Архиён қўргонида эди. Оз-оз киши беридан бориб, наридан келиб ора йўлда тўқнашиб

қайтар эди. Бир кеча тунги босқинга келдилар. Ҳрданинг ташқарисидан бир даста йигитлар уқ отиб қайтдилар. Ҳрда те-варагини хандақ қилиб, шох-шаббалар тутиб, эҳтиётлар қилиниб эди. Ҳеч иш қила олмадилар. Ушбу юртда эканимизда Қанбар Али икки-уч маротаба биздан норози бўлиб вилоятига бормоқчи бўлди. Бир қатла узича отланиб, жўнаганди, баъзи бекларни юбориб, ташвишлар билан қайтардик.

Бу аснода Саййид Юсуф Мажам Султон Аҳмад Танбалга киши юбориб, у томонга ўтди. Андижоннинг тоғ этакларини Уйгур Мажам дейдилар: икки мавзе тоғ этагидир. Саййид Юсуф Мажам уларнинг улуғи эди. Сўнгра даргоҳда таниқли бўлиб қолган эди. Иши улугликдан ҳам ўтиб эди. Гарчи уни ҳеч ким бек қилмаса ҳам унинг беклик дағдага ва даъвоси бор эди. Гоят мунофиқ ва тутуруқсиз нуха эди. Мен бу навбат Андижонни олганимдан ушбу замонгача чамаси икки-уч марта мен томонга ўтиб, Танбалга ганим булди. Яна икки-уч марта Танбал томонга ўтиб, менга ёвлашди. Охирги ганим бўлгани бу эди. Унинг билан бирга элу улус ва аймоқлар анчагина эди. У Танбалга қўшилмасин деб уртадан йўл солдик. Орада қўниб, Пишхорон атрофларига келдик. Пишхорон қўргонига Танбалнинг кишиси келиб кирган экан. Бизнинг ҳужумчи қисмимиз беклари: Али Дарвешбек ва Қўчбек ога-иниси билан Пишхорон дарвозасига бориб, зўр жанг қилдилар. Қўчбек ога-иниси билан яхши жасорат кўрсатди. Аксарининг қўллари ҳарб ишига тегди.

Пижхороннинг бир шаръий берисида бир тепалик устига тушдик. Танбал Жаҳонгирни ёнига олиб, Пишхорон қўргонининг орқа томонига тушди. Уч-тўрт кундан сўнг бизнинг фикримизга муҳолиф беклар: Али Дўст ва Қанбар Али саллох ўз яқинлари ва қўшилганлари билан бирга бўлганлар яраш сўзини орага сола бошладилар. Менинг ўзим ва хайрихоҳ яқинларимнинг бу ярашдан асло хабар-пабарлари йўқ эди. Бизлар бу ҳолатга асло розилик бермас эдик. Бу икки нуха икки улуг бек бўлгани учун, агар буларнинг сўзига қулоқ солмай, сулҳ бўлмаса, буларнинг ўзга эҳтимоллари ҳам бор эди. Ноиложликдан, шу йўсинда сулҳ туздик: Хўжанд

сувининг Аҳси томонидаги вилоятлар Жаҳонгир мирзога тааллуқли бўлади, Андижон тарафдаги вилоятлар менга тааллуқли бўлади. Ўзгандни ҳам кўчларини чиқаргандан сўнг бизнинг маҳкамага топширадилар. Вилоятлар ишлари қарор топгандан сўнг мен ва Жаҳонгир мирзо иттифоқ тузиб, Самарқанд устига юргаймиз. Самарқанд тахти муяссар бўлиб, галаба таъминлангач, Андижон Жаҳонгир мирзога берилади. Сўз шунга қарор топди.

Жаҳонгир мирзо ва Танбал эртасига келиб, ражаб ойининг охирида менга мулозамат қилдилар. Ана шундай қатъий аҳд ва шартларга келишдик. Жаҳонгир мирзога Аҳси сари рухсат бериб, ўзим Андижонга қайтиб кетдим. Андижонга келгач, Танбалнинг иниси Халил ва унинг билан асир тушган гуруҳни банддан озод қилиб, сарполар кийдириб рухсат берилди. Улар ҳам банддаги бизнинг бек ва ичкиларни — Тағойи бек, Муҳаммад Дўст, Миршоҳ қавчин, Саййидбек, Қосим Ажаб, Пир Вайс, Мирим Девон бошлиқларни банддан чиқариб юбордилар.

Андижонга келгандан сўнг Али Дўстнинг феъл-атвори тамоман ўзгача булди. Мен билан дарбадарлик ва машаққатли ҳарбий сафарларда бирга бўлган кишиларга ёмон муносабатда бўла бошлади. Аввал Халифага „рухсат“ берди. Ундан сўнг Иброҳим сору ва Вайс Лоғарийни бегуноҳ ва асоссиз туттириб, талатиб, вилоятларидан айириб жўнатиб юборди. Қосимбек билан келишолмай юрарди. Ташқаридан қараганда, у шундай ҳисобладики — Халифа ва Иброҳим Хожа Қози тарафдорларидирлар; мендан қасос оладилар. Унинг ўғли Муҳаммад Дўст ҳам подшоҳларга хос хатти-ҳаракатлар қила бошлади: суҳбат, шилон — оммавий таом, маҳкама ва буйруқларда султонлар усулени қўллай бошлади. Бу ота ва ўғил Танбални орқа қилиб, бундай хатти-ҳаракатлар бунёд қилдилар.

Менда ҳам унчалик ихтиёр ва иқтидор қолмадики, буларнинг номаъқул ҳаракатларини ман қила олсам. Чунки Танбалдек душман буларнинг орқаси ва ҳимоячисидир. Нимани кўнгиллари тиласа, ушани қилар эдилар. Ажаб нозик бир пайтлар эди. Ҳеч нима деб бўлмасди. Бу ота-ўғилдан у муддатда анча-мунча хорликлар тортилди.

Султон Аҳмад мирзонинг Ойша Султонбегим номли қизини ота ва амакиси тирик эканлигида менга қалинлик қилиб эдилар, Хўжандга келганди, шаъбон ойида олдим. Олганимда аввал меҳрим ёмон булмаса-да, лекин биринчи уйланишим эди, ҳаё ва тортинчоқлик боис ҳар ўн, ўн беш-йигирма кунда бир борар эдим. Сўнгралар у меҳр ҳам қолмади, бироқ тортиниш ҳануз кўпроқ бўлди: бир ойда ва қирқ кунда онам хоним илтимослар билан зурлаб-зўрлаб ташвишлар билан юборарди.

Бу фурсатларда бир ўрда бозори бошлигининг ўгли бор эди — Бобурий исмли, оти ҳам ажаб муносиб тушиб эди.

**Шеър:**

*Мен анга ғариб майл пайдо қилдим,  
Балки анга узви зору шайдо қилдим.*

Ундан илгари ҳеч кишига мойил бўлган эмас эдим, балки меҳру муҳаббат хусусидаги гап-сўзларни эшитмас эдим. У пайтлари битта-иккита байт форсийда ёзардим. Бу байтни ўшанда айтиб эдим.

**Байт:**

*Ҳеч кас чун ман харобу ошиқу  
расво мабод,  
Ҳеч маҳбубе чу ту бераҳму  
бепарво ма бод.*

(Мазмуни:

*Ҳеч ким мендек хароб — ошиқу расво  
булмагай,  
Ҳеч маҳбуб сен каби бераҳм, бепарво  
булмагай.)*

Аҳён-аҳёнда Бобурий менинг қошимга келар эди. Лекин мен ҳаё ва тортинчоқлик боис Бобурий томонга тик қарай олмасдим: илтифот ва гаплашиш қаерда дейсиз! Нашъа ва изтироб сабабидан шукр қилар эдим, кетганидан шикоят қилишга менинг қандай имконим бўлсин? Мулозамат таклиф қилмоққа ҳам кимда ҳадду тоқат бор эди!

Бир куни ўша меҳр ва муҳаббат пайтлари бир гуруҳ кишилар йўлдош эдилар, бир кучада келаётган эдим. Бирданига Бобурий юзма-юз учраб қолди. Менда хижолатим зўрлигидан шундай ҳол юз бердики, нақ эриб кетаётгандек эдим. Тик боқмоқлик ё сўз сўзламоқнинг ҳам

имкони йўқ эди. Юз тортиниш ва ташвиш билан нари утилди. Муҳаммад Солиҳнинг бу байти хотирга келди.

**Байт:**

*Шавам шарманда ҳаргаҳ ёри худро  
дар назар бинам,  
Рафиқон суй ман бинанду ман  
суй дигар бинам.*

(Мазмуни:

*Ёрима дуч келганимда ҳол хароб,  
шармандаман,  
Дустлар куз тиксалар менга томон,  
мен қандаман?!)*

Бу байт айти шу ҳолатимга жуда мос келди. Ишқ ва муҳаббат тугёнидан, ёшлик ва телбалик зўрлигидан бошяланг, оёқяланг кўй ва кучада, бог ва богчада сайр қилар эдим. На ошною бегона илтифоти ва на ўзу ёт парвосини қилар эдим.

*Ошиқ улғоч беҳуду девона бўлдум,  
билмадим,  
Ким пари рухсоралар ишқига бу эрмиш  
хавос.*

Гоҳо телбалардек ёлғиз дала-даштга борар эдим. Гоҳ боғлар ва маҳаллаларни кўчама-кўча ахтарар эдим. На юрмоқда ихтиёрим бор эди, на ўтирмоқда; на бормоқда қарорим бор эди, на турмоқда.

**Шеър:**

*Не борурга қувватим бор,  
не турарга тоқатим,  
Бизни бу ҳолатқа сен қилдинг  
гирифтор, эй кўнгул.*

Ушбу йил Султон Али мирзо билан Муҳаммад Мазид тархоннинг орасида мухолафат тушди. Сабаби бу эдики, тархонлар жуда кўп эътиборли ва бошбошдоқ бўлиб эдилар. Бухорони бутунлай Боқи тархон олиб эди. Бухоро даромадидан бировга бирор ҳисса бермасди. Муҳаммад Мазид тархон ҳам Самарқанд тушумига мутлақ ҳоким бўлиб, бутун вилоятни ўғиллари, яқинлари ва танишларига олиб эди. Шаҳардан Султон Али мирзога тегишли бўлган маблағдан бошқа бирор жойдан бирор чақа ҳам ортиқча тегмас эди. Султон Али мирзо капкатта йигит бўлиб қолган эди. Тархонларнинг бундай муносабатларига қачонгача сабр қилсин? Бир неча ичкилари

билан Муҳаммад Мазид тархоннинг қасдига тушди. Муҳаммад Мазид тархон бу ҳолни пайқаб, навкар-савдари, яқин ва қадрдонлари, яна унинг билан бирга бўлган беклари, чунончи, Султон Ҳусайн аргун, Пир Аҳмад аргун, Хожа Ҳусайн, Узун Ҳасаннинг иниси Қаро барлос, Солиҳ Муҳаммад ва яна баъзи беклар, йигитлар билан шаҳарни ташлаб чиқди.

Хон у фурсатларда Хон мирзога Муҳаммад Ҳусайн дуглат, Аҳмадбек ва яна кўплаб мўгул бекларини қўшиб Самарқанд устига юришни тайинлаганди. Ҳофизбек дўлдой ва ўгли Тоҳирбек ҳам Хон мирзонинг бекотаси эдилар. Ҳасан набира, Ҳиндубек, баъзи йигитлар Ҳофизбек ва Тоҳирбек муносабати туфайли Султон Али мирзодан қочиб, Мирзо хон қошига борган эдилар. Муҳаммад Мазид тархон кишилар юбориб, Хон мирзони ва мўгул лашкарини тилаб, Шовдор туманига келиб, Мирзо Хонни кўриб, мўгул беклари билан мулоқот қилди.

Мўгул бекларининг Муҳаммад Мазид беклари билан маслаҳатлари яхши чиқмади. Ҳатто улар Муҳаммад Мазид тархонни тутишни ҳам хаёл қилган эдилар. Бу беклар вазиятни англаб, мўгул лашкардан бир баҳона билан айрилдилар. Булар айрилгач, мўгул лашкари ҳам тура олмади, қайтиб Ёрғайлоққа бориб тушганда Султон Али мирзо оз киши билан Самарқанддан тезлик билан отланиб Хон мирзо билан мўгул лашкари устига келиб етади, лекин уруша олмасдан, пароканда бўлиб қочадилар. Охирги чоғда Султон Али мирзонинг бир яхши иши шу бўлдики, Муҳаммад Мазид тархон ва улар бу мирзолардан воз кечиб, бундан илгарироқ менинг қошимда бўлган, Андижон қамалида ҳам Хожа Қози билан бир-бирларига суянчиқ бўлиб, жон фидойиликлар қилган мўгул Абдулваҳҳобни юбориб мени тиладилар. Биз ҳам ана шу муомалага зор эдик.

Ушбу маслаҳат учун сулҳ қилиб Самарқанд устига юришга иштиёқманд эдик. Дарҳол Мир Мўгулни Ахсига — Жаҳонгир мирзо қошига учрашиш жойини белгилаш учун юборилди. Самарқанд устига отланмоқчи бўлдик. Зулқаъда ойида Самарқанд устига лашкар отланиб, орада икки қўниб, Қубога тушдик. Намози асрда хабар келдики, Сул-

тон Аҳмад Танбалнинг иниси Халил келиб Уш қўргонини ўгринча олибди. Тафсилоти буки, сулҳ бўлганда Танбалнинг иниси Халил бошлиқ асирлар, қайд этилганидек, қўйиб юборилганди. Танбал Халилни Ўзганддаги кўч ва уруқларини чиқармоқ учун юборганди. Кўч чиқармоқ баҳонаси билан бориб, Ўзгандга кириб бугун чиқай-эртага чиқай деб ҳийла қилиб чиқмай турарди. Бизнинг лашкаримиз отланганда фурсат топиб, Уш холи қолганда кечаси билан келиб, Уш қўргонини ўгринча олибди.

Бу хабар бизга келгач, турмоқнинг ва яна булар билан муросасизликнинг маслаҳатини бир неча асосларга кўра маъқул топмай, Самарқанд сари йўлга туша бердик. Сабабларидан бири буки, бизнинг лашкар атаганимиз ҳаммаси юриш яроғини қилиш учун уй-уйларига ҳар томонга тарқаб кетган эди. Сулҳга ишониб, буларнинг макр ва ёмон ниятларидан беҳабар ва гофил эдик. Яна бири буки, Али Дўст ва Қанбар Алидек улуг бекларимиздан бир неча марта ёмон хатти-ҳаракатлар содир бўлдики, уларга ишонч қолмади (бу ҳақда ёзилган эди). Яна бири буки, Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ барча Самарқанд беклари мени тилаб Мир Мўгулни юбориб эдилар. Самарқанддек пойтахт турганда Андижондек ер учун кишининг вақт ўтказиши ўринли эмас эди.

Қубодан Марғинонга келинди. Қўчбекнинг отаси Султон Аҳмадбекка Марғинон берилганди. Айрим заруриятлар ва оилавий ҳолатларга кўра, менинг билан эргаша олмай Марғинонда қолди. Ўгли Қўчбек бир-икки оға-иниси билан бирга келдилар.

Испара йўлига тушиб жунадик. Испарага қарашли Маҳан номли қишлоққа келиб тушдик. Хайрли тасодифдан Қосимбек жамоати билан, Али Дўст жамоати билан, Саййид Қосим яна бир гуруҳ йигитлар билан ушбу оқшом Маҳанда эканимизда, худди илгаридан ваъдалашиб қўйилгандек, келиб қўшилди. Ундан отланиб, Хасбон дашти билан юриб, Чўпон кўпригидан ўтиб, Ўратепага келдим. Қанбар Али ўз вилояти Хужанддан Танбалга ишониб лашкар маслаҳатини сўрашга Ахсига келади. Бу воқеа содир бўлгач, Танбал уни қўлга олиб, вилоят-

ларининг устига юради. Бир туркий мақол борки: „Инонмагил дўстинга, сомонтиқар пўстинга“. Йулда келаётганимизда яёв қочиб юз ташвишлар билан Уратепага келди. Уратепада эканимизда хабар келдики, Шайбонийхон Қалъаи Дабусияда Боқи тархонни босиб, Бухоро устига борипти. Уратепадан Бурка яйлови йўли билан Сангзорга келдик. Сангзор доруғаси қургонни берди. Қанбар Али тутилиб, олдириб келинган эди, уни Сангзорда қуйиб утдик. Келиб Хон юртига тушганда Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари келиб мулозамат қилдилар. Самарқандни олиш масаласини булар билан кенгашиб олинди. Дедиларки, Хожа Яҳё ҳам подшоҳ тарафдоридир. Агар Хожа кафил бўлса, Самарқанд жангу жадалсиз осонлик билан муяссар бўлади. Бу хусусда бир неча марта Хожа Яҳёга кишилар юбориб сузлашилди. Хожа Яҳё бизни Самарқандга киритмоқчи эканини аниқ айтиб юбормади. Лекин ноумид бўлгудек сўз ҳам айтмади. Хон юртидан кучиб, Даргам соҳилига келдик. Даргам қиргогидан Хожа Яҳёга Хожа Муҳаммад Али китобдор юборилди. У келсинлар, шаҳарни берамиз, деган хабар келтирди. Даргамдан кечга яқин отланиб, шаҳарга йўл олдик.

Султон Муҳаммад дўлдойнинг отаси Султон Маҳмуд дўлдой юртдан қочиб бориб бу келишувдан уларни хабардор қилибди. Хабар топганлари учун қилган у хаёлимиз муяссар булмади. Қайтиб Даргам соҳилига тушдик. Менинг бир яхши риоят қилган бегим — Али Дуст туттириб қувлаган Иброҳим соруи минглиг мен Ёряйлоққа келган фурсатда Саййид Юсуф бекнинг ўгли Муҳаммад Юсуф билан келиб мулозамат қилди. Унинг дастидан баъзиси қувланган, баъзиси таланган ва баъзиси туттирилган, Али Дустнинг зидди бўлган, бизнинг синашта бекларимиз ва ичкиларимиз бирин-бирин йигилиб қўшимизга келдилар.

### ТУҶҚИЗ ЮЗ ОЛТИНЧИ (1500-1501) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Шайбонийхон ушбу хотиннинг ваъдаси билан келиб Боги Майдонга тушти. Туш вақтида Султон Али мирзо бек ва кичик бекларига, йигит-ялангига — ҳеч кимга хабар қилмай, ҳеч ким билан кенгашмай, яқинидаги бир неча катта-ки-

Али Дуст заифланиб қолди. Сабаби — Танбални орқа қилиб, менга ва менинг хайрихоҳларимга жабру жафолар утказарди. Менинг ҳам табъим бу одам билан ёмон эди. Ҳам хавотирланиб, ҳам хижолатдан тура олмади, кетишга рухсат суради. Мен ҳам миннатдор бўлиб, рухсат бердим. Али Дуст ва Муҳаммад Дуст уша рухсат олганича Танбал ҳузурига бордилар. Танбалга яқин бўлган бу оталик-уғилликдан куплаб ёвлиқлар ва ёмонликлар содир булди. Бир-икки йилдан сунг Али Дустнинг қўлига куйдирги чиқиб ўлди. Муҳаммад Дуст ўзбакка қўшилган, иши унчалик ёмон эмасди. У ердан ҳам кўрнамаклик қилиб қочиб, Андижоннинг тоғ этакларига бориб, ёвлиқлар ва фитналар уюштирди. Охири ўзбак қўлига тушди. Кўзларини кўр қилдилар. „Кўзларини туз тутти“ мақолининг маъноси шу бўлса керак.

Буларга рухсат берилгандан сунг Фури барлосни бир неча йигитлар билан хабар келтириш учун Бухорога юборилган эди. Хабар келдики, Шайбонийхон Бухорони олиб, Самарқанд устига қараб йўлга тушди. Биз у ерда бўлишни маслаҳат кўрмай, Кеш сари йўлга тушдик. Самарқанд бекларининг аксар кўчлари ҳам Кешда эди. Кешга келгандан бир-икки ҳафта ўтгач хабар келдики, Султон Али мирзо Самарқандни Шайбонийхонга берди. Тафсилоти буки, Султон Али мирзонинг онаси Зухрабеги ога билмаслиги ва беақллигидан Шайбонийхонга бу мазмунда махфий киши юборади: Шайбонийхон уни оладиган бўлса, ўгли Шайбонийхонга Самарқандни беради. Отасининг вилоятини олгандан сунг эса Шайбонийхон Самарқандни Султон Али мирзога беради.

Бу режадан Абу Юсуф аргуннинг хабари бор экан, балки бу режани кўрсатгучи уша гаддор экан.

чиклари билан Чорраҳа дарвозасидан Боги Майдонга — Шайбонийхон қошига борди. Шайбонийхон унча яхши қабул ҳам қилмади. Куришгандан сунг қуйи ёнда ўтқизди. Хожа Яҳё Султон Али мирзонинг чиққанидан хабар топиб, из-

тиробда қолди. Ҳеч чора топа олмай Хожа Яҳё ҳам хон қабулига борди. Шайбонийхон ўрнидан турмасдан кўришиб қўяқолди. Бирмунча шикоятмуз сўзлар айтти. Хожа Яҳё жўнаганида Шайбонийхон таъзим қилиб ўрнидан турди. Жонали Хожа Алибойнинг ўгли Работи Хожада эди. Мирзосининг хон ҳузурига борганини эшитиб, у ҳам Шайбонийхон қошига келди. Бу бадбахт хотин (Зухрабеги) эси паст бўлганидан, эрга тегиш ҳаваси билан ўглининг хонумонини елга берди. Шайбонийхон унга заррача парво ҳам қилмади. Балки ҳарам аёли, чўри-хизматкорича ҳам кўзга илмади.

Султон Али мирзо ҳам ўз ишига ҳайрон ва саройдан хон олдига чиққанидан беҳад пушаймон эди. Баъзи яқин кишилари вазиятни англаб, мирзони олиб қочмоқни хаёл қилдилар. Султон Али мирзо рози бўлмади: ажали етиб тургани учун — қутулмади. Темур Султон билан бирга эканлигида тўрт-беш кундан сўнг уни Қулба улангида ўлдирдилар. Бу беш кунлик ўлар жон учун ёмон от билан кетди. Хотин киши сўзига кириб, ўзини яхши кишилар сафидан чиқарди. Мундоқ кишининг воқеасини бундан ортиқ ёзиб бўлмас. Бу йўсинлик шармандали ҳаракатларни бундан ортиқ эшитиб бўлмас.

Султон Али мирзони ўлдиргандан сўнг Жоналини ҳам мирзосининг қошига юборди.

Шайбонийхон Хожа Яҳёдан хавотирда эди. Шунинг учун уни икки ўгли: Хожа Муҳаммад Закариё ва Хожа Боқий билан Хуросон томонга жўнатди. Кейинидан бир неча ўзбек бориб, ҳазрати Хожа Яҳёни икки ёш ўгли билан Хожа Кордзан атрофида шаҳид қилдилар. Шайбонийхон: Хожани ўлдиришга мен буйруқ бермаганман, буни Қанбарбий билан Купакбий қилдилар, дер экан. Бу гапи ундан ёмонроқ. „Ўзри гуноҳидан баттар“ деган мақол бор. Шундай ишларни беклар ўз боши билан хонидан ва подшоҳидан рухсатсиз қила бошласа, унда хонлигию подшоҳлиги қаерда қолди?!

Самарқандни ўзбек олгач, Кешдан Ҳисор сари йўлга тушдик. Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд бекла-

ри кўч ва аҳли аёллари билан бирга жўнадилар. Чағониённинг Чилту яйловига тушганда Муҳаммад Мазид тархон бошлиқ Самарқанд беклари айрилиб, бориб Хисравшоҳга навкар бўлдилар.

Биз шаҳар ва вилоятдан маҳрум, борар-тураримиз номаълум эди. Хисравшоҳ бизнинг хонадонга нисбатан қанчалик ҳурматсизликлар қилган бўлмасин, чора тополмай, заруратдан унинг вилояти ичи билангина ўтдик. Қоратегин ва Олой билан ўтиб, кичик хон тоғам Олачохонга борсакмикан деб ҳам хаёл қилган эдим, бу муяссар бўлмади. Камруд билан юқорига юриб, Сири тоқ довонидан ошмоқчи бўлдик. Навандок туманига етганда Хисравшоҳнинг навкари тўққиз от ва тўққиз парча — мато келтирди. Камруд дарасига етганимизда, Шерали танқуриқчи қочиб Хисравшоҳ қошига кетди. Тонгласи Қучбек биздан айрилиб, Ҳисорга кетди. Камруд дарасига кириб юқори томонга қараб кетдик. Тор ва учма йўлларда, баланд ва тик довонларда кўп от ва туя қолди. Уч-тўрт манзил қўниб, Сири тоқ довонига етдик. Довонмисан — доvon! Ҳеч қачон бундай баланд ва учма йўллар билан юрмаган эдик. Кўп ташвиш ва машаққатлар билан хатарли тор ва учмалардан ўтиб, юз азобу машаққат билан ҳалокатли баландликлар, тор довонлардан ошиб, Фон туманига келдик. Фон тоғларининг орасида бир катта кўл бор, унинг муҳити — сатҳи тахминан бир шаръий келади, ажаб кўлдир; ғаройиботдан холи эмас.

Иброҳим тархон Шероз қўргонини беркитиб ўтирипти, Ёряйлоқ қўргонларида ҳам Хожа Дийдорда бўлган Қанбар Али ва Абулқосим кўҳбур ўзбек Самарқандни олганда Хожа Дийдорда тура олмай, Ёряйлоққа келиб, Ёряйлоқ ва пастки қўргонларни беркитиб утирибдилар, деган хабар келди. Фонни унг қулда қўйиб Каптуд сари юридик. Фон ҳукмдори қарама саховат, хизматкорлигу одамийлик билан машҳур ва таниқли эди. Султон Масъуд мирзо, Султон Ҳусайн мирзо Ҳисор устига келганда иниси Бойсунқур мирзога — Самарқандга бу йўл билан бориб эди. Фон беги етмиш-саксон от тортиқ қилди. Бошқа мулозаматларни ҳам ушбу йўсинлик қилди. Менга бир



ночорроқ от юбориб, узи келмади. Саховат билан машҳур булган эл бизга келганда хасис бўлади. Мурувват билан донги чиққан элнинг муруввати унутилади. Саховат ва карам билан таниқли ва машҳур булган Хисравшоҳ Бадиуззамон мирзога қандай мулозаматлар қилгани юқорида қайд этилди.

Яна Боқи тархонга ва ўзга бекларга роса кўп одамгарчилик, тортиқлар қилган эди. Икки навбат унинг вилояти орқали ўтишимизга тўғри келди. Бизнинг хонадонимиз аҳли у ёқда турсин, энг паст навкарларимизга қилган одамгарчиликни ҳам бизга қилмади, бизни ҳатто навкаримизча кузга илмади.

**Байт:**

*Ким кўрубтур, эй кўнгул,  
аҳли жаҳондин яхшилиқ,  
Кимки андин яхши йуқ,  
куз тутма ондин яхшилиқ.*

Фондан ўтгач, Каштуд қўргонида узбаклар бор деб хаёл қилиб, Каштуд устига жўнадик. Каштуд қўргони ҳам бузилган экан. Бу муддатда унда ҳукмдор киши ўтирган эмас экан. Ундан ўтиб Кўҳак сувининг ёқасига тушдик. Ёрининг тўғрисида — Кўҳак сувидан куприк билан кечдик. Работи Хожа қўргонини тўсатдан билдирмай олишсин деб Қосимбек бошлиқ беклар юборилди. Биз Ёридан ўтиб, Шунқорхона тоғидан ошиб, Ёрйалоққа келдик. Работи Хожага борган беклар шоти қўяётган пайтда сезиб қолибдилар, қайтарибдилар; қўргонни ололмай қайтиб келдилар.

Қанбар Али Сангзорда эди, келиб кўрди. Абулқосим кўҳбур ва Иброҳим тархон обрўли кишиларини мулозаматга юбориб, ҳурмат-эҳтиром изҳорини қилдилар. Ёрйалоқ қишлоқларидан Асфидак қўргонига келдик.

Ўша фурсатда Шайбонийхон Хожа Дийдор туманида ўтирган эди. Уч-тўрт минг узбак аскарлари бор эди. Яна шу ерли сипоҳийдан ҳам шунча чоғли киши йигилганди. Самарқанд қалъабегилигини Жонвафо мирзога берганди. Беш-олти юз киши билан у Самарқанд қўргонининг ичида эди. Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон ўзларига тегишли киши қораси билан Самарқанд яқинидаги Бўдана қўругида ўтирган эди.

Бизнинг кишиларимиз яхши ва ёмон — ҳаммаси икки юз қирқ киши эди. Барча беклар ва йигит-яланг билан сўзлашиб, шунга қарор қилдикки, Шайбонийхон Самарқандни яқинда олиб, ҳануз эл унга ва у элга кўнгиллари бир тўхтамга келмаган. Ушбу фурсатда бир иш қилсак — қила оламиз. Агар Самарқанд қўргонига шоти қўйиб, ўғирлик билан олсак — Самарқанд эли ҳам бизники бўлади. Не чоралари бор? Агар бизга мадад қилмасалар, ўзбак учун ҳам урушмайдилар. Самарқандни қўлга киритгандан сўнг ҳар не Тангрининг хоҳиши бўлса, ўша бўлгусидир.

Бу қарор билан пешин намозидан сўнг Ёрйалоқдан отланиб, кеча тун бўйи йўл юриб, ярим кечада Хон юртига етдик. У оқшом эл хабардор бўлибди деб қўргоннинг яқинига йўламай, Хон юртиданоқ орқага қайтилди. Тонготарда, Работи Хожадан қуйироқда Кўҳак сувини кечиб яна Ёрйалоққа келдик. Бир кун Асфидак қўргонида ҳамма ичкилар: Дўст Носир, Нуён кўкалдош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав кўкалдош, Мирим Носир сингарилар ҳозир эдилар, менинг қошимда ўтирган эдилар. Ҳар тўғридан орада сўз утар эди. Дедимки: „Қани, айтинглар-чи, Тангри тўғри келтирса, Самарқандни қачон олгаймиз?“ Баъзи дедиларки: „Ёзда олгаймиз“. У маҳал кеч куз эди. Баъзилар: „Бир ой“, баъзилар „Қирқ кун“, баъзилар „Йигирма кун“, дедилар. Нуён кўкалдош дедик: „Ўн тўрт кунда олгаймиз“. Тангри тўғри келтирди: роппа-роса ун тўрт кундаёқ Самарқандни олдик.

Ўша фурсатда ажойиб туш кўрдим. Туш кўрсам, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ келмишлар, мен истиқболларига чиқибман. Хожа келиб ўтирдилар. Хожанинг олдиларига бир оз одмироқ дастурхон солишибди. Бу сабабдан ҳазратга бир оз малол келганмиш. Мулло Бобо мен сари боқиб ишора қилади. Мен ҳам имо-ишора билан дедимки, бу ишда менинг айбим йўқ. Дастурхон солувчи хато қилибди. Хожа буни фаҳмлаб, бу узрни қабул қилди. Ўринларидан турдилар. Узатиб чиқдим. Ушбу уйнинг даҳлизидан ун қўлимдан ё чап қўлимдан тутиб шундай кўтардиларки, бир оёгим ердан узилди. Туркий — ўзбек тилида дедиларки:

„Шайх маслаҳат берди“. Уша бир неча кундаёқ Самарқандни олдим.

Бир-икки кундан сўнг Асфидак қўргонидан Васманд қўргонига келинди. Бир маротаба Самарқанд вилоятига бориб, сездириб қўйган эдик, яна Тангрига таваккал қилиб, уша хаёл билан Васмандан пешин намозидан сўнг Самарқанд устига юрдик. Хожа Абулмакорим ҳам ҳамроҳ эди. Ярим кеча Хиебоннинг Пули Магок — Магок кўпригига етиб, етмиш-саксон сара йигитларни ажратиб, Фори Ошиқон тўғрисида шоти қўйиб чиқиб келиб, Феруза дарвозасидаги қўриқчилар устига юриб, дарвозани қўлга олиб, бизга киши юборинглар, деб буюрдик.

Бу йигитлар бориб Фори Ошиқон тўғрисида шоти қўйиб чиқадилар. Ҳеч ким сезмай қолади. Ундан Феруза дарвозасига келиб Фозил тархон (у бек тархонлардан эмас, туркистонлик савдогар тархонлардан бўлади. Шайбонийхонга Туркистонда хизмат қилиб, эътибор топиб эди) устига қарши юрадилар. Фозил тархонни бир неча навқари билан урушиб, уларни ўлдириб, дарвозанинг қулфини болта билан чопиб, дарвозани очдилар.

Ушбу фурсатда мен етганим заҳотиёқ Феруза дарвозасидан ичкари кирдим. Абулқосим кўҳбурнинг ўзи келмаган эди. Иниси Аҳмад Қосимни ўттиз-қирқтача навқари билан юбориб эди. Иброҳим тархоннинг кишиси ҳам йўқ эди. Шаҳарга кириб хонақоҳда ўтирганимда Аҳмад тархон номли иниси бир неча навқари билан келди. Шаҳар халқи хануз уйқуда эдилар. Дўкондорлар дўконларидан қараб, таниб дуо қилардилар. Бир оз фурсатдан сўнг шаҳар халқи хабардор бўлди. Бизнинг элга ва шаҳар халқига ажойиб шодлик ва нашъа эди. Ўзбакларни куча-кўйда қутурган итлардек тош ва таёқ билан уриб ўлдирдилар. Тахминан тўрт-беш юз ўзбакни ушбу йўсинда ўлдирдилар.

Шаҳар қўргонбеги Жонвафо Хожа Яҳёнинг уйларида эди, қочиб чиқиб Шайбоқхон қошига кетди. Дарвозадан кириб мадраса ва хонақоҳ сари юра қолдим. Келиб хонақоҳ тоқининг устида ўтирдим. Тонг отгунча теварак-атрофда сурон ва гавго бўлди. Баъзи хабардор бўлган арбоб ва дўкондорлар келиб, нашъа ва шодмонликлар билан кўришиб, егуликлар келтириб, дуолар қилдилар.

Тонг отгандан сўнг хабар келдики, Оҳанин дарвозасида икки дарвозанинг орасини ўзбаклар беркитиб урушмоқдалар. Дарҳол отланиб, Оҳанин дарвозасига қараб йўлга тушдим. Мен билан ун-ун беш, йигирма киши бор эди. Эл йўқсил. Эндигина шаҳар қўлга олинди. Ҳар ким бир гўшада қизиқсиниб сураб-суриштириш билан машгул. Мен етгунча Оҳанин дарвозасидан ўзбакларни шаҳар халқи уруб-суруб тапқари чиқарибдилар. Шайбоқхон бу хабарни эшитиб, изтироб билан офтоб чиққанда юз-юз эллик киши билан Оҳанин дарвозасига етиб келди. У уруш қизиган дарвозага келиб эди. Мен билан бўлган озми-кўпми киши миқдори, айтилганидек, маълум эди. Шайбоқхон кўрдик, ҳеч иш қила олмас, тўхтаб турмади, дарҳол қайтиб кета қолди.

У ердан қайтиб келиб, арқда Бўстонсаройга тушдим. Арбоблар ва зодагонлар, шаҳар улўғлари мени келиб кўриб, қутлуғ бўлсинлар қилдилар. Юз қирқ йилга яқин Самарқанд пойтахти бизнинг ихтиёримизда эди. Энди қаерлардаги ёт душманмиз — ўзбак келиб эга бўлиб олган эди. Қўлдан кетган мамлакатни яна Тангри қайтариб берди. Форат бўлган, талон-торож қилинган вилоят тасарруфимизга кирди.

Султон Ҳусайн мирзо ҳам Ҳиротни ушбу йўсинда ёв гофиллигида олган экан. Лекин иш биладиган равшан ва инсофли киши назарида аёндики, бу воқеа билан у ҳодиса орасида кўп фарқ бордир. Аввал буки, Султон Ҳусайн мирзо куп иш кўрган, куп тажрибалар кечирган улўғ ёшли подшоҳ эди. Иккинчиси буки, ганими Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо — ун етти-ўн саккиз ёшли тажрибасиз ўғлон эди. Учинчиси буки, ганимининг ичидан кайфият ва ҳолатни билган киши Мир Али мирохўр Ҳусайн мирзога кишилар юбориб, уни ганим гофил пайтда душман устига келтирди. Тўртинчидан, ганим қўргонда эмас, Боги Зоғонда эди. Султон Ҳусайн мирзо Ҳиротни олган пайтда Ёдгор Муҳаммад мирзо ва яқинлари шундай ичкиликка тушган экандирларки, уша кеча Ёдгор Муҳаммад мирзонинг эшигида уч киши бўлиб, ўзи ҳам, улар ҳам маст эдилар. Бешинчидан, Султон Ҳусайн мирзо ўшанда ганим гофиллигида келди ва уни қўлга олди.

Мен Самарқандни олганимда ўн тўққиз ёшда эдим. На кўп иш кўриб эдим, на тажрибам бор эди. Иккинчиси буки, менинг ганимим Шайбоқхондек тажрибали, кўп иш кўрган ва улуг ёшли киши эди. Учинчиси буки, бизга Самарқанддан ҳеч киши келмасди. Агарчи шаҳар халқи менга нисбатан кўнгиллик бўлсаларда, бироқ Шайбоқхоннинг қўрқинчидан ҳеч киши бу хаёлни қила олмас эди. Туртинчиси буки, менинг ганимим қўргонда эди: ҳам қўргон олинди, ҳам ганим қочирилди. Бешинчиси буки, бир мартаба Самарқандни олиш мақсадида келиб, ганимга сездириб қўйиб, иккинчи мартаба келганда Тангри ишимни тўғрилади: Самарқанд эгалланди.

Бу айтганларимдан мақсад элга таъна қилмоқ эмас, воқеанинг ҳақиқати шу эдики, бу ерда ёзилди. Бу битилганлардан ният ўзимни улугламоқлик эмас, рости шу эдики — ёзилди. Бу галаба хусусида шоирлар воқеанинг шеърӣ тарихини айтган эдилар. Шу жумладан, бир байт хотирда қолган экан.

**Байт:**

*Боз гуфто хиярд, кя таърихаш  
„Фатҳи Бобур баҳодур аст“, бидоя.*

(Байт мазмуни:

*Ақл яна тарихин айлади таҳрир:  
Бобур баҳодирнинг зафар фатҳидир.)*

Самарқанд олингандан сўнг Шовдор, Сўғд ва шу туманлар яқинидаги қўргонлар битта-битта менга томон юзлана бошладилар. Баъзи қўргонлардан ўзбек қалъабегилари ваҳимага тушиб, ташлаб чиқдилар ва баъзи қўргонлар ўзбек кишиларини қувлаб, бизга кирдилар. Баъзилар доругаларни тутиб, қўргонларини биз учун беркитдилар. Ушбу фурсатда Шайбоқхоннинг ҳамда ўзбекларнинг кўчлари ва уруқлари Туркистондан келдилар. Шайбоқхон Хожа Дийдор ва Алиобод туманларида эди. Қўргонларнинг менга бундай кирганлари ва элнинг бу йўсинда қайтганини кўриб, ўтирган еридан Бухоро сари кетди. Тангри инояти билан Сўғд ва Миёнкол қўргонлари уч-тўрт ойда аксар бизга томон юзландилар. Боқи тархон ҳам фурсат топиб Қарши қўргонига кирди. Хузур ва Қарши ҳам ўзбеклар тасарруфидан чиқди. Қоракул-

ни ҳам Марвдан Абулмуҳсин мирзонинг кишиси келиб олди. Ишимиз роса тараққий устида бўлди.

Менинг волидаларим, куч ва уруқларим мен Андижондан чиққандан сўнг юз ташвиш ва машаққатлар билан Уратепага келган эдилар. Киши юбориб Самарқандга келтирдик. Уша кеча-кундузлари Султон Аҳмад мирзонинг қизи Ойиша Султонбегимдан, биринчи маротаба менинг никоҳимга кирган киши шу эди, бир қиз бўлди. Унга Фахрунисо исми қўйилди. Менинг тўнгич фарзандим шу эди. Уша пайтда мен ўн тўққиз ёшда эдим. Уша бир ой-қирқ кун ичида уни Худо раҳматига олди.

Самарқанд галабасидан сўнг атроф-теваракдаги кариллаган ва дағдағали хонлар, султонлар, амирлар ва чек-чегарадагиларга кумак ва мадад сўраб мунтазам элчилар, хабарчилар бордилар ва келдилар. Баъзилари тажрибалиликларига қарамай енгилтаклик билан инкор қилдилар. Беодобликлар ва нохушликлар кўрган айрим табақалар хавф-хатардан қўрқиб, уларини билиб-билмасга солдилар. Кумак юборган баъзиларга келсак, кўнгил тўларли эмас эди. Бу ҳолатларнинг ҳар бири ўз вақтида ҳали қайд этилади.

Бу иккинчи навбат Самарқандни олганимизда Алишербек тирик эди. Бир навбат менга мактуби ҳам келган эди. Мен ҳам бир мактуб юбориб эдим: орқасида туркий байт айтиб, битиб юбориб эдим. Жавоб келгунча талатўп — гавготўполонлар бўлди.

Шайбоқхон Самарқандни олганда, Мулло Биноийни мулозим қилиб эди. Шайбоқхон билан бирга эди. Самарқанд фатҳидан бир неча кун ўтиб у Самарқандга келди. Қосимбек ундан гумонсираб, унга Шаҳрисабз сари „рухсат“ берди. Бир неча кундан сўнг, фазилатли киши бўлгани ва ҳеч қандай гуноҳ содир қилмагани учун уни Самарқандга келтирдик. Доим қасида ва газал манзур қилар эди. Навода бир куйни менга атаб манзур этди. Уша пайтда бир рубоий ҳам айтиб манзур қилди.

**Рубоий:**

*Не галла маро к-аз у тавонам нушид,  
Не муҳмали галла то тавонам нушид.*

*Онроки на хурдан асту не нушидан,  
Дар илму ҳунар кужо тавонад кушид.*

(Мазмуни:

*Еб-ичгани мева на нон, галлам бордир,  
Пулсизликдан на кийим, на саллам бордир.  
Еб-ичгани ва кийгани нарсам йўг-у  
Қандай дейман: илҳом тула каллам бордир?)*

У фурсатларда битта-иккита байт айтар эдим. Лекин бутун ғазал ёзмаган эдим. Биргина туркий рубоий айтиб юбордим:

**Рубоий:**

*Ишлар бори кунглувдагидек булгусидур,  
Инъому вазифа бори буйрулгусидур.  
Ул галлау муҳмалки деб эрдинг, бердим,  
Муҳмалга бую галладив уй тўлгусидур.*

Мулло Биноий бу рубоийнинг биринчи мисрасининг қофиясини радиф қилиб, бошқа қофия билан бир рубоий ёзиб манзур этди:

*Мирзомки, шоҳи баҳру бар булгусидур,  
Оламда ҳунар бирла сар булгусидур.  
Бир муҳмал учун мунча июнат бўлди,  
Мустаъмал агар десам, велар  
булгусидур.*

У фурсатда Хожа Абулбарака Фирокӣ Шаҳрисабздан Самарқандга келиб эди. Дедики: „Ўша радиф ва қофияда айтмоқ керак эди“. Ушбу рубоийни Хожа Абулбарака айтди.

**Рубоий:**

*Бу жаврки қилди давр сўрулгусидур,  
Султони карам бу узрив қўлгусидур.  
Тўкулган агарчи тўлмас, эй соқий,  
Тўкулгонимиз бу даврада тўлгусидир.*

Бу қишда ишимиз куп тараққийда эди. Шайбоқхоннинг иши таназулда эди.

Бу аснода бир-икки ярамасроқ иш бўлди. Марвдан келиб Қорақулни олганлар уни сақлай олмадилар. Қорақул яна ўзбаклар қарамоғига кирди. Қалъаи Дабусийда Иброҳим тархоннинг Аҳмад тархон номли иниси ҳоким эди. Шайбоқхон келиб қамал қилди. Биз лашкар йигиб аслаҳа тайёрлагунча, зўрлаб олди. Элни тамоман оммавий қатл қилди.

Мен Самарқандни олганимда саноқли икки юз қирқ кишим бор эди. Беш-олти ойнинг орасида Тангри таолонинг июноти билан шунча бўлдики, Шайбоқ-

хондек киши билан Сарипулда саф тортиб урушдик. Бу ҳақда энди ёзилади.

Теварак ва атрофдагилардан: хондан Айюб Бекчик, Қашқа Маҳмуд ва боринлар тўрт-беш юз киши билан кўмакка келган эди. Жаҳонгир мирзодан Танбалнинг иниси Халил юз-икки юз киши билан кўмакка келган эди. Султон Ҳусайн мирзодек тажрибали подшоҳдан, Шайбонийхоннинг феъл-атворини мирзодан яхшироқ киши билмас эди, ҳеч киши кўмакка келмади. Бадиуззамон мирзодан ҳам киши келмади. Хисравшоҳ ҳам қўрқувдан одам юбормади. Бу хонадонга нисбатан ундан ҳаддан кўп ёмонликлар содир этилган эди, худди қайд этганимиздек, биздан жуда қўрқарди.

Шаввол ойида Шайбоқхон билан урушмоқ мақсадида сафар қилиб Боғи Навга чиқдим. Беш-олти кун Боғи Навда лашкар йигмоқ ва аслаҳани тайёрлаш маслаҳати учун ўтирилди. Боғи Навдан отланиб кўч-кўчлашиб йўлга тушдик. Сарипулдан ўтиб тўхтадик. Ўрда гирд-атрофини тамоман шох, хандақ билан ўраб, эҳтиёт қилиб мустаҳкамладик. Шайбоқхон наридан келиб Хожа Кордзан мавзесида тушди. Ора тахминан бир йигочча келарди. Тўрт-беш кун бу юртда ўтирилди. Бизнинг кишимиз ва ганим кишиси кунда наридан келиб, беридан бориб, отишиб келишар эди. Бир кун ганим одамлари кўпроқ келди. Хийла уруш бўлди. Ҳеч кимга галаба насиб этмади. Бизнинг байроқдоримиз енгиллик қилиб ортга қайтиб хандаққа кирипти. Баъзилар уни Сайди Қаробек байроғи эди, дедилар. Сайди Қаро гарчи сўзининг устидан чиқадиған киши эса-да, қиличга келганда кучсизроқ эди.

Ушбу пайтлари Шайбоқхон бир кеча тунги босқинга келди. Лашкаримиз атроф айланаси шох-шабба, хандақ билан мустаҳкам ва маҳкам қилинганди. Келиб ҳеч иш қила олмади. Хандақнинг ташқарисидан сурон солиб, бирмунча ўқ отиб қайтишди. Уруш ишига мен саъю-ҳаракат қилдим. Қанбар Али ҳам бўш келмасди. Боқи тархон минг-икки минг беш юз киши билан Кешга тушипти, икки кунда бизга келиб қўшилади. Сайид Муҳаммад мирзо дуғлат ҳам хон бобом қошидан кўмакка келиб, минг-минг беш юз киши билан

Диюлга тушипти. Орадаги масофа тўрт йигоч йулдир. Эрталаб бизга қўшилишадди. Ана шундай пайтда шошилдик, урушдик.

*Ба тунди сабук даст бурдан ба тиг,  
Ба давдон газад пушти дасти дариг.*

(Мазмуни:

*Газабдан ханжарга қўл чўзган киши,  
Афсус бармоғини тишлашдир иши.)*

Менинг гайратимнинг сабаби шу эдики, уруш кунини саккиз юлдуз оралиқда эди. Агар у кундан ўтса, ун уч-ўн тўрт кунгача саккиз юлдуз ганимнинг орқа томонида бўларди. Бу мулоҳазалар ҳеч нарса экандир. Ўринсиз шошилибмиз. Эрталаб уруш нияти билан совут кийиб, отларга зирҳли ёпинчиқлар солиб, баронгор (ўнг қанот), жавонгор (чап қанот), гул (лашкар марказида шоҳ турадиган жой), ировул (ҳужумчи қисм) тузиб, сафланиб отландик. Ўнг қанотда Иброҳим сору, Иброҳим Жоний, Абулқосим кўҳбур ва яна баъзи беклар; чап қанотда Муҳаммад Мазид тархон, Иброҳим тархон, яна Самарқанд бекларидан Султон Ҳусайн аргун, Қаро барлос, Пир Аҳмад, Хожа Ҳусайн; гулда Қосимбек ва яна баъзи яқин ичкилар турди. Ировулда Қанбар Али саллох, Банда Али, Хожа Али, Миршоҳ қавчин, Саййид Қосим эшикоға, Холдор, Банда Алининг иниси Қуч, Ҳайдар — Қосимбекнинг ўғли эдилар. Ҳозир бўлган сара йигитлар ва ичкиларнинг ҳаммаси ировулга қўйилган эди.

Биз саф тортиб чиққач, ганим ҳам рўпарадан сафланиб пайдо бўлди. Ўнг қанотда Маҳмуд Султон, Жонибек Султон, Темур Султон, чап қанотда Ҳамза Султон, Маҳдий Султон ва яна баъзи султонлар келар эди. Сафлар яқинлашгач, ганимнинг ўнг қанотининг учи бизнинг орқамиз сари бурилди. Мен ҳам олға қараб, улар сари юрдим. Бизнинг иш кўрган, қилич чопган йигитларимизнинг ҳаммаси ировулга қўйилган эди, улар ўнг қўл сари қолди. Олдимизда ҳеч киши қолмади. Шунга қарамай, илгари келган кишиларини уриб, қайтариб, гулига тиқдик. Шу даражага етдики, ганимнинг баъзи қари улуғлари Шайбоқхонга: „Юриш керак, тўхтаб турмоқнинг вақти ўтди“ дейишипти. Ўзи тўхтаб турипти.

Ганимнинг ўнг қаноти бизнинг чап қанотимизни босиб орқага айланди. Ировул ҳам ўнг қўл сари қолиб, олдимиз яланг бўлди. Кейиндан ва олдиндан ганим кишилари зўрлаб ўқ ёғдиришга киришди.

Бизга кумакка келган мўғул лашкарининг урушга тоқатлари йўқ эди. Урушмоқни қўйиб, ўзимизнинг элниёқ талаб, отдан туширишга киришдилар. Бир бу гал эмас, ҳамиша бадбахт мўғулнинг одати ана шунақа. Босса ҳам ўлжа олади, бостирса ҳам ўз элини талаб, ўлжа олади.

Олдимиздагиларни қаттиқ бостириб келганда, бир неча мартаба уриб қайтардик. Илгаридан ҳам бостириб келдилар, кейин бизнинг ортимизга ўтиб олган қисм ҳам байрогимиз томонга ўқ ота бошлади. Илгаридан ва кейиндан бостириб келинди. Бизнинг элни саросимага солдилар.

Ўзбакнинг урушда бир улуг ҳунари ушбу тўлғамадир, яъни жангга тинимсиз аскар солиб туришдир. Ҳеч уруши тўлғамасиз бўлмайди. Бундан ташқари, илгари ва кейин беку навкарлар мунтазам ўқ ёғдириб сафни сақлаб келадилар, қайтганда ҳам тартиб билан саф бўлиб қайтадилар.

Мен билан ўн-ўн икки киши қолиб эди. Кўҳак дарёси яқин эди. Ўнг қанотнинг учи дарёга тўқиниб эди. Дарё томонга йўналдик. Кўҳак дарёсининг энг тўлиб оқадиган пайти эди. Дарёга етишимиз билан зирҳланган ҳолатимизда сувга кирдик. Ярмидан кўпроғига юриб келинди. Ундан сўнг сузиб ўтишга тўғри келарди. Бир ўқ отими масофани отда сузиб ўтдик. Сувдан ўтгач, от зирҳларини кесиб ташладик. Сувдан шимол сари утилгач, ёвдан ажрашдик. Лекин якка-яримни туширувчи, ялангочловчи — ҳаммаси шум мўғулларимиз эди. Иброҳим тархонни ва яна анча зўр-зўр йигитларни мўғуллар талаб, отдан тушириб зое қилдилар. Кўҳак дарёсининг шимол тарафи билан Қулба атрофида Кўҳак дарёсини кечиб ўтдик.

Икки намоз орасида Шайхзода дарвозасидан кириб аркка келдим. Улуғ-улуғ беклар, яхши-яхши йигитлар ва кўп киши бу урушда нобуд бўлди. Иброҳим тархон, Иброҳим сору ва Иброҳим Жоний, буни қарангки, бир урушда уч Иброҳим исмли бек нобуд бўлди. Яна Абулқосим кўҳбур, Ҳайдар Қосимбекнинг

улуғ уғли Худойберди байроқдор, Худойберди барлос, Султон Аҳмад Танбалнинг бурунроқ бир неча марта қайд этилган иниси Халил шу урушда нобуд бўлдилар. Яна баъзилар ҳар тарафга қочдилар. Шу жумладан, Муҳаммад Мазид тархон Хисравшоҳга — Ҳисор ва Қундуз сари кетди. Яна улуғ риоят қилган бегимиз Қанбар Али саллох мўғул, шунча эътибор топган бўлса-да, шундай пайтда ҳамжиҳатлик қилмай, Самарқанддан кўчини олиб, бу ҳам Хисравшоҳ қошига борди. Яна баъзи ичкилар ва йигитлар, чунончи, Каримдод, Худойдод туркман, Жоника кукалдош ва Мулло Бобойи Паптоғарий ҳам кетди. У пайтлари Мулло Бобонавкар эмас эди, меҳмондек юрарди. Уратепа сари кетдилар. Яна баъзилар, Ширим тағойи ҳам жамоати билан, гарчи, биз билан бирга Самарқандга кирган, кенгашиб ўлик-тирикни Самарқанд қўргонининг ичида кўриб, қўргонни беркитмоқчи бўлган бўлса-да, улар сўзларида туришмади. Менинг онам эгачиси, синглиси қўргонда туриб, ҳамма куч ва уруқ, киши-қаросини Уратепага чиқариб юбориб, ўзигина бир неча киши-қароси билан қўргонда турди. Бир бу эмас, доим шундай қаттиқ ишлар тушганда бундай узоқни кўролмаслик ва ҳамжиҳатсизликлар Ширим тағойидан содир бўлгандир.

Эртасига эрталаб Хожа Абулмакорим, Қосимбек, барча беклар, ичкилар ва сўз тегар йигитларни чорлаб кенгашиб, қўргонни беркитиш ва ўлик-тиригимизни қўргон ичида кўришга келишдик. Мен, Қосимбек, ҳузуримдаги ичкилар ва йигитлар билан кумак бўлдик. Бу маслаҳат учун шаҳарнинг уртасида — Улуғбек мирзо мадрасаси томининг устида оқ чодир тикиб утирдим. Бошқа беклар ва йигитларга дарвозаларда, қалъанинг айланаси бўйлаб деворлар устида назорат масофалари тақсимланди.

Икки-уч кундан сўнг Шайбоқхон келиб шаҳар қўргонидан йироқроқ бир ерга тушди. Самарқанднинг маҳалла-маҳалла, торкўча-берккўча бебош ва урушқоқ ёшлари тўда-тўда йигилишиб, чапаниларча ҳайқириқ билан мадраса эшигига келиб, урушга чиқар эдилар. Шайбоқхон урушга отланганда қўргоннинг яқинига ҳам кела олмасди. Бир неча кун шу зай-

лда ўтди. Ўқ ва қилич захму зарбини, жанг майдони, қатл ва ҳарбни кўрмаган бебош ва чапанилар бу муомаладан ботирсиниб дарвозадан йироқ-йироқ чиқа бошладилар. Иш кўрган йигитлар бундай эҳтиётсиз чиқишларни ман этсалар, улар буларга таъна қила бошладилар.

Бир куни Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси сари урушга келди. Шаҳарнинг жангари йигитлари ботирсинганлари учун доимгидек дарвозадан ботирларча ва йироқ чиқдилар. Буларнинг орқасидан баъзи отлик йигитлар чиқарилди. Уштургардан тарафида кукалдошлар ва яқин ичкилар: Ширим, Нуён кукалдош, Қулназар тағойи, Мазид сингарилар ва баъзилар чиққанда уч-тўрт ўзбек буларга от солди. Қулназар билан қиличлашдилар. Келган ўзбек пиёдалари зўрлик қилдилар. Шаҳарнинг чапани жангариларини енгдилар: Оҳанин дарвозасига тиқдилар. Қўчбек ва Миршоҳ қавчин Хожа Хизр масжидининг ёнида тушиб қолдилар. Пиёдаларни чекинтирганлари заҳоти илгариги отлиқлари Хожа Хизр масжидига йигилиб келдилар. Қўчбек чиқиб, ушбу илгари келган ўзбеклар билан яхши чопишиб, мардонавор иш курсатди. Барча одамлар қараб турган эди: олдин қочганлар ҳам тўхтамай қочишарди. Ўқ отишдан ва урушишдан энди наф йўқ эди. Мен дарвозанинг устидан камондан отар эдим. Яна баъзи яқинимдагилар ўқ отар эдилар. Юқоридан ёгилган ўқнинг зарбидан Хожа Хизр масжидидан илгари ўта олмадилар. Уша ерданоқ қайтдилар.

Қамал пайтида қўргон деворининг устида ҳар кеча юрар эдик. Гоҳи мен, гоҳи Қосимбек, гоҳи яна беклар ва ичкилардан баъзилар айланарди. Феруза дарвозасидан Шайхзода дарвозасигача девор устида от билан юрса буларди. Ўзга ерларда яёв юриларди. Баъзилар яёв юриб айланиб чиқарди. Бир айлангунча тонг отар эди.

Бир куни Шайбоқхон Оҳанин дарвозаси билан Шайхзода дарвозаси орасида уруш бошлади. Уруш бу ерда бўлаётгани учун мен кўмакдалигим сабабли бу ерга келдим. Гозуристон дарвозаси билан Сўзангарон дарвозаси тарафига парво қилмадик. Уша куни Шайхзода дарвозасининг устидан ўқ отишда бир бўз отлиқнинг отини камон ўқи билан яхши

отдим. Шу ўқ биланоқ куни битди. Бу оралиқда улар шунчалик бостириб келдиларки, Уштургардан мавзесида қалъа деворининг тубигача етдилар. Биз бунда ҳарбу зарб билан машғул бўлиб, у тарафдан тамоман хабарсиз қэлибмиз; йигирма беш-йигирма олти киши шоти тайёр қилган эканлар, ҳар шотининг кенглиги шунчаликки, уч киши, икки киши ёнмаён чиқа оларди. Етти-саккиз юз зур йигитни бу шотилар воситасида Гозуристон дарвозаси билан Сўзангарон дарвозасининг оралиги тўғрисида пистирма қўйиб, ўзи у тарафдан жанг бошлаган экан. Эли барча бу тараф урушга машғул бўлиб, оралиқ масофа холи бўлган пайтда писиб турган ердан чиқиб, илдам келиб, бу шотиларни икки дарвозанинг оралиги — Муҳаммад Мазид тархон ҳовлисининг тўғрисида биратула қўргон деворига қўйдилар.

Қўчбекнинг, Муҳаммадқули қавчининг ва яна бир булак йигитларнинг қўриқлайдиган ери шу ер эди. Бу йигитлар Муҳаммад Мазид тархоннинг ҳовлисида эдилар. Сўзангарон дарвозаси Қаро барлоснинг қўриқлайдиган жойи эди. Гозуристон дарвозаси Ширим тагойи ва ога-инисининг, Қутлуғ Хожа кўкалдошнинг назорат жойи эди.

Уруш у томонда бўлаётганидан қаровуллар гофилликда қолиб, қулу қуллуқчи иш-куч учун уйига, бозорга бориб, тарқалиб кетган эдилар. Назоратчи беклари бир-икки етим-есир билан қолган эди.

Қўчбек, Муҳаммадқули қавчин, Шоҳ Суфи, яна бир йигит яхши қаршилиқ кўрсатиб мардоналиклар қилди. Қўргон девори устига ёв кишисининг баъзилари чиққандилар, баъзилари чиқмоқда эдилар. Бу мазкур булган тўрт киши югуриб келиб қилич солиб, кучли зарба бериб, душманни тушириб қочирдилар. Ҳаммасидан Қўчбек жасорат кўрсатди. Қўчбекнинг ягона ёқимли ва намунали иши шу бўлди. Бу қамалда икки марта қўли жуда яхши ишга яради. Қаро барлос ҳам Сўзангарон дарвозаси назоратида ёлғиз қолиб эди. У ҳам ғанимни яхши қайтарди. Қутлуғ Хожа кўкалдош ва Қулназар мирзо ҳам ўзларига тегишли назорат жойи — Гозуристон дарвозаси-

да эдилар. Улар ҳам оз киши билан яхши мудофаа қилиб, кўндалангдан яхши жанг қилдилар. Яна бир навбат Қосимбек йигитларни бошлаб, Сўзангарон дарвозасидан чиқиб, ўзбакларни Хожа Кафширгача қувлаб, бир неча кишини асир тушириб, бошини кесиб келди. Дон энди пишган чоғ эди, ҳеч ким ҳали янги дондан шаҳарга киритмаган эди.

Қамал муддати узоққа чўзилди. Элга кўп танқислик бўлди. Шу даражага еттики, фақир ва бечора ит этини, эшак этини ейишга киришди. Отга — хашак тақчил бўлди. Дарахтларнинг баргини отга берар эдилар. Ушанда синалдики, барча япроқлардан тут барги ва қайрағоч япроғи отга яхшироқ эмиш. Баъзилар қуруқ ёғочларни рандалаб, қипигини сувга ивитиб отга берар эдилар. Уч-тўрт ойгача Шайбоқхон қўргоннинг яқинига келмай, йироқдан қўргонни айланиб кўчиб юрар эди. Бир оқшом эл гофил ярим кечага яқин Феруза дарвозаси тарафига келиб, ногора чалиб сурон солдилар. Мен мадрасада эдим. Кўп тараддуд ва дағдаға бўлди. Бундан сўнг ҳар кеча келиб, ногора чалиб сурон солиб, гавго қилар эдилар.

Ҳар қанча атроф ва теварак яқин-йироққа кишилар юборилса ҳам, ҳеч кимдан кўмак ва бирор мадад етишмади. Зўр ва қувватимиз бор булган пайтда ҳеч қандай шикаст ва бирор нуқсон бўлмас эди. Кўмак ва мадад қилмадилар, бундай вазиятда қандай ҳисоб билан мадад қилардилар. Буларга умид боғлаб қамалда қалъани қўриқламоқ тўғри эмас экан.

Бурунгилар дебдурларки, қўргон беркитмоқликка бош керак; икки қўл керак; икки оёқ керак: бош сардор бўлади. Икки қўл — икки томондан келадиган кўмак ва мадад бўлади. Икки оёқ — қўргоннинг захираси билан суви бўлади. Биз бу атроф ва теваракдагилардан кўмак ва мададга кўз тутамиз, уларнинг ҳар қайсиси ўз дарди билан овора.

Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва тажрибали подшоҳ бизга мадад қилмай, кўмаклар бериб элчи юбормай, Шайбоқхонга қамал пайтида Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийни элчиликка юборди.

Танбал Андижондан Пискент туманига келди. Хон ҳам Аҳмадбек ва бир

қисм лашкар билан Танбалнинг рўпарасига чиқди. Лаклакони ва Турок чорбоғи мавзесида юзма-юз бўлдилар. Уруш-туруш бўлмай ажрашдилар. Султон Маҳмудхон уруш одами эмас эди. Сипоҳийликдан жуда баҳрасиз эди. Танбал билан юзлашган пайтда хонда юраксизлар

га хос ҳолат ва кайфият зоҳир булади. Аҳмадбек турк киши эди, бироқ мардона ва хайрихоҳ одам эди. Ажойиб қаттиқ бир гапни хонга айтади: „Бу Танбал ўзи қанчалик кишидирки, бунча таҳлика ва тараддуд тортасиз. Агар кўзингиз қурқса, кўзингизни боғлаб юзлашинг!“

## ТУҶҚИЗ ЮЗ ЕТТИНЧИ (1501-1502) ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

Қамал муддати узоққа чўзилди. Ҳеч тарафдан захира ва озиқ келмади. Ҳеч бир ердан кўмак ва мадад ҳам бўлмади. Лашкар ва халқ ноумид бўлиб, биттадан, иккитадан қўрғонни ташлаб қоча бошлади. Шайбоқхон қўрғон элининг ожизлигини англаб, келиб Ғори ошиқон мавзесига тушди. Мен ҳам Шайбоқхоннинг рўпарасига — Кўйи Поёнда Малик Муҳаммад мирзонинг уйларига келдим. Ушбу кунларда Жаҳонгир мирзонинг ёвлашишига ва Самарқанддан чиқишимизга сабабчи бўлган Узун Ҳасан Хожа Ҳусайн ўғли (бурун буни қайд этган эдик: қанчадан-қанча фитнаю бузғунчиликлар қилган киши) ўн-ўн беш навқари билан келиб қўрғонга кирди. Бу кириши анча мардона кириш эди.

Лашкар ва шаҳар халқига етишмовчилик ва танқислик кўпроқ бўлди. Яқин ва мўтабар кишилар ўзларини қўрғон деворидан ташлаб қоча бошладилар. Синашта беклардан Вайс Шайх ва Вайс Логарий ҳам қочиб қолдилар. Атроф-теваракдан умидимиз мутлақо узилди. Ҳеч тарафдан умид йўқ эди. Озиқ-овқат ва захира кам эди. Бори ҳам тугади. Ҳеч ердан озиқ ва захира келмади.

Ана шундай пайтда Шайбоқхон сулҳ сўзини орага солди. Агар бирор тарафдан умидимиз бўлганида ё захирамиз қолганида, сулҳ сўзига қулоқ солармидик. Зарурат бўлди, наридан-бери сулҳ тузиб, вақт ярим кечага яқинлашганида Шайхзода дарвозасидан чиқилди. Волидам хонимни олиб чиқдим. Яна икки хотин киши чиқди: бири — Бичка Халифа, иккинчиси — Минглик кўкалдош эди. Менинг эгачим Хонзодабегим ушбу чиқишда Шайбоқхоннинг қўлига тушди. Сўгднинг улуг шоҳариқларида қоронғи кечада уриниб, йўл йўқотиб, юз ташвиш билан тонг отганда Хожа Дийдордан ўтиб, чошғоҳда Қорбуг тепалигига тир-

машдик. Қорбуг тепалигининг шимолидан Худак кентининг этаги билан Илонўтини тусмоллаб жўнадик. Йўлда кетишда Қанбар Али ва Қосимбек билан от чоптирдик. Менинг отим ўтди. Уларнинг оти орқада қолганини кўриш хаёлида қайрилиб қарадим. Айил бўшаб қолган экан, эгар айланиб кетди. Бошим билан ерга йиқилдим. Гарчи ўша заҳоти урнимдан туриб отга миниб олган бўлсам-да, эсим оқшомгача аслига келмади. Бу оламда ўтган воқеалар туш ва хаёлдек кўзим ва кўнглимга кўринар, кечар эди.

Кечқурун аср намози чоғи Илонўтида тушиб, от сўйиб этини кабоб қилдик. Отларни бироз тиндириб сўнг йўлга тушдик. Тонг отмасидан Халилия қишлоғига етиб тўхтадик. Халилиядан Дизакка келинди. У фурсатда Дизакда Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдойнинг ўғли Тоҳир дўлдой қўрғонбеги эди. Семиз гўштлар ва нон арзон, чучук қовун ва яхши узумлар фаровон. Ундай машаққатдан бундай арзончилик ва ундай фалокатлардан бундай омонликка келдик.

*Ваҳму усраттин амоние топтуқ,  
Янги жон, тоза жаҳоне топтуқ.*

(Мазмуни:

*Қўрқув, қаҳатликдан омонлик топдик,  
Янги жону янги жаҳонлик топдик.)*

Ўлим ваҳимаси кўнгилдан кўтарилиб, очлик шиддати элдан даф бўлди. Умримизда бунча фароғат қилмаган эдик. Умр бўйи омонлик ва арзончилик қадрини бунчалик билмагандик. Ишрат фалокатдан сўнг, фароғат машаққатдан кейин лаззатлироқ ва яхшироқ кўринадди. Тўрт-беш маротаба ана шундай кўргиликлардан роҳатга ва машаққатдан фароғатга қайтганмиз. Биринчиси мана шу эди. Ўшандай душман балосидан ва очлик азобларидан халос бўлиб,



омонлик роҳати ва арзончилик фароғатига етишдик. Уч-турт кун Дизакда истироҳат қилдик. Ундан сунг Уратепа сари йўлга тушдик. Пашоғар йўлдан бироз чеккароқда. Унда илгари бир муддат бўлгандим, ўтиб кетишда бориб уни сайр қилдим.

Пашоғарнинг қўргонида узоқ вақтлардан буен менинг онам хонимга хизмат қиладиган отин уловсизлик туфайли Самарқандда қолган эди, учраб қолди, кўришдим, сўрашдим. Самарқанддан бу ерга яёв келибди.

Менинг онам хонимнинг синглиси Хуб Нигорхоним оламдан ўтган экан. Уратепада хонимга ва менга эшиттирдилар. Отамнинг онаси ҳам Андижонда вафот қилган экан, уни ҳам шу ерда эшитгим.

Хоним отамнинг фожиали ўлими боис оналари, инилари, сингиллари, Шоҳбегим, Султон Маҳмудхон, Султон Нигорхоним ва Давлат Султонхонимни кўролмаган эди. Жудолик муддати ўн уч-ўн тўрт йилга чўзилганди, тугишганларни кўриш учун Тошкандга йўл олдилар.

Мен Муҳаммад Ҳусайн мирзо билан сўзлашиб, Уратепа кентларидан Даҳкат деган ерда қишламоқчи бўлдим. Бориб хонадон аҳлини Даҳкатга қўйиб, бир неча кундан сунг Шоҳбегимни, хон тоғамни ва хон уруғ-аймоқларни кўргани мен ҳам Тошкандга жўнадим. Бориб Шоҳбегим ва хон тоғамга мулозамат қилиб, бир неча кун уша ерда булдим. Онамнинг тугишган опаси Меҳр Нигорхоним ҳам Самарқанддан келди. Менинг онам Қутлуг Нигорхоним оғриб қолди, анча ёмон оғриди. Қаттиқ хатарларни ўтказди.

Ҳазрати Хожаго Хожа Самарқанддан чиқиб келиб, Фаркатда утириб эдилар. Фаркатга бориб Хожани кўрдим. Хон тоғам лутф ва марҳамат йўлини тутиб, вилоят ва туман берар, деган умидда эдим. Уратепани ваъда қилдилар. Муҳаммад Ҳусайн мирзо бермади. Билмадим, узича бермадими ё юқоридан ишора бўлдимми?

Бир неча кундан кейин (Даҳкат Уратепанинг тоғ этаги кентларидандир, улуг тоғнинг тубида жойлашган. Бу тоғдан ўтгач, Масчо келади. Эли гарчи сорт ва қишлоқда яшасалар-да, турклардек гала

ва сурувли эллардир. Даҳкатнинг қўйини қирқ минг ҳисоблар эдилар) шу кентдаги аҳолининг уйларига жойлашдик. Мен бир каттароғининг уйига тушдим, қари киши, олтмиш-етмишларда эди, лекин ҳали ҳам онаси бор эди. Анча умр кўрган хотин эди: бир юз ўн бир ёшда эди. Темурбек Ҳиндустонга кирганда бу хотиннинг уругидан бири ўша лашкарда бўлган экан. Уни эслаб, ҳикоя қилиб берарди. Бир Даҳкатда шу хотиннинг ўзидан тугилган, неварара, қиз неварара ва неваранинг невараларидан тўқсон олти киши яшарди, ўлганлари билан икки юзта ҳисоб қилишарди. Неварасининг невараси йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги, қоп-қора соқолли бир йигит эди.

Даҳкатда эканимизда, Даҳкатнинг теварак-атрофидаги тоғларни ҳамиша яёв юриб, сайр қилардим. Аксар ялангоёқ юрардим. Ялангоёқ кўп юрганимдан оёқларим тоғ ва тошни тафовут қилмай қолган эди. Ушандай сайр пайти— бир куни намозгар билан намозшом орасида бир ингичка сезилар-сезилмас йўлдан бир қорамол тушиб борар эди. Мен дедимки: „Бу йўл қаёққа борар экан? Қорамолдан кўзни узманг, қорамолни йўқотманг, токи йўлнинг қаерга олиб бориши маълум бўлгай“. Хожа Асадуллоҳ лутф қилиб шундай деди: „Гов гум шавад чи кор кунем?“\*

(Мазмуни: қорамол йўқолса нима қиламиз? Қоронғи тушса нима қиламиз?).

Ушбу қиш аскарларимиздан баъзиси биз билан ҳарбий сафарларда юра олмай, Андижонга кетиш учун рухсат сўрадилар. Қосимбек тўлиб-тошиб: „Бу киши бораётган экан, Жаҳонгир мирзога ўз махсус кийимларингизни юборинг“, — деди. Бир оқ қундуздан тикилган қалпогимни юбордим. Қосимбек яна, Танбалга ҳам бир нима юборсангиз бўлмайдимми? — деб қизиқтирди. Хоҳламасам-да, Қосимбекнинг қизиқтириши туфайли Нуён кўкалдошнинг Самарқандда ўзи ясаган бир эгик ясси қиличи Танбалга юборилди. Менинг бошимга теккан қилич ушбу қиличнинг ўзи эди. Бу кейинги йил воқеаларида зикр этилади.

\* Гов гум шавад — қорамол йўқолса; говгум — қоронғи тушиши.

Бир неча кундан сўнг, мен Самарқанддан чиққанда қолиб кетган улуг онам Эсон Давлатбегим, Самарқандда қолган куч-уруг оч ва озиб-тўзган ҳолда келдилар. Ушбу қиш ўртасида Шайбонийхон музлаган Хўжанд сувини кечиб, Шоҳрухия ва Пискент атрофларига ҳужум қилди. Хабар келгач, кишимизнинг озлигига қарамай, тез отландик. Хўжанднинг қуйисидаги кентлари, Ҳаштияк тўгриси билан йўлга тушдик. Совуқнинг зарби жуда кучли эди. Бу ерларда Ҳодарвеш шамоли тинмайди, ҳамиша қаттиқ эсади. Шу даражада совуқ эдики, ўша икки-уч кун орасида икки-уч киши совуқнинг шиддатидан ўлган эди. Менда гуслга эҳтиёж бор эди. Ёқаларини қалин муз қоплаган, сувнинг тезлиги боис ўртаси музламаган бир ариқдаги сувга кириб гусл қилдим. Ўн олти маротаба сувга шўнғидим. Сувнинг совуқлиги хийла таъсир қилди.

Эртасига Хўжанд сувидан Хослар тўгрисида муз устидан юриб ўтдик. Дарёдан ўтиб, тун бўйи юриб Пискентга келдик. Шайбоқхон ҳам Шоҳрухия атрофларини талаб, қайтиб кетипти. У фурсатда Пискент Мулло Ҳайдарнинг ўғли Абдулманнонда эди. Абдулманнондан кичикроқ Мўмин исмли бир ярамас ва ҳавойи ўғли Самарқандда эканимда менинг қошимда эди, имкон қадар эътибор кўрсатгандим. Билмадим, Нуён кўкалдош Самарқандда унинг билан қандай ёмон муомала қилибдики, бу... кек сақлаган экан. Ўзбек ҳужумчисининг қайтгани ҳақида хабар келгач, хон қошига киши юборибди.

Пискентдан кўчиб Оҳангарон кентларида уч-тўрт кун тўхтаб қолдик. Самарқанддаги ошнолик туфайли Мулло Ҳайдарнинг ўғли Мўмин Нуён кўкалдошни ва Аҳмад Қосимни, яна баъзиларни зиёфатга чорлайди. Мен Пискентдан кўчганимда, бу гуруҳ Пискентда қолди. Бу жамоага бир жар ёқасида зиёфат беришади. Биз келиб Оҳангарон кентларидан Сомсийрак деган кентга тушдик. Эртасига Нуён кўкалдош жарликдан мастликда йиқилиб ўлибди, деган хабар келди. Нуённинг туғишган тоғаси Ҳақназарни яна бир гуруҳ киши билан юбо-

рилди, бориб Нуённи йиқилган еридан топиб, эҳтиёт қилиб, Пискентда тупроққа топшириб келдилар. Булар суҳбат қурган ердан бир камон ўқи отими нарида баланд бир жарнинг остида Нуённинг улигини топибдилар. Баъзилар, Мўмин Самарқанддаги гинани сақлаб, Нуёнга қасд қилган, деган гумонга ҳам боришди. Ҳақиқатини ҳеч ким билмади. Менга бу ҳол жуда қаттиқ таъсир қилди. Кам кишининг ўлимидан бунча таъсирланган эдим. Бир ҳафта, ўн кунгача ҳамиша йиглардим. Улимнинг абжад ҳисобидаги санаси — „фавт шуд Нуён“ (Нуён вавот этди) сўзларида топилди.

Бир неча кундан сўнг Даҳқатга қайтиб келдим. Баҳор бошланиши билан Шайбоқхоннинг Уратепа устига келиши ҳақида хабар бўлди. Даҳқат текис ер бўлгани учун Оббурдан довони билан тоғли Масчога ошдик. Масчонинг пастки кенти Оббурдандир. Бу Оббурдандан қуйироқда бир чашма бўлиб, бу чашма тепасида бир мазор турипти. Ушбу чашмадан юқориси Масчога қарашли. Қуйиси Палгарга тааллуқлидир. Ушбу чашма бошида, унинг ёқасидаги тошга бу уч байтни ўйиб ёздирдим:

*Шунидамки, Жамшеди фаррухсирешт,  
Ва сарчашмае бар санге навишт:  
„Бар ин чашма чун мо баса дам задавд,  
Бирафтавд то чашм барҳам задавд.  
Гиррифтем олам бо мардию зур,  
Ва лекия набурдем бо худ ба гур“.*

(Мазмуни:

*Эшитганим борки, Жамшиддек номдор  
Бир булоқ тошига ёздирди ёдгор:  
„Бу булоқ бошига куплар етдилар,  
Куз юмиб очгунича йитиб кетдилар.  
Мардлигу зурлик-ла оламини олдик,  
Лекия қабристонга қуруқ йўл солдик“.)*

Бу тоғли масканда тошга ўйиб байт ва нарсалар битиш одатдир. Ушбу Масчога эканимизда, шоир Мулло Ҳижрий Ҳисор тарафидан келиб мулозамат қилди. Ушбу матлаъни ўша пайтлари битган эдим:

*Такаллуф ҳар неча суратта бўлса,  
ондин ортуқсен,  
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф  
жондин ортуқсен.*

Шайбоқхон Ұратепанинг теваарак-атрофларига келиб, бир сира бузгунчилик қилиб қайтди. Шайбоқхон Ұратепанинг устида эканида кишимизнинг озлигига ва яроқсизлигига қарамай, ёв эшик олдига келганда имконни қўлдан чиқармаслик учун Масчодаги хонадонни қўйиб, Оббурдан довонидан ошиб Даҳкат кентига келдик. Шайбоқхон дарҳол қайтиб кетди.

Яна довон ошиб Масчога келдик. Вилоятимиз йўқ, еримиз йўқ, тогдан-тоққа бундай сарсону саргардон ошмоқ, турмоқ беҳуда, деган фикрга келдик. Хон ҳузурига — Тошкандга, фақат Тошкандга бормоқ керак. Қосимбек бу юришга рози бўлмади. Илгари битгандик, у Қорабулоқда забт ва сиёсат учун уч-турт мўгулни ўлдиртирган эди. Афтидан, ана шунга кўра у боришга иккиланди. Куп тушунтиришга уриндик, бўлмади. Оганини ва тобелари, таниш-билишлари билан Ҳисорга йўл олди.

Биз Оббурдан довонидан ошиб, хон ҳузурига Тошкандга равона бўлдик. Шу пайтлари Танбал лашкар тортиб Оҳангарон тоғи этакларига келди. Лашкар ичида Муҳаммад Ҳисорий номи билан машҳур бўлган Муҳаммад дуглат, яна укаси Султон Ҳусайн дуглат, Қанбар Али саллох келишиб олиб Танбалга қасд қилдилар. Бу ҳолатни Танбал сезгач, улар тура олмадилар: хон қошига қочиб келдилар.

Қурбон ҳайити Шоҳрухияда ўтди. Тўхтовсиз юриб, хон ҳузурига — Тошкандга бордим. Бу рубойни айтиб эдим. Яхши қофиялаштиришда иккилангандим. У пайтда шеър истилоҳлари талабларига унчалик қаттиқ амал қилмасдим. Хон хуштабъ киши эди, шеър битарди, гарчи тузукроқ газали кам бўлса-да, бу рубойни хонга манзур этиб, тараддудимни арз қилдим. Кўнгил тингудек қоникарли жавоб топмадим. Афтидан, шеър истилоҳлари талабларига камроқ риоя қилиб ёзилгандир. Рубой ушбудир:

*Ёд этмас эмиш кишини меҳнатта киши,  
Шод этмас эмиш куйгулни*

*гурбатта киши.*

*Куйглум бу ғариблиқта шод улмади ҳеч,  
Фурбатта севунмас эмиш,*

*албатта, киши.*

Сўнгра маълум бўлдики, туркий сўзларда жой тақозоси билан „г“ (то), „д“ (дол), яна „ғ“ (гайн), „қ“ (қоф) ва „к“ (коф) бир-бирлари билан алмашилиб қолар экан.

Бир неча кундан сўнг Танбал Ұратепа устига келди. Бу хабар етгач, хон Тошканддан лашкар жўнатди. Пискент билан Сомсийрак орасида чап қанот ва ун қанотни сафга тизган эдим, келиб кўрдилар. Мўгул таомилича туг боғладилар. Хон отдан тушди. Тўққиз тугни хоннинг олдига тургизиб, бир мўгул молнинг ўрта илигига бир узун оқ бўзни боғлаб, қўлига тутиб олган. Яна уч парча узун бўзни уч тугнинг тутқичидан қуйроқ боғлаб, тугнинг дастаси остидан олиб келтирдилар. Бир бўзнинг учини хон босиб турди. Яна бир тугга боғланган бўзнинг учини мен босиб турдим. Яна бир бўзнинг учини Султон Муҳаммад Хоника. У мўгул бўз боғлаган молнинг ўрта илигини қўлига олиб, мўгулча сўзлардан бир нималар деб тугга қараб ишора қилади. Хон ва барча турганлар туг сари қимизлар сочадилар. Барча карнай ва ногораларни бир йўла чаладилар. Сафда турган лашкар халқи бир йўла сурон солади. Уч маротаба ана шундай қиладилар. Ундан сўнг отланиб, сурон солиб, шунча лашкар атрофида югурадилар. Мўгул орасида Чингизхоннинг тузуги ҳозиргача нақ Чингизхон давридагидекдир.

Ўнг қанот ун қанотда, чап қанот чап қанотда, марказ марказда, ҳар ким отабобосидан қолган еридагина туради. Ўнг қанот ва чап қанотда кимнинг эътибори кўпроқ бўлса, сафнинг бошроғида турадилар.

Ўнг қанотда чароси билан бекчик уруги ҳамиша саф бошига чиқишга интиладилар. У фурсатда чароси уругининг туманбеги Қашқа Маҳмуд эди, анча мардона йигит эди. Номи ҳам туманга машҳур бўлган Бекчик туманининг туманбеги Айюб Яъқуб эди. Бошга чиқмоқ учун урушдилар. Бир-бирларига қиличлар кўтардилар. Охири, афтидан, шундай қарорга келинди: айлана олиб урушишда бири бошга чиқади, сафда турганда иккинчиси бошга чиқади.

Эртаси Сомсийрак туманида давра олиб овга чиқдилар. Келиб Турок чорбо-

гига тушилди. Ниҳоясига еткизган газални шу куни ушбу юртда тугатдим. У тугалланган газал будир:

Матлаъ:

*Жонимдин узга ёри вафодор топмадим,  
Кунглумдин узга маҳрами асрор  
топмадим.*

Бу газал олти байтдир. Бундан сунг ёзилган ҳар бир газал ўша тартиб билан битилди.

Бундан куча-куча Хужанд дарёсининг соҳилига келдилар. Бир куни сайр та-

риқасида сувдан ўтиб, таом пишириб, йигитлар ва хизматкорларни шўхликка солдик.

Ушбу кун менинг отим айилининг олтин илгагини ўгирладилар. Эртаси саҳарлабоқ Хонқули Баёнқули билан Султон Муҳаммад Вайс қочиб Танбалнинг олдига бордилар. Гарчи ҳақиқат маълум бўлмаса-да, барча бу ҳаракат шулардан содир бўлган, деб гумон қилди. Аҳмад Қосим кўҳбур ҳам ижозат сўраб Ўратепага кетди. У ҳам шу кетганича қайтмади. Танбалга қушилиб кетди.

## ТУҶҚИЗ ЮЗ САККИЗИНЧИ (1502-1503) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Хоннинг бу юриши бефойдароқ юриш эди — қўргон олиш ва ёвни босиш йўқ: бордилар, келдилар. Тошкандда бўлган пайтимда, хийла муҳтожлик ва хорлик тортилди, вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкарлар аксар тарқади, мен билан қолган саноқли кишилар эса йўқсилликдан менинг билан юролмас эдилар.

Хон тоғамнинг эшигига борсам, гоҳ бир киши, гоҳо икки киши билан борардим. Бироқ яхшилиги шу эдики, улар ёт эмас, қариндошларим буларди. Хон тоғамга кўриниш бериб, Шоҳбегим ҳузурига борардим. Уз уйимдек бошланг, оёқяланг кирар эдим.

Охири бундай саргардонлик ва бу хил қўнимсизлик жонимга тегди. Дедимки: „Бундай қийинчилик билан тирик бўлгунча, бош олиб йўқолиб кетсам яхшироқ. Бу хил хорлик ва зорлик билан элга кўрингунча оёгим етганча кетсам яхши. Хитойга бормоқни ният қилиб, бош олиб кетиш ҳаракатига тушдим. Кичикликдан бери Хитой тарафларига ҳавасим бор эди. Бироқ салтанат ва бошқа боғланишлар туфайли бу ният муяссар бўлмасди. Салтанат ҳам кетди. Онам ҳам оналарига, иниларига қўшилди. Сафар монеликлари бартараф бўлди, у дағдагалар даф бўлди“. Хожа Абулмакорим воситачилигида ушбу сўзни хонга етказишни сўрадим: Шайбоқхондек ганим пайдо бўлди, унинг зарари туркка ва мўгулга баб-баравардир. Ҳали ҳозирча у ерли халқни яхши босиб олмай туриб, кўп кучаймасидан туриб бу-

нинг фикрини қилмоқлик керак. Негаки, демишлар:

*Имруз биқуш чу метавон кушт,  
Оташ чу балайд шуд жаҳон сўхт.  
Магзорки зиҳ кунад камонро,  
Душман чу ба тир метавон дўхт.*

(Мазмуни:

*Бугун ёвни маҳв эт қўлингдан келса,  
Олов кучайдими: ёнади жаҳон.  
Душманга ўқингни аёвсиз отгин,  
Камон уқлашига бермагин имкон.)*

Кичик хон тоғам ҳам йигирма тўрт-йигирма беш йилдирки, мулоқот қилмайдилар, мен ҳам уларни кўрган эмасман. Мен борсам ва кичик хон тоғамни кўрсам, ҳам мулоқот қилишга восита излаб, бунинг ҳаракатида бўлсам булармикан. Мақсадим шу баҳона билан бу оралардан чиқиш эди. Мўгулистон ва Турфонга борганда эса, ҳеч қандай тўсиқ ва ваҳима қолмайди, ўз жиловим ўзимнинг қўлимда булади. Бу хаёлимдан ҳеч киши воқиф эмас эди, бировни бундан хабардор ҳам қилиб бўлмасди. Чунки онамга ҳам бундай сўзларни айтиб бўлмасди. Яна менинг атроф-теварагимда юрган бир неча катта-кичикларнинг ҳар бири умидворлик билан менга эргашиб саргардонликни бирга тортмоқдалар. Уларга ҳам бундай гапларни айтишнинг ҳеч қизиги йўқ эди. Хожа Абулмакорим Шоҳбегимга ва хон тоғамга бу сўзни айтгач, улар розилик беришармикан? Яна кўнгилларига келарки, эътибор топмаганимдан рухсат тиламоқдаман. Бу жиҳатдан номус қилиб рухсатда бироз ўйланиб турдилар.

Ушбу фурсатда кичик хон тоғамдан бир киши келди: кичик хон аниқ келмоқда экан. Бу режам ҳам бўлмади. Яна бир киши келиб, кичик хоннинг яқин етгани хабарини айтгач, Шохбегим ва кичик хон тоғамнинг сингиллари: Султон Нигорхоним ва Давлат Султонхоним, мен, Султон Муҳаммад Хоника ва Мирзохон — барча кичик хон тоғам истиқболга чиқдик. Тошканд билан Сайрамнинг орасида Яғмо деган манзил ва яна бир неча манзилчалар бор. Иброҳим ота ва Исҳоқ отанинг қабрлари ўша ердадир. Шу жойларгача борилди. Кичик хон тоғамнинг шу замонда келишини аниқ билмай, ҳалитдан суръат билан отланиб эдим. Хон бирдан учрагани боис отдан тушди. Илгари юрдим. Мен тушгандаёқ кичик хон тоғам хабардор бўлди, хийла унғайсизланди. Афтидан, у бир жойда бемалол жойлашиб, кейин мен билан таъзим қилиб кўришишни хаёл қилган. Яқин бориб тушдим. Вақт тақозо қилмади, таъзим қилгунча фурсат ҳам бўлмади, эгилиб бориб кўришдим. Изтироб ва хижолатда қолиб, дарҳол Султон Саидхон билан Бобохон Султонни тушиб мен билан таъзим қилиб кўришишга буюрдилар. Хоннинг ўғонларидан ушбу икки султонгина келиб эди, ун уч-ун тўрт ёшда эдилар. Бу султонлар билан кўришиб отланиб, Шохбегим қошига келдик. Ўтган-кечган кайфият ва ҳолатлардан ярим кечагача утириб гаплашдилар. Эртаси куни кичик хон тоғам менга мўгулча русумли бош-оёқ кийим ва белбоғини, эгарлик зотдор отини ҳадя қилди. Ҳашаматли мўгулий бурк, санчма тиккан хитойи атлас тун, бурунги расмдаги чақмоқтош халтачали хитойи белбоғ, тўннинг сўл ёқасига хотин кишининг ёқасига осадиган анбардон ва халтачасидек нарсалар осилган; ўнг томонига ҳам худди мана шундай уч-тўрт нарса осилган. У ердан Тошканд сари йўлга тушдилар.

Улуғ хон додам ҳам Тошканддан уч-тўрт йигоч йўл юриб, қаршимизга чиқиб келди. Бир ерда катта чодирлар тикиб, улуғ хон утирди. Кичик хон рўпарадан келарди. Яқин етгач, хоннинг чап қўли билан орқасидан айланиб ўтиб, хоннинг олдига тушиб келди. Кўришар ерга етишиб, тўққиз маротаба эгилиб

кўришди. Улуғ хон ҳам, кичик хон ҳам яқин етгач, туриб кўришдилар, узоқ қучоқлашиб туришдилар. Қайтганда ҳам кичик хон тўққиз маротаба таъзим қилди. Тортиқ тортганда ҳам такрор-такрор эгилди. Ундан сўнг келиб утирдилар.

Кичик хоннинг кишилари бутунлай мўгулча ясаниб олган эдилар: мўгулча бурклар, хитойи атлас ва санчма тикилган тўнлар, мўгулча яшил сағрилик садоқлар, эгарлар, мўгулий отлар ва ҳар бирлари алоҳида фарқланувчи зеб-зийнат билан келишди.

Кичик хон озроқ киши билан келиб эди: мингдан кўпроқ, икки мингдан озроқ чиқарди. Кичик хон тоғам галати феъл-атворли — зўр қиличбоз ва ўзига ишонган, мардона киши эди. У қурол-аслаҳадан қиличга кўпроқ эътиқодли эди. Дер эдики: „Шашпар (олти қиррали гурзи), чўқмор, кестан, табарзин ва болта тегса бир ерга таъсир қилади; агар қилич тегса — бошдан-оёқгача кесади“. Қиличини ҳаргиз ўзидин айирмас, ё белида, ё қўлида буларди. Чекка жойда улгайгани учун бир оз қишлоқироқ, дагал сўзли эди. Қайд этилганидек, ушбу мўгулча кийимда кичик хон додам билан бирга келдим. Хожа Абулмакорим улуғ хон додам билан эди: мени танимай „Булар қайси султондир?“ деб сурабди. Айтганларидан сўнг танибди.

Тошкандга келиб дарҳол Султон Аҳмад Танбалнинг устига — Андижонга лашкар тортди. Кандирлик довони орқали йўлга тушди. Оҳангарон тоғ этакларига етганда кичик хонни ва мени илгарироққа айирдилар. Довондан ошиб Зирқон ва Карнон юртида икки хон қўшилдилар. Карнон юртида бир кун дам олдилар, лашкарларининг ҳисоби ўттиз минггача эди.

Олдиндан Танбал ҳам лашкарни йиғиб, Ахсига келипти, деган хабар кела бошлади. Хонлар кенгаш қилиб, маслаҳат шунга қарор топдики, менга бир қисм лашкар қўшадилар. Мен Хужанд дарёсидан ўтиб, Ўш ва Ўзганд сари бориб, ёв орқасига айланиб ўтаман.

Шунга келишиб, Айюб бекчикни тумани (ўн минг аскарлик лашкари), Жон Ҳасан боринни ўз қисми, Муҳаммад Ҳисорий дуглат, Султон Ҳусайн дуглат,

Султон Аҳмад мирзо дуглатнинг узини (Дуглат тумани буларда эмас эди), Қанбар Али ва Соригбош мирзо итарчини лашкарбеги қилиб менга қушдилар. Карнонда хонлардан айрилиб, Сакон мавзесида Хужанд дарёсидан сол билан ўтдик, Хўқон мулкидан ўтиб, Қубони босиб олиб, Олайлуқ мулки орқали Ўш устига жадал юрдик. Саҳар вақти Ўш қўргонига етганимизни эл сезмай қолди. Ўш эли чора тополмай, Ўшни бизга топширдилар. Зотан, вилоят эли бизни кўп тилар эдилар. Танбалдан қўрққанларидан ва бизнинг йироқлигимиздан чора тополмасдилар. Ўшга киргач, Андижоннинг шарқ ва жанубидаги тоғ ва текисликлар, эл ва улуслар бутунлай бизга қаради. Бурун Фаргонанинг пойтахти бўлган Ўзганднинг яхши қўргони бор, чегарада жойлашган. Эли бизга тобеликни қабул қилиб, киши юбориб, мен томонга ўтди. Бир неча кундан сўнг Марғинон эли ҳам қўргонбегини уриб қувлаб, менга қўшилди. Хужанд дарёсининг Андижон тарафидаги қўргонлардан биргина Андижондан ўзга барчаси батамом менга қўшилди. Бу пайтда шунча қўргонлар бизга қўшилганига қарамасдан, вилоятда, бундай урушлар оз-моз бўлиб турар, лекин ҳеч қайси томондан ғолиблик ва мағлублик маълум бўлмас эди. Андижон томонлардаги эл ва улус, қўргон ва вилоят аксар менга қўшилганлари учун Андижоннинг эли ҳам аслида мени тилар эди, бироқ чора тополмасди. Хаёлга келдики, бир кеча Андижон яқинига бориб, киши киритиб, хожа ва арбоблари билан сўзлашсак, эҳтимол, бизни бирор тарафдан киритишар. Бу хаёл билан Ўшдан отланиб, ярим кечаси Андижондан берироқдаги Чилдухтарон рўпарасига келдик. Қанбар Алибек ва яна баъзи бекларни пухталиқ билан қўргонга киритиб, хожа ва арбоб билан сўзлашсинлар деб илгарироқ юбордик. Биз юборган бекларни кутиб от устидаёқ туриб эдик. Баъзилар пинакда, баъзилар уйқусираган, кечанинг учинчи қисми эди, бирданига ногорачимизнинг уни ва сурон эшитилди. Душманнинг кўп-озлигини билмай, хабарсиз ва уйқусираган лашкар бир йўла бирига қарамай тирқираб қоча берди. Мен элни тухтатишга ҳам фурсат топмадим. Тез душман томонга от сурдим.

Миршоҳ қавчин, Бобо Шерзод ва Дўст Носир мен билан бирга қўзғалди. Биз турт кишидан ўзга барча эл қочмоққа юз қўйдилар. Озроқ ортга юрган эдимки, ҳужум қилганлар уқ отиб, сурон солиб, етиб келишди. Бир қашқа отлик киши менга томон яқинлашиб келди. Отига ўқ отдим, юмалаб кетди. Бир оз босилгандек бўлдилар.

Менинг билан бўлган уч киши дедиларки: „Қоронгу кеча ёвнинг кўп-оз эканлиги маълум ва аниқ эмас. Бизнинг лашкар эли бутунлай кетди. Биз турт кишидан ёвлар қанчалик зарар кўрарди?! Бориб тарқалмаган лашкарга етиб, кейин урушмоқ керак“. Тезкорлик билан элга етиб, уриб, қамчилаб, ҳарчанд қилдим, лашкар тўхтамади. Яна бу турт киши билан қайтиб, ёвни ўққа тутдик, озроқ қина тўхтадилар. Бир-икки навбат кўрдиларки, биз уч-турт киши, ортиқ эмасмиз, яна элни қувлаш ва асир туширмоққа машғул бўлдилар. Ушбу йўсинда уч-турт марта бориб элни тийдим. Эл тийилмагач, яна ушбу уч киши билан қайтиб уқ ёғдириб, ганимни қайтардим. Элни икки-уч курўхгача Харобук ва Пашомун рўпарасидаги тепаликкача қувлаб келдилар.

Тепаликка етганда, Муҳаммад Али Мубашшир учради. Мен дедимки: „Буллар оз кишидир, тўхтаб от солайлик“. Тўхтаб от солдик, душман тўхтаб қолди. Тарқалган эл у тараф-бу тарафдан йигилиб келдилар. Баъзи ман-ман деган йигитлар шу қочгани билан тўғри Ўшга борибдилар.

Воқеа тафсилоти бундай бўлган экан: Айюб Бекчикнинг туманидан бир неча муғул Ўшда биздан айрилиб, қазоқликка (талон-торож қилишга) Андижон атрофига келган эканлар. Лашкаримизнинг ғала-говурини эшитиб, зийраклик билан илгарироқ келиб ўронлашадилар (парол айтадилар). Ўрон икки хил бўлади: ҳар бир қавмнинг ўрони бор. Чунончи: баъзи қавмнинг ўрони „дурдона“ дир ва баъзисиники „тўқбой“ ёки „лулу“; яна бошқаси: бутун лашкарга жанг пайти икки сўзни ўрон қилиб қўядики, зарур вақтда ҳар қаерда учрашганда, бири бир сўзни айтса, яна бири ўша айтилиши керак бўлган иккинчи сўзни айтади. Ана шу йўсинда эл ёвдан айрилади ва ўз ки-

шисини ётдан фарқ қилади. Бу юришда расмий урон „Тошканд“ билан „Сайрам“ сўзлари эди. „Тошканд“ деса, „Сайрам“ дейилгай ва „Сайрам“ деса, „Тошканд“. Бу туполонда Хожа Муҳаммад Али илгарироқ экан. Мўғуллар: „Тошканд, Тошканд“, деб келганда Хожа Муҳаммад Али саросимада қолиб, жавобан у ҳам „Тошканд, Тошканд“ дейди. Мўғуллар ёв кишиси деб хаёл қилиб, сурон солиб, ногорачи ногора чалиб, ўқ қўядилар. Ушбу хатолик туфайли лашкар бир жойда турмай, тарқалишиб кетдик.

У тузган режамиз амалга ошмади. Яна қайтиб Ўшга келдик. Беш-олти кундан сўнг тоғу туз ва қўрғонлар менга юз тутганидан Танбал ва унинг тарафдорлари ҳадиксираб, не қилишларини билмай, лашкари ва эли учов-тўртовлашиб тоғ ва тузга қочишга киришдилар. Уларнинг орасидан келган баъзи кишилар дедиларки: „Танбалнинг иши бузилиш арафасида. Ушбу уч-тўрт кунда аниқ тамом булади“.

Бу хабарлар келгач, Андижон устига отландик. Андижон қўрғонида Танбалнинг кичик иниси Султон Муҳаммад Қалпўк турарди. Тутлик йули билан келиб, Андижоннинг жануб тарафидаги Хоконга пешин намози пайти ҳужум қилинди. Ўзим ҳам ҳужумчилар кейинидан юриб, Айш тепалигининг Хокон тарафидаги этак қисмига келдим. Қоровулдан хабар келдики, Султон Муҳаммад Қалпўк бор кишиси билан маҳалла ва боғлардан ташқари Айш тепалигининг этагига чиқибди. Ҳужумдагилар ҳануз йиғилмаган эди. Чопқунчиларимизнинг йиғилишига қарамай зудлик билан ёв сари тезгина йўлга тушдим. Қалпўкнинг кишиси беш юздан кўпроқ эди. Гарчи бизнинг кишимиз ундан кўп бўлса-да, лекин аскарлар талон-торож қилишга тарқаб эди. Рупара келган пайтнинг узидеёқ шайландик. Жанговар саф ва тартибни мулоҳаза қилмай, ганим сари шитоб билан йўлга тушдик. Яқин етгач, ганим тўхтаётган олмади. Бир-икки қилич олишгунча ҳам бўлмади, қоча берди. Кипиларини Хокон дарвозасининг яқинига қувиб асир ола бошладик. Ёвни босиб, маҳалланинг ёқаси — Хожа Каттага етганда намозшом кирган эди. Дарҳол дарвозага етиш хаёлида эдим.

Улуг-қари тажрибали беклар: Носирбек, Дустбекнинг отаси Қанбар Алибек маслаҳат бердиларки: „Кеч бўлди. Қоронгуда қўрғонга жуда яқин бормоқ тўғри эмас, сал кейинроқ тушайлик. Эрталаб қўрғонни беришдан узга иложлари қолмайди“. Бу тажрибали бекларнинг сўзига кириб, маҳаллалар ёнгинасидан қайтдик. Агар қўрғон эшигига борсак экан, бешаку шубҳа қўрғон қўлга кирар экан. Хуфтон намози пайти эди, келиб Хокон аригидан утиб, Работи Рўзак қишлоғининг ёнига тушилди.

Гарчи, Танбалнинг лашкари бузилиб, ўзи Андижонга қайтиб келиши хабарини эшитсак-да, тажрибасизликдан гафлатда қолдик. Хокон аригидек берк ариқнинг ёқасида жойлашиш ўрнига, ариқдан ўтиб келиб, Работи Рўзак қишлоғининг ёнига теп-текис ерга тушилди. Қоровул йўқ, жанг довулини чалувчи йўқ, гофил ётган эдик. Тонг олдида эл ширин уйқуда эдиким, Қанбар Али отини қистаб бораётиб „Ёв етти, тулинг!“ деб қичқирди. Шундай деб, лаҳза тўхтамай ўтиб кетди, қайтмади. Мен ҳамини тинч-омонликда ҳам тўн, ўқ-ёйни ташламай ётардим. Турибоқ қилич, садоқни боғлаб, дарҳол отландим. Байроқдорнинг байроқ боғлагунча фурсати бўлмади, байроқни қўлга олибоқ отланди. Ёв келаётган томонга қараб жўнадик. Ўша отланишда ўн-ўн беш киши ҳамроҳ эди. Бир ўқ отими юрган эдик ҳамки, ёвнинг ҳужумчисига етдик. Бу ҳолатда менинг билан ўнча киши бор эди. Илдам етиб бориб ўқ қўйиб, илгариги кишисини олдик. Яна бир ўқ отими масофага қувлаб бориб, гулига (марказига) етдик.

Султон Аҳмад Танбал юзтача киши билан тўхтаб турипти. Танбалнинг ўзи, яна бир киши сафидан у билан илгарироқ чиқиб: „ур-ур!“, деб турипти. Бироқ эли аксари ёнларини бериб, қочай-қочмай дегандек бўлиб турипти.

Ушбу пайтда мен билан тўрт киши қолиб эди: Дўст Носир, Мирзоқули кукалдош, Каримдод, Худойдод туркман. Камонга қўйган битта ўқни Танбалнинг дубулгасига отдим. Яна садоққа қўл чўздим, хон додам бир япил қиррали ўқ бериб эди, ўша чиқди. Ташлагани ҳайфим келди. Яна садоққа солгунча икки ўқ отгунча фурсат ўтди чамамда.

Яна бир ўқни пайпаслаб олиб илгарироқ юрдим. Бу турт киши ҳам кейинроқ қолди. Қаршимдаги икки кишидан бири Танбал экан, у ҳам илгарироқ юрди. Орада бир катта куча бор эди. Мен бу саридан, у у саридан йўлга кириб юзма-юз бўлдик. Шундайки, менинг ўнг қўлим ёв сари, Танбалнинг ўнг қўли бизнинг сари бўлди. Танбалнинг бир кежимдан (отнинг зирҳли ёпинчиги) ўзга барча яроғи бор эди. Менинг садоқ ва қиличдан ўзга ҳеч ярогим йўқ эди. Қўлимдаги ўқ билан қалқонининг тутқич томонини кўзлаб отдим.

Ушбу ҳолатда ўнг сонимга ёй ўқини ўтказиб отдилар. Бошимда дубулга бурки эди. Танбал бошимга чопди, бошим қилич зарбидан карахт бўлди. Дубулга буркидан бирор тори кесилмаганига қарамасдан, бошим хийла яраланди. Қилични олмаган эдим, қинида эди, қилич суғуришга фурсат бўлмади. Кўп душман орасида якка ва ёлғиз қолдим. Турар пайти эмасди, жиловни қайтардим. Яна бир қилич уқларимга тушипти. Етти-саккиз қадам қайтиб эдимки, пиёдалардан уч киши менга қўшилди. Мендан сўнгра Танбал Дўст Носирга ҳам қилич солган. Фанимлар бир нишона отимича кейинда таъқиб этиб келдилар.

Хокон ариғи жуда катта ва чуқур; ҳар қандай еридан кечиб ўтиб бўлмайди. Тангри тўғри келтирди: бу ариқнинг бир кечигига тўпла-тўғри келдик. Ариқдан кечгач, Дўст Носирнинг оти заифроқ эди, йиқилди. Тўхтаб, уни отлантириб Харобук билан Фаргона оралигидаги тепалик орқали Ўш сари кетдик. Қирга чиққан пайтимизда Мазид тағойи келиб қўшилди. Унинг ҳам ўнг оёғига тиззасидан қуйироққа ўқ тегипти. Гарчи ўқ тешиб ўтмаган бўлса-да, лекин Ўшга кўп ташвиш тортиб келди. Менинг сара кишиларимни асир олдилар: Носирбек, Муҳаммад Али Мубашшир, Хожа Муҳаммад Али, Хисрав кўкалдош, Нуъмон танқуриқчи шунда асир тушдилар. Яна йигит-ялангдан анча киши асир тушди.

Хонлар Танбалнинг изидан келиб, Андижоннинг атрофида тўхтадилар. Улуғ хон сайхонлик ёнида — менинг катта онам Эсон Давлатбегимнинг Қўштегирмондаги боғига қўнди. Кичик хон Бобо Таваккул қадамжойининг яқинига туш-

ди. Икки кундан сўнг Ўшдан келдим. Улуғ хонни Қўштегирмонда кўрдим. Хон билан кўришганим заҳотиёқ менга ўтган ерларни кичик хонга бердилар. Менга бундай узр айттиларки, Шайбоқхондек ганим Самарқанддек шаҳарни олиб, усиб бормоқда. Ушбу маслаҳат учун кичик хонни не ерлардан келтирдилар, бунда ери йўқ, у вилоятлар — йироқ. Хужанд дарёсининг жанубий вилоятларини Андижондан бошлаб кичик хонга бермак керакки, унда ўрнашсин. Ахсидан бошлаб Хужанд дарёсининг шимолий вилоятларини менга ваъда қилдилар. „Бунда ўрнашгандан сўнг, юриб Самарқанд вилоятини олгач, сенга берамиз. Ундан сўнг Фаргона батамом кичик хонники бўлади“ дедилар. Афтидан менга айтилган бу сўзлар фириб экан. Муяссар бўлгандан сўнг амалга ошмоғи маълум эмас эди. Чора йўқ эди, истар-истамас рози бўлдим.

Улуғ хоннинг қошидан отланиб, кичик хонни кўргани бораётганимда Саллох лақаби билан машҳур Қанбар Алибек менинг ёнимга келиб айттики: „Курдингизми, дарҳол қўлга кирган вилоятларни олдилар. Булар билан ишингиз юришмайди. Ҳали ҳам Ўш, Марғинон, Ўзганд ва эгалланган вилоят, эл-улус қўлингиздадир, дарҳол бориб Ўшга кириб, қўргонларни беркитиб, Султон Аҳмад Танбалга киши юбориб ярашиб, мўғулни уриб чиқариб, вилоятларни Танбал билан дўстона бўлишиб олинг“. Мен дедимки: „Бунинг иложи йўқ. Хонлар туғишганларим. Буларга навкарлик қилганим, Танбалга подпоҳлик қилгандан ортиқроқдир“. Сузи таъсир қилмаганини кўриб, айтганидан пуншаймон бўлиб, қайтиб кетди.

Мен бориб кичик хон додамни кўрдим. Бурун кўришганда бехосдан етиб боргандим, кичик хон тушгунча фурсат бўлмаган, таъзимсиз кўришиб эди. Бу навбат яқинроқ келганимда эса, у чодир танобининг учига югуриб чиқди. Оёғимда ўқ яраси борлиги туфайли ҳасса тутиб ташвиш билан юрардим. Етиб, куришиб: „Иним, баҳодир эмишсиз“, деб қўлимдан тутганча, чодирга келтирди. Кичикроқ чодир тикишганди. Чекка ерда улгайгани учун чодир ва ўтирар ери кўримсиз ва кўчманчиларга хос бўлиб, қовун, узум ва от абзаллари ҳам узи ўтирадиган чодирнинг ичида эди.



Кичик хоннинг ҳузуридан чиқиб, ўзимнинг ўрдамга келдим. Ярамга қарашга Атика бахши исмли мўгул жарроҳини юборибдилар. Мўгул халқи жарроҳни ҳам бахши дейди. У жарроҳликда жуда моҳир эди. Кишининг мияси зарб еса — дори берарди. Ҳар турли яраларни илдиздан қилинган малҳам билан осон муолажа қиларди. Баъзи жароҳатга малҳамдек дори қўяр, баъзисига егани дори берарди. Менинг соним ярасига жун куйдириб бошишни буюрди, пилта қўймади. Илдиздек нарсани ҳам бир марта едирди. Ўзи дер эдиким: „Бировнинг ингичка пойчаси синиб бир тутамча ери майда-майда булиб эди. Этини ёриб суякларини батамом олиб, суяк ўрнига дорини ун қилиб солдим. У дори суяк ўрнида суякдек битди“. Бундай ажойиб ва гаройиб ҳодисалардан анчагина айтиб бердики, вилоят табиблари бундай даволашдан ожиздирлар.

Уч-тўрт кундан кейин Қанбар Али айтган сўзларидан узи хавфсираб, ваҳимага тушиб қочиб, Андижонга кирди. Бир неча кундан сўнг хонлар иттифоқ қилиб, Айюб Бекчикни тумани билан, Жон Ҳасан боринни Борин тумани билан Саригбош мирзони лашқарбеги қилиб, мингикки мингча кишини менга қўшиб, Ахси тарафга юбордилар. Ахсида Танбалнинг иниси Шайх Боязид бош эди. Косон доругаси Шаҳбоз қорлуқ эди. У пайтда Шаҳбоз Навканд қўргонининг олдида ўтирганди. Хўжанд дарёсини Бичрота рўпарасида кечиб ўтиб, Навкандга Шаҳбоз устига юрдик. Тонгдан бурунроқ Навкандга яқин етган пайтда беклар хабар етказдиларки, бу Шаҳбоз ҳамма нарсани аниқ сезган. Жанговар сафни бузмай ёруғдаёқ етиб борсак дуруст бўлади. Астароқ юрилди. Шаҳбоз эса беҳабар экан. Биз Навканд яқинига етган пайтда хабардор бўлиб, ташқаридан қочиб ичкари кирипти. Бундай ҳодисалар кўп содир бўлгандир: ганимни пайқаган, деб осонгина инкор қилиб, иш вақти зое бўлади. Тажриба ана шундай ҳолатларни ўргатади. Бундан мақсад шуки, фурсат етган пайтда тезлик ва гайратни қўлдан бермаслик керак. Сўнгра пушаймон бўлиш бефойдадир.

Тонг отганда қўргон атрофида оз-моз уруш бўлди. Тезкорлик билан урушга киришмадик. Навканддан тоғ сари —

Бишхорон тарафига ҳужум қилиб, талашга келишдик. Шаҳбоз қорлуқ фурсатни ганимат билиб, Навкандни ташлаб, қочиб Косонга борди. Биз қайтиб келиб Навкандда жойлашдик.

Бу вақтларда атроф-теваракни бизнинг лашкаримиз бир неча маротаба бориб талади. Бир навбат Ахсининг кентларини талон-торож қилди. Яна бир маротаба бориб Косонга ҳужум қилдик. Шаҳбоз билан Узун Ҳасаннинг Мирим исмли асранди ўгли урушга чиқди. Урушиб, енгилдилар. Мирим ушанда улди.

Ахсининг мустаҳкам қўргонларидан бири Поп қўргонидир. Попликлар Поп қўргонини мустаҳкамлаб, бизга киши юборибдилар. Саййид Қосимни бир неча йигитлар билан жўнатдик. Ахсининг устки кентлари тўгрисидаги дарёдан ўтиб Поп қўргонига кирдилар.

Бир неча кундан кейин гаройиб иш содир бўлди. У пайтда Иброҳим Чопуқ тағойи, Аҳмад Қосим кўҳбур, Қосим Хатика аргун Шайх Боязид билан Ахсида эдилар. Ушбу зикр этилганларга икки юзтача зўр йигитни қўшиб, дабдурустдан бир кеча Поп қўргонининг устига юборди. Саййид Қосим эҳтиёт чораларини кўрмай гофил ётган экан. Қўргонга етиб, нарвон қўйиб чиқиб, дарвозани олиб, кўтарма кўприк қўйиб етмиш-саксон зўр яроқлик йигитлар кирганида, Саййид Қосимга хабар берадилар. Уйқулик, кўйлақчан туриб беш-олти киши билан солишиб, ура-ура буларни қувиб чиқаради. Бир неча бошни кесиб менга юборди. Гарчи бундай гафлатда ётмоқлиги сардорликка хос бўлмаса-да, лекин оз киши билан бундай яроқлик зўр йигитларни дадил зарбалар билан уриб чиқармоги хийла мардона иш эди.

Бу муддатда хонлар Андижон қўргонининг қамали билан машгул эдилар. Қўргон эли ёвни қўргоннинг яқинига келгани қўймасди. Йигитлар отлиқ чиқиб, ташқарида олишардилар. Ахсидан Шайх Боязид тарафдорлик изҳор қилиб киши юбора бошлади. Биздан тезлик билан боришимизни сўради. Бундан мақсади турли хийла билан мени хонлардан айириш эди. Мен хонлардан айрилсам, хонлар Андижонда тура олишмасди. Бу илтимоси акаси Танбалнинг маслаҳати билан экан. Хонлардан айрилиб,

булар билан иттифоқ тузмоқликни узимизга муносиб деб билмадик. Унинг тилаганини хонларга билдирдик. Хонлар: „Борсин. Ҳар не қилиб бўлса-да, Шайх Боязидни тутсин“ дейишипти. Бу макру фириб бизнинг одат ва усулимиз эмас эди. Алалхусус, орада аҳд бор эди. Бундай аҳдни бузиш яхши бўлмас.

Кўнглимга келдики, бир илож қилиб Ахсига кириб олсак: ё Шайх Боязид Танбалдан кечиб биз томон бўлади, ё биз учун фойдали бўлган бирор хайрли ўзгариш содир бўлади.

Биз ҳам киши юбордик. Аҳд ва шарт қилиб бизни Ахсига таклиф қилди, бордик. Истиқболимизга чиқиб, иним Носир мирзони ҳам келтириб, бизни Ахси қўргонига олиб борди. Ташқи қўргонда отамнинг иморатларида менга жой тайин қилибди. Бориб ўша ерга тушдим.

Танбал Шайбоқхонга акаси Бек Телбани юбориб, унга итоат изҳори қилиб, ёнига чақирган эди. Бу фурсатда Шайбоқхоннинг мактублари келди: „Бораяпман“, деб битипти.

Бу хабар хонларга етгач, типирчилаб, утиролмаи Андижон устидан туриб жўнадилар. Кичик хоннинг адолат ва мусулмонлик билан шўхрати бор эди. Уш, Маргинон ва у кирган қўргонларга қўйилган мўғуллар эл кутганининг хилофи—зулм ва ёмон муносабат қила бошладилар. Хонлар Андижондан кетгач, Уш ва Маргинон эли ҳужум қилиб, қўргондаги мўғулларни тутиб, талаб, уриб-қувлаб чиқардилар.

Хонлар Хўжанд дарёсини кечмай, Маргинон ва Кандибодом орқали қайтиб, Хўжандда дарёдан кечдилар. Танбал хонларнинг кейинича Маргинонга келди.

Биз бу ҳолатда тараддудда эдик: тўхтаб турайлик десак, хонларга унча ишонч йўқ. Сабабсиз-несиз ташлаб чиқмоқ ҳам ноқулай эди. Бир куни эрталаб Маргинондан Жаҳонгир мирзо келди, кўришдим. Шу пайтда Шайх Боязид ҳам безовта бўлиб келди, эсанкираб қолган. Мирзо ва Иброҳимбек дедиларки: „Шайх Боязидни тутмоқ керак. Аркни қўлга олмоқ керак“. Дарҳақиқат, тўғри ишнинг ҳисоби шу эди. Мен дедимки: „Аҳд қилишганмиз. Биз нечук аҳдга хилоф иш қиламиз?“. Шайх Боязид аркка кетди. Кўприкка одам қўймоқ керак эди. Кўп-

рикка ҳам киши қўймадик. Тажрибасизликдан шундай усалликлар бўлди.

Эртаси куни саҳарлаб Танбал икки-уч минг яроғлик киши билан келиб, кўприкдан ўтиб аркка кирди. Менинг аслида кишим озроқ эди. Ахсига киргач, яна баъзиларни қўргонларга, баъзиларни қўргонбегиликка ҳамда дон-дун топиб келиш учун ҳар тараф-ҳар тарафга юборилиб эди. Менинг билан Ахсида юздан кўпроқ киши бор эди. Бор кишимиз билан отланиб кўча-кўчанинг бошида йигитларни тайин қилмоқ ва уруш тараддудида адик ҳамки, Шайх Боязид, Қанбар Али ва Муҳаммад Дуст Танбал қошидан сулҳ тузгани шитоб билан келдилар. Урушга тайин бўлганларни жой-жойига қўйиб, кенгаш қилмоққа отамнинг мақбарасига келиб тушиб, Жаҳонгир мирзони ҳам чорладим. Муҳаммад Дуст қайтиб кетди. Шайх Боязид билан Қанбар Али келдилар. Мақбаранинг жанубий айвонида ўтириб кенгашаётган эдик. Жаҳонгир мирзо Иброҳим чопуқ билан буларни тутмоққа келишишган экан. Жаҳонгир мирзо менинг қулогимга: „Буларни тутмоқ керак“, — деди. Мен: „Ташвиш тортманг. Ҳозир буларни тутиш вақти эмас. Зора, сулҳ билан иш сал эпқага келса. Чунки улар жуда кўп, биз жуда озмиз. Улар бу кучлилик билан арк ичида, биз бу заифлик билан ташқи қўргондамиз“, — дедим.

Шайх Боязид ва Қанбар Али ҳам бу кенгашда ҳозир эдилар. Жаҳонгир мирзо Иброҳимбек сари яқинлашиб, бу ишни ман қилиш ишоратини қилди. Билмадим, аксинча фаҳмладими ёхуд гафлатда қолиб бу ҳаракатни қилдими: дарҳол Шайх Боязидни тутди. Турган йигитлар атроф-теваракдан ташланиб, бу икки кишини тит-пит қилмоқчи бўлдилар. Иш сулҳ ва ислоҳ чегарасидан ўтди. Бу икки кишини асир олиб, урушга отландик. Шаҳарнинг бир тарафи Жаҳонгир мирзонинг зиммасига юкланди. Мирзонинг кишиси оз эди. Бир гуруҳ ўз кишимдан ҳам мирзога кўмак тайин қилдим. У ўз жойига етди, мен бир ерда элни уруш қилишга тайин қилиб, яна бир тарафга келдим. Шаҳарнинг ўртасида текис ер бор эди. У ерга бир гуруҳ йигитларни қўйиб, ўзим нари кетдим. Бу жамоатни кўп отлиқ ва пиёдалар келиб, куч билан суриб, кўчага ҳайдаб чиқишипти.

Шу аснода мен етиб бордим. Етган заҳотимоқ отни душман устига елдирдим. Улар дош беролмай, тирқираб қоча бердилар. Кучадан қочириб текис ерга чиқариб, қилич солар пайтимда отимнинг оёғига отдилар. Отим букилиб, ёвнинг уртасида мени ерга урди. Чаққонлик билан туриб бир ўқ отдим. Соҳибқадам Коҳилнинг бир ночоргина оти бор эди, тушиб отини менга берди, миндим. Бунда киши тайин қилиб, яна бир куча бошига йўл олдим. Султон Муҳаммад Вайс отимнинг ночорлигини куриб, тушиб, отини менга тутқазди, у отга миндим.

Ушбу фурсатда Қосимбекнинг угли Қанбар Алибек ярадор ҳолда Жаҳонгир мирзо қошидан келди. „Бир муддат илгари Жаҳонгир мирзони ҳужум қилиб сафдан чиқардилар. Жаҳонгир мирзо чиқиб кетди. Биз нима қилишимизни билмай қолдик“, — деди у.

Шу пайт Поп қўрғонидан Саййид Қосим етиб келди. Жуда бемаҳал у ердан чиқипти. Бундай пайтда ушандай берк қўрғон қўлда бўлса, қандай яхши эди! Мен Иброҳимбекдан: „Нима қилмоқ керак?“ деб сўрадим. Озроқ яраси бор эди. Ушанданми ё эсанкирашданми, тузук жавоб беролмади.

Мен кўприқдан ўтиб, уни бузиб, Андижон сари йўлга тушсак деган хаёлга бордим. Шунда Бобо Шерзод хийла яхши мулоҳаза юритди. Дедик: „Дарвозанинг узидан куч билан бостириб кирамиз“. Бобо Шерзоднинг маслаҳати билан дарвоза сари равона бўлдик. Хожа Мирмирон ҳам мардона сўзлар айтди. Куча уртасида келаётганимизда Саййид Қосим, Дўст Носир Боқи ҳез билан қиличбозлик қилишарди.

Мен, Иброҳимбек ва Мирзоқули кўкалдош илгарироқ эдик. Дарвозага рупара бўлган заҳотиёқ кўрдимки, Шайх Боязид куйлак устидан фаражий\* кийиб, уч-тўрт отлиқ билан дарвозадан кириб келаётир. Камонимдаги ўқни чамалаб отдим. Анча яхши отдим. Бўйнига теги заёздим. У шитоб билан дарвозадан киргач, ўнг қўл сари кетди.

Куча бўйлаб қочаверди. Биз ҳам унинг ортидан боравердик. Тонгда Шайх Боязид бехос қўлга тушганда Жаҳонгирнинг кишиларида экан. Улар чиққач,

Шайх Боязидни ҳам бирга олиб чиқдилар. Улдириш хаёлига ҳам бордилар. Яхшиям ўлдирмай қуйиб юбордилар. Улардан халос бўлиб дарвозадан кириб келаётганда, менга учраб қолди. Мирзоқули кўкалдош бир пиёдани гурзи билан урди. Яна бир яёв Мирзоқули утгач, Иброҳимбекни ўққа тутди. Иброҳимбек „ҳай-ҳай“ деб утиб кетгач, эшиклик ердан биров менинг қўлтигимга ўқ отди. Қалмоқи совутнинг икки қават япроғини кесипти. Қочаверди, орқасидан отдим.

Ушбу ҳолатда бир яёв аскар қўрғон девори устида қочиб борарди. Буркини девор кунгирасига тўғрилаб отдим. Бурки кунгурага қадалганча қолди. Салласи қўлига чувалиб кетди. Яна бир отлиқ менинг ёнимдан Шайх Боязид қочган куча томон қочиб бормоқда эди. Қилични орқасига санчдим. Отдан эгилиб эдики, куча томига таянди, йиқилмади. Ташвиш билан қочиб қутулди. Дарвозада бўлган отлиқ-яёвни қувлаб, дарвозани олдик. Ўйлаб утиришнинг пайти эмас эди. Чунки икки-уч минг яроқлик киши — аркда, юз-икки юз киши ташқи қўрғонда. Жаҳонгир мирзони бир сут пишими муддати бурунроқ қувлаб чиқарибдилар. Кишиларимизнинг ярми у билан чиқиб кетипти. Шундай аҳволга қарамай тажрибасизликдан дарвозада туриб, яқин бўлса келсин, яна бир уриниб кўрамиз деган мазмунда Жаҳонгир мирзога киши юбордик. Иш қўлдан кетган эди.

Иброҳимбекнинг оти заиф эдими ё ярадорми, менга: „Отим хароб“, деди. Муҳаммад Али Мубашширнинг Сулаймон исмли навқари бор эди. Шу фурсатда ҳеч киши таклиф қилмай ўзи орага тушиб, отини Иброҳимбекка берди. Хийла мардона иш қилди. Ўша дарвозада турганда Қўли Гил дарвозабони Кичик Али мардоналик изҳор қилди. У пайтда у Султон Муҳаммад Вайснинг навқари эди. Ушда ҳам икки маротаба яхши жасорат кўрсатди.

Мирзога борган киши келиб: „Бироз олдин Жаҳонгир мирзо чиқиб кетипти“, деди. Тўхтаб туришга вақт йўқ эди, биз ҳам жилдик. Шунча турилгани ҳам ҳеч бир ҳисобга тўғри келмасди. Йигирма-ўттизча киши биз билан қолиб эди.

Биз жунагач, кўп аслаҳалик ганим кишилари етиб келишди. Биз Пули Ра-

\* Фаражий — қўй жунидан қилинган қишки оқ кийим.

вондан ўтганимизда, Пули Равоннинг шаҳар тарафига ёв одамлари етди. Қосимбекнинг ўғли Ҳамзанинг она томонидан бобоси Банда Алибек Иброҳимбекка қичқириб айтади: „Доим катта кетиб юрардинг. Тўхта, қилич солишайлик“. Иброҳимбек менинг ёнимда борарди. „Кел, не монелик бор?!“ деди.

Беақл одамгина бундай маглубият пайтида қизиққонлик қилади. Бевақт керилиш! Тўхташ ва пайсалга солиш вақти эмас эди, илдам юравердик. Ёв кишилари бизнинг сўнггимизча тартибсиз қочаётган кишиларимизни қўлга тушира-тушира келмоқдалар. Ахсининг бир шаръисидан Гунбази Чаман деган ер бор. Гунбази Чамандан ўта солиб Иброҳимбек мени чорлади. Кейин боқсам, Шайх Боязиднинг бир йигити Иброҳимбекка ўқ теккизипти. Жиловимни қайтардим. Хонқули Баёнқули менинг ёнимда эди: „Бемаҳал қайтмоқ бу“, деди. Жиловимни олиб йўлга тушди. Сангга етгунча аксар кишимизни асир олдилар.

Санг Ахсидан икки шаръийдир. Сангдан ўтгач, ортимизда ёв кишиси кўринмай, Санг суви юқориси бўйлаб юрдик. Шунда саккиз киши қолган эдик: Дўст Носир, Қанбар Али Қосимбек, Хонқули Баёнқули, Мирзоқули кўкалдош, Шоҳим Носир, Абдулқуддус Сайди Қаро, Хожа Ҳусайний ва саккизинчи мен эдим. Бу сув юқорисидан бир йўлак учради. Бу пастқамлик ичи киши назаридан йироқ хилват йўл. Юқори томонга юриб яна бир қуруқ пастқамликка тушдик. Кеч кира бошлаганида, пастқам ердан текисликка чиқилди. Текисликда йироқдан бир қора кўринди. Элни назардан четда тургизиб, узим яёв бир тепаликка чиқиб қоровулик қилаётганимда, орқа тарафимиздан кўп отлиқ бир қирнинг устига питоб билан чиқди. Уларнинг кўп ёки озлигини аниқ билгунча бўлмади, отланиб йўлга тушдик.

Қувгинчилар йигирма-йигирма беш киши экан. Қайд этилганидек, биз саккиз киши эдик. Агар у пайтда бунча миқдор киши эканини аниқ билсак, яхшилаб урушардик. Буларнинг орқасидан яна қувгинчилар келишаётгандир, деб ўйладик. Шунинг учун тўхтамай юравердик, қочган ганим кўп бўлса ҳам оз қувувчи билан юзлаша олмас. Бекорга айтмаганларки: „Маглуб сафга бир „ҳай!“ сузи кифоядир“.

Хонқули деди: „Бунақа билан бўлмайти, барчамизни қўлга олишади. Икки яхши отни бу орадан олиб, сиз ва Мирзоқули кўкалдош қўш от билан илдам юринг, зора, чиқа олсангиз“. Ёмон маслаҳат эмас эди. Урушда ишимиз юришмагач, шу йўл билан қутулиш имкони бор эди. Шу заҳоти бировни ёв орасида отдан тушириб қолдирмоқлик хуш ёқмади. Охири ўзлари ҳам бирин-бирин батамом қолдилар. Бу минган отим бироз сустроқ эди. Хонқули тушиб отини берди. От устиданоқ сакраб миндим. Хонқули менинг отимга минди. Ушбу ҳолатда кейинда қолишган Шоҳим Носир билан Абдулқуддус Сайди Қарони асир олдилар. Хонқули ҳам қолди: ҳимоя ва мадад пайти эмас эди. Отнинг ўзи қаёққа елдириб борса, уша ёққа кетардик, оти юролмаган қолаверарди. Дўстбекнинг оти ҳам ҳолдан тойди, қолди. Бу минган отим ҳам сустлик қила бошлади. Қанбар Али тушиб отини берди, миндим. Қанбар Али ҳам отимга минди ва қолди. Хожа Ҳусайний оқсоқ киши эди, ўзини тепаликлар сари тортди. Мен ва Мирзоқули кўкалдош қолдик. Отнинг елиб юришга мадори қолмаган эди. Илдамгина бордик. Мирзоқулининг оти ҳам сустлик қила бошлади. Мен: „Сени ташлаб қаерга борай, юравер, ўлик-тирик бир бўлайлик“, дедим. Анча вақт Мирзоқулига қараб юрдим. Охири Мирзоқули деди: „Менинг отим ҳолдан тойди. Кета олмасиз. Менга қараб қўлга тушманг. Юринг, зора, қутулиб чиқа олсангиз!“. Мен галати бир ҳолатга тушдим. Мирзоқули ҳам қолди. Мен ёлғиз қолдим. Ёвдан икки киши пайдо бўлди: бирининг оти Бобо Сайрабий, яна бири Банда Али. Менга яқинроқ келдилар. Отим ҳолдан кетган эди ва тоққача ҳам бир қуруқча яқин йўл бор эди, бир тош уюми учради. „От ҳориди, тоғ ҳам йироқ, қаёққа борай?! Садогимда ҳам йигирматача ўқ бор эди, тушай. Бу тош уюмида ўқим борича отишай“ деб хаёл қилдим.

Яна бир хаёл қилдимки: „Зора, тоққа ета олсам. Тоққа етгандан сўнгра бир даста ўқни белимга санчиб, тоққа тирмашай“. Оёгим зарбига хийла ишончим бор эди. Бу хаёл билан кетавердим. Отимнинг илдам юришга мадори қолмаганди. Булар ҳам ўқетар ерга етдилар. Мен ҳам ўқимни аяб отмадим. Булар ҳам эҳтиёт бўлиб яқинроқ келмадилар. Уша йўсинда

эргашиб келишаверишди. Кун ботаётганда тоққа яқинлашдим. Улар баланд овозда дедилар: „Бундай қилиб қаерга борасиз? Жаҳонгир мирзони тутиб келтирдилар“. Носир мирзо ҳам уларнинг қулида эди. Бу сўзларидан мени хийла ваҳима босди. Сабаби шуки, барчамиз унинг қулида булсак, хатар эҳтимоли кўпдир. Жавоб бермадим, тоғ сари юравердим. Яна хийла йўл юргандан сўнг, яна сўз айта бошладилар. Бу гал аввалгидан мулойимроқ сўзлар эдилар. Отдан тушиб сўз айта бошладилар. Буларнинг сўзига қулоқ солмай юравердим. Дарадан юқорилашиб бормоқдаман. Хуфтон намози пайтигача юрдим. Охири бир уйча келадиган тошга етдим, тошдан айланиб ўтдим. Йирик тошлар бошланиб, от юра олмади.

Улар ҳам тушдилар. Ҳурмат ва таъзим билан анча мулойимроқ сўз бошладилар. „Бундай қоронги кеча булса, йўл йўқ, қаерга борасиз?“, дейишди. „Сизни Султон Аҳмад подшоҳ қилиб кўтаради“, деб онтлар ичишди.

Мен дедимки: „Менинг кўнглим у ёққа тортмаяпти. У ерга бориш ҳеч ҳам мумкин эмас. Агар сизларнинг хаёлингизда ўринли хизмат қилиш бўлса, бундай яхши имконият эшиги узоқ йиллар ҳам топилмас. Мени бир йўлга бошлангки, хонлар олдига борай. Сизларга кўнгилларингиз тилагандан кўра ортиқроқ риоят ва шафқат қилай. Йўқ, агар буни қилмасангиз, келган йўлингиз билан қайтинг“. Менинг олдим — омадим. Бу ҳам менга қилган бир яхши хизматингиз бўлади.

„Кошки келмасак эди. Келдикми, энди сизни бундай ташлаб, қандай қайтиб кетамиз? Агар биз билан бормасангиз, майли, қаерга борсангиз ҳам хизматингизда бўлайлик“ дейишди.

„Унда сўзингиз чинлигига онт ичинг“, дедим мен. Қуръонни ўртага қўйиб онт ичдилар. Мен бир оз таскин топгандек бўлдим. „Ушбу даранинг яқинида Кенгқўл йўли бор деган эдилар. Уша йўлга бошланг“, дедим. Улар онт ичган булсаларда, лекин тўлиқ ишонч йўқ эди. Уларни илгари утказиб, ўзим ортларидан юрдим.

Бир-икки куруҳ йўл борилиб эди, бир сой сувига етдик. „Кенгқўл йўли шу эмасмикан?“, деб сўрадим. Улар инкор қилдилар. „У йўл хийла илгаридадир“,

дедилар. Кенгқўл йўли аслида шу экан. Булар ёмонлик соғиниб, яширдилар. Ярим кечага бориб, яна бир сувга етдик. Шунда улар: „Билмай ўтиб кетибмиз. Кенгқўл йўли ортда қолибди“, дедилар.

„Хуш, нима қилмоқ керак?“ дедим мен.

„Олдимизда Ғаво йўли яқиндир. У йўл билан Фаркатга ошадилар“, деб жавоб берилди. Уша йўлга бошлашди.

Кечанинг тўртдан уч қисмича йўл юрдик. Ғаводан чиқиб келадиган Карнон сойига етдик. „Сиз шу ерда туринг, мен бориб, Ғаво йўлини текшириб келай“, деди Бобо Сайрабий. Анча муддатдан сўнг келди.

„Бўрка бошлиқ бир неча киши бу йўлга келипти. Бундан ўтиб бўлмас“ деди. Бу сўзни эшитиб, қайрон бўлдим. Ора йўлда қолдим, тонг яқину мақсад йироқ.

Мен дедим: „Бир ерга бошлангки, кундуз унда бекиниб, кеча бўлгач, от-мот топиб, Хўжанд сувини кечиб ўтиб, нариги соҳил бўйлаб Хўжанд сари борайлик“.

„Бунда бир тепалик бор. Унда яшинса бўлади“, дейишди улар. Карнон қўргонбеги Банда Али эди. „Отимизга ва узимизга егулик топмасак бўлмайди. Мен Карнонга борай. Ҳар нима топилса — келтирай“, деди у. У ердан қайтиб Карнонга юзландик. Карнонга бир куруҳ қолганида тўхтадик. Банда Али кетди, узоқ муддат қолиб кетди. Тонг отиб келмоқда, у ҳеч келмасди. Хийла изтироб чекдим. Тонг отганда Банда Али илдамлаб келди. Отга емиш келтирмади. Учтанон келтирди. Ҳар биримиз бир нонни қўйинга солиб, шитоб билан қайтиб, юқори тепаликнинг устига чиқиб, бир ерда отларни боғлаб, бир баландликка чиқиб, ҳар қайсимиз ҳар тарафга қорувулик қилиб утирдик.

Тушга яқинлашиб қолганда Аҳмад қавчин тўрт отлиқ билан Ғаводан Аҳси томонга ўтиб қолди. Бир хаёлим Аҳмад қавчинни чорлаб, ваъда ва мойилликлар билдириб, отларини олмоқчи бўлдим; отларимиз бир кеча-кундуз ҳарбу зарбда эди, емиш ҳам емаган, хароб бўлган эди. Яна кўнгул чопмади: уларга ишона олмадик. Қошимдагилар билан шунга келишдик: улар бу оқшом Карнонда бўладилар. Кечаси эҳтиёткорлик билан кириб отларини чиқара олсак, қаёққа бўлсаям кетиш имкони тугилади.

Туш пайт эди. Күзетар ерда бир суворининг ҳарбий анжомлари йилтираб кўринди. Кимлигини ҳеч билолмадик. Бу Муҳаммад Боқир экан. Ахсида биз билан бирга эди. Ахсидан чиққанда ҳар ким ҳар тарафга тарқалиб, яшириниб юрган экан. Банда Али билан Бобо Сайрабий: „Отлар икки кундирки, емиш емаган. Утлоққа тушиб, отларни ўтга қўяйлик“, дедилар. У ердан отланиб, ўтлоққа тушиб, отларни ўтга қўйдик. Намозгар маҳали, бир отлиқ киши биз бекинган тепаликка чиқиб келмоқда эди, танидим: Ғавонинг улуғи — Қодирберди. Буларга: „Қодирбердини чорланг“, дедим. Чорладилар. Келди. Кўриб, сўрашиб, иноят шафқат сўзлар айтиб, ваъдалар қилиб, мойилликлар изҳор этиб жўнатдим, токи арқон, уроқ, болта, сув кечмак асбоби, от еми, егулик ва агар иложи бўлса, от ҳам келтирса. Хуфтон намози пайти шу жойнинг ўзига келишига ваъдалашдик.

Кеч намозшом пайти бир отлиқ Карнон тарафидин Ғаво сари ўтиб борарди. „Кимсан?“, деб сўрадик. Жавоб берди. Бу ҳам Муҳаммад Боқирбек экан. Боя тушда кўрган ердан яна бир ерга яширингани бораётган экан. Товушини шунчалик ўзгартирдики, гарчи йиллар мен билан бирга бўлган эса-да, асло таний олмадим. Агар уни таниб узимизга қўшсак яхши буларди. У ўтиб кетганидан кейин хийла хавотирга тушдим. Энди биз Қодирберди Ғавой билан келишилган пайтгача тура олмасдик. Банда Али: „Карноннинг маҳаллаларида хилват богчалар бор, унда ҳеч киши биров бор деб гумонсирамайди. У ерга бориб, Қодирбердига киши юборайлик, ўша ерга келсин“, деди. Шу хаёл билан отланиб, Карноннинг маҳаллаларига келдим. Қиш эди, анча совуқ эди. Бир эски мўйнали пустин топиб келтирдилар. Кийдим. Бир коса сўк оши топиб келишди. Ичдим. Ажаб ҳузур қилдим. „Қодирбердига киши юбордингми?“, деб сўрадим Банда Алидан.

„Юбордим“ деб жавоб берди. Бу бадбахт фаросатсиз хотинчалишлар ўзаро келишиб, бир кишини Ахсига — Танбал қошига юборган эканлар. Бир усти ёпиқ уйга кириб, ут ёқдик. Бир пайт кўзим уйқуга кетди. Бу эркакнусхалар айёрлик

қилиб, яна менга айтадиларки: „Қодирбердидан хабар олмагунча бу ердан қимирлаб бўлмайди. Бу ер маҳаллалар орасидир, четда бум-буш боглар бор. У ерга борсак, ҳеч ким гумонсирамайди“.

Ярим кечада отланиб чекка боққа бордим. Бобо Сайрабий том устида у ёқдан-бу ёққа юради. Тушга яқин томдан тушиб, менинг қошимга келиб: „Юсуф қўргонбеги келмоқда“, деди.

Мени ғалати ваҳима босди. „Билиб келчи, у менинг шу ердалигимни билармикан?“ дедим.

Чиқиб сўзлашиб келди. Мана бу хабарни топиб келди: „Юсуф қўргонбеги айтди: „Ахси дарвозасида бир пиёда учраб, дедик: „Подшоҳ Карнонда фалон ердадир“. Мен ҳеч кимга билдирмай, бу пиёдани урушда менга асир тушган Вали хазиначи билан бир ерга қамаб қўйиб, узим бу ёққа чопиб келдим. Бекларнинг бу ишлардан хабарлари йўқдир“.

„Сен нима деб ўйлайсан?“ дея сўрадим Бобо Сайрамдан.

Айттики: „Барчаси ўз одамларингиз — навкарларингиздир, улар нимаям қилишарди. Бормоқ керак. Улар сизни подшоҳ қилиб кўтарадилар“.

Дедимки: „Шунча тўқнашув ва уруш бўлиб утганда, қандай ишонч билан улар ёнига бораёй?“

Шуларни гаплашиб турган эдик, Юсуф кириб олдимда тиз чўкиб букилиб айтдики: „Нимасини яшираман. Султон Аҳмадбекнинг хабари йўқдир. Шайх Боязидбек сизнинг хабарингизни топиб мени юборди“.

Шуни айтгач, менда алланечук ҳолат юз берди. Оламда жон қўрқувидан ёмонроқ нарса бўлмас экан. „Ростингни айт, — дедим мен, — агар иш ўзгачароқ бўлгудек бўлса, мен ювиниб олай“.

Юсуф онтлар ичди. Лекин унинг онтига ким ишонарди? Ўзимда тоқатсизликни ҳис қилдим.

Ўрнимдан туриб, богнинг бир гўшасига бордим. Узим билан ўзим мулоҳаза қилдим. Дедимки: „Киши агар юз, борингки минг йил яшаса ҳам охири ўлмоқ керак.

*Агар сад сол мони ва-р яке рўз,  
Бябояд рафт аз ин кохи дилафрўз.*

(Мазмуни:

*Агар юз йил ва гар бир кун умр бор,  
Бу дилкаш қасрдан кетарсан ночор.)*

Ўлимни буйнимга олдим. Ўша боғда бир сув оқиб келарди, таҳорат олдим. Икки рақъат намоз ўқидим. Бошимни муножотга қўйиб, тилак тилаётган эдимки, кўзим уйқуга кетибди. Туш кўраяпман: Хожа Яъқуб (Хожа Яҳёнинг ўгли, ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг набиралари) рўпарамга оқ-қора тусдаги отда, шундай от минган кўп отлиқлар билан келдилар. „Ғам емангиз. Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар“, дедилар. „Биз уларга Оллоҳдан мадад сураб, подшоҳлик тахтига ўлтурғизганмиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсин, биз ўша ерда ҳозир бўлурмиз“, деб тайинладилар. Ҳозир ушбу соатда фатҳ ва ғалаба сизнинг томондадир. Бош кўтаринг. Уйғонинг“.

Ўшал ҳолатда хушҳол бўлиб уйғондим, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига: „Баҳона қилиб ҳаяллаяпти, тутиб боғламоқ керак“ деб маслаҳат қилишарди.

Бу сўзни мен эшитиб қолдим. „Сизлар бу тахлит сўзлайсиз. Аммо кўрайинчи, қайсингиз менинг қошимга кела оларсиз!“ дедим. Шундай деб турганимизда боғ деворининг ташқарисиди кўп отлиқларнинг келаётган овози эшитилди. Юсуф доруға: „Биз агар сизни Танбал қошига олиб борсак эди, бизнинг ишимиз илгари силжиган буларди. Ҳозир сизни тутгани яна кўп киши юборипти“, деди. У гапни шунга яқинлаштирдикки, гўё бу овоз Танбал юборган кишиларнинг отлари товуши эди. Бу сўзни эшитгач, мен кўпроқ изтиробга тушиб, қилар ишимни билмай қолдим.

Ўша дақиқада бу отлиқлар боғнинг эшигини излаб утиришга фурсат топмай, деворнинг эскирган ерини бузиб, ичкари кирдилар.

Қарасам, менинг жон тортган навкарим — Қутлуқ Муҳаммад барлос ва Бобойи Парғарий, ўн-ўн беш, йигирма киши бўлиб етиб келдилар. Булар яқин етиб, отдан узларини ташлаб, йироқдан таъзим қилиб, икки букилиб, менинг оёғимга йиқилдилар. Ўша дамда шундай ҳолатга тушган эдимки, гўё менга Худо қайтадан жон ато қилган. „Юсуф доруға ва бу турган сотқин зотларни тутиб боғланг“, дедим мен. У эркакнусхалар қоча бошлаган эди, ҳар ер-ҳар ерда биттадан тутиб боғлаб келтирдилар.

„Сизлар қаердан келаяпсизлар. Қандай қилиб хабар топдингиз?“ деб сўрадим мен.

Қутлуқ Муҳаммад барлос деди: „Ахсидан қочиб чиққандан кейин сиздан айрилгач, Андижонга келдим, хонлар ҳам Андижонга келиптилар. Мен туш кўрдим, тушимда Хожа Убайдуллоҳ дедиларки: „Бобур подшоҳ Карнон деган кенздадир. Бориб уни олиб келинг, подшоҳлик тахти унга тааллуқлидир“. Мен бу тушни кўриб, хушҳол бўлиб, улуг хон, кичик хонга бу ҳақда айтдим. Хонларга: „Менинг беш-олти оғаним, ўғилларим бор. Яна бир неча йигит қўшинг. Бориб Карнон тарафидан хабар олайин“, дедим.

Хонлар дедиларки: „Биз ҳам шундай деб уйлаймиз, у уша ерга борган бўлса керак“.

Ўн кишини тайин қилиб: „Ўша томонга бориб, хўп текшириб, хабар олинг. Оллоҳ ёр бўлсин, топарсизлар“, дедилар. Шу сўз устида Бобойи Парғарий деди: „Мен ҳам бориб қидираман“. У ҳам икки йигит иниси билан бирга қўшилиб отландик. Бугун уч кундирки, йўлдамиз, Алҳамдулиллоҳ, сизни топдик“, дедилар. Айтдиларки: „Юринг, отланинг, бу боғланганларни ҳам олиб кетайлик. Бунда турмоқ яхши эмас. Танбал сизнинг бу ерга келганингиздан хабар топибди. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, бориб хонларга қўшилайлик“. Ўша замон отланиб, Андижон тарафга қараб йўлга тушдик.

Икки кундан буён ҳеч таом емаган эдим. Пешин намози пайти бир қўйни топиб келиб, бир ерда қуниб, сўйиб, кабоб қилдилар. Ўша кабобдан тўйгунча едим. Ундан сўнгра отланиб, беш кунлик йўлни икки кеча-кундузда тезлик билан босиб ўтдик. Андижонга кириб улуг хон тоғамга ва кичик хон додамга кўриниш бердим ва ўтган кунларни батамом баён қилдим. Хонлар билан тўрт ой бирга бўлдик.

Ҳар ерда борган-кўрган навкарларим йигилдилар. Уч юздан кўпроқ киши бор эди. Хотиримдан кечдикки: „Қачонгача бу Фаргона вилоятида саргардон бўлиб юрамиз. Бирор ёққа бош олиб кетай, зора омадим юришса“, деб муҳаррам ойида Фаргона вилоятдан Хуросон талабида отланиб чиқдим.

## ТЎҚҚИЗ ЮЗ ТЎҚҚИЗИНЧИ (1503-1504) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойида Фаргона вилоятидан Хуросонга бориш ниятида Ҳисор вилояти яйловларидан булган Илок яйловига келиб тушдим. Ушбу юртда йигирма уч ёшнинг ибтидосида юзимга устара теккизим. Менга умидворлик билан эргашиб юрган улуг-кичик икки юздан купроқ, уч юздан озроқ эди. Купчилиги пиёда, қўлларида таёқ, оёқларида чориқ ва згниларида чопон эди. Қашшоқлик шу даражада эдики, ихтиёримизда иккитагина чодир бор эди. Менинг чодирим волидамга тикланарди. Менга ҳар юртда олачуқ (капа) ясардилар. Олачуқда ўтирардим.

Гарчи Хуросон нияти билан йўлга чиққан булсак-да, лекин шу аҳволимизда бу вилоятдан ва Хисравшоҳ навқарларидан умидворлик бор эди. Деярли кун ора бир киши келиб вилоят ерлари ва элу улусдан сўзлар айтар эдики, бу умидворликни кучайтирарди.

Бу фурсатда Хисравшоҳга элчиликка юборилган Мулло Бобойи Пашоғарий келди. Хисравшоҳдан кўнгилга ёққудек сўз келтирмади. Лекин Ҳисор эли ва улусидан хабарлар келтирди.

Илокдан уч-тўрт кўчиш билан Ҳисор ўлкасининг Хожа Имод деган ерига келиб тўхтадик. Бу юртда Муҳиб Али қўрчи Хисравшоҳдан элчиликка келди. Карам ва саховати билан машҳур бўлган Хисравшоҳ вилояти орқали икки мартаба ўтдиг-у, у пасткаш бошқа кишиларга қилган одамгарчиликни бизга қилмади. Эл ва вилоятдан умидворлигимиз боис, ҳар манзилда анча-анча тўхтаб қолишлар бўларди. У фурсатда энг улуг кишимиз бўлган Ширим тағойи, Хуросонга боришга чидамасдан, қайтиб кетиш хаёлида эди. Сарипулдан мағлуб бўлиб келганимизда ҳам кўч-кўронини жўнатиб юбориб, ўзи ёлғиз қалъада қолганди, номардроқ киши эди. Бир неча бор бундай ҳаракатлар қилганди.

Қабодиёнга етганда Хисравшоҳнинг иниси — Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори Боқи Чағониёний Хатиб Қаршийни юбориб, тарафдорлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқчи бўлди. Аму

сувининг Уёч кечигидан ўтганда, келиб менга мулозамат қилди. Боқининг таклифига биноан, Тирмиз туғрисида келиб кучларини Амудан батамом кечириб ўзимизга қўшиб, у фурсатда унинг ўғли, Хисравшоҳнинг жияни Аҳмад Қосимга тааллуқли бўлган Коҳмард ва Бомиён сари йўл олдик. Коҳмарднинг Ажар номли дара қўрғонида уй-элни қолдириб, яна бир қулай вазият руй берса, шунга кўра иш кўрамиз, деб ўйладик.

Айбакка етганда, бурунроқ менинг қошимда булган, яхши қиличбоз, бу алгов-далговларда мenden айрилиб, Хисравшоҳ қошига кетган Ёрали Билал бир неча йигит билан қочиб келди. Хисравшоҳнинг мўғулларидан бизга нисбатан хайрихоҳлик сузлари келтирди.

Дарайи Зиндонга етганда Қанбар Алибек, уни Қанбар Али саллох ҳам дерлар, қочиб бизга келди. Уч-тўрт кучиш билан Коҳмардга келиб Ажар қўрғонида уй-элни қолдирдик.

Ажардалигимизда Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган, бурун мирзолар тиригида Жаҳонгир мирзога нишона қилинган қизи Жаҳонгир мирзога никоҳланди. Ушбу аснода Боқибек менга лоф-қофлару дағдагалар билан айтар эдики: „Бир вилоятга икки подшоҳ ва бир лашқарга икки лашқарбоши — гавго ва вайронлик, фитна ва тарқоқлик боисидир. Ахир айтишган-ку:

*Даҳ дарвеш дар гилеме бихусбаанд,  
Ду подшоҳ дар иқлиме нагуижаанд.  
Ним ноие гар хўрад марди худой,  
Базли дарवेशон кунад иими дигар.  
Мулки иқлиме бигирад подшоҳ,  
Ҳамчунов дар банди иқлими дигар.*

(Мазмуни:

*Ун дарвиш бир гиламда ётадию,  
Икки подшоҳ бир иқлимга сигмайди.  
Оллоҳнинг жўмарди топса битта нов,  
Ярмин дарвишларга синдириб берар.  
Бир иқлим юртларин олган подшоҳ  
Иккинчи иқлимнинг фикрида булар.)*

Умид шундайки: бугун-эрта Хисравшоҳнинг барча навқар ва жанговарлари



келиб, подшоҳ қуллигини қабул қилишса. Улар орасида кўп фитначи кишилар бор, мисли Айюббекнинг углонлари ва яна баъзилар борки, бизнинг мирзоларнинг орасида ҳамisha ёмонлик ва фитнага сабабчи бўлиб, оғмачилик қиладилар. Ҳозир ушбу фурсатда Жаҳонгир мирзога Хуросон сари хайр ва яхшилик билан рухсат берилса, токи эрта-индин надомат ва пушаймонликка сабаб бўлмасин“. Ога-ини ва хеш-ақрабодан, ҳар қанча камчилик содир бўлса ҳам, воз кечиш менинг шаънимга тўғри келмас эди. Чунки мендан кўнгиллари қолиши мумкин. Гарчи Жаҳонгир мирзо билан бурун орамизда мамлакат ва навкар юзасидан анчагина келишмовчиликлар, қасдлашувлар бўлиб ўтган эса-да, лекин бу гал у юртимиздан мен билан йўлдош бўлиб келган эди. Ога-инилик чегарасидан чиқмай, менга астойдил хизмат қилаётганди. Ундан хафачиликка сабаб бўладиган бирор шубҳали хатти-ҳаракат кўринмасди. Ҳар қанча такрор арз қилган бўлса-да, мен қабул қилмадим. Охири Боқибек айтганидек, уша фитначилар: Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб менинг қошимдан Жаҳонгир мирзонинг олдига қочиб бориб, ёмонлик ва фитна ҳаракатида бўлиб, Жаҳонгир мирзони мендан айириб, Хуросонга олиб кетдилар.

Ушбу фурсатларда Султон Ҳусайн мирзодан Бадиуззамон мирзога, менга, Хисравшоҳ ва Зуннунга бир мазмундаги узундан-узоқ мактублар келди. У хатлар ҳозиргача мендадир. Мазмуни шундай эди: „Султон Аҳмад мирзо, Султон Маҳмуд мирзо ва Улуғбек мирзо — огаинилар иттифоқ қилиб юриш қилганда мен Мурғоб ёқасини тўсдим. Мирзолар яқин етиб ҳеч иш қила олмай қайтдилар. Энди ҳам агар ўзбак отланадиган бўлса, мен Мурғоб ёқасини тўсай. Бадиуззамон мирзо Балх, Шабурғон ва Андух қўрғонларига кучли кишиларини қўйиб, ўзи Гурзивон ва Дарайи Зангда у тоғлик масканларни беркитсин“.

Менинг бу ерларга келганим хабари Султон Ҳусайн мирзога бориб етган эди. Менга ҳам ёзиб эдики: „Сен Коҳмард ва Ажарда у тоғ этакларини беркитиб, Хисравшоҳ Ҳисор ва Қундуз қўрғонларида ишончли кишиларни қўйиб, ўзи ва ини-

си Вали Бадахшон ва Хатлон тоғларини тўссинлар. Ўзбак ҳеч иш қила олмай қайтгусидир“.

Султон Ҳусайн мирзонинг бу хатлари умидсизлик сабабчиси бўлди. Негаки, Темурбекнинг юртида бу тарихий санада ҳам ёш, ҳам тасарруфидаги ермулк, ҳам лашкар ҳисоби жиҳатидан ундан улугроқ подшоҳ йўқ эди. Биз кўз тутар эдикки, кетма-кет элчилар ва хабарчилар шошилинич келиб, мана бундай ҳукмлар келтирсалар эди: „Тирмиз, Килиф ва Карки кечикларида мунча кема ясанг, кўприк асбобини фалон миқдорда тайёр қилинг. Юқориги Тўққиз улим кечикларини яхши эҳтиёт қилинг“. Токи бир неча йил ўзбак гавго-тўполонларидан кўнгли синиққан бу элларнинг кўнгли кўтарилиб, кучайиб, умидвор бўлсинлар.

Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек урнига ўтирган улуг подшоҳ ганимнинг устига юришни демай, ер беркитмоқни, мудофаани деса, эл ва улусда қандай умидворлик қолсин? Биз билан келган оч уруқ ва уй-элни, Боқи Чағониёнийни ва ўгли Муҳаммад Қосимнинг бор сипоҳийларини кўч-моллари билан Ажарда қолдириб, лашкарни олиб чиқдик. Хисравшоҳнинг мўгулларидан тўхтовсиз киши келиб: Толиқондан подшоҳнинг хайрихоҳлигини тилаб, бор мўгул улуси кучиб Ишкамиш ва Фулул сари жўнадик. Подшоҳ жадаллик билан етиб келсинлар. Хисравшоҳнинг аксар кишиси ундан юз ўгириб, подшоҳ қуллуғига келади, деган хабарлар етказа бошлашди.

Бу вақтда Шайбоқхоннинг Андижонни олиб, Ҳисор ва Қундуз устига лашкар тортгани ҳақида хабар келди. Бу хабарни эшитган Хисравшоҳ Қундузда тўхтаб олмай, қўл остидаги бор кишисини кучириб, Кобулга йўл олди. Хисравшоҳ Қундуздан кучиб чиққан заҳотиёқ, Қундузни Мулло Муҳаммад Туркистоний исмли ўбдон ишончли кишиси Шайбоқхонга топшириш учун беркитди.

Биз Самту йўли билан Қизилсув сари тушган пайтда Хисравшоҳга тааллуқли ерлар — Ҳисор ва Қундузда бўлган учтўрт минг уйли мўгул улуси кучлари билан келиб бизга қўшилди.

Қанбар Али мўгул (илгари зикр этган эдик, такрор бўлди) вайсақи киши эди, унинг феъл-атвори Боқибекка ёқмади. Боқибекнинг кўнгли учун унга рухсат бериб юбордик. Угли Абдушукур ушандан буён Жаҳонгир мирзо хизматида бўлди.

Хисравшоҳ мўгул улусининг бизга қўшилганини эшитиб, хийла жонсарақ бўлиб, чора тополмай, куёви Яъқуб Айюбни менга элчиликка юборибди. Қуллик ҳамда хайрихоҳлик изҳор қилиб, агар келишолсак, қулликка келгумдир, деб илтимос қилибди. Боқи Чағониёний кўнглига қараганим учун, ҳар қанча менга хайрихоҳ бўлса-да, акасининг тарафини ҳам қўймасди. У кафил бўлди. Шунга келишдикки, унинг жони омонда бўлади. Молига ҳам ўзи қанча ихтиёр қилса, ҳеч бир келишмовчилик бўлмайди.

Яъқубга кетиш учун ижозат берганимиздан сўнг Қизилсундан қуйига, унинг Андароб суви билан қўшилиш жойига яқин ерда тушилди. Эртаси, раби ул-аввал ойининг ўртасида ёлғиз ўзим Андароб сувидан ўтиб, Души ерларида бир улуг чинор тубида ўтирдим. У тарафдан Хисравшоҳ ҳашамат ва дабдаба билан кўп кишиси ҳамроҳлигида келди. Қоида ва таомилга кўра, йироқда отдан тушди. Келиб кўришганида уч марта эгилиб, қайтганда ҳам уч карра, ҳол сўрашиш ва тортиқ тортганда бир маротабадан таъзим қилди. Жаҳонгир мирзо ва Хон мирзога ҳам ушбу йўсинда таъзим қилди. Қари семиз эркак неча йиллар ўз муродича юриб, султонликдан ўз номига бирор хутба ўқимаган эди. Йигирма беш, йигирма олти марта устма-уст таъзим қилди, олдимда у ёқдан-бу ёққа бориб келди. Толиқиб тамом йиқилаёзди. Шунча йиллик қилган беклиги ва салтанати тамоман бурнидан чиқди. Кўришиб тортиқ тортгандан сўнг, ўтиришга буюрдим, ўтирди. Бир-икки гарий\* ўтириб, у ёқ-бу ёқдан сўз ва ҳикоят айтилди. Номардлик ва ҳаромхўрликдан ташқари, у бефаросат ва бемаза вайсақи ҳам экан.

Эътиборли ва ишончли навкарлари кўзининг олдида гуруҳ-гуруҳ келиб мен-

га навкар бўлаётган пайти шу аҳволга етдики, подшоҳлик қилиб гердайиб юрган эркак бундай хор-зорликда истар-истамас келиб не ҳолатлар билан менга мулозамат қилди.

Ундан икки қизиқ иш содир бўлди. Бири: навкарлари айрилгани сабабли унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилганимда, у бунга жавобан: „Навкарлар тўрт маротаба айнан шундай мендан айрилишган, яна келишган“, деди. Иккинчиси: иниси Валининг қачон келиши, Аму дарёсидан қайси кечик билан ўтишини сўраганимда, дедикки: „Агар кечув топилса, тез келади. Бироқ кечиклар сув кўпайгач, ўзгаради. „У кечувни сув олиб кетди“, деган мақол бор.

Давлатининг ва навкарининг ундан кетиши хусусидаги бу сўзни унинг тилига Тангри солди. Анчадан сўнг мен отланиб лашкаргоҳга келдим, у ҳам тушган ерига кетди. Ушбу кундан эътиборан улуг-кичик, яхши-ёмон беклари ва бек навкарлари гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўч ва моллари билан ундан айрилиб, бизга кела бошладилар. Эртаси куни пешин намози пайтидан то кечқурунгача унинг қошида ҳеч ким қолмади. „Қул аллоҳумма малик-ал-мулки туът ил-мулка ман ташау ва танзиъ ул-мулка мимман ташау ва туиззу ман ташау ва тузиллу ман ташаъ би ядик ал-хойру иннака ала кулли шайин қодир“. (Таржимаси: „Айт, мулк эгаси, эй Худойим, Сен кимни хоҳласанг, шунга ҳукмронлик берасан. Сен кимдан хоҳласанг, ҳукмронликни тортиб оласан; кимни хоҳласанг азиз қиласан; кимни хоҳласанг, хор қиласан; яхшилик ўз қўлингда, сен ҳар бир нарсага қодирсан“).

Қодир Худонинг ишини қарангки, йигирма-ўттиз минг навкарнинг эгаси, Қаҳлугдан (уни Дарбанди Оҳанин ҳам дерлар) Ҳиндукуш тоғигача Султон Маҳмуд мирзога тааллуқли вилоятларнинг ҳаммасига ҳоким эди. Ҳукмронликни мустақил равишда қилар эди. Бир ўлпон йигувчиси — Ҳасан барлос исмли қари нусха Илокдан Уёжгача қаттиққўллик билан солиқ йигиб, бизни кўчириб ту-

\* Гарий — йигирма-йигирма беш минут оралигидаги вақт.

ширар эди. Хисравшоҳни бир ярим кунда уруш йўқ, талош йўқ, бизнингдек қашшоқ ва фалокат босган икки юз-икки юз эллик кишининг қошида шундай хору зор, ночор ва ожиз қилдики, на навкарига ихтиёри қолди, на молига, на жонига.

Хисравшоҳни кўриб қайтган оқшом Мирзохон қошимга келиб, акаларининг қонини даъво қилди. Бизнинг одамлардан ҳам баъзилар бу фикрни ёқладилар, дарвоқеъ шариат ва урфга кўра ҳам муносиби шу эдики, бундай кишилар жазосини тортсин.

Аҳд булгани боис Хисравшоҳни озод қилиб, фармон бердики, кучи етганча нарсаларини олсин-да, кетсин. Уч-тўрт қатор хачир ва туяда бор жавоҳир, олтин, кумуш ва нафис нарсаларни юклаб олиб кетди. Ширим тағойини қўшиб жўнатдик, Хисравшоҳни Фурий ва Даҳона йўли билан Хуросон сари юбориб, узи Коҳмардга бориб кўчимизни ортимиздан Кобулга келтиришини буюрдик.

У юртдан Кобулга бориш ниятида кўчиб, Хожа Зайд мавзесига келиб тушдик. Шу кунни Ҳамзабий мангит ўзбекининг талончисини бошлаб келиб, Души ерларини талон-торож қилди. Саййид Қосим эшикога ва Аҳмад Қосим кўҳбур баъзи йигитлар билан юборилди. Бориб, талончиларни боплаб босиб, бир неча бош кесиб келтирдилар. Ушбу юртда Хисравшоҳнинг қурол-аслаҳахонасидаги зирҳли кийимлар улашилди. Етти-саккиз юзтача зирҳли кийим ва кўҳа (бўй баробар қалқон) бор эди. Хисравшоҳдан қолган нарсалардан бири шулар эди. Яна чинни идишлар ҳам хийла тушди. Бошқа кўзга кўрингудек нарса бўлмади.

Хожа Зайд мавзесидан тўрт-беш маротаба қўниб-кўчиб, Фурбанд шаҳрига келдик. Уштур шаҳрига тушганда, Муқим аргуннинг улуг беги бўлган Шерак аргуннинг, биздан беҳабар, лашкар билан келиб Борон дарёси ёқасида утиргани ҳақида хабар топдик. Мақсади — Панжҳир йўли билан ўтган кишини ўша пайти Кобулдан қочиб, таркалоний афгон орасига Ламгон туманига борган Абдураззоқ мирзо томонга ўтгани қўймаслик эди. Бу хабарни топгач, икки намоз орасида у ердан кўчиб, кечаси билан йўл

юриб, тонг вақти Ҳубён довонидан ошдик.

Суҳайл юлдузини сира кўрган эмасдим. Довонга чиққан заҳотиёқ осмоннинг жануб тарафи пастида ёруғ юлдуз кўринди. „Шу Суҳайл эмасмикан?“, дедим. „Суҳайлдир“, дедилар. Боқи Чағониёний бу байтни ўқиди:

*Ту Суҳайли, то кужо тобию кужо  
толиъ шави,  
Чашми ту бар ҳар ки меафтад  
нишоии давлат аст.*

(Мазмуни:

*Сен Суҳайлсен, қайда балқиб,  
қайда порлайсан экан,  
Кузларинг ҳар кимга тушса,  
бўлди давлатдан нишон.)*

Офтоб найза бўйи кўтарилганида Санжид дараси этагига келиб тушилди. Биздан илгари борган қаровул йигитлар ва яна баъзи йигитлар Қорабоғнинг пасти — Эгриёр тупроғида Шерак билан туқнашадилар. Оз-моз урушгандек бўлишади. Бизникилар илғор билан тезда уларни енгадилар. Шеракни ва яна етмиш-саксон-юз зўр йигитларни асир қилиб келтирдилар. Шеракнинг қонидан кечиб, мулозим қилдик.

Хисравшоҳ, Қундуздан эл-уругига боқмай, Кобулга йўл олганида унга тааллуқли эл ва улус беш-олти бўлакка ажралади. Бадахшондагилар бир бўлак: Русто ҳазорасидаги Сайдим Али дарбон, Панжҳир йўли билан ошиб ушбу юртда бизга бош эгиб келишди; яна бир бўлаги: Юсуф Айюб ва Баҳлул Айюб эди. Улар ҳам бу юртда хизматимга келдилар. Яна бир бўлак: Баҳлул Айюбнинг иниси Вали — Хатлондан; яна бир бўлак: Йилончилик, Накдарий, Қоқшол ва Қундуз вилоятида яшайдиган аймақлар. Бу ҳар икки бўлак Андароб ва Сароб билан келиб, Панжҳирдан ошиш хаёлида эдилар.

Аймақлар илгарироқ Саробда эканликларида, кейиндан Вали келди. Аймақлар унинг йўлини тўсиб, урушиб енгадилар. Узи қочиб узбакка кетди. Шайбоқхон Самарқанднинг чорсусида бошини кестирди. Қолган навкар-савдари таланиб, енгилиб, уруғ-аймоқлари билан ушбу юртда менга қуллуқ қилиб келдилар. Саййид Юсуф ўғлоқчи ҳам аймақлар билан келди.

Бу юртдан кучиб, Қорабоғ ёнидаги Оқсарой сайхонлигига тушилди. Хисравшоҳнинг эл-уруглари — зулм ва бошбошдоқликка ўрганган навкарлар элга зулм қила бошладилар. Охири Сайдим Али дарбоннинг бир зур навкарини бировнинг бир кўза ёгини тортиб олгани учун ўрдага келтириб таёқлатдим. Таёқ остидаёқ жони чиқди. Эл бу сиёсатдан батамом босилди.

Ушбу юртдалигимизда Кобулнинг устига дарҳол бориш-бормаслик кенгашилди. Саййид Юсуфбек ва баъзилар: қиш яқин, дарҳол Ламғонга бормоқ керак, деб маслаҳат бердилар. У ерда яна не маслаҳат рўй берса, ўшанга яраша амал қилинар. Биз — Боқи Чағониёний ва баъзилар Кобул устига бормоққа қарор қилиб, у ердан кучиб, келиб Або қўругига (ҳукмдор оиласининг ёзги истироҳат маскани) тушдик. Ушбу юртда менинг волидам хоним ва Коҳмардда қолган эл-уруғ оғир хатарларни бошдан кечириб, бизга келиб қўшилди.

Гап шундаки, Ширим тағойи Хисравшоҳга қўшиб юборилган эди, Хисравшоҳни Хуросонга узатиб, ўзи бориб элуруғимизни келтириши лозим эди. Даҳонага етганда Ширимнинг фикри ўзгаради. Хисравшоҳ Ширим билан бирга Коҳмардга боради. Чунки унинг жияни — Аҳмад Қосим Коҳмардда эди. Хисравшоҳ Аҳмад Қосимни орқа қилиб, эл-уруғимизга ёмонликни кўзлайди. Боқи Чағониёнийнинг кўп мўғул навкарлари элуруглари билан Коҳмардда эдилар. Улар Ширим тағойи билан махфий келишиб, Хисравшоҳ ва Аҳмад Қосимни тутмоқчи бўладилар. Хисравшоҳ билан Аҳмад Қосим Ажар дарасининг ёнидаги йўл билан қочиб, Хуросонга кетадилар. Мўғулларнинг ушбу келишувларидан мақсадлари ўзларини улардан айирмоқлик экан.

Хонадонимиз аҳли билан бўлган эл Хисравшоҳнинг дағдағасидан халос бўлиб, Ажардан чиқиб, Коҳмардга етган пайти Исиқончи элати ёвлашиб йўлни тўсади. Аксар Боқибекка тааллуқли эл ва улусни улар талайдилар. Қул Боязиднинг ўғли — Тезак кичик ўша ерда эди, асир тушди. Уч-тўрт йилдан сўнгра Кобулга келди. Қийналган, таланган уруғимиз, биз ўтган Қипчоқ йўли билан

ошиб, Або қўругида келиб бизга қўшилди.

У ердан кўчгач, орада бир қўниб, Чолок сайхонлигига тушдик. Чолокда кенгашиб Кобул шаҳрини қамал қилишга келишдик, сўнгра кучиб, мен узим қўшиннинг марказ қисмидаги барча кишилар билан Ҳайдар Тақининг боғи ва Қул Боязид ошпазнинг қабристонини оралигига тушдим. Жаҳонгир мирзо ўнг қанот одами билан бизнинг катта чорбоққа қўнди. Носир мирзо чап қанот эли билан Қутлуққадам қабристонининг орқасидаги сайхонликда тўхтади. Доим кишимиз бориб Муқим билан музокара олиб борарди. У гоҳ узр сўрар, гоҳ аниқ бир гап айтмасди. Унинг пайсалга солишига сабаб — биз Шеракни қўлга туширган заҳотиёқ, у отасига, акасига киши чоптирган, ота-акасидан умидвор эди.

Бир куни лашкар гули, ўнг қанот ва чап қаноти батамом зирҳли кийимлар кийиб, отларга ҳам зирҳли ёпинчиқлар солиб, шаҳарга яқинроқ борилсин, деган фармон бўлди: шунда ҳам яроқ намойиш этилади, ҳам ичкаридаги элга бир сиёсат бўлади. Жаҳонгир мирзо ва ўнг қанот Кўчабоғ орқали илгарироқ келдилар. Фулнинг олди сув бўлгани боис мен марказ кишиси билан Қутлуққадам қабристонини тарафидан келиб, қир олдидаги тепалик устига чиқдим. Хужумкор қисм кишилари Қутлуққадам кўпригининг устига тиқилиб бордилар. У пайт ҳали кўприк йўқ эди. Йигитлар шўхлик қилиб, Чармгарон дарвозасигача урушиб бордилар. Муқимнинг оз сонли кишилари урушга тоб беролмай қочиб қўрғонга кирдилар.

Арkning тупроқ уйилган тепалигига кўп Кобул эли томошага чиққан эди. Қочаётганда роса чанг-тузон кўтаришиб, ўзларини ичкарига олдилар. Кўприк билан дарвоза орасидаги баланд қирнинг устида йўл ўртасида кўп чуқурликлар қазиб, устини хас билан ёпишган эди. Султонқули чиноқ ва баъзи йигитлар от суриб борганда, бир-бирига урилишиб йиқилдилар. Ўнг қанот тарафидан бирикки йигит Кўчабоғ оралаб чиққанлар билан бирикки қилич солишиб олишдилар. Урушга фармон бўлмагани учун ушбу хатти-ҳаракатлар билан чекланиб, ортга қайтдилар.

Қўргон эли қаттиқ эсанкираб қолди. Муқим бекларни орага солиб, қуллуққа келиб, Кобулни топширмоқчи бўлди. Боқибек Чагонийнинг воситачилигида келиб менга мулозамат қилди. Биз ҳам июнат ва шафқат йўсинида иш тутиб, унинг кўнглидан ваҳима ва қўрқувни бартараф қилдик. Эртаси тонгда бор навкару савдари, мол ва асбоб-ускуналари билан чиқиб, қўргонни топширади, деган қарорга келдик. Хисравшоҳга тааллуқли эллар ўзбошимчалик ва талончиликка урганган эди. Муқимни ва Муқимга тааллуқли кишиларни мол-қоллари билан Кобулдан дахлсиз чиқарсинлар, деб Жаҳонгир мирзо, Носир мирзо ва улуг бекларни ҳамда ички — яқинларни тайинладик. Муқимга Тебани юрт тайин қилдик.

Эртаси эрталаб мирзолар ва беклар дарвозаларга бориб халойиқнинг тўполон ва гавгосини кўриб: „Сиз келмагунча бу элни киши тинчитолмайди“, деб менга одам юбордилар. Охири ўзим отландим. Турт-беш кишини уқ билан отиб, бир-икки кишини парча-парча қилдирдим. Ғавго босилди. Муқим ўзига тегишли киши ва жиҳозу нарсалари билан соғсаломат бориб Тебага тушди.

Раби ул-аввал ойининг охирида Тангри таолонинг фазлу карами билан Кобул ва Ғазни мулк ҳамда вилоятлари жанг-жадалсиз менга муяссар булди ва фатҳ этилди.

Кобул вилояти туртинчи иқлимдадир. Шаҳар обод ерларнинг ўртасида жойлашган. Шарқи Ламгонот, Пуршвар, Ҳашнагар ва баъзи Ҳинд вилоятларидир. Ғарби тоғли масканлардир, Карнуд ва Ғўр ўша тоғлардадир. Ҳозирги пайтда ҳазора ва нақдарий қавмларининг маскани шу тоғлардир.

Шимоли Ҳиндукуш тоғига туташган. Қундуз ва Андароб вилоятларидир.

Жануби Фармул, Нагар, Банну ва Афғонистондир.

Кичкина вилоятдир. Узунасига чўзилган. Шарқдан ғарбга томон ястанган. Атроф-тевараги батамом тоғдир. Қалъаси тоққа туташган. Қалъанинг ғарби-жануб тарафида кичикроқ тоғ бор. У тоғнинг чуққисиди Кобул шоҳи иморат қилгани боис бу тоғни Шоҳи Кобул дей-

дилар. Бу тоғ Деварин тордарадан бошланади. Деҳи Яъқуб дарасида тугайди. Гир айланаси икки шаръий келади. Бу тоғнинг этаклари тамомила боғлардир. Менинг улуг амаким Улугбек мирзо замонида мирзонинг бекотаси Вайсбек бу тоғнинг этагида бир ариқ чиқарган. Этакдаги боғларнинг ҳаммаси шу ариқдан яшнади. Шу ариқ охирида Гулкина номли мавзе бўлиб, хилватгина гўшадир. Унда кўп сархушликлар қилганмиз. Гоҳо мутуйба йўсинида Хожа Ҳофизнинг бу байти ўзгартириш билан ўқилар эдиким:

*Эй хуш он вақт ки бепову сар  
айёме чанд,  
Сокини Гулкина будем ба  
бадноме чанд.*

(Мазмуни:

*Хуш замонлар бир гуруҳ бебошлару  
салти саяқ,  
Гулкинада воҳайлашиб сурар эдик  
тумтароқ.)*

Қалъанинг жанубида Шоҳи Кобул тоғининг шарқида бир катта кўл бор. Айланаси бир шаръийга яқинлашади. Шоҳи Кобулдан Кобулга томон уч кичикроқ чашма оқиб чиқади: иккитаси Гулкина мавзесидадир. Бир чашма бошида Хожа Шаму номли мазор бор; яна бири Хожа Хизрнинг қадамжосидир. Бу икки ер Кобул элининг сайргоҳидир. Яна бир чашма Хожа Абдуссамад мавзеси рўпарасида, уни Хожа Рўшноий дейдилар.

Шоҳи Кобул тоғидан бир қоя-тумшук айрилиб турипти, уни Уқобайн (икки бургут) дейдилар. Уқобайн қоясидан бошқа яна бир парчагина тоғ тушган бўлиб, Кобул қалъасининг арки бу тоғнинг устидадир. Улуг қўргон аркнинг шимолий тарафидадир. Бу арк гаройиб тарзда юксак ва яхши ҳаволи ерда жойлашган. Бу катта кўл ва уч сайхонлик — Сияҳсанг (қоратош), Сўнак қўргон ва Чолок аркка ёндошдир. У ердан бутун тевааратроф худди оёқ остида тургандек кўрилади. Уланглар яшиллик пайтлари жуда сўлим кўрилади. Ёз чоғлари Кобулда шимолий ел эсиб туради. Уни Паравон ели дейдилар. Аркдаги шимолга қараган дарчали уйлар жуда хушхаводир.

Мулло Муҳаммад Толиб Муаммойи Кобул аркининг таърифида бир байтни Бадиуззамон мирзо номига атаб ўқир эди. Байт ушбудир:

*Бихўр дар арки Кобул май,  
бигардон коса пайдарпай,  
Кя ҳам куҳ асту ҳам дарёву ҳам шаҳр  
асту ҳам саҳро.*

(Мазмуни:

*Симири Кобул аркида май,  
қадаҳ айлантир-ей тинмай,  
Бу манзил тоғу ҳам дарё ва  
ҳам шаҳру ва ҳам саҳро.)*

Худди, араблар арабдан бошқани „ажам“ деганларидек, ҳиндистонлик ҳиндистонлик бўлмаганларни „Хуросон“ дейди. Ҳиндистон билан Хуросон орасида қуруқликдаги йўлда икки катта қўнимгоҳ бор: бири — Кобул, яна бири — Қандаҳор. Кобулга Кошғар, Фарғона, Туркистон, Самарқанд, Бухоро, Балх, Ҳисор ва Бадахшондан карвонлар келади. Хуросондан карвон Қандаҳорга келади. Ҳиндистон билан Хуросонни боғловчи восита Кобул вилоятидир. Кўп яхши савдо масканидир. Савдогарлар Хитойга ёки Румга борсалар ҳам шунчалик савдо қила оладилар. Ҳар йили етти-саккиз—ўн минг от Кобулга келади. Қўйи Ҳиндистондан ўн-ўн беш — йигирма минг қорамоллик карвон Кобулга келади. Ҳиндистондан қалин мато, оқ кийим-кечак, қанд, новвот, шакар ва дориворлар келтирадилар. Кўп савдогарлар ўттиздан ўн, қирқдан ўн (фоиз) фойда олишга рози бўлмадилар.

Хуросон, Ироқ, Рум, Чин матолари Кобулдан топилади. Кобул ҳиндистонлик савдогарларнинг ҳам қўнимгоҳидир.

Гармсир (иссиқ иқлим) ва сардсир (совуқ иқлим) жойлар Кобулга яқиндир. Кобулдан бир кунда сира қор ёғмайдиган жойга борса бўлади. Яна нужумий (астрономик) икки соатда шундай ерга борса бўладики, у ерда ҳеч қачон қор қамаймайди. Аҳён-аҳёнда шундай ёз келадики, қор қолмайди. Иссиқ ва совуқ иқлимда етишадиган мевалар Кобул атрофида кўпдир. Кобул ва унинг кентларида совуқ иқлимга мансуб мевалардан узум, анор, ўрик, олма, беҳи, амруд, шафтоли, қароли, санжид, бодом ва ёнғоқ кўп бўлади. Мен қароли ниҳолини

келтириб эктирганман, яхши қаролилар бўлди ва ҳануз гуркираётган эди.

Иссиқ иқлим меваларидан, чунончи, норунж (апелсин), турунж (лимон), амлук ва найшакарни Ламғонотдан келтирадилар. Найшакарни мен келтириб эктириб эдим. Чилғузани (кедр ёнғоғи) Нижровдан келтирадилар. Кобул атрофидаги тоғлик жойлардан асал кўп келади. Асалхоналари бордир. Биргина Ғазни тарафдаги тоғлик масканлардан асал келмайди, холос. Кобулнинг равоччи яхши бўлади. Беҳи билан қаролиси ҳам яхшидир. Бодринги ҳам яхши.

Бир нав узуми бор, оби ангур дейишади, жуда яхши узумдир. Маст қиладиган чоғирлари бўлади. Хожа Хованд Саййид тоғи этакларининг шароби аччиқлиги билан машҳурдир. Ҳали ҳам тақлид билан унинг таърифини келтирадилар: „Май лаззатини маст билур, ҳушёрларга не ҳузур?!“

Ёкини яхши бўлмайди. Агар Хуросон уруги бўлса, унчалик ёмон бўлмайди. Жуда латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволи ер оламда борлиги маълум эмас. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмайди. Қишда, гарчи қор аксар катта тушса-да, лекин қаттиқ совуғи йўқдир. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволикда машҳурдир, лекин у шаҳарларда қаттиқ совуқ бўлади.

Атрофида турт яхши уланги бўлиб, шарқи-шимолий тарафи Сунаққурғон сайхонлигидир. У Кобулдан икки куруҳ масофадаги яхши сайхонлик. Ути отга яхши, чивини кам бўлади.

Ғарби-шимоли Чолок сайхонлигидир, Кобулдан бир куруҳ наридаги кенг сайхонликдир, ёзда чивини отга азоб беради.

Ғарбига Деварин сайхонлиги тушган. Аслида бу ерда икки сайхонлик бор: бири Теба сайхонлиги, яна бири Қўшнодир сайхонлигидир. Бу ҳисоб билан беш уланг (сайхонлик) бўлади. Ҳар икки уланг Кобулдан бирор шаръий масофада, кичикроқ сайхонликлардир. Лекин ўти отга жуда хушхўр, чивини йўқ. Кобул сайхонликлари ичида бундай сайхонлик бошқа ерда йўқ.

Шарқи Сияҳсанг (Қоратош) сайхонлигидир. Чармгарон (кўнчилар) дарвозаси билан бу сайхонликни Қутлуққадам

нинг қабристонни туташтиради. Ёзлар чивини кўп бўлгани боис бу сайхонликда чорвани кам қўрийдилар. Бу сайхонликка туташ Камарий сайхонлиги ҳам бор. Ушбу ҳисоб билан Кобул атрофида олти сайхонлик булди, лекин тўрт ўтлоқ машҳурдир.

Кобул вилояти мустаҳкам берк вилоятдир. Ёт ёвнинг бу вилоятга кирмоғи мушкул. Балх, Қундуз ва Бадахшон билан Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи ястанган. Бу тоғдан етти йўл ошади, уч йўл Панжҳиридадир. Юқорироқ Хавок доводидир, ундан қўйроқ Тул, ундан қўйроқ Бозорак доводлари. Бу уч доводдан яхшироғи Тулдир. Лекин йўли бироз узунроқдир. Афтидан, шу боис Тул (узун) деганлар. Тўғрироғида Бозоракдир. Тул ва Бозорак доводлари орқали Саробга тушилади. Бозорак доводини Сароб эли Порандий қишлоғига ингани учун Порандий доводни дейдилар.

Яна бири Парвон йулидир. Катта довод билан Парвон орасида яна етти довод борлиги учун Ҳафтбача (еттиболали) дейдилар. Андароб тарафидан икки йўл келиб, катта доводда қўшилиб, Ҳафтбача билан Парвонга келади. Кўп машаққатли йўлдир. Уч йўл Ғурбанддадир. Парвон йулига яқинроқ йўл Янгийўл доводидир. У Валиён (валилар) ва Ҳинжонга инади. Яна бир йўл Қипчоқ доводидир. У Андароб суви билан Қизилсувнинг қўшилишига қараб тушади. Бу йўл ҳам яхши йўлдир.

Яна бир йўл Шибарту доводидир. Ёзлари сув кўпайса, Шибарту доводидан ошиб, Бомиён ва Сайгон йўли билан, қишлари Обдара билан юрадилар. Қишда тўрт-беш ой бир Шибарту доводидан ўзга ҳамма йўллар бекилади. Бу доводдан ошиб, Обдара билан юрадилар. Ёзлари сувлар кўпайганда ҳам бу йўлларнинг қишки ҳолати сақланиб қолади. Чунки Такоб йўлларида сувлар ўтиб бўлмас даражада катта келади. Такоб билан юрмай, тоғ билан юришни хаёл қилсалар, ўтиш қўрқинчлидир. Кузлар уч-тўрт ой, қор озайиб, сувлар камайганда, бу йўллардан ўтишнинг айна пайтидир. Тоғларда ва тор кечувларда ўғриқароқчилар ҳам учраб туради. Хуросон тарафидан келадиган йўл Қандаҳордан

ўтади. Бу йўл теп-текис тўғри йўлдир. Бу йўлда довод йўқ.

Ҳиндистон тарафидан тўрт йўл чиқади. Бир йўл Ламгонот орқали ўтади. Бу йўлда Хайбар тоғларида кичикроқ довод учрайди. Яна бир йўл Бангаш орқали, яна бир йўл Нағар орқали, яна бир йўл Фармул орқали ўтади. Бу йўлларда ҳам кичикроқ доводлар бор. Бу йўллар билан келадиганлар Синд дарёсининг уч кечигидан ўтадилар. Нилоб кечигидан ўтадиганлар Ламгонот орқали келадилар. Қишлари Кобул дарёси билан Синд дарёсининг қўшилишидан юқорироқдаги Синд, Кобул ва Савод дарёларидаги кечик орқали ўтадилар.

Мен аксар Ҳиндистонга лашкар билан келганимда кечиклар орқали ўтдим. Келиб, Иброҳимни енгиб, Ҳиндистонни фатҳ қилганимда Нилоб кечигидан кема билан ўтдим. Ушбу кечикдан ўзга Синд дарёсининг ҳеч еридан кемасиз ўтиб бўлмайди. Динкут кечиги билан ўтганлар Бангаш орқали келадилар. Чупора кечиги билан ўтганлар агар Фармул орқали келсалар, Ғазнига келадилар ва агар Дашт орқали борсалар, Қандаҳорга келадилар.

Кобул вилоятида хилма-хил қавмлар бордир. Тоғ ораликлари ва текисликларда турклар, аймақлар, саҳройи араблар, шаҳар ва баъзи кентларида сортлар истиқомат қилишади. Яна баъзи кентлари ва вилоятларида пашойи, парожий, тожик, бараки ва афгонлар яшашади. Ғарбий тоғларида ҳазора ва накдарийлар яшайдилар. Буларнинг орасида баъзилари мўғул тилида гаплашишади. Шарқи-шимолий тарафидаги Катур ва Габрак сингари тоғлар Кофиристондир, жануби эса Афғонистондир.

Кобул вилоятида ўн бир-ўн икки тилда сўзлашадилар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашойи, габрий, баракий, ламгоний. Бирор вилоятда бунчалик хилма-хил қавм ва ҳар турли тилларда сўзлашувчилар борлиги маълум эмас.

Кобул вилоятида ўн тўрт туман бор. Самарқанд, Бухоро ва яна бу ўлкадаги бир катта вилоят қарамоғидаги вилоятчаларни туман дейдилар. Андижон, Қошғар ва ул ораларда ўрчин, Ҳиндистонда эса

паргана дейдилар. Гарчи Бажавр, Савод, Паршовар ва Ҳашнагар бурун Кобулга тобе бўлса-да, ушбу йилда афгон қавми босқинлари сабабли баъзиси тарқалиб, баъзиси афгонларга қўшилиб кетган. Вилоятлиги қолмаган.

Шарқи Ламгонот вилоятидир. Бу вилоят беш туман ва икки бўлуқдир (тумандан кичикроқ кент). Ламгон туманларидан каттароғи Нингнаҳор, баъзи тарихларда Нагарҳор деб ёзишади. Қўргонбеги ўтирадиган ер Одинапурдир. Кобулдан шарқ томонда ун уч йигоч йўлдир. Нингнаҳор билан Кобул ораси жуда ёмон йўлдир. Уч тўрт ерда кичикроқ-кичикроқ доволари, икки-уч ерда тор даралари бор. Хирилжи ва барча йўлтўсар қароқчилар афгонлардир. Бу ерларда эл яшамас, йўлтўсарлар кўп, ободончилик йўқ эди. Қўруқсойнинг этаги — Қорату мавзесини мен бунёд қилдирдим. Шундан сўнг йўл хавф-хатарсиз бўлди.

Иссиқ иқлим билан совуқ иқлим орасидаги чегара ҳудуд — Бодомчашма доводидир. Бу доводнинг Кобул тарафида қор ёғади. Қўруқсой ва Ламгонот тарафида қор ёғмайди. Бу доводдан тушгач, киши ўзга бир оламга дуч келгандек бўлади: дарахтлар ўзгача, ўтлар ўзгача, жониворлар ўзгача, элнинг расму русуми ўзгача.

Нингнаҳор туманида тўққизта сой бор. Шолиси ва бугдойи яхши бўлади. Норунжи, турунжи ва анори кўп, яхши етилади.

Одинапур қўргонининг олдида, жануб тарафдаги бир баландликда тўққиз юз ун тўртинчи (1508) йили бир чорбоғ солдим. У Боғи Вафо деб номланган, сойга туташ; сой қўргон билан боғ орасидадир: норунжи, турунжи ва анори кўп бўлади. Паҳархонни енгиб Лаҳур ва Дипалпурни олган йилим кейла (банан) келтириб эктиргандим, кукарган эди. Ундан бурунги йили шакарқамиш ҳам эккан эдилар, шакарқамишлар яхши бўлганди. Бадахшон ва Бухорога у шакарқамишлардан юборилган эди. Ери баланд, оқар суви муттасил, ҳавоси қиш пайти муътадил, боғнинг ўртасида бир кичикроқ тепалик ястанган; бир тегирмон суви бу боғнинг ўртасидан ва боғнинг ичидаги тепаликнинг устидан ҳам-

ша оқиб туради. Боғ ўртасидаги чорчаман (тўртбурчак гулзор) шу тепалик устида барпо этилган. Боғнинг гарби-жанубий тарафида унга ун ўлчовидаги ҳовуз, атрофи бутунлай норунж дарахтларидир; анор дарахтлари ҳам бор. Бу ҳовузнинг теварак-қирғоқлари батамом себаргазордир. Боғнинг энг сўлим ери ушбудир. Норунжлар саргайган маҳали кўп яхши кўринади; хийла яхши боғ бунёд топди.

Кўҳи Сафид Нингнаҳорнинг жанубида ястанган бўлиб, Бангаш билан Нингнаҳор ушбу тоққа туташади. Отлиққа йўл йўқдир. Бу тоғдан тўққиз сой чиқади. Тоғда қор ҳаргиз камаймайди. Шу боисдан бўлса керак, Кўҳи Сафид — Оқ тоғ дейдилар. Қуйи ўтлоққа ҳеч қор тушмайди. Оралиқ масофа ярим кунлик йўлдир. Бу тоғ этагида яхши ҳаволи ерлар бор. Сувлари совуқ, музга ҳеч эҳтиёж бўлмайди.

Одинапур қўргонининг жануб тарафи Сурхруд (Қизилсой) сойидир. Қўргон тепасида бунёд топган. Сой томони қирқэллик қари тик тоғдир. Шимолида бир парча тоғ бўлиб, хийла мустаҳкам қўргондир. Бу тоғ Нингнаҳор билан Ламгонотнинг орасида. Қачон Кобулда қор ёғса, бу тоғ чўққисига қор тушади. Ламгон эли Кобулда қор ёққанини шундан биладилар. Бу Кобулдан Ламгонотга келадиган йўл. Агар Қўруқсой билан келинса, бир йўл Дири доводидан ошиб, Булонда Борон дарёсидан ўтиб Ламгонотга боради. Яна бир йўл Қўруқсойдан пастда Қўратудан ўтиб Улуғ Нурдан Борон дарёси орқали Бодипеч (Қуюн) доводидан оша Ламгонга етади. Агар Нижров билан келсалар, Бадровдан, сўнг Қармангриқдан ўтиб Бодипеч доводига боради.

Ламгоннинг беш туманидан бири Нингнаҳор бўлса-да, лекин Ламгонотни уч туманга нисбат берадилар. У уч тумандан бири Алишанг туманидир. Шимолида Ҳиндукуш тоғига туташ қорлик юксак берк тоғлар бор. Бу тоғ аҳолиси батамом Кофиристондир. Алишангга яқинроқ кофирлар юрти Милдир. Алишанг сойи Милдан чиқади. Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси Меҳтар Ломнинг қабри Алишанг туманидадир. Баъзи тарих китобларида Меҳтар Ломни Ламак



(Ламкон) ҳам деганлар. Бу эл тилини мулоҳаза қилиб кўрсак, баъзи пайт „к“ (коф) товуши урнига „г“ (гайн) талаффуз қиладилар. Шу боисдан бўлса керакки, бу вилоятни Ламгон деганлар.

Яна бир тумани Алингордир. Алингорга яқинроқ кофиристон Кавардир. Алингор сойи Кавардан чиқади. Бу икки сув Алишанг билан Алингордан ўтиб, бири-бирига қўшилиб, Мандировар туманидан қуйироқда Борон дарёсига қўшилади.

У икки мавзедан бири Дарайи Нурдир. Ухшаши йўқ бир манзил бунёд топган. Қўрғони даранинг олдинги қисмида бир тумшуқсимон қоянинг устида қурилганки, икки тарафи сойдир. Шолипояси кўп, йўлсиз юриб бўлмайди. Норунж, турунж ва бошқа иссиқ иқлим мевалари етилади. Бироз хурмо дарахтлари ҳам учрайди. Қўрғоннинг икки тарафидаги сой ёқалари батамом дарахтлардир; кўпроги эмлук дарахтидир. Бу мевани баъзи турклар қора емиш дейдилар. У Дарайи Нурда кўп бўлади, бошқа ерда бу мева учрамади. Узуми бутунлай дарахтлар устидадир. Ламгонотда Дарайи Нур шароби машҳур. Икки нав шароб бўлади: арра тоши ва эгов тоши дейдилар. Арра тоши саргишдир; эгов тоши хушранг қип-қизил бўлади, лекин арра тоши кўпроқ кайф беради. Бироқ иккаласининг кайфи ҳам шуҳратларича эмас.

Юқори Сар дараларида маймун бўлади, бундан қўйи — Ҳиндустон сари ҳам маймун бор, бундан юқорида бўлмайди. Бу эл бурун чўчка сақлар эди, бизнинг замонда бартараф қилди.

Яна бир туман Кунар ва Нургилдир. Бу туман Ламгонотдан бошқачароқ бунёд топгандир. Кофиристоннинг ичидан вилоят сарҳади утган. Катталиги Ламгон туманларича бўлса-да, лекин моли кам, солиқни озроқ берадилар. Чагонсарой дарёси шарқи-шимоли тарафдан Кофиристоннинг ичи билан келиб, бу вилоятнинг орасидан ўтиб, Кома мавзесида Борон дарёсига қўшилиб, шарққа қараб оқади. Нургил бу дарёнинг ғарб тарафидир, Кунар шарқ тарафи. Мир Саййид Али Ҳамадоний раҳматуллоҳ саёҳат қилиб келиб, Кунардан бир шаръий юқорида вафот этганлар. Муридлари бу ердан Хатлонга элтибдилар. Оламдан кўз юмган ерлари ҳозир бир

мозор бўлиб қолган. 925 (1519) йили келиб Чагонсаройни олганимда, бу жойни тавоф қилиб эдим. Норунж, турунж ва гуручи кўп бўлади. Аччиқ чоғирларни Кофиристондан келтирадилар.

Бу эл қизиқ бир удумдан ривоят қилдиларки, бу ақлга сиғмайди. Бироқ бу хабар кўп маротаба эшитилди: бу туманнинг қўйи томонини Ламата кандидейди. Ундан пасти Дарайи Нур ва Атарга тааллуқлидир. Ушбу Ламата кандидан юқориси батамом тоғлик жойлар, Кунар, Нургил, Бажавр, Савод ва ўша атрофда шундай расм амал қилади: бирор хотин улса, уни замбилсимон ёғоч сўрига солиб, тўрт тарафидан тўрт киши кўтаради. Агар умрида ёмон иш қилмаган бўлса, ўлик ҳаракатланиб, бу кўтарганларни бехосдан титратиб юборади. Бу шунчалик бўладики, кўтарганлар ўзларини усталик билан сақласалар, ўлик сўридан тушади. Агар ёмон иш қилган бўлса, ҳаракат қилмайди — қимирламайди. Буни ёлғиз бу элдангина эшитмадик. Бажавр, Савод ва барча тоғлик масканлар эли бир овоздан шу воқеани ривоят қилдилар. Бажаврнинг султони Ҳайдар Али Бажаврий у вилоятни хийла яхши забт қилди. У онаси ўлганида йиғламаган, аза тутмаган, қора киймаган. „Боринг, онамни сўрига солинг, агар ҳаракат қилмаса — куйдираман“, деган. Сўрига соладилар, одатий ҳаракат у ўликдан содир бўлади. Буни эшитгач, қора кийиб, аза тутди.

Яна бир мавзе Чагонсаройдир, бир кентдир, ночоргина бир ер, Кофиристоннинг бошланишидадир. Эли кофирлар билан аралаш булгани учун, мусулмон бўлсалар-да, кофирлар расмига амал қиладилар. Чагонсарой дарёси номи билан машҳур бўлган катта анҳор Чагонсаройнинг шарқи-шимолидан ва Бажаврнинг орқа тарафидан оқиб келади. Ғарб тарафида Пич номли Кофиристон кентидан яна бир кичикроқ сой келиб, бу сувга қўшилади. Чагонсаройнинг саргиш аччиқ чоғирлари бўлади. Унинг Дарайи Нур чоғирига ҳеч нисбати йўқдир. Ўзининг узуми ва боғи йўқ. Дарё юқорисидаги Кофиристондан ва Пич номли Кофиристондан келтирадилар. Мен Чагонсаройни олганимда Пич кофирлари бу элга кўмакка келиб эди. Чоғир бунда

шундай расмдирки, ҳар кофирнинг буйнида бир меш чоғир бўларди. Сув ўрнига шароб ичиб юришади.

Гарчи Кома мустақил ер бўлмай, Нингнаҳорга тобе бўлса-да, уни ҳам алоҳида мавзе ҳисоблайдилар.

Яна бири Нижров туманидир. Кобулнинг шарқи-шимолидаги тоғлик маскан. Орқасидаги тоғларнинг ҳаммаси Кофиристондир. Ажиб бир гўша. Узаум ва меваси кўп, шароби ҳам кўп бўлади. Бироқ қайнатма қиладилар. Қиш мавсуми товўқни кўп парвариш қиладилар. Эли шаробхўр, бенамоз, қўрқмас ва кофиртабиат элдир. Тоғларида ножу (санавбар), чилғўза, балут ва ханжак дарахтлари кўп учрайди. Ножу, чилғўза ва балут дарахти бундан қуйида ўсади. Нижровдан юқорида асло бўлмайди. Булар Ҳиндистон дарахтларидандир. Бу тоғликлар элининг чироқлари фақат чилғўза ёғочидандир, шамдек ёнади, жуда гаройиб.

Нижров тоғларида учар тулки бўлади. Учар тулки бир жониворки, мушукдан каттароқ, икки қўли ва икки бутининг орасида кўршапалак қанотидек пардаси бор. Доим менга келтиришар эди. Дарахтдан-дарахтга пастга томон бир камон ўқи отимига учади, дейишади. Мен ўзим учганини кўрмадим. Дарахтга қўйдик, чаққон тирмашиб чиқди, ундан қувладилар, қанотини ёйиб, учгандек этиб, беозор ерга тушди. Бу тоғларда лўча қуши ҳам учрайди. Бу қушни буқаламун дейдилар. Бошидан қуйруғича беш-олти хил ранги бор. Бўйни кабутарнинг бўйнидек, катталиги тоғ каклигича келади, афтидан Ҳиндистон тоғ каклигидир. У эл қизиқ нарсани ривоят қилдилар: қиш бўлгач, бу қуш тоғ этакларига тушади, агар учирсалар, узумзордан утса, қайтиб асло учолмайди, тутиб оладилар. Яна бир сичқон Нижровда бўлар экан. Уни „мушкин сичқон“ дейдилар. Ундан мушк ҳиди келармиш. Уни мен ҳалигача кўрмадим.

Яна бири Панжҳир туманидир. Йўл устида жойлашган. Кофиристон унга жуда яқиндир. Йўлтўсар қароқчилар Панжҳирдан ўтадилар. Кофирларга яқин бўлгани учун Панжҳирдан ҳам улуш олишади. Мен бу навбат келиб Ҳиндистон-

ни фатҳ этганда, кофирлар келиб Панжҳирда анча кишини ўлдириб, кўп харобликлар қилишипти.

Яна бири Ғурбанд туманидир. У вилоятларда довонни банд дейдилар. Ғурга бу довон орқали борадилар. Афтидан шу сабабли Ғурбанд деганлар. Даранинг бош қисмларини ҳазоралар эгаллаб олишган. Бир неча кентлари камҳосилроқдир. Ғурбанд тоғларида кумуш кони ва лажувард кони бўлади, дейишади.

Яна тоғ этаги кентлари бўлиб, боши Митакача, Паравон, пасти — Дурнома, ўн икки-ўн уч кентдир; мевали кентлардир, шароблари кайф берувчидир. Бу орада Хожaxon Саййиднинг шароблари ҳаммасидан аччиқроқ. Бу кентлар батамом тоғ этагида ва тоғда жойлашгани учун мол солиқларини тўлаб турсаларда, лекин харжда, истеъмолда, пул муомаласида яхши эмаслар.

Бу кентлардан қуйи тоғ этагида тоғ билан Борон дарёси оралигида икки парча текис дапир бор. Бирини Курраи Тоziён (Араблар хутиги), яна бирини Дашти Шайх дейишади. Ёзлар чикин тола ўти кўп яхши бўлади. Турклар ва аймақлар ёзда бу ерга келадилар. Бу тоғ этакларида ранг-баранг ҳар хил навли лоалар ўсади. Бир маротаба санаттим: ўттиз икки-ўттиз уч нав бир-бирига ўхшамас лола чиқди. Бир нав лола бўладик, ундан бироз қизил гулнинг ҳиди келади, уни лолаи гулбўй (гулҳидли лола) дер адик. У Дашти Шайхда бир парчагина ерда учрайди, ўзга ерда бўлмайди. Яна ушбу этакда, Паравондан қуйироқда садбарг лола очилади. У ҳам бир парча ерда, Ғурбанд тордаранинг чиқишида ўсади.

Бу икки даштнинг орасида бир кичикроқ тоғ қад кўтарган. Бу тоғда бир парча қум уюлган, тоғ бошидан тубигача Хожа Региравон (юрмақум) дейдилар. Айтишларича, ёзлари бу қумдан ногора ва дўмбира овози келармиш.

Яна Кобулга тобе кентлар бор. Кобулнинг ғарби-жанубида қорли катта тоғ тушган. Унинг қори кейинги йил қоригача етади. Кейинги йилга қор етмайдиган йил камдан-кам бўлади. Кобулда муздонлар музи тугаса, шу тоғдан қор келтириб яхоб қилиб ичадилар. Кобулдан уч шаръий йўлдир.

Яна бири Бомиён тогидир. У жуда баланд тог. Ҳирманд, Синд, Дуоба, Қундуз ва Балхоб дарёлари шу тогдан чиқади. Айтишларича, бир кунда ҳар тўрт дарё сувидан ичиш мумкин.

Бу кентлар асосан тог этакларида барпо этилган. Богида узум куп булади. Меваси хилма-хил ҳам мўл. Бу кентлар орасида Исталиф ва Истаргачга тенг келадиган йирик кент йуқ. Улугбек мирзо бу кентларни Хуросон ва Самарқанд деб атар экан. Ламгон ҳам бу кентларга ўхшаб кетади. Узуми ва меваси у кентларникичалик булмаса-да, лекин ҳавосининг қиёси йуқ. Қорли тог Ламгон тогидир.

Исталифчалик кент бу яқин орада маълум эмас. Катта анҳор кентнинг ичидан оқиб ўтади. Соининг ҳар икки тарафи боглардир. Сабзалик, сафоли богчалари бор. Суви совуқ. Яхобга эҳтиёж бўлмас, аксар вақт тиниқдир. Бу кентда Боги Калон (катта бог) номли Улугбек мирзога тегишли бог бор эди. Мен эгаларига пулини бериб олдим. Богдан ташқари баланд чинорлар бор. Чинорларнинг ости ям-яшил, сафоли бир манзилдир. Богнинг ўртасидан бир тегирмон сув ҳамиша оқиб туради. Бу ариқ бўйида бог ўртасида чинор ва бошқа дарахтлар ўсган. Бурун бу ариқ эгри-бугри ва кўримсиз эди. Менинг кўрсатмам бўйича, бу ариқни тугри режа билан кўримли қилдилар. Жуда яхши ер бўлди.

Бу кентлардан қуйироқ — даштдан бир-бир ярим курўҳ юқорироқда, тог тубида чашма оқиб ўтади. Уни Хожа Сеёрон (уч дўст) деб атайдилар. Бу чашмада ва унинг атрофида уч нав дарахт ўсган. Чашманинг ўртасида қалин чинор дарахтлари бор. Латиф соя ташлаб туради. Чашманинг икки тарафида — тог тубидаги қирларда қалин бошқа балут дарахтлари ўсади. Кобулнинг гарбий тоғида ушбу икки бўлак балутзордан бошқа жойда балут дарахти асло учрамайди. Чашманинг олдида, дашт тарафида, қалин аргувонзор ястанган. Бу вилоятда шундан узга аргувонзор йуқ. Айтишларича, бу уч турдаги дарахт уч азизнинг кароматидир. Сеёрон деб ном берилиши сабабини шундан кўрадилар. Бу чашманинг атрофига тош тердирдим.

Чашмани ганч ва соружа билан ўнга ўн қари қилиб ўраттирдим. Чашманинг тўрт томони кўримли ва шинам маскан бўлди; у бутунлай аргувонзорга туташиб кетганди. Аргувон гуллаган чоғи оламда бундай ажойиб ер бошқа топилмасди. Сариқ аргувони ҳам куп бўлади. Сариқ аргувон билан қизил аргувон тог этакларида чаман бўлиб очилади. Бу чашманинг гарби-жанубий тарафида бир дарадан ҳамиша ярим тегирмон сув оқиб ўтади. Ариқ қаздириб, бу сувни Сеёрон даштининг гарби-жануб тарафидаги тепалик устига келтиргиздим. Тепалик устида катта айлана супа солдирдим. Супанинг атрофига батамом тол дарахтлари экилди. Жуда яхши манзил бўлди. Бу супадан юқорироқ — тепалик ёнини узумзор қилдирдим. Ушбу ариқнинг бу ерга келтирилиш йили таърих усулида „жўйи хуш“ (яхши ариқ) сўзлари ҳисобидан топилди.

Яна бири Лаҳугар туманидир. Катта кенти Чархдир. Ҳазрати Мулло Яъқуб (сирлари муқаддас булсин) мана шу Чархдан. Муллозодаи Мулло Усмон ҳам чархликдир. Сижованд ҳам Лаҳугар кентларидандир. Хожа Аҳмад ва Хожа Юнус Сижовандандирлар. Чархнинг боглари жуда куп. Лаҳугарнинг бошқа кентларида бог бўлмайди. Авғоншол элдир. Кобулда шу сўз расмдир. Чамаси бу сўз „авғоншиор“ бўлган бўлса керакки, „авғоншол“ дейишган.

Яна бири Ғазни вилоятидир. Баъзилар туман ҳам дейдилар. Сабуктигин билан Султон Маҳмуднинг ҳамда авлодининг пойтахти Ғазни булган экан. Баъзилар Ғазнин тарзида ҳам ёзадилар. Султон Шиҳобиддин Ғурий ҳам шу ерни ўзига пойтахт қилган экан. Султон Шиҳобиддинни „Табақоти Носирӣ“ китобида ва баъзи Ҳинд тарихида Муизиддин (динни эъзозловчи) деб ёзганлар.

Ғазни учинчи иқлимдадир. Уни Зобул ҳам дейдилар. Зобулистон шу вилоятга тегишли. Баъзилар Қандаҳорни ҳам Зобулистонга киради, деб ҳисоблаганлар. Ғазни Кобулдан гарбга томон ўн тўрт йигоч йўлдир. Бу йўл билан бир неча маротаба тонг бошида Ғазнидан жўнаб, икки намоз ораси ва намозгарда Кобулга етиб борилган эди. Одинапур ўн уч

йигочлик йўлда бўлса ҳам йўлнинг ёмонлигидан бир кунда етиб бўлмайди. Камҳосилроқ вилоятдир. Анҳорида тўрт-беш тегирмон суви бўлади. Ғазни шаҳри ва яна тўрт-беш кенти ушбу сув билан ободондир. Яна уч-тўрт кенти кориз билан суғорилади. Кобул узумидан Ғазни узуми яхшироқ бўлади. Қовуни ҳам Кобул қовунидан афзалроқ. Олмаси ҳам яхши бўлади. Уни Ҳиндистонга элтардилар. Экин етиштириш жуда сермашаққатдир. Экин экиш олдидан ҳар йили ерга бутунлай янги тупроқ соладилар. Лекин бу ернинг Кобул экинидан ҳосили ортиқроқ бўлади. Рўян экадилар. Ҳосили бутунлай Ҳиндистонга кетади. Бу элнинг яхши ҳосили рўяндир.

Ҳазора ва афгонлар саҳро-даштда яшайдилар. Кобулга қараганда Ғазнида ҳамиша арзончиликдир. Эли ҳанафий мазҳабли, покиза эътиқодли мусулмон элдир. Уч ой руза тутадиган элати ҳам анчагина. Аёллари ҳижобда ва ёпингандирлар.

Мулло Абдурахмон Ғазнининг улугларидан эди. Донишманд киши эди, ҳамиша дарс айтарди. Жуда диндор, тақводор ва парҳезкор киши эди. Носир мирзо улган йили у ҳам оламдан ўтди.

Султон Маҳмуднинг қабри Ғазни маҳаллалари орасида. Султон қабри унда булгани учун Равза дерлар. Ғазнининг яхши узуми Равзадандир. Авлоди Султон Масъуд билан Султон Иброҳимнинг қабри ҳам Ғазнидадир. Ғазнида табаррук мазорлар кўпдир.

Кобул ва Ғазнини олган йилим Кўҳат, Банну, Дашт ва Афғонистонга юриш қилиб, кўп кишиларни қатл қилиб, Дуки билан ўтиб, Оби Истоданинг ёни билан Ғазнига келганимда, Ғазнининг кентларида бир мазор бордурки, салавот айтилгач, қабр ҳаракатга келади, деб айтдилар. Бориб кўрдик. Қабрнинг тебрангани сезилди. Сўнгра маълум бўлдики, бу ҳол қабр хизматчиларининг ҳийлалари экан. Қабрнинг устига арқон тортиб, устига деворсимон қилиб мато ташлаб қўйилган. Ҳар замон арқон қимирлатилса, мато тебрангани учун остидаги қабр қимирлагандек туюлади. Бу худди кемага кирмаган киши кемага ўтирса соҳил тебрангандек бўлиб туюлишига ўхшайди. Хизматчиларни қабрдан йироқ

туришга буюрдим. Бир неча маротаба салавот айтганларида ҳам қабрда биро ҳаракат сезилмади. Буюрдимки, арқон ва матони олиб ташлаб, қабрнинг устига гунбаз қилдилар. Қабр хизматчиларининг аввалги ишлари таҳдид билан ман этилди.

Ғазни — жуда камҳосил ер. Ҳиндистон ва Хуросонни ўз забтларида тутган подшоҳларни нега бундай ночоргина ерни пойтахт қилганликларига ҳамиш таажжуб қилинади.

Султон Маҳмуд замонида уч-тўрт тўғон бўлган экан. Бир тўғон ушбу Ғазни дарёсида. Ғазнидан шимол сари у йигоч юқориқоқдан Султон бир катта тўғон солибди. Бу тўғоннинг баландлиги қирқ-эллик қари, узунлиги тахминаан уч юз қари келади. Сувни унда захир қилиб сақлаб, эҳтиёжга яраша экин очар эканлар.

Аловуддин Жаҳонсўз Гурий бу вилоятни эгаллаганида ушбу тўғонни бузи султон авлодининг кўп қабрларини куйдирипти. Ғазни шаҳрини бузипти ва куйдирипти. Элни талапти, улдирипти қўлидан келганча қатл ва бузуқчилик қилипти. Ушандан бери бу тўғон бузуқдир. Ҳиндистон фатҳ қилинган йили бундай тўғонни тиклаш учун Хожа Калондан маблағ юборилди. Тангри иноятидан умид борки, бу тўғон обод бўлади.

Яна бири Банди Сихандир (Сихан тўғони). Ғазнининг шарқида, бу ҳам Ғазнидан икки-уч йигоч масофада. У ҳам узоқ муддатлардан буён харобдир. Обод қиладиган сиёғи ҳам йўқ. Яна бири Саридеҳ (қишлоқбоши) тўғонидир. Бу тўғон ободдир.

Китобларда битибдиларки, Ғазнида бир чашма бор, агар нажосат ва ифлосликларни бу чашмага солсалар, уша заҳоти тўполон ва тўфон, ёгин ва жалал бўлармиш. Яна бир тарихий асарда курилибдики, ҳинд ройи (шоҳи) Сабуктигинни Ғазнида қамал қилганида, Сабуктигиннинг буйруғи билан бу чашмага нажосат билан ифлос нарсаларни соладилар. Тўполон ва тўфон, ёгин ва жалал бошланади. Ушбу ҳийла билан у ганимни даф қилади. Мен Ғазнида кўп сўраб суриштирдим, бу чашмадан ҳеч ким бирор дарак бермади.

Бу вилоятларда Газни ва Хоразм совуқлиги билан машҳурдир. Ироқайн (икки Ироқ) ва Озарбойжонда Султония ҳамда Табриз ҳам совуғи билан шуҳрат қозонган.

Яна бири Зурмат туманидир. Кобулнинг жанубий тарафида. Газнининг шарқи-жануби Кобулдан ун икки-ун уч йиғоч ва Газнидан етти-саккиз йиғочлик йўл; саккиз кентдан иборатдир. Қўргонбеги утирадиган ери Гардиздир. Гардиз қўргонининг ичида аксар уйлар уч қаватли ва тўрт қаватлидир. Гардиз анча мустақкам қўргон. Халқи Носир мирзо билан ёвлашиб, мирзога анча ташвиш келтирди. Зурмат эли авгоншол элдир. Экин ва деҳқончилик қилади, бу ерда дарахт ва боғлар йўқ. Бу туманнинг жанубида бир тоғ бор, уни Баракистон тоғи деб атайдилар. Бу тоғнинг этагида баландроқ ерда чашма чиққан. Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг қабри шу ерда.

Яна бири Фармул туманидир. Камҳосил ер. Олмаси ёмон бўлмайди. Уни Мўлтон ва Ҳиндустонга олиб борадилар. Афгон ҳукмдорлари замонида Ҳиндустонда ҳурмат-эътиборда бўлган Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг авлоди шайхзодалар Фармулдандир.

Яна бири Бангаш туманидир. Теварак-атрофи батамом йўлтўсар афгонийлардир. Чунончи, хуғиёний, хирилжи, тўрий ва ландар сингари элатлар шу чекка ерларда тўхтаган. Шу сабабларга кўра кўнгил тўлгудек хирож тўламайдилар. Қандаҳор, Балх, Бадахшон ва Ҳиндустонни фатҳ этишдек улуғ ишлар орага тушгани боис Бангашни забт этишга фурсат бўлмади. Тангри ёрлақаб фурсат топганда, Бангашни йўлтўсарларга қўшиб забт этиш ниятидадирман.

Кобулнинг катта қишлоқларидан бири Аласойдир. У Нижровдан икки-уч шаърий олисда. Бу ерга Нижров тарафидан тўппа-тўғри шарқ сари юриб келинади. Кўра деган ерга етганда Аласойга қараб кичикроқ доvon кўтарилган. Бу иссиқ ва совуқ иқлим ўртасида уларни ажратувчи Кўра доvonидир. Ушбу Кўра доvonи эрта баҳорлар қушларнинг утадиган жойидир. Нижровга қарашли Пичгон эли бу доvonда кўп қуш тутадилар. Доvonдан чиқишда ҳар ер-ҳар ерда тошдан пистирмалар ясаганлар. Қуш тута-

диган кишилар бу пистирмаларда утириб, тўрнинг бир учини беш-олти қари узоқроққа маҳкамлайдилар; тўрнинг бошқа тарафини ердаги тошга бостирадилар. Яна бир тарафида тўрнинг ярмигача уч-тўрт қари ёғоч боғлайдилар. Ёғочнинг бир учи пистирмада утирган кишининг қўлида бўлади. Улар ясалган пистирма тешикларидан қараб кутадилар. Қушлар яқин келиши билан тўрни кўтарадилар. Қушларнинг узи турга киради. Шу йўл билан кўп қуш тутадилар. Шундай муболага қиладиларки, гоҳо шунчалар кўп қуш тутилганидан, уларни бўғизлаб улгуролмайдилар.

Бу вилоятда Аласой анори машҳурдир. Гарчи жуда зўр анор бўлмаса-да, лекин у вилоятда Аласой аноридан яхшироқ анор йўқ. Бу ернинг анорларини батамом Ҳиндистонга элтадилар. Узуми ҳам ёмон бўлмайди. Нижров шаробларидан Аласой шароблари аччиқроқ ҳамда хушрангроқдир.

Яна бири Бадров қишлоғидир. Аласойнинг ёнида. Бу ерда мева бўлмайди. Деҳқони кофирдир. Дон етиштирадилар. Хуросон ва Самарқандда турк (ўзбеклар) ва аймақлар дала-даштда яшаганларидек, бу вилоятнинг дала-даштариданлар ҳазора ва афгонлардир. Ҳазоралардан энг улуғи Султон Масъудий ҳазора бўлса, афгонлардан улугроғи Маҳманд афгонийдир.

Кобулнинг барча ерларидан, бож ва саҳройилари билан қўшиб, саккиз юз минг шоҳрухий пул йиғдилар.

Кобул вилоятининг шарқ тарафидаги тоғлари ҳам, ғарб тарафидаги тоғлари ҳам икки турлидир. Андароб, Хост ва Бадахшонот тоғлари арчалик, сербулоқ, юмшоқ тепаликлардан иборат тоғлардир. Тоғининг қирлари ва ўтлогининг ўти бирдек яхши бўлади. Кўпроқ бутака ўти ўсади, от уни яхши ейди. Андижон вилоятида бу ўтни бутка ўти дейдилар. Унга қўйилган номнинг сабаби маълум эмас эди, бу вилоятларда маълум бўлди. Бу ўт бута-бута бўлиб ўсгани учун бутакка дер эканлар.

Ҳисор, Хатлон, Самарқанд, Фаргона ва Мўғулистоннинг яйловлари батамом шунга ўхшаш яйловлардир. Гарчи Фаргона билан Мўғулистон яйловларини бу

яйловларга қиёслаб бўлмаса-да, лекин ўша йўсиндаги тоғ ва яйловлардир.

Нижров, Ламғонот, Бажавр ва Савод тоғлари ножу ва чилғуза, балут, зайтун ва ханжакзорга сероб тоғлардир. Ўти бу тоғларнинг ўтидек эмас, қалин ва баланд бўлади, лекин фойдасиз ўтдир. От ва қўй яхши емайди. У тоғлардек баланд эмас, кўзга ғариб кўринади, лекин жуда мустақкам тоғлардир. Яп-ясси тепаликлар бўлиб кўринади, лекин батамом тепаликлар ва тоғи йирик тошли қир ва тоғдир, ҳамма еридан от билан юриб бўлмайди. Бу тоғларда Ҳиндустон қушлари, жониворлари, чунончи, тўти, шорак, товус, луча, маймун, нилагов ва кўтахпой кўп учрайди. Бу айтилган жониворлардан бошқа турли қуш ва жониворлар ҳам борки, ундай жониворлар Ҳиндустонда ҳам йўқ.

Ғарб тарафидаги Дарайи Зиндон (Зиндондара), Дарайи Сўф, Гурзивон ва Ғаржистон тоғлари бир-бирига ўхшаш тоғлардир. Ўтлоғи аксар сайхонликларида бўлади. У тоғлардагидек тоғ ва қирида бир хил ўт ўсмайди. Ундай қалин дарахтлари ва арчаси ҳам йўқдир. Лекин ўти от ва қўйга егуликдир.

Бу тоғларнинг усти батамом от чоптиргудек текис, экинлари бутунлай ўша ерда битида. Бу тоғларда кийик кўп бўлади. Сувлари даралар остидан оқади, аксар ерлари бирбутун. Ҳар қаердан пастга тушиб бўлмайди. Қизиги шундаки, барча тоғларнинг берк жойлари баландликларда бўлса, бу тоғларнинг берк ерлари пастликларидадир. Гўр, Газю ва Ҳазора тоғлари ҳам шу йўсиндаги тоғлардир, ўтлоғи сайхонлигида бўлади. Тоғларида дарахти ҳам оздир. Арча дарахти йўқ. Ўти от ва қўйга ейишли. Кийиги кўп. Зикр этилган тоғларнинг берк ерлари қуйиларида бўлади, бу тоғлар ундай эмасдир.

Яна Хожа Исмоил, Дашт, Дуки ва Афғонистон тоғлари ҳам бир-бирига ўхшаш тоғлардир. Паст-паст, ўти оз, суви танқис, дарахтсиз, кўримсиз, нобоп тоғлардир. Тоғлари элларига мос тушган, зеро: „Тенг бўлмагунча, тўш бўлмас“, деганлар. Оламда бундай хунук, кўримсиз тоғлар кам бўлади.

Кобулда қиш қори катта тушса-да, яхши ўтинлари бордир ва яқиндир; бир кунда бориб келтирса бўлади. Ханжак, балут, бодомча ва қарқанд дарахтларидан ўтин қилинади. Булардан яхшироғи ханжакдир: ёруг ёнади (тутунининг яхши ҳиди бўлур, чўғи ҳам кўп муддат учмайди), ҳўли ҳам ёнаверади. Балут ҳам яхши ўтиндир. Сустроқ ёнса-да, лекин яхши иситади, чўғи ҳам узоқ туради. Балут дарахтининг яна ажойиб бир хосияти бор: яшил япроқли шохларига ўт қўйсалар, ажиб бир товуш билан ёнади. Пастидан тепасигача чирс-чирс этиб, бир лаҳзада ёнади. Бу дарахтнинг ёниши жуда яхши томошадир. Бодомча барчасидан кўпроқ ишлатилади, чўғи узоқ турмайди. Қарқанд паст-паст тиканлардир, ҳўлу қуруғи тенг ёнади. Ғазни элининг ўтини шудир.

Кобул вилояти тоғ ораларида бунёд бўлган. Тоғлар йунғичқа полларидек ястанган, оралари текисликдир. Жилгалар оқиб туради. Аксар қишлоқларидаги ободонликлар шу ораликда. Кийиги ва ов қуши кўп эмас. Куз ва баҳор фаслларида қизил кийик, архарлар учрайди. Ерли аҳолининг қишлоққа, яйловга ўтарда муайян тутқовуллари (кийик тутиш учун ўргатилган кийик) бордир. Овқушли ва този итли йигитлар бориб, тутқовулни сақлаб кийик туттирадилар. Хурд Кобул ва Сурхоб тарафида қулон ҳам бўлади. Оқ кийик эса мутлақо йўқ. Ғазнининг оқ кийиги ва қулони бўлади. Ғазнининг оқ кийигича семиз кийик кам учрайди. Ёзда Кобулда қуш тутиладиган жойлар жуда кўп. Аксар қушларнинг ўтиш жойи Борон дарёси соҳили ҳисобланади. Сабоби, шарқ томони тоғлардир. Ғарб тарафи ҳам тоғлардир. Ушбу ернинг тўғриси Борон дарёси соҳилида, бир катта Ҳиндукуш довони бор холос, бошқа довон йўқ. Шу боис қушлар батамом шу ердан ўтадилар. Агар шамол бўлса, ё Ҳиндукуш довони устида бироз булут пайдо бўлса, қушлар ўтолмайди. Ҳаммаси Борон сайхонлигига тушади. Бу пайтда ўша атрофдаги эл кўп қуш овлайди.

Борон соҳилига қишнинг охирларида ўрдак кўп келади, жуда семиз бўлади. Ундан кейин турна ва қарқара, йирик қушлар беҳад купаяди. Ушбу соҳилда турнага чилвир отиб, чилвир билан роса

тутадилар. Уқор, қарқара ва қўтонни (оқ турна) ҳам чилвир билан кўплаб тутадилар. Бундай қуш тутиш усули бошқа жойда учрамайди.

Чилвир билан қуш тутиш усули шундай: бир газ узунликда ингичка чилвир эшадилар. Бу чилвирнинг бир учига камоннинг парсиз ўқини маҳкамлайдилар, иккинчи учига шохдан ясалган ҳалқани боғлайдилар. Яна бир қарич келадиган ёғочга камон ўқи томонидан чилвирни тугагунича ўрайдилар, чилвир тугагач, ҳалқани беркитадилар. Ундан сўнг биллакдек келадиган ёғочни чилвир ичидан чиқарадилар. Ҳалқани бармоққа солиб, келаятган қушнинг олд томонига ўқни отадилар. Қушнинг қаноти ё буйнига тушиб, чирмашиб, қуш йиқилади. Бутун Борон эли шу усулда кўп қуш тутади. Лекин бу қуш тутмоқнинг анчагина машаққати бор. Ёмғирли ва қоронги кечалари бундай усул жуда асқотади. Бу кечаларда қушлар йиртқич ва қушхўр ҳайвонлардан хавфсираб тонг отгунча тинмайди ва муттасил учади. Қоронги кечаларда қушларнинг йўли оқар сувдир, қоронгида оқариб кўринади. Қўрқинчдан сувнинг юқори ва пастки томонига тонг отгунча бориб-келаверадилар. Чилвирни ана шу пайтда отадилар. Мен бир маротаба кечаси чилвир отдим, чилвир узилди, қуш ҳам топилмади. Эртаси эрталаб қушни узилган чилвир билан топиб келтирдилар.

Бу усул билан Борон эли уқор (қора турна)ни кўп тутади. Сочга санчиладиган қора қуш пати уқордан олинади. Ироқ ва Хуросонга Кобулдан борадиган мол мана шу сочга санчиладиган патдир. Барча қуш тутувчи сайёдлар қуллардир. Улар икки юз-уч юз уйликдирлар. Темурбек авлодларидан бири бу қулларни Мўлтон тарафларидан кўчириб келгандир. Уларнинг ягона машғулоти қуш тутмоқликдир. Кўллар ясаб, кўплаб ўргатилган қушларни келтириб боғлаб қўйиб, кўл ўртасига тўр ўрнатиб, ҳар хил қушларни тутадилар. Фақат қуш овловчи сайёдларгина эмас, Боронда яшайдиган эллар ҳам чилвир отиб, тузоқ қўйиб, ҳар хил йўл билан қуш тутадилар. Ушбу мавсумда Борон сувида балиқларнинг ялпи ўтишлари бўлади. Тўр билан, яна

чиг (қамишдан тўқилган мослама) боғлаб, жуда кўп балиқ тутадилар. Яна куз пайтлари, қулон қўйруғи деган ўт чиқиб, етилиб, гуллаб, дон боғлаганида, бу қулон қўйругидан ўн-ўн икки боғ ҳамда кўк шувоқдан йигирма-уттиз боғни сув бошига олиб келиб, янчиб, сувга соладилар. Солган заҳотиёқ сувга кириб маст бўлган балиқларни тутта бошлайдилар. Қўйироқ бир қулай ерда жаҳ (новдадан ясалган сават) ўрнатадилар. Жаҳ боғламоқ шундайки, толнинг бармоқдек-бармоқдек новдаларини чигдек тўқийдилар. Бу чигни сувнинг қўйилиш ерида ковак қилиб қўйиб, атрофига тош қалайдилар. Сув бу чигга шариллаб тушади. Тушган сув оқиб кетади, балиқ жаҳ устида қолади. Маст бўлган балиқларни юқоридан тутта-тутта келадилар. Бу жаҳда кўпроқ тутадилар. Гулбаҳор, Паравон, Исталиф дарёларида балиқни шу усул билан тутадилар.

Яна қиш чоғи Ламгонотда ажойиб тарзда балиқ тутадилар. Сув қўйиладиган ерларда уй ўрнича ерни чуқурроқ қазиб, тошларни ўчоқ шаклидаги бу чуқурларга ўрнатиб, устига яна тош қалайдилар. Бу ерга сув қўйисидан бир эшик қўядилар. Тошни шундай қалайдиларки, ушбу бир эшикдан ўзга ҳеч ердан балиқ кириб-чиқа олмайди. Бу қаланган тошнинг устидан сув оқиб тушаверади, чуқурда гўё балиқхона пайдо бўлади. Қиш пайти қачон балиқ керак бўлса, бу чуқурларнинг бирини очиб, қирқ-эллик балиқни бирпасда келтирадилар. Уни мана бу усулда очадилар: чуқурни муайян белгили ерда бунёд этадилар. У чуқурнинг бир эшигидан бошқа ҳамма тарафига шоли поҳоли ташлаб, устига тош бостирадилар. Эшигига чигдек нарса тўқиб, икки бошини бир ерга келтириб боғлайдилар. Бунинг ичида яна бир нимани чигдек тўқиб беркитадилар. Унинг оғзи бу чиг билан баравар бўлади, узунлиги бурунги чигнинг ярмича бўлади. Ичкариги оғзини тор қиладилар. Бу ичкариги чигнинг ичкариги оғзидан кирган балиқ, катта чигнинг ичига боради. Катта чигнинг пастки оғзини шундай беркитадиларки, ундан балиқ чиқа олмайди. Ичкариги чигнинг қўйи тарафидаги ички оғзини шундай қилишганки, юқориги оғзидан кирган балиқ, ичкари-

ги оғзидан битталаб ўтади. Бу ичкариги оғзидаги новдаларининг учини бириктирганлар. Балиқ бу оғзидан ўтиб, катта чигнинг ичига киради. Чиқар оғзини беркитганлар. У ердан балиқ чиқа олмайди. Қайтса бу кичик чигнинг ичкариги оғзидаги новда учлари туфайли ўтолмайди. Бу чиг билан чиқиш эшигини беркитиб, балиқхонанинг устунини тепадан очадилар. Унинг атрофи шоли похоли билан ўралган. Ҳар не қўлга келса, бу чуқурда тутадилар. Балиқ қочгани билан эшик фақат биттадир. У ўша айтилган чигга тушади, ўша ерда тутадилар. Бу хил балиқ тутишни ҳам бошқа ерда кўрмадик.

Кобулни олгандан бир неча кун ўтиб, Муқим Қандаҳор томонга кетиш учун рухсат сўради. Аҳд ва шарт билан келгани учун тамом бутун одамлари ва қариндошлари, мол-мулк ва матолари билан соғ-саломат ота-акасининг олдига рухсат берилди. Муқимга рухсат бергандан сўнг Кобул вилояти мирзоларга ва барча меҳмон бекларга тақсим қилинди. Газни тумани унга қарашли жойлар билан Жаҳонгир мирзога берилди. Нингнаҳор туманини, Мандировар, Дараи Нур, Кунар, Нургал ва Жигонсарой Носир мирзога берилди. Узим билан қазақликларда (саргардонликларда) бўлиб келган беклар ва йигитларнинг баъзиларига кент, қишлоқдек масканлар берилди. Ҳеч кимга вилоят берилмади. Ёлғиз бу эмас, ҳар қачонки, Тангри таоло менга бирор давлат берса, меҳмон ва мусофир бекларни, йигитларни ўз тарбиялаганларим ва андижонликлардан ортиқроқ, яхшироқ кўрдим. Шунга қарамай, бу қизиқ бало эдики, ҳамиша эл мени „Ўзи ва андижонликлардан ўзгага эътибор қилмайди“, деб гийбат қиладилар. „Душман не демас, тушга не кирмас“, „Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади, душман оғзини ёпиб бўлмайди“ деган мақоллар бежиз эмасдир.

Самарқанд, Ҳисор ва Қундуздан кўп эл ва халқ Кобул вилоятига келган эди, шундай маслаҳатга келинди: Кобул камдаромад ер. Солиқлар қилич зарбида олинади, қаламда руйхатга олинганлари ҳам пулу молни вақтида топширавермайдилар. Барча кишиларимизга пул етказиб бериш имкони йўқ. Буларга ва

уларнинг кучларига бирор миқдор дондун бериб, атроф яқин-йироқни талашга келишдик. Ниҳоят, Кобул ва Газни вилояти ҳамда уларга қарашли жойлардан ўттиз минг қоп дон олиш мўлжалланди. Кобулнинг даромад ва ҳосилини билмай бундай катта солиқ юкланганидан вилоят анча хароб бўлди.

Ушбу маҳалларда Бобурий хаттини ихтиро қилдим. Султон Масъудийнинг ҳазорасига кўп қўй ва от солиги солинди. Солиқ ундирувчилар юборилди. Бир неча кундан сўнг солиқ йиғувчилардан хабар келдики, ҳазоралар мол беришдан бош тортмоқдалар. Бундан илгари ҳам бир неча маротаба улар Гардиз ва Газни йулларида қароқчилик қилгандилар. Шу боис Султон Масъудий ҳазоранинг қасдига отландик. Майдон йўли билан келиб, Нирх довонидан тунлаб ўтиб, тонг чоғи Чату яқинида ҳазораларга ҳужум қилинди. Лекин кўнгил тўлгудек ўлжа унмади. Шундан сўнг Сурух йўли билан қайтиб, Жаҳонгир мирзога Газнига кетипи учун рухсат берилди.

Кобулга тушганда Дарёхоннинг ўғли Ёр Ҳусайн Бҳира тарафидан қуллуққа келди. Бир неча кундан сўнг лашкарни тартибга келтириб, ер-сув, жой биладиган кишиларни чорлаб, теварак-атрофни текшириб кўришга киришдик. Баъзилар Даштга юришни таклиф қилдилар, баъзилар Банглашни муносиб кўрди, бошқалар Ҳиндистонга юришни маслаҳат бердилар. Кенгаш Ҳиндистонга юриш қарорига келди.

Шаъбон ойида, офтоб далв буржида эди, Кобулдан Ҳиндистон нияти билан отланилди. Бодом Чашма ва Жигдалик йўли билан олти манзилда қўниб, Одинапурга келинди. Иссиқ иқлим вилоятлари ва Ҳиндистон ерларини сира кўрган эмасдик. Нингнаҳорга етгач, ўзга бир олам намоён бўлди: гиёҳлар ва дарахтлар ўзгача, ҳайвонлар ўзгача, қушлар ўзгача, эл ва халқнинг расму одати, тутумлари ўзгача; ҳайратда қолдик. Дарҳақиқат, ҳайратга арзигулик жойлардир.

Илгарироқ вилоятига келган Носир мирзо Одинапурга келиб мулозамат қилди. У томондан келган аймақ ва аҳшом қишлаш маслаҳатига тамом кўчиб, Ламгонотга келган эдилар. Уларнинг лашкарларини ва ортда қолган лашкарларни бир-



икки кун у ўша ерда кутиб, ўзимизга қўшиб келиб, Жўйи Шоҳийдан ўтгач, қўйи Қўшгунбазга тушилди. Носир мирзо навкар-савдарига вилоятдан бирор нарса етказиб, икки-уч кун кейинроқ келай деб Қўшгунбазда рухсат тилаб қолди. Қўшгунбаздан кўчиб, Гарм Чашмага тушганда, Гогийнийнинг улугларидан Пихийни карвони билан келтирдилар. Йўл топиш маслаҳати юзасидан Пихийни йўлдош қилиб олдик. Бир-икки манзил юргач Хайбардан ўтиб, Жомга тушилди.

Куракатрининг таърифини эшитган эдик. Жўгилар ва ҳиндуларнинг бир ибодатхонаси шу экан. Йироқ ерлардан келиб Куракатрида соч ва соқол олди-рар эмишлар. Жомга тушгач, Бигромни айланиш учун отландим. Катта бир дарахтни кўриб, Бигром атрофларини сайр қилдим. Малик Бусаъид Камарий бошчи эди. Бир неча кишидан Куракатрини сўрадик, айтмади. Қайтиб урдага яқин етганимизда Малик Бусаъид Хожа Муҳаммад Аминга: „Куракатри Бигромнинг қошида эди. Тор гор ва хатарли жой бўлгани учун айтмадим“, деб айтади. Хожа дарҳол совуққина қилиб, унинг айтганини етказди. Кун кеч бўлганди, йўл ҳам йироқ эди. Бора олмадик. Шу юртда Синд дарёсидан кечиб ўтиш ва қайси томонга отланиш масаласи кенгашиб олинди.

Боқи Чагонийний, сув кечмасдан шу ердан жўнаб Куҳат деган ерга борса бўлар экан, кўп аҳолилик ва моллик эллар эмиш, деб арз қилди. Бир неча кобулликларни олиб келди. Улар бу сўзларига мувофиқ сўзлар айтдилар. Бу ерлар ҳақида сира эшитган эмасдик. Улуг ихтиёрли кишимиз — Боқи Чагонийний Куҳат томонни маслаҳат кўриб, ўз муддаосининг исботига бир неча гувоҳлар ҳам келтиргач, сувдан ўтиш ва Ҳиндистонга отланишдан воз кечилди. Жомдан кўчиб, Бора дарёсидан ўтиб, Муҳаммад Пих доvonига яқинроқ келиб тушилди. У пайтда Гогийний афгоний Паршварда эди. Лашкардан қўрқиб, ўзларини бу тоғ этакларига тортиб эдилар. Гогийнийнинг улугларидан Хисрав Гогийний бу юртда келиб қуллуқ қилди. Уни ҳам Пихий билан йўлни аниқ билиш

маслаҳати юзасидан ҳамроҳ қилиб олдик.

Ушбу юртдан ярим кечада кўчиб, кунчиқар маҳали Муҳаммад Пихдан ўтдик. Чоштгоҳда Куҳатга ҳужум қилинди. Кўп ҳўкиз ва сигирлар ўлжа тушди. Афгонлардан ҳам кўп асир олинди. Асирлар батамом айириб озод қилинди. Уйларида дон-дун бениҳоят эди. Ҳужумчиларимиз Синд дарёси ёқасигача ҳужум қилиб бориб, орада бир тўхтаб, келиб бизга қўшилдилар. Боқи Чагонийний ваъда қилганидек катта ўлжа лашкар қўлига тушмади. Боқибек уз таклифидан хижолат бўлди. Куҳатда икки қўниб, ҳужумчиларни йигиб, қайси томонга юриш маслаҳати кенгашилди. Бангаш ва Банну атрофларидаги афгонларга ҳужум қилиб, Нагар йўли ёхуд Фармул йўли билан Кобулга қайтилади, деган қарорга келдик.

Кобулга келиб менга мулозамат қилган Дарёхоннинг ўгли Ёр Ҳусайн „Дилазок, юсуфзайи ва гогийнийга фармонлар бўлса, токи улар менинг сўзимдан чиқмасалар, Синд дарёсининг у юзида подшоҳлик қиличини чопсам“, деб илтимос қилди. У истаганидек фармонлар бериб, Куҳатда унга рухсат берилди. Куҳатдан кўчиб, Ҳангу йўли билан юқори — Бангаш сари равона бўлдик. Куҳат билан Ҳангунинг орасида бир дара бор: икки тарафи тоғ йўли. Бу дара билан кўчиб бораётиб, дарага кирганимизда Куҳатнинг ва у ерлар афгонларининг барчаси йигилиб, даранинг икки тарафидаги тоғ устига чиқиб сурон солиб, гавго қила бошладилар. Малик Бусаъид Камарий бутун Афғонистонни яхши биларди. Бу юришда йўлбошчи у эди. У: „Олдимиздаги йўлнинг ўнг тарафида бир бўлак тоғ бор. Агар афгонлар бу тоғдан у тоққа ўтсалар, уларни ураб олиб, қўлга туширса бўлади“, деб айтди.

Тангри тўгри йўлга солди: бу афгонлар эргашиб келиб, ўша бўлак тоққа чиқдилар. Бир гуруҳ йигитларни юбориб, дарҳол икки тоғ орасидаги буйинни эгаллашларини буюрдим. Бошқа лашкар аҳлига фармон бўлдики, у юз-бу юздан, ҳар томондан бориб, бу афгонларнинг жазосини берсинлар. Ҳар тарафдан ураб олингач, афгонлар уруша олмади-

лар ҳам. Бир зумда юз-юз эллик афгонга ҳужум қилиб қилич чопишиб, қўлга тушириб, баъзисини тирик, аксарининг бошини келтирдилар. Афгонлар урушмоқдан ожиз бўлсалар, душманларининг олдига ўт тишлаб келар экан. Яъни, бу — мен сенинг молингман, дегани экан. Бу одатни ўша ерда кўрдик. Ожиз қолган афгонлар ўт тишлаб келдилар. Тирик келтирилганларининг ҳам боши кесилиб, тўхтаган юртда калламинора тикланди.

Эртасига у ердан кўчиб, Ҳангуга тушилди. Бу атрофдаги афгонлар бир парча тоғни сингир қилдилар. „Сингир“ сўзини Кобулга келганда эшитдик. Бу эл тоғни тош билан тўсишни сингир дейишаркан. Лашкар эли етиши биланоқ афгонларнинг сингирини ушатиб, юз-икки юз исёнкор афгоннинг бошини кесиб келтирдилар. Бу ерда ҳам калламинора тикланди. Ҳангудан кўчиб, орада бир қўниб, юқориси Бангашнинг этаги бўлган Тийл деган ерга тушилди. Бунда ҳам лашкар эли бу теварак-атрофдаги афгонларни талон-торож қилдилар. Бир сингирдан баъзи ҳужумчиларимиз енгилроқ қайтипти. Бу ердан кўчиб, йулсиз юриб, орада бир тўхтаб, эртаси тонгда бир тепадек энишдан тушиб, узундан-узоқ тор тоғ оралигидан ўтиб, Баннуга тушилди. Лашкар эли, туя ва отлар бу каби пастга тушишда ҳамда тор тоғ оралиги йўлларида жуда кўп машаққат чекдилар. Тушган ўлжа сизир, ҳукизларнинг аксари йўлларда қолди.

Катта йўл ўнг қўлимизда — бир-икки курўҳ нарида экан. Бу йўл отлиқ йўли эмас экан. Қўйчи ва чупон гоҳо гала ва сурувни шу йўл ва тор тоғ оралиги билан қайдагани учун бу йўлни Гуспандлиёр дер эканлар. Афгон тилида йўлни „лиёр“ дейдилар. Малик Бусаъид Камарий йўлбошчи эди. Аксар лашкар эли йўл чап тушганини Малик Бусаъиддан кўрдилар.

Бангаш ва Нагар тоғларидан ўтган заҳотиеқ теп-текис ерда бунёд топган Банну бошланади. Шимол томонида Бангаш ва Нагар тоғлари жойлашган. Бангаш анҳори Баннуга чиқади. Банну шу сув билан ободдир. Жанубида Чупара ва Синд дарёси бор. Шарқи Динкот, гарби Даштки, Бозор ва Ток ҳам дейдилар.

Афгон қабилаларидан кароний, кивий, сур, исохайл, ниезий шу вилоятни эгаллашган. Баннуга тушган заҳотиеқ хабар топилдики, даштдаги бир қабила шимолдаги тоғларни сингирлаб турипти. Жаҳонгир мирзо бошчилигида лашкар юборилди. Кивининг сингири экан. Бориб қисқа вақтда олиб, оммавий қатл этиб, кўп бош кесиб келтирдилар. Оқ матодан лашкар элига анчагина тушди. Баннуда ҳам калламинора кўтарилди. Бу сингир олингандан сўнг кивининг улуғларидан Шодихон исмли киши ўт тишлаб келди. Асирларни озод қилдик.

Кўхатга ҳужум қилганда Бангаш ва Банну ерларидаги афгонларни талаб, Нагар йўли ёки Фармул йўли билан қайтилади, деган қарорга келган эдик. Баннуни талагандан сўнг ер-сувни биладиган кишилар Дашт яқин, аҳолиси кўп, йўли ҳам яхши, Фармулга олиб чиқади, дейишди. Даштга ҳужум қилиб, ўша йўл орқали чиқишга келишиб олиб, эртаси саҳарда у ердан кўчиб, ушбу анҳорнинг ёқасида исохайлнинг кентига тушилди. Исохайл хабар топиб, ўзларини Чўпора тоғларига тортипдилар. Исохайлнинг кентидан кўчиб, Чўпора тоғларининг этагига тушилди. Ҳужумчиларимиз тоғларга бориб, исохайлнинг бир сингирини бузиб кириб, қўй, мол ва мато келтирдилар. Ушбу оқшом Исохайл афгонлари тунги қирғинга келдилар.

У юришда кўп эҳтиёткорлик қилинарди, шунинг учун ҳеч иш қила олмадилар. Шундай эҳтиёткорлик қилинар эдики, жанговар сафнинг ўнг қанот, чап қанот, марказ, ҳужумчи қисмларининг ҳар қайсиси ўзига тегишли жойда туриб, ҳар бир қисмнинг қуролланган гуруҳлари урданинг атрофидаги чодирлардан бир ўқ отими йироқроққа пиёда чиқиб, бутун кеча ўша ерларда қолар эди. Ҳар кеча шу йўсинда черик элининг ҳаммаси навбатма-навбат чиқариларди. Ички кишиларимиздан уч-тўрттаси машъал кўтариб ҳар оқшом навбат билан айлашиб келарди. Мен ҳам бирор навбат айланар эдим. Навбатида чиқмаган кишининг бурнини тешиб, лашкар уртасида айлантитардик. Ўнг қанотда Жаҳонгир мирзо, Боқи Чағониевий, Ширим тағойи, Сайид Ҳусайн Акбар ва яна баъзи беклар эди. Марказда катта беклардан ҳеч

ким йўқ, ҳаммаси ички беклар эди. Хужумчи қисмда Саййид Қосим эшикога Бобо ўгли, Аллоқули Беран ва яна баъзи беклар эди. Лашкар олти бўлакка ажратилганди. Ҳар бўлакка навбати билан бир кеча-кундуз лашкар атрофини айланиб чиқиш тайинланганди.

У тоғ этагидан кўчиб, гарбга қараб юриб Дашт билан Баннунинг орасида бир сувсиз кулда тушилди. Лашкар эли сойни қазиб, узлари ва мол-қолларига сув олдилар. Бу сойдан бир-бир ярим қари ер қазилса, сув чиқар эди. Фақат шу биргина сойдан бундай сув чиқмайди, балки Ҳиндистоннинг ҳамма сойларида шундай хусусият бор, бир қари-бир ярим қари қазилса, албатта, сув чиқади. Қизиқ, қодир Оллоҳ ҳикматини кўрингки, Ҳиндистонда, дарёлардан ўзга оқар сув бўлмаса-да, сойлари шундайгина сувга яқиндир. Ушбу мол ёйиладиган сойдан саҳар кўчиб, намозгар пайти Даштнинг кентларига отлиқ аскарлар қисми етишди. Хужумчилар бир неча кентни талаб, мол-қол, мато ва савдо отлари келтирдилар.

Бу оқшом тонггача, эртаси тушгача, ундан кейин ҳам орқада қолган юкли мол-қол, туя, яёв-яланг етиб келди. Бунда тўхтаган кунимиз хужумчилар Дашт кентларидан кўп ҳўкиз, сигир ва қўй келтирдилар. Афгон савдогарларига дуч келиб, кўп оқ мато ва табобат дориворлари, қанд ва новвот, чопқир отлар ҳамда савдо отлари келтирдилар.

Хожа Хиэр Нуҳоний афгонлар орасида машҳур ва мўътабар савдогарлардан эди. Ҳиндий мўғул уни қўлга тушириб, бошини кесиб келтирди.

Ширим тағойи хужумчиларнинг ортидан борган эди, бир яёв афгон Ширим тағойи билан юзма-юз келиб, унинг шаҳодат бармоғини кесиб ташлади.

Эртаси саҳарлаб кўчиб Дашт кентларининг орасига, яқинроққа тушилди. Ундан кўчиб, Гумал дарёси ёқасида тўхтадик. Даштдан гарбий тарафга икки йўл чиқар экан: бири Санги сўрох йўли — Баракдан ўтиб Фармулга келади. Яна бири Гумал сойини ёқалаб Баракка етмай, у ҳам Фармулга келади. Баъзилар Гумал йўлини маъқул кўрдилар. Даштда эканимизда икки-уч кун муттасил ёмғир ёғди. Гумал сойи анча катталаш-

ган эди. Шу даражадаки, қийналиб кечик топиб, зўрга ўтдик. Йўл биладиган кишилар: „Гумал йўлида бу сойни бир неча мартаба кечмоқ керак. Агар сув бундай катта бўлса, мушқилдир“, деб айтишди. Бу йўлда ҳам тараддуд кўп бўлди, ҳануз бир қарорга келолмасдик.

Эртаси кўчиш ногорасини чалдириб, от устидаёқ қайси йўл билан юриш қарорини бериш хаёлида эдим. Ййди фитр эди. Мен ийд гуслига машғул бўлдим. Жаҳонгир мирзо ва беклар сўзлашибдилар. Баъзилар дебдиларки, Даштнинг гарбида, Кўҳи Меҳтар Сулаймон тоғи бор. Ушбу тоғ Дашт билан Дукининг орасидадир. Тумшугидан айланиб ўтилса, йўл тўғридир. Гарчи бир-икки марта қўниб-кўчиш тафовути бўлса ҳам, райлари шунга қарор топиб, тумшук йўлига жўнашипти. Гуслдан фориг бўлгунимча, лашкар эли бутунлай тумшук йўлига ростланиб, аксари Гумал сойидан ҳам кечиб ўтишди. Илгари кўрилмаган йўллар бўлгани учун йўлнинг яқин-йироғини билмай, мужмал мулоҳаза билан шу йўлга тушдик. Ййд намозини Гумал сойининг бўйида ўтадик. Наврўз шу ийдга яқин келиб эди. Тафовути бир-икки кун эди. Шу муносабат билан бу газални айтиб эдим:

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод  
байрамлар,  
Манга юзу қошингдин айру байрам  
ойида гамлар.  
Юзи наврўзи васли ййдини Бобур  
ганимат тут,  
Ки мундин яхши булмас бўлса  
юз наврўзу байрамлар.*

Гумал сойидан ўтиб, жанубга қараб тоғ этаги билан юрдик. Бир-икки курўх йўл юргандик ҳамки, қуни битган бир неча афгон тоғ этагидаги қирларда пайдо бўлди. От бошини ўша ёққа бурдик, аксари қочди. Баъзиси жаҳл қилиб тоғ этагидаги тошлар ва камарларга беркиндилар. Бир афгон баланд тошнинг устида турарди. Афтидан, нариги тарафи жарлик эди, қочар ери ҳам йўқ эди. Совут кийган Султонқули чиноқ хужум қилиб уни чопиб ташлади. Менинг қошимда бир қилган тузук иши ушбу бўлди. Ушбу иши обрўсининг ортишига сабаб бўлди. Яна бир камарда Қутлуқ-

қадам бир афгон билан урушиб, тутишиб, ун-ун икки қари баландликдан бирга учдилар. Бошини кесиб келтирди. Яна бир тоғ устида Кепа билан бир афгон ёқалашиб, тоғ тепасидан ярмигача юмалаб кетдилар. Унинг ҳам бошини келтирди. Бу афгонлардан ҳам анчагина асир тушганди, ҳаммаси озод қилинди.

Даштдан кучиб Меҳтар Сулаймон тоғи этаги бўйлаб жануб сари юриб, орада уч бор қуниб, Синд суви соҳилидаги Мўлтонга қарашли кентлардан Бийла деган кентга етишилди. Шаҳар аҳолиси кемаларга тушиб сувдан ўтдилар. Баъзилар ўзларини сувга ташлаб, сузиб ўтди. Ушбу кент рўпарасида бир орол бор эди. Кейин қолиб кетган одамлар оролда кўриндилар. Кўпчилик лашкар одамлари от ва яроғлари билан ўзларини сувга ташлаб, сузиб ўтдилар. Бир неча киши оқиб кетди. Гарқ бўлганлар ичида менинг навкарларимдан бири Қул Аҳмад ороқ эди ва Меҳтар фаррош бор эди. Жаҳонгир мирзо навкарларидан бири Қайтмас туркман бор эди. Бу оролда баъзи мато ва кўрпа-тўшакдек ўлжа нарсалар лашкар элига насиб этди. Бу ерлардаги элнинг барчаси кемалар билан Синд дарёсининг у соҳилига ўтдилар.

Ушбу орол тўгрисидан ўтганларнинг бир қисми сувнинг катталигига ишониб қиличларини қўлга олиб, шамшир уйнатиб, пўписа қила бошладилар. Оролга ўтганларга қараб Қул Боязид баковул ёлғиз ялангоч от билан уларнинг рўпарасидан ўзини сувга солди. Оролнинг у томонидаги сув икки-уч ҳисса куп эди, бу юздаги сув бир ҳисса. От суздириб бориб, нариги бетдагиларнинг яқинида — бир ўқ отими ерда саёз ерга чиқди. Сув отнинг қорнидан келарди. Бир сут пишгунча муддат пайсалга солди. Афтидан, ҳовурини босиб олди шекилли, ортидан ҳеч ким кўмакка бормади ва кўмакка бориш эҳтимоли ҳам йўқ эди. Сўнгра уларнинг устига илдам от сурди. Улар бир-икки ўқ отиб тегиза олмай, қочиб кетишди. Ёлғиз, яйдоқ от билан, кўмаксиз Синд дарёсидек сувдан от суздириб кечиб, ганимларни қочириб, ерларини олди. Зур мардона иш қилди. Ёвни қочиргандан сўнг лашкар эли ўтиб, мато, мол-ҳол ўлжа келтирдилар. Қул Боязид бундан бурун ҳам бир неча мартаба ана

шундай хизмат ва мардоналиклар кўрсатган эди, обрў-эътибори билан шугулланиб ошпазлик мартабасидан махсус ошпаз мартабасига етказиб эдим. Унинг ушбу иши туфайли ҳам унинг хусусида катта иноят ва тарбиятлар қилдим. Тафсилоти кейинчалик зикр этилади. Дарҳақиқат, иноят ва тарбиятга арзигулик ҳам эди.

Яна икки бор қуниб Синд дарёси ёқалаб, қуйига қараб кўчилди. Лашкар эли талончилик қила-қила отларини хароб қилдилар. Тушган моли ҳужум қилганига арзигулик нарсалар эмасди. Фақат қорамоллар эди. Даштда ҳам қўй ва баъзи ерда матодек нарсалар лашкар қўлига тушарди. Даштдан ўтгач, қорамолдан бошқа қўлга тушгудек нарса йўқ эди. Синд дарёси соҳилида қўнган пайтларимизда ҳам шундай бўлдики, мулозамат қилиб келган киши уч юз-тўрт юз қорамол келтирарди. Кўплигидан қандай келтирган бўлсалар, ҳар қўнган еримизда ўшандай қоларди. Уч кучиш Синд соҳили бўйлаб бўлди. Уч кучишдан сўнг Пир Кону мазорига келиб тушдик. Лашкар элидан баъзилари мазор хизматчиларига озор бергани боис сиёсат учун биттасини парча-парча қилдирдим. Бу мазор Ҳиндистонда кўп муътабар мазордир. Ушбу мазор Меҳтар Сулаймон тоғига туташ тоғлар этагида жойлашган. Бу мазордан кўчиб доvon устида тўхтадик.

Ундан кучиб Дуки вилоятига қарашли сойга тушилди. У юртдан кўчаётганимизда менинг одамларим Шоҳбекнинг навкари: Сиви қўргонбеги — Фозил кўкалдошнинг қаровулликка чиққан йигирматача кишисини тутиб келтирдилар. У пайтда Шоҳбек билан орамизда унчалик келишмовчиликлар бўлмагани учун от ва яроқлари билан қўйиб юборилди. Орада тўхтаб Дукининг кентларидан Чутоли қишлоғи яқинига тушдик. Синд дарёсидан нарироқда ва Синд ёқасида тинмай талончилик қилинар эди. Отлар емиш ва кўк хавид ўти сероблигидан ҳолдан тойиб қолмасди. Синд дарёсидан Пир Кону сари чиқилганда, кук хавид ҳам йўқ эди. Аҳён-аҳёнда икки-уч кўчишда оз-моз хавидзор топиларди. Отга емиш ҳам топилмасди. Ушбу юртларда лашкар элининг отла-

ри ҳолдан тойиб, ортда қола бошлади. Чутулидан ўтиб тушган юртда уловсизликдан менинг чодирим ҳам қолиб кетди.

Ушбу юртда оқшом шундай ёмғир бўлдики, чодир ичида сув тупиқдан юқорига чиқди. Гиламларни бир ерга тахлаб, баланд қилиб устида ўтирдим. Бу кеча шундай машаққатда тонг отди. Яна икки бор қўнганимиздан сўнг Жаҳонгир мирзо келиб, қулоғимга: „Хилват сузим бор“, деди. Хилватда сўзлашдик. Айтишича, Боқи Чағониёний келиб унга: „Подшоҳни етти-саккиз киши билан жўнатиб, Синд дарёсидан ўтказиб, Сизни подшоҳ қилиб кутарайлик“, деганмиш. Мен: „Бу кенгашда яна ким бор эди?“, деб сўрадим. Айттики: „Менга дарҳол Боқибек айтди. Ўзгасини билмадим“. Мен дедим: „Яна бошқаларини текшириб кўринг. Афтидан, Саййид Ҳусайн Акбар ва Султон Али чўҳра, яна Хисравшоҳнинг баъзи бек ва кичик беклари, йигит-яланг ҳам бор бўлган“. Дарҳақиқат, Жаҳонгир мирзо бунда жуда яхши иш қилди. Туғишганликни жойига келтирди.

Жаҳонгир мирзонинг бу иши менинг ўша ишимга жавоб эдики, Коҳмардда унга ҳам бадбахт мардак игво ва фасод қилган, мен эса уни ҳимоя қилгандим. У юртдан кўчиб бошқа юртга тушганимизда, лашкар элидан оти ярар кишиларни Жаҳонгир мирзога бошлатиб, у ердаги афгонлар устига юборилди. Ушбу юртда лашкар элининг кўп отлари ортда қола бошлади. Айрим кунлари икки юз, уч юз от қолиб кетарди. Сара-сара кишилар яёв қолдилар. Менинг сара ичкиларимдан бўлган Шоҳ Маҳмуд ўлоқчининг ҳам отлари батамом қолиб, яёв келди. Ғазнигача лашкар элининг отлари шу ҳолга тушди. Уч-тўрт кучишдан сўнг Жаҳонгир мирзо бир гуруҳ афгонларни талон-торож қилиб, бир гала қўй келтирди. Бир, икки, уч кучишдан сўнг Оби Истодага етдик. Ажойиб катта сув намоён бўлди. У томондаги даштлар ҳам асло кўринмасди. Сув осмон билан туташиб кетгандек эди. У соҳилдаги тоғлар ва қирлар худди Серобнинг у соҳидаги тоғ ва қирлар сингари муаллақ кўринарди. Бу тоғлар ва қирлар ҳам ер билан кўкнинг орасида муаллақ кўри-

нади. Бунда йигиладиган сувлар Каттавоз водийсининг, Зурмат ўтлогининг ва Ғазни анҳорининг, баҳор ёмғирларининг селлари ва ёзлар сув кўпайганда деҳқончиликдан ортган сувлар эмиш. Оби Истодага бир куруҳ қолганида ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдик: ҳар замон бу сув билан осмоннинг орасида шафақдек нарса қип-қизил бўлиб кўринади. Яна бартараф бўлади. Яқин етгунча бу ҳол эди. Яқин етганда маълум бўлдики, бу ёввойи гоз экан. Ўн минг эмас, йигирма минг эмас, жуда кўп ёввойи гозлар учиб қанот қоққанида, қизил парлари гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай қоларкан. Фақат бу қуш эмас, бунда ҳар нав қушдан беҳадду ҳисоб. Бу сув ёқасида қуш тухумлари мўл. Сув қиргогидан бу қушларнинг тухумларини олгани келган икки афгон бизни кургани заҳоти ўзини сувга ташлади. Бир неча киши ярим куруҳга яқин жойга бориб тутиб келтирдилар.

Айтишдики, бутун йўл бўйи сув бир текис — отнинг қорнидан келаркан. Афтидан, текис ер бўлгани учун суви чуқур эмасдир. Каттавоз даштининг Оби Истодага келадиган сойи ёқасига келиб тушдик. Бу сой қуруқ сойдир. Унда ҳаргиз сув оқмас. Неча марта бу ердан ўтган бўлсак, сойда оқар сувни ҳеч кўрмадик. Бу гал ёз ёгинлари сабабли сойга шунча кўп сув келиптики, асло кечик тополмадик. Гарчи унча кенг бўлмаса-да, жуда чуқур эди. От ва туяларнинг ҳаммасини суздириб ўтказдик. Баъзи кўрпатушакдек нарсаларни арқонга боғлаб у соҳилдан тортиб олдилар. Бу сувдан ўтгач, Кўҳнаноний билан Саридеҳ тўғонидан ўтиб, Ғазнига келдик. Жаҳонгир мирзо бир-икки кун меҳмондорлик кўрсатиб, ошлар тортиб, ҳадялар қилди. Ўша йили аксар сувлар шу даражада катта келиб эдики, Деҳи Яъқуб дарёсидан кечик топилмади.

Мен кўлда ясатган кемани келтириб, Камарий рўпарасида Деҳи Яъқуб дарёсига солишларини буюрдим, эл кема билан ўтиб олди. Шундай қилиб, Сижованд довонидан ошиб, унга бетма-бет булган Камарийдан кема билан сувдан ўтиб, зулҳижжа ойида Кобулга келдик. Саййид Юсуфбек бир неча кун бурунроқ

қулунж хасталиги билан Тангри раҳматига борибди. Носир мирзо навкар-савдарига вилоятларидан бирор нарса етказиб, икки-уч кун кейинроқ келай, деб Қўшгунбазда рухсат тилаб қолиб эди. Биздан айрилгач, Дарайи Нур эли бир оз бўйсунмаганлиги сабабли лашкарини Дарайи Нурга юборади. Дарайи Нур қўргонининг мустаҳкамлиги ва шолитор ерларининг паст-баландлиги ҳақида илгарироқ ёзган эдик. Ушбу лашкар сардори Фазли лашкарни эҳтиёт қилмай, бундоқ суқмоқ йўлда ва паст-баланд ерда талон-торож учун тарқатиб юборади. Дарайи Нур одамлари чиқиб пароканда талончиларни зурлаб орқага суришлари билан бошқалар туриш бермай қочадилар. Душман томондагилар бир гуруҳ кишини ўлдириб, от ва яроғларини тортиб олади. Лашкарга Фазлидек киши сардор бўлса, ҳоли мана шундай бўлгусидир. Шу сабабданми ё Носир мирзонинг кўнглида эгрилиги бор эдими — бизнинг изимиздан келмади, қолди. Яна, Айюбнинг ўғиллари Юсуф ва Баҳлулдек золимтабиат, фитначи, мақтанчоқ ва кибр-ҳаволи киши бўлмаса керак. Алингор Юсуфга, Алишанг эса Баҳлулга берилганди, булар ҳам вилоятларидан бирор нарса олиб, Носир мирзо билан келмоқчи эдилар. Носир мирзо келмагани учун улар ҳам келмадилар. Бу қиш Носир мирзонинг ҳамкоса ва суҳбатдоши шулар эди. Мана шу қишда бир мартаба бориб таркалоний афгонларини талон-торож қилдилар. Ёз келиши билан барча эл-элат Нингнаҳор ва Ламгонотга, четдан келган эл-улуснинг кўч ва молларини кўчириб, суриб Борон ёқасига келди.

Носир мирзо Борон ва ўша атрофларда эканида бадахшонийларнинг ўзбекларни ўлдириб, ўзбек билан юзқўришмас бўлгани хабари келди. Тафсилоти шудирки, Шайбонийхон Қундузни Қанбарбийга бериб, ўзи Хоразмга кетди. Қанбар Бадахшон элини ўз томонига мойил қилиш ҳақида хат жўнатиш мақсадида Муҳаммад Махдумийнинг Маҳмуд исмли ўғлини Вадахшонга юборди. Оталари Бадахшон шоҳларининг бекларидан бўлган Муборакшоҳ бош кўтариб, Махдумийнинг ўғли ва яна бир неча ўзбек-

нинг бошини кесди. Бурун Шофтевар номи билан машҳур булган Қалъайи Зафарни қўргон қилиб мустаҳкамлади. Қалъайи Зафар номини у қўйди. У вақтда Хамлангон Хисравшоҳнинг қурчиси бўлган Муҳаммад қўрчининг қўлида эди. У Рустоқда Шайбонийхоннинг садрини бир неча ўзбек билан ўлдириб, Хамлангонни мустаҳкамлади. Оталари шоҳларнинг бекларидан бўлган Зубайр Роғий ҳам Роғда ёвлашди. Вали Хисравшоҳнинг навкари Жаҳонгир туркман бу бузгунчиликда бегидан айрилиб бир неча қолган-қочган сипоҳий ва аймоқни йигиб, ўзини четга тортди. Носир мирзо бу хабарларни эшитиб, Бадахшон ҳавасида бир неча беақл ва калтабиннинг гижгижлашию иғвоси билан у томондан келган барча ташқи элларнинг кўч-молларини кўчириб, ҳайдаб Шиbartу ва Обдара йўли билан у томонга ўтди.

Хисравшоҳ Аҳмад Қосим билан Ажардан қочиб, Хуросон сари кетдилар. йўлда Бадиуззамон мирзо ва Зуннунбек билан учрашиб, биргалашиб, барчалари Ҳиротга бориб, Султон Ҳусайн мирзога мулозамат қилдилар. Булар неча йиллар мирзога душманлик қилиб, юз хил одоб-сизликлар кўрсатган, улардан мирзонинг кўнглида қанча доғлар йўқ эди, дейсиз! Барчалари мен туфайли бундай хорлик ва зорликлар билан бориб мирзони кўрдилар. Хисравшоҳни навкар-савдаридан айириб бундай бечораҳол қилмасам, Кобулни Зуннуннинг ўғли Муқимдан олмасам эди, уларнинг бориб мирзони кўрмаклари мумкин бўлмасди. Бадиуззамон мирзо ҳам буларнинг қўлида хамир эди, буларнинг сўзларидан четга чиқолмасди.

Султон Ҳусайн мирзо барчасига сазоват кўрсатиб, ёмонликларини юзига солмай, инъомлар ҳам қилди. Хисравшоҳ биров вақт утгач: „Мен борсам у вилоятларни батамом оламан“, деб ўз вилоятлари сари рухсат сўради. Бу келишининг ўзи бемаҳал ва уринсиз бўлгани боис, рухсатни кечиктиришди. Улар пайсалга солганлари сари бу рухсатни такрор илтимос қилди. Қистаб талаб қилавергач, Муҳаммад бурундуқ унга шундай деб жавоб берди: „Ўттиз минг навкаринг билан бутун вилоятлар қўлингда бўлган пайтлари не қилдингки, энди беш юз кишинг билан ўзбек тасарруфи-

даги вилоятларда нима қила оласан?!“ Анча насиҳатлар қилиб, маъқул сўзлар айтдилар. Ажали етгани учун унга таъсир қилмади. Купроқ қистайвергач, охири ижозат бердилар.

Уч-турт юз кишиси билан туғри Даҳона ҳудудига кириб келди. Уша фурсатда Носир мирзони Даҳона тупроғида кўрди. Бадахшон сардорлари фақат Носир мирзо томонида эдилар. Хисравшоҳни хоҳламас эдилар. Носир мирзо қанча саъй-ҳаракат қилди. Хисравшоҳ ҳам англаб, Куҳистонга\* боришга рози бўлмади. Хисравшоҳнинг нияти мирзони кўз-кўз қилиб олиб юриб, вилоятларни эгаллаш эди. Охири суҳбати келишмай, Ишкамиш ерларида саф тортишиб, совутлар кийишиб, урушаёзиб айрилишди. Носир мирзо Бадахшон сари жунади. Хисравшоҳ бошқа такасалтангларни йигиб, яхши-ёмон мингтача кишиси билан Қундузни қамал қилиш ниятида келиб, бир-икки йиғоч беридаги Хожа Чортоққа тушди. Муҳаммад Шайбонийхон Андижонда Султон Аҳмад Танбални асир олиб, Ҳисор устига йўл олгани билан у ердагилар уруш-талашсиё вилоятларни ташлаб чиқдилар. Шайбонийхон Ҳисорга келди. Ҳисорда Ширим танқўриқчи ва бир гуруҳ зўр йигитлар бор эди. Беклари вилоятларини ташлаб кетишди, булар эса Ҳисор қўрғонини бермай қўриқладилар.

Шайбонийхон Ҳисор қамалини Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон зиммасига қўйиб, ўзи Қундузга келиб, иниси

### ТУҶҚИЗ ЮЗ ЎН БИРИНЧИ(1505-1506) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойида онам Қутлуғ Нигорхоним терлама касалига чалинди. Қон олишди. Фойдаси бўлмади. Бир хуросонлик табиб бор эди. Саййид табиб дердилар. Хуросон усули билан тарвуз берди. Ажал етиб келган экан, олти кундан сўнг — шанба куни Тангри раҳматига борди. Улугбек мирзо тоғ этагида бир иморат солган эди. Боғи Наврузий номли. Ворисларининг руҳсати билан якшанба куни шу боққа келтириб, мен ва Қосим кўкалдош тупроққа топширдик. Бу ҳақда кичик хон додам Олачахон ва катта онам

Маҳмуд Султонга Қундуз вилоятини тортиқ қилди. Узи тўхтамасдан Хоразмга — Чинсуфининг устига қараб жунади. Самарқандга ҳам етмаган эдики, иниси Маҳмуд Султон Қундузда улди. Қундузни Қанбарбий Марвийга берди. Хисравшоҳ келган пайтда Қундузда Қанбарбий бош эди. Қанбарбий кетма-кет Ҳамза Султонга ва қолган ўзга султонларга кишилар юбориб кўмак сўради. Ҳамза Султон Аму ёқасига — Саройга келиб лашкарини ўгиллари ва бекларига бошлатиб, Қундузга юборди. Булар етиши биланоқ рақиблари қалъадан чиқдилар. Уруша олмадилар ҳам. Бу хомсемиз эркак қоча олмади ҳам. Уша заҳотиёқ Ҳамза Султоннинг кишилари уни отдан туширишди. Жияни Аҳмад Қосимни, Ширим танқўриқчини, яна баъзи сара йигитларни ўлдирдилар. Қундузга олиб келиб Хисравшоҳнинг бошини кесдилар. Бошини Хоразмга — Шайбонийхон қошига юбордилар.

Хисравшоҳ айтгандек, Хисравшоҳ Қундуз тупроғига келгани заҳоти менинг қошимдаги қолган навкар-савдарининг туриш-юриши ўзгачароқ бўлди. Аксарияти кўчиб, Хожа Ривож ва ўша томонларга ўзларини тортдилар. Менинг қошимдаги лашкарнинг кўпи унинг навкар-савдари эди. Мўғуллар ўзларини яхши тутдилар. Бирдамлик кўрсатдилар. Хисравшоҳнинг ўлгани ҳақидаги хабар келиши билан ўтга сув ургандек босила қолдилар.

Эсон Давлатбегимга ҳам хабар қилдик. Хонимнинг қирқи яқинлашиб қолганида, Хуросондан хонларнинг волидаси — Шоҳбегим, менинг холам — Султон Аҳмад мирзо оиласидан Меҳр Нигорхоним ҳамда Муҳаммад Ҳусайн кўрагон дўғлат келдилар. Аза янгиланиб, айрилиқлар оловининг чеки йўқ эди. Аза расми жойига қўйилгандан сўнг, фақир ва мискинларга ош ва таом тортилди, ўтганларнинг арвоғига хатм ва дуолар қилинди. Кунгилларга таскин бериб, қора кийимларни ташлаб, бу муҳим ишлардан

\* Куҳистон — тоғли ер.

фориг булгач, Боқи Чағониёнийнинг саъйи билан Қандаҳор устига лашкар тортдик. Сафар қилиб келиб, Қуш Нодир сайхонлигига тушиб эдик ҳамки, мени иситма тутди. Галати хасталандим. Мени ҳар қанча ҳаракат қилиб уйғотсалар, уша заҳоти яна кўзим уйқуга кетарди. Тўрт-беш кундан сўнг ҳарқалай бироз яхши бўлдим.

Уша пайти шундай зилзила бўлдики, қўргон деворлари ва боғларнинг томлари аксар қулаб, шаҳар ва қишлоқлардаги кўп уйлар ер билан битта бўлди, уй ва том остида қолиб ўлганлар кўп бўлди. Памгон кентининг уйлари батамом йиқилди. Етмиш-саксон сара эркак том остида қолиб ўлди. Памгон билан Бектут орасида узунлиги бир тош отими келадиган бир парча ер кўчиб, бир ўқ отими пастга қулади. Кучган ернинг урнида чашмалар пайдо бўлди. Истаргачдан Майдонгача тахминан олти-етти йиғоч масофа йўл бор; ер шунчалик ёрилган эдики, баъзи тарафи белга етар даражада баланд, баъзи тарафи белдан паст, баъзи ёрилган ерга одам сигарди. Зилзила бўлган чоғи барча тоғлар бошидан чанг кўтарилди. Нурулло танбурчи қошимда соз чалиб ўтирганда, ёнида яна бир соз бор эди. Уша лаҳза ҳар икки созини қўлига олди. Ўзини шунчалик тутолмай қолдики, созлар бир-бирига урилди. Жаҳонгир мирзо тепада — Улугбек мирзо солган иморатлардан бирининг болохонаси айвонида эди. Зилзила булгач, ўзини ерга ташлади, ҳеч бир зарар етмади. Жаҳонгир мирзонинг яқинларидан бири ушбу болохонада экан. Болохона томи унинг устигайиқилипти. Худо сақлади, ҳеч ерига бирор озор етмади. Тепадаги уйларнинг аксари тептекис бўлди. Уша куни ўттиз уч марта ер тебрланди. Бир ойгача ҳар кеча-кундузда икки-уч маротаба ер тебранарди. Қўргондаги минора ва деворларнинг шикаст етган, тўкилган жойларини ислоҳ қилиш ва таъмирлаш учун бек ва сипоҳийларга фармон бўлди. Йигирма кун-бир ойда астойдил ғайрат ва тиришқоқлик билан қўргоннинг синиқ-бузугини битказиб тиклашди.

Бурунроқ Қандаҳор томонга режалаштирилган юриш хасталик ва зилзи-

ла туфайли кейинроқ қолиб эди; хасталикларни кечириб, қўргонни битказиб, бурунги ният яна қатъий қарор топди. Хали-ҳануз Қандаҳор томонга юришни ё талон-торож учун тоғу дашт ахтаришни аниқлаб олмагандик. Шаниз узанига тушганимизда, Жаҳонгир мирзо ва бекларни йиғиб кенгашилди. Қалот устига юришга қарор қилдик. Жаҳонгир мирзо ва Боқи Чағониёний бу юриш учун кўпроқ ҳаракат қилдилар. Ёрига етган пайти Шерали танқуриқчи, Кичик Боқи девона ва яна бир неча кишининг қочар хаёллари бор эмиш, деган хабарни топдик, улар тутиб келтирилди. Менинг қошимда эканида, ҳузуримдан четда бўлганида ҳам, у вилоят ва бу вилоятда Шерали танқуриқчи турли фитна ва ёмонликлар содир этганди, жазога тортилиб қатл этилди. Қолганларни от ва ярогидан маҳрум қилдик. Қалотга етишимиз биланоқ зирҳланмай, жанговар саф тортмай ҳар тарафдан уруш бошладик, анча вақт урушдик.

Хожа Калоннинг оғаси Кичикбек хийла мардона йигит эди. Бир неча маротаба менинг кўз олдимда қилич чопиб ўзини кўрсатганди. Бу ҳақда ўз вақтида зикр этгандим. Қалот қалъасининг гарби-жануби тарафидаги минорага ёпишиб чиқаётган пайти кўзига найза санчдилар. Бир-икки кун ўтиб, Қалотни олгандан сўнг, шу ярадан вафот этди. Кичик Боқи девона Шерали билан қочаётган чоғи тутдирилганди. Ёмонлиги касридан дарвоза олдида девор тубига етганида, отилган тош зарбидан ўлди. Яна бир-икки киши ҳам ўлди. Намозгаргача шу йўсинда урушилди. Йигитлар урушиб, куч сарфлаб, ҳолдан тойган пайти ичкаридагилар омонлик тилаб қўргонни топширдилар. Қалотни Зуннун арғун Муқимга берган эди. Муқимнинг навкарларидан Фаррух арғун ва Қора булут Қалотда эдилар. Садоқ ва қиличларини бўйинларига осиб келдилар. Гуноҳларини афв қилдик. Бу тоифага зулм қилмоқ менинг ниятим эмасди. Чунки ўзбакдек ганим ёнимизда турганида, орада бундай ишлар булса, йироқ-яқиндан эшитган-курган нима дейди?!

Бу юриш Жаҳонгир мирзо ва Боқибекнинг ҳаракати билан бўлган эди, шунинг учун Қалотни сақлашни Жаҳон-



гир мирзо зиммасига топширдик, қабул қилмади. Боқибек ҳам бу масалада яхши жавоб бермади. Қалотни шунча урушиб куч билан олишимиз бефойда бўлди. Қалотдан жануб сари Савосанг, Олатог ва уша тарафлардаги афгонларни талон-торож қилиб, Кобулга келдик. Кобулга тушган оқшом мен қўргонга бордим. Чодир ва уловлар чорбоғда эди. Хирилжи ўгриси келиб, менинг бир зирҳланган туриқ отимни ва яна бир яхши хачиримни чорбоғдан чиқариб олиб кетибди.

Боқи Чағониёний Аму ёқасига келиб, бизга қўшилганидан бери ундан муътабар ва эрк-ихтиёри баланд киши йўқ эди, қандай суз айтса, нима иш қилса унинг сўзи — суз, иши — иш эди. Биз ундан арзирли бирор хизмат ва инсоният ҳимматига хос ҳимматни ҳаргиз кўрмаган эдик, аксинча, куп адабсизлик ва ёмонликларни бизга кўрсатганди. Хасис, дағал, ҳасадчи, ичиқора ва бировни кўролмайдиган, хулқи ёмон киши эди. Хасислиги шу даражада эдики, Тирмизни ташлаб, кучи ва моли билан бизга қўшилганида, фақат узига тегишли қўйлари тахминан ўттиз-қирқ минг бор эди. Ҳар юртда олдимиздан пода-пода қўйлари ўтарди, бизнинг йигит-яланглар эса очликдан азоб тортишарди. Бир қўй бермади. Охири — Коҳмардга борганда элликта қўй берди. Мени подшоҳ қилиб кўтарганига қарамай ногорасини ўз эшигида чалдирарди. Ҳеч ким билан самимий эмас эди, ҳеч кимни кўролмасди. Кобулдан тушадиган даромаднинг ҳаммаси, савдогарлардан олинадиган бож унинг ҳиссаси эди, Кобулнинг қалъабегилиги, Панжҳир, Кадий Ҳазора, Кўшкак ва эшикоғалик мансаби бутунлай унда эди. Шунчалик эътибор топиб ҳам асло рози ва шукр қилувчи эмас эди. У нечоғли бузуқ хаёлларга бормасин (буларни зикр этдик) ўзимизга олмадик, юзига солмадик. Шунга қарамай, ҳамиша ноз қилиб кетишга рухсат сўрарди. Нозини кўтариб, узр айтиш билан муддаосини ман қилардик. Бир-икки кун босилиб, яна рухсат сўрашни бошларди. Нози ва рухсат тилаши ҳаддан ошди. Унинг хулқу феъли бизнинг ҳам жонимизга тегди, рухсат бердик. Рухсат тилагандан сўнг пушаймон бўлди, бетоқатликлар қила бошлади, фойдаси бўлмади. Мендан тўққиз гуноҳ содир бўлмагу-

нича, жазоламайман, дея шарт қилиб эдилар, деб айттириб юборипти. Мен ун бир гуноҳини бирма-бир эслатиб Мулло Бободан айтиб юбордим. Мулзам бўлди. Куч ва моли билан Ҳиндистон тарафига рухсат берилди. Узининг бир неча навқари Хайбардан утказиб қўйиб келди.

Боқи Гоғиёнийнинг карвонига қўшилиб, Нилобни кечиб ўтди. У пайтда Ёр Ҳусайн Дарёхон Качакотда эди. Кўҳатдан олиб борган фармонларини рўкач қилиб, дилазок ва юсуфзайдан бир гуруҳ афгонларни ва яна бир гуруҳ жат, гужурни узига ҳамроҳ ва навқар қилиб, иш-кучи эл таламоқ, йўл урмоқ эди. Боқининг хабарини эшитиб, йўлини тўсиб, Боқи билан борганларни ураб олди. Боқини ўлдириб хотинини олди. Биз Боқига ҳеч ёмонлик қилмай қўйиб юборгандик, лекин у ўз ёмонлиги касрига қолиб, ўз амалига ўзи мубтало бўлди.

Байт:

*Ту бадкувандайи худро*

*ба рўзгор сипор,*

*Ки рўзгор туро чокарест кийнагузор.*

(Мазмуни:

*Ёмонлик қилгани ҳаётга топшир,*

*У қасдинг олгувчи мулозимингдир.)*

Бу қиш бир-икки қор ёққунича чорбоғда ўтирдик. Кобулга келаётганимизда туркман ҳазораси куп беадаблик ва йўлтўсарликлар қилиб эди. Уларга ҳужум қилишни уйлаб, Улуғбек мирзонинг шаҳардаги Бўстонсарой деган иморатида туриб, шаъбон ойида уша ердан туркман ҳазорасини талон-торож қилишга отландик. Дарайи Хуш огзида—Жангалакда ҳужумни бошладик. Оз-моз ҳазора таланди. Дарайи Хуш яқинидаги горда бир гуруҳ ҳазора яширинган экан. Аксар ҳарбий сафарларимда мен билан бирга юрган, қўрбеги (шаҳар ҳарбий қисми бошлиғи) мансабидаги Шайх Дарвеш кукалдош ёйни кучли тортар ва ўқни яхши отар эди, бу горнинг огзига билмасдан яқинлашиб, кириб боради. Ичкаридан бир ҳазора кўксига ўқ отади. Уша куниеқ ўлди. Туркман ҳазорасининг купроғи Дарайи Хушда қишлаган экан, уларнинг устига йўл олдик.

Дарайи Хушнинг жойлашиши галати: даранинг ярим куруҳча келадиган

огзида тоғлар торайтирган дара тушган. Йул тоғнинг камаридадир. Йулдан қуйи ҳам эллик-олтмиш қари тик қоялар жойлашган. Йулнинг юқорисида яна ўта ноқулай йул бор. Отлиқлар битта-бит-талаб ўтади.

Бу тор тоғ йулидан ўтиб, шу куни вақт икки намоз орасигача (қуёш ботишига яқин) бориб етмай бир ерда қўндик.

Ҳазоранинг бир семиз туясини топиб келтирдилар. Уни сўйиб, гўштининг бир қисмини кабоб қилдик, яна бир қисмини офтобда пишириб едик. Бунча маза-ли туя этини сира емаган эдик. Баъзилар қўй гўшtidан фарқ қила олмадилар. Бу ердан эрталаб кўчиб, ҳазоралар қишлаган юртлар устига равона бўлдик. Бир паҳар қолганида, илгаридан киши келиб: „Бир тор жойда ҳазоралар сув кечигини шохлар билан беркитиб, элни тўсиб урушмоқдалар“, деди. Буни эшитганимиз заҳоти тез жўнадик. Бироз йул юргач, ҳазоралар урушаётган ерга етдик.

Ўша қиш қор кўп ёққан, йўлсиз юрип машаққатли эди. Такоб сувининг қиргоқлари батамом музлаганди. Бу дарёдаги муз ва қор туфайли йўлсиз еридан ўтиб бўлмас эди. Ҳазоралар бу сувнинг чиқар ерида кўп шох кесиб солгандилар. Ўзлари Такобларда ва унинг ёнларида отлиқ ва яёв ўқ отиб урушаётган эдилар.

Муҳаммад Али Мубашширбек менинг янги ҳурматга лойиқ беқларимдан эди. Жуда мард ва эътиборга арзирли, яхши йигит эди. Совут киймаган. Илгарироқ шох ташланган йўлга жўнади. Биқинига ўқ отдилар. Ўша заҳоти жон таслим қилди. Тезлик билан келган эдик. Кўпчиликнинг совути йўқ эди. Бир-икки ўқ менинг бошимдан ошиб ўтди. Аҳмад Юсуфбек изтироб чекиб, ҳар замон: „Бундай яланғоч кириб борасиз. Икки-уч ўқни кўрдимки, бошингиздан ўтди“, дерди. Мен дедимки: „Сиз мардона бўлинг. Менинг бошимдан бунақалар кўп ўтган“. Шу пайт Қосимбек бу сувдан кечик топиб совути билан кечиб ўтиб, от солган эди, ҳазоралар тўхтамай қоча бошладилар. Урушиб турганлар асир ола-ола, ёв ортидан қувдилар. Қо-

симбекка бу иши учун Бангаш инъом қилинди. Ҳотам ҳам бу юришда ёмон эмас эди. Шунга кўра Шайх Дарвеш кўкалдошнинг мансаби — қўрбегилик Ҳотамга иноят бўлди. Кепакқули бобо ҳам бу юришда яхши иш кўрсатгани учун бир қишлоқни Кепакка иноят қилдик. Султонқули чинок буларнинг ортида эди. Қор қалин бўлгани учун чигирдан\* чиқиб бўлмасди. Мен ҳам шу йигитлар билан йўлга тушдим.

Ҳазора қишлоқларининг яқинида қуйи ва йилқиларга дуч келдик. Мен ўзим тўрт-беш юзга яқин қуйи, йигирма бешта от йигдим. Султонқули, яна икки-уч киши яқин эдилар, бирлашиб ҳаракат қилдик. Икки навбат ўзим талон-торожда қатнашганман. Бири — мана шу ҳужум бўлди. Яна бир сафар ушбу туркман ҳазорасини Хуросондан келаётганида бизникилар талон-торож қилиб, кўп қуйи ва от келтиргандилар. Ҳазораларнинг аёл ва бола-чақалари яёв юриб, қорлик қирларга чиқиб турдилар. Бир оз сусткашлик қилдик, кун ҳам кеч бўлиб қолганди. Қайтиб ҳазораларнинг уйларига тушилди. Бу қиш қор анча кўп тушганди. Ушбу ерда йўлдан ташқаридаги қор отнинг қорнигача чиқарди. Кечаси қуриқчиликка чиққанлар қор қалин бўлгани боис тонг отгунча отдан тушмадилар. Эртаси барвақт қайтиб, Дарайи Хушнинг ичида ҳазораларнинг қишлоғида тўхтаб, у ердан кўчиб, Жангалакка тушилди. Ёрак тағойи ва яна баъзилар кейинроқдан келиб эди. Шайх Дарвешни отган ҳазораларни бориб тутинглар, деб буйруқ берилди. Куни битган бадбахтлар горда экан. Булар бориб, тутун қуйиб етмиш-саксон ҳазорани тўтиб олдилар. Кўпчилиги қилич билан чопиб ташланди.

Ҳазора юришидан қайтиб, Нижровдан мол олиш маслаҳати учун Борон сайхонлигининг пасти — Ойтуғди тупроғига келдик. Жаҳонгир мирзо Ғазнидан чиқиб биз Ойтуғди ерида эканлигимизда мулозаматга келди. Бу аснода рамазон ойининг ўн учинчисида мен қуёнчиқ хасталигига йулиқдим. Мени қирқ кунгача у ёндан бу ёнга биров айланти-

\* Чигир — қордан очилган йул.

риб қўярди. Нижров дараларидан Пижронда, Гайн кентининг улуғи Ҳусайн Гайний ога-иниси билан итоатсизлик ва безбетликда машҳур булиб танилган эдилар. Уларга қарши лашкарни Жаҳонгир мирзога бошлатиб юборилди. Қосимбек ҳам борди. Лашкар бориб Сарқубга чиқиб сингирланган ерни куч билан олиб, бир гуруҳини қатл эттирди. Қуёнчиқ хасталиғи ташвиши туфайли тахтиравондек нарса ясаб Борон соҳилидан шаҳаргача мени кўтариб Бўстонсарога келтирдилар. Ўша қишнинг ўзида бир неча кун Бўстонсарода ўтирдим. Бу касаллик ҳали-ҳануз тузалмасидан, ўнг юзимга чипқон чиқди, наштар солдилар. Бу хасталикка қарши сурғи ичдим. Сиҳат топиб, чорбоққа чиқдим. Жаҳонгир мирзо мулозаматга келди. Айюбнинг ўғиллари Юсуф ва Баҳлул Жаҳонгир мирзо қошига бориб менга қарши фитна ва ёмонлик уюштирдилар. Шунинг учунми-кан, бу сафар Жаҳонгир мирзо аввалгидек самимий кўринмади. Бир неча кундан кейин Тепадан кўчиб, совут кийиб илдам Ғазнига кетди. Нони қўрғонини олиб, бир неча кишисини ўлдириб, элини бутунлай талади. Бор кишиларини майда-чуйдасигача кучириб, Ҳазоранинг ичи билан Бомиён тарафига юзланди.

Тангрига равшандирки, мендан ва менга тааллуқли элдан бунча нохушлик ва қасос олишга сабаб бўладиган ҳеч бир иш содир бўлмади ё бирор сўз айтилмади. Сўнгра маълум бўлдики, қуйидаги воқеа кетишига сабаб бўлган экан: Жаҳонгир мирзо Ғазнидан келаётганда Қосимбек ва беклар истиқболига чиқибдилар. Мирзо беданага қуш солади. Етиб қуш чангалини солиш пайтида бедана ўзини ерга уради. „Олдими, олдими?“ деб қичқирадилар. Қосимбек: „Ғанимни бундоқ ожиз қилганда қўлдан чиқардимми — олади“, дейди. Бу сўз уларга балойи жон бўлади. Кетмоқларининг бир сабаби мана шу эди. Яна бир-икки бундан арзимасроқ ва бўшроқ бир сўзни ҳам рўкач қилдилар. Шундан сўнг Ғазнини ташлаб, ҳазора орқали аймақлар томонга ўтдилар. У фурсатда аймақлар Носир мирзодан айрилиб эдилар. Лекин ўзбакка қушилмагандилар. Ёй, Астароб ва у ерларнинг яйловларида эдилар.

Ушбу дамларда Султон Ҳусайн мирзо Муҳаммад Шайбонийхонни даф этишга тараддудланиб, барча ўғилларини чақиртирди. Мени ҳам Саййид Султон Али хоббининг ўғли Саййид Афзални юбориб чақиртирган эди. Хуросон томонига юрмоқ бизга бир неча жиҳатдан лозим бўлди. Бир сабаби: Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўрнида ўтирган улуг подшоҳ қўшин тўплаб, теварак ва атрофдаги ўғиллари ва бекларини чақиртириб, Шайбонийхондек ғанимнинг устига юриш қилганда, эл оёғи билан борганда, биз бош билан боргаймиз, эл таёқ билан борганда, биз тош билан боргаймиз. Иккинчи сабаби: Жаҳонгир мирзо бундай кек ва ёмонлик билан кетдики, ё кекини бартараф, ё зарарини даф қилгаймиз.

Ушбу йили Шайбонийхон Чинсўфини Хоразмда ўн ой қамал қилиб олди. Бу қамалда талай урушлар бўлди. Хоразм йигитлари кўп мардоналиклар кўрсатдилар, курашда ҳеч хатога йўл қўйишмади. Шундай ўқотарлик қилдиларки, кўп бор қалқондан, совутдан, баъзан икки қават совутдан ҳам ўтказиб камондан ўқ отдилар. Ўн ой қамалдорлик тортдилар, ҳеч ердан умидворлик бўлмади. Баъзи йигит-яланг юраксизлик қилиб, ўзбак билан сўзлашиб, ўзбакни қўрғонга киргизди. Чинсўфи бундан хабардор бўлиб, ўзи келиб қўрғонга кираётган ўзбакларни уриб тушираётган маҳали ўз танқўриқчиси орқасидан унга камондан ўқ отди, у ўлди. Урушадиган киши қолмади, қўрғонни олдилар. Чинсўфига раҳмат. Мардоналик билан жон чекиб, бирор лаҳзани бекор кетказмади. Шайбонийхон Хоразмни Кўпакбийга бериб, ўзи Самарқандга келди. Бу йилнинг охири зулҳижжа ойида Султон Ҳусайн мирзо Шайбонийхоннинг устига лашкар тортиб, Бобо Илоҳийга етганида Тангри раҳматига борди.

Таваллуд ва насл-насаби: саккиз юз қирқ иккида (1438) Ҳиротда Шоҳрух мирзо замонида таваллуд топган эди. Султон Ҳусайн мирзо бинни Мансур бинни Бойқаро бинни Умаршайх бинни Амир Темур. Мансур мирзо билан Бойқаро мирзо подшоҳлик қилган эмас. Онаси Ферузабегим эди. Темурбек-

нинг набираси. Султон Ҳусайн мирзо Мироншоҳ мирзонинг ҳам набираси бўларди. Султон Ҳусайн мирзо икки томонлама шарафли оиладан, асл подшоҳ эди. Бир онадан икки ўғил, икки қиз эдилар. Бойқаро мирзо ва Султон Ҳусайн мирзо, Оқобегим ва яна Аҳмадхон олган қиз — Бадакабегим. Бойқаро мирзо Султон Ҳусайн мирзодан катта ва унинг навқари эди. Лекин маҳкамада ҳозир булмасди. Маҳкамадан ташқари ҳамма ерда бир тўшакда ўтирардилар. Укаси унга Балх вилоятини берганди. Бир неча йил Балхга ҳукмронлик қилди. Уч ўғли бор эди: Султон Муҳаммад мирзо, Султон Вайс мирзо ва Султон Искандар мирзо. Оқобегим Султон Ҳусайн мирзонинг эгачиси эди. Мироншоҳ мирзонинг набираси. Султон Аҳмад мирзо олиб эди. Кичик мирзо исмли бир ўғли бор эди. Бурунлари тоғасига хизмат қиларди. Сўнгра сипоҳийликни тарк қилиб, мутолаага машғул бўлди. Дерларким, донишманд бўлган экан. Шеърый истеъдоди ҳам булган экан. Бу рубойи уники:

*Умре басалоҳ месутудам худро,  
Дар шевайи зуҳд менамудам худро.  
Чун ишқ омад кадом зуҳду, чи салоҳ,  
Ал-миннату лиллоҳ озмудам худро.*

(Мазмуни:

*Умр буйи узимни яхшилик билан  
мақтаб юрдим,  
Узимни зоҳид ва тақводор қилиб  
кўрсатардим.  
Ишқ келгач, қани уша зоҳидлигу,  
қани уша яхши фазилатларим?  
Худога шукрки, ўзимни синаб олдим.)*

Мулло Абдураҳмон Жомийнинг рубойиси билан таворуд (айнан бир хил) бўлган. Сўнги йиллари ҳаж тавофини ҳам қилди. Бадакабегим ҳам Султон Ҳусайн мирзонинг эгачиси эди. Ҳарбий қўнимсизликлари пайтларида Аҳмадхон Ҳожи тархонийга берган эдилар. Икки ўғли бор эди. Улар Ҳиротга келиб анча муддат Султон Ҳусайн хизматида бўлдилар.

**Шакл ва шамоғили.** Қийиқ кўзли, шеркелбат киши эди. Белидан пасти ингичка эди. Улуғ ёшга етиб, соқоли оқарган бўлса-да, хушранг, қизил-яшил ипак матолардан кийим киярди. Қора қузи

терисидан қилинган бурк ё қалпоқ киярди. Аҳён-аҳён—ийдларда кичик уч ўрама саллани яп-ясси чирмаб, қарқара патини санчиб, намозга борарди.

**Хулқи ва феъл-атвори.** Тахтга утирган пайти ўн икки имомни хутбада ўқитиш ниятида бўлган экан. Алишербек ва баъзилар ман қилибдилар. Аммо кейин барча ишлари ва хатти-ҳаракатлари суннат ва жамоат мазҳаби билан мувофиқ бўлганди. Мафосил (ревматизм) хасталиги туфайли намоз ўқий олмас, рўза ҳам тутмасди. Сузамол ва хушхулқ киши эди. Хулқи бироз тезроқ, сўзи ҳам хулқидек ўткир эди. Баъзи юмушларда шариатга кўп риоя қиларди. Бир сафар бир ўғли бир кишини ўлдиргани учун хунталабларга топшириб, қозихонага юборди.

Дастлаб тахтни олган пайтлари олтиетти йил ичмади. Ундан кейин ичкиликка берилди: қирқ йилга яқин Хуросонда подшоҳлик қилган бўлса, бирор кун йўқ эдики, пешин намозидан сўнг ичмаган булсин. Лекин ҳеч қачон тонгда хуморбосди қилган эмас. Ўғиллари, барча сипоҳиси ва шаҳар эли ичкиликка берилган эди. Айш-ишрат ва ахлоқсизликни ҳаддан оширар эдилар.

Шижоатли, мард киши эди. Жангда бир неча мартаба ўзи ёвга қилич урган, балки ҳар жанг майдонида кўп мартаб қилич урган эди. Темурбек наслидан ҳеч кимнинг Султон Ҳусайн мирзо-чалик қилич чопгани маълум эмас. Назмий истеъдоди бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий тилда ёзарди. Тахаллуси „Ҳусайний“ эди. Баъзи байтлари ёмон эмас. Лекин мирзонинг девони бутунлай бир вазндадир. Ҳам ёш, ҳам салтанатда улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчқор сақлаб, кабутар сақлаб, кабутарбозлик қиларди, хўроз ҳам уруштирарди.

**Жангу жадаллари.** Қўнимсиз ҳарбий ҳаракатларида бир марта Гургон дарёсидан сузиб ўтиб, бир гуруҳ ўзбеки яхши енгди. Яна бир гал Султон Абусаид мирзо Муҳаммад Али бахши бошлиқ уч минг кишини илғор қилиб юбориб эди. Султон Ҳусайн мирзо олтмиш йигит билан келиб, тўқнашиб енгди. Султон Ҳусайн мирзонинг бир яхши ва кўри-

нарли иши шудир. Яна бир марта Астрободда Султон Маҳмуд мирзо билан урушиб, уни енгди. Бир сафар Астрободда сугдлик Саъд бинни Ҳусайн туркманни урушиб енгди. Яна тахт олганидан сўнг Чиноронда Ёдгор Муҳаммад мирзо билан урушиб, ундан устун келди. Яна Сарипули Мурғобдан шитоб билан келиб, Боғи Зоғонда ичиб ётган Ёдгор Муҳаммад мирзони қўлга олди. Уша олгани билан Хуросонни ўз қулида сақлади. Яна Андхуд ва Шабургон ерлари бўлган Чекмонда Султон Маҳмуд мирзо билан урушиб голиб бўлди.

Ироқдан келиб Қароқўйлуқ туркманларга қўшилган Абобақр мирзо Улугбек мирзони Такона ва Хуморда енгиб, Кобулни олди, Ироқ орзусида Кобулни ташлаб, Хайбардан ўтиб, Хушоб орқали Мўлтон мамлакатидан ўтиб, Сивига чиқди; у ердан кетиб Кирмонни олиб, ҳали мустаҳкамлана олмай Хуросон вилоятига кирганида Султон Ҳусайн мирзо тезлик билан бориб уни енгди. Бир сафар Пуличироғда бир ўғли — Бадиуззамон мирзони енгди. Яна Ҳалвои Чашмада икки ўғли — Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзодан устун келди. Яна бир марта лашкар тортиб келиб, Қундузни қамал қилиб, ололмай қайтди. Яна бир марта Ҳисорни ҳам қамал қилиб, ололмай қайтди. Яна бир марта Зуннуннинг вилояти устига келди. Буст қўргонбеги Бустни берди. Узга ҳеч иш қилмади. Бустни ҳам ташлаб қайтиб кетди. Султон Ҳусайн мирзодек мард ва улуг подшоҳ бу икки-уч юришда шоҳона сафариятини жойига қўймай, ҳеч ишни битказмай, ортига қайтди. Яна Нишин сайхонлигида Зуннуннинг ўғли Шоҳбек билан келган ўғли Бадиуззамон мирзо билан урушиб, енгди. Бунда қизиқ бир тасодиф юз беради: Султон Ҳусайн мирзонинг лашкари оз сонли экан. Аксар лашкарни Астробод туманига юборган экан. Уша уруш куни Астрободга кетган лашкар келиб қўшилади. Бу томондан Ҳисорни Бойсунқур мирзога олдириб, Султон Ҳусайн мирзонинг олдига келаётган Султон Масъуд мирзо ҳам уша куни келиб қолади. Сабзаворда Бадиуззамон мирзога қарши борган илғор Ҳайдар мирзо ҳам уша куни келади.

Султон Ҳусайн мирзонинг ўн тўрт минг сара йигити бор экан ва қирқ минг аскар йигитлари марказда экан. Аскарларга тааллуқли ишлар хандақ тўлдирмоғу қазимоқ, йўл ясамоқ, ўтин ва емхашакни уловга етказмоқдир. Уларнинг ҳар бирига саксон жериб (таноб) ер берадилар: бундан қирқ танобига экин экиб, ҳосилидан ўзлари баҳраманд буладилар ва котиблар буни уларнинг маошига қўшиб ҳисоблайдилар. Қолган қирқ танобдан ортиқ ерга экин эксалар, солиқ тўлайдилар.

**Вилоятлари:** Хуросон вилояти эди. Шарқи Балх, ғарби Бистом ва Домғон, шимоли Хоразм, жануби Қандаҳор ва Сийистон. Ҳиротдек шаҳарга эга бўлди, Туну кун айшу ишратдан ўзга иши йўқ эди. Балки қўл остидагилари ва яқин танишларида айшу ишратга берилмаган киши йўқ эди. Жаҳонгирлик ва лашкар тортишлик машаққатини чекмади. Зотан, борган сайин навкар ва вилояти камайди ва ортмади.

**Авлоди.** Ундан ўн тўрт ўғил, ўн бир қиз қолганди. Ўғилларининг улуғи Бадиуззамон мирзо эди. Онаси Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Яна бир ўғли **Шоҳ Ғариб** мирзо эди, букри эди. Гарчи заиф кўринса-да, қобилияти яхши эди. Гарчи танаси заиф бўлса-да, сўзи ёқимли эди. „Ғарибий“ тахаллуси билан девон ҳам тартиблаган эди; туркий ва форсийда шеърлар ёзарди. Ушбу байт уникидир:

*Даргузар дидам парирӯе шудам  
девонааш,  
Чист номи у, кужо бошад надонам  
хонааш.*

(Мазмуни:

*Гузарда пари юзни кўриб девона бўлдим,  
Унинг исми нима, уйи қаерда эканини  
билмадим.)*

Бир неча вақт Ҳирот шаҳри ҳокимлигини Султон Ҳусайн мирзо Шоҳ Ғариб мирзога берган эди. Отасининг замонидаёқ қазо қилди. Ундан ўғил-қиз қолмади. Яна бири Музаффар мирзо эди. Султон Ҳусайн мирзонинг суюкли ўғли шу эди. Хийла суйгулик ахлоқ ва феъл-хўйи ҳам йўқ эди. Оталари уни ортиқроқ кўргани учун ўғилларининг аксари

ёвлашди. Бу иккаласининг онаси Султон Абусаид мирзонинг гунчачиси Хадичабегим эди. Абусаид мирзодан Оқбегим номли бир қизи бор эди. Яна Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзо эдики, оти Муҳаммад Муҳсин эди. Бу иккисининг онаси Латиф Султон оғача эди. Яна бири Абутуроб мирзо эди. Бурунлари унинг хийла тўғрилигидан ривоят қилардилар. Отасининг касаллиги кучайганда ўзгача хабар эшитиб укаси Муҳаммад Хусайн мирзо билан Ироққа қочиб кетди. Ироқда сипоҳийликни тарк қилиб, дарвешлик ихтиёр қилипти. Ортиқ ундан бирор хабар эшитилмади. Сухроб мирзо исмли бир угли бор. Мен Ҳамза Султон билан Маҳдий Султон бошлиқ султонларни енгиб, Ҳисорни олганимда хизматимда эди. Бир кўзи кур эди. Ҳайратланарли даражада хунук эди. Ахлоқи ҳам куринишидек эди. Бир ёмон иш қилиб қўйди, туролмади, кетди. Астробод улкасида бир қалтис ҳаракати туфайли Нажми Соний уни азоб билан ўлдирди. Яна бири Муҳаммад Хусайн мирзо эди. Ироқда буни ва Шоҳ Исмоилни бир ерда тутқинликка олган эканлар. Уша пайт унга мурид тушган экан, сўнгра гализ рофизий(шиа) бўлиб кетди. Ота-она ва укаси — барчаси сунний, у эса бундай рофизий. Астрободда шу гумроҳлиги ва бадбахтлиги билан улди. Уни хийла мард ва баҳодир дердилар. Ундан ёзишга арзийдиган бирор иш зоҳир бўлмади. Назмий қобилияти бор экан. Бу байт уникидир:

*Олудан гарди зи пай сайд ки гапшти,  
Гарқи арақи дар дили гарм ки гузапшти.*

(Мазмуни:

*Ов изидан чопиш билан гардга ботдинг,  
Қизгин дилдан кечиш билан терга ботдинг.)*

Яна, бири Фаридун Хусайн мирзо эди. Ёйни куч билан тортиб, ўқни яхши отарди. Камонининг тупўқи (юмалоқ соққашакл камон ўқи) айтишларича, қирқ ботмон экан. Узи анча мард эди, лекин омадсиз эди. Қаерда уруш қилган бўлса, мағлуб бўлди. Работи Дударда Фаридун Хусайн мирзо, укаси Ибни Хусайн мирзо Темур Султон ва Убайд Султон Шайбоқхоннинг илғори билан урушиб мағлуб бўлдилар. Унда Фаридун

Хусайн мирзо яхши иш кўрсатишти. Домгонда Фаридун Хусайн мирзо ва Муҳаммад Замон мирзо Шайбонийхон қулига тушди. Ҳар иккисини ўлдирмади, қўйиб юборди. Сўнгра Шоҳ Муҳаммад девона Қалотни мудофаа қилганда у ерга борганди. Ўзбек Қалотни олганида қўлга тушди, ўлдирдилар. Бу учаласи Мирзонинг Минглибий оғача исмли ўзбек гунчачисидан туғилган эдилар.

Яна, Ҳайдар мирзо эди. Онаси Поянда Султонбегим эди. Султон Абусаид мирзонинг қизи эди. Отаси замониди Машҳад ва Балхда бир қанча вақт ҳукмронлик қилди. Султон Хусайн мирзо Ҳисорни қамал қилганида Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган қизини бунга олиб, ярашиб, Ҳисор устидан туриб кетдилар. Биргина қизи қолганди, Шодбегим исмли. Сўнгра Кобулга келди. Одил Султонга берилди. Ҳайдар мирзо отаси замонидеъқ оламдан ўтди.

Яна, Муҳаммад Маъсум мирзо эди. Қандаҳор ҳокимлигини унга берганди. Шу муносабат билан Улугбек мирзонинг бир қизини бу ўғлига сўради. Ҳиротга келтирганда катта тўй қилиб, катта чодир тикди. Отаси унга Қандаҳорни берган бўлса-да, лекин оқ қиладими, қора қиладими, Шоҳбек аргун қиларди. Бу мирзода бирор ихтиёр ва эътибор йўқ эди. Шунинг учун Қандаҳорда турмай, Хуросонга борди. Отаси ҳаётлигидаёқ дунёдан ўтди.

Яна, Фаррух Хусайн мирзо эди. У ҳам тузук умр кўрмади. Укаси Иброҳим Хусайн мирзодан бурунроқ бу дунёдан сафар қилди.

Яна, Иброҳим Хусайн мирзо эди. Қобилияти ёмон эмас экан. Ҳирот шаробини ҳаддан ортиқ ича-ича, отаси замонидеъқ улди.

Яна, Ибни Хусайн мирзо билан Муҳаммад Қосим мирзо эди. Ҳали булар хусусида ёзилади. Бу беш мирзонинг онаси Бобо оғача эди, гунчачи эди.

Ҳаммасидан каттаси — қизи Султонимбегим эди. Онадан ёлғиз туғилганди. Онаси Чўлибегим қозоқ бекларининг қизи эди. Хийла сўз биларди. Сўзга чечан эди. Отаси Бойқаро мирзонинг ўртанча ўгли Султон Вайс мирзога чиқариб эди. Бир қиз ва бир угли бор эди.

Қизини Шайбон султонларидан Йилибарс Султоннинг укаси Эсонқули Султонга чиқарган эди. Угли Муҳаммад Султон мирзодирки, бу пайтда Қаннуж вилоятини мен унга берган эдим. Султонимбегим Кобулдан ушбу йили набирасини олиб Ҳиндистонга келаётганида Нилобда Тангри ҳукмини битказибди. Суягини яқинлари олиб қайтдилар, набираси бизнинг олдимизга келди.

Яна, Поянда Султонбегимдан тугилган тўрт қизи бор эди. Энг каттаси Оқбегимни Абулқосим Бобур мирзонинг синглиси Бекабегимнинг набираси Муҳаммад Қосим арлотга чиқариб эдилар. Биргина қиз кўришди. Қоракўзбегим исмли. Носир мирзо олиб эди. Иккинчи қизи Кичикбегим эди. Султон Масъуд мирзо мойил эди. Ҳар қанча ҳаракат қилди, Поянда Султонбегим калта уйлаб, бермади. Сўнгра Саййид отанинг насли Мулло Хожага чиқарди. Учинчи қизи Бикабегимни ва тўртунчи қизи Огабегимни синглиси Робиа Султонбегимнинг ўғиллари Бобур мирзо билан Султон Мурод мирзога берганди.

Минглибий Огачадан икки қиз тугилган. Каттасининг исми Байрам Султон эди. Бойқаро мирзонинг қиз томондан набираси бўлган Андхуд саййидларидан Саййид Абдулло мирзога берган эдилар. Бир ўгли бор эди, Саййид Барака исмли. Мен Самарқандни олганимда хизматимда эди. Сўнгра Урганч сари тушиб салтанат даъвосини қилди. Астрободда қизилбошлар ўлдирди.

Яна бир қизининг оти Фотима Султон эди. Темурбек наслидан Ёдгор Муҳаммад мирзога бергандилар. Попо оғачадан уч қиз бўлган. Улуги — Султон Нажодбегим. Султон Ҳусайн мирзо оғасининг кичик ўгли Искандар мирзога чиқаргандилар.

Иккинчи қизи Бегим Султонни Султон Масъуд мирзога кўзи майиб бўлганидан сўнг бердилар. Бир қиз, бир ўгли бор эди. Қизини Султон Ҳусайн мирзонинг хотини Опоқбегим асраганди. Ҳиротдан Кобулга келди. Саййид мирзо Опоққа берилди. Бегим Султон Султон Масъуд мирзони ўзбак ўлдиргандан сўнг ўглини олиб Каъба сари кетди. Ушбу кунларда ўзи ва ўгли Маккада экан, деган хабар келди. Угли каттагина бўлган

эмиш. Учинчи қизини Саййид мирзо деган Андхуд саййидларига беришганди. У кўпроқ Сайди мирзо исми билан машҳур эди.

Яна бир гунчачидан битта қиз тугилган эди. Султон исмли. Онаси Зубайда оға Ҳасаншайх Темурнинг набираси эди. Шайбон султонларидан Қосим султонга бергандилар. Ундан Қосим Ҳусайн султон исмли бир ўгли бор эди. У Ҳиндистонда менинг хизматимга келди. Раана Сангаанинг жангида қатнашди. Бадавунни унга бердик. Қосим султондан сўнг уни ўз уруғларидан бўлган Бурон Султон олди. Ундан Абдулло Султон деган бир ўгли бор, ҳозир менинг мулозиматимда. Кичик ёшда бўлишига қарамай хизмати ёмон эмас.

**Хотин-халажлари.** Аввал олган хотини Бека Султонбегим эди. Санжар мирзо Марвийнинг қизи эди. Бадиуззамон мирзо ундан тугилган. Хулқи жуда эгри эди. Султон Ҳусайн мирзони кўп ранжитарди. Хулқи ёмонлигидан мирзо безор бўлди, охири қўйди ва халос бўлди. Нима қилсин, ҳақиқат мирзо томонида эди.

*Зани бад дар сарои марди наку,  
Ҳам дар ин олам аст дўзахи ӯ.*

(Саъдий Шерозий)

(Мазмуни:

*Ахши эр уйида ярамас хотин,  
Шу дунёда эрнинг дўзахи тайин.)*

Тангри ҳеч мусулмонга бу балони солмасин. Ёмон феълли, хулқи эгри хотин, илоҳо, оламда қолмасин!

Яна бири Чулибегим эди. Озод бекларининг қизи эди. Султонимбегим ундан тугилганди.

Яна, Шаҳрибону бегим эди. Султон Абусаид мирзонинг қизи эди. Тахтни эгаллаганидан сўнг олган. Чекмон урушида мирзонинг барча аёллари тахтиравондан чиқиб отга минганларида бу укасига ишониб тахтиравондан чиқмаган ва отга минмаган. Буни мирзога етказдилар. Бу сабабдан Шаҳрибону бегимни қўйди ва синглиси Поянда Султонбегимни олди. Ўзбак Хуросонни олганидан сўнг Поянда Султонбегим Ироққа кетди. Ироқда гарибликда вафот этди.

Яна, Хадичабегим эди. Султон Абу-саид мирзонинг гунчачиси эди. Мирзодан Оқбегим исмли бир қизи бор эди. Ироқда Султон Абу-саид мирзо енгилганидан сўнг Ҳиротга келди. Ҳиротда Султон Ҳусайн мирзо олди ва севи. Гунчачилик мартабасидан бегимлик мартабасигача етишди. Кейинчалик ҳам бош бегим шу эди. Муҳаммад Мўмин мирзони унинг саъй-ҳаракати билан ўлдирдилар. Султон Ҳусайн мирзонинг ўгиллари ёвлашдилар. Купроғи шу аёл туфайли эди. Ўзини оқила тутар, лекин беақл ва вайсақи хотин эди. Рофизия (шиа) ҳам экан. Шоҳ Ғариб мирзо билан Музаффар Ҳусайн мирзо ундан тугилган эди.

Яна, Опоқбегим эди. Ундан ҳеч угил ва қиз бўлмади. Суюкли хотини Попо Огача бунинг кўкалдоши эди. Ўгил-қизи бўлмагани учун Попо Огачанинг угилларини углидек асарди. Мирзонинг хасталик чоғларида куп яхши хизмат қиларди. Аёлларидан ҳеч ким бунча хизмат қила олмасди. Мен Ҳиндистонга келадиган йили Ҳиротдан келди. Мен ҳам қўлдан келганча таъзим ва эҳтиром қилдим. Чандерийни қамал қилганда хабар келдики, Кобулда Тангри раҳматига борибди.

Гума(чўри)ларидан бири чоршанбихийлардан бўлган Латиф Султон огача эди, Абулмуҳсин мирзо билан Кепак мирзо ундан тугилганди.

Яна, Минглибий огача эди, узбак эди. Шаҳрибону бегимга қариндошлиги бор эди. Абутороб мирзо, Муҳаммад Ҳусайн мирзо ва Фаридун Ҳусайн мирзонинг онаси эди. Яна икки қизи ҳам бор эди.

Яна, Опоқбегимнинг кўкалдоши Попо огача эди. Мирзо кўриб, севиб олди. Беш ўгил, тўрт қизнинг онаси эди. Бу юқорида зикр этилди.

Яна бири Беги Султон огача эди. Ундан ўгил-қиз бўлмади.

Яна кичик-кирим чўри, гунчачи куп эди. Хотинлари ва чўриларидан мўтабарларини зикр этдик.

Буни қарангки, Султон Ҳусайн мирзодек улуг подшоҳ, Ҳиротдек ислом шаҳри подшоҳининг бу ўн тўрт ўглидан учтаси никоҳдаги аёлларидан тугилган эди. Фисқу фужур ўзида, ўгилларида ва элулуси орасида жуда кенг тарқалганди.

Ушбуларнинг касофатидан, шундай улуг хонадондан етти-саккиз йилда бир Муҳаммад Замон мирзодан узга ном ва нишон қолмади.

**Амирлари.** Бири Муҳаммад Бурундуқ барлос эди. Чоку барлос насландир. Муҳаммад Бурундуқ ибн Али ибн Бурундуқ ибн Жаҳоншоҳ ибн Чоку барлос Абулқосим Бобур мирзо қошида бек эди. Ундан сўнг Султон Абу-саид мирзо ҳам эътибор кўрсатиб, у билан Жаҳонгир барлосга Кобулни бериб, Улугбек мирзога бекота қилиб эди. Султон Абу-саид мирзодан сўнг Улугбек мирзо Кобулий барлосларга қасд қилишга ўтди. Булар сезиб, мирзони тутиб, эл ва улусини кучириб, Қундуз сари кўчдилар. Ҳиндукушнинг устидан мирзони одамгарчилик билан Кобул сари узатиб, узлари Хуросонга, Султон Ҳусайн мирзо қошига бордилар. Мирзо ҳам яхши ҳурмат-эътибор кўрсатди. Муҳаммад Бурундуқ жуда билимли киши эди. Яхши сардор эди. Қушга жуда кучли майли бор эди. Шунчаликки, бир қуши ўлса ё йўқолса, ўгилларининг отини тутуб: „Бу қуш ўлгунча ё йўқолгунча фалончи ўлса бўлмасмиди, ё фалончининг бўйни синса бўлмасмиди?“ дерди.

Яна Музаффар барлос эди. Мирзонинг ҳарбий саргардонлик чоғларида ёнида эди. Билмадим, мирзога қайси одати хуш ёққандики, уни жуда ҳурмат қиларди. Эътибори шу даражада эдики, Султон Ҳусайн мирзо қунимсиз ҳарбий юришлари чоғида у билан шундай шартлашиб олган эди: ҳар бир вилоят эгалланса, даромаднинг тўрт қисми мирзога, икки қисми унга бўлади. Бу ажабтовур бир шарт: бир қорача — оддий кишини ўзи билан шерик қилиш подшоҳликка қандай тўғри келади? Ука-ўгил билан бундай шартлашиб бўлмайди-ю, бек киши билан бу қандай муяссар бўлсин?! Тахтни олганидан сўнг бу шартдан пушаймон бўлди, лекин фойдаси бўлмади. Бу мулоҳазасиз эркак шунча эътибор топиб ҳам мирзога ортиқча сурликлар қиларди. Мирзонинг раъйига қарамас эди. Охири, эшитишимча, заҳарланибди. Воқеа ҳақиқатини Оллоҳ билгувчидир.

Яна, Алишербек Навоий эди. Беги эмас, балки суҳбатдоши эди, кичикли-



гида мактабдош бўлишган экан. Хусу-сияти куп экан. Билмайман, не жарима билан Султон Абусаид мирзо Ҳиротдан сургун қилди. Самарқандга борди. Бир неча йил Самарқандда бўлди, Аҳмад Ҳожибек мураббий ва ҳомийси эди. Алишербек мизожининг нозиклиги билан машҳурдир. Одамлар назокатини давлатининг гуруридан деб тасаввур қилардилар. Ундай эмас экан. Бу сифат унга тугма экан. Самарқандда эканида ҳам худди шундай нозикмизож экандир.

Алишербек ўхшаши йуқ киши эди. Туркий тил билан то шеър битибдилар, ҳеч ким унчалик куп ва яхши ёзган эмас. Олти маснавий(достон) китоб назм қилган: беши „Хамса“ жавобида, яна бири „Мантиқ ут-тайр“ вазнида „Лисон ут-тайр“ номли. Тўрт газалиёт девонини тузган: „Ғаройиб ус-сигар“, „Наводир уш-шабоб“, „Бадойеъ ул-васат“, „Фавоид ул-кибар“. Яхши рубоийлари ҳам бор. Яна баъзи асарлари ҳам борки, ушбу зикр этилганлардан кўра пастроқ ва сустроқдир. Шу жумладан, мактубларини Мавлоно Абдурахмон Жомийга тақлид қилиб жам қилган. Хуллас, ҳар кимга ҳар иш учун битган хатларни китоб қилиб жамлаган. Яна „Мезон ул-авзон“ номли аруз китобини битган, анча мулоҳазаталаб: йигирма тўрт рубоий вазнининг тўрт вазнида хато қилган. Баъзи баҳрларнинг вазнларида ҳам янглишган. Бу аруздан хабардор одамга маълум бўлади. Форсий девон ҳам тартиб берган. Форсий назмда „Фоний“ тахаллусини қўллаган. Баъзи байтлари ёмон эмасдир. Бироқ аксари сусти ва бўштобдир. Мусиқада ҳам яхши оҳанглар яратган. Яхши нақшлари, пешравлари бор.

Фазл аҳли ва ҳунар аҳлига Алишербекчалик мураббий ва ҳомийлик қилган одам дунёда бошқа топилмаса керак. Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва Ҳусайн Удий бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар. Устоз Беҳзод ва Шоҳ Музаффар тасвирда бекнинг саъй-ҳаракати билан маълум ва машҳур бўлдилар. Шунчалик куп хайрий бинолар бунёд қилдики, оз киши бундай ишга муваффақ бўла олади.

Ўгил-қизи ва аҳли аёли йуқ, оламда ёлғиз ва танҳоликда умр утказди. Авваллари муҳрдор эди. Фаолиятининг урталарида бек бўлиб, бир неча вақт Астрободда ҳокимлик қилди. Охири амалдорликни тарк этди. Мирзодан бирор нарса олмас, балки ҳар йили Ҳусайн мирзога йирик-йирик маблағлар ҳадя қиларди. Султон Ҳусайн мирзо Астробод юришидан қайтганида Алишербек унинг истиқболига чиқди. Мирзо билан кўришиб ўрнидан тургунча, бир мадорсизлик ҳолати бўлди, тура олмади. Кўтариб олиб кетдилар. Табиблар асло ташхис қила олмадилар. Эртасигаёқ Тангри раҳматига борди. Бир байти унинг ушбу ҳолатига мувофиқ келган:

*Бу дард илаки улармев, мараз чу зоҳир эмас,  
Табиблар бу балога не чора қилгойлар.*

Яна, Аҳмад Таваккул барлос эди. Бурунлари бироз муддат Қандаҳор ҳокимлиги унинг қўлида эди.

Яна, Валибек эди. Ҳожи Сайфуддин бекнинг наслидандир, никуздир. Мирзонинг улуг беги эди. Султон Ҳусайн мирзо тахтни олганидан сўнг куп умр кўрмади, тезда улди. Мусулмон, намозхон, турк ва содиқ киши эди.

Яна, Ҳасан Шайх Темур эди. Уни Абулқосим Бобур мирзо ҳурмат қилиб, беклик мартабасига етказганди.

Яна, Нуёнбек эди. Отаси Тирмиз саййидларидандир. Она тарафидан ҳам Султон Абусаид мирзо, ҳам Султон Ҳусайн мирзога қариндош бўлади. Султон Абусаид ҳам ҳурмат кўрсатган эди. Султон Аҳмад мирзо қошида мўътабар бек эди. Султон Ҳусайн мирзо қошига ҳам борди. Яхши обрў-эътибор топди. Бўштоб, хушмуомала, сермулозамат, шаробхўр ва айш-ишратни севувчи киши эди. Ҳасан Яъқуб унинг хизматида бўлгани учун Ҳасан Нуён ҳам дейдилар.

Яна, Жаҳонгир барлос эди. Анча вақт Муҳаммад Бурундуқ билан шерикликда Кобулда ҳокимлик қилди. Сўнгра Султон Ҳусайн мирзо қошига борди. Яхши эътибор топди. Ҳаракат ва ўтириш-туришда зийрак ва латофатли эди. Кишилар билан яхши муносабатда буларди. Ов ва қушни яхши билгани

учун Султон Ҳусайн мирзо кўпроқ бундай ишларни унинг зиммасига юкларди. Бадиуззамоннинг суҳбатдоши эди. Мирзо суҳбатдошлигини эслаб таъриф қиларди.

Яна, Мирзо Аҳмад Али Форсий барлос эди. Шеър ёзмаса-да, хуштаъб ва шеършунос, зариф ва шўхтоб киши эди.

Яна, Абдулхолиқбек эди. Шоҳрух мирзонинг катта ҳурматига сазовор бўлган беги Ферузшоҳбек унинг катта отасидир. Бу жиҳатдан Абдулхолиқ Ферузшоҳ дердилар. Бир неча муддат Хоразм ҳоқими бўлди.

Яна, Иброҳим дўлдой эди. Иш юриши ва мулкдорлик қоидаларини яхши биларди. У ҳам Муҳаммад Бурундуқнинг биттаси эди.

Яна, Зуннун аргун эди. Мард киши эди. Султон Абусаид мирзо қошида эканликларида қилич билан яхши жанг қилган. Ундан сўнгра ҳам ҳар ерда қўли ишга етгандир. Мардоналигига сўз йўқ эди. Бироз телбароқ киши эди. Бизнинг мирзоларимиз қошидан Султон Ҳусайн мирзо ҳузурига борди. Унга Гўр ва Накдарийни берди. Етмиш-саксон киши билан ўша ерда яхши қилич чопди. Озгина лашкар билан ҳам кўплаб ҳазора ва накдарийни яхши енгди. Ҳазора ва накдарийни ҳеч ким унчалик қўлга ололган эмас. Бир қанча муддатдан сўнг Замини Доварни ҳам унга бердилар.

Ўгли Шоҳ Шужоъ аргун ҳам отаси билан кичкиналигиданоқ бирга юриб, қиличлар чопди. Султон Ҳусайн мирзо отасининг ҳурматини қилиб, Қандаҳорни отаси билан шерикликка берди. Ота-ўғил ҳоқимлик қилдилар. Сўнгра бу ота-ўғил: (Зуннун аргун ва Шоҳ Шужоъ аргун) у ота-ўғил (Бадиуззамон мирзо билан Ҳусайн Бойқаро мирзо) орасига ёвликлар солиб, фитналар қилдилар. Охири мен Хисравшоҳни тутиб, навкар-савдаридан айириб, Кобулни Зуннуннинг кичик ўғли Муқимдан олган йили Зуннун билан Хисравшоҳ мен туфайли ночор қолиб, Султон Ҳусайн мирзо хизматига бордилар. Султон Ҳусайн мирзо вафотидан сўнг Зуннуннинг мартабаси ошди. Ҳиротнинг тоғ этаги вилоятлари—

Уба ва Чахчарон каби ерларни унга бердилар.

Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо шериклик билан подшоҳ бўлганларида Бадиуззамон мирзо эшигида Зуннун аргун улуг бек, Музаффар мирзо эшигида эса Муҳаммад Бурундуқ барлос улуг бек эдилар. Гарчи мардоналиги бўлса-да, лекин Зуннун бироз телбароқ ва гўл киши эди. Телба ва гўл бўлмаса, бундай хушомадни қабул қилиб, узини расво қилармиди? Тафсилоти буки, у Ҳиротда катта эътибор ва ихтиёр эгаси бўлган пайтида бир неча шайх ва мулло унинг олдига келиб шундай дейдилар: „Авлиё Қутб бизга етказдики, сенга „Ҳизабруллоҳ“ (Оллоҳнинг шери) лақаб бўлди. Сен узбакни енгасан“. Бу хушомадга ишониб, бўйнига фўта\* солиб, шукрлар қилипти. Бодғис ўлкасида Шайбонийхон мирзоларнинг устига келиб, уларни тўпланишга ҳам қўймай енгди. Зуннун аргун юз-юз элликча киши билан Қора Работда Шайбонийхон рўпарасида ушбу сўзга чиппа-чин ишониб турди. Кўп киши бостириб келиб барчани тумтарақай қилдилар. Зуннунни тутиб олиб, ўлдирдилар.

Покмазҳаб киши эди. Намозини тарк қилмасди. Ортиқча намозларни ҳам кўп утарди. Шатранжга жуда берилган эди. Одамлар бир қўл билан ўйнаса, у икки қўл билан ўйнади. Кўнгли тиласа, шундай ўйнади. Табиатида бахиллик ва хасислик устун эди.

Яна, Дарвеш Алибек эди. Алишербекнинг туғишган укаси эди. Бир неча вақт Балх ҳоқимлиги унинг қўлида эди. Балхда яхши бекликлар қилди. Ақли пастроқ ва беҳунарроқ киши эди. Султон Ҳусайн мирзо Қундуз ва Ҳисор устига биринчи келганида мулоҳазасизлигидан қўлга олдилар. Балх ҳоқимлигидан туширилди. Тўққиз юз ўн олтинчи йили Қундузга келганимда менинг қошимга келганди: алланечук хунуқлашган, аянчли бир аҳволда эди. Беклик қобилиятидан йироқ, ичкилик туфайли кўп нарсадан маҳрум эди. Афтидан, Алишербек воситаси туфайли бунча эътибор топгандир.

\* Фута — белбоғ, баъзан салла ўрнида ишлатиладиган мато.

Яна, Мўгулбек эди. Бир неча йил Хирот шаҳрида ҳокимлик қилди. Сўнгра Астрободни бердилар. Астрободдан Ироққа — Яъқуббек қошига қочиб кетди. Бебошгина киши эди, ҳамиша қимор уйнарди.

Яна, Саййид Бадр эди. Кўп кучли ва ҳаракатлари жуда ёқимли киши эди. Ажаб уйинчи киши эди. Жуда қизиқ рақс тушарди. Ҳеч кимда учрамайдиган рақсларни ижро этарди. Афтидан, бу рақслар унинг ўз ихтироси эди. Ҳамиша Ҳусайн мирзо мулозаматида буларди. Доим шаробга шерик ва суҳбатдош эди.

Яна, Ислим барлос эди. Турк киши эди. Қушчиликни яхши биларди. Баъзи ажойиб ишларни қиларди. Ўттиз-қирқ ботмон ёй ўқини куч билан отиб, тахтадан утказарди. Қабак (камон отиш машқида қўлланадиган нишон) майдонида майдон бошидан чопиб, ёйни тушириб олиб отиб қовоқсимон нишонга урарди. Яна зеҳирни (бармоққа кийиладиган ангишвонасимон ускуна) бир-бир ярим қари чилвирга боғлаб, чилвирнинг иккинчи учини бир ёғочга маҳкамлаб, айланар эди. Айланиш ҳолатида ўқни отиб, зеҳгирдан ўтказарди. Бундай гаройиб ишлари кўп эди. Ҳамиша мирзога мулозамат қилар, ҳар бир суҳбатида қатнашарди.

Яна, Султон Жунайд барлос эди. Кейинчалик Султон Аҳмад мирзо қошига келганди. Ҳозир Жўнпурга шериклик билан ҳокимлик қилаётган Султон Жунайд барлоснинг отасидир.

Яна, Шайх Абусаидхон дармиён эди. Билмадим, бир урушда Султон Ҳусайн мирзога от келтирганми ё мирзога қасд қилган ганимни даф қилганми, ҳарқалай бу лақаб берилиб эди.

Яна, Беҳбудбек эди. Илгари танқуриқчилар қисмида хизмат қиларди. Мирзонинг илк ҳарбий юришларида хизмати ёқиб, Беҳбудбекка шундай иноят қилган эдики, тамга ва пул зарбида унинг исми бор.

Яна, Шайхимбек эди. „Суҳайлий“ тахаллуси учун уни Шайхим Суҳайлий дердилар. Шеърни галати қилиб айттарди. Қўрқинчли сўз ва маъноларни ифодаларди. Унинг байтларидан бири будир:

*Шаби гам гирдбоди оҳам аз жо бурд  
гардунро,  
Фуру бурд аждаҳои сели ашкам рубъи  
маскуиро.*

(Мазмуни:

*Гам кечаси оҳимнинг қуюни осмонни  
урнидан қўзғатди.  
Куз ёшим селининг аждаҳоси ер юзини ютиб  
юборди.)*

Бир гал бу байтни Мавлоно Абдураҳмон Жомий хизматида ўқиган, деган гап юради. Мавлоно:

— Мирзо, сиз шеър ўқийсизми ё одам қўрқитасизми? — деган эканлар.

Девон тартиблаган. Достонлари ҳам бор.

Яна, Муҳаммад Валибек эди. Аввалги Валибекнинг ўғлидир. Охирлар мирзо қошида улуг бек бўлган эди. Улуг бек бўлишига қарамасдан, ҳеч ҳам хизматни тарк қилмасди. Кеча ва кундуз шоҳ эшиги олдида эди. Ҳатто, ош ва шилони (оммавий овқатланиш) доим шоҳ маҳкамаси эшигида тортиларди. Бундай мулозамат қиладиган кишининг шундай эътибор топиши муқаррардир.

Бу замондаги қизиқ ишларни кўрингки, бек аталмиш киши ўз орқасида эргашган беш-олтита кал ва кўрни кўрса, уни ялиниб-ёлвориб подшо даргоҳига келтирмоғи керак бўлади. Аввалги бекларнинг хизмат ва мулозаматлари қаерда дейсиз! Бизнинг бекларимиз шу даражада бахтсиз! Муҳаммад Валибекнинг оши ва шилони яхши эди. Навқарни бир хил таъминот ва тарзда сақлар эди. Фақир ва бечораларга ўз қули билан кўп хайр қиларди. Сўконғич ва тили аччиқ эди. Тўққиз юз ўн еттинчи (1511) йили мен Самарқандни олганда Муҳаммад Валибек ва Дарвеш Али китобдор ҳузуримда эдилар. Ўша вақтда у фалаж бўлганди. На сўзида маза бор эди ва на ўзида. Унча эътиборга арзирли одам эмас эди. Афтидан, хизмат уни шу даражага етказган.

Яна, Бобо Али эшикоға эди. Аввал Алишербек хизматида бўлди. Сўнгра мардоналигидан Ҳусайн мирзо олиб, эшикоға қилиб, беклик мартабасига кўтарди. Ҳозир менинг қошимдаги хос кишим (ҳали бу ҳақда такроран битилгай) — Юнус Али бунинг ўғлидир.

Яна, Бадруддин эди. Бурун Султон Абусаид мирзонинг садри Мирак Абдурахим қошида эди. Анча чечан ва чаққон экан. Айтишларича, етти отнинг бирдан иккинчисига сакрагандир. У ҳамда Бобо Али Султон Ҳусайн мирзога суҳбатдош эдилар.

Яна, Ҳасан Али жалойир эди. Асли оти Ҳусайн Али жалойирдир. Бироқ Ҳасан Али исми билан машҳурдир. Отаси Али жалойирни Бобур мирзо иноят қилиб бек қилгандир. Сўнгра Ёдгор Муҳаммад мирзо Ҳиротни олганида Али жалойирдан улугроқ кишиси йўқ эди. Ҳасан Али жалойир Султон Ҳусайн мирзо қошида қушбеги эди, шоир эди. „Туфайлий“ тахаллусида ёзарди. Қасидани куп яхши айтарди. Ўз замонида қасидачиликда пешқадам эди. Тўққиз юз ўн еттинчи йили, мен Самарқандни олганимда қошимга келди. Беш-олти йил менинг қошимда бўлди. Менга багишлаб ҳам яхши қасидалар битди. Беҳаё ва исрофгар киши эди. Бачча сақларди. Ҳамиша нард ва ошиқ ўйнардди.

Яна, Хожа Абдулло Марворий бек булиб эди. Ута фозил киши эди. Қонунни бирор киши ундай чалолмайди. Қонуннинг бир пардасида куйни турли оҳангларга солмоқ унинг ихтиросидир. Хатни чиройли ёзар, насхтаълиқни яхшироқ битарди. Мактуб ёзишни жойига қўярди. Хушсуҳбат киши эди, шеър ёзарди. Тахаллуси Баёний эди. Шеъри бошқа фазилатларидан кўра сустроқ эди. Лекин шеърни яхши ажратарди. Фосиқ ва беҳаё эди. Бузуқчилиги касофатидан обила (баданда сув йиғилиши) хасталигига мубтало бўлди. Қўл-оёғидан қолиб, бир неча йил турли азоб ва машаққатлар тортди, шу балолар исканжасида оламдан ўтди.

Яна, Муҳаммад Саййид Урус эди. Султон Абусаид мирзо тахтни олганида улуг ва олий ихтиёрлик бек бўлган Урус аргун унинг отасидир. У замонда яхши ўқотар йигитлар бор эди. Ўша пешқадамлардан бири будир: ёйи қаттиқ, ўқи узун, ўқни жуда зўр, яхши отарди. Андхудда бир неча вақт ҳокимлик қилди.

Яна, Мир Али мирохўр (шоҳ сайиси) эди. Султон Ҳусайн мирзога киши юбориб, уни Ёдгор Муҳаммад мирзонинг

гофиллигида устига келтирган киши шу эди.

Яна, Саййид Ҳасан углоқчи эди. Саййид углоқчининг ўгли Саййид Юсуфбекнинг укаси эди. Мирзо Фаррух исмли лаёқатли ва қобилиятли ўгли бор эди. Тўққиз юз ўн еттинчи йили мен Самарқандни олганимда қошимга келганди. Шеърни кам ёзса-да, лекин ажиб бир оҳангда ўқирди. Устурлоб (астролябия) ва юлдузшуносликни яхши биларди. Суҳбати ва муомаласи ҳам яхши эди. Бироз ичкиликка ўч эди. Гиждувон урушида ўлди.

Яна, Тангиберди сомончи эди. Содда, мард ва қиличбоз йигит эди. Балх дарвозасида Хисравшоҳнинг Назар Баҳодур исмли зўр навкарини яхши қилич чопиб, енганди (бу зикр этилган).

Яна, бир неча туркман беклари эдики, Ҳусайн мирзо қошига келиб эътибор топгандилар. Бурун келганлардан бири Алихон Бояндур эди.

Яна, Асадбек ва Таҳамтанбек эди. Улар ака-ука эдилар. Таҳамтанбекнинг қизини Бадиуззамон мирзо олиб эди. Муҳаммад Замон мирзо ўша аёлдан тутилгандир.

Яна, Иброҳим чигатой эди.

Яна, Амир Умарбек эди. Кейинчалик Бадиуззамон мирзо қошида бўларди. Мардона, содда ва яхши киши эди. Абулфатҳ исмли бир ўгли Ироқдан менинг қошимга келди. Ҳозир ҳам бор. Жуда суст, журъатсиз ва лапашангдир. Ўшандай отадан бунингдек ўгил.

Кейинроқ келганлардан бири — Шоҳ Исмоил Ироқ ва Озарбойжонни эгаллаганида у ердан Хуросонга келган Абулбоқий мирзо эди. У Темурбек насландир, Мироншоҳнинг авлодидан. Бурундан буларнинг насли у вилоятларга бориб, салтанат орзусидан воз кечиб, у подшоҳларга мулозамат қилиб, эътибор топиб келгандирлар. Бу Абулбоқий мирзонинг амакиси Темур Усмон Яъқуббек қошида улуг ва мўътабар бек бўлган экан. Бир навбат Хуросон устига кўп лашкар қўшиб юбормоқни ҳам хаёл қилгандир. Абулбоқий мирзо келгач, Султон Ҳусайн мирзо ҳам яхши эътибор кўрсатиб, куёв қилиб, Султонимбегини берди. Ундан Муҳаммад Султон мирзо дунёга келди.

Кейинроқ келганлардан яна бири Муродбек Бояндур эди.

**Садрлари.** Бири Мир Сарбараҳна эди. Андижон кентларидан. Чамаси омадли, куп хушсуҳбат, сўзи муътабар ва ширинсўз киши эди. Хуросоннинг фозил ва шоирлари даврасида унинг дахли ва сўзи муътабар, асосли эди. Амир Ҳамза қиссасига жавобан, умрини зое қилиб, узундан-узоқ ёлгон қисса ёзипти. Бу иш ақл ва ҳақиқатга зиддир.

Яна, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди. Гарчи суфий булмаса-да, мутасаввуф эди. Алишербек қошида бундай мутасаввуфлар йигилиб, зикр ва самоъ қилишар экан. Аксаридан бунинг усули яхшироқ экан. Афтидан, ҳурмат-эътиборининг боиси унинг сўфиёна рақсидир. Ўзга айтарли фазилати йўқ эди. Бир асари бор: „Мажолис ул-ушшоқ“ номли, Султон Ҳусайн мирзога атаб ёзган. Ўта суст, аксар ёлгон, бемаза ва адабсизларча сўзлар битилган. Шунчаликки, баъзиларидан куфр хавфи сезилади. Чунончи, кўпгина набий ва авлиёларни мажозий ошиқликка мансуб қилиб, ҳар қайсисига маъшуқ ва маҳбуб кўрсатипти. Яна бу гўлларча галати ишдики, дебочасида Султон Ҳусайн мирзо: „Ўзимнинг таҳририм ва асаримдир“, деб ёзипти. Китоб орасида келтирилган Камолиддин Ҳусайннинг шеърлари ва газаллари бошида мунтазам „муҳаррирники“ деб битиб қўйилган. Ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидан Зуннун аргун „Ҳизабруллоҳ“ лақабини олди.

**Вазирлари.** Бири Мажиддин Муҳаммад эди. Шоҳрух мирзонинг донгдор девонбеги, Хожа Пир Аҳмад Хавофийнинг угли эди. Бурунлари Султон Ҳусайн мирзонинг қабулхонасида кўнгил тўлгудек тартиб ва интизом йўқ эди. Исроф ва талафотлар куп булар, на халқ фаровон ва на сипоҳий рози эди. У фурсатда Мажиддин Муҳаммад парвоначи (вазир муовини) эди, уни Мирак дер эдилар. Султон Ҳусайн мирзога озроқ маблағ зарур бўлиб, сўраганида хазина таъминотчилари: „Йўқ. Топишнинг иложи йўқ“ деб жавоб берадилар. Шу воқеа устида Мажиддин Муҳаммад ҳозир экан. У табассум қилади. Мирзо бунинг сабабини сўраганида, хилват қилиб,

кўнглидагини арз қилиб, агар мирзо шарт қилсалар, келишсалар, менинг мартабамни юксалтирсалар, бошқалар сўзимни қайтармасалар, оз фурсатда шундай қилайки: вилоят маъмур, халқ рози, хазина бой ва сипоҳий давлатманд бўлади, деди.

Мирзо ҳам унинг кўнгли тилагандек аҳд ва шарт қилиб, бутун Хуросон мамлакатада уни олий ихтиёрли бек қилиб, барча муҳим ишларни зиммасига қўйди.

Бу ҳам имкони борича гайрат ва шижоат кўрсатиб, оз фурсатда сипоҳий ва аҳолини рози ва мамнун қилди. Хазинага ҳам катта маблағлар туширди, вилоятни маъмур ва ободон этди. Лекин Алишербек бошлиқ барча беклар ва мансабдорлар билан зиддона муносабатда бўлди. Шу боис кўпчилик уни ёмон кўриб қолди. Ҳаракат ва игво қилиб, Мажиддин Муҳаммадни туттириб, вазифасидан туширдилар. Унинг ўрнига Низомулмулк маҳкама бошлиғи бўлди. Бир қанча вақтдан сўнг Низомулмулкни ҳам туттириб улдириб, Хожа Афзални Ироқдан келтириб шоҳ маҳкамаси бошлиғи қилдилар. Мен Кобулдан келган пайтлари Хожа Афзални бек қилиб эдилар, маҳкамада муҳр ҳам босарди.

Яна, Хожа Ато эди. Гарчи бу улардек шоҳ маҳкамаси бошлиғи булмаса-да, лекин Хуросон мамлакатадаги барча муҳим ишлар Хожа Атонинг кенгаши-сиз амалга ошмасди. Тақводор, намозхон ва диндор киши эди. Махсус диний вазифалари ҳам бор экан.

Султон Ҳусайн мирзонинг яқинлари ва таниш-билишлари шулар эди, зикр этилди.

Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажойиб бир замон эди. Фозил ва мислсиз эл билан Хуросон, хусусан, Ҳирот шаҳри тўла эди. Кимки бирор иш билан машғул бўлса, ҳиммат ва мақсади шу ишни камолга етказиш эди.

Шулардан бири Мавлоно Абдураҳмон Жомий эди: дунёвий ва диний илмларда у замонда унинг даражасидаги киши йўқ эди. Шеърляти ҳам маълумдир. Муллонинг камолот даражаси шундай олийдирки, уни таърифлашга эҳтиёж йўқ. Шунчаки кўнглимдан, бу арзимас битикларимда уларнинг табаррук номлари ва озгина сифатларини шунчаки савоб учун зикр этсам, деган фикр кечди.

Яна, шайх ул-ислом Сайфуддин Аҳмад эди. Мавлоно Саъдуддин Тафтазоний наслидандир. Ундан бошлаб авлодлари Хуросон мамлакатида шайх ул-ислом булиб келгандирлар. Куп донишманд киши эди. Арабия илмини ва дунёвий илмларни яхши биларди. Куп тақводор ва диндор киши эди. Гарчи шофеий мазҳаби вакили бўлса-да, ҳамма мазҳабларни ҳурмат қиларди. Айтишларича, етмиш йилга яқин жамоат намозини тарк қилмаган. Шоҳ Исмоил Ҳиротни олганида шаҳид бўлди. Уларнинг наслидан киши қолмади.

Яна, Мавлоно Шайх Ҳусайн эди. Мулло Шайх Ҳусайн Султон Абусаид мирзонинг замонида кўзга кўриниб, камол топган бўлса-да, Султон Ҳусайн мирзо замонида ҳам яшади, шу боис зикр этилди. Ҳикмат илмини, ақлий илмлар ва калом илмини яхши биларди. Оз сўздан куп маъно топиб, диққат билан фикр юритмоқ унинг ихтиросидир. Султон Абусаид мирзонинг замонида унга жуда яқин ва олийихтиёр киши эди. Мамлакатнинг барча муҳим тadbирларига унинг дахли бор эди. Муҳтасибликни (диний ва дунёвий назорат) ҳам ҳеч ким ундан яхши бажарган эмас. Султон Абусаид мирзога яқин бўлгани туфайли Султон Ҳусайн мирзонинг замонида шундай мислсиз кишини таҳқирладилар.

Яна, Муллозодаи Мулло Усмон эди. Кобул туманларидан Лаҳугар туманининг Чарх деган кентидан. Улугбек мирзо замонида ун тўрт ёшида дарс айтгани учун Мулло модарзод(тугма мулла) дер эканлар. Самарқанддан бориб Каъбани тавоф қилиб Ҳиротга келганида Султон Ҳусайн мирзо уни мажбуран ушлаб турди. Куп донишманд киши эди. У замонда унингдек донишманд киши йўқ эди. Айтишларича, ижтиҳод (улкан кашфиёт қилиш қудрати) даражасига етган-у, лекин ижтиҳод қилмаган. Унинг сўзларини нақл қиладилар, дер эмишки: „Киши бир ниманики эшитса, яна қандай қилиб уни унутиши мумкин?“

Хотираси жуда кучли экан.

Яна, Мир Муртоз эди. Ҳикмат илмлари ва ақлий илмларни яхши биларди. У кўп рўза тутгани учун шундай лақаб олган. Шатранжга кўп шавқу ҳава-

си бор экан. Шу даражадаки, икки шоҳмотчи учраса, бири билан шатранж уйнаб, иккинчиси кетиб қолмасин деб, этагидан тутиб ўтирар экан.

Яна, Мулло Масъуд Ширвоний эди.

Яна, Мулло Абдулғафур Лорий эди. Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг ҳам муриди, ҳам шогирди эди. Муллонинг аксар асарларини мулло қошида ўқиган эди. „Нафаҳот“ асарига шарҳ йўсинлик бир нарса ёзган. Зоҳирий (дунёвий) илмларнинг билимдони эди. Дунёвий илмлар, ботиний — диний-тасаввуфий илмлардан ҳам баҳраманд эди. Шуҳратни еқтирмайдиган, қизиқ, бетакаллуф киши эди. Ҳар кимни мулло десалар, унинг олдида китоб очиб савол беришдан ийманмасди. Ҳар қаерда бирор дарвеш дарагини эшитса, унинг қошига бормагунча тинчимасди. Мен Хуросонга борганимда Мулло Абдулғафур касал эди. Абдураҳмон Жомийнинг мазорини тавоф қилганда, Мулло Абдулғафурни бориб кўргандим, Абдураҳмон Жомийнинг мадрасасида эди. Бир неча кундан сунг ўша касаллик билан дунёдан ўтди.

Яна, Мир Жалолиддин муҳаддис эди. Ҳадис илмини Хуросонда унингдек билдиган киши йўқ эди, анча узоқ умр кўрди. Ҳозиргача у тирик эди.

Яна, Мир Атоулло Машҳадий эди. Арабий илмини яхши биларди. Қофия ҳақида ҳам бир форсий рисола битипти. Яхши ёзган. Нуқсонни шуки, нуқул ўзининг байтларини мисол қилиб келтирган. Яна ҳар бир байт олдида „чунончи, банданинг бу байтида“ сўзларини келтиришни лозим ҳисоблаган. Бу рисоласидаги баъзи мунозараларида яхши асослар келтирибди. Яна шеър санъатлари ҳақида „Бадоеъ ус-саноеъ“ номли рисола битипти, анча яхши ёзилган. Мазҳабида бироз четга чиқишлар бор экан.

Яна, Қози Ихтиёр эди. Қозиликни яхши қилди. Фиқҳда бир форсий рисола ёзибди, яхши рисоладир. Яна иқтибос учун ҳар хил мазмундаги Қуръон оятларини йиққандир. Мурғобда мирзолар билан мулоқот қилган чоғим Қози Ихтиёр Муҳаммад Мир Юсуф билан келиб мени кўрдилар. Бобурий хаттидан сўз чиқди. Алифбесини сўради, ёзиб бер-

дим. Ўша йигинда ҳарфларни ўқиб, қоидаларини ўрганиб, бир нарсаларни ўша хатда ёзди ҳам.

Яна, Мир Муҳаммад Юсуф эди. Шайх ул-исломнинг шогирди эди. Сунгра шайх ул-ислом уни ўз жойига тавсия қилди. Баъзи йигинларда Қози Ихтиёр юқори ўтирарди, баъзи мажлисларда — бу. Кейинчалик ҳарбий амалдорлик билан сардорлик ишига шундай мафтун ва шайдойи бўлдики, унинг сўзларидан бу икки ишдан ўзга бирор маънили нарсани англаб бўлмасди. Амалдорлик ва сардорликнинг ҳар иккаласидан қобилияти ҳам, иқтидори ҳам йўқ эди. Оқибат ушбу бекорчи уринишлар туфайли моли, жойи ва хонумони барбод бўлди. Ши мазҳабида экан.

**Шоирлардан** бу жамоанинг пешқадам ва асосчиси Мавлоно Абдурахмон Жомий эди.

Яна, Шайхим Суҳайлий ва Ҳусайн Али Туфайлий жалойир эдики, номлари ва сифатлари Султон Ҳусайн мирзонинг беклари ва ичкилари таркибида зикр этилди.

Яна, Осафий эди. Вазир угли булгани учун „Осафий“ деб тахаллус олган. Шеърни гарчи ишқ-муҳаббат ва эҳтиросдан баҳрасиз бўлса-да, тасвир жилолари ва маънодан холи эмасдир. „Мен ҳаргиз ўз газалларимни тўплашга уринмадим“ дея даъво қилган бўлса-да, афтидан бу гап тақаллуфдан бошқа нарсасиз эмас. Бу газалларини укаси ё қариндошларидан бири тўплагандир. Газалдан ўзга нав шеърни оз ёзган. Хуросонга борганимда менга мулозамат қилган эди.

Яна, Биноий эди. Ҳиротликдир. Отаси Устод Муҳаммад Сабз (бинокор) бано бўлгани учун шундай тахаллус олган. Газалларида ранг ва кайфият бордир. Девон тартиб берган. Достонлари ҳам бор. Мевалар ҳақида бир достони бор, мутақориб баҳрида, самарасиз бир нарсасиз ёзган, бекор қилган. Яна бир қисқа достони бор, хафиф баҳрида. Бу маснавийни кейинроқ тугатганди. Бурунлари мусиқадан беҳабар бўлган экан. Бу жиҳатдан Алишербек унга таъна қилар экан. Бир йили Султон Ҳусайн мирзо Марвга қишлаш учун борганида Алишербек ҳам бирга кетади. Биноий Ҳиротда

қолади. Ўша қиш мусиқани машқ қилади. Ёзгача шунчалик ҳаракат қиладики, оҳанглар ҳам ихтиро этади. Ёзда Султон Ҳусайн мирзо Ҳиротга келганида унга ўзи ижод қилган куй ва нақшни ижро этади. Алишербек таажжубланиб, таҳсинлар қилади. Биноий мусиқадан яхши ишлар ижод қилган. Жумладан, унинг „Нухранг“ деб аталган бир нақши бор. Бу тўққиз рангнинг якуни ва нақшнинг яли-ялиси „Рост“ оҳангидадир.

Биноийнинг Алишербек билан сози келмас экан. Шу сабабдан хийла жафолар тортди. Охири тура олмай Ироқ ва Озарбойжонга — Яъқуббек қошига борди. Яъқуббек қошида ҳаёти ёмон эмас эди. Мажлисларида улфат эди. Яъқуббек улганидан сўнг у вилоятларда тура олмай, Ҳиротга келди. Хануз Алишербекка нисбатан қалтис ҳазил ва келишмаслик ҳолатлари бўларди. У жумладан бири буки, бир кун шатранж мажлисида Алишербек оёғини узатади. Биноийнинг орқасига тегади. Алишербек мутойиба билан: „Ҳиротда ажойиб бир бало бордирки, оёғингни узатсанг шоирнинг кетига тегади“, дейди. Биноий: „Агар йиғсанг ҳам шоирнинг орқасига тегади“, деб жавоб қайтаради. Охири бу зарофатлар туфайли яна Ҳиротдан Самарқандга жўнади.

Алишербек кўп ва яхши нарсалар ихтиро қилган эди. Мабодо бирор киши қайсидир ишда бир янгилик яратса, у нарсанинг ривожини ва равнақини учун уни „Алишерий“ деб атадилар. Баъзилар ҳазил билан Алишербекка нисбат берар эди. Чунончи, Алишербек қулоқ оғригида рўмол боғлагани учун хотинлар кўк рўмолни қийшайтириб „нози Алишерий“ деб атадилар. Биноий ҳам Ҳиротдан жўнаш вақтида эшағи учун тўқим тикувчига ҳеч кимда мутлақо учрамаган ўзгача бир тўқим буюртиради ва отини „Алишерий“ деб атайди. У „полони Алишерий“ (Алишерий тўқими) номи билан машҳур бўлди.

Яна, Сайфий Бухорий эди. Чинакам муллолиги бор эди. Ўқиган китобларининг шарҳи изоҳини элга кўрсатиб узилмини исбот қиларди. Девон тартиб берган эди. Яна бир девони ҳам борки,

барча ҳунармандлар учун ёзгандир. Мақолларни кўп қўллаган. Достони йўқдир. Чунончи ушбу қитъа бу ҳолнинг далилидир:

*Маснавий гарчи сунвати шеъраст,  
Ман газал фарзи айн медонам.  
Панж байтеки дилпазир бувад,  
Беҳтар аз хамсатайн медонам.*

(Мазмуни:

*Гарчи дoston шеър суннатидир,  
Мен газални фарзи айн дейман.  
Дилкашгина беш байтни, рости  
Икки „Хамса“дан устун қўяман.)*

Унинг форс тилида битган аруз рисолаеси бор. Жуда оз сўзlidir. Бироқ бир ҳисоб билан жуда кўп сўзlidir. Оз сўзлиги шу маънодаки, керакли нарсаларни ёзмаган. Кўп сўзли деганимизнинг боиси — равшан ва маълум сўзларни нуқта ва арабий ифодасигача ёзиб чиққан. Шаробни кўп ичар экан, шаробхур экан. Қаттиқ зарбли мушти бор экан.

Яна, Абдуллои маснавийгуй (достончи) эди. Жомдандир. Мулло Абдурахмон Жомийга хоҳарзода (сингисининг ўгли) булади. Тахаллуси „Ҳотибий“ эди. „Хамса“га жавобан дostonлар ёзган. „Ҳафт пайкар“га жавобан битган маснавийси „Ҳафт манзар“ деб номланади. „Искандарнома“га жавобан „Темурнома“ дostonини битган. Бу дostonлар ичида „Лайли ва Мажнун“ машҳурроқдир. Бироқ латофати шуҳратича эмас.

Яна, Мир Ҳусайн Муаммой эди. Зотан муаммони ҳеч ким унча ёзолган эмас. Ҳамиша вақти муаммо ўйлаб топишга сарфланар экан. Жуда фақир, бечораҳол ва бахтсиз киши бўлган экан.

Яна, Мулло Муҳаммад Бадахший эди. Ишкамишдандир. Ишкамиш Бадахшон таркибига кирмайди. Унинг „Бадахший“ тахаллусини олгани қизиқ. Шеъри юқорида зикр этилган шоирлар шеърича эмас. Муаммо ҳақида бир рисола ёзган. Муаммоси ҳам унча яхши эмас. Хушсуҳбат киши эди. Самарқандда менга мулозамат қилганди.

Яна, Юсуф Бадиий эди. Фаргона вилоятдан. Қасидани ёмон битмас экан.

Яна, Оҳий эди. Газални ажаб бир йўсинда ёзарди. Охирги пайтлари Ибн Ҳусайн мирзо қошида булар эди. Девони бор.

Яна, Муҳаммад Солиҳ эди. Ёқимли газаллари бор. Бироқ силлиқлиги мазасича эмас. Туркий шеъри ҳам бор. Ёмон ёзмайди. Кейинроқ Шайбонийхон қошига келган эди. Дарҳақиқат, ҳурмат ва эътибор қозонди. Шайбонийхонга атаб рамали мусаддаси махбун — „Субҳа“ вазнида бир туркий дoston битган. Анча сушт ва бўштобдир. Уни ўқиган кишининг Муҳаммад Солиҳ шеъриятдан кунгли совийди. Бир яхши байти будир:

*Булди Танбалга ватан Фаргона,  
Қилди Фаргонани танбалхона.*

Андижон вилоятини Танбалхона ҳам дейдилар. У маснавийда бундан яхши байт йўқ. Ярамас, золим табиатли ва бераҳм киши эди.

Яна, Шоҳ Ҳусайн Комий эди. Унинг шеърлари ҳам ёмон эмас. Газалгуйдир. Дарвоқеъ, девони ҳам бор.

Яна, Ҳилолий эди. Ҳозир ҳам тирик. Газаллари текис, силлиқ, рангдор ва жайдарироқдир. Девони ҳам бор. Хафиф баҳрида „Шоҳ ва дарвеш“ номли бир дoston битган. Гарчи баъзи байтлари яхши булса ҳам, лекин маснавийсининг мазмуни ковак (буш) ва қурилиши (композицияси) жуда харобдир. Илгариги шоирлар ишқ ва ошиқлик учун дoston ёзганларида, ошиқликни эрга, маъшуқликни аёлга нисбат қилганлар. Ҳилолий дарвешни ошиқ қилган, шоҳни — маъшуқ. Шоҳнинг феъл-атвори ва гап-сўзларини ифода этган байтларида шоҳни бузуқ ва фоҳиша қилиб тасвирлабди. Уз маснавийси учун бир йигитни ва яна шоҳ йигитни бузуқ ва фоҳишалардек таъриф қилгани жуда ноҳуя ишдир. Унинг хотираси жуда кучли экан, ўттиз-қирқ минг байтни ёддан биларкан. Форсий тилдаги икки „Хамса“нинг аксар байтлари ёдида бор, дейдилар. Аруз, қофия ва шеър илмига анча моҳирдир.

Яна Аҳлийдир, хат-саводсиздир. Шеърлари ёмон эмас. Девони ҳам бор.

Чиройли хат битувчилардан ҳам анча киши бор эди. Лекин барчасининг пешқадами насхтаълиқ ёзувида Султон Али Машҳадий эди. У Султон Ҳусайн мирзо ва Алишербекнинг кўплаб матнларини кўчирди. Ҳар куни ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун ёзарди.



Мусаввирлардан Беҳзод эди. Мусаввирлик ишини ўта нозик қилади. Лекин соқолсиз киши чеҳрасини ёмон чизади. Бақбақасини куп узун тортади. Соқоллик кишини хушчеҳра қилиб юборади.

Яна, Шоҳ Музаффар эди. Ранг-тасвирни куп нозик қилар эди. Соқолни ҳам ўта нозик чизарди. Куп умр кўрмади. Унинг тасаввуфга оид бир асари бор, ёмон эмас. Афтидан, айрим фикрлар унинг ўзиники эмас. Айни ўсаётган даврида оламдан ўтди.

Муסיқачилардан қонунни ҳеч ким Хожа Абдулло Марворийча чалолмас эди (бу ҳақда ёзган эдик).

Яна, Қулмуҳаммад Удий эди. Гижжакни ҳам яхши чаларди. У гижжакка уч қил тақди. Чолғучилардан ва соз аҳлидан ҳеч ким унча куп пешрав боғлаган эмасдир. Пешравдан узга куйлари унчалик эмасдир.

Яна, Шайхий Ноий эди. Удни, гижжакни ҳам яхши чалар экан. Ун икки-ун уч ёшидан бери найни яхши чаларкан. Бир навбат Бадиуззамон мирзонинг суҳбатида бир куйни найдан яхши чиқаради. Қулмуҳаммад гижжакда у куйни чала олмайди ва: „Гижжак номукамал создир“, дейди. Шайхий дарҳол Қулмуҳаммаднинг қулидан гижжакни олиб, у куйни гижжакда яхши ва тиниқ қилиб чалади.

Шайхийдан яна бир нарсани ривоят қиладилар: оҳанг идрокида шу даражада моҳир эканки, фалонининг фалон пардаси бунга оҳангдир, деб айтаркан. Лекин куп куй ижод этмайди. Бир-икки нақшни уники, дейдилар, холос.

Яна, Шоҳқули Гижжакий эди. Ироқдандир. Хуросонга келиб соз машқ қилиб, ўсди. Анчагина нақш, пешрав ва оҳанглар яратган.

Яна, Ҳусайн Удий эди. Удни ёқимли чалиб, маънили қўшиқлар айтарди. Уднинг торларини якка қилиб чалган — шу. Айби бу эдики, куп ноз билан чаларди. Шайбонийхон бир навбат соз чалишни буюради. Такаллуф қилиб ҳам ёмон чалади, ҳам ўз созини олиб келмай, ярамас соз келтиради. Шайбонийхон бунни фаҳмлайди. Зиёфат пайтидаёқ, бўйнига бошлаб мушт туширишларини буюради. Шайбонийхоннинг оламда қил-

ган бир яхши иши бўлса — шудир. Зотан жуда тўғри иш қилган. Бунақа нозик эркакнусхаларга бундан қаттиқроқ жазо керак.

Яна, бастакорлардан Гулом Шодий эди. Шодий Ҳофизнинг ўғли эди. У соз чалар, лекин бу созандалар даврасида чалмасди. Яхши куйлари ва нақшлари бор. У замонда унингдек куп нақш ва куй боғлаган киши йўқ эди. Охири Шайбонийхон уни Қозон хони Муҳаммад Аминхон қошига юборди. Ундан бошқа хабар келмади.

Яна, Мир Азу эди. Соз чалмасди, бастакор эди. Фарчи озгина оҳанг яратган бўлса-да, яхши ишлари бор.

Биной ҳам бастакор эди. Яхши куй ва нақшлари бордир.

Яна бу эл ичра тенги йўқ Паҳлавон Муҳаммад Бусаид эди. Курашда ҳам пешқадам эди. Шеър ҳам ёзарди. Куй ва нақшлар боғларди. „Чоргоҳ“да бир яхши нақши бор. Хушсуҳбат киши эди. Курашчи полвон бўлиш билан бирга, бунчалик маънавий фазилатларнинг эгаси бўлмоқ гаройибдир.

Султон Ҳусайн мирзо оламдан ўтганида мирзолардан Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо ҳозир эдилар. Музаффар Ҳусайн мирзо суюкли ўғил ва Муҳаммад Бурундуқ барлос, олийихтиёрли бек эди, отабеги эди, онаси Хадичабегим эди. Мирзонинг эътиборли хотини эди. Султон Ҳусайн мирзонинг туғишганлари ҳам Музаффар мирзога хийла хайрихоҳ эдилар. Шулар сабабли Бадиуззамон мирзо иккиланиб, келмаслик хаёлида эди. Музаффар мирзо ва Муҳаммадбек ўзлари отланиб бориб, бундай беқарорликни мирзонинг кўнглидан чиқариб, Бадиуззамон мирзони келтирдилар. Султон Ҳусайн мирзони Ҳиротга олиб бориб, подшоҳона расм ва қоида билан кўтариб, мадрасасида дафн қилдилар. Бу фурсатда Зуннунбек ҳам ҳозир бўлди. Муҳаммад Бурундуқбек, Зуннунбек ва яна Султон Ҳусайн мирзодан қолган ва бу мирзолар билан бўлган беклар йиғилиб, иттифоқ қилиб, Бадиуззамон мирзо билан Музаффар Ҳусайн мирзони Ҳирот тахтида шериклик подшоҳ қилдилар. Бадиуззамон мирзо эшигида олийихтиёрли бек Зуннунбек, Музаффар Ҳусайн мир-

зо эшигида олийхтиёрли бек Муҳаммад Бурундуқбек тайинланди. Бадиуззамон мирзо томонидан шаҳар қалъабегии Шайх Али тағойи, Музаффар мирзо тарафидан Юсуф Али кукалдош бўлди. Бу қизиқ бир воқеа эди. Подшоҳликда ҳеч қачон

шериклик эшитилган эмас. Шайх Саъдий сузи маъмунининг акси содир бўлди. Зеро, у „Гулистон“ асарида: „Ўн дарвеш бир гиламда ухлайдилару, икки подшоҳ бир иқлимга сигмайди“, деб ёзган эди.

## ТЎҒҚИЗ ЮЗ ЎН ИККИНЧИ(1506-1507) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойи ўзбакни даф қилиш мақсадида Хуросонга жунадик. Гурбанд ва Шибарту йўли билан равона бўлди. Жаҳонгир мирзо у вилоятдан нохушлик билан чиққан эди. „У аймақни ўзига қўшиб олса, яна не ёмонликлару фитналар содир бўлиши мумкин“, деб ўйладим. Шунинг учун Уштур шаҳрида, уруқдан айрилиб, унга Вали хазиначини ва Давлат Қадам қаровулни қўйиб, аймақни тезроқ қўлга олайлик, дея пошилинч жунадик. Ўша куни Заҳҳок қалъасига етиб келдик. Ундан Гунбазак довонидан ошиб, Сойқон орқали тушиб, Дандоншикан довонидан утиб, Коҳмард сайхонлигига тушилди.

Сайид Афзал таъбирчига Султон Муҳаммад дўлдойни қўшиб, Кобулдан йўлга тушганимиз ҳақида Султон Ҳусайн мирзога мактуб юборилди. Жаҳонгир мирзо кейинроқ қолган экан. Бомиён туғрисида етган чоғимиз улар йигирма-ўттиз киши билан Бомиёнга қараб келаётган экан. Бомиёнга яқин етганларида бизнинг ортда қолган уруқ чодирларини кўрадилар. Уларни биз деб хаёл қилиб тезда, қайтадилар. Ўрдаларига бориб, ҳеч нарсага қарамай кўчадилар. Орқаларига қарамай ўзларини Якка ўланг ерларига тортишади.

Шайбонийхон Балхни қамал қилган эди. Балхда Султон Қуличоқ қўргонбегии эди. Шайбонийхон икки-уч султонни уч-тўрт минг киши билан Бадахшонга ҳужум қилиш учун юборди. У пайти Муборакшоҳ ва Зубайр келиб яна Носир мирзога қўшилган эдилар. Бурунроқ қасос ва кеклари бор эди. Кишмнинг пастида Шоҳидонда Кишм дарёсининг шарқий тарафида лашкар тортиб ўтирганларида ўзбаклар тонг отмаёқ тунги қиргинга ёпирилиб келиб, Кишм дарёсини кечиб ўтиб, Носир мирзонинг устига юрди. Носир мирзо дарҳол ўзини

қирга тортди. Қирдаги одамларини йиғиштириб, карнай чалдириб, олга силжиганча ўзбакларни суриб қочирди. Кишм дарёси катта эди. Ўзбаклар шу сувдан кечиб келгандилар. Уларнинг кўпчилиги уқ еди, қилич остида қолди. Жуда кўп киши қўлга тушди. Сувда ҳам кўп киши ўлди.

Муборакшоҳ ва Зубайр (Носир) мирздан юқориқда — Кишм тарафида эдилар. Уларнинг устига юборилган ўзбаклар уларни қирга қочирди. Носир мирзо ёвни қочираётганда бундан хабар топиб, ўша одамлар устига юрди. Юқоридан Кўхистон беклари (Муборакшоҳ ва Зубайр) ҳам отличяевини йиғиб жангга киришлари билан ўзбаклар туриш бера олмадилар, қочдилар. Бу жамоатдан ҳам кўп киши қўлга тушди, кўп киши уқ еди, қиличда чопилди ва сувда оқди. Чамаси минг-минг беш юз ўзбак ўлди. Носир мирзонинг бир яхши зафари мана шу эди. Бу хабарни Коҳмард сайхонлигида эканлигимизда Носир мирзонинг кишиси келтирди.

Ушбу юртда эканда бизнинг лашкар бориб, Ўғрий ва Даҳонадан дон-дун олиб келдилар. Бу ерда Хуросонга юборилган Сайид Афзал билан Султон Муҳаммад дўлдойдан хатлар келди. Бу — Султон Ҳусайн мирзо вафотининг хабари эди. Ушбу хонадоннинг номусини ўйлаб Хуросонга қараб жунадик. Бу юришда бошқа мақсадлар ҳам бор эди. Ажар дарасининг ичи билан ўтиб Тўп Мандагон ва Балхоб билан қўйи тушиб, Кўҳи Софга чиқилди. Ўзбакларнинг Сон ва Чаҳорякни талон-торож қилганидан хабар топиб, Қосимбекни лашкар билан талончи ўзбаклар устига юбордик. Бориб, учратиб, яхши енгиб, кўп бош кесиб келтирдилар. Жаҳонгир мирзога ва аймақларга кишилар юбордик. Улардан хабар олгунча бир неча кун Кўҳи Соф яйловида ўтирдик.

Бу ерларда кийик жуда кўп булади. Бир маротаба овладик. Бир-икки кундан сўнг аймақларнинг ҳаммаси келиб мулозамат қилдилар. Аймақларга Жаҳонгир мирзо бир неча мартаба кишилар юборди. Бир сафар Имоиддин Масъудни юборди. Бормадилар. Менинг қошимга келдилар. Охири Жаҳонгир мирзога зарурат бўлдики, Кўҳи Софдан Дарайи Бойга тушганида келиб мени кўрди. Бизнинг ниятимиз Хуросонга бориш бўлганидан мирзога қарамай, аймаққа парво қилмай, Гурзивон, Алмор ва Қайсор, Чечакту билан юриб, Фахриддин Улўмидан утиб, Бодғисга қарашли Дарайи Бом деган ерга келдик.

Олам сергавго эди. Шу сабабли ҳар ким вилоят ва халқдан иложи борича бирор нарса тортиб олишга, нимадир ундиришга ҳаракат қиларди. Биз ҳам бир ёқдан у ерлардаги аймақ ва туркларга солиқ солиб, нарсалар олишга киришдик. Шу бир-икки ойнанинг ичида уч юз туман кепакий (пул) олинди, чамаси. Биздан бир неча кун бурунроқ ўзбакнинг талончисини Хуросон илгори (ҳужумчи қисми) ва Зуннунбекнинг кишилари Панди, Даҳ ва Марвчоқда енгиб, кўп ўзбакни ўлдирибдилар.

Бадиуззамон мирзо, Музаффар мирзо, Муҳаммад Бурундуқ барлос, Зуннун аргун угли Шоҳбек Балхда Султон Қуличоқни қамал қилган Шайбонийхоннинг устига юриш мақсадида Султон Ҳусайн мирзонинг барча угилларига кишилар юбориб чақиртирдилар. Ушбу ҳаракат билан Ҳиротдан ҳам чиқдилар. Улар Бодғисга етганларида, Чилдухтаронда Абулмуҳсин мирзо Марвдан келиб қушилди. Ундан сўнг ибн Ҳусайн мирзо ҳам Тўн ва Қойиндан келди. Кепак мирзо Машҳадда эди. Бир неча марта кишилар юборсалар-да, номаъқул сўзлар айтиб, номардлик қилиб келмади. Унинг гина-кудурати Музаффар мирзодан эди, яъни: „У подшоҳ бўлганда, мен қандай қилиб унинг қошига бораман?!“ дерди. Шундай бир пайтда— барча оғани бир ерда йиғилиб, иттифоқ бўлиб, Шайбонийхондек ганим устига азму жазм қилиб юраётганида ана шундай бемаза гинахонлигини қилиб келмади. Унинг бу келмаганини ҳозирча гинахонликка йу-

ярлар, ҳолбуки барча буни номардлик деб уйлади.

Бундан мақсад шуки, бу дунёда кишидан ана шундай нарсалар эсда қолади. Ақл эгаси бўлган ҳар қандай одам, ортидан ёмон сўз билан эсланадиган ишларга нега қўл ураркин, эс-ҳуши жойида бўлган ҳар бир киши дунёдан ўтгач таҳсинлар билан эсланадиган ишларни қилишга нега уринмас экан? Исмнинг ёдга олинишини ҳақимлар иккинчи умр деганлар.

Менга ҳам элчилар келди. Сунгра Муҳаммад Бурундуқ барлос ҳам келди. Мен нега бормайин?! Юз-икки юз йиғоч йўлни шу маслаҳат учун босиб ўтибман. Мен Муҳаммадбек биланоқ йўлга тушдим. У фурсатда Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо Мурғобга келишган эди. Душанба куни жумод ул-охир ойнанинг саккизинчисида мирзолар билан мулоқот бўлди. Абулмуҳсин мирзо ярим куруҳ йўл босиб, менинг истиқболимга келганиди, учрашдик. Мен бу тарафдан отдан тушдим, Абулмуҳсин мирзо у тарафдан отдан тушди. Бориб, куришиб, яна отга чиқдик. Илгари силжиганимизда ўрданинг яқинига Музаффар мирзо ва Ибни Ҳусайн мирзо келдилар. Улар Абулмуҳсин мирзодан кичик эдилар. Истиқболимизга бурунроқ чиқишлари керак эди. Чамаси улар кечроқ йўлга чиқишган. Бу кечикиш такаббурликдан эмас, балки хумор туфайли экан, бу гуноҳ кудуратдан эмас, айш-ишрат сабабидан экан.

Музаффар мирзо муболага қилди, от устида кўришдик. Ибни Ҳусайн мирзо билан ҳам ушбу нав кўришилди. Келиб Бадиуззамон мирзонинг эшигига тушдик. Одам беҳад кўп тўпланган, шунчалик тўполон эдики, тиқилинча баъзи кишининг уч-тўрт қадам йўлда оёғи ерга тегмас эди. Баъзи биров иш-куч учун қайтмоқни хаёл қилса, беихтиёр тўртбеш қадам ортга суриб боришар эди. Бадиуззамон мирзонинг маҳкама уйига етдик. Шунга қарор қилинган эдики, мен уйга киргач, таъзим қиламан. Бадиуззамон мирзо ўрнидан туриб, пойгакка келади ва кўришамиз. Мен уйга киргач, бир таъзим қилдим ва тўхтамай унга қараб юра бошладим. Бадиуззамон мир-

зо шошилмай ўрнидан туриб, сустроқ юрди.

Қосимбек менинг хайрихоҳим, менинг номусим унинг номуси эди, белбогимдан бир тортди, ҳушёр тортдим. Секинроқ юриб, белгиланган ерда кўришилди. Бу катта оқ уйда тўрт тўшак солган эдилар. Бадиуззамон мирзонинг оқ уйлари (оқ кигиздан ишланган катта ўтов, чодир), албатта, ён эшиклик бўларди. Мирзо доим шу эшикнинг ёнида ўтирарди. Бир тўшакни шу эшик ёнига солгандилар. Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо шу тўшакка ўтирдилар. Яна бир тўшакни ўнг тарафга солишган эдилар. Абулмуҳсин мирзо ва мен ўша тўшакда ўтирдик. Бадиуззамон мирзонинг тўшагидан қўйи чап ёнда яна бир тўшак солинган эди. Ўзбек Шайбоний султонларидан Қосим Султон (мирзонинг куёви, Қосим Ҳусайн Султоннинг отаси эди) ва Ибни Ҳусайн мирзо ана шу тўшакда ўтирдилар. Менга солган тўшакдан қўйи ўнг қўлимда яна бир тўшак солдандилар. Жаҳонгир мирзо билан Абдураззоқ мирзо ўша тўшакда ўтирди. Муҳаммад Бурундуқбек, Зунунбек ва Қосимбек ўнг ёнда Қосим Султон билан Ибни Ҳусайн мирзодан бироз қўйироқ ўтирдилар.

Ош тортилди. Суҳбат мавриди бўлмасанда, ош тортиладиган ерга хонтахта қўйиб, олтин ва кумуш май кўзачаларини унинг устига тердилар. Бурунлари бизнинг ота-боболар Чингиз одатини жуда ҳурмат қилардилар. Базм ва маҳкамада, тўй ва ошда, ўтириш ва туришда одатга хилоф иш қилмасдилар. Чингизхоннинг одати олий қатъий ҳужжат эмасдирки, албатта киши унга амал қилсин! Ҳар кимдан яхши қоида қолган бўлса, унга амал қилмоқ керак. Агар ота ёмон иш қилган бўлса, яхши иш билан алмаштирмоқ керак.

Ошдан сўнг отланиб, тушган ерга келдим. Бизнинг ўрда билан мирзолар ўрдасининг ораси бир шаръий келарди. Иккинчи сафар келганида Бадиуззамон мирзо бурунгидек таъзим қилмади. Муҳаммад Бурундуқбекка ва Зунунбек орқали: „Гарчи ёшим кичик бўлса-да, мартабам улугдир. Ота тахти, Самарқандни, икки бора жанг билан олиб ўти-

рибман. Бу хонадон учун ёт-душман бўлганлар билан қанча жангу жадал қилганман, шу боис менинг таъзимимда бўлмаслик асоссиздир“, деб айттирдим. Бу сўз етказилгач, маъқул бўлгани учун, эътироф этиб, таъзимни кунгилдагидек қилди.

Яна бир навбат Бадиуззамон қошига борганда пешин намозидан сўнг май базми бўлди. Мен у пайтлари ичмасдим. Ажаб ораста базм эди. Дастурхонларга турли-туман газаклар қўйилган эди: товуқ кабоби, гоз кабоби, ҳар хил таомлардан тортдилар. Бадиуззамон мирзонинг базмини кўп таъриф қилар эдилар. Дарҳақиқат, беғашу ташвишсиз, сокин базм эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч маротаба мирзонинг май базмида ҳозир бўлдим. Ичмаслигимни билганликлари учун май таклиф қилмадилар.

Музаффар мирзонинг базмига ҳам бир навбат бордим. Ҳусайн Али жалойир ва Мир Бадр Музаффар мирзо қошида эдилар. У базмда ҳам қатнашдилар. Кайф бўлганида Мир Бадр рақс тушди, яхши рақс тушди. Афтидан, у нав рақс Мир Бадрнинг ихтиросидир. Мирзолар Ҳиротдан чиқиб, иттифоқ қилиб, йигилиб Мурғобга келгунларича уч-тўрт ой ўтди.

Султон Қуличоқ танг қолиб Балх қалъасини ўзбекка берди. Ўзбек Балхни олганидан сўнг бу жамиятнинг ҳабарини эшитиб, Самарқандга қайтиб кетди. Бу мирзолар гарчи суҳбат ва суҳбат-ороликда, муносабат ва мулозаматда моҳир бўлсалар-да, лекин сипоҳийлик рангу бўёгидан йироқ, мардоналик ва жангу жадалдан четда эдилар. Мурғобда ўтирган пайтларимиз Ҳақназар чапани тўрт-беш юз киши билан келиб, Чечакту ерларини талон-торож қилди, деган хабар келди. Барча мирзолар ҳозир бўлиб, кўп уриниб бу талончиларнинг устига ҳужумчи лашкар юбора олмадилар. Мурғоб билан Чечактунинг ораси ўн йигоч йулдир, бу ишни мен қилмоқчи бўлдим. Номус қилиб, менга ҳам рухсат бермадилар. Шайбонийхон қайтганида, йил ҳам охирлаб қолганди. Шундай қарорга келинди: бу қиш мирзолар ҳар қайсиси ўзига муносиб ерда қишлаб, эрта баҳор йигилишиб ганим-

ни даф этишга йўл оладилар. Менга ҳам Хуросон ерларида қишлашни таклиф қилдилар.

Кобул ва Газни туполончи ва жанжалкашлар макони эди, турк, муғул, аймоқ, афгон ва ҳазорадан ташкил топган хилма-хил эл ва улус шу ерларда йигилган эдилар. Яна Хуросон билан Кобул орасида яқинроқ тоғ йўли бор эди, агар қор ва муз каби нарсалар тўсиқ бўлмаса, бир ойчалик, текис йўл билан эса қирқ-эллик кунлик йўл эди. Вилоятдан ҳам ҳануз кўнгил хотиржам эмасди. Хайрихоҳлардан ҳеч ким бизнинг у ерда қишлашимизни маъқул кўришмади. Мирзоларга узр айтдик. Қабул қилмадилар, кўпроқ таклиф қилдилар. Ҳар қанча узр айтсак-да, таклифни қатъийроқ қўйдилар. Охири Бадиуззамон мирзо, Абулмуҳсин мирзо ва Музаффар мирзо отланиб, менинг уйимга келиб, Хуросонда қишламоқ таклифини қилдилар. Мирзолар юзи учун йўқ деёлмадик. Бундай подшоҳларнинг ўзлари келиб, турмоқ таклифини қилдилар. Бунинг устига дунёда Ҳиротдек шаҳар йўқдир ва Султон Ҳусайн мирзо замонида унинг тасарруфи ва такаллуфидан Ҳиротнинг зебзийнати бирга ўн, балки йигирма барабар тараққий қилган эди, уни кўрмоқ орзуси ҳам анча эди. Бу сабабларга кўра таклифни қабул қилдик.

Абулмуҳсин мирзо ўз вилоятига, Марвга кетди. Ибн Ҳусайн мирзо ҳам Тун ва Қойинга жўнади. Бадиуззамон мирзо ва Музаффар мирзо Ҳиротга жўнаб кетдилар. Икки-уч кун кейинроқ Чилдухтарон ва Тошрабат йўли билан мен ҳам Ҳиротга йўл олдим.

Барча бегимлар, менинг аммам Поянда Султонбегим, Хадичабегим, Офоқбегим, яна Султон Абусаид мирзонинг қизлари — амма бегимлар ҳаммаси Султон Ҳусайн мирзонинг мадрасасида йигилдилар. Барча бегимларни Султон Ҳусайн мирзонинг мақбарасида эканликларида бориб кўрдим. Аввал Поянда Султонбегим билан таъзим қилиб кўришдим. Ундан сўнг Офоқбегим билан таъзимсиз кўришдим. Кейин Хадичабегим билан таъзим қилиб кўришдим. Бир замон бун-

да ўтириб, қорилар Қуръон ўқиганларидан сўнг Хадичабегимнинг чодирни тикилган жанубий мадрасага бордик. Хадичабегим номидан ош тортдилар. Ош тортилгандан сўнг Поянда Султонбегимнинг уйига бордим. Ўша кеча у ерда бўлдим. Аввал менга Боги Навда (янги бог) қўнимжой тайин қилган эдилар. Эртаси эрталаб келиб Боги Навда тушдим. Боги Навда бир кеча бўлдим. Уни муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳиротдан кетгунча Алишербекнинг уйларида эдим.

Ҳар икки-уч кунда бориб, Боги Жаҳонорода Бадиуззамон мирзога кўриниш қилардим. Бир неча кундан сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади. Музаффар мирзо Боги Сафидда утирарди. Хадичабегим ҳам ўша ерда эди. Жаҳонгир мирзо мен билан борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин Музаффар мирзо бизни Абулқосим Бобур мирзо солган Тарабхона деб номланган иморатга олиб борди. Тарабхонада май базми бўлди.

Тарабхона богчанинг ўртасида бунёд топган. Ихчамроқ иморатдир. Икки қаватлик. Лекин ёқимли иморатдир. Юқориги қаватига кўп безак берибдилар. Тўрт бурчагида тўрт ҳужраси бор. Бу тўрт ҳужрага олиб кирадиган уй истироҳат хонасидир. Бир уйдирки, ҳужраларнинг оралиги тўрт шаҳнишин\* йўсинлик эди. Бу уйнинг ҳар томонига суратлар солинган. Бу иморатни Бобур мирзо қурган бўлса-да, лекин бу тасвирларни Султон Абусаид мирзо буюргандир. Унда ўзининг саф тортишларию жанглари тасвирланган. Шимол тарафдаги шаҳнишинга бир-бирига қаратиб икки-та тўшак солдилар, тўшакларнинг ёнлари шимолга қараган эди. Бир тўшакда Музаффар мирзо ва мен утирдик. Яна бир тўшакда Султон Масъуд мирзо ва Жаҳонгир мирзо утирдилар. Музаффар мирзонинг уйида меҳмон бўлганимиз учун Музаффар мирзо мени ўзидан юқорига ўтказди.

Май қадаҳларини тўлдириб, соҳийлар юриб базм аҳлига тутта бошладилар. Тиниқ шаробларни базм аҳли оби ҳаёт-

\* Шаҳнишин — уйларнинг туридаги супасимон баландроқ қисми.

дек юта бошладилар. Базм қизиди. Май бошга чиқди. Менга ҳам май ичириш фикрига бордилар. Мени ҳам бу даврага киритмоқчи бўлдилар. Мен бу чоққача кайф бўлгунимча шароб ичмас, мастлик ва сархушлик кайфияти ва ҳолатини тегишлича билмасдим. Лекин май ичмоққа майлим бор эди ва бу водийни босиб утишни кўнглим истарди. Ёшликда майлим йўқ эди, майнинг нашъа ва кайфини билмас эдим. Отам гоҳи май таклифи қилсалар ҳам узрлар айтиб, ичмасдим. Отамдан сўнг Хожа Қозининг қадами шарофатидан зоҳид ва тақводор бўлдим. Нафақат май ичиш, шубҳали таомдан ҳам ҳазар қилардим. Сўнгра-лар йигитлик ҳаваси ва нафс тақозосидан майга майл пайдо бўлди, таклиф қиладиган киши йўқ эди, балки майга майлимни биладиган киши йўқ эди. Кўнглим мойил бўлса-да, бундай қилмаган ишни ўзимча қилишим мушкил эди. Хаёлимдан кечдики, шунча таклиф қиляптилар, яна Ҳиротдек ораста шаҳарга келиб турибмиз, барча айш-ишрат асбоб ва ускунаси мукамал ва муҳайё, бори такаллуф ва неъматлар ашё ва асбоби тайёр ва пайдо бўлса, ҳозир ичмасам қачон ичаман, деб ичмоққа азм қилдим ва бу водийни босиб ўтмоққа жазм этдим.

Бироқ кўнглимдан ўтдики, Бадиуззамон мирзо огадир, унинг қўлидан ва унинг уйида ичмай, инисининг қўлидан ва инисининг уйида ичсам, хотирига нима келгай, деб бу иккиланишимни айтдим. Бу узримни маъқул деб, бу суҳбатда май таклифи қилмадилар. Бадиуззамон мирзо билан Музаффар мирзо бир жойда бўлганда иккала мирзонинг таклифи билан ичилади, деган қарорга келдик.

Базмда санъаткорлардан Ҳофиз ҳожи, Жалолиддин Маҳмуд ноий, Гулом Шодийнинг иниси Шодибача бор эди. Чанг чаларди. Ҳофиз ҳожи яхши қушиқ айтарди. Ҳирот халқи паст овозда, но-зик ва мулойим қилиб (ҳамвор) айтадилар. Жаҳонгир мирзонинг бир хонандаси бор эди. Миржон исмли. Самарқандлик эди. Қушиқни баланд, қўпол ва нотекис айтарди. Жаҳонгир мирзо кайф устида унга ашула айтишни буюрди. У

галати, баланд, дагал ва бемаза қилиб айтди. Хуросон эли ҳазил билан тирик эл. Унинг бу қўшиқ айтишидан бириси қулогини тутадими, яна бири афтини бужмайтирадими, мирзо туфайли ҳеч ким ман қилолмайди. Шом намозидан сўнг Тарабхонадан Музаффар мирзо солган янги қишлоқ уйига келдик. Ушбу уйга келганда, маст бўлиб қолган Юсуф Али кукалдош туриб раққослик қилди. Бу уйга келганда суҳбат анча қизиди. Музаффар мирзо менга бир камар шамшир, бир қўзи пўстин, бир бўз тойчоқ берди. Бу уйга келганда Жонак ўзбекча қўшиқ айтди. Музаффар мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ номли қуллари бор эди. Мастлик пайтларида улар анча бемаза ишқибозликлар қилдилар. Кечгача қизгин суҳбат бўлди, базм тарқади. Мен бу оқшом ушбу уйнинг ўзида қолдим. Менга май таклифи қилур хабарини Қосимбек эшитиб, Зуннунбекка киши юборибди. Зуннунбек мирзоларга насиҳат йўсинлик қаттиқ-қаттиқ айтиб, май таклифини батамом бартараф қилипти.

Бадиуззамон мирзо Музаффар мирзонинг меҳмондорлигини эшитиб, Боғи Жаҳонорода Муқаввийхонада базм тузиб, мени таклиф қилди. Бизнинг баъзи хос кишиларни ва йигитларни ҳам таклиф қилди. Менинг яқинимдагилар мен туфайли ича олмасдилар. Бу суҳбатда одамларимнинг ҳаммасига ичишга руҳсат берган эдим. Сабаби, бу суҳбат отаоғамиздек кишининг базми эди. Шунда ҳам улар тортиниб, гоҳ мени гофил қилиб, гоҳо қуллари билан тўсиб, юз ташвишлар билан ичар эдилар. Баланд-баланд сунъий мажнунтоллар келтирдилар. Табиийми ёки сунъийми шохларининг ораларига майда чивиқлар узунлигича ингичка-ингичка олтин барглар тизиб қўйилган эди. Ажойиб кўринарди. Ушбу зиёфатда олдимга гоз каботи қуйдилар. Шу пайтгача мен сира қуш бузмаган ва тўграмаган эдим, шу сабабли қул теккизмадим.

Бадиуззамон мирзо: „Нега майл қилмаяпсиз?“ деб сўради. Мен дедим: „Тўграш қўлимдан келмайди“. Бадиуззамон мирзо дарҳол гозни бузиб, тўграб олдимга қўйди. Бундай ишларда Бадиуззамон мирзо тенги йўқ киши эди. Зиё-

фат сўнгиди менга қимматбаҳо тошлар қадалган битта ҳашаматли камар хан-жар, бир зарбоф тўн, бир чопқир от тортиқ қилди.

Йигирма кундан бери Ҳиротда эдим, ҳар куни отланиб кўрмаган ерларни сайр қилардим. Бу сайрларда бошловчимиз Юсуф Али кўкалдош эди. Ҳар қайси сайргоҳга тушилганда, Юсуф Али кўкалдош бир нав ош тортарди. Бу йигирма кунда машҳур сайргоҳлардан биргина Султон Ҳусайн мирзонинг хонақоҳидан узга курилмаган ер қолмади шекилли. Гозургоҳ, Алишербекнинг боғчаси ва Жувози Коғаз ва Тахти Остона, Пуликоҳ, Каҳдистон, Боғи Назаргоҳ, Неъматобод ва Гозургоҳ хиёбони, Султон Аҳмад мирзонинг ҳазираси(мақбараси) ва тахти Сафар, Тахти Навоий ва Тахти Баргар, Тахти Ҳожибек ва Шайх Баҳовуддин Умар, Шайх Зайниддин, Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг мазорот ва мақбарасини, Намозгоҳи Мухтор ва Ҳавзи Моҳиён, Соқи Салмон ва асли исми Абдулвалид булган Биллурий, Имом Фахр ва Боғи Хиёбон, мирзонинг мадраса ва мақбарасини, Гавҳаршодбегимнинг мадраса ва мақбарасини, Масжиди Жомени, Боғи Зогон ва Боғи Нав, Боғи Зубайда ва Абу-саид мирзо солган дарвозаи Ироқнинг ташқарисидаги Оқсарой, Пурон ва Суфайи Тирандозон (ўқ отувчилар супаси), Чарголонг ва Мирвоҳид, Пули Молон ва Хожа Тоқ, Боғи Сафид ва Тарабхона, Боғи Жаҳоноро ва Кўшк, Муқаввийхона ва Савсанийхона, Дувоздаҳ бурж ва Жаҳоноронинг шимол тарафидаги катта ҳовуз, тўрт тарафидаги тўрт иморат ва қалъанинг беш дарвозаси: Малик, Ироқ, Ферузобод, Хуш ва Қипчоқ, Бозори Малик ва Чорсу дарвозаларини, шайхулилом мадрасаси ва Маликларнинг Жоме Масжиди, Боғшаҳр ва Бадиуззамон мирзонинг Инжил дарёси ёқасидаги мадрасаси, Алишербекнинг „Унсия“ аталмиш яшайдиган уйларини, „Қудсия“ номли мақбара ва Масжиди Жомени „Халосия“ ва „Ихлосия“ номли ҳаммомларини, мадраса ва хонақоҳни, „Сафоия“ ва „Шифоия“ аталмиш шифохоналарини оз фурсатда айланиб чиқдим.

Султон Аҳмад мирзонинг кичик қизи Маъсума Султонбегимни онаси Ҳабиба

Султонбегим бу туполонлардан бурунроқ Хуросонга олиб келган экан. Бир кун акамни кўргани келганимда онаси билан келиб мени кўрди. Кўрган заҳотиёқ менда хийла майл пайдо бўлди. Махфий кишилар бориб акам ва янгам билан (Поянда Султонбегимни „ака“, Ҳабиба Султонбегимни „янга“ дер эдим) сўзлашиб, шунга келишилдики, янга менинг ортимдан қизини олиб Кобулга борадиган бўлди.

Менга шу ерда қишланг деб, Муҳаммад Бурундуқбек ва Зуннунбек астойдил ҳаракат қилар, лекин қишлов ери ва қишламоқ асбобини яхши таъминлаб бермас эдилар. Қиш бўлди ва орадаги тоғларга қор ёғди. Кобул тарафидан ҳануз хавотирлик кўпроқ бўлди. Булар на қишловлик ерни муҳайё қилдилар, на бир эпақадаги қишлов ерни кўрсата олдилар. Охири зарурат бўлди, очиқ айта олмадик. Қишлов баҳонаси билан Ҳиротдан шаъбон ойининг еттинчисида чиқиб, Бодғис ерларида, токи вилоятларга нарсаяйгиш ва иш-куч тўплаш учун кетганлар келиб қўшилсинлар деб, ҳар юрда бир кун-икки кун тўхтаб кўчар эдик. Тухташ ва кутиш шу даражада бўлдики, Лангари Мирғиёсдан икки-уч кўч ўтганда рамазон ойи кўринди. Вилоятларга иш-куч учун кетган йигит-ялангдан баъзиси келиб қўшилди, баъзиси йигирма кун, бир ойдан сўнг Кобулга келдилар. Баъзилари қолиб мирзоларга навкар бўлдилар. Шулардан бири Сайдим Али дарбон эди, қолиб Бадиуззамон мирзога навкар бўлди.

Хисравшоҳ навкарларидан ҳеч кимга унингдек ҳурмат-эътибор қилмасдим. Жаҳонгир мирзо Ғазнини ташлаб чиққанида, Ғазни Сайдимга берилганди. Ўзининг қайниси Дўст эса Ангу Шайхни Ғазнига қўйиб, ўзи келиб лашкарга қўшилган эди. Ҳақиқатан Хисравшоҳ навкарлари орасида Сайдим Али дарбон билан Муҳиб Али қурчидан узга яхшироқ киши йўқ эди. Сайдим яхши ахлоқ ва атворлик киши эди. Қилични зўр чопарди. Уйда йигинсиз ва суҳбатсиз ўтирмасди, анча саховатли эди. Ажаб кифоятли ва ҳимматли, зарофат ва латофати гўзал, муносабат ва суҳбати ширин, хушхулқ, сўзамол ва ҳазилкаш

киши эди. Айби шу эдики, ўта фосиқ ва мазҳабида бироз четга огиш бор экан. Бироз иккиюзламачи эди. Баъзилар унинг бу феълени ҳазилга йўярдилар, бироқ уни бежиз айбламас эканлар. Бадиуззамон мирзо Ҳиротни Шайбоққа олдириб, Шоҳбекка келганида, мирзо билан Шоҳбекнинг орасига нифоқ солгани учун уни ўлдириб, Ҳирманд дарёсига ташлатади. Муҳиб Алининг воқеалари „Вақоеъ“ давомида зикр этилади.

Лангари Мирғиёсдан утиб, Фаржистоннинг чекка кентларини босиб, Чахчаронга келинди. Лангардан утиб, Фаржистон тупрогига етганда ҳаммаёқ қор эди. Қор борган сари катталашарди. Чахчаронда ҳам қор отнинг тиззасидан юқориоққа чиқарди. Чахчарон ерлари Зуннунбекка тегишли эди. Унинг ўрнида Миракжон Ирди исмли навқари турарди. Зуннунбекнинг ғаллаларини пул бериб олди. Чахчарондан икки-уч кўч ўтгач, қор жуда кўпайди, узангидан юқориоққа чиқарди. Кўп ерда отнинг оёғи ерга тегмасди. Яна тинимсиз қор ёғарди. Чароқдондан ўтгач ҳам қор кўп катта бўлди. Йўлимиз ҳам номаълум бўлди. Лангари Мирғиёс ерида Қобулга қайси йўл билан боришимизни кенгашидик. Мен ва аксар одамлар шундай мулоҳазада эдикки, ҳозир қиш, тоғ йўли кўп хавотирли, қийинчиликлар бўлади. Қандаҳор йўли бироз йироқроқ бўлса-да, лекин беташвиш ва беҳавотир бориладди. Қосимбек у йўл йироқ, мана шу йўл билан борамиз, деб туриб олди. Шу йўлга тушдик. Пир Султон пешойи\* йўл бошловчи эди, қарилigidанми ё гангирадими, ё қорнинг катталигиданми, йўлни йўқотди, бошлай олмади.

Қосимбекнинг ҳаракати билан бу йўлга тушгандик. Қосимбек уялгандан ўзи ва ўз ўғиллари қор тепиб, йўл топиб, олдинда юрардилар. Кейинги кун ҳам қор кўпайди. Йўл ҳам номаълум. Ҳар қанча ҳаракат қилдик, юролмадик. Чора тополмай қайтиб, бир ўтинлик ерга тушиб, етмиш-саксон сара йигитларни келган изимиз билан қайтиб, пастроқда қишлаган ҳазора-мазорадан топиб, йўл бошловчи келтирсинлар, деб тайин қилдик. У кет-

ганлар келгунча уч-тўрт кун бу юртдан кўчилмади. Борганлар ҳам яхши йўл бошлайдиган киши олиб келмадилар. Таваккал қилиб, Султон пешойини илгари солиб, йўл тополмай қайтган йўлимизга яна тушиб жўнадик. Бир неча кун кўп ташвиш ва машаққатлар тортилди. Умр бўйи бунча машаққат тортмаган эдик. Бу матлаъ ўша фурсатда айтилди:

*Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси  
қолдиму?*

*Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси  
қолдиму?*

Бир ҳафтага яқин қор тепиб, кунда бир-бир ярим шаръийдан ортиқ кўчилмас эди. Қор тепар киши мен эдим, ўн-ўн беш ички яқинлар ва Қосимбек эди. Икки ўғли — Тангриберди ва Қанбар Али билан яна икки-уч навқари ҳам бор эди. Ушбу кишилар яёв юриб, қор тепар эдик. Ҳар киши етти-саккиз-ўн қари илгари юриб қор тепарди. Ҳар қадам қўйганда белигача, кўксигача бота-бота қор тепар эди. Бир неча қадам боргандан сўнг илгариги киши ҳолдан тойиб тўхтар, яна бир киши олдинга ўтарди. Бу ўн, ўн беш-йигирма киши яёв бориб қорни тепгач, буш отни тортиш имкони бўларди. Буш от тортилар, узангисигача, қорнигача бота-бота бу буш от ҳам ўн-ўн беш қадамча йўл юриб толиқар эди. Бу отни четга тортиб, бошқа бир буш от илгари тортиларди. Ушбу йўсин билан биз ўн, ўн беш-йигирма кишининг отларигина илгари тортилди. Қолган барча йигитлар ва бек аталганлар отларидан ҳам тушмай, тайёр тепилган ва босилган йўлга кириб, бошларини қуйи солиб келишардилар. Кишига бирор нарса таклиф қиладиган ёки зўрлик қилиш пайти эмас эди. Ҳар кимнинг ҳиммат ва журъати бўлса, бундай ишларни ўзи тилаб қилади.

Шу усул билан қор тепиб, йўл қилиб Инжукон деган ердан уч-тўрт кунда Заррин довонининг тубига — Ҳаволи Қутий деган горга келдик. Ана шу куни қаттиқ бўрон бўлиб қор ёғарди. Барча ўлим ваҳимасига тушди. У эл тоғдаги гор ва ковакларни ҳавол дейди. Шу горга ет-

\* Пешойи — уруг-элат номи.



ганда, қор қуюни тезлашди. Ушбу гор қошида тўхтадик. Қор — кўп, йўл — сўқмоқ, тепилган-босилган йўл билан ҳам от зўрга юради. Кунлар гоят қисқалигидан олдиндагилар ёруғ пайти гор олдига келдилар, намозшом, хуфтон намозигача бошқалар етиб келди. Улардан кейингилар тўхтаган еридаёқ тушди. Кўплар от устида тонг оттирди, гор торроқ кўринди. Мен горнинг оғзида курак олиб, қор курадим, қорни кўксимгача қазидим, сира ерга етмасди. Бироз шамолдан пана булди, уша ерда ўтирдим. Ҳар қанча: „Горга кириш“ дейишса ҳам кирмадим. Барча эл қорда ва бўронда, мен иссиқ уйда ва истироҳатда ўтирмамми деб уйладим. Мунда барча эл ташвиш билан машаққатда, мен мунда уйқу билан фароғатда бўлайми?! Бу мурувват ва ҳамжиҳатликдан йироқ ишдир. Мен ҳам ҳар ташвиш ва машаққат булса кўрайин, ҳар нечук эл тоқат қилиб турса, турайн. Бир форсий мақол бор: „Дўстлар билан бирга бўлган ўлим — тўйдир“. Ўшандай қор қуюнида ўзим қазиган — ясаган чуқурда ўтирдим. Хуфтон намозигача қор шундай тез ёғдики, мен энгашиб ўтирган эдим, орқам, бошим ва қулоқларим устига тўрт энлик қор ёғди.

Ўша кеча қулоғимга совуқ таъсир қилди. Хуфтон намози пайти гор ичини яхши кузатганлар „Гор жуда кенгдир. Бунда ҳаммага етарли жой бор“, деб қичқиришди. Буни эшитишим билан, устимдаги қор-морни силкиб горга кирдим. Гор яқинидаги йигитларни ҳам таклиф қилдим. Қирқ-эллик кишига етдиган фароғатли жой бор экан. Егуликлар: қуритилган эт, қовурдоқ, кимда нима бўлса борини келтирдилар. Шундай совуқ, қор ва бўронда ажаб иссиқ бехатар ва фароғатли ерга келдик.

Эртаси саҳарлаб қор ва бўрон турди. Эртасига кўчиб уша йўсин билан қор тепиб, йўл ясаб, доvon устига чиқдик. Йўл ҳам қирлаб юқорига чиқаркан. Кутали Заррин (Заррин доvони) дер эканлар. Биз юқорига чиқмай дара ичи билан пастга йўналдик. Доvоннинг тубига етгунимизча кун кеч бўлди. Дара оғзидаёқ қўндик. Ўша кеча жуда қаттиқ совуқ булди. Кўп машаққат ва уқубат би-

лан у тунни ўтказдик. Кўп кишининг қўл-оёғини совуқ урди. Кепакнинг оёғини, Суюндук туркманнинг қўлини, яна Ахийнинг оёғини уша кеча совуқ олди. Эртасига дара қўйисидан юрдик. Йўлнинг бу эмаслигини билиб, кўриб, таваккал қилиб, дара қўйисидан юрилди. Ёмон учма, секиртма ерлардан тушилди. Намозшом пайтида, даранинг оғзига чиқдик.

Бу доvонда бунча катта қор бор пайти киши ундан ўтганини, бу доvондан ошиб ўтмоқ кишининг кўнглига келганини биронта қари-ёши улуг эслаёлмайди. Гарчи катта қордан бир неча кун анчагина ташвиш кўрган бўлсак-да, лекин охири ушбу катта қор туфайли ўзимизни манзилга етказдик. Чунки бундай катта қор бўлмаса, ўшандай йўлсиз учма ва секиртмадан ким ўта оларди?! Эҳтимол, катта қор бўлмаса аввалги учмадаёқ барчанинг от ва туяси батамом қолиб кетган бўларди.

*Ҳар неку бадеки дар шуморасть,  
То дарнигари салоҳи кораясть.*

(Мазмуни: Ҳар бир яхши-ёмонликни мулоҳаза қилиб кўрсанг, ҳаёт учун хайрли ишларга сабаб бўлади.)

Хуфтон пайти, Якка Ўлангга келиб тушдик. Якка Ўланг эли биз келиб тушгандаёқ хабар топдилар. Иссиқ уйлар, семиз қўйлар, отга ўт ва пичан бениҳоя, ўт ёқмоққа ўтин ва тезак беҳад ҳисобсиз эди. Ўшандай совуқ ва қордан қутилиб, бундай кенг ва иссиқ уйлар топмоқ, ундай машаққат ва балодан халос бўлиб, бунча кўп нон ва семиз қўйлар топмоқ бир ҳузурдирким, буни бундай машаққатларни кўрганлар билади, шундай бир фароғатдирки, буни ўшандай балоларни бошдан кечирганлар фаҳм қилади. Хотиржам ва кўнгил тинч ҳолда бир кун Якка Ўлангда турдик. Якка Ўлангдан кўчиб, икки йиғоч йўл юриб тўхтадик. Эртаси рамазон ҳайити булди. Бомиён билан юриб, Шибарту доvонидан ошиб, Жангалакка етмай тушилди. Туркман ҳазораси кўчлари ва моллари билан йўлимизнинг устидаёқ қишлаган экан. Биздан асло хабарлари йўқ. Эрталаб кўчиб келишда буларнинг оғил ва капалари орасига келиб тушдик. Икки-уч

бўлак огил талон-торож қилинди. Ўзгалари уй ва рузгорини ташлаб, бола-чақасини олиб тоққа чекинди. Илгаридан, бир неча ҳазора лашкар элининг олдини бир тоғ йўлининг тор жойида тўсиб, ўқ отишиб одамларни ўтгани қўймапти, деган хабар келди. Бу хабар келгач, илдам юрдим, бориб кўрсам, бир неча ҳазора тўсиқ орасидан эмас, бир тоғ тумшугидан келиб бамисоли ботир йигитлардек ўқ отмоқдалар.

Шеър:

Қаросин ёғийнинг курубтурлар,  
Дангу ҳайрон боқиб турубтурлар.  
Мен етиб тез ул сари юрудум,  
Юру-юру деб илгари юрудим.  
Гаразим элни тез қилмоқ эди,  
Ёғий бирла ситез қилмоқ эди.  
Тез этиб элни тортим ўзни,  
Ҳеч ким ҳам эшитмади сўзни,  
Йўқ эди жибаву кежиму яроқ,  
Менда бор эди нек ўқу садоқ.  
Турдум эрса тамом эл турди,  
Ёғий гуё буларни ултурди,  
Сен навкарким қилурсен онинг учун,  
Яроги бир маҳалда жонинг учун.  
Йўқки навкар туруб беги юругай,  
Навкар осудаву беги чуругай.  
Навкареким, бу таврдур, не осиқ,  
Не ишингга ярар, не ошқа қотиқ,  
Охир от солдим илгари юрудум,  
Сурубон тоғқа юққори юрудум,  
Мени кўруб юруди эл доғи,  
Қолди элдин кейинга қўрқоғи.  
Етибон тез тоққа тормоштук,  
Ўқиға боқмайин юруб оштук.  
Гаҳи оттин тушуб, гаҳи отлиқ,  
Юрубон илгарига журъатлиқ.  
Ёғий ҳам тоғдин ўқ қўяр эди,  
Зўр кургач солиб юрий берди,  
Тоққа чиқтук ҳазорани қовлаб,  
Қиру қулда кийик киби овлаб.  
Юругонни кийикдек отқуладук,  
Талабон молу қўйини бўладук.  
Қирибон туркман ҳазорасини,  
Айладук банд киши-қорасини.  
Эр атоғлиқни дастгир эттук,  
Аҳлу авлодини асир эттук.

Ҳазора молидан мен ҳам бир қисм қўй йиғдим. Ёрак тағойига топшириб, ўзим илгари ўтиб, қирлару қўллар билан юриб, ҳазораларнинг от ва қўйларини суриб, Темурбек лангарига келти-

риб тушдик. Туркман ҳазорасининг ўн тўрт-ўн беш қайсар ва йўлтўсар катталаридан қўлга тушганди. Хаёлимда бу эдики, тушган юртда уларни турли азоб ва уқубат билан ўлдирайликки, токи барча йўлтўсар ва қайсарлар учун ибрат бўлсин. Йўлда уларга Қосимбек йулиқиб, бемаврид раҳм қилиб, қўйиб юборипти.

*Замини шўра сунбул бар наёрад,  
Дар у тухми амал зоеъ магардов.  
Накуи бо бадон кардан чувон аст,  
Ки бад кардан ба жои некмардов.*

(Мазмуни: шуртупроқ ерда сунбул битмайди, ундай ерда умид уругини нобуд қилма. Шунга ухташ ёмонларга яхшилик қилиш яхшиларга ёмонлик қилишдир.)

Асирларга ҳам раҳм қилиб, озод қилинди. Ушбу туркман ҳазорасига ҳужум қилинаётганда эшитдикки, Муҳаммад Ҳусайн мирзо дуглат Султон Санжар барлос ва барча Кобулда қолган мўғулларни узларига тортиб, Мирзохонни подшоҳ қилиб, Кобулни қамал қилишипти. Эл орасида ушбу хабарни тарқатишиптики, Бадиуззамон ва Музаффар мирзо Бобур подшоҳни тутиб, Ҳиротнинг ҳозир Олақўрғон номи билан машҳур бўлган Ихтиёриддин қалъасига қаматилар. Кобул қўрғонида Мулло Бобои Пашоғарий, Халифа, Муҳиб Али қўрчи, Аҳмад Юсуф ва Аҳмад Қосим бошлиқ эдилар, булар матонат кўрсатдилар. Қўрғонни қаттиқ қуриқлаб, мустаҳкам қилиб асрадилар.

Темурбек лангаридан Қосимбекнинг тўқбойлик Муҳаммад Андижоний исмли навкари орқали Кобулдаги бекларга бу ерга келганимизни битиб юбордик. Гурбанд тор тоғ оралигидан чиқиб, уларнинг устига юрамиз, деган қарорга келдик. Манор тоғидан утган заҳотиёқ катта ўт ёқамиз, сизлар ҳам арқда — ҳозир хази-на бўлган эски кўшк устида катта олов ёқингиз. Токи, бизнинг келганимизни билибсизлар, деб уйлайлик. Биз бу томондан етгач, сиз ичкаридан чиқиб қўлингиздан келганча ҳаракат қилинг, деб келишиб олдик. Бу сўзларни ёздириб, Муҳаммад Андижонийдан юборилди.

Эртаси эрталаб Лангардан отланиб, Уштуршаҳр тўғрисида тушдик. Ундан саҳар отланиб, тушга яқин Гурбанд тор

тоғ оралигидан чиқиб, кўприк бошида тушдик. От сугориб, отни тиндириб, пешин намози чоғи кўприк бошидан отландик. Тутқовулгача қор йўқ эди. Тутқовулдан ўтиб борганимиз сари қор каттароқ бўлди. Зимма Яхши билан Манор орасида шундай совуқ эдики, умр бўйи мунча совуқни кўрмаган эдик. Аҳмад ясовул билан Қора Аҳмад юртчи яна Кобулдаги бекларга юборилди. Ўша ваъда муддати ўтиб, тоғ этагида тўхтаб, совуқдан бетоқат бўлиб, ўтлар ёндириб исиндик.

Ўт ёндирар вақти бўлмаса-да, совуқ зарбидан бетоқат бўлиб, ўт ёндирилди. Тонгга яқин, Манор тоғи этагидан отландик. Манор билан Кобулнинг орасида қор отнинг тиззасигача келарди. Қатқалоқ бўлганди, йулдан четга чиққан киши қийналиб юрар эди. Бу оралиқдан тизилишиб келдик. Шу боис фарз вақтида Кобулга зўрга етдик. Бибимоҳруйга етишимиздан бурунроқ арқдан катта ўт чиқди. Маълум бўлдики, хабар топишипти. Саййид Қосимнинг кўпригига ета солиб, Ширим тағойи била ҳужумчи қисм кишисини Мулло Бобонинг кўприги томонга юбордик. Сўл қанот ва марказ Бобо Лўли йўлига тушдик. У маҳаллар Халифа богининг ўрнида бир кичикроқ богча бўларди. Улугбек мирзо (Кобулий) солган эди. Лангар йўсинлик. Дарахт-ёғочи қолмаган бўлса-да, иҳоталанган эди. У ерга Мирзохон эгалик қиларди.

Муҳаммад Ҳусайн мирзо Улугбек мирзо солган Боғи Биҳишда эди. Мен Мулло Бобо богининг кўча тарафидаги қабристонга етиб эдимки, шошилиб, илгарилаб кетганларни уриб, қайтариб бизга томон ҳайдадилар. Илгари бориб Мирзохон утирган ҳовлига кирганлар тўрт киши эди. Бири Саййид Қосим эшик оға, иккинчиси Қанбар Али Қосимбек, учинчиси Шерқули қоровул мўгул, тўртинчиси Шерқулининг жамоатидан Султон Аҳмад мўгул эди.

Бу тўрт киши борибоқ, тортинмасдан Мирзохон утирган ҳовлига кирадилар, тўс-тўполон бошланади. Мирзохон бир отга миниб қочиб чиқади. Абулҳасан Қўрбегининг иниси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Мирзохонга навкар бўлган эди. Бу тўрт кишидан Шерқулини чо-

пиб йиқитишади. Бошини кесиш пайтида қутулиб кетади. Бу тўрт киши қилич еб, уқ еб, ярадор бўлиб, уша ерда бизга қўшилдилар. Кўчада отлик эл тиқилиб, тўхтаб қолди, на илгари юра олардилар, на кейинга қайта оладилар. Мен яқинимдаги йигитларга: — Отдан тушинглар, ташланинглар! дедим. Дўст Носир, Хожа Муҳаммад Али китобдор, Бобо Шерзод, Шоҳ Муҳаммад ва яна бир неча йигит отдан тушиб, бориб, уқ отдилар. Ёв қочаверди. Қўргондагиларга кўп кўз тутдик. Уруш пайти етиб келишмади. Ёвни қочиргандан сўнг бирин-кетин чопиб кела бошладилар. Ҳали Мирзохон утирган чорбоққа кириб улгурмаган ҳам эдимки, қўргондаги элдан Аҳмад Юсуф, Саййид Юсуф келди. Мен билан ҳамроҳ бўлишди. Мирзохон утирган боққа кирдик. Кўрдим. Мирзохон — йўқ. Қочиб кетипти. Тезданоқ қайтдим. Аҳмад Юсуф менинг ортимда эди. Чорбогнинг эшигидан Дўст Сарипулий пиёда қилич ялангочлаб кириб келди. У Кобулда мардоналиги туфайли ҳурмат-эътибор топган, уша ерда Кобулда соқчи даста бошлиги мансабига қўйилган эди, У менга тик қараб бостириб келарди. Мен совут кийган эдим. Камарбанд боғламагандим. Дубулга ҳам киймаган эдим. Бир неча марта „Ҳай Дўст, ҳай Дўст!“ деб қичқирдим, Аҳмад Юсуф ҳам қичқирди. Совуқ ва қорда юравериб ўзгарганимданми, ё мени танимади, ё уруш газабидан, тортинмай яланг билагимга қилич солди. Тангри инояти эди. Қил учича таъсир қилмади.

*Агар тиги олам бижунбад эн жой,  
Набуррад раге то нахоҳад Худой.*

(Мазмуни: „Агар олам тиги қўзгалса ҳам,  
Худо хоҳламаса бирор томирни кесолмайди“.)

Мен ушбу дуони ўқиган эдим. Унинг хосияти бўлди, Тангри таоло бу фалокатни даф қилди ва бу менга йўналган балони бартараф қилди. У мана бу дуодир: „Бисмиллаҳир роҳманир-роҳим. Аллоҳумма, анта роббий, ла илаҳа илла анта, алайка таваккалту ва анта роббул аршил-азим. Ма шааллоҳу кана ва ма лам яшаъ лам якун ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил-алийил-азим. Ва иълам инналлоҳа ала кулли шайъин

қодир. Ва инналлаҳа қод аҳато бикулли шайъин илман ва аҳсо кулла шайин ададан. Аллахумма инни аъзузу бика мин шарри нафси ва мин шарри ғойри ва мин шарри кулли зи шаррин ва мин шарри кулли даббатин, анта оҳаз би насиятиҳа, иннака роббил-аршил-азим“.

(Мазмуни: Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман. Аллоҳим, ўзинг роббимсан, ўзингдан ўзга илоҳ йўқ, ўзингга таваккал қилдим ва сен улуг арш роббисидирсан. Ниманики Аллоҳ хоҳласа бўлади, хоҳламаса бўлмайди. Ва ҳеч қандай мадад, куч-қувват йўқ, магар энг юксак ва буюк Аллоҳ билан. Ва билингки, Аллоҳ таоло ҳар бир ишга қодирдир. Ва албатта Аллоҳ батаҳқиқ ҳар бир нарсани ўз илми билан билиб турувчи ва ҳар бир ҳисобланувчи нарсанинг ҳисобини билувчи зотдир. Аллоҳим, нафсимнинг ёмонлигидан ва бошқа нафсининг ёмонлигидан ва ёмонлик қилувчиларнинг ёмонлигидан ва бошқа махлуқотларнинг ёмонлигидан ўзингдан паноҳ сўрайман. Албатта, сен улуг арш роббисидирсан.)

У ердин чиқиб Муҳаммад Ҳусайн мирзо ўтирган Боғи Биҳиштга келдим. Муҳаммад Ҳусайн мирзо қочиб чиқиб, яширинибди. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ўтирган богчанинг раҳнасида етти-саккизта ўқ-ёйлик киши турипти. Мен бу кишиларнинг устига отимни ниқтаб бордим, тўхтамай, қочабердилар. Мен етиб, бирига қилич солдим. Шундай юмалаб кетдики, боши учиб кетдимикан, деб ўйладим. Ўтиб кетдим, мен қилич солган киши Мирзохоннинг кўкалдоши Тулак кўкалдош экан. Қилич елкасига тушибди. Муҳаммад Ҳусайн мирзо ўтирган уйларнинг эшигига етганимда том устидан бир мўгул, менинг навкарим эди, уни танирдим, тик турган ҳолда юзимга қараб ёй тортди. У тарафдан-бу тарафдан „Ҳай, ҳай, подшоҳдир!“ дедилар. Ўқни қайтариб садоққа солиб қочди. Ўқ отишдан ҳам иш ўтган эди. Мирзоси ва сардорларидан қочгани қочди, қўлга тушгани тушди. Ушбу ерда ким учун ҳам ўқ отарди? Мен ҳурмат-эътибор қилиб Нингнаҳор туманини июнат қилганим Султон Санжар барлос ҳам бу фитнада улар билан шерик эди. Тутиб, бўйинини боглаб келтирдилар. Изтироб билан:

„Ҳой, менда не гуноҳ?!“ деб қичқирарди. Гуноҳ бундан ортиқ бўладими? Султон Санжар барлос бу жамоат билан ҳамжиҳат ва кенгашдошлардан бир улугроғи сен бўлсанг!

Хон додамнинг волидаси Шоҳбегимга жиян бўлар эди. Бундай шарманда қилиб сазойи қилманг, бунга улим йўқдир! — деб буюрдим.

Бундан чиқиб қургонда қолган беклардан бири Аҳмад Қосим кўҳбурни бир даста йигитлар билан Мирзохоннинг ортидан юбордим. Ушбу Боғи Биҳишт ёнида Шоҳбегим ва Хуб Нигорхоним чодирлар қуриб ўтирган эдилар. Бу богдан чиқиб, Шоҳбегимни ва хонимни кўргани бордим. Шаҳар эли ва саёқ-салпилар ҳужум қилиб, бурчак-бурчакда элни тутмоққа, мол таламоққа йўл қўйибдилар. Кишилар қўйиб, барча талончиларни уриб-суриб чиқардик.

Шоҳбегим ва хоним бир уйда ўтирган эдилар. Доимги ерда тушиб, бориб бурунгидек адаб ва таъзим билан кўришдим. Шоҳбегим ва хоним беҳад, беқийс изтиробда, хижолатдан бошлари эгик хижил эдилар. На маъқул узр айта оладилар, на дурустроқ ҳол-аҳвол сўрашга ботина оладилар. Булардан умидим бундай эмас эди. Бу фитначи гуруҳ ҳар қандай бадбахтлик ниятида бўлсалар ҳам бегимнинг, хонимнинг сўзларига қулоқ солар эдилар! Мирзохон ҳам Шоҳбегимнинг туғишган невараси, кеча ва кундуз бегим қошида эди, Мирзохон агар буларнинг сўзларига кирмаса, уни қўймай ўзларининг қошида сақласа ҳам буларди.

Неча марталаб замона нотинчлигидан ва даврон мурасасизлигидан, тахт ва мамлакат, навкар ва савдардан айрилиб, уларга илтижо этдим, онам ҳам борди, ҳеч қандай ҳурмат-эътибор ва шафқат кўрмадик. Менинг укам Мирзохоннинг ва онаси Султон Нигорхонининг ўз маъмур вилоятлари бор эди. Мен ва онам, ҳали вилоят нари турсин, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадик. Менинг онам Юнусхон қизи ва мен — набираси эмасмидим? У табақадан ким менинг даргоҳимга тушса, қўлимдан келганча қариндошлик ва яхшиликни жойига келтирдим, чунончи Шоҳбегим келдилар, Кобулнинг аъло ерларидан Памгонни бердим. Яна ҳар хил фар-

зандлик бурчи ва хизмат курсатишда камчиликка йўл қўймадим.

Султон Саидхон — Кошгар хони беш-олти яёв-яланг билан келди. Тугишган укаларимдек кўриб, Ламгон туманларидан Мандировар туманини бердим. Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда енгган маҳали, Қундузга ўтганимда, Андижон вилояти мен томонга боқиб, баъзи қўргонбегиларини қувиб, баъзи ерларини беркитиб, менга киши юбордилар. Мен Султон Саидхонга барча навкаримни топшириб, кўмак қўшиб, тугилиб ўсган ерим Андижон вилоятини унга бағишлаб, хон қилиб юбордим.

Ҳозиргача ҳам у табақадан ким келмасин, ўз тугишганларимдек кўрдим. Чунончи, Чин Темур Султон, Эсон Темур Султон, Тухта Султон ва Бобо Султон шу пайтларда менинг қошимдадилар. Барчани ўз тугишганларимдан яхшироқ кўриб, ҳурмат-эътибор ва шафқатлар қилганман.

Бу битилганлардан мақсад шикоят эмас, рост воқеаларни ёзаётирман. Бу ёзилганлардан мақсад ўзимнинг таърифим эмас, ҳақиқий воқеа баёнини таҳрир этганман. Чунки бу пайтларда шунга қарор қилинганки, ҳар сўзнинг рост битилгай ва ҳар ишнинг ҳақиқий воқеий баёни таҳрир этилгай. Зотан ота-огадан ҳар қандай яхшилик ва ёмонлик кўрган бўлсам ёздим. Қариндош ва бегонада ҳар қандай айб ва фазилатлар содир бўлган бўлса, таҳрир айладим. Ўқувчи маъзур тутсин ва эшитувчи эътироз қилмасин.

Бу ердан туриб Мирзохон ўтирган чорбоққа келиб, вилоятларга, аймақларга ва яқин-йироқларга фатҳномалар — зафар мактублари юборилди. Ундан сўнг отланиб аркка келдим. Муҳаммад Ҳусайн мирзо қўрқувдан хонимнинг тўшакхонасига қочиб кириб, тўшакнинг бўғжамасига ўзини боғлатипти. Қўргондагилардан Мирим девон ва яна баъзиларни бу уйларни ахтариб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони топиб келиш учун юбордик. У хонимнинг эшигига келиб, қўполроқ, одобсизроқ сўзлар айтипти. Ҳар ҳолда Муҳаммад Ҳусайн мирзони хонимнинг тўшакхонасидан топиб, аркда менинг қошимга келтирдилар. Мен бурунгидек

таъзим қилиб ўрнимдан турдим, унча қўполликка бормадим. Муҳаммад Ҳусайн мирзони, бундай хунук ва тубан ҳаракатга қадам қўйгани, бундай гавго ва фитна ишларга бош қўшгани учун бурда-бурда қилсам уринли эди. Орада ҳар ҳолда қариндошчилик бор эди: менинг тугишган холам Хуб Нигорхонимдан ўгил-қизлари бор эди. Бу ҳуқуқни эслаб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони озод қилдим. Хуросон сари рухсат берилди. Бу мурувватсиз ва Ҳақни танимайдиган киши менинг бундай яхшилигимни, яъни жонини омон колдирганимни буткул унутиб, Шайбонийхон қошида мендан гийбат ва шикоятлар қилибди. Оз фурсат ўтмай Шайбонийхоннинг ўзиёқ уни ўлдириб, жазосига етказди.

*Ту бад кувандаи худро ба рўзгор супор,  
Ки рўзгор туро чокарест кинагузор.*

(Мазмуни: Сен ўзингга ёмонлик қилгани ҳаёт измига топшир, бил ҳаёт қасоскор мулозимингдир.)

Мирзохоннинг ортидан юборилган Аҳмад Қосим кўҳбур (тоғкесар) ва яна бир неча йигитлар Қаргабулоқ қирларида Мирзохонга етадилар. У коча ҳам олмасди, қўл кўтаришига ҳам қувват ва журъати йўқ эди, олиб келдилар. Мен эски девонхонанинг шарқи-шимолий томонидаги айвонда ўтиргандим. Мен: „Кел, кўришайлик“, дедим.

Довдираганидан эгилиб келгунча икки марта йикилди. Кўришгандан сўнг, ёнимга ўтқазиб, кўнглини кўтардим. Шарбат келтирдилар. Мирзохондан ваҳимани кеткизиш учун шарбатни аввал ўзим ичиб, сўнг унга бердим. Мирзохон томонига ўтган сипоҳий ва эл, мўгул ва чигатой ваҳимада, ҳам нотинч эдилар. Шу боис эҳтиёт чораси сифатида, Мирзохонни эгачисининг уйидагина бўлишини буюрдик. Ушбу фитнага бош қўшган эл ва улусдан ҳануз хавф ва иккиланиш бор эди. Мирзохонни Кобулда қолишини маъқул кўрмай, бир неча кундан сўнг у Хуросон томонга жўнатилди.

Уларга рухсат бергандан сўнг, Борон, Чоштуба ва Гулбаҳор тоғ этаклари сайрига бордик. Баҳорда Борон чўли, Чоштуба дашти ва Гулбаҳор этаклари жуда файзли бўлади. Сабзаси Кобул вилояти-

нинг ўзга ерларига қараганда хийла яхши бўлади: турли-турман лолалар очилади. Бир маротаба лола навларини санашларини буюрдим: уттиз тўрт нав лола чиқди. Чунончи, бу ерлар таърифида бир байт айтилган эди:

*Сабзаву гуллар била жаниат булур  
Кобул баҳор,  
Хосса бу мавсумда Борон ёзясю  
Гулбаҳор.*

Ушбу сайрга келганда, бу газални ёзиб тугатдим:

*Меиянг кўнглумки гулнинг гунчасидек  
таҳ-батаҳ қондур.  
Агар юз минг баҳор улса очилмоғи  
не имкондур?*

Дарҳақиқат, баҳорда сайр қилмоққа, қуш солмоққа ва қуш отмоққа бу ерлардек жойлар кам учрайди. Шунинг учун Кобул ва Газни вилоятининг таъриф ва тавсифида биров сўз юритилди.

Ушбу йили Носир мирзо ва унинг қулидагилар муомаласи ва ишларидан Муҳаммад қўрчи, Муборакшоҳ, Зубайр ва Жаҳонгир сингари Бадахшон беклари ранжидилар, ҳатто ёв бўлдилар. Барча иттифоқ бўлиб, лашкар тортиб, Кўкча дарёсининг Яфтал ва Рог томонидаги

текислик орқали отлиқ-яёвни йигиб, саф тузиб қирлар бўйлаб Ҳамчоннинг яқинига келдилар. Носир мирзо ва қошидаги тажрибасиз йигитлар андиша ва мулоҳаза қилмай, булар билан қирларга келиб уруш қиладилар. Ери уйдим-чуқур, пиёдалари лашкар бир-икки марта от солганида тўхтаб уриб қайтардилар; бироқ дош бера олмай, қочадилар. Бадахшонликлар Носир мирзони енгиб, бор нарсаларини талон-торож қилдилар.

Носир мирзо яқинидагилар билан енгилб, таланиб, Ишкамиш ва Норин билан Келогойга бориб, Қизилсувнинг юқорисидан утиб, Обдара йўли билан кириб, Шибарту довонидан ошиб, Кобулга етмиш-саксонга таланган, олдирган, оч-яланғоч навкар-савдари билан келди.

Қодир Оллоҳнинг ишини қарангки, бундан бурун икки-уч йил Носир мирзо тамом эл ва улусни кўчириб, ҳайдаб, Кобулдан ёвлашиб чиқиб, Бадахшонга бориб, дара ва қўрғонларни беркитиб, не хаёллар билан юрарди. Бурунги қилмишларидан боши қуйи эгилган ва хижил, ўзининг сотқинлигидан шарманда ва хижолат бўлипти. Мен ҳам ҳеч нарсани юзига солмадим. Яхши сўрашиб-нетиб хижолатдан чиқардим.

## ТЎҒҚИЗ ЮЗ ЎН УЧИНЧИ(1507-1508) ЙИЛ ВОҒЕАЛАРИ

Гилжига ҳужум қилиш ниятида Кобулдан отландик. Саридеҳга тушганда хабар келтирдиларки, Саридеҳдан бир йиғоч наридаги Машт ва Секонада куп маҳмандлар гофил бўлиб ўтиришганмиш. Бор бек ва йигитлар маҳмандни талон-торож қилиш ҳақида яқдил бўлдилар.

Мен: „Шу муносиб ишми? Нима ниятда отланган эдигу, мақсадга етмай ўз халқимизни талон-торож қилиб қайтамизми? Бундай қилиш мумкин эмас“, дедим.

Саридеҳдан отланиб, Каттавоз чўлини кечаси билан қоронғуда босиб ўтдик. Қоп-қоронги кеча, теп-текис ер, на тоғ ва на қир кўринади. На йўл ва на из маълум бўлади, ҳеч ким йўлни бошқара олмади. Охири ўзим бошладим. Бир-икки маротаба бу ерларга келгандим. Ўша қиёс билан қутб юлдузини унғ яғри-

нимизга олиб юравердик. Тангри рост келтирди. Тўппа-тўғри Хожа Исмоил қирлари ёнида гилжилар жойлашган Қаёқту ва Улобату сойига келдик. Ушбу сойнинг ўзидан йўл чиқарди. У сойга тушиб, ўзимиз бир оз ухлаб, отимиз дам олиб, тонг отганда яна жўнадик.

Офтоб чиққанида бу қир ва тоғаро йўллардан текисликка чиқдик. Ушбу ердан гилжилар ўтирган ергача бир йиғочдан кўпроқ йўл бор. Текисликка чиққач, гилжининг қорасими, тутуними кўринди. Лашкар бирдан ёппасига илгарига отилди. Бир-икки курўхгача чопиб, кишига, отга уқ отиб, элни тўхтатдим. Бундай бирданга ёппасига талон-торожга ташланган беш-олти минг лашкарни тўхтатиш анча мушкул эди. Тангри қўллади: лашкар тийилди. Яна бир шаръийга яқин йўл юргач, афгоннинг қорасини кўриб, талон-торожга рухсат

берилди. Бу ҳужумда жуда кўп қўй қулга тушди. Ҳеч бир ҳужумда бунча кўп қўй тушган эмасди.

Молни ҳайдаб қайтганимиздан сунг, афгонлар ҳар тарафдан гуруҳ-гуруҳ келиб, текисликка ўтиб, уруш ҳаракатига тушдилар. Бир гуруҳни баъзи бек ва ичкилар бориб, ураб олиб, тамоман ўлдирдилар. Яна бир гуруҳи томонга Носир мирзо отланиб, барчасини қирди. Ўлган афгонлар бошидан калламинора кўтарилди. Оти зикр этилган Дўст Пиёда кутволнинг оёғига ўқ тегиб, Кобулга келганда ўлди. Хожа Исмоилдан кўчиб, Улобатуга келиб тушдик. Бу ерга келганда, баъзи бек ва ичкилар юриб, гайрат курсатиб, бу ўлжаларнинг хумсини (бешдан бир қисмини) давлат ҳисобига олишлари ҳақида фармон бердик. Қосимбек ва яна баъзиларнинг ҳурматини қилиб, хумсини олмадик. Қаламга келган хумс: ун олти минг қўй чиқди. Бу саксон мингнинг хумси эди. Ҳалок бўлган бекларга тақсимланган қўйлар юз мингтадан ортиқ эди.

У юртдан эрта отланиб, Каттавоз чўлида ов учун чарга (маълум ов майдонини катта давра олиб айланасига тизилиб овлаш усули) қўйилди. Бу даштнинг кийик ва қулони ҳамма вақт семиз бўлади ва кўп бўлади. Чарга орасига кўп қулон ва кийик кирди. Роса кўп қулон ва кийик ўлдирдилар. Ов асносида бир қулоннинг ортидан чопдим, яқинроқ етиб, бир ўқ отдим, иккинчи бор тагин отдим. Лекин бу захмлар йиқилгудек таъсир қилмади. Бу икки захмнинг зарбида югуриши бурунгидан секинроқ бўлди. Отни ниқтаб, яқин ёндашиб бориб, икки қулогидан ортидаги чаккасига қилич солдим. Кекиртагигина илиниб қолди. Муаллақ ошиб кетди. Кейинги оёғи узангимга тегаёзиб қолди. Қиличим жуда яхши кесди. Ажойиб семиз қулон эди. Этининг қалинлиги кишининг бир қаричидан биров камроқ келарди. Ширим тағойи ва баъзи Мўғулистон кийигини кўрганлар таажжуб қилиб: „Мўғулистонда ҳам бунчалик семиз кийик кам кўрган эдик“, дейишди. Бугун ҳам яна бир қулон отдим. Ушбу овда тушган қулон ва кийикнинг кўпи семиз эди. Лекин ҳеч қайсиси мен ўлдирган қулонча семиз эмас эди.

Бу ҳужумдан қайтиб келиб, Кобулга тушдик. Ўтган йилнинг охирида Шайбоқхон Самарқанддан Ҳирот умиди билан лашкар тортди. Туз кўр қилгур Шоҳ Мансур бахши... Андхуд унда эди. Шайбоқхонга кишилар юбориб, Шайбоқхонни отланмоққа шоширибди. Андхуд тупроғига келганда бу ... ўзбакка киши юборганман, деб ишониб, ясаниб, бошига турна пари санчиб, ҳадя тортиқ олиб чиқарда бописиз ўзбак туш-тушидан ташлашиб, бу ярамасни, тортиқ ва ҳадясинию кўрган кишисини тит-пит қилишипти.

Бадиуззамон мирзо, Музаффар мирзо, Муҳаммад Бурундук барлос ва Зуннун аргун Бобо Хокий атрофида бутун лашкари билан на урушмоқ азмида, на кўрган беркитмоқ жазмида, ҳеч ишни аниқ мўлжаллаёлмай, нима иш қилишни билмай саросимага тушиб ўтиришган эдилар. Муҳаммад Бурундукбек ишбилармон киши эди. У шундай депти: „Музаффар мирзо ва мен Ҳиротнинг кўргонини беркитайлик. Бадиуззамон мирзо билан Зуннунбек Ҳиротнинг атроф ерларидаги тоғларга бориб, Сийстондан Султон Али аргунни, Қандаҳор ва Замини Довардан Шоҳбек ва Муқимни лашкарлари билан келтириб, ўзларига қўшсинлар. Ҳазора ва накдарий лашкарлари қанча бўлса, йигиб тайёр турсинлар. Ганимнинг тоққа бормоғи мушкулдир. Ташқаридаги лашкарнинг хавфидан кўрган устига ҳам кела олмас“. Жуда яхши айтипти. Оқилона йўл эсига келипти. Зуннун аргун мардона киши бўлса-да, лекин хасис, молпараст иш юритиш йўл-йўригини билмайдиган, бефаросатроқ ва телбароқ киши эди. Шу фурсатларда, Ҳиротда ака-ука шериклик билан подшоҳ эдилар. Бадиуззамон қошида олий ихтиёрли бек шу эди. Қайд этилганидек, молпарастлиги туфайли Муҳаммад Бурундукнинг шаҳарда туришига рози бўлмади. Ўзи шаҳарда қолишни хаёл қилди, уни ҳам эплай олмади. Ҳийлагар ва тамаъгир кишиларнинг ёлғони ва хушомадига учиб, ўзини бадном ва расво қилди, унинг гуллик ва телбалигига ҳеч нима бундан яхшироқ далил бўлолмади.

Гап шундаки, Зуннунбек аргун бундай олийихтиёр ва эътиборга сазовор

бўлгач, бир неча шайх ва мулла унинг олдига келиб: „Авлиё Қутб биз билан муомала қилди. Сенга „Ҳизарбуллоҳ“ (Оллоҳнинг шери) лақаб бўлди. Сен ўзбакни енгасан!“ дейишади. У бу сўзларга ишониб, бўйнига фута солиб, шукрлар қилибди. Ушбу сабабларга кура, Муҳаммад Бурундуқнинг маъқул йўл-йўригига амал қилмай, на қўрғонни ҳимоя қилипти, на уруш яроғини созлабди, на қаровул, на ёв келганидан хабардор қилувчи, огоҳлантирувчи кишиларни қўйипти, на ганим келса кўнгилдагидек урушадиган ҳарбий сафда тартиб ва қоида ўрнатибди.

Охир-оқибат улар Шайбоқхон муҳаррам ойи Мурғобдан ўтиб, Серкой тупрогига яқин етгандагина хабардор бўладилар. Саросимага тушиб, ҳеч иш қила олмайдилар. На элни йига оладилар, на жанг сафини туза оладилар. Тўгри келган тарафдан ёвга қараб юраберадилар. Зуннун аргун ушбу хушомадга учиб, қирқ-эллик минг ўзбакнинг қаршисига юз-юз элликтача кишиси билан Қора Работда туради. Ганим кўп кишиси билан етиб келибоқ буларни енгади. Зуннунни тутиб, ўлдириб, бошини кесадилар.

Мирзоларнинг оналари, опа-сингил ва аёллари ҳамда хазинаси — ҳаммаси Олақўрғон номи билан машҳур бўлган Ихтиёрдин қалъасида эди. Мирзолар шаҳарга кеч етиб борадилар. Ярим кечагача отларини тиндириб ухлайдилар. Саҳар вақти шаҳарни ташлаб чиқиб кетадилар. Қўрғон беркитишни хаёлларига ҳам келтиролмайдилар. Мунча муддат ва фурсатда оналари ва эгачи-сингилларини, кўч ва бола-чақани ҳам олиб чиқмай ўзбакка асирликка ташлаб қочадилар. Қўрғонни мустаҳкам қилмоқни уйламадилар ҳам.

Поянда Султонбегим, Хадичабегим бошлиқ Султон Ҳусайн мирзонинг аёллари ва Бадиуззамон мирзонинг, Музаффар мирзонинг аёллари ва бола-чақалари — барчаси, мирзоларнинг хазиналари ҳамда бор уй анжом-ускуналари Олақўрғоннинг ичида эди. Қўрғонни кўнгилдагидек мустаҳкам ва саранжом қилмаган эдилар. Қўрғонга мадад бўлгулик йигитлар ҳам етарли эмас эди. Мазидбекнинг укаси Ошиқ Муҳаммад аргун яёв, лашкардан қочиб келиб қўрғонга

кирди. Булар Алихон Амир Умарнинг ўғли, Шайх Муҳаммад Абдулло бакавул (ошпаз), Мирзобек Кайхисравий ва Мирраки кўр девон эдилар. Шайбоқхон келгач, икки-уч кундан сўнг шайх ул-ислом ва зодагонлар аҳд ва шарт қилиб, ташқиқўрғоннинг калитларини олиб бордилар. Қўрғонни мана шу Ошиқ Муҳаммад ўн олти-ўн етти кун сақлади. Ташқаридан — Отбозори тарафидан тешик очиб, ўт қўйиб, қўрғон деворининг бир минорасини учирдилар. Қўрғон эли шошилиб қолиб, қўрғонни сақлай олмадилар, олдирдилар.

Шайбоқхон Ҳиротни олгандан сўнг, бу подшоҳларнинг авлод-аждоди билан, нафақат бу жамоа, балки бутун халойиқ билан ёмон қилди. Қишлоқи ва олам кўрмаган бу одам беш кунлик ўтар дунё учун бундай ёмон от қозонди. Шайбоқхондан хунук хатти-ҳаракат ва ярамас қилиқлар Ҳиротда содир бўлди: аввало, чирик дунё учун Хадича бегимни Шоҳ Мансур бахши...га топнириб, турли азобларга солди. Яна Шайх Пурондек валий ва азиз кишини мўғул Абдулваҳабга тутдирди, ҳар ўғлини яна бир кишига тутдирди, яна аҳли шеър ва истеъдодни Мулло Биноийга топширди.

Хуросон закийлари орасида бу ҳақда бир қитъа шуҳрат топди:

*Бажуз Абдуллоҳи кери хар имруз,  
Надида ҳеч шоир рўйи зарро.  
Биноий зар тамаъ дорад зи шоир,  
Магар хоҳад гирифтаи кери харро.*

(Мазмуни:

*Бу кун эшак олати Абдуллодан бошқа  
Ҳеч шоир олтин бетини кўрмаган.  
Биноий шоирлардан олтин тамаъ қилади,  
Улардан эшак олатин олармиди?!)*

Яна Музаффар мирзонинг Хонзодабегим исмли хотинини Ҳиротни олгандаёқ идда муддатига боқмай, ўзига никоҳлаб олди. Яна қози Ихтиёр билан Ҳиротнинг машҳур ва қобилиятли мулаларидан Муҳаммад Мир Юсуфга, ўзи оми бўлишига қарамай, тафсирдан сабоқ айтди. Яна Мулло Султон Али Машҳадий билан Беҳзод мусаввирнинг тасвир ва хатига қалам тегизиб, ислоҳ қилди. Яна ҳар неча кунда бир бемаза байт ёзар ва минбарда ўқитиб, чорсуга ости-



риб, шаҳар элидан ҳадя оларди. Гарчи Шайбонийхон саҳархез, беш вақт намозни тарк қилмайдиган, қироат илмини тузуккина биладиган киши бўлса-да, лекин бундай гулларча, аблаҳларча, кофирларча сўз ва қилмишлар ундан куп содир бўларди.

Ҳиротни олганидан ун-ун беш кун ўтгач Қаҳдистондан Пули Солорга келиб, бор лашкарини Темур Султон билан Убайд Султонга бошлатиб, Машҳадда гофил ўтирган Абулмуҳсин мирзо билан Кепак мирзо устига юборди. Бир маротаба Қалотни беркитишни хаёл қилиптилар. Яна бир маротаба бу лашкарнинг келаётганини эпитиб, ўзга йўл билан Шайбоқхоннинг устига юрмоқчи бўладилар. Бу жуда яхши хаёл экан. Аммо ҳеч ишга ва ҳеч қайси сўзга қарор бера олмай ўтирганда Темур Султон билан Убайд Султон лашкар билан илдам етишадилар. Мирзолар ҳам жангга саф тортиб чиқадилар. Абулмуҳсин мирзони тез енгадилар. Кепак мирзо озроқ киши билан акасининг ганимига ташланади. Уни ҳам енгадилар. Иккала ака-укани қўлга туширадилар. Бир ерда ўтиргизганларида, ака-ука бир-бирини қучиб, ўпишиб, видолашадилар. Абулмуҳсин мирзонинг қўрқоқлиги намоён бўлади. Кепак мирзога афтидан ҳеч нарсанинг фарқи йўқ эди. Иккала мирзонинг бошларини Шайбоқхон Пули Солорда эканида юборадилар.

Шу орада Шоҳбек ва укаси Муҳаммад Муқим Шайбоқхондан ваҳимага тушиб менга такрор-такрор элчи ва мактублар юбориб, бирдамлик ва хайрихоҳлик изҳор қилдилар.

Муқим ҳам бир мактубида мени очиқ чақирган эди. Ўзбак вилоятни бутунлай олган бундай пайтда бизнинг қараб турмоғимиз муносиб кўринмади. Бунча элчилар ва мактублар юбориб бизни тиладилар, уларнинг келиб мулозамат қилмоқларига ишончимиз қолмади. Барча беклар ва фикри бутун кишилар билан кенгашиб: лашкар отлансин, бу аргун беклари бизга қўшилгандан сўнг Хуросон устига юрамиз ё буларнинг маъқул ва тўғри маслаҳати билан бошқа режа тузамиз, деган қарорга келдик. Бу ният билан Қандаҳор сари йўлга тушдик.

Янгам Ҳабиба Султонбегим юқорида зикр этилганидек, қизи Маъсума Султонбегимни Ҳиротда келишганимиздек олиб келди. Газнида мулоқот қилдик. Хисрав кўкалдош, Султонқули чиноқ ва Гадоий Билол Ҳиротдан қочиб, Ибни Ҳусайн мирзо қошига боришган эдилар. Ундан Абулмуҳсин мирзо қошига борадилар. У ердада ҳам тура олмай, бизнинг қошимизга улар билан бирга келдилар.

Қалотга етганда бу ерга савдо қилгани келган кўп Ҳиндустон савдогарларига дуч келдик, қоча олмадилар. Лашкар эли улар устига етиб бордилар. Кўпчилик, бундай ёвгарчилик пайти душман вилоятга келгани таламоқ керак деган мулоҳазани билдириб, мени кўндирмоқчи бўлишди. Мен рози бўлмадим. Дедимки: „Савдогарнинг не гуноҳи бор? Бундай майда-чуйда фойдадан Тангри розилигини ўртага қўйиб кечсак, бунинг эвазига Тангри таоло катта-катта фойдани насиб қилгусидир. Чунончи, ушбу бир неча кун аввал Гилжигга ҳужумга отланганимизда маҳманд афгоний қўй ва мол, аҳлу аёли билан лашкардан бир йигоч нарида эди, кўпчилигинингиз уни таламоқчи бўлдингиз. Мен мулоҳаза қилиб, рози бўлмаганимиз. Эртасигаёқ Тангри таоло Гилжидаги ганим афгонийнинг молидан лашкар элига шунчалик кўп ўлжа насиб этдики, ҳеч бир ҳужумда бунчалик қўй тушмаган эди“. Қалотдан ўтиб, бу савдогарлардан ҳадя расми бўйича бир нарсалар олинди.

Кобулни олгандан сўнг Хуросонга кетишига рухсат берилган Мирзохон, Хуросондан чиққанда у ерда қолган Абдураззоқ мирзо биз Қалотдан ўтганимизда Қандаҳордан қочиб келдилар.

Биҳар мирзонинг набираси — Жаҳонгир мирзонинг ўгли Пирмуҳаммад мирзо, бу Пирмуҳаммад мирзонинг онаси шу икки мирзо билан келиб бизга қўшилди. Шоҳбек билан Муқимга: „Сизларнинг сўзингиз билан бу ерга келдик. Ўзбакдек ёв Хуросонни олди, келинг! Давлат барқарорлиги учун сизларнинг иттифоқ ва хайрихоҳлигингизда бирор қарорга келайлик“, деган мазмунда хат ва кишилар жўнатилди.

Хат ёзганлари ва бизни чорлаганларидан Муқим ва Шоҳбек мутлақо тониб,

бетамизларча қўпол жавоблар юборишди. Қишлоқилигининг бири шу эдики, Шоҳбекнинг менга битилган хати орқасида беклар бекларга, аниқроғи улугроқ мартабалик беклар кичикроқ мансаблик бекларга муҳр босадиган жойда — қоғоз ўртасига муҳр босиб юборипти. Агар бундай ғализ ҳаракатлар қилмаса ва бундай қўпол жавоблар юбормаса эди, иш бунга бориб етмасди.

Негаким:

*Ситеза ба жое расонад сухан,*

*Ки вайрон кунад хонадони кўҳан.*

(Мазмуни: *Зугум билан айтилган сўз қади-мий хонадонларни вайрон қилиб юборади.*)

Ушбу хусумат ва қишлоқиликлари оқибатида уй-жойини ва ўттиз-қирқ йил йиққан-терганларини елга бердилар.

Шаҳри Сафо тупроғида эканимизда бир куни ўрда — лашкароғ ичида чалгитувчи бир ғавго кўтарилди. Барча лашкар эли қуролланиб отландилар. Мен гусл ва таҳоратга машғул эдим. Беклар жуда ташвишга тушдилар, фориғ булиб мен ҳам отландим. Ғавго хато булган экан, бир оздан сўнг босилди. У ердан манзилма-манзил кўчиб Гузарга тушдик. Бу ерда ҳам мураса билан сўзлашиш пайида булдик. Аргунлар бунга парво қилмай, қайсарлик ва ўзбошимчаликларидан қолмадилар. Ер-сувни биладиган хайрихоҳларимиз: Қандаҳорга келадиган сойларнинг боши Бобо Ҳасан Абдол ва Халишак тарафида, деб айтдилар. У юзга ўтиб Қандаҳорга келадиган сойларни батамом бузмоқ керак. Шунга келишиб, тонгда зирҳланиб, жанговар ўнг қанот, чап қанот бўлиб сафланиб, Халишакка кўчилди. Шоҳбек ва Муқим Қандаҳор тоғининг мен тош иморат қаздирган тумшуғининг олдида чодир тикиб ўтирган эдилар. Муқимнинг кишилари тезлик қилиб, дарахтлар ораси билан яқинроқ келдилар. Шаҳри Сафо атрофида эканда қочиб келган Туфон аргун, ёлғиз аргунларнинг жанг сафи томонига ёндашипти. Ишқулло дегани етти-саккиз киши билан ажралиб, жадал илгарилаб келади. Туфон аргун ёлғиз бориб юзма-юз бўлиб, қилич солишиб, отдан йиқитиб, бошини кесиб, мен Санги Лаҳшак тўғрисида ўтганда келтирди, яхшиликка йўйдик.

Бу ер маҳалла ва дарахтларнинг ораси эди, бу жойда урушишни маъқул кўрмай, тоғ этаклари билан ўтиб, Халишакнинг олдида — сойнинг Қандаҳор тарафидаги утлоқда юрт тайин қилиб тушаётган эдик, Шерқули қоровул илдам келиб, арз қилди: „Ён саф тортиб етиб келди“. Қалотдан ўтганда, лашкар эли анча очлик ва танқислик тортган эди. Халишак тупроғига келгач, юқориқўйдан қўй ва мол, дон ва сомон топиш учун лашкар элининг кўпи ҳар тарафга тарқалган эди. Лашкарнинг йиғилишини кутмай тезда отландик. Бизнинг ҳозир бўлган кишимиз икки мингтага яқин эди. Бу ерга тушаётганимизда, айтилганидек, юқориқўйи лашкардан анча киши кетганди. Уруш вақти улар қўшила олмадилар. Урушга ҳозир кишимиз мингтача чиқарди. Кишимиз оз бўлса-да, лекин анча пухта ва мустаҳкам жанг сафи тартиб қилган эдим. Ҳеч вақт бунча тартиб ва низом билан саф тузмасдим. Хосса тобинга (шоҳнинг махсус ҳарбий қисми) батамом қўлидан иш келадиган йигитларни айириб олган эдим: ўн-ўн ва эллик-эллик битилиб, ўн боши ва элликбошини тайин қилгандим. Ҳар ўн ва ҳар эллик ўнг ва сўл қўлларда турар ерларини билиб, уруш пайтида қиладиган ишларини аниқлаб, ҳозир ва нозир эдилар. Ўнг қанот, сўл қанот ва ўнг қўл ва сўл қўл, ўнг ён ва сўл ён, ўнг ва сўл жадал отлангач, хабарчи лашкар қисм ҳам қийналмай тайинланган ерга томон юра бердилар.

Гарчи баронғор (ўнг қанот) ва ўнг қўл, ўнг ён ва ўнг сўзларининг маъноси бир хил бўлса-да, лекин сўз ўзгариши билан ҳар хил маъно беради. Чунончи, (баронғор) ўнг қанот ва чап қанот (жавонғор) маъносидаги маймана ва майсара, жанговар сафнинг маркази гул таркибида эмас. Бу нав жанговар сафни ўша истилоҳ маъносида баронғор ва жавонғор дейилади. Гул сафининг ўнг ва чапини фарқ этиш учун ўнг қўл ва сўл қўл деб айтилди. Хосса тобин (махсус қисм) буй тенгидир, туркий тилда буйдоқни ҳам буй дейдилар, аммо бунда у буй тушунилмайди, балки яқин деган маъносини беради. Бунинг ўнг ва чапи ўнг ва сўл деб аталди.

Баронгор (ўнг қанот): Мирзохон, Ширим тагойи, Ёрак тагойи ака-укалари билан, Чалма мўгул, Айюббек, Муҳаммадбек, Иброҳимбек, Али Сайдим мўгул мўгуллари билан, Султон Али танқўриқчи, Худобахш ва Абулҳасан ака-укалари билан.

Жавонгор (чап қанот): Абдураззоқ мирзо, Қосимбек, Тангриберди, Қанбар Али, Аҳмад элчи Бўга, Ғўри барлос, Саййид Ҳусайн Акбар, Миршоҳ қавчин.

Ировул (ҳужумчи қисм): Носир мирзо, Саййид Қосим эшик ога, Муҳиб Али қўрчи, Бобо ўгли Олловеран туркман, Шерқули қоровул ака-укаси билан, Муҳаммад Али.

Гулда (марказда), менинг ўнг қўлимда Қосим кўкалдош, Султон Муҳаммад дулдой, Шоҳ Маҳмуд парвоначи, Қул Боязид баковул (ошпаз), Камол шарбатчи; сўл қўлимда: Хожа Муҳаммад Али, Дуст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Хонқули, Вали хазиначи, Қутлуққадам қаровул, Мақсуд сувчи, Бобо Шайх. Гулда буткул хос амалдорлар эди. Катта беклардан ҳеч ким йўқ эди.

Бу зикр этилганлардан ҳеч ким ҳали беклик мартабасига етмаганди. Бу қисмда Шербек, Ҳотам қўрбеги, Кепак Қулбобо, Абулҳасан қўрчи, мўгуллардан Урус, Али Саййид, Дарвеш Али Саййид, Хушкелди чалма, Дусткелди чалма тоғчи ва Амочи Мединий, туркманлардан Мансур ва Рустам Али ака-укаси билан, Шоҳназар Суюндук битилган.

Ганим кишиси иккига бўлинди: бир гуруҳ Шоҳбек номи билан машҳур Шоҳ Шужоъ аргун бошчилигида. Бундан сўнг фақат Шоҳбек деб битилади. Яна бир бўлаги укаси Муқим бошчилигида. Бу аргунларнинг одамларини олти-етти минг ҳисоблар эдилар. Шубҳасиз тўртбеш минги қурол-яроғли эди. Марказ ва ўнг қанот билан Шоҳбекнинг ўзи рўпара бўлди. Муқим чап қанот билан юзмаюз турди. Муқимнинг лашкари акасининг лашкаридан бир озгина камроқ эди. Бизнинг жавонгордаги Қосимбек ва йўлдошларига у жуда қаттиқ ҳужум қилди. Уруш вақтигача икки-уч киши келиб Қосимбекдан кўмак тилади. Бизнинг олдимиздаги ёв ҳам кучли бўлгани учун кўмак ажратиб беролмадик. Ганим тарафига тўхтамай ҳаракат қилдик. Уқ

кеда бошлаган фурсатда бир бизнинг ҳужумчи қисмимизни уриб қайтариб, марказга тикдилар. Тинмай ўққа тутиб олдинга силжийвердик, бир оз фурсат уқ отиб душманлар тўхтагандек бўлдилар. Қаршимда бир киши элни чақириб, отдан тушиб (менга) ўқ отмоқчи бўлди, биз тўхтовсиз юриб келганимиз сабабли, мақсадига етолмай отланиб жўнаб қолди. Отдан тушган бу одам Шоҳбекнинг ўзи экан.

Уруш пайти Пирибек туркман тўртбеш ака-укаси билан саллаларини ечиб, ёвдан юз ўгириб, бизга қўшилдилар. Бу Пирибек Шоҳ Исмоил Бояндур султонларига эга бўлиб, Ироқ мамлакатини эгаллаганида Абдулбоқий мирзо ва Муродбек Бояндур бошлиқ туркман беклари билан келган туркманлардандир.

Ўнг қанотимизни ёв бурунроқ чекинтирди. Ўнг қанотимизнинг учи мен кейинроқ барпо қилган боққа тисарилиб борди. Чап қанотимиз Бобо Ҳасан Абдолдан хийла қўйироқ икки ёнига дарахтлар ўтқазилган ариқларга етиб борди. Бизнинг чап қанотимиз рўпарасида ўзига яқин кишилари билан Муқим турарди. Чап қанотимиз кишилари ганим Муқим кишиларига нисбатан жуда оз эди. Тангри иноят қилди. Қандаҳор ва кентларига борадиган икки ёнида дарахтлар ўсиб ётган уч-тўртта катта ариқ бизнинг чап қанотимиз ва ганим ўртасида бўлди. Бизникилар кечик бошини эгаллаб ёвни ўтишга қўймадилар.

Чап қанот жангчилари оз бўлишига қарамай яхши, мардонавор урушиб ёвни тўхтатди. Аргунлар тарафидан Ҳалвочи тархон сув ичида Қанбар Али ва Тангриберди билан қилич чопишдилар. Қанбар Али яраланди. Қосимбекнинг пешонасига ўқ тегди. Ғўри барлоснинг қоши устига ўқ тегиб чаккасидан тешиб чиқди.

Ушбу фурсатда ёвни қочириб, бу ариқлардан Мурғон (қушлар) тоғининг тумшугига қараб ўтдик. Ариқлардан ўтаётган пайтимизда бир чопқир от минган киши тоғ этагида у томонга ё бошқа томонга кетиш учун тараддулланиб, охири бир томонга қараб жўнади. Шоҳбекка ўхшатдим. Чамаси Шоҳбек эди. Ёвни енггач, бизникилар уларни батамом асир тушириш ва қувлаш учун кет-

дилар. Мен билан саноғлик — ўн бир киши қолганди. У ўн бир кишидан дурусти Абдулло Китобдор эди. Муқим ҳамон жойидан жилмай урушар эди. Кишимизнинг озлигига қарамай, Тангрига таваккал қилиб, ногораларни қоқиб, ганим устига юрдик.

*Купу озга Тангридир бергучи,  
Бу даргоҳда йуқтур кишининг кучи.*

„Кам мин фиатин қолилатин голабат фиатан касиротан биизниллаҳ“ (Таржимаси: Худонинг амри билан кичик гуруҳнинг катта гуруҳ устидан галаба қилган ҳолатлари оз эмас).

Ганим ногора овозини эшитиб, бизнинг олға юрганимизни билди, саросимага тушиб, қочиш йўлини тутди. Тангри қўллади, ёвни қочириб, Қандаҳор сари юриб, Фаррухзодбекнинг, ҳозирги вақтда нишон ҳам қолмаган чорбоғига келиб тушдик. Шоҳбек ва Муқим шу қочганларича, Қандаҳор қалъасига кира олмадилар. Шоҳбек Шол ва Мастунг тарафга чиқди. Муқим Замини Довар тарафига кетди. Қўргонни ҳимоя қилишга бирор одам қолдирмаган эди.

Қулибек аргуннинг ака-укаси билан менга ихлос ва самимиятлари маълум бўлган Аҳмад Али тархон ва бошқалар қўргонда эдилар. Улар мен билан келишиб, ака-укаларининг жонига омонлик сўрадилар. Булар иноятимиздан баҳраманд бўлиб, қилган илтимослари амалга оширилди. Қўргоннинг Мошур дарвозасини очдилар. Элнинг бебошлигини ўйлаб, бошқа дарвозалар очилмади. Ушбу очилган дарвозага Ширимбек ва Ёракбек тайин қилинди. Узим бир неча хос кишиларим билан кириб, бебош одамларни қайтариб, сиёсат учун бир-иккитасини ўлимга буюрдим. Аввал Муқимнинг Тошқўргондаги хазинасига бордим. Абдураззоқ мирзо мендан илгарироқ келиб тушган экан.

Абдураззоқ мирзога хазинадан бирор нарса иноят қилиб, бу хазинанинг устига Дўст Носирбекни, Қул Боязид ошпазни ва ҳисобчилардан Муҳаммад бахшини тайинладим.

У ердан ўтиб, аркка бордим. Шоҳбек хазинасининг назорати ва ҳисобини олиш учун Хожа Муҳаммад Али, Шоҳ Маҳмуд ва ҳисобчилардан Тағойи Шоҳ

бахши тайинланди. Мирхон деган Зунуннинг девони уйига Мирим Носир ва Мақсуд сувчи юборилди. Мирхон Носир мирзога топширилди. Мирзохонга Шайх Абусаид тархон тутиб топширилди. У вилоятларда бундай кўп оқ тангани сира кўрган эмасдик. Балки бунча пулни кўрганман, деган кишини ҳам эпитмаганмиз. Ўша кечани аркнинг ўзида ўтказдим. Шоҳбекнинг Сунбул деган қулини тутиб келтирдилар. У аввал унинг маҳрами бўлса-да, унча ҳурмат-эътибор топмаган эди. Бировга топширдим, яхши асрамай қочириб юборипти.

Эртаси Фаррухзоднинг ўрда жойлашган чорбоғига келдим. Қандаҳор вилоятини Носир мирзога бердим. Хазиналарни забт қилиб, юклаб чиқаётган пайтда, аркдаги хазинадан оқ танга юкланган бир қатор туяни Носир мирзо олиб қолибди. Уни талаб қилиб ўтирмай, Носир мирзонинг узига ҳадя қилиб юбордим. Ундан кучиб, Қушхона сайхонлигига тушилди. Урдани кўчириб, узим сайр қилиб, кечроқ ўрдага етиб келдим. Бурунги ўрда эмас, таниб бўлмайдиган бир ўрда бўлибди: яхши чопқир отлар, қатор-қатор моя ва нор туялар, хачирлар ва тўқима мато ёпилган эгарли урғочи туялар, жундан тўқилган матолар ва бахмал чодирлар, шоҳона катта чодирлар ва ҳар бири уюм-уюм қоп ва сандиқлар. Бу икки ака-уканинг нарсаларини бошқа-бошқа хазина қилинган эди. Ҳар хазинада сандиқ-сандиқ, той-той матолар, юкланадиган даражадаги қоп-қоп оқ тангалар. Ҳар кимнинг ўтови ва чодирда ҳар хил ўлжадан кўп эди, қўй ҳам бисёр эди. Қўйга кўп ҳам қарамадилар.

Қалотнинг ичида Муқимнинг навкарлари бўлиб, уларнинг бошлиғи Қуч аргун ва Тожиддин Маҳмуд эдилар, уларни мол ва нарсалари билан Қосимбекка иноят қилдим. Қосимбек узоқни кўра оладиган, эҳтиёткор киши эди. Қандаҳор ерларида кўп туришимизни маъқул кўрмай, такрор-такрор айтавериш ўлжалари билан охири кўчиртирди. Айтиб ўтилганидек, Қандаҳорни Носир мирзога иноят қилиб, Носир мирзога рухсат бериб, Кобулга томон йўлга тушдик. Қандаҳор тупроғида хазина улашишга фурсат бўлмади. Қорабоғда тўрт-беш кун

туриб, хазина улашилди. Санаш қийин эди, тарози билан тортиб улашилди. Бек ва кичик беклар, навкар ва тобин бир эшаклик-бир эшаклик, қоп-қоп оқ тангани уловларига юклаб, кўтариб олиб кетардилар. Кўп ўлжа ва мол, улуг обрў ва шон-шухрат билан Кобулга келдик.

Султон Аҳмад мирзонинг қизи Маъсума Султонбегимни, Хуросондан сўраб келтириб эдим, ушбу келганимда никоҳимга олдим. Олти-етти кундан сўнг Носир мирзонинг навкарларидан бир киши, Шайбоқхоннинг келиб Қандаҳорни қамал қилгани хабарини келтирди. Муқимнинг Замини Довар тарафга қочгани аввал зикр этилган эди. У бориб Шайбонийхонни кўради. Шохбекдан ҳам кетма-кет элчилар боради. Буларнинг игво ва тезлаши билан Шайбоқхон Ҳиротдан тоғ йули орқали, мени Қандаҳорда деб ўйлаб, Қандаҳор устига юради. Шуларни мулоҳаза қилган, тажрибалик Қосимбек олинган ўлжалар билан бизни Қандаҳордан кўчирди.

*Ҳар чи дар ойна жавон бинад,  
Пир дар хишти пухта он бинад.*

(Мазмуни: *Ёш киши ойнага қараб кўрган нарсани кекса одам пишиқ гиштга қараб кўра олади.*)

Шайбоқхон келиб Носир мирзони Қандаҳорда қамал қилади. Бу хабар келгач, бекларни чақириб кенгаш қилинди. Мен шундай мулоҳазаларни изҳор этдим: „Ўзбак ва Шайбоқхондек ёт эл ва қари душман Темурбекнинг барча авлодлари қўлидаги вилоятларга эга бўлдилар. Турк ва чигатойлардан турли гўшаларда қолганлари ҳам баъзиси ихтиёрий, баъзиси қурққанидан ўзбакка қўшилиб кетди. Бир мен Кобулда қолиб эдим. Душман жуда кучли, биз кўп заиф, бизда на маслаҳат қилиш эҳтимоли, на қаршилиқ қилиш мажоли бор. Унда эса бунча қувват ва қудрат. Ўзимизга бирор тайинли ер фикрини қилмоқ лозим эди ва бу миқдор имкон ва фурсатда кучли душмандан йироқроқ айрилганимиз яхши: ё Бадахшон томон ё Ҳиндистон сари жазм қилмоқ керак. Бу икки тарафдан бир тарафга отланмоқ керак“.

Қосимбек ва Ширимбек ўзларига қарашли кишилари билан Бадахшонга

бормоққа тарафдор эдилар. У фурсатда Бадахшонда бош кутарганлар бадахшонликлардан Муборакшоҳ ва Зубайр эди. Яна Жаҳонгир туркман ва Муҳаммад қўрчи эди. Улар Носир мирзони Бадахшондан чиқариб ўзбакка ҳам қўшилмаган эдилар.

Мен ва баъзи хос беклар Ҳиндистон тарафига боришни муҳимроқ ҳисоблаб, Ламгонга юриш бошладик. Қандаҳор фатҳидан сўнг Қалот ва Тарнук вилоятини Абдураззоқ мирзога иноят қилиб, Абдураззоқ мирзо Қалотга қўйилган эди. Ўзбак Қандаҳорни келиб олгач, Абдураззоқ мирзо Қалотда тура олмай, Қалотни ташлаб чиқди. Биз Кобулдан кўчган фурсатда етиб келди. Кобулга Абдураззоқ мирзо қўйилди. Бадахшонда подшоҳ ва подшоҳзодалардан ҳеч ким йўқ эди, шу боис, Шохбегимнинг муносабати ё маъқул кўриши билан Мирзохонга Бадахшон сари рухсат берилди. Шохбегим ҳам Мирзохон билан йўлга тушиб, жўнадилар. Менинг холам Меҳр Нигорхоним ҳам Бадахшонга бормоқчи бўлдилар. Менинг билан бирга бўлишларининг сабаби кўпроқ эди, туғишганлари эдим, ҳар қанча ман қилсак-да, кўнмадилар. Улар ҳам йўлга тушдилар.

Жумод ул-аввал ойи Кобулдан Ҳиндистон нияти билан кўчдик. Кобулнинг ўзи билан юриб Сурхработ орқали Қуруқсойга тушилди. Кобул билан Ламгон орасидаги афгонлар, ҳатто тинч пайтларда ҳам ўғри, ҳам каззобдирлар, уруштўполонларда-ку уларга роса Худо беради. Мени, Кобулни ташлаб Ҳиндистонга боради, деб эшитгач, бир ёмонликлари ун бўлди, яхши одамлари ҳам ёмонликка юз тутишди. Шунчага етдики, Жигдаликдан кўчган тонгда оралиқдаги хизрхайл, хирилжи ва хушён афгонлари Жигдалик доvonини тўсмоқни ўйлаб, шимол тарафидаги тоққа жанговар саф ясаб келиб, ногора чалиб, қилич ўнатиб — йўлни тўса бошладилар. Отланганимиз биланоқ лашкар эли теваракатрофини ўраб тоққа юрсинлар, деб буюрдим. Лашкар эли тошларни паналаб, эҳтиёткорлик билан чопа-чопа тоққа юрдилар. Афгонлар бир оз вақт тўхтаб, бир ўқ ҳам ота олмадилар, қоча бердилар. Афгонларни қувлаб тоққа чиқдим,

бир афгон паст тарафимдан ёнлаб қочиб боряпти. Қўлини мўлжаллаб отдим. Бу уқ теккан афгонни, яна бир неча афгонни тутиб келтирдилар. Сийёсат учун баъзиси сихга ўтиргизилди.

Нингнаҳор туманига — Одинапур қўргонининг олдига тушилди. Аввалроқдан йироқни кўзлаб, тўхтаса бўладиган бирор юрт ташвишини қилмадик. На бормоққа бирор аниқ ер, на турмоққа бирор юрт муайян, юқори-қуйи бориб, яна бир хабар келгунча юртни янгилаб кўчардик. Кеч куз эди. Текисликлардаги шоли деярли йиғиб олинганди. Ер биладиган кишилар: „Алишанг тумани сойининг юқори қисмида шолини кўп экадилар, лашкарга қишлик ошлиқ эҳтимол, ўша ердан топилар, деб айтишди. Нингнаҳор ўтлоғидан отланиб, илдам келиб, Соигилдан ўтиб, Пуройин дарасигача бордик. Лашкар эли кўп шоли олдилар. Шолиторлари тоғнинг тубида эди. Эли қочиб кетди. Бир неча кофир қатл қилинди. Пуройин дарасининг тумшугидан бир неча йигит кузатувга чиқарилган эди. Қайтиш вақтида кофирлар тоғ устига илдам келиб ўқ қўйдилар. Қосимбекнинг куёви Пуройинга етиб олиб, уни болта билан чопиб олар маҳали, бошқа йигитлар қайтиб, зурлик қилиб қочириб, Пуройинни ажратиб олдилар. Кофирлар шолиторидида бир кеча қуниб, кўп шоли олиб ўрдага келинди.

Ушбу кунларда Мандировар тумани ерларида ҳозирги вақтда Шоҳ Ҳасаннинг никоҳидаги Муқимнинг қизи Моҳчучук Қосим кўкалдошга никоҳлаб берилди.

Ҳиндустон томонга бориш масаласида бир тўхтамага келолмадик. Шунинг учун Мулло Бобойи Папоғарий бир неча йигитлар билан Кобулга юборилди. Мандировар тупроғидан кўчиб, Атар ва Севага келдик. Бир неча кун у ноҳияда ўтирилди. Атардан бориб Кунар ва Нургилни сайр қилдик. Кунардан жолага (ёғочлик солга) ўтириб ўрдага келдим. Ундан бурун бундай қайиққа ўтирмагандим. Хийла хуш ёқди. Шундан сўнг жолада ўтириш расм бўлди.

Ушбу айёмда Мулло Мирак Фаркатий Носир мирзо қошидан келди. Шайбоқхон Қандаҳорнинг тапқи қўргонини

олиб, аркини ололмай қайтгани, Шайбоқхон қайтганидан сўнг баъзи сабабларга кура Носир мирзо Қандаҳорни ташлаб, Газнига келганининг хабарини шарҳлаб арз қилди. Бир неча кундан сўнг Шайбоқхон Қандаҳор устига эл гофиллигида келади. Ташқи қўргонни берки-та олмайдилар, олдирадирлар. Ўзбаклар аркнинг атрофида бир неча ердан лаҳм қазийдилар, бир неча маротаба уруш қиладилар. Носир мирзонинг буйнига ўқ тегади, аркни олишларига бир баҳя қолган экан.

Ана шундай мушкул бир ҳолатда Хожа Муҳаммад Амин, Хожа Дуст Хованд, Муҳаммад Али пиёда, Шомий қўргондан ўзларини ташлаб чиқадилар. Қўргон эли умидсизланиб, энди енгиллаётган пайтда Шайбоқхон сулҳ тузишни сўрайди. Сўнг Қандаҳор устидан қайтиб кетади. Қайтмоғининг сабаби бу бўладики, Қандаҳор устига келаётганида хонадони аҳлини Нератуга юборган экан. Нератуда бир киши бош кўтариб, қўргонни эгаллайди. Шу сабабли Қандаҳордан енгил-елпи сулҳ тузиб қайтади.

Бир неча кундан сўнг қиш ўртаси бўлишига қарамай, Бодипеч йўли билан Кобулга келдик. Бодипеч йўли устидаги бир тошга бу келиш ва кетиш тарихини уйиб ёзиб қуйишларини буюрдим. Ҳофиз Мирак битиди. Устод Шоҳ Муҳаммад тошйўнарлик қилди. Шошилаётганимиз сабабли ёзув кўнгилдагидек бўлмади.

Газнини Носир мирзога иноят қилдим. Абдураззоқ мирзога Нингнаҳор тумани, Мандировар, Дарайи Нур, Кунар ва Нургил берилди. Ушбу пайтгача Темурбекнинг авлодини салтанат юзасидан мирзо дер эдилар. Ушбу навбат мен, мени подшоҳ десинлар, деб буюрдим.

Шу йилнинг охири, сешанба кечаси, зулқаъда ойининг тўртинчисида, офтоб Ҳут буржида эди, Кобулнинг аркида Ҳумоюн таваллуд топди. Таваллуд шеърӣ тарихи санасини Мавлоно Саййидий шоир „Султон Ҳумоюнхон“ сўзларида топган эди. Кобул шоирчаларидан биров „Шоҳи Феруз қадр“ сўзларидан топди. Уч-тўрт кундан сўнг Ҳумоюн исми билан номланди. Ҳумоюн туғилганидан беш-олти кун ўтгач, Чорбоққа чиқиб, Ҳумоюн таваллудининг тўйи бўлди. Кат-

та-кичик беклар катта-кичик сочқи келтирдилар. Кўп оқ танга тўкилди. Ундан бурун бунча кўп оқ танга пул би-

роп ерда кўрилмаган эди. Жуда яхши тўй булди.

### ТЎҚҚИЗ ЮЗ УН ТЎРТИНЧИ(1508-1509) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Бу ёз Муқур тупрогида маҳманд афгоннинг бир бўлаги талон-торож қилинди. Ушбу юришдан келиб тушгандан бир неча кун утиб, Қўчбек, Фақир Али Каримдод ва Бобо танқуриқчи қочилди хаёл қилибдирлар. Хабар топиб, киши юборилди. Истаргачнинг пастрогидан тутиб олиб келдилар. Жаҳонгир мирзонинг тиригида ҳам булар ҳақида баъзи ярамас сўзлар эшитилган эди. Барчасини бозорбошида қатл этишга буюрдим. Дарвозага элиб, арқон солиб осаётган пайтида Халифани Қосимбек юбориб, ялиниб-ёлвориб гуноҳларини тилади. Бекнинг хотирини қилиб қонларидан кечдим, зиндонга солишни буюрдим.

Ҳисорийликлар ва қундузликлар, Хисравшоҳ навкарлари бўлган мўгулларнинг улуглари Чалма, Али Саййид Шакма, Шерқули, Эгу Солим, яна Хисравшоҳнинг чигатойлардан булган эътиборли навкарлари — Султон Али чухра, Худобахш бошлиқ, яна туркманлардан Суюндук ва Шоҳназар бошлиқ икки-уч минг сараланган йигитлар бу муддатда бир-бирлари билан сўзлашиб, сўзни бир ерга қўйиб, бизга нисбатан хусумат йўлини танлабдилар. Бу зикр этилганлар Хожа Ривожнинг олдида

### ТЎҚҚИЗ ЮЗ УН БЕШИНЧИ(1509-1510) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Душанба куни, муҳаррам ойининг биринчисида Чановал ўтлогининг пасида эдик, қаттиқ зилзила бўлди. Зилзила ярим нужумий (астрономик) соатга яқин давом этди. Эрталаб бу юртдан кўчиб, Бажавр қўргонини олиш истаги билан Бажавр қўргони яқинига тушиб, дилазак афгонларидан бир мутабар кишини Бажаврга юбордик. Токи у Бажавр султони ва элига буйинсуниб қалъани топширишлари учун насиҳат қилсин. Бу бадбахт жоҳил жамоа насиҳатни қабул қилмай, мужмал жавоблар юбордилар. Лашкар эли тўра (одам бўйи узун қалқон. Жангчи унинг орқасида туриб ўқ отади), шоти (норвон) ва қўргон олмоқ

Сўнқўргон ва Чолак сайхонликлари оралигида ўтирган эдилар. Абдураззоқ мирзо Нингнаҳордан келиб, Деҳи Афгонда утирарди. Бир-икки навбат буларнинг бундай терсланганини Муҳиб Али қўрчи Халифа билан Мулло Бобога айтади. Менга ҳам бир ишора қилдилар. Ишонгудек сўз эмас эди, парво қилилмади.

Бир оқшом чорбоғда девонхонада ўтирган эдим. Кеч хуфтон намози пайтида ёндан Мусо Хожа яна бир киши билан илдам келиб, қулоғимга айтдиларки, мўгуллар ростдан ҳам ёвлашмоқчи эмишлар. Абдураззоқ мирзони улар ўзларига қўшадиларми-йўқми, аниқ билмадик. Булар ҳам қўзғолон бу оқшом булишини аниқ билмас эдилар. Ўзимни ҳеч нарса билмаганликка солиб бир лаҳзадан сўнг ҳарам сари йўл олдим. У пайтда ҳарамлар Боғи Хилватда ва Боғи Юрунққада ўтирар эдилар. Ҳарамга яқин етганда чўри-чурпа, хизматчи эл нари кетдилар. Улар кетишгандан сўнг, мен ва Сарварқул шаҳар сари юрдик. Хандақ йули билан Оҳанин дарвозасига етганимда, у тарафдан Бозор йули билан Хожа Муҳаммад Али келди. Бирга келиб мен ҳаммом тоқининг...

асбобини тайёр қилсинлар, деган фармон бердик. Бу тараддуд учун бир кун уша юртда ўтирилди.

Пайшанба куни, муҳаррам ойининг тўртинчисида лашкар эли совут кийиб, яроғланиб, отлансин. Жанговар сафнинг чап қаноти илгари юриб, Бажавр қўргонининг юқори ёнида сув кирадиган ерда сувдан ўтиб, қўргоннинг шимол тарафига тушсин, Гул (марказ) кишиси қўргоннинг ғарби-шимолида сувни кечмай нотекис баландлик ва пастлик ерда тўхта син. Унг қанот пастки дарвозанинг ғарбига тушсин, деб буюрилди.

Дўстбек бошлиқ чап қанот беклари дарёдан ўтиб, тушаётган пайтида қўргон-

дан юз-юз элликтача пиёда чиқиб, уларни ўққа тутдилар. Бу беклар ҳам илгари юриб, отишиб, олишиб, пиёдаларни қўргонга тиқиб, қалъа девори тубига суриб бордилар. Мулло Абдумалик Хостий девоналарча от билан девор тубига кириб борар эди. Агар шоти ва тура тайёр бўлиб, кун кеч булмаганида, ўша соатда қўргон олинарди.

Мулло Турк Али ва Тангрибердиннинг навкарлари ёв билан қилич чопишиб, ганимни тутиб, бошини кесиб келтирдилар. Ҳар қайсисига жулду (ҳарбий соврин) ваъда бўлди. Бажавр эли, туфангни (милтиқ) кўрмаган эдилар. Шунинг учун туфанг товушини эшитганда асло парво қилмадилар. Балки туфанг товушини эшитгач, масхаралаб, эрмак қилгандай тутуруқсиз масхараомуз ҳаракатлар қилардилар. Ўша куни устод Алиқули беш кишини туфанг билан отиб йиқитди. Вали хазиначи ҳам икки кишини туфанг билан йиқитди. Ўзга туфанг отувчилар ҳам туфанг отишда кўп жасорат кўрсатиб аниқ-аниқ отдилар. Қалқондан, совутдан, говсардан (молбошисимон ҳарбий тўқмоқ) ўтказиб-ўтказиб, душманни йиқита-йиқита отдилар. Оқшомгача чамаси етти, саккиз, ўн бажаврлик туфанг ўқидан йиқилди. Ундан сўнгра, шундай бўлдики, туфанг зарбидан бош чиқара олмасдилар. Энди кеч булди, лашкар асбобни тайёр қилиб, саҳарлаб қўргонга ёпишсинлар, деган фармон булди.

Жума куни, муҳаррам ойининг бошланишида саҳар вақти уруш ногорасини чалиб, ҳар ким белгиланган еридан юриб, қўргонга ёпишсинлар, деб фармон бердик. Чап қанот билан гул (марказ) ўз муайян жойларидан бараварига турани кўтариб, шоти қўйиб ёпишдилар. Халифа Шоҳ Ҳасан аргун ва Аҳмад Юсуф бошлиқ гулнинг сўл қўлига — чап қанотга кумак бўлсинлар, деган фармон булди. Қўргоннинг шарқи-шимолий қалъа минорасининг тубига Дўстбекнинг одамлари кириб, қазиш-йиқитиш ишлари билан машғул бўлдилар. Устод Алиқули ҳам ўша ерда эди. У кун ҳам у яхши туфанг отди, икки маротаба фаранги (европача милтиқ) отди. Вали хазиначи ҳам бир кишини туфанг билан йиқитди. Гулнинг (марказнинг) сўл қўлидан Малик Али

Қўтбий шотига бурун чиқиб, бир муддат ёлғиз узи ҳарб ва зарбга машғул бўлди. Гул тайинланган жойда Муҳаммад Али жанг-жанг ва укаси Навруз, ҳар қайсиси биттадан шотига чиқиб ганимга найза ва қилич тегиздилар. Яна бир шотига Бобо ясовул чиқиб, болта билан қўргоннинг томини бузишни бошлади. Аксар йигитлар унда яхши уришиб, кўп ўқ ёғдириб, ганимни бош чиқаргани қўймадилар. Яна баъзи йигитлар ёвнинг ҳарб ва зарбига ҳеч парво қилмай, ўқу тошини кўзга заррача илмай, қўргон тешмоққа машғул бўлиб кетган эдилар.

Тупига яқин Дўстбекнинг кишилари қазиётган шарқий-шимолий минора тешилди. Дўстбекнинг одамлари ганимни қочириб, минора устига чиқдилар. Ўша пайтда гул (марказ) дагилар ҳам шотидан қалъага чиқди. Гулдан у қўргонга чиқдилар. Тангри таолонинг лутфу инояти билан шундай берк ва мустаҳкам қўргон икки-уч соатда фатҳ булди. Йигит-яланг шунчалик гайрат ва жасорат кўрсатиб, баҳодир деган яхши ном қозондилар.

Бажавр эли итоатсиз, ислом эли билан душман эдилар. Итоатсизлик ва душманлик бир томон бўлса, кофирлар расм-русуми бу элда амал қиларди ва ислом одатлари бу элда зое эди. Қалъа жангчилари оммавий қатлга буюрилди ва аҳлу аёллари батамом асир олинди. Тахминан уч мингдан кўпроқ киши қатл этилибди. Шарқ томонда уруш бўлмагани учун озроқ киши шарқ тарафдан қочиб чиқдилар.

Қўргон олингандан сўнг, кириб қўргонни айланиб чиқдик. Томларда, уй ва кўча-кўйларда бениҳоят кўп ўлик ётарди. Ўтгувчи-кетувчилар уликлар устидан утиб-қайтар эдилар. Сайрдан қайтиб, султонларнинг уйида ўтириб, Бажавр вилоятини Хожа Калонга иноят қилдик. Сара йигитлардан кўп кишини кумак учун тайин қилиб, шом намози вақтида ўрдага келинди.

Эртаси тонгда кўчиб, Бажаврнинг ўтлогиде Бобоқаро чашмаси бўйида тўхтадик. Қолган бандиларга Хожа Калоннинг шафоати билан гуноҳларидан кечиб, уларга аҳл ва аёллари қайтариб берилди. Баъзи қўлга тушган султонлари ва қайсарлари қатл этилди.



Султонларининг боши ва яна бир неча бош бу галаба хабари билан Кобулга юборилди. Бадахшон, Қундуз ва Балхга ҳам фатҳномалар билан бошлар юборилди. Юсуфзайдан келган Шоҳ Мансур юсуфзай бу фатҳда ва бу оммавий қатлда бор эди. Тун кийдириб, юсуфзайга сиёсатлар билан фармонлар битиб, рухсат берилди.

Бажавр қўргонидаги муҳим ташвишларидан хотиржам бўлиб, сешанба куни муҳаррам ойининг тўққизинчисида кўчиб, бирор куруҳ (4 км) қуйроққа — ушбу Бажавр сайхонлигининг ўзида тушиб, бир тепаликда калламинора қуриш буюрилди.

Чоршанба куни, муҳаррам ойининг унинчисида сайр қилишга отланиб, Бажавр қалъасига бордик. Хожа Калоннинг уйида шароб базми бўлди. Бажавр еридаги кофирлар бир неча тулунда (чарм идиш) шароб келтирдилар. Бажаврнинг шароби ва меваси батамом шу атрофдаги кофиристондан келади. Кечаси у ерда бўлдик. Саҳарда қўргоннинг минора ва кунгираларини кўздан кечириб, отланиб, урдага қайтиб келдим.

Эртаси тонгда, Хожа Хизр сойи ёқасига қўндик. Ундан кўчиб, Чандовал сойи қиргогида тўхтадик. Бажавр қўргонига кўмакка белгиланган кишилар бирорта қолмасдан борсинлар, деган фармон бўлди.

Якшанба куни, ойнинг ўн тўртинчисида Хожа Калонга туг июнат қилиб, Бажавр қўргонига рухсат берилди. Хожа Калонга рухсат бергандан бир-икки кун сўнг мана бу қитъа кўнгилга келди. Хожа Калонга битиб юбордик:

*Қарору аҳд бо ёр инчунин набуд маро,  
Газид ҳажру маро кард беқарор охир.  
Ба ишваҳон замона чи чора созад кас,  
Бажавр\* кард жудо ёрро зи ёр охир.*

(Мазмуни: Менинг ёр билан қарору аҳдим бундай эмас эди. Охири ҳажри чақиб, мени беқарор қилди. Замона ишваларига киши нима чора қилади? Охирда Бажавр ёрни ердан жудо қилди.)

Чоршанба куни, муҳаррам ойининг ўн еттинчисида Султон Вайс Саводийнинг

чопари — Султон Алоуддин Саводий келиб, мулозамат қилди. Пайшанба куни, ойнинг ўн саккизинчисида Бажавр билан Гандовал орасидаги тоғда ов қилдик. Бу тоғнинг бугу, марали қоп-қора бўлади. Қуйруғи яна ўзгача ранглик. Афтидан бундан қуйироқдаги Ҳиндустон бугу маралларининг ҳаммаси қоп-қора бўлади. Ушбу куни яна бир сариқ қуш тутилди, у ҳам қора эди. Кўзлари ҳам қора эди. Уша кун бургут бир кийикни олди.

Лашкар элида дон камроқ қолган эди. Каҳрож дарасига бориб, дон-дун олиб, Саводга, Юсуфзай афгонийнинг устига юриш нияти билан жума куни кўчиб, Чандовал дарёси билан Бажавр дарёси қўшилишидаги Панжкура дарёси оралигига тушилди.

Шоҳ Мансур юсуфзай бир неча хушхўр ва серкайф камоли мевасини келтирган эди. Бир камолини уч бўлиб, бир ҳиссани мен едим, бирини Гадои тағойи, яна бирини Абдулло китобдор едилар. Жуда яхши кайф берди. Шу даражадаки, шом намози чоғи беклар йигилганда, кенгашга чиқа олмадим. Ҳайрон қоламан! Эндилар ўша турдаги камолидан биттаси яхшилаб ейилса, унинг ярмича кайф қилмайди.

У ердан кўчиб, Каҳрож ва Пешгром дараларининг оғзига яқин Панжкуранинг олдида тушдик. Ушбу юртда эканда тўпиққача қор ёғди. Бу орада аҳён-аҳён-да қор ёғар экан. Эл таажжуб қилдилар.

Султон Вайс Саводий билан келишиб лашкар маслаҳати учун Каҳрож элига тўрт минг қоп дон солиғи солинди. Бу ошлиқни ундиришга Султон Вайсни юбордик. Қишлоқи тоғлик эл ҳеч қачон бундай солиқ топширган эмаслар. Бунча донни беролмай, қийналдилар.

Сешанба куни, ойнинг йигирма учинчисида лашкарни Ҳиндубекка бошлатиб, Панжкурага хужумга юборилди. Панжкура тоғнинг ўртасидан юқорироқда жойлашган. Бир куруҳга яқин довонга чиқмоқ керак бўлади: Панжкуранинг кентларига одамларимиз етиб боргунча, ерли халқ қочиб чиқиб кетишипти. Бир қисм мол-ҳолларини ва уйларидаги кўп дон-

\* Бу мисрада сўз ўйини қилинган, яъни „Бажавр“ сўзи „қалъа“ номи сифатида ва „зулм билан“ маъноларида қўлланилган.

дунларини келтирдилар. Эртаси эрталаб лашкарни Қучбекка бошлатиб ҳужумга юбордик.

Пайшанба куни, ойнинг йигирма бешинчисида лашкар элига дон топиш маслаҳати юзасидан, Каҳрож дарасининг ичига — Мондиш кентларига тушилди.

Ҳумоюндан сунгра Ҳумоюн билан тугишган бир неча фарзандлар булди, турмади. Ҳиндол ҳануз тугилмаган эди. Бу ерларда эканимда, Моҳимдан хат келди. „Яқинда тугилажак гўдак хоҳи ўгул бўлсин, хоҳи қиз, менинг бахту толеим — менга беринг. Мен уни асраб олиб, тарбиялай“, деб ёзибди.

Жума куни, ойнинг йигирма олтинчисида ушбу юртда эканда, Ҳиндол тугилса, Моҳимга берилсин, деган мазмунда хатлар битиб, Юсуф Али рикобдорни Кобулга жўнатдик. Ҳануз Ҳиндол тугилмаган эди. Ушбу юртда эканда, Мондиш вилоятида даранинг ўртасида бир тепалик устида катта супа тош билан ясалдики, оқ уй (чодир) олди — қабулхонаси билан унга сигди.

Бу супа тошларининг ҳаммасини хос ва сипоҳий амалдорлар ташидилар. Бу сўзнинг тафсилоти буки: у билан бирга тугилганлардан у пайтгача ундан кичик бир ўғил бор эди, ўзга ҳаммасидан катта яна уч қиз: бири Меҳржон, яна иккиси кичикликда турмадилар. Ўғил тугилса унга жўра бўлсайди, деган ҳаваслар бор эди. У пайтлари Дилдор оғачанинг буйида бор эди. Мен бу ўғилга бир тугишган бўлса, қандай яхши буларди-я!“ дер эдим. Ҳазрат волида дедиларки: „Агар Дилдор оғача ўғил тугса, олиб асрасам қандай бўлади?“ Мен: „Кўп яхши“, дедим.

Аёллар орасида расм бўлган бир фол кўриш усули бор: ўғил бўладими ё қиз бўлармикан, деб икки қоғозда — бирида Али ё Ҳасан ёзиб, яна бирида Фотима битиб, икки юмалоқ лой ичига қўйиб, у лойларни бир коса сув ичига соладилар. Ҳар қайси олдин очилса, ўшандан далил кузатадилар: эр келса, ўғил бўлур, қиз келса, қиз бўлур дерлар. Фол қилдилар: эр келди. Кароматли хушхабар булгани учун шунинг юзиданоқ мактуб ёзиб юбордик.

\*Бир неча кундан сўнг Тангри карам қилиб, ўғил фарзанд берди. Хабар юборишдан бурун тугилганига уч кун бўлганида онаси олдидан унинг хоҳиш-ирода-сига қарамай, уйимизга олиб келиб асрабдилар. Тугилганлигини эшитганимиз ҳақида юборган хабаримиз Бҳирани олган пайти етиб боради. Қутлуг билиб ҳамда яхшиликка йўйиб отини Ҳиндол қўйдилар. Бу жиҳатлардан менга ҳам ука, ҳам фарзанддир. Юсуфзай афгондан Малик Сулаймоншоҳнинг ўгли Маликшоҳ Мансур келган эди. Бизга хайрихоҳлик мақомида эди. Юсуфзай эли билан муносабатларимизни яхшилаш мақсадида унинг қизи сўралган эди. Шу қўнимжойда эканлигимизда Шоҳ Мансурнинг қизи билан юсуфзайлар моли келаётганлиги тўғрисида хабар олдик. Намозшомда шароб ичиб, суҳбат қурдик. Суҳбатга Султон Аловуддинни чорлаб, ёнимга ўтқазиб, хос сарупо бериб илтифот курсатилди.

Ойнинг йигирма саккизинчисида, якшанба куни йўлга тушиб Каҳрож дарасидан чиқиб тўхтадик. Шоҳ Мансурнинг иниси Товусхон юсуфзай зикр этганимиз жиянини шу жойга олиб келди. Бисут элининг Бажавр қўрғонига дахли бўлганлиги боис ушбу манзилдан Юсуф Али баковулни уларни кўчириб Бажавр қўрғонига олиб келтириш учун юбордик. Кобулда қолган аскарларга етиб келиш ҳақида фармонлар битиб юборилди.

Сафар ойининг учинчисида, жума куни Панжкура ва Бажавр дарёлари қўшилган жойга келиб тўхтадик.

Ойнинг бешинчисида, якшанба куни бу қароргоҳдан Бажаврга бориб, Хожа Калоннинг уйида чоғир суҳбати қурдик.

Ойнинг еттинчисида, сешанба куни беклар ва дилазоқ\*\* афгонларнинг улугларини чорлаб, кенгашидик: йил тугаб қолди, ҳутнинг бир-икки куни қолибди, далалардаги ғалла йигиб олинган; шу фурсатда Саводга борсак аскарларимиз озиқ тополмай, қийналиб қоладилар. Анбаҳир ва Панийалий йўли билан юриб, Ҳашангарнинг юқорисидан Савод дарёсини кечиб, юсуфзайлар кўтарган тусиқ — Моҳура тўғрисидаги далаларда ўтирган

\* Каромат Муллаҳужаева қисми.

\*\* Дилазоқ — афгон уруғларидан бирининг номи.

юсуфзай ва муҳаммадзай афгонлари устига тўсатдан хужум қилмоқ керак, деган фикрга келдик.

Янаги йил эртарақ — ҳосил йиғиш пайтида келиб, бу афгонлар масаласини бирёқлик қилиш керак. Шу қарорга келгач, эртаси — чоршанба куни Султон Вайс билан Султон Аловуддинга отлар ва саруполар иноят қилиб, бизга хайрихоҳ этадиган чақириқлар билан рухсат бериб, ўзимиз ҳам кўчиб, Бажавр рупарасида тўхтадик. Шоҳ Мансурнинг қизи қўшин қайтиб келгунича Бажавр қўрғониде қолдирилди.

Эртасига жўнаб, Хожа Хизрдан ўтиб тўхтадик. Хожа Калонга шу ердан қайтиш учун рухсат берилди. Уруқ (бутун ҳарбий аслаҳалар ва огир кўч-кўрон)ни қўшимча отлар, аскарлар, аслаҳалар ва огир партол (сафарда олиб юриладиган кўрпа-тўшак ва бошқа асбоб-ускуналар)ни Кунар йўли орқали Ламғонга жўнатдик.

Эртаси йўлга тушиб, огир партол ва туяларни Хожа Мирмирон етакчилигида Жарготу ва Дарвоза йўли билан Қаро Кўба довони орқали жўнатиб, ўзимиз фақат отлиқ гуруҳ билан тезда Анбаҳир довонидан ва яна ундан ҳам каттарақ бир довондан ошиб, намоз-шомдан бироз аввал Панийалийга тушдик. Ўғонбердини бир неча киши билан „тил“ тутиб келиш учун олдинга юбордик. Афгонлар билан ўртамиздаги масофа яқин бўлганлиги боис эрталабдан жўнаб кетмадик. Тушга яқин Ўғонберди келди. Бир афгонни ушлаб бошини кесибди, келаётганида эса у бошни тушириб қўйибди, кўнглимиз истаган бирор ишончли хабар келтирмади.

Тушга яқин жўнаб кетдик. Савод дарёсидан ўтиб, шом намози пайтидан сал олдин тўхтадик. Хуфтон намози чогида отланиб, яна олдинга қараб юрдик. Офтоб найза бўйи кўтарилганда қаровулликка юборилган Рустам туркман афгонлар хабар топиб қўзғалишибди, деган хабарни олиб келди. Афгонларнинг бир қисми тоғ йўли билан кетаётган экан. Буни эшитгач, тезроқ юриб, ҳужумчиларни ажратиб, олдинга юбордик. Улар бир неча афгонни улдириб, бошларини кесиб, бир тўда асир ҳамда қўй-ҳўкиз-

ларини ҳайдаб келтирдилар. Дилазок афгонлар ҳам бир неча бош кесиб олиб келдилар.

Ортга қайтиб, Котланг атрофларида тўхтадик. Мақомда келиб бизларга қўшилсин, деб Хожа Мирмирон бошлаб келаётган уруқни кутиб олишга йўлбошловчи юборилди.

Эртасига у ердан кўчиб Котланг ва Мақомнинг ўртасига тушдик. Шоҳ Мансурдан одам келди. Хисрав кўкалдош билан Аҳмадий парвоначини бир тўда кишилар билан уруқни кутиб олиш учун юбордик.

Ойнинг ун тўртинчисида, сешанба куни Мақомда тўхтаган пайтимиз уруқ келиб қўшилди. Бу ерларда ўттиз-қирқ йил Шаҳбоз қаландар деган бир мулҳид (даҳрий) яшаб ўтган экан. Юсуфзайнинг бир жамоасини ва дилазокнинг бир гуруҳ одамларини тўғри йўлдан чиқарган бузуқи мана шу қаландар экан.

Мақом тоғи тумшугида бир бўлак пастроқ тоғ жойлашган. У бутун даштга туташган жуда кенг ва кўзни ўзига тортадиган юксакликдир. Шаҳбоз қаландарнинг қабри ўша ерда эди. Сайр қилиб келиб, ўйлаб қолдим. Кўнглимдан бундай боҳаво жойга йўлдан озган қаландарнинг қабри муносиб эмас, деган ўй кечди. Уни бузиб ер билан текис қилишларини буюрдим. Жуда тоза ва боҳаво ер эди, маъжун еб, бир муддат ўша ерда ўтирилди.

Бажаврдан қайтиб чиққаннимизда Бҳирани эгаллашни кўзлаган эдик. То Кобулга келгунимизча ҳар доим Ҳиндистонга юриш хаёлида эдик, баъзи монеликлар туфайли бунга муяссар бўлолмасдик. Бажавр устига қўшин тортиб учтўрт ой мобайнида аскарларимиз қўлига бирор арзигулик нарса тушмади.

Ҳиндустон чегараси Бҳира яқин бўлганлиги боис, у ерга дарҳол фақат ўзимиз озгина лашкар билан кирсак, аскарлар бирор нимани қўлга киритсалар, деган ўй кўнгилдан кечди. Шу хаёл билан ортга қайтиб афгонларга ҳужум килдик. Мақомга тушганимизда баъзи хайрихоҳлар: „Лашкарнинг бир қисми Кобулда қолган, Ҳиндистонга кириш учун жиддий тайёргарлик кўриш керак; сара йигитларнинг бир гуруҳи Бажавр-

да қолди, отлари чарчагандан лашкарнинг катта қисми Ламғонга қайтди; бу ерга келганларнинг отлари шу қадар харобки, бир кун юришга ҳам мажоли етмайди“, деб арз қилдилар.

Гарчанд ушбу сузлар тўғри булса-да, юриш бошлашга қарор қилинган эди. Бу мулоҳазаларга қарамай, эрта билан йулга тушиб Синд дарёсининг кечигига қараб йўналдик. Кечикни кўриб келиш учун Мир Муҳаммад жолабон (солчи)ни ака-укалари, яна бир неча йигитлар билан кечикнинг юқори ва пастки тарафларига юборилди.

Лашкарни дарё сари йўллаб, ўзим Савоти тарафга — у ерни Каркхона ҳам дейдилар — карк овлагани бордим. Бир неча карк кўринди. Бироқ карклар қалин чангалзордан чиқмади. Бир карк боласи билан далага чиқиб қочди, унга қараб жуда кўп ўқ отилди. Чангалзор яқин эди, ўзини ўша ёққа урди. Чангалзорга ўт қўйдилар, аммо ўша карк топилмади. Яна бир карк боласи ўтда куйиб, типирчилаб ётарди, уни бўғизлаб, ҳар ким ўз улушини олди. Савотидан қайтиб, кўп саргардон бўлиб, хуфтон намози чоғи ўрдага келдик. Кечикни куришга борганлар кечик жойини кўриб келибдилар.

Эртаси, ойнинг ўн олтинчисида, пайшанба куни от, туя ва партол билан кечикдан ўтилди. Лашкарнинг кўч-кўрони, пиёдалар, эшакларни жолабонлар олиб ўтдилар. Шу куни кечик бошида эканимизда нилобийлар тўққизта от ва уч юз шоҳрухийни тортиқ қилиб келтирдилар.

Одамлар сувдан ўтиб бўлгач, пешин намози вақтигачаёқ йўлга тушиб, кечанинг биринчи посигача юриб Качакот суви яқинида тўхтадик. У ердан эрта тонгда жўнаб, Качакот сувидан кечиб ўтиб, туш чоғи Сангдаки довонидан ошиб тўхтадик. Саййид Қосим эшикога чоғдовуллик\* қиларди. Орқамизда лашкар ортидан келаётган гужурларни қўлга олиб, бир неча бош кесиб келтирди.

Сангдакидан тонг саҳарда кўчиб, пешин намози пайтидан ўтганда Суҳон сувидан ўтиб тушилди. Лашкарнинг охи-

ри ярим кечада етиб келди, жуда узоқ кўчиш бўлди. Отлар бемажоллиги ва ҳолдан тойганлиги боис юриш жуда қийин кечди. Кўп отлар қолиб кетди.

Бҳирадан етти курўҳ шимол тарафда бир тоғ бор. Бу тоғни „Зафарнома“да ва яна баъзи китобларда „Кўҳи Жуд“ деб ёзганлар. Унинг бундай номланиши сабаби менга маълум эмас. Кейинроқ маълум бўлдики, бу тоғда бир ота наслидан икки халқ тарқаган экан. Бирини — жуд деб, иккинчисини — жанжуҳа деб атар эканлар. Улар бу тоғдаги ва Нилоб билан Бҳира орасидаги эл-улусга қадимдан ҳокимлик қилиб, уларни бошқариб келганлар. Аммо дўстона ва биродарларча ҳукм юритадилар. Кунгли нимани тиласа, шуни олавермайдилар. Қадимдан нимаики белгилаб қўйилган бўлса, буларнинг олиши ва уларнинг бериши шундан ортиқ ёки кам бўлмайди. Белгиланган меъёр шуки, қўш бошидан бир шоҳрухий, ҳар бир хўжаликдан етти шоҳрухий берадилар. Яна, аскарликка хизматга борадилар. Жуд ҳам, жанжуҳа ҳам бир неча уруққа бўлинган.

Бу тоғ Бҳирадан етти курўҳ нарида. У Ҳиндукуш тоғларига туташиб кетган Кашмир тоғларига мансуб бўлиб, айрилиб, жануби-ғарб томонга чўзила бориб Динкот пойида Синд дарёсига етиб тугайди. Ушбу тоғнинг ярмида жудлар, ярмида жанжуҳалар яшайди. Бу тоғни жуд қавмига мансуб бўлганлиги боис Кўҳи Жуд деб номлаганлар. Уларнинг бир мўътабар улуг кишисини рой деб улуглайдилар, унинг ука ва фазандларини малик дейдилар. Бу жанжуҳалар Лангархонга тоға бўладилар. Суҳон суви атрофидаги эл-улус ҳокимининг исми Малик Ҳаст эди. Унинг асли оти Асаддир. Ҳиндистонликлар сўзлардаги ҳаракатларни (қисқа унлиларни) гоҳида ташлаб уқийдилар, жумладан, „хабар“ни „хабр“, „асад“ни „асд“ деб айтадилар ва бу бора-бора „ҳаст“га айланган.

Жойлашганимиз заҳоти Лангархонни Жанжуҳа ҳукмдори Малик Ҳастни олиб келишга юбордик. Лангархон от қўйиб бориб, иноят ва шафқатимиздан умидвор қилиб, хуфтон намози чоғида

\* Чоғдовул — кечаси қўшин атрофини қўриқловчи аскар тўдаси.

уни олиб келди. Битта кежим кийдирилган (уруш вақтида отга кийдириладиган ўқутмас махсус ёпинчиқ) отни тортиқ қилиб келтириб, хизматимга киришини билдирди. У йигирма икки-йигирма уч ёшларда эди. Уларнинг кўплаб сурув-подалари қўнимжойнинг гир-атрофларида боқиларди. Ҳиндустонни қўлга кириши ниятида эканимиз боис бир қанча вақт туркийлар тасарруфида бўлган Бҳира, Хушоб, Чаноб, Чанут сингари вилоятларни худди ўз мулкимиздек тасаввур қилардик. Куч билан бўлса ҳам, тинчлик йўли билан бўлса ҳам қўлга киритишимизга аниқ ишонардик. Шу сабабли бу тоғлик халқ билан яхши муомалада бўлишимиз зарур ва лозим эди. Ҳеч ким буларнинг сурув-подаларига тегмасин, улар ипининг учи ҳам узилмасин, игнаси синмасин, атроф жойлардагиларга зарар ва нуқсон етказилмасин, деб фармон берилди.

Тонгда у ердан жунаб пешин намози чоғи Калдақаҳорга келиб тушдик. Бутун атроф хавидзор (ҳали бош чиқармаган арпа-бугдойзор) билан қопланганди. Калдақаҳор жуда ажойиб жой экан. Бҳирадан ўн куруҳ нари, Жуд тоғининг орасида — текис ерда жойлашган бу текислик уртасида катта кўл бор; атрофдаги тоғлардан ёмғир сувлари йиғилиб шу кўл ҳосил бўлган. Унинг айланаси уч куруҳга яқин. Шимолида гўзал майсазор, гарбида — тоғ этагида чашма бор. Бу чашма суви кўлга тепаликдан оқиб тушади. Жой қилишга жуда маъқул ер эди, боғ солдим. Боғи Сафо деб аталди. Жуда хушҳаво ва тоза ер экан. Шарҳини кейинроқ батафсил битамиз.

Калдақаҳордан саҳарда отландик. Ҳамтоту довони тепасида турли ерли халқ арзимас тортиқлар билан келиб, мулозамат қилдилар. Абдурраҳим шиговулга келганларни қўшиб, Бҳирага юбордик. У Бҳира халқини биз томонга оғдириб, бу ерлар қадимдан туркларга тегишли булиб келган, зинҳор ваҳима ва қўрқувга тушиб элни пароканда қилманглар, биз бу ерлардан ва бу халқдан узоқ эмасмиз, талон-торожга йўл қўйилмайди, деб айтади.

Чошт довонининг пастига тушиб Қурбон Чархий, Абдулмалик Хостий бош-

чилигида етти-саккиз кишини хабар олгани олдинга юбордик. Илгари борганлардан Мир Муҳаммад Маҳдийхожа бир кишини келтирди. Шу пайт афгонларнинг улуғларидан бир неча киши совғасалом билан келиб, хизматимга кирмоқчиликларини билдирди. Уларни Лангархонга қўшиб, бҳираликларни биз томонга оғдиришга уриниб кўриш учун юбордик. Довондан ошиб, чангалзордан чиқиб ўнг қанот, чап қанот, марказ қўшинлар саф тортиб Бҳира томонга йўналдик. Бҳирага яқинлашган маҳалимиз Давлатхон, Дəва ҳинду ва Сектунинг ўғли Бҳира арбоблари билан келиб, биттадан от тортиқ қилиб илтифот кўрсатдилар. Пешин намозидан кейин Бҳира элига зиён-заҳмат етказмай, Бҳира шарқида жойлашган Баҳат дарёси ёқасидаги сабзорда тўхтадик.

Темурбек Ҳиндустонни эгаллаб, сунгра у ердан чиқиб кетганидан буён Бҳира, Хушоб, Чаноб ва Чиниват каби бир неча вилоятлар Темурбек авлодининг яқинлари ва уларга тегишли кишилар тасарруфида эди. Шоҳрух мирзонинг набираси Суюрғатмиш мирзонинг ўғли Султон Масъуд мирзони Кобул ҳамда Зобул вилоятлари ва ҳукуматига эгалик қилгани учун Султон Масъуд Кобулий деб айтишарди. Султон Масъуднинг қўлида тарбия топганлардан Мир Алибекнинг ўғиллари — Бобойи Кобулий, Дарёхон ва Опоқхон, кейинчалик уни Ғозихон дейишар эдилар, Султон Масъуд мирзо ва ўғли Али Асгар мирзодан сўнг зўрлик билан Кобул ва Зобулни ҳамда Ҳиндустоннинг зикр этилган туман ва вилоятларини қўлга киритган эдилар. Султон Абусаид мирзо замонида Кобул ва Ғазни буларнинг тасарруфидан чиқди. Ҳиндустондаги вилоятлар эса уларнинг тасарруфида қолганди.

Кобулга биринчи марта келган тўққиз юз ўнинчи йили Ҳиндустонга кириш истагида Хайбардан ўтиб Паршоварга келганда Боқи Чағониёнийнинг сазъ-ҳаракати билан қўйи Бангаш сари, яъни Куҳатга қараб юриб Афғонистон ерларининг катта қисмини яксон қилдик, одамларини қириб, Банну ва Дашт-ни талон-торож қилиб, Дуки орқали ортага қайтдик.

Уша пайтлари Бҳира, Хушоб ва Чаноб ҳукумати Мир Алининг набираси Ғозихоннинг ўгли Саййид Алихонга тегишли эди. Хутбани Искандар Баҳлулнинг отига ўқитиб, унга итоат қиларди. Лашкар тўплаганимиздан ваҳимага тушиб, Бҳирани ташлаб Баҳат дарёсидан ўтиб, Бҳира қишлоқларидан Ширкотни ўзига жой қилиб олди. Бир-икки йилдан кейин бизни деб Саййид Алихон билан афгон бадгумон бўлди. У ҳам шу сабабдан қўрқув ва ваҳимага тушиб, бу вилоятларни уша пайтлари Лоҳур ҳокими бўлган Татархон юсуфхайл ўгли Давлатхонга топширди. Давлатхон Бҳирани катта ўгли Алихонга берган эди ва уша пайти Бҳира Алихоннинг тасарруфида эди. Давлатхоннинг отаси — Татархон Ҳиндустонни ҳужум қилиб қўлга олган ва Баҳлулни подшоҳ қилиб кўтарган олти-етти сардорнинг бири эди. Саҳринд ҳамда Сатлуж дарёси шимолий вилоятларининг ҳаммаси мана шу Татархонда эди. Бу вилоятларнинг жами уч қуруқдан кўпроқ келади. Султон Искандар подшоҳлиги пайтида, Татархон ўлганидан сўнг, бу вилоятни Татархоннинг ўғилларидан олиб қўйганди. Мен Кобул вилоятига келган йилдан бир-икки йил бурунроқ Султон Иброҳим биргина Лаҳурни Давлатхонга берган эди.

Эртаси баъзи керакли ерларга ҳужумчилар юборилди. Шу кун Бҳирани сайр қилдим. Сангархон жанжуха ўша кун от келтириб совға қилди ва хизматимга киришини билдирди.

Ойнинг йигирма иккинчисида, чоршанба кун, Бҳиранинг улуғлари ва катта ер эгаларини чорлаб, бу юртда тўрт юз минг шоҳрухий моли амон беришларига қарор қилиб, назоратчилар тайинланди. Яна отланиб, сайр қилдик, кемага кириб, маъжун едик. Бҳира ва Хушобда утирган балужлар олдига Ҳайдар аъламдорни юборган эдик. Пайшанба кун саҳарда бир гулбодом тўриқ отни тортиқ қилиб келтириб, хизматимизга киришларини билдирдилар. Аскарларнинг Бҳира халқига зулм утказиб, уларни талон-торож қилаётганлиги ҳақида

хабар келди. Одам жўнатиб, бебошлик қилган аскарларнинг баъзилари жазога тортилди, баъзиларининг бурнини тегиб, қўшин олдида айлантириб чиқдилар.

Жума кун Хушоб элидан арз қилувчи келди. Шоҳ Ҳасан ва Шоҳ Шужоъ аргуннинг Хушобга боришлари тайинланди.

Ойнинг йигирма бешинчисида, шанба кун шоҳ Ҳасанни Хушобга жўнатдик.

Якшанба кун шундай ёмғир ёғдики, бутун далаларни сув босиб кетди. Бҳира билан қўшин тушган боғлар уртасида кичик шўрсув бор эди. Пешин намозигача катта бир дарёдек бўлди. Бҳиранинг яқинида бир ўқ отими масофадан кўпроқ ергача кечиб ўтиб бўлмасди, одамлар сузиб ўтар эдилар. Икки намоз орасида оқиб кирган сувларни томоша қилиш учун отландим.

Ёгин ва жала шундай кучайдики, яна қайтиб, ўрдага келишда ваҳима босди. Икки намоз орасида уша ҳосил бўлган катта сувдан сузиб ўтдим. Аскарлар ҳам қаттиқ қўрқди. Улардан кўпчилиги ўтовлари ва огир партолларини қолдириб, совут ва кийим-яроғларини эгниларига илиб, отларини ялангочлаб сувдан сузиб ўтдилар. Бутун далалар сув билан лим-лим тўлган эди. Эрталаб дарёдан кемаларни келтириб, аскарларнинг кўпчилиги чодирлари ва партолларини кемада олиб ўтдилар. Тушга яқин Қўчбекнинг одамлари дарёнинг бир шаръий юқорисидан кечик топди. Қолган кишилар кечик орқали ўтдилар.

Бҳира қўргонининг ичида, Жаҳоннамо деб аталадиган жойда бир кун туриб, сешанба кун эрталаб жўнаб кетдик. Ёмғир ва селдан хавотирланиб, Бҳира шимолидаги баландликка жойлашдик. Бҳира аҳолиси тақаббул ёрмоғига\* эътиборсизлик қилаётган эдилар, тўрт жойга саркор белгилаб, бекларга гайрат қилиб, бу ишни битириш буюрилди. Бир саркорлик — Халифага, яна бир саркорлик — Қўчбекка, бири Дўст Носирга, тўртинчи саркорлик Саййид Қосим билан Муҳиб Алига топширилди.

\* Тақаббул ёрмоғи — қабул этилиш ақчаси, кичик ҳукуматнинг катта ҳукуматга бўйсунганлиги қабул этилишини сураб юборган ёки келтирган олтин ақчаси.

Туркларга тегишли вилоятларни ўзимизники деб билганимиз боис у ерларда талон-торож бўлмади. Халқ орасида ҳар доим агар туркларга тегишли вилоятларга сулҳ тузиш учун элчи борса, ҳукмдорлар уларни танг аҳволга солмайдилар, деган гап юрарди.

Шу боис раби ул-аввал ойнинг бошида, пайшанба куни, Мулло Муршидни Султон Иброҳимнинг олдига, отаси Султон Искандар ўша беш-олти ой ичида ўлиб, Ҳинд салтанати мунга теккан эди, элчиликка тайинлаб, бир қарчиғай юбориб, қадимдан туркларга тегишли вилоятларни сўрадик. Давлатхонга ва Султон Иброҳимга битилган хатларни топшириб, оғзаки яна бир неча суз айтиб, Мулло Муршидга рухсат бердик. Бу Ҳиндистон халқи, айниқса, афгонлар фаросат ва ақлдан йироқ, соғлом фикр ва тадбир билан иш кўришдан узоқ бўлган ғалати одамлар булар экан, на душманлик юриш-туришини қила оладилар ва на дўстлик йўл-йўригини биладилар. Борган одамимизни Давлатхон бир неча кун Лаҳўрда ушлатиб турди, уни на ўзи кўрди, на хатни Иброҳимга юборди. Борган одамимиз бир неча ойдан кейин ҳеч бир жавоб олмай Кобулга келди.

Ойнинг иккинчисида, жума куни Шайбоқ пиёда ва Дарвеш Али пиёда, ҳозирда у милтиқчи бўлганди, Кобулдан хабарлар келтирдилар. Ҳиндолнинг тугилганлиги хабарини ҳам келтирдилар. Бу хабар Ҳиндни забт этиш пайтида келгани учун яхшиликка йўйиб Ҳиндол деб от қўйдим. Қанбарбек ҳам Балхдан Муҳаммад Замон мирзонинг хатларини келтирди.

Эртаси девон (маҳкама) йиғилиши тарқалганидан сўнг сайрга отланиб, кемага кириб, арақ ичилди. Базм аҳли Хожа Дуст Хованд, Хисрав Мирим, Мирзоқули Муҳаммадий, Аҳмадий, Гадои, Нуъмон Лангархон, Руҳдам, Қосим Али тарёқий, Юсуф Али, Тенгриқули эдилар. Кеманинг тумшук тарафида усти текис тахтасупа ўрнатилганди. Мен бир неча киши билан шу ерда ўтиргандим. Яна бир неча киши тахтасупанинг остида ўтиргандилар, кеманинг дум тарафида ҳам ўтирадиган ер бор эди — Муҳаммадий, Гадои ва Нуъмон ўша ерда ўтир-

дилар. Аср намози пайтигача арақ ичилди. Арақнинг бадхўрлигидан зада бўлиб, бу томонда ўтирганлар билан келишиб, маъжун едик. Кеманинг нариги учидагилар маъжун еганимизни билишмади, фақат арақнинг узинигина ичишди.

Кемадан хуфтон намози пайти отланиб, кечаси лашкаргоҳга келдик. Муҳаммадий билан Гадои мени арақ ичади деб уйлашиб, муносиб хизмат қилмоқлик ниятида арақ кўзасини от устида навбатма-навбат кўтариб, ажойиб нашъа ва очиқ чеҳра билан кириб келиб: „Бундай қоронғу кечада кўзани ўзимиз навбат билан кўтариб келдик“, дедилар. Кейин билдиларки, суҳбат бошқача экан, кайфият ҳам бошқача. Бировлар маъжундан, бировлар арақдан маст эди. Маъжун суҳбати билан чоғир суҳбати бир-бирига тўғри келмаганлиги боис куп хижолат бўлдилар. Мен уларга, суҳбатни тўхтатманг, арақ ичгиси кеган одам арақ ичсин, маъжун ейишни хоҳлаганлар маъжун есин; ҳеч ким бир-бирига қаршилиқ кўрсатиб, ортиқча гап-сўз қилмасин, дедим. Баъзилар арақ ичдилар, баъзилар маъжун едилар. Анча вақт такаллуф билан зиёфат давом этди. Бобожон Қўнбузий зиёфатда йўқ эди, оқ уйга келганда уни чақиртирдик, арақ ичишини илтимос қилдик. Турди Муҳаммад қипчоқни ҳам чақиртириб, мастлар билан ҳамсуҳбат қилдик. Маъжундан сархуш бўлганлар билан арақдан маст бўлганларнинг гапи бир-бирига асло тўғри келмайди. Мастлар ҳар тарафдан тутуриқсиз гапларни айта бошладилар, баҳслари асосан, маъжун ва маъжунийларга тегажоқлик қилиш эди. Бобожон ҳам маст бўлиб, анчагина тутуриқсиз гаплар айтди. Турди Муҳаммадга ҳам мастлар тўлдириб-тўлдириб кетма-кет қадаҳ узатиб, оз фурсатда масти беҳушга айлантирдилар. Уларни ҳар қанча қайтаришга қаракат қилсак ҳам, фойдаси бўлмади. Мастликда анчагина галва кўтарилди. Суҳбат бемазалашиб кетди, ҳамма ҳар тарафга тарқалди.

Ойнинг бешинчисида, душанба куни Бҳира вилояти Ҳиндубекка берилди.

Сешанба куни Чаноб вилоятини Ҳусайн икракка июнат қилиб, унга ва чанобликларга уйларига кетишлари

учун рухсат бердик. Уша кунлари Сай-йид Алихоннинг Минучеҳрхон исмли угли бизни деб Ҳиндустондан юқориги йул билан келаётган экан, Татар гаккарга дуч келибди. Татар Гаккар уни ушлаб олиб, қўйиб юбормай, қизини бериб куёв килибди. Анча вақт уша ерда қолиб кетганди, келиб хизматимга киришини билдирди.

Нилоб ва Бҳира тоғлари оралигидаги жуд ва жанжуҳа халқларидан ташқари, Кашмир тоғларига туташиб кетган жат ва гужур ҳамда уша тоифага мансуб жуда кўп эллар ҳар тараф ва ҳар тепаликда қишлоқлар қуриб ўтирибдилар. Уларнинг ҳокими ва каттаси гаккар қабиласидир. Булар ҳам худди жуд ва жанжуҳанинг улугларидек ҳокимлик қиладилар. Бу тоғлар этагида яшаётган халқларни бошқариш уша йиллари бир отанинг авлоди бўлган амакиваччалар Татар гаккар билан Ҳаатий Гаккар қўлида эди. Уларнинг мустаҳкам ерлари сув ўйиб кетган жойлар ва жарликлар эди. Татар ерининг номи Парҳола бўлиб, қорли тоғлардан анча пастда жойлашганди. Ҳаатийнинг ерлари тоққа туташиб кетган. Бобухон Бисутга тегишли Коланжарни ҳам Ҳаатий ўз мулкига қўшиб олганди. Татар гаккар Давлатхон билан учрашган эди. Унга биров бўйсунганнамо бўлиб кўринарди, Ҳаатий билан эса учрашмаганди. Унга нисбатан душманчилик ва бузгунчилик кайфиятида эди. Татар Ҳиндустон беклари билан тил бириктириб ва шартлашиб келиб Ҳаатийни узоқдан туриб қамал қилгандек бўлиб ўтирарди.

Биз Бҳирада эканимизда ов баҳонасида гафлатда қолган Ҳаатий Татарнинг устига юриш қилиб, уни улдириб, ерлари-ю ҳарамларини, нимасики булса, ҳамма нарсасини эгаллаганди, қўлга киритдик. Пешин намози пайти сайрга чиқиб, кемада арақ ичилди. Мажлис аҳли Дўстбек, Мирзоқули, Аҳмадий, Гадоий, Муҳаммад Али жанг-жанг асас\*, Угонберди мўғул, созанда ва хонандалардан Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тангриқули, Абулқосим, Рамазон лули хуфтон намозигача кемада улфат-

чилик қилдик. Хуфтон намози пайти кемадан қаттиқ маст бўлиб чиқдик. Мен отга миниб, қўлимга машъални олиб, дарё ёқасидан ўрдугача отнинг гоҳ у томонига, гоҳ бу томонига эгилиб, жиловни қўйиб юбориб, отни учириб келибман. Жуда қаттиқ маст бўлган эканман. Эртасига қўлимда машъал билан лашкаргоҳгача отнинг жиловини бўш қўйиб келганимни айтиб бердилар. Мен ҳеч нарсани эслай олмадим. Уйга келганимда анча қайт қилибман.

Жума куни сайрга чиқиб, кемада сувдан ўтдик. Нариги тарафдаги боғларни, гуллаб ётган дарахтларни, шакарқамиш эжилган ерларни томоша қилиб, қудуқдан сув оладиган чарм идиш — далв ва чархларни кўрдик. Сувни қандай қилиб тортиб чиқаришларини сўраб, бир неча марта сув торттириб ҳам кўрдик. Сайр пайтида маъжун едик. У ердан қайтиб келиб, кемага кирдик. Минучеҳрхонга тагин маъжун бергандилар, шундай маъжуний — маст бўлиб қолдики, уни икки киши қўлтигидан кўтариб турғиздилар. Бир муддат дарёнинг уртасида кемага лангар ташлаб турдик. Кейин дарё бўйлаб, пастга қараб узоқ сузиб бордик. Ундан сўнг яна кемани юқорига қараб торттирдик. Уша кеча кеманинг узида уйқулаб, саҳарга яқин қароргоҳга келдик.

Раби ул-аввал ойининг ўнинчисида, панба куни офтоб ҳамал буржига ўтди. Уша куни пешин намози пайти сайр қилишга чиқиб, кемага кириб арақ ичилди. Мажлис аҳли Хожа Дўст Хованд, Дўстбек, Мирим, Мирзо Қули, Муҳаммадий, Аҳмадий, Юнус Али, Муҳаммад Али жанг-жанг, Гадоий тағойи, Мир Хурд асас, созанда ва хонандалардан Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тангриқули, Рамазон эдилар. Бир қўлтиққа кириб, бир муддат пастга қараб суздик, Бҳира тўғрисида анча пастроқда кемадан чиқиб, кечки намоз вақтида қўшин турган ерга етиб келдик.

Шу куни Шоҳ Ҳусайн Хушобдан келди. Қадимдан туркларга тегишли бўлган ерларни сураб, ўртада сулҳ таклиф қилиб, уни элчиликка юборган адик, бел-

\* Асас — тунги соқчи, миршаб.



гиланган пулларнинг купу қўлга тегди. Иссиқ ҳам яқинлашиб қолди. Ҳиндубекка кўмак учун Шоҳмуҳаммад муҳрдорни, яна бу ишга муносабати бўлган баъзи йигитларни тайинлаб, ҳар бирининг мавқеига яраша тирикчилиги учун маош белгиланди. Бу юришларнинг ундовчи ва сабабчиси Лангархонга Хушобни иноят қилиб, байроқ бериб, унинг ҳам Ҳиндубекка кўмак беришига қарор қилдик. Бҳирадаги турк ва маҳаллий амалдорларнинг маош ва таъминотини ошириб, Ҳиндубекка кўмакка қўйдик. Номи юқорида зикр этилган Минучеҳрхон, яна Минучеҳрнинг қариндош-уруғлари Назар Али турк, Сангархон жанжуҳа ва Малик Ҳаст жанжуҳа шулар жумласидан эди.

Ушбу вилоятдаги ишни сулҳга келтириб, бироз барқарорлаштириб, раби ул-аввал ойининг ўн биринчисидан — якшанба куни Бҳирадан чиқиб, Кобулга йўналдик. Калдақаҳорга келиб тушдик. Уша куни ҳам одатдан ташқари кучли бир ёмғир ёғди. Чакмонли-чакмонсиз киши бирдек бўлди. Қўшиннинг охири кечқурун хуфтон намозигача етиб келди. Бу ерлар ва ҳукуматнинг обу тобини (сиру қирини) яхши билган кишилар, жумладан, гаккарнинг азалий душмани бўлган жанжуҳа Ҳаатий гаккарни бу ерлардаги энг ёмон киши, деб маълумот бердилар: йўлларда қароқчилик қилади, одамларни талайди; шундай қилиш керакки, ё унинг ўзи бу ерларни ташлаб кетсин, ё унинг қулогини яхшилаб бураб қўяйлик.

Шунга келишиб, эртасига Хожа Мирмирон ва Мирим Носирни қолаётган қўшинга бош булишларини тайинлаб, пешиндан кейин қўшиндан ажралиб чиқдик ва Ҳаатий гаккарнинг устига, Татарни улдириб, унинг Пароладаги ерларини тасарруфига олганига бир неча кун бўлганда, ўзи шу Паролада эканида, буну зикр ҳам этгандик, илдам бордик.

Аср намози вақтида тўхтаб, отларга ем бердик, хуфтон намози чоғида у ердан жўнаб кетдик. Малик Ҳастнинг Сурупо исмли гужур навқари йўлбошловчи бўлди. Кечаси йўлдан адашиб, саҳарга яқин тўхтадик. Бек Муҳаммад мўғулни қароргоҳга қайтардик. Тонг ёришганда йўлга тушдик. Кун ёйилганда совутлар-

ни кийиб, олдинга қараб юрдик, бир шаръий қолганида Пароланинг қораси кўринди. Ҳужумчиларни олдинга ташладик. Ўнг қанотдаги аскарлар тўдаси Пароланинг шарқий тарафидан борди. Ўнг қанотда ҳаракатланадиган Қўчбекни шу унг қанотдагилар ортидан кўмакка юбордик. Чап қанотдагилар, марказдаги аскарлар Пароланинг устига тиқилиб бориб қолишди. Дўстбек чап қанотдан Парола устига борган кишилар ортидан кўмакка юборилди.

Парола жарлар орасида жойлашган. Унга олиб борадиган йўл иккита. Бири шарқи-жанубий йўл бўлиб, у жарлар устидан ўтган. Биз шу йўл билан келдик. Икки тарафида сув ўйиб кетган жарлар жойлашган. Пароланинг ярим қуруқидан бошлаб то дарвозага етгунча тўрт-беш жойда йўлнинг икки томонида жарлик ҳосил бўлиб, ёлғизоёқ йўл тушганки, бу ерда бир ўқ отимича оралиқ масофани сақлаб бирин-кетин тизилиб юрмоқ керак. Яна битта йўли гарби-шимолий тарафдан бўлиб, бир кенг тоғ йўлнинг ичи билан келиб, Паролага олиб чиқади. У ҳам ёлғизоёқ йўлдир. Бошқа ҳеч бир тарафдан йўл йўқ. Гарчи шаҳар қўрғонининг девори ва ҳарбий истеҳкоми бўлмаса-да, бироқ куч ишлатиб эгаллаш учун ҳам қулай ери йўқ. Атрофи етти-саккиз-ўн қари келадиган тик жарликлар билан ўралган.

Чап қанотдаги кишилар олдинда — тор жойлардан ўтиб, дарвоза томонга сурилиб бордилар. Ҳаатий ўттиз-қирқтача совутли ва кежимли кишилари, кўплаб пиёдаси билан ҳужумчиларни орқага суриб кела бошлади. Ҳужумчиларнинг ортида кўмакка қўйилган Дўстбек етиб келиб, қаттиқ жанг қилди, душманнинг куп одамларини отдан қулатиб, босди. Уша ерларда жасурлиги билан шуҳрат топган Ҳаатий гаккар ҳар қанча уринмасин, бардош беролмай қочди. Бу тор ерларда тўхтаб жанг қилолмаганидек, қўрғонига етиб борганида қўрғонни мустаҳкам ҳимоялашга ҳам қўрби етмади. Ҳужумчиларимиз унинг ортидан Парола қўрғонининг гарби-шимолий тарафидаги тор йўллар ва жар томондан қўрғонга бостириб кирдилар. Ҳаатийнинг танҳо ўзи қочиб чиқди. Бу жангда Дўстбек ўзи-

ни жуда яхши тутди, галаба соврини Дустбек номига тайин булди.

Мен ўша пайтнинг ўзида Парола қўргонига кириб, Татарнинг уйларида тўхтадим. Хужумчиларни олдинга ташлаган пайтимиз менинг ёнимда туриши керак бўлган кишилар, жумладан, Амин Муҳаммад тархон аргун ва Қорача хужумга кетдилар. Бу гуноҳлари учун уларга Сурупо исмли гужурни бошчи қилиб, сарпо бермай, саҳро ва биёбонга қўшинни кутиб олиш учун жўнатдик. Эртасига гарби-шимолий томондаги жардан ўтиб, кўмкўк арпазорга қўндик. Вали хазиначига сара йигитларни қўшиб, қўшинни кутиб олишга юбордик.

Ойнинг ўн бешинчисида, пайшанба куни олдинга қараб жўнаб кетдик ва Суҳон дарёсининг қиргогида — Андаробада тўхтадик. Ушбу Андароба қўргони қадимдан Малик Ҳастнинг отасига қарашли бўлган экан. Ҳаатий гаккар Ҳастнинг отасини улдирганидан сўнг ташлаб қўйилган ва биз борган пайтда вайронага айланиб бўлганди.

Хуфтон намози пайти Калдақаҳорда қўшиннинг биздан ажралиб қолган кишилари келиб қўшилди. Ҳаатий Татарни қўлга олган чоғида Парбат исмли қариндошини битта кежимли от ва совга-саломлар билан менинг олдимга юборган экан. Парбат мени тополмай, лашкарнинг ортда қолган аскарларига дуч келиб, қўшиннинг бутун кўч-кўрони — уруқ билан келиб, совга-саломларни бериб, хизматимга киришини билдирди. Баъзи муҳим ишларини битириш учун ортда қолган уруқ билан бирга Бҳирадан келган Лангархон ишларини тўғирлагач, уша ерлик кишилар билан кетиши учун унга руҳсат берилди.

Яна йўлга тушиб, Суҳон сувидан ўтиб, бир тепаликка жойлашдик. Ҳаатийнинг қариндоши Парбатга сарпо кийдириб, Ҳаатийга биз томонга мойил қиладиган чақириқ фармонлари битиб, Муҳаммад Али жанг-жангнинг навқари билан жўнатдик. Бобо Дўст ва Ҳалоҳил бошчилигидаги Ҳумоюннинг бир неча навқари Нилобга ва Қорлуқ ҳазорасига юборилди. Уларни биз Ҳумоюнга берган эдик. Менинг қошимга шаҳарни қўриқлашга келганди. Сангар қорлуқ ва Мир-

за Малвий қорлуқ бошчилигида қорлуқларнинг улуғларидан ўттиз-қирқтачасини олиб келдилар. Бир кежимли от тортиқ қилиб, хизматимга кирдилар. Дилазок афғонийнинг ҳам аскарлари келди.

Эртасига у ердан кўчиб, икки шаръий йўл юриб тўхтадик. Бир баландликка чиқиб, ўша ерга қўшинни жойлаштиришни мулоҳаза килиб, қўшиндаги барча туяларни санаб чиқишни буюрдик, беш юз етмишта туя чиқди.

Сунбул дарахтининг таърифини эшитгандик, шу қўнимжойда кўрдик. Бу тоғ этакларида сунбул кам учрайди. У битта-битта ўсади. Олдинда — Ҳиндустон тоғлари этакларида сунбул кўп ва катта-катта бўлиб ўсади. Бу ҳақда Ҳиндустоннинг ҳайвонлари ва ўсимликларини зикр этганда ёзамиз.

Бу қўнимжойдан тун ярмида жўнаб, тушга яқин Сангдоки довоининг пастига тушдик. Пешин намози чоғи у ердан жўнаб, доvon ва дарёдан ўтиб, бир баланд жойда тўхтадик. У ердан ярим кечаси кўчиб, Бҳирага бораётганимизда ўтган кечигимизни сайр қилиб кетаётган эдик. Уша кечикда дон ортилган катта бир соллойга ботиб қолибди. Унинг эгалари қанча ҳаракат қилишмасин, солни жойидан қимирлатолмадилар. Бу дон-дунни олиб, ёнимизда бўлганларга улашдик. Жуда вақтида топилган галла бўлди.

Тушга яқин келиб, Кобул ва Синд дарёларининг қўшилишидан пастроқ, эски Нилобдан юқорироқ — икки дарёнинг орасида тўхтадик. Нилобдан олти-та кема олиб келиб, ўнг қанот, чап қанот, марказ қўшинларига бўлиб берилди. Аскарларимиз дарёдан ўтишга астойдил ҳаракат қилдилар. Улар биз келган душанба куни ва сешанбага ўтар кечаси, сешанба куни ва чоршанбага ўтар кечаси, бутун чоршанба куни кечгача дарёдан кечиб ўтдилар. Пайшанба куни ҳам озгина кишимиз дарёни кечиб ўтди. Нилобдан кечиб ўтиб бўлганимизда Андароб яқинидан Муҳаммад Али жанг-жангнинг навқари билан бирга Ҳаатийнинг олдида жўнатилган Парбат исмли қариндоши дарё қиргогида олдимизга етиб келди Ҳаатийдан битта зирҳли отни пешкаш қилиб келтирди. Нилобликлар ҳам бит-

та зирҳли от совға қилиб, илтифот кўрсатдилар.

Муҳаммад Али жанг-жангнинг Бҳирада қолиш истаги бор эди. Бҳирани Ҳиндубекка иноят қилганимиз боис, Бҳира ва Синд дарёлари орасидаги Қорлуқ, Ҳазора, Ҳаатий, Гаёсвол ва Кеб каби ерлар ва эллар Муҳаммад Али жанг-жангга иноят бўлди. Тобе бўлиб бўйинсунганларга яхши муносабатда булинади, агар бирор ер ва бирор вилоят бош эгмаса:

*Ҳар кимки бўюнни қўймаса,  
они тийгай,  
Чопқай, талагай, мутиъу мунқод этгай.*

Бу иноятлардан кейин Муҳаммад Али жанг-жангга махсус қора бахмал бош кийим, қалмоқи совут бериб, туғ ҳам совға қилдим. Ҳаатийнинг қариндошига рухсат бериб, Ҳаатийга қилич, бошоёқ сарпо ва ўзимиз томонга мойил қиладиган чақириқ фармонлари юборилди.

Пайшанба куни офтоб чиққанда дарё қирғоғидан қўзғалдик. Шу куни маъжун ейилди. Маъжун еб сархуш бўлгач, ажойиб гулзорларни томоша қилдик. Сариқ ва қизил гуллар бўлак-бўлак жойда тўптўп бўлиб, яна баъзи ерларда фақат сариқ гуллар очилиб ётибди. Яна баъзи ерларда худди сочиб ташлагандек сариқ-қизил гуллар аралаш очилган. Қароргоҳ яқинидаги тепалик устида ўтириб, гулзорни томоша қилдик. Худди режалаштириб экилгандек, бир тепаликнинг олти тарафида бир жойида сариқ ва иккинчи жойида қизил гуллар қатор-қатор булиб олти бурчак шаклида очилиб ётибди. Икки четда гул камроқ очилган, бироқ кўзимиз иллаган ерларнинг ҳаммаёғи гулзор эди. Паршавор атрофларида ҳам баҳор чоғи яхши гулзорлар бунёд бўлади.

Саҳар чоғи бу қўнимжойдан жўнаб кетдик. Кетаётганимизда дарё ёқасидан бир шер ўкириб чиқди. Отлар шер овзини эшитгач, беихтиёр устидаги одами билан ҳар тарафга қочиб, ўзларини жар ва чуқурларга отдилар. Шер чангалзорга қайтиб кириб кетди. Говмиш (қўтос) келтириб, чангалзорга қўйиб, шерни у ердан чиқаришларини буюрдик. У яна ўкириб чиқди. Ҳар томондан ўқ отдилар, мен ҳам отдим. Холвий пиёда най-

за санчаётганида, найзанинг учини тишлаб синдирди. Шер жуда кўп ўқ еб, буттага тисарилиб турган эди, Бобо ясовул қиличини суғуриб, яқин борди, шер ҳамла қилмоқчи бўлганида унинг бошига қилич солди. Шундан кейин Али Сийстоний белига қилич урди, шер ўзини дарёга отди, сувнинг ичидаёқ уни ўлдирдилар. Сувдан чиқариб терисини шилиб олишларини буюрдик.

Эртасига йўлга тушиб, Бигромга етиб келгач, Гуракатрийни томоша қилдик. Насронийлар ибодатхонасига ўхшаш бир торроқ ва қоронғу уйчадир. Эшикдан кириб, икки-уч зина пастга тушгач, ётиб, эмаклаб кириш керак. У ерга шамсиз кириб бўлмайди. Бу уйнинг бутун атрофида кирқиб ташланган соч-соқоллар тўлиб ётибди. Бу Гуракатрийнинг тева-рагида мадраса ҳужраларидек анчагина ҳужралар бор. Кобулга биринчи келган йилимиз Куҳат, Банну ва Даштга ҳужум қилдик, Бигромда катта бир дарахтни томоша қилиб, Гуракатрийни кўролмаганимиздан афсусланган эдик. Афсус қилишга арзийдиган жой эмас экан. Шу куни менинг яхши бир шаҳбозим (лочиним) йўқолди. Уни Шайхим Миришкор парваришлаган эди. Турна ва лайлакни яхши овларди, икки-уч марта туллаган эди. Шундай ов қилар эдики, мендек шаҳбоз овига ҳавассиз кишини ҳам қушчи қилиб қўйганди.

Малик Бухон ва Малик Мусо бошчилигидаги дилазок афгонларининг улугларидан олти кишига Ҳиндистон совғаларидан юз мисқолдан кумуш, бир тўнлиқ (кийимлик) мато, учтадан ҳўкиз, биттадан говмиш бериб, бошқаларга ҳам мавқеига муносиб тарзда пул, мато, ҳўкиз ва говмиш иноят қилдик. Али Масжидда тўхтаганимизда, яъқуб уругидан Маъруф исмли дилазок совға-салом қилиб, бирмунча дон-дун, ўнта қўй, икки уюм гуруч, саккизта катта пишлоқ — пешкаш келтирди.

Али Масжиддан Ядабирга утиб тўхтадик, у ердан жўнаб, пешин намози чоғи Жўйи Шоҳийга етиб келдик. Шу куни Дустбекни қаттиқ иситма тутди. Жўйи Шоҳийдан тонг-саҳар жўнаб, Боғи Вафода тушлик қилдик ва пешин намози пайти Боғи Вафодан қўзғалдик. Гандамакнинг Сиёҳобидан ўтиб, кечқурун на-

мозшом пайти бир хавидзорда тухтаб, отларни тўйдирдик, бир-икки гарийдан сўнг отланиб, Сурҳобдан ўтиб, Каркда тухтаб уйқуладик.

Тонг отмасиданоқ яна йўлга тушиб, Қўратуга олиб борадиган йўлнинг айрилиш жойида мен беш-олти киши билан Қўратуга солинган боғни кўришга бордим. Халифа, Шоҳ Ҳасанбек ва бошиқа кишиларга мени Қўруқсойда кутиб туришларини айтиб, тўғри йўл билан жўнатдим. Қўратуга етганимизда Шоҳбек аргуннинг Қизил деган тавочиси (хабарчиси) Шоҳбекнинг Кохонни олиб талаб, ортига қайтиб кетгани хабарини келтирди.

Олдинроқ ҳеч ким бизнинг бораётганимизни хабар қилмасин, деган фармон бергандик. Кобулга етганимизда пешин намози вақти бўлиб қолганди. Қўтлуққадамнинг кўпригига етганимизча, ҳеч ким хабардор бўлмади. Ундан кейин Ҳумоюн билан Комрон хабар топиб, от минишчалик фурсат ўтмасидан келиб, танқуриқчиларига кўтартириб, шаҳар дарвозаси билан арк дарвозаси ўртасига келиб, ҳурмат кўрсатдилар. Аср намози пайтида Қосимбек, шаҳар қозиси, Кобулда қолган мулозим ҳамда арбоблар келиб, илтифот қилдилар.

Раби ул-охир ойининг аввалида одина куни намози дигарда чоғир мажлиси бўлди. Шоҳ Ҳасанга бош-оёқ махсус сарпо иноят қилдим.

Шанба саҳари кемага кириб сабуҳий (эрталабки хуморбосди) қилдик. Нурбек бу суҳбатда уд чаларди, у пайтлари ичишни ташлаб тавба қилганлардан эмасди. Пешин намози чоғида кемадан чиқиб, Гулкина билан тоғ уртасидаги боғни сайр қилиб, аср намози пайти Боғи Бинафшага келиб ичилди. Намозшомда Гулкина тарафидаги қўрғон деворидан ўтиб, арка келдим.

Ойнинг ўн бешинчисида, сешанба кечаси йўлда қаттиқ иситмалаган Дўстбек Тангри раҳматига борди. Қаттиқ таъсирланиб, аламда қолдик. Дўстбекнинг жасадини Газнига элтиб, Султон боғининг эшиги олдига дафн этдилар. Дўстбек жуда яхши йигит эди. Беклигида доим амалида ўсиб борарди. Беклигидан бурун подшоҳ саройидаги хос амалдорлардан бўлган пайтлари ҳам кўп яхши ишлар

кўрсатганди. Жумладан, бир сафар Андижондан бир йиғоч узоқда — Работи Заврақда эканимизда Султон Аҳмад Танбал кечаси бостириб келди. Мен ўн-ун беш киши билан бориб, олдиндаги ҳужумчиларини яксон қилиб, ортига қайтариб, марказ қўшинигача етиб борганимда, Танбал юзтача одами билан турарди. Ўшанда уч киши, мен билан тўрт киши қолгандик. Уч кишидан биттаси Дўст Носир, яна бири Мирзоқули кўкалдош, учинчиси Каримдод эди. Мен совут кийиб олгандим. Танбал яна бир киши билан сафдан бироз олдинга чиқиб турганди, мен Танбалга рубару бўлдим, дубулгасига тегадиган қилиб ўқ отдим, яна бир ўқни қалқонининг тўқасини мўлжаллаб отдим. Бир ўқ оёғимга келиб тегди. Танбал бошимга қилич солди. Қизиги, бошимга кийганим дубулга бурк бўлса ҳам, унинг битта ипи ҳам кесилмади, аммо бошим анчагина жароҳатланди. Бизга ҳеч қаердан ёрдам келмади, ёнимда ҳеч ким қолмади. Иложсиз қолиб, отнинг жilовини ортга бурдим. Дўстбек бироз ортда келаётган эди. Ортимдан бориб, Танбалнинг ёнидан утаётганида, унга қилич солибдилар. Бошқа сафар — Ахсидан чиқаётган маҳалимиз Боғи ҳез билан чопишди. Ҳез десалар ҳам жасур ва қиличини маҳкам тутадиганлардан эди. Ахсидан чиққанимизда мен билан саккиз киши қолганди. Ўшанда ҳам Дўстбек мен билан бирга эди. Душман икки кишини отдан қулатди, улардан кейин Дўстбекни ҳам йиқитдилар.

Беклик чоғлари Суюнчукхон султонлар билан келиб Тошкандда Аҳмад Қосимни қамал қилганида, душманларнинг устига бостириб борди. Қамал чоғи катта жасорат курсатди. Аҳмад Қосим хабар бермай, Тошкандни ташлаб чиқиб кетди. Ўшанда ҳам у хонлар, султонларни яксон қилиб, Тошканддан осон чиқиб кетди. Кейинроқ яна Ширим тағойи, Мазид ва уларнинг тарафдорлари Газнидан икки-уч юз киши билан билан келаётганларида, бу мўғуллар ўзларининг уч-тўрт юз сара йигитларини Дўстбекнинг қаршисига жўнатди. Шарукон атрофида олдига борганларни енгиб, анча одамни отдан тушириб, жуда кўп бош кесиб келтирди. Бажавр қўрғонини эгал-

лашда ҳам Дустбекнинг одами ҳаммадан бурун етиб бориб, қўргон девори устига чиқди. Паролада ҳам Дустбек бориб, Ҳаатийга шикаст етказиб, уни қочирди. Дустбек вафотидан сўнг вилоятини укаси Мирим Носирга иноят қилдим.

Раби ул-охир ойнинг саккизинчисида, жума куни қўргондан Чорбоққа чиқдик.

Ойнинг ун иккинчисида, сешанба куни Султон Ҳусайн мирзонинг катта қизи Муҳаммад Султон мирзонинг онаси Султонимбегим бу туполонларда Хоразмда тўхтагани, Йилибарс Султоннинг укаси, Эсонқули Султон Султонимбегимнинг қизини олгани, Кобулга келдилар. Уларнинг яшашлари учун Боги Хилватни тайинладик. Ўша боққа жойлашганларидан сўнг мен бориб кўрдим. Менга катта опамдек бўлгани боис таъзим ва эҳтиром кўрсатиш учун эгилдим, улар ҳам эгилдилар, бир-биримизга қараб юриб бориб, кўришдик. Кейинчалик ҳар доим шу қоидага риоя этиларди.

Ойнинг еттинчисида, якшанба куни Бобо Шайх кўрнамакни, анча вақт бандда ушлаб ўтирган эдик, гуноҳини афв қилиб, бандиликдан бўшашиб, сарпо инъом этилди.

Ойнинг ун тўққизинчисида, сешанба куни тушга яқин Хожа Сеёрон томонга отландик. Шу куни рўза эдим, Юнус Али ва ёнидагилар таажжубланиб: сешанба куни, сайр ва рўза — бу жуда ғалати, дедилар. Беҳзодийга бориб ўша ер қозисининг уйига тушдик. Кечқурун кичик зиёфатга тайёргарлик кўра бошладик. Қози: „Менинг уйимда бундай ишлар бўлган эмас, аммо подшоҳ ҳокимдурлар“, деди. Гарчи зиёфат учун ҳамма нарса муҳайё қилинган бўлса ҳам, қозининг кўнгил розилиги учун ичишни бекор қилдик.

Чоршанба куни Хожа Сеёронга бордик.

Ойнинг йигирма биринчиси, пайшанба куни бог солинган тоғнинг тумшуғига катта думалоқ супа қўрдирдик.

Жума куни кўприк остидан солга ўтирдик. Овчиларнинг уйлари тўғрисига етганимизда, овчилар битта данг де-

ган қушни тутишган экан, олиб келишди. Бундан бурун дангни кўрган эмасдик, ажойиб кўринишдаги қушдир, шарҳи Ҳиндустон ҳайвоноти зикрида келди.

Ойнинг йигирма учинчисида, шанба куни думалоқ супанинг тепа тарафига чинор ва тол ниҳоллари аралаш қилиб экилди. Пешин намози чоғи чоғир суҳбати бўлди. Эртаси саҳарда думалоқ супада сабуҳий қилдик. Тупдан сўнг отланиб, Кобулга қараб жунадик. Хожа Ҳасанга келиб, маст ҳолда бироз ухладик. Хожа Ҳасандан йулга тушиб, ярим кечаси Чорбоққа етиб келдик.

Хожа Ҳасанда маст бўлиб қолган Абдулло йиртиқ тўни билан ўзини сувга отди. Отларга минган чоғимиз кеч бўлиб қолгани, совқотиб, биз билан кетолмади. Кечаси Қутлуғ Хожанинг тиюлида\* қолиб, эртасига ўтган куни ўзидан кетганлиги учун танбеҳлар эшитиб, тавба қилиб келди. Мен унга: „Мунча тез! Бундай тавба муяссар бўладими, йўқми? Дарҳол, фақат менинг зиёфатимдан бошқа ерда ичмайман, деб тавба қил“, дедим. У қабул қилди. Бир неча ой бу қоидага риоя қилиб юриди, аммо кейин сўзида туролмади.

Ойнинг йигирма бешинчисида, душанба куни Бҳира ва ўша вилоятларга тинчлик ўрнатиш умиди билан қўйган одамимиз — Ҳиндубек келди. Бҳираликлар сулҳ ва тинчлик ҳақидаги сўзларга қулоқ солмай, бизнинг айтганларимизни кўзга илмай, қулоққа олмай, биз қайтиб кетишимиз билан кўплаб афгон ва ҳиндистонликларни йигиб, Ҳиндубекнинг устига Бҳирага юриш қилибди. Ерлик халқ ҳам афгонлар тарафига оғиб кетибди. Ҳиндубек Бҳирада туролмай, Хушобга келиб, Динкут вилояти орқали Нилобга утиб, Кобулга келди. Сектунинг угли Дэва Ҳинду ва яна бир ҳиндуни Бҳирадан асир қилиб олиб келганди. Улар уз ишларини тўлов шаклида бир нималар бериб ҳал қилдилар. Бу ҳиндуларга отлар, бош-оёқ кийим инъом қилиб, рухсат берилди.

Ойнинг йигирма тўққизинчисида, жума куни баданимда иситма ҳарорати

\* Тиюл — хизмат қилгани учун умрбод фойдаланишга берилган жой.

зоҳир бўлди. Томирдан қон олдирдим. Гоҳида ҳар куни, гоҳ кун оралаб, ё икки-уч кун ўтиб иситмалардим. Ҳар иситма тутганида, терга ботмагунимча иситма қўйиб юбормасди. Ўн-ўн икки кундан кейин Мулло Хожаго шаробни наргис билан аралаштириб берди, бир-икки марта ичдим, фойдаси бўлмади.

Жумод ул-аввал ойининг ўн бешинчисида, якшанба куни Хостдан Хожа Муҳаммад Али келди. Битта эгарланган от тортиқ қилиб, садақа учун пул ҳам олиб келди. Хожа Муҳаммад Али билан бирга Муҳаммад Шариф мунажжим ва Хост мирзолари ҳам келиб, мена хизмат қилиш ниятларини билдирдилар. Эртаси, душанба куни Мулло Кабир Кошгардан келди. У Кобулга Андижон вилоятидан Кошгар орқали айланиб келибди.

Ойнинг йигирма учинчисида — душанба куни Малик Шоҳ Мансур юсуфзай юсуфзайнинг олти-етти улуғ кишилари билан Саводдан келиб, хизматимга киришларини билдирдилар.

Жумод ус-соний ойининг аввалида, душанба куни Шоҳ Мансур бошчилигидаги юсуфзай афгонийнинг улуғларига сарполар кийдирилди. Шоҳ Мансурга шойи тун, тугмали совут, яна бирига юпқа шойи тўн, яна олти кишига шойи тўнлар кийдириб, рухсат берилди. Савод вилоятининг Абуҳадиндан юқорида жойлашган ерларини бошқаришга дахл қилмасликлари ва у ерлардаги барча аҳолини солиқ тўлаш рўйхатидан чиқаришларига қарор қилдик; Бажавр ва Саводдаги афгонларга маҳкамага олти минг харвор дон тушириш топширилди.

Ойнинг учинчисида, чоршанба куни жуллоб\* ичдим. Яна икки кун жуллоб ичдим.

Ойнинг олтинчисида, шанба куни сурги дори ичдим.

Ойнинг саккизинчисида, душанба куни Халифанинг катта қизига Қосимбекнинг кичик ўгли Ҳамзадан сочиқ (тортиқ) келди. Минг шоҳрухий эди. У битта эгарланган от ҳам тортиқ қилди.

Сешанба куни Шоҳ Ҳасан Шоҳбек чоғир суҳбатига рухсат сўраб, Хожа

Муҳаммад Али бошчилигидаги баъзи бек ва хос амалдорларни уйига олиб кетди. Юнус Али аа Гадоий тағойи менинг қошимда эдилар. Мен ҳали шаробдан парҳез қилаётган эдим. Дедимки, сира шундай бўлмагандики, мен ҳушёр ўтириб, ҳамма шароб ичса ва мен соппа-соғ туриб, бир тўда одам ўзини масти шароб қилса. Келинг, менинг қошимда ичинглар, мен бир замон томоша қилай, ҳушёрлар билан мастларнинг муносабати ва борди-келдиси қандай бўлишини билай. Чинор боғининг эшиги олдида солинган суратхонанинг шарқи-жанубига қараб кичикроқ оқ уйча тикилган эди, баъзан ўша ерга жойлашардим. Ўша ерда зиёфат бўлди. Кейинроқ Гиёс масхарабоз келди. Уни бир неча бор муттойиба йўли билан мажлисдан ҳайдаб юбориш буюрилди. Охири шалойинлик қилиб (ғалва кўтариб) масхарабозлик билан мажлисга йўл топди. Турди Муҳаммад қипчоқ билан Мулло китобдорни ҳам мажлисга чақиртирдик. Шоҳ Ҳасанга ва унинг уйдаги мажлис аҳлига қўйидаги рубойини бадиҳа қилиб айтиб, жўнатдик:

*Аҳбобки, базмида гулдистон хастур,  
Йуқ лек алар базмида бизга дастур.  
Ул жамъда гар ҳузурӣ жамъият бор,  
Юз шукр, бу жамъ беҳузур эмастур.*

Иброҳим тансоқчимиздан бериб юборилди. Икки намоз ўртасига яқин бу мажлис аҳли маст бўлиб тарқалишдилар. Бу бетоблигим пайтида мени тахтиравонда кўтариб олиб юришардилар. Бир неча кун бурун аралаштирилган шароб ичгандим, фойда қилмагач, ичмай қўйгандим. Касалдан янги тузалган кунларнинг охирларида толор чаманининг гарби-жанубий тарафида, олма тагида мажлис тузиб, аралаштирилган шароб ичдим.

Ойнинг ўн иккинчисида, жума куни Бажаврда кўмак учун қолдирилган Аҳмадбек ва Султон Муҳаммад дўлдой келдилар.

Чоршанба куни, ойнинг ўн еттинчисида, Ҳайдар Тақийнинг боғида Тангриберди баъзи бек ва йигитларга зиёфат бераётган эди, мен ҳам ўша ерга бориб,

\* Жуллоб — гулоб, шакар ва дорилардан тайёрланадиган шарбат.

ичдим. Кечқурун хуфтон намози вақти у ердан туриб келиб, катта оқ уйда ҳам ичилди.

Ойнинг йигирма бешинчисида, пайшанба куни Мулло Маҳмуд ҳузурида фиқҳ дарсини ўқиш белгиланди.

Ойнинг охирида, сешанба куни Шоҳ Шужоъ аргуннинг олдидан Абу Муслим кўкалдош элчиликка келди. Битта чопқир отни тортиқ қилиб келтирди. Шу куни Юсуф Али рикобдор Чанор богидаги ҳовузда қулоч отиб юз марта айланиб сузди. Бош-оёқ кийим, эгарланган от ва пул инъом қилдик.

Ражаб ойининг саккизинчисида, чоршанба куни Шоҳ Ҳасанбекнинг уйига бориб ичдим. Купгина беклар ва хос амалдорлар ўша ерда эдилар.

Ойнинг ўн биринчисида, шанба куни зиёфат бўлди. Аср ва шом намозлари уртасида катта кабутархона томи устига чиқиб ичилди. Кечроқ бир неча отлиқ Деҳи Афгон тарафдан йўл бўйлаб шаҳар томонга ўтиб кетаётганди. Суриштириб билдик — Дарвеш Муҳаммад сорбон экан. Мирзохоннинг қошидан элчиликка келаётган экан, том устидан чорладик. „Қонун-қоида билан амалдорларча элчилик қилишни қўй, такаллуф қилмасдан келавер!“ дедик. Дарвеш Муҳаммад келиб, совга-саломини тортиқ қилиб, зиёфатда ўтирди. Ўша пайтлари тоиб эди, ичмасди. Ярим кечагача шу ерда ичилди.

Эртасига маҳкамада ўтирганимда Дарвиш Муҳаммад келиб, Мирзохон юборган тортиқларни расму қоидаси билан топширди. Утган йили юз ташвиш ва катта ваъдаю дағдагалар билан нариги тарафдаги аймақларни кучириб, Кобулга олиб келган эдик. Кобул — тор ер. Аймақлар ва туркларнинг қўй-подалари яхши қишлайдиган ёки ёйиладиган ерлар эмас. Саҳрода яшайдиган элнинг ўзига қўйиб берса, Кобулда яшашни ҳавас қилмасди. Улар Қосимбекка хизмат қилиб, нариги тарафга ўтиш учун уни ўртага солдилар. Қосимбек мени кундиришга куп уринди. Охири аймақларнинг Қундуз ва Боғлон томонларга кучишлари учун рухсат олди.

Ҳофиз Жубайр котибнинг акаси Самарқанддан келганди. Мен энди унинг

Самарқандга кетишига рухсат бериб, Фулод Султонга девонимни бериб юбордим. Девоннинг орқасига ушбу кичик қитъани битдим:

*Ул сарвининг ҳаримига гар етсанг,  
эй сабо,  
Бергил бу ҳажр хастасиди ёд кунглига.  
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни  
бор умид,  
Солгай Худой раҳми Фулод кунглига.*

Ойнинг ўн еттинчисида, жума куни Шоҳ Мазид кўкалдош Муҳаммад Замон мирзо ҳузуридан бечораларга хайр-садақа ва битта отни тортиқ қилиб келтириб, менга хизмат қилишини билдирди. Шу куни Шоҳбекнинг элчиси Абу Муслим кўкалдошга тўн кийдириб, совга-саломлар билан кетишига рухсат бердик. Хожа Муҳаммад Али билан Тангрибердига ҳам вилоятлари — Хост ва Андаробга кетишлари учун шу куни рухсат бўлди.

Ойнинг йигирма учинчисида, пайшанба куни Качакот ва қорлуқ ерларида қолдириб, ўша вилоятларни бошқаришни зиммасига топширган кишим Муҳаммад Али жанг-жанг мирзойи Малвий қорлуқнинг ўгли Шоҳ Ҳусайн ва Ҳаатийнинг одами билан бирга келишди. Шу куни Самарқандга кўч-кўронини олиб келиш учун кетган Муҳаммад Алихон келиб, хизматимга кирди.

Гардиз чегарасида ўтирган Абдуorraҳмоний афгонлари унча-мунчага кунадиганлардан эмасди. У ердан утадиган карвонлар ҳам улардан зиён кўрарди. Ражаб ойининг йигирма тўққизинчисида, чоршанба куни бу афгонларга ҳужум қилиш учун отландик. Танги Вағжон атрофида тўхтаб овқатланиб, пешин намозидан кейин йулга тушдик. Кечаси йўлдан адашиб, Панжоб Шаҳнанинг шарқи-жанубий томонидаги тепалик ва даштларда анча саргардон бўлдик. Бир муддатдан сўнг йулга тушиб олдик. Чашмайи Пара довонидан ошиб, Гардизга қараб кетган томон билан бомдод намози пайти текисликка чиқиб олгач, ҳужумчилар юборилди. Бир гуруҳ аскар Гардизнинг шарқ ва жанубида жойлашган Кирмош тоғига қараб жўнади. У ҳужумчилар ортидан Хисрав Мирзоқули ва Саййид Али бошчилигидаги марказ

қўшиннинг ўнг қўлини юбордик. Аскарларнинг катта қисми водий бўйлаб юқорига қараб ҳужумга ўтди. Бу ҳужумчиларнинг ортидан Саййид Қосим эшик ога, Миршоҳ қавчин, Қиём, Ҳиндубек, Қутлуққадам ва Ҳусайн бошчилигидаги аскарлар юборилди. Уларни кузатгандан сўнг, ўзим ҳам буларнинг ортидан жўнадим. Бу водий юқорисида яшайдиган халқ анча олисда жойлашган экан. Водийнинг юқорисига қараб кетган аскарларнинг отлари ҳориди. Аскарлар қўлга ҳеч нарса киритолмадилар. Текисликда қирқ-элликтача пиёда афгон кўриниб қолади. Аввалги қўшин орқасидан кетганлар уларга қараб юриб, менга одам чоптирибди. Мен яна ҳам тезроқ юрдим. Мен етиб боргунимча Ҳусайн ноурин, ҳеч нарсани уйламай бир ўзи от солибди. Афгонларнинг орасига кириб қилич солаётган чоғи отига ўқ тегиб, уни йиқитибдилар. Ўрнидан туриши билан оёғига қилич уриб йиқитадилар. Ҳар тарафдан ташланиб, пичоқ уриб, чопиб пора-пора қиладилар. Қолган йигитлар бунга қараб туриб, кумакка бормайдилар.

Бу хабар етиб келгач, Гадоий тағойи, Поянда Муҳаммад қоплон, Абулҳасан қурчи, Мўмин атка бошчилигидаги ичкилар ва йигитларни отларининг жиловларини бўш қўйдириб зудлик билан илгарироқ жўнатиб, ўзим ҳам тез бордим. Ҳаммадан бурун Мўмин атка бир афгонга найза санчиб, бошини кесиб келтирди. Абулҳасан қурчи ҳам совут киймасдан жасорат билан бориб афгонларнинг йўлини тўсиб, от солиб, бир афгонни қилич билан чопиб йиқитиб, бошини кесиб келтирди. Ўзи уч жойидан, оти бир жойидан жароҳатланган эди. Поянда Муҳаммад қоплон ҳам яхши уришди, бир афгонни чопиб, бошини келтирди. Гарчи Абулҳасан билан Поянда Муҳаммад қоплоннинг мардликлари бундан бурун ҳам маълум бўлса-да, бу урушда катта жасорат кўрсатдилар. Бу қирқ-элликта афгоннинг ҳаммасини ўққа тутиб, қилич билан чопиб пора-пора қилдилар. Кейин бир хавидзорда тўхтаб, бу афгонларнинг бошидан калламинор қуришларини буюрдик.

Иулда келаётганимизда Ҳусайн билан бирга бўлган беклар келиб қўшилдилар. Дагдага ва ғазаб билан шундай

дедим: „Шунча одам қараб туриб, бир неча пиёда афгонга теп-текис ерда шундай йигитларни олдириб ўтирибсизлар. Сизларни унвон-мансабларингиздан маҳрум қилиб, вилоят ва ерларингиздан айириб, соқолларингизни қирқиб олиб, шаҳарларда ҳаммага сазойи қилиш керак, токи бирор-бир одам бундай йигитни бундай ганимга олдириб ўтирса, теп-текис жойда қўлини қимирлатмасдан турса, сазойи бўлур“.

Кирмош томонга борган аскарлар қўй ва ўлжа олиб келдилар. Бобо Қашқа мўгул ҳам Кирмош томонга кетган аскарлар билан эди. Бобо Қашқага бир афгон қилич билан ташланаётган маҳали у довюраклик билан тўхтаб туриб, камонини ўқлаб, бу афгонни уриб йиқитибди.

Эрта тонгда йўлга тушиб, Кобулга қараб кетдик. Муҳаммад бахши ва Абдулазиз мирохўр ва мир Хурд баковулга Чашмайи Пара довонини айланиб, у ердан қирговул овлашлари учун ҳукм бўлди. Ўзим бир неча киши билан Майдони Рустам йўли билан, аввал курмаган эдим, кетдим. Майдони Рустам тоғлар орасида жойлашган. Тоғнинг бошига яқин, унча сафоли жой эмас. Икки тоғнинг ўртасида кенгина водий тушган. Жанубий тарафидаги тепаликнинг этагида кичикроқ чашмаси бор. Катта-катта баланд ним дарахтлари ҳам бор. Бу майдони Рустамнинг Гардиз тарафидан чиқиб келадиган йўлида чашмалар бор, дарахтлари ҳам анчагина. Булар кичикроқ дарахтлардир. Гарчи водийси тор бўлса-да, бу ердаги дарахтларнинг ости кўм-кўк ўтлоқлардир. Сафолигина ўтлоқдир. Майдони Рустамнинг жануб тарафидаги тоққа чиқдик. Кирмош тоғлари ва Бангаш тоғлари оёғимиз остида кўриниб турарди. Кирмош тоғларидан нарида пашакаал (ёмғир мавсуми) булутлари таҳ-батаҳ кўриниб турарди. У вилоятларда пашакаал бўлмайди, шу боис у тарафларда асло булут кўринмайди. Пешин намози пайти Ҳунийга келиб тушдик. Эртасига Муҳаммад Ога қишлоғининг атрофида тўхтаб, маъжун едик, кейин сувга балиқларни ухлатадиган дори солиб, анчагина балиқ тутдик.

Шаъбон ойининг учинчисида, якшанба куни Кобулга келдик. Ойнинг бешин-



чисида, сешанба куни Дарвеш Муҳаммад Фазлий билан Хисравнинг навкарини чақириб, Хусайн қурбон бўлган пайти қилган хатолари учун сўроқ қилиб, амалунвонларидан маҳрум қилдик. Пешин намози чоғи чинор остида шароб мажлиси бўлди. Бобо Қашқа мўгулга тун инъом қилинди.

Ойнинг саккизинчисида, жума куни Мирзахоннинг қошига кетган Кепакхон қайтиб келди.

Пайшанба куни аср намози пайти Хожа Сеёрон, Борон ва Домани тоғлари этагини сайр қилишга отландим. Хуфтон намози чоғи Момо Хотун мавзесига келиб тушдик. Эртасига Исталифга келиб тўхтадик. Уша куни маъжун ейилди.

Шанба куни Исталифда шароб суҳбати бўлди. Тонгда Исталифдан отланиб, Санжид дараси ораси билан утиб, Хожа Сеёроннинг яқинига етганимизда, йўғонлиги билакдек ва узунлиги бир қулоч келадиган катта илонни кўриб қолиб, улдирдик. Бу катта илоннинг ичидан ингичкароқ бир илон чиқди, эҳтимол, у бу илонни бироз олдин ютиб юборгандир, ҳамма аъзолари бутун эди. Бу ингичка илон катта илондан андак қисқароқ эди. Бу ингичка илоннинг ичидан катта бир сичқон чиқди, у ҳам бутун эди. Бирор ери эзилмаганди. Келиб, Хожа Сеёронда шароб ичиб ўтирдик. Уша куни у тарафдаги бекларга жанг майдонида қўшини қисмларининг жойлашишини тайин қилиб, Кичкина тун посбони орқали фармон бердим, аскарларини отлантириб, белгиланган ерга зудлик билан етиб келишларини буюрдим.

Тонгда йўлга тушиб, маъжун еб, Парвон сувининг қўшилиш жойида Парвон сувига шу ерликлар таомили билан балиқ дориси солиб, жуда кўп балиқ тутдик. Миршоҳбек бизни меҳмон қилди.

Бу ердан отланиб, Гулбаҳорга бордик. Шом намозидан сўнг шароб ичиб, суҳбат қурдик. Бу суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад сорбон ҳам қатнашарди. Гарчи жасур йигит ва сипоҳий бўлса-да, шароб ичмасди, бу ишдан тавба қилганди. Қутлуқ Хожа кўкалдошнинг сипоҳийликни тарк этиб, дарвеш бўлганига анча вақт бўлганди. Ёши ҳам анчага борган, соқоли оппоқ бўлиб оқарганди. Бундай

суҳбатларда ҳамisha шаробхўр дўстимиз эди. Мен Дарвеш Муҳаммадга: „Қутлуқ Хожанинг соқолидан уялсанг-чи! Дарвеш ва қари, оппоқ соқоли билан ҳар доим шароб ичади, сен сипоҳий ва ёш йигит, соқолинг ҳам қоп-қора бўла туриб сира ичмайсан. Бунинг маъноси нима?“ дедим. Ичмайдиган кишига шароб таклиф қилиш одатим бўлмагани учун, менинг бу сўзларимни ҳазилга йўйдилар, Дарвеш Муҳаммадга шароб таклиф этилмади. Эрталаб сабуҳий қилдик.

Чоршанба куни Гулбаҳордан жўнаб, Абун қишлоғида тўхтадик. Таомланиб, кейин отланиб, Боготи Хумга келиб тушдик. Пешин намозидан сўнг чоғир суҳбати бўлди. Эртасига у ердан жўнаб, Хожа Хонд Саййид мазорини тавоф қилиб келиб, Жина қўргонида солга кирдик. Панжҳир дарёсининг қўшилишида сол тоғ қоясининг туртиб чиққан жойига урилиб гарқ бўлаёзди. Руҳдам, Тангриқули, Мир Муҳаммад жолабон сол тоққа урилгач, сувга йиқилдилар. Руҳдам билан Тангриқулини кўп қийинчиликлар билан солга чиқариб олишди. Чинни пиёла, қошиқ, доира сувга чўкиб кетди. Бу ердан ўтиб, Санги Буриданнинг тўғрисида етганимизда, сол сув ўртасида шохгами ёки банд учун қоқилган қозиққами урилди. Шоҳ Ҳасан Шоҳбек ўша заҳоти орқага қараб ағдарилди. У Мирзоқули кўкалдошни ушлаганди, у ҳам йиқилди. Дарвеш Муҳаммад сорбон ҳам сувга қулади. Мирзоқули жуда галати йиқилиб тушди. Йиқилаётган пайти қўлидаги қовун кесадиган пичоқни сол устидаги бўйрага санчишга улгуриб, кейин йиқилди, Мирзоқули солга келмай, дабдала бўлган туни билан сузиб чиқди. Солдан чиқиб, уша куни кечқурун солчиларнинг уйида қолдик. Худди сувга чўкиб кетган етти рангли пиёладек пиёлани Дарвеш Муҳаммад тортиқ қилди.

Жума куни дарё қирғоғидан отланиб, Иничкадан пастга — Кўхбача этакларига тушиб, уз қўлларимиз билан жуда кўп мисвок териб олдик. У ердан утиб, Хожа Хизрийларнинг уйида ош еб, йўлга тушдик. Пешин намози чоғи Қутлуқ Хожага тегишли Ламғон қишлоқларидан бирида тўхтадик. Қутлуқ Хожа тезлик билан овқат тайёрлади. Тановул қилгач, йўлга тушиб, Кобулга келдик.

Ойнинг йигирма бешинчисида, душанба куни Дарвеш Муҳаммад сорбонга махсус тўн ва эгарланган от иноят қилдик, у тиз чўкиб, навкарликка кирди. Тўрт-беш ойдан буён сочимни қирқмаётган эдим, чоршанба куни, ойнинг йигирма еттинчисида сочимни қирқтирдим. Шу куни шароб суҳбати бўлди.

Ойнинг йигирма тўққизинчисида, жума куни Мир Хурд Ҳиндолга бекота бўлиб хизматга кирди ва менга таъзим қилди. Минг шоҳрухий сочиқ киргизди.

Рамазон ойининг бешинчисида, чоршанба куни Тулак кўкалдошнинг қошидан Барлос жиқи исмли навкар унинг хабарини келтирди. У ерларга ўзбак чопқунчиси келган экан, Тулак уларнинг қаршисига чиқиб, урушиб босибди. Битта тирик ўзбак ва битта бош келтирди.

Ойнинг саккизинчисида, шанба куни кечқурун Қосимбекнинг уйига бориб оғиз очдик. Битта эгарланган от тортиқ қилди.

Якшанба куни Халифанинг уйида оғиз очилди. Битта эгарланган от пешкаш қилди. Эртасига Хожа Муҳаммад Али ва Жон Носирни лашкар ишлари бўйича чақиртирган эдик, вилоятларидан етиб келишди.

Ойнинг ўн иккинчисида, чоршанба куни, Комроннинг тоғаси Султон Али мирзо (мен Хостдан Кобулга кетаётган йили Кошгарга кетган эди — у ҳақда зикр этгандик) келди.

Ойнинг ўн учинчисида, пайшанба куни Юсуф Алини қайтариш ва умуман, орадан кўтариш ниятида отланиб, Деҳи Яқуб дарёсининг Кобул тарафидаги сайхон ерда тўхтадик. Жунар чоғимиз Бобохон ахтачи менга ярамасроқ отни тутди, аччигимдан юзига бир мушт урдим. Тўртинчи бармоғим тубидан синди. Ўша пайти унча огримади. Келиб қўнимжойда тўхтаганимизда анча ташвиш берди. Узоқ вақт азоб тортидим. Ёза олмасдим, синган жой кейинчалик битиб кетди. Шу сафар тўхтаган қўнимжойда эканимизда менинг холам Давлат Султонхонининг Қутлуқ Муҳаммад деган кўкалдоши Кошгардан, Хоним ҳузуридан хат-хабар келтирди. Шу куни дилазокнинг улуглари Бухон ва Мусо келиб, тортиқлар билан менга илтифот кўрсатдилар.

Ойнинг ўн олтинчисида, якшанба куни Қўчбек келди.

Ойнинг тўққизинчисида, чоршанба куни йўлга тушиб, Бичокдан утиб, ҳар доимги жойда, ана шу Бичок анҳорининг ёқасида тўхтадик. Бомиён, Қоҳмард ва Ғўрий — Қўчбекка тааллуқли вилоятлар ўзбакка яқин ерда жойлашганлиги боис Қўчбекни бу юришдан озод қилиб, ушбу қўнимжойдан ўзим ўраган салла ва бош-оёқ сарпо инъом қилиб, вилоятга кетиши учун рухсат берилди.

Ойнинг йигирма биринчисида, жума куни Бодом Чашмага келиб тушдик. Эртаси Борикобга келдик. Бир ўзим Қоратуни сайр қилиб келдим. Ушбу юртта дарахтдан асал топилди. Манзилма-манзил олдинга қараб юрдик.

Ойнинг йигирма олтинчисида, чоршанба куни Боғи Вафога келиб тўхтадик.

Пайшанба куни фақат боғда бўлдим. Жума куни кўчиб, Султонпурдан утиб тўхтадик. Шу куни Шоҳ Мир Ҳусайн ўз вилоятидан келди. Бухон ва Мусо бошчилигида дилазокнинг амалдорлари ҳам шу куни келишди. Саводга юсуфзайни бирёқлик қилиш учун жўнаётган эдик, дилазок маликлари, Ҳашнағарда халқ кўп, дон-дун ҳам кўп топилади, дея арз қилиб бизни Ҳашнағарга боришга ундадилар. Маслаҳат қилиб, Ҳашнағарда дон-дун кўп экан, у ердаги афгонларни босиб, Ҳашнағар ва Паршавор қўрғонларини бу дон-дун захираларини жойлаштириш учун тайёрлаб, Шоҳ Мир Ҳусайнни бир гуруҳ йигитлари билан ўша ерга қўйишни келишиб олдик. Бу ишларни бажариш учун Шоҳ Мир Ҳусайнга вилоятга бориб, қурол-яроғини келтириши учун ўн беш кун муддатга рухсат берилди. Эртаси йўлга тушиб, Жўйи Шоҳийга келиб тўхтадик. Тангриберди, Султон Муҳаммад дўлдой ортимиздан шу қўнимжойга келдилар. Ҳамза ҳам Қундуздан шу куни келди.

Ойнинг охирида, якшанба куни Жўйи Шоҳийдан кўчиб, Қирқариққа келиб тушдик. Мен бир неча хос кишиларим билан солга тушдим. Ҳайит ҳилолини шу жойда эканимизда кўрдик. Дарайи Нурдан бир неча уловда шароб келтиргандилар, шом намозидан кейин шароб ичиб зиёфат қилдик. Мажлисда Муҳиб Али қурчи, Хожа Муҳаммад Али китобдор, Шоҳ Ҳасан, Шоҳбек, Султон Муҳаммад дўлдой, Дарвеш Муҳаммад

сорбон иштирок этардилар. Дарвеш Муҳаммад тоиб эди. Кичиклигимдан ичмайдиган одамга ичишни таклиф қилмаслик одатим бор эди. Ҳар доим суҳбатларда Дарвеш Муҳаммад қатнашарди, бироқ уни ичишга ҳеч қачон мажбур қилган эмасдик. Хожа Муҳаммад Али уни уз ихтиёрига қўймай, таклиф қилавериб, охири ичирди.

Ҳайит тонгида, душанба куни йулга тушдик. Йўлда хуморни даф қилиш учун маъжун едик. Маъжун еб кайф булган чоғимиз битта ҳанзал (табобатда ишлатиладиган аччиқ тарвуз) олиб келдилар. Дарвеш Муҳаммад ҳанзални авваллари курган эмасди. Мен унга Ҳиндистоннинг тарвузи деб, бир карч кесиб бердим. Берилиб тишлади, кечгача оғзидан аччиги кетмади. Гарм чашманинг тепасида тўхтаб, яхни тортилаётган пайти анчадан буён уз ерида булган Лангархон келиб от ва анчагина маъжун тортиқ қилиб, илтифот кўрсатди. Биз яна юрдик ва Ядабирга келиб тўхтадик. Аср намози пайти бир неча хос кишиларим билан солга тушиб, бир куруҳча пастга сузиб бориб, яна қайтиб чиқдик. Эртаси жўнаб, Хайбар довони тубида тўхтадик.

Шу куни Султон Боязид Нилобдан Пора йўли билан ўтиб, бизнинг хабаримизни топиб, ортимиздан келиб: „Афридий афгон куч ва моли билан Порада ўтирибди. Шолиси жуда кўп экилган экан, пишиб ҳаммаси йиғилмасдан турибди“, деган хабарни айтди. Ҳашнагардаги юсуфзай афгонлари устига боришга аҳд қилганимиз боис унинг сўзларига эътибор қилмадик. Пешин намози чоғи Хожа Муҳаммад Алининг чодирда шароб мажлиси бўлди. Шу мажлиснинг ўзида бу ерларга келишимиз кайфиятини шарҳлаб, Бажаврга — Султон Калонга Султон Тароҳийдан бериб юбордик. Фармон ҳошиясига мана бу байтни битгандим:

*Сабо ба лутф бигу он ғазоли раъноро,  
Кн сар ба кўҳу бнёбон ту додан моро.*

(Мазмуни:

*Эй тонг ели, у гузал оҳуга юмшоқлик билан  
айтки,  
Бизни тоғу саҳроларга улоқтирган сенсан.)*

Тонгда у ердан кўчиб, довондан пастга тушиб, Хайбар тоғи оралигидаги тор

йўллардан ўтиб, Али Масжидда тўхтадик. У ердан пешин намози пайти отланиб, партолни орқада қолдириб, иккинчи пос булганида Кобул сувининг қирғоғига келиб бироз ухладик. Саҳарда кечик топиб, сувдан кечиб ўтдик. Посбонлар бизнинг келаётганлигимиздан хабар топган афгонларнинг қочиб кетганликлари ҳақида хабар келтирдилар. Яна юриб, Савод дарёсидан ўтиб, афгонлар экинзорларининг ўртасида тўхтадик. Бизга таъриф қилиб айтганларининг ярмича, ҳатто чорагича ҳам дон топилмади. Ҳашнагарни мана шу ғалла умиди билан тартибга солиш режаси ўзгарди. Бизни бу юришга ундаган дилазок маликлари хижолатда қолдилар. Аср намози вақтида Савод дарёсидан Кобул тарафга кечиб ўтиб, жойлашдик.

Эртаси тонгда Савод дарёси қирғидан жўнаб, Кобул дарёсидан кечиб ўтиб, тўхтадик. Кенгашга қатнашадиган бекларни чорлаб, маслаҳатлашиб, Султон Боязид айтган Афридий афғони устига ҳужум қилиб, унинг моли, дондуни, кучи (рўзгор ашёлари) билан Паршавор қўрғонини тартибга келтириб, у ерга қўямиз, деган қарорга келдик. Ҳиндубек қавчин ва Хостнинг амирзодалари шу манзилда эканимизда келдилар.

Шу куни маъжун ейилди. Дарвеш Муҳаммад сорбон, Муҳаммадий кўкалдош, Гадои тағойи, Асас бор эди. Сунгра Шайх Ҳасанни ҳам чақиртирдик. Овқат тортилганидан сўнг, аср намози пайти солга кирдик. Лангархон Ниёзийни ҳам солга таклиф қилдик. Намозшом пайти солдан чиқиб, қароргоҳга келдик. Қабул қилган қароримиз буйича дарё қирғогидан саҳар кўчиб, Жомдан ўтиб, Али Масжид сувининг бошланиш жойида тўхтадик.

Ортимиздан келган Абулҳошим Султони: „Арафа кечаси Жуйи Шоҳийдан Бадахшондан келаётган бир киши билан Жамруддан ўтган эдим, у Султон Саидхон Бадахшон устига келгани аниқ эканлигини айтди. Мен подшоҳга хабар қилиш учун келмоқдаман“, деди. Бекларни чорлаб, кенгаш қилиб, бу хабар туфайли Паршавар қўрғонини тартибга солиш ишини тўхтатиб, Бадахшонга жўнаш учун орқага қайтилди. Лангар-

хонга тўн кийдириб, Муҳаммад Али жанг-жангга кўмакчилар тайинлаб, рухсат берилди. Уша куни кечқурун Хожа Муҳаммад Алининг чодирисида чоғир мажлиси бўлди. Эрта билан у ердан жўнаб, Хайбар довонидан ошиб, довон тубига жойлашдик. Хизрхайл элати куп ножиоз ишлар кўрсатди. Қўшин ўтаётганида ортда қолган, қирғоқда тўхтаган аскарларга ўқлар отиб, отларини ўғирлаб кетардилар. Уларнинг адабини бериб, қулгогини бураб қўйиш керакка ухшаб қолди. Шу ўй билан довон тубидан саҳарда жўнаб, Деҳи Гуломонда тушландик. Пешин намози пайти отларга ем бериб, йўлга тушдик.

Кобулдаги хизрхайл элатини қўлга олиб, мол-мулкни ҳисоблаб чиқиб, бу ҳақда бирор кишидан хабар жўнатишини тайинлаб Муҳаммад Хусайн қўрчини Кобулга шошилинич жўнатдик. Яна Бадахшондан ҳар қандай хабар бўлса, уларни батафсил шарҳлаб битиб, бирор кишидан зудлик билан юборишини ҳам тайинладик.

Уша кеча иккинчи посгача юриб, Султонпурдан бир озгина ўтиб тўхтадик, бир лаҳза ухлаб, яна отландик. Хизрхайл қавми Биҳар ва Масхигиромдан Қора дарёгача бўлган ҳудудларда жойлашган экан. Тонг отай деб қолганида келиб ҳужум бошладик. Кўпгина моли ва бола-чақалари аскарлар қўлига тушди. Одамларининг озгинаси тоққа яқинлашганда, тоққа қараб қочиб қутулди.

Эртаси Қилоғуга келиб тушилди. Шу юртда қирғовул ушладик. Ортда қолган уруқ ҳам уша куни шу қўнимжойда эканмизда келиб қўшилди. Вазирий афгон ҳар доим яхши мол бермасди. Бу сафар сиёсатимиздан кейин уч юзта қўй тортиқ қилди.

Бармоғим чиққанлиги боис ҳеч нима ёзмаётган эдим, ушбу юртда якшанба куни — ойнанинг ўн тўртида озроқ бир нарса ёздим.

Эртаси тонгда хирилжи шамухайл бошлиқ афгонларнинг улуглари келдилар. Дилазокнинг катталари одамларининг гуноҳларидан кечишимизни утиниб сўрадилар. Гуноҳларидан ўтиб, асирларни озод қилдим. Тортиқ қилган моллари тўрт минг қўй эканлигини аниқлаб, улугларига тўнлар кийдириб, солиқ ундирувчиларни тайинлаб, жўнатдим.

Бу ишларни тартибга солгач, ойнанинг ўн саккизинчисида, пайшанба куни йўлга тушиб, Биҳар ва Масхигиромда тўхтаб, эртасига Боғи Вафога келдим. Боғи Вафода энг яхши маҳаллар эди. Ҳовли майдони буткул себаргазор, анор дарахтлари сап-сарик — хушранг хазон булибди. Анорлар дарахтларда қип-қизил, норунж дарахтлари ям-яшил бўлиб яшнаб турарди. Дарахтлардаги норунжларнинг саноги йўқ, бироқ ҳали охиригача саргайган эмасди. Анорлари гарчи бизнинг ўлкалардаги яхши анорлардек булмаса-да, яхши эди. Боғи Вафода шу сафар вақтимизни ҳар галгидан чоғроқ ўтказдик. Шу боғда ўтказган уч-тўрт кун ичида бутун аскарлар тўйиб анор едилар.

Душанба куни боғдан қўзгалдик. Мен у ерда биринчи паҳаргача қолиб, баъзиларга норунж тарқатдим. Баъзи бекларга бир туп норунж, баъзи бекларнинг иккитасига бир норунж тупидаги меваларни инъом этдик. Қишда Ламғонга сайр қилиш ниятимиз бор эди. Ҳовузнинг атрофидаги йигирмага яқин норунж дарахтини эҳтиёт қилиб сақлаб қўйишларини буюрдим.

Шу куни Гандамакда тўхтаб, эртаси тонгда Жигдаликка етиб келдик. Шом намозига яқин шароб зиёфати бўлди, анчагина хос амалдорларим қатнашаётган эди. Зиёфат охирлаб қолганида Қосимбекнинг жияни Гадоий Муҳаммад мастликдан анча галва кўтарди. Маст бўлиб мен суянган ёстиққа суяниб қолди. Гадоий тағойи уни мажлисдан кўтариб олиб чиқиб кетди.

Эрта саҳарда у қўнимжойдан жўнаб кетдик. Қўруқсой ёнидаги Борикоб бўйлаб юқорига қараб сайр қилиб бордим. Бир неча терак дарахтлари жуда зўр хазон бўлибди. Уша ерда тўхтаб, йилқирон ошини (вабо, улат йилларида қилинадиган худойи оши) торттирдик. Хазон боис бўлди, шароб ичдик. Йўлдан қўй келтириб, кабоб қилишларини буюрдим. Балут (эман) шохларидан ўт ёқиб, томоша қилиб ўтирдик. Менинг келаётганимни эшитган Мулло Абдумалик девона бу хабарни Кобулга етказишини ёлвориб сўради. Кобулга Мулло Абдумаликни жўнатдик. Ҳасан набира Мирзохон ҳузуридан менинг ёрдамимга кўз тутиб келган экан. Бу ерга келиб

илтифот кўрсатди. Кун қиёмдан ошгунича шу ерда ичилди. Сўнгра йулга отланилди. Мажлис аҳли обдон маст булганди. Саййид Қосим шу қадар маст булган эдики, икки навқари куп ташвишлар билан от устига солиб лашкаргоҳга олиб бордилар. Дуст Муҳаммад Боқир шундай маст булган эдики, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий чухра бошчилигидагилар ҳар қанча уринсалар ҳам уни отга миндиrolмасдилар. Бошидан сув қўйсалар ҳам фойдаси булмасди. Шу пайт бир тўда афгон пайдо бўлади. Амин Муҳаммад тархон шаробдан кайфи ошиб Дуст Муҳаммадни шундай аҳволда душманга қолдириб кетгандан кўра, бошини кесиб олиб кетганимиз яхши, деган хаёлга боради. Уни юз машаққат билан от устида олиб келадилар.

Ярим кечада Кобулга етиб келдик. Эрталаб маҳкамага Кошгарга Султон Саидхон қошига элчиликка юборилган Қулибек келиб, илтифот курсатди. Бешка мирзойи итарчини Қулибекка қўшиб элчиликка юборган эдик, у ерларнинг матоларидан бир лахтак совга келтирди.

Зулқаъда ойининг аввалида, чоршанба куни Қобилнинг қабри бошига ёлғиз ўзим бориб, сабуҳий қилдим. Кейин мажлис аҳли бирин-кетин келдилар. Кун ёйила бошлаганда Боги Бинафшага бориб, ҳовуз бўйида ичилди. Тушга яқин ухлаб, пешин намози чоги яна ичилди. Мана шу пешин намози пайтидаги суҳбатда аввалги суҳбатларда сира шароб берилмаганлар — Тангриқулибек билан Маҳдийга шароб бердим. Хуфтон намози пайти ҳаммомга келдим. Уша кеча ҳаммомда эдим.

Пайшанба куни Яҳё Нуҳоний бошчилигидаги Ҳиндустон савдогарларига тўнлар инъом этиб, рухсат берилди.

Ойнинг тўртинчисида, шанба куни Кошгардан келган Бешка мирзога тўн кийдириб, совгалар бериб, кетиши учун рухсат берилди.

Якшанба куни дарвозанинг юқори тарафида жойлашган кичик суратхонада суҳбат булди. Торгина ҳужра булганлиги боис мажлис аҳли ўн олти киши эди.

Душанба куни Исталифга хазон сайрига борилди. Шу куни маъжун еган эдик.

Уша кеча қаттиқ ёмғир ёғди. Мен билан бирга келган беклар ва хос амалдорларимнинг кўпчилиги менинг Боги Калон ичида тикилган чодиримга кирдилар. Эртасига шу боғда чоғир мажлиси булди. Кечгача ичилди. Эртаси тонгда сабуҳий қилдик. Маст бўлиб ухлаб қолиб, пешин намози пайти Исталифдан жунаб кетиб, йулда маъжун едик. Аср намозига яқин Беҳзодийга етиб келдик. Хазон жуда куп тушганди. Хазон сайри чоғида шаробга майли булган ҳамроҳлар, маъжун ейилганига қарамай, шароб суҳбати қилишга тезладилар. Тукилган хазонлар шу қадар гўзал эдики, саргайган дарахтлар остига утириб шароб ичдик.

Хуфтон намози пайтигача ўша ернинг ўзида хурсандчилик қилдик. Халифанинг хизматчиси Мулло Маҳмуд келди. Уни ҳам зиёфатга чорладик. Абдулло қаттиқ маст эди, Халифа ҳақида сўз кетганда, Мулло Маҳмуднинг шу ерда эканлигидан гофил ҳолда, мана бу мисрани ўқиди:

*Бар ҳар ки бингари, ба ҳамин доғ  
мубталост.*

(Мазмуни:

*Кимга қарасанг, шу дардга мубталодир.)*

Мулло Маҳмуд маст эмас эди. Ҳазил йўсинида бу мисрани ўқигани учун Абдуллога эътироз билдирди. Абдулло гап нимадалигини сезиб қолиб, қийин аҳволга тушди, куп ширин гап-сўзлар қилди.

Пайшанба куни хазонларни сайр қилиб, кечқурун шом намози вақтида Чорбоққа келиб тушдим.

Ойнинг ўн олтинчисида, жума куни Боги Бинафшада маъжун еб, бир неча хос кишиларим билан кемага кирдик. Кейинроқ Ҳумоюн билан Комрон ҳам келди. Ҳумоюн бир ўрдакни яхши отди.

Ойнинг ўн саккизинчисида, шанба куни Чорбоғдан тун ярмида йулга тушдим, посбон ва отбоқарларни ортга қайтариб юбордим. Мулло Бобонинг кўпригидан ўтиб, Деварин дараси билан кўтарилиб, Қўш Нодир ва Бозорларнинг коризи (ерости ариги) ёнидан ўтиб, Хирсона (айиқ уйи)нинг орқасидан айланиб бориб, эрталаб бомдод намози пайти Турдибек Хоксорнинг коризига етдим. Турдибек келганимдан хабар топиб,

ҳаяжон билан олдимга югуриб чиқди. Турдибекнинг муҳтожликда яшаши маълум эди. Келаётиб узим билан юз шоҳрухий олган эдим. Турдибекка бериб: „Шароб ва керакли нарсаларни тайёр қилгинки, холи қолиб, телбаларча шароб ичиш истагим бор“, — дедим. Турдибек шароб учун Беҳзодий томонга кетди. Отимни Турдибекнинг қулларидан бирининг қулига бердим. Узим кориз орқасидаги бир тепаликка жойлашдим. Бирпас утган эди ҳамки, Турдибек бир кўза шароб келтирди. Икковлашиб ичишга киришдик. Турдибек шароб олиб келаётганида Муҳаммад Қосим барлос ва Шоҳзода билиб қолибдилар. Менинг бу ерда эканимдан хабарсиз, Турдибекнинг ортидан яёв келаверишибди. Уларни суҳбатга таклиф қилдик. Турдибек: „Хулҳул энаганинг сиз билан шароб ичиш армони бор“, — деб қолди. Мен: „Мен ҳам хотин кишининг ичганини курган эмасман, суҳбатга чақиринг“, — дедим. Шоҳи деган қаландар билан яна коризда ишлайдиган бир рубобчини ҳам суҳбатга чорладик. Шом намози вақтигача кориз орқасидаги тепаликда утириб ичилди. Ундан кейин Турдибекнинг уйига келиб, шам ёругида хуфтон намози вақтигача ичдим. Ҳеч муболагасиз, жуда ажойиб суҳбат бўлди. Мен ётдим. Мажлис аҳли яна бир уйга бориб, тун ярмигача ичдилар. Хулҳул энага келиб, менга кўп шалойинликлар қилди. Охири ўзимни мастликка солиб ундан қутулдим. Хаёлимда одамларни гафлатда қолдириб, ёлғиз узим отга миниб, Истаргачга бораман, деган ўй бор эди. Одамлар билиб қолгач, бунга эришолмадим.

Охири, тун ярмида отландим. Турдибек билан Шоҳзодага хабар қилиб, учаламиз отларга миниб, Истаргачга қараб кетдик. Бомдод намози пайти Исталифнинг остида жойлашган Хожа Ҳасан мавзесида етиб бордик. Бир муддат тўхтаб, маъжун еб, хазон сайри қилдик. Офтоб чиққанида Исталиф боғига тушиб, узум еб, отланиб, Истаргачга тегишли ерлардан Хожа Шиҳобда тўхтаб, ухладик. Ога мирохўрнинг уйи шу атрофда экан. Уйғонгунимизча ош пишириб, бир кўза шароб ҳозирлаб қўйибди.

Куз жуда яхши келганди. Бир неча пиёла шароб ичиб, йўлга тушдик. Пешин намози вақтида Истаргачда бир яхши хазонбоғда тўхтаб, суҳбат қурдик. Бир лаҳзадан сўнг Хожа Муҳаммад Амин келди. Хуфтон намози вақтигача ичилди. Ўша куни ва кечқурун Кобулдан Абдулло асас, Нурбек, Юсуф Али келдилар. Эрталаб ош еб, отларга миниб, Истаргач пастадаги подшоҳий боғни сайр қилдик. Бир олма дарахти яхши хазон бўлганди, ҳар бир шоҳида беш-олти барг қаторлашиб қолганди, агар рассомлар қанча ҳаракат қилиб чизсалар ҳам, бундай чизолмасдилар. Истаргачдан жўнаб, Хожа Ҳасанда ош еб, шом намози вақтида Беҳзодийга келиб Хожа Муҳаммад Аминнинг Имом Муҳаммад исмли навкарининг уйида шароб ичилди. Эртаси, чоршанба куни Кобул чорбоғига келдик.

Ойнинг йигирма учинчисида, пайшанба куни кучиб, қалъага кирдик. Жума куни Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдор\* бир лочин тутиб келиб, тортиқ қилди.

Ойнинг йигирма бешинчисида, шанба куни Чинор боғида зиёфат бўлди. Хуфтон намози пайти у ердан жўнадик. Саййид Қосим утган бир ишдан уялиб юрарди. Қайтишда унинг уйида тўхтаб, бир неча қадаҳ ичилди.

Зулҳижжа ойининг аввалида, пайшанба куни Қандаҳордан Тождидин Маҳмуд келиб, илтифот кўрсатди.

Ойнинг ун тўққизинчисида, душанба куни Муҳаммад Али жанг-жанг Ниллодан келди.

Сешанба куни Сангархон жанжуҳа Бҳирадан келиб, илтифот кўрсатди.

Ойнинг йигирма учинчисида, жума куни Алишербекнинг тўрт девонидан баҳрлар, вазнлар тартиби билан газал ва байтларини сайлаб олаётган эдим, якунига етди.

Ойнинг йигирма еттинчисида, сешанба куни аркда зиёфат бўлди. Бу суҳбатда, кимки суҳбатдан маст бўлиб чиқса, бундан кейин у кишини суҳбатга чорламаймиз, деган фармон бўлди.

Зулҳижжа ойининг охирида, жума куни Ламгонни сайр этиш ниятида йўлга тушдик.

\* Рикобдор — узангини ушлаб подшоҳни отга миндирувчи ва от ёнида борувчи.

## ТУҶҚИЗ ЮЗ ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ(1519-1520) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойининг аввалида, шанба куни Хожа Сеёронга келдик. Тепаликка янги ариқ чиқарилган эди, унинг ёқасида шароб мажлиси булди. Эрталаб отланиб, Региравонни сайр қилиб, Саййид Қосим Булбулийнинг уйига тушиб суҳбат қурдик. Тонгда у ердан отланиб, маъжун еб, Билгарга бориб тушдик. Кечқурун ичиладиган бўлса ҳам эрталаб хуморбосди қилдик. Пешин намози вақтига Дурномага бориб, тушдик. Ичкилик базми булди, эрталаб хуморбосди қилдик. Дурноманинг каттаси Ҳақдод уз богини тортиқ қилди.

Пайшанба куни отланиб, Нижровда тожиклар қишлоғида тўхтадик.

Жума куни Чиҳл кулба билан Борон дарёси ўртасида ов қилдик, жуда кўп кийик овладик. Қўлим азобда бўлганлиги боис ўқ отмаётган эдим. Бир яхши тортиладиган ёй билан бир кийикнинг қўлтигидан отдим. Ўқ пархонасининг ярмигача кирди. Аср намози пайти овдан қайтиб, Нижровга келдик. Эртаси тонгда Нижров эли берадиган тортиқ олтмиш олтин қилиб белгиланди.

Душанба куни Ламғонни сайр этиш ниятида йўлга чиқдик. Бу сайрда Ҳумоюн ҳам биз билан бирга булади, деган хаёлда эдим. Бироқ у қолиш истагини билдирди, Кура довонида унга рухсат бердик. Ўзимиз келиб Бадровда тушдик. У ердан жунаб Уғбуда тўхтадик. Борон дарёсида балиқчилар анча балиқ тутдилар. Аср намози пайти солга жойлашиб олиб, ичдик. Шом намозидан сўнг солдан чиқиб, оқ уйда ҳам ичдик. Ҳайдар аъламдорни Деварин кофирлари олдига юборгандик. Бодипечнинг тубида кофирларнинг катталари бир неча мешда шароб келтириб, илтифот кўрсатдилар. Довондан тушганимизда ҳаддан ташқари кўп чигиртка кўрдик. Эрталаб солга тушиб, маъжун еб, Бўлдондан пастроқда сувдан чиқиб, қароргоҳга келдик. Солимиз иккита эди.

Жума куни йўлга тушиб, Мандировардан пастроқдаги тоғ этагига жойлашдик. Кечқурун ичкилик базми бўлди.

Шанба куни солга тушиб, Дарута дарасидан ўтиб, Жаҳоннамойдан юқори-

роқда солдан чиқдик. Одинапур олдидаги Боги Вафога бордик. Нингнаҳор туманининг ҳокими Қиём Ўрдушоҳ солдан чиққанимизда келиб, илтифот кўрсатди. Лангархон Ниёзий анча вақтдан буён Нилобда эди, йулда олдимизга келиб, илтифот кўрсатди. Боги Вафода тўхтадик, норунжлари жуда саргайибди, майсалари роса етилибди, кўп хушхаво жой бўлибди. Беш-олти кун Боги Вафода бўлдик.

Қирқ ёшга етиб ичипни ташлайман — тойиб бўламан, деб ният қилгандим, қирқ ёшга тўлишимга оз вақт қолганди, мен эса ҳаддан ташқари кўп ичардим.

Ойнинг ўн олтинчисида, якшанба куни сабуҳий қилиб ҳушимизга келиб, маъжун еяётган чоғимиз Мулло Ёрак панжгоҳда мухаммас усулига боғлаган нақшини (куйини) ижро этди. Яхши куй боғлабди. Анча маҳаллардан бери бундай нарсалар билан шугулланмасдим. Менда ҳам бир нима яратиш нияти пайдо бўлди. Шу муносабат билан „Чоргоҳ“га куй боғладим. Ўрни келганда зикр этилади.

Чоршанба куни, сабуҳий қилганимизда мутойиба учун: „Кимки сортча сўз айтса, бир қадаҳ ичсин“, — дедик. Шу сабаб билан кўп киши бир пиёладан ичдилар. Бомдод намози вақти чаман ўртасидаги толлар тагида ўтирдик. „Кимки туркийча сўз айтса, бир қадаҳ ичсин“, — дейилди. Бунда ҳам жуда кўп киши бир пиёладан ичди. Офтоб чиққанида ҳовуз бўйида норунж дарахтлари тагида ўтириб ичдик. Эртасига Дутаҳдан солга тушиб Жўйи Шоҳийга, ундан чиқиб, Атарга бордик. Атардан отланиб, Дарайи Нурни сайр қилиб, Сувсон қишлоғигача бориб қайтиб, Амлада тўхтадик. Хожа Калон Бажаврни яхши бошқарарди. У менинг суҳбатдошим бўлгани учун уни чақиртириб, Бажаврни вақтинчалик бошқаришни Шоҳ Мир Ҳусайн зиммасига юкладик.

Ойнинг йигирма иккинчисида, шанба куни Шоҳ Мир Ҳусайнга рухсат берилди. Шу куни ҳам Амлада ичилди. Эртасига ёмғир ёққан эди. Кунарга бор-

гач, Маликқулининг уйи жойлашган Кулигиромга келиб, ўртанча углининг норунжзор тепасида жойлашган уйда тўхтадик. Ёмгир ёғаётганлиги боис норунжзорга бормай, уша ернинг узида ичдик. Ёгин беҳад куп ёгди. Бир тилсим билардим, шуни Мулло Алихонга ургатдим. Тўрт парча қоғозга ёзиб, тўрт тарафга осди. Шу заҳоти ёмгир тиниб, ҳаво очилиб кетди. Эрталаб солга тушдик. Бошқа бир солга баъзи йигитлар кирдилар.

Бажавр, Савод, Кунар ва уша тарафларда бир бўза тайёрлайдилар. Ўтлар илдизи ва дориворлардан тайёрланадиган „ким“ деган бир нарса бор. Нондек думалоқ думалоқ қилиб ясаб, қуритиб сақлайдилар. Бу бузанинг ачитқиси мана шу „ким“ бўлади. Баъзи бузалари қаттиқ маст қилади. Аммо гоят аччиқ ва бемаза. Бу бузани ичмоқчи бўлдик, аммо аччиқлигидан ичолмай, маъжун едик.

Нариги солда ўтирган Асас, Ҳасан икрак ва Мастийга шу бўзадан ичинглар, деб буюрилди. Ичиб, маст бўлиб Ҳасан икрак бемазагарчилик қила бошлади. Асаснинг ўзи ҳам қаттиқ маст бўлган эди, қайта-қайта нохуш қилиқлар қилди. Шундай танг аҳволда қолдикки, хаёлимга уларни солдан тушириб, дарёнинг у тарафига ўтказиб ташласакми, деган фикр келди. Яна баъзилар улар учун кечирим сўрашди.

Бу пайтда Бажаврни Шоҳ Мир Ҳусайнга иноят қилиб, Хожа Калонни чақиртирдик. Чунки Хожа Калон суҳбатдош дўстим эди. Унинг Бажаврда бўлиши узоққа чўзилди. Бажаврдаги ишлар анча яхшиланган, деб уйладим. Шоҳ Мир Ҳусайн Бажаврга кетаётганида Кунар дарёси кечигида биз билан учрашиб қолди. Чақириб, баъзи оғзаки топшириқлар бериб, ўзимнинг камаримни инъом қилиб, рухсат бердим.

Нургил тўгрисига етганимизда бир қари киши келиб, садақа сўради. Солдагиларнинг бири тўн, бири салла, бири белбоғ каби нарсалар бердилар. Қария кўп нарсалар олди. Ярим йўлда бир ёмон жойда сол қаттиқ урилиб, зарб еди. Анча ваҳимага тушдик. Гарчи сол чўкиб кетмаган бўлса-да, Мир Муҳаммад жолабон (солчи) сувга йиқилиб тушди. Тунни Атар яқинида ўтказдик.

Сешанба куни Мандироварга келдик. Қутлуққадам, Давлатқадам ва отаси қалъанинг ичида суҳбат қураётган эдилар. Гарчи унча яхши жой бўлмаса ҳам, уларнинг кўнгли учун бир неча пиёла ичиб, аср намози пайти қунимжойга келдик.

Чоршанба куни Киндгар чашмасига бориб, сайр қилдик. Киндгар Мандировар туманига тегишли қишлоқдир. Бутун Ламганотда фақат шу қишлоқда хурмо бор. Бу қишлоқ тоғ этагидан юқори-роқда жойлашган. Хурмозорлари шарқий тарафида. Бу булоқ хурмозорнинг ёнида, чеккароқдан оқиб чиқади. Чашма бошидан олти-етти қари қуйироқда гусл қилиш учун тошлардан қалаб пана жой қилибдилар. Сувни шу даражада юқorigа олиб чиқибдиларки, сув гусл қилаётган кишининг бошидан қуйилади. Бу чашма суви жуда юмшоқ, қиш кунлари одамга бу сув аввал бироз совуқ туюлади, сўнгра турган сайин одамга хуш ёқади.

Пайшанба куни Шерхон Таркалоний уйига тушириб зиёфат қилди. Пешин намози вақти у ердан жўнаб, ясалган балиқхоналарда балиқ тутдилар. Аввалроқ бу балиқхона аҳволоти ҳақида ёзган эдик.

Жума куни Хожа Мирмирон қишлоғининг яқинида тўхтадик. Шом намози вақтида зиёфат бўлди.

Шанба куни Алишанг билан Алангор оралигидаги тоғда ов қилдик. Бир тарафдан алангорликлар, яна бир тарафдан алишангликлар доира ясаб, тоғдан кийикларни пастга ҳайдадилар. Жуда кўп кийик ўлди. Овдан қайтиб Алангорда маликлар боғида тўхтаб, суҳбат қурдик. Олдиндаги тишимнинг ярми синиб, ярми қолган эди, бугун таом еяётганда қолган ярми ҳам синди. Эрталаб бу ердан чиқиб, балиққа тўр солдик. Туш чоғи Алишангга бориб, боғда ичилди. Эртаси куни тонгда кўп ёмон ишлар қилиб, ноҳақ қонлар тўккан Алишанг малиги Ҳамзахонни қон талаб этаётган душманларига топширдим, қасосларини олдилар.

Сешанба куни вирд (дуо) уқиб, Ёнбулоқ йўли билан Кобулга қараб жўнадик. Аср намози вақти Алгату дарёсидан кечиб, намозшом пайти Қорабугага келиб отларга ем берилди. Тезда озгина овқат ҳозирладилар, отлар арпасини еб тугатгач, яна йўлга тушдик.



## ТУҶҚИЗ ЮЗ УТТИЗ ИККИНЧИ (1525-1526) ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

ТуҶқиз юз уттиз иккинчи йил сафар ойининг аввалида, жума куни, офтоб қавс буржигга кирган пайт эди, Ҳиндустон сафарини бошладим. Якланг тепалигидан ўтиб, Деҳи Яқуб дарёсининг гарбий томонидаги ўланг сайҳонликда тухтадик. Бу манзилда эканимизда етти-саккиз ой бурун Султон Саидхон ҳузурига элчиликка кетган Абдумалик қурчи хоннинг Янгибек кўкалдош деган киши билан олдимизга келди. Хонимлар ва Хондан хатлар, арзимас совға ва дуолар келтирди. Лашкарни жангга тайёрлаш ишлари боис икки кун шу қўнимжойда турдик. Бу ердан жунаб, йўлда бир бор тухтаб, Бодомчашмага келиб тушдик. Шу қўнимжойда маъжун едик.

Чоршанба куни Борикобда тухтаганимизда Ҳиндустонда қолган Нурбекнинг укалари Хожа Ҳусайн девон Лаҳур холисотидан (даромадидан) юборган йигирма минг шоҳрухий олтин ашрафий ва тангаларни олиб келишди. Бу пулларнинг катта қисмини Балх арбобларидан бири Мулла Аҳмад орқали Балхдаги ишларни яхшилаш учун бериб юбордим.

Ойнинг саккизинчисида, жума куни Гандамакка келиб тушганимизда қаттиқ тумов бўлдим. Оллоҳга шукр, у енгил утди.

Шанба куни Боғи Вафога келиб тушдик. Ҳумоюн мирзо ва нариги тарафдаги лашкарнинг келишини кутиб бир неча кун Боғи Вафода туриб қолдик.

Ушбу тарихда Боғи Вафонинг чекчегараси ва бегубор гўзал манзараси ҳақида бир неча бор эсга олдик. Жуда сафоли боғ бўлган. Харидорлик кўзи билан қараган киши унинг қандай ер эканлигини билади. У ерда неча кун турган бўлсак, ичадиган кунларимиз жуда кўп ичдик ва сабуҳий қилдик, ичмаган кунларимиз маъжун еб, суҳбат қурдик. Ҳумоюн ваъдалашган муддатдан анча кеч қолганлиги учун кескин сўз ва қаттиқ дағдага билан хат битиб жўнатдим.

Сафар ойининг ўн еттинчисида, якшанба куни сабуҳий қилиб ўтирган эдик ҳамки, Ҳумоюн келди. Кеч келганлиги

учун қаттиқ сўзлар билан биров койидим. Хожа Калон ҳам шу куни Газнидан келди.

Уша душанба оқшомининг узидаёқ йўлга тушиб Султонпур билан Хожа Рустамнинг орасига солинган янги боғда тухтадик.

Чоршанба куни у ердан жунаб кетдик. Жола (сол)га тушиб Қўшгунбазгача шароб ичиб бордик. Қўшгунбазда солдан чиқиб, лашкаргоҳга қайтиб келдик. Эртаси куни ҳам лашкарни жўнатиб, солга тушиб маъжунхўрлик қилдик. Одатда, лашкар тўхтайдиган қўнимжой Қирқариқда бўларди. Қирқариқнинг тўғрисида борганимизда қанча тикилиб қарамайлик, лашкарнинг асари ҳам кўринмади. Отлар ҳам пайдо бўлмади. Хаёлимга: „Гармчашма бу ерга яқин, балки қўшин ўша ерда тўхтагандир“, деган фикр келиб ўша ерга ўтиб кетдик. Гармчашмага етиб борганимизда кун кеч бўлиб қолганди. У ерда ҳам тухтамасдан, кечаси бўлганига қарамай, сузиб кетавердик. Бир ерда солни тўхтайтиб, бир муддат уйқулаб, намоз пайти Ядабирга чиқиб олдик. Кун кўтарилганда аскарлар кўрина бошлади. Лашкар Қирқариқнинг теварагига — бизга кўринмайдиган ерга жойлашган экан.

Солда Шайх Абул Важд, Шайх Зайн, Мулло Алихон, Турдибек Хоксор сингари ва яна шеър айтувчи кўпгина кишилар бор эди. Суҳбатда Муҳаммад Солиҳнинг ушбу байтини эсга олдик:

*Жое ки ту боши дигареро чи кувад кас,  
Маҳбубии ҳар ишвагареро чи кувад кас.*

(Мазмуни:

*Ҳар бир ноз-карашмачининг муҳаббатини нима  
қилсин киши,  
Сен бўлган жойда бошқани нима қилсин  
киши.)*

Шунга ухшатиб бирор нима айтинг, дедим. Табъи назми бор кишилар шеър айтишга тушдилар. Мулло Алихон билан кўп ҳазиллашар эдик, унга ҳазил қилиб, ёдимга келган ушбу байтни бадиҳа қилиб ўқидим:

*Монавди ту маддушу кареро чи кунад  
кас,  
Ҳар говкуну мода хареро чи кунад кас.*  
(Мазмуни:

*Сенга ухшаш ҳушсиз карни нима қилсин  
киши,  
Ҳар бир ҳукизга ухшаган ва ургочи эшакни  
нима қилсин киши.)*

Илгари яхшими, ёмонми, жиддийми ё ҳазилми, нима хаёлимга келса, мутойиба йўли билан баъзан шеър қилиб айттардим. Жуда ёмон ва қўпол шеър булса ҳам ёзиб қўйиларди. „Мубаййин“ни шеърга солаётган чоғим, ожиз хаёлимга ва маҳзун кўнглимга сўзларни бундай қайд этган тилга ва фикрини ёмон сўзларга сарфлаган кўнгилга ҳайф; бундай маънони пайдо қилган ва яна қўпол хаёлларни хотирга келтирган ундай кўнгилга афсуслар булсин, деган фикр келди.

Бир-икки кун ўтиб, Бигромга келиб тўхтаганимизда тумов бўлиб, иситмаладим. Бу шамоллашим йўталга олиб келди. Ҳар йўталганда қон тупурардим, кўп иситмаладим. Бу иситма қондан эди. Дард қаердан эканлигини тушундим: „Фа ман нақаса фа иннама янкусу ала нафсиҳ ва ман авфа бима аҳада алайҳиллоҳа фасаяътиҳи ажран азийман“. (Мазмуни: *Кимки қасамини бузса, ўзига зиён қилди, ким Оллоҳга ваъдасини бажарган бўлса, унга улуг мукофотлар бор.*)

*Не қилайин сенинг билла, эй тил,  
Жиҳатингдин менинг ичим қондур,  
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър —  
Бириси фаҳшу бири ёлғондур,  
Гар десанг куймайин бу журм билла,  
Жилавингни бу арсадин ёндур.*

„Раббано золамна анфусана ва ин лам тағфир лана ва тарҳамна ланакунанна мин ал-хосирин“. (Таржимаси: „Оллоҳим, биз ўз нафсимизга зулм қилдик, агар бизни мағфират этмасанг ва бизларга раҳм қилмасанг, албатта, биз зиёнбахтсизликдадирмиз“.)

Яна бошдан гуноҳларимни кечиришини ёлвориб, узр сўраб, кўнгилни бундай бўлмағур хаёллардан, номуносиб ишлардан тиндириб, қаламни синдирдим. Унинг даргоҳидан гуноҳкор бандаларга бу каби танбеҳларнинг келиши

катта давлат, булардан огоҳ бўлган банда бахтиёрдир.

Кечки пайт бу ердан жўнаб, Али Масжидда тўхтадик. Бу жой тор булганлиги боис мен одатдагидек бир тепалик устига ўрнашдим. Аскарларнинг ҳаммаси бир тарафда жойлашган, мен тушган тепалик эса ҳаммасига ёндош эди. Кеча аскарлар ёққан оловдан гаройиб тарзда ёришиб кетади. Ҳар сафар бу ерда тўхтаганимизда шу боис ичардик. Бу гал ҳам шу ерда тўхтаганимизда ичилди. Тонг отмасидан маъжун еб, йўлга отландим. Уша куни рўза ҳам тутдим. Бигромнинг яқинига келиб тушилди.

Эртаси шу ерда қолиб, карк овига отландик. Аскарларимиз Бигром олдидаги Сиёҳобдан утиб, оқим бўйлаб пастга қараб ҳалқа солиб борди. Озгина йўл босиб ўтганимиздан кейин орқадан бир одам келиб, Бигромнинг яқинидаги кичик чангалзорга карк кириб кетди, аскарлар у ернинг атрофини ўраб турибдилар, деди. Шу боис отларнинг жилловини қўйиб юбориб, олдинга учдик. Чангалзорни ҳалқа бўлиб ўраб турганлар шовқин кўтаришлари билан карк чиқиб, далага қараб қоча бошлади. Ҳумоюн ва у тарафдан келганларнинг ҳеч бири каркни кўрмаган эдилар, ҳаммаси каркни истаганларича томоша қилдилар. Бир кўруҳга яқин жойгача қувиб бориб, жуда кўп ўқ отиб, уни йиқитдилар. Бу карк на бир одамга ва на бир отга ҳамла қилди. Яна иккита каркни ҳам ўлдирдилар. Хаёлимга доим: агар фил билан каркни рўбарў қилса, улар бир-бирига қандай муомала қилишарди, деган фикр келарди. Бир сафар филбонлар филларни олиб келаётганларида бир карк уларнинг олдида чиқиб қолди. Филбонлар филларни олдинга қараб ҳайдадилар, карк уларга қараб юрмай, бошқа томонга қочди.

Бигромда турган кунимиз баъзи бек, хос амалдор, котиб ва маҳкама бошлиқларидан олти-етти кишини саркор қилиб, Нилоб кечигида кемадаги аскар халқини номма-ном ёзиб, сонини аниқлаб келишларини тайинладим.

Кечқурунига тумов бўлиб, иситмаладим. Бу шамоллаш йўталга тортди. Ҳар йўталганимда қон тупурардим, анча ваҳимали кечди. Оллоҳга шукрки, икки-уч кундан кейин ҳаммаси ўтиб кетди.

Бигромдан ёмгир ёғиб турган пайти жўнаб, Кобул дарёси қирғоғига тушдик. Ҳиндустондан Давлатхон ва Ғозихон йигирма-ўттиз минглик қўшин йигиб, Каланурни олди, энди Лаҳўр устига юрмоқчи, деган хабар келди. Мен Мўмин Али Товачини шошилич жўнатиб, биз тезда етиб борамиз, боргунимизча, уруш бошламай турсинлар, деб тайинладим. Икки манзил тўхтаб, ойнаинг йигирма саккизинчисида, пайшанба куни Синд ёқасига тушдик.

Раби ул-аввал ойнаинг бошида, шанба куни Синд дарёсини кечиб, Качакот дарёсидан ўтдик ва унинг соҳилида тушилди. Кемаларга белгиланган беклар, котиблар ва маҳкама ходимлари лашкардаги аскарлар сонини аниқлаб, маълум қилдилар. Катта-кичик, яхши-ёмон навкар ва навкар бўлмаганлар — ўн икки минг киши рўйхатга олинибди. Бу йил далаларга ёмгир оз ёғди. Тоғ этагидаги вилоятларда эса ёмгир яхши бўлганди. Озиқ-овқат захирасини тўлдириш ташвишида тоғ этаги билан Сийалкот йўли орқали кетдик. Ҳаати гаккар вилояти тўғрисида етганимизда бир анҳорнинг ҳар ер-ҳар ерида жуда кўп сув тўпланиб қолганини кўрдик. Бу сувлар тамоман яхлаб қолган, муз жуда қалин бўлмаса-да, бир бармоқча келарди. Ҳиндустон ерларида бундай муз камдан-кам учрайди. Музни фақат ушанда кўрдик. Неча йилдан бери Ҳиндустонда яшаётган бўлсак-да, бундан бошқа ерда қор ва муздан асар ҳам, аломат ҳам кўрмадик.

Синддан жўнагач, беш манзилда тўхтаб, олтинчи бор кўчганимизда, Жуд тоғига туташган Балнат жўғи тоғининг остидаги сув ёқасида жойлашган Бағйаллар юртига келиб тушдик. Эртаси куни эл учун дон-дун топиш мақсадида шу қўнимжойда қолдик. Ўша куни арақ ичилди. Мулло Муҳаммад Парғарий кўп ҳикоятлар айтиб берди, ҳатто бемазалик ҳам қилди. Мулло Шамс ҳам жонга тегадиган эртақчи эди, бир гапини бошласа, кечгача тугатолмасди. Озиқ-овқат излаб кетган қул ва хизматчилар, яхши-ёмон кишилар чангалзор ва тоғларни, қийин ва ўтиб бўлмас ерларни бемақсад, натижасиз кезиб, бир неча кишини

йўқотдилар. Кичик тунқатор шу ерда ҳалок бўлди.

У ердан жўнаб, Баҳат дарёсининг Желамдан қўйироқдаги кечигидан ўтдик. Сийалкотда кўмак учун қолдирилган, вилояти Биймругирий ва Акрийада бўлган Вали қизил бизни кўриш учун қошимизга келди. Сийалкотни ҳимоя қилишга қолмаганлиги учун унга газаб ва таъна билан хитоб қилган эдим, у: „Мен вилоятга келган эдим, Хисрав кўкалдош Сийалкотдан чиқаётганида менга хабар ҳам қилмади“, деб зорланди. Унинг бу узрини қабул қилдим ва: „Агар Сийалкотни асраш учун қолмаган бўлсанг, унда нега Лаҳўрда бекларга бориб қўшилмадинг“, деб айтганимда, у мулзам бўлиб қолди. Уруш яқинлиги боис унинг бу гуноҳига унча эътибор қилмадик.

Ушбу жойдан Саййид Тўфон, Саййид Лочинни қўш от билан Лаҳўрдаги бекларнинг олдига: „Уруш бошланг, Сийалкот ёки Парсаруга келиб, бизга қўшилинг“, деган сўзлар билан шошилич жўнатдим.

Ҳаммининг оғзида: Ғозихон ўттизқирқ минг киши йигибди; Давлатхон қари ҳоли билан белига қилич боғлабди; булар уруш бошласалар керак, деган гаплар эди. Хаёлимга: „Гаҳ ёздаҳ беҳ, гаҳ нуҳ“ („Гоҳ ўн бир яхши, гоҳ тўққиз“) деган мақол келди. Демак, иш қўлдан чиқиб кетмаслиги учун Лаҳўрдагиларни ўзимизга қўшиб, бирга урушаверайлик. Бекларга одам юбориб, бир масофа йўлни босиб ўтиб, қўшинни Чаноб дарёси қирғоғида жойлаштирдим. Йўлдан бориб, Баҳлўлпурга ўтиб, у подшоҳлик ери эди, сайр қилдик. Баҳлўлпур қўргони Чаноб дарёсининг қирғоғида баланд жар устида жойлашган. Бу ер менга жуда ёқди. Сийалкот элини шу ерга кўчириш ҳақида ўйладим. Оллоҳ хоҳласа, фурсат бўлиши билан уларни кўчираман.

Баҳлўлпурдан қароргоҳгача кемада келдик. Кичик зиёфат уюштирилди. Баъзилар арақ, баъзилар бўза ичишди, баъзилар эса маъжун едилар. Кемадан хуфтон намозидан кейин чиқиб, чодирда ҳам озгина ичилди. Отлар чарчагани учун бир кунни шу дарё қирғоғида ўтказиб, уларга дам бердик.

Раби ул-аввал ойининг ўн тўртинчисида, жума куни Сийалкотга келиб тушдик. Доим Ҳиндустонга борсак, тоғ ва дала-даштан сон-саноқсиз жат\* ва гужурлар\*\* ҳукизу қўтос овлаш учун тушиб келишарди. Бебошлик ва зулм қилувчилар мана шу бадбахтлар эди. Бурун бу ерлар душман ери эди. Биз уларга унча тазйиқ қилолмасдик. Энди бу вилоятлар бизга ўтганидан кейин ҳам улар олдинги ишларини давом эттирдилар. Сийалкотнинг қароргоҳга келаётган яланғоч, фақир, бечора кишиларига ташланиб, уларни талон-торож қилишга тушдилар. Бебошлик қилганларни топтириб, икки-учтасини пора-пора қилдирдим. Душман қаерда эканлигини биладиган одамлардан биз билан қайси жойда тўқнашиши мумкинлигини аниқлаб, бизга айтиб юборсинлар, дея Лаҳур бекларига Сийалкотдан Шоҳим Нурбекни чопар қилиб жўнатдим.

Ушбу қароргоҳга бир савдогар келиб, Султон Иброҳимхон Оламхонни яксон этганини хабар қилди. Бунинг шарҳи шундай: Оламхон рухсат олгандан кейин ҳамроҳларига қарамай, иссиқ кунда икки масофа йўлни бир қилиб, Лаҳурга келади. Оламхонга рухсат берилган пайти бутун ўзбек хон ва султонлари Балхни ўраб олган эдилар. Оламхонга Ҳиндустон сари юришга рухсат бериб, ўзимиз Балх устига отландик.

Лаҳурга келгандан кейин Оламхон Ҳиндустондаги бекларга подшоҳ сизларнинг менга ёрдамчи бўлишингизни айтди, мен билан бирга юринг, Ғозихонни ўзимизга қўшиб Деҳли ва Огра устига юрамиз, деб айтибди. Беклар унга шундай дейдилар: „Ғозихонга қандай ишонч билан қўшилаемиз. Бизга қачон Ғозихон укаси Ҳожихонни ўгли билан даргоҳга юборса ёки уларни гаров тариқасида Лаҳурга жўнатса, у ҳолда, унга қўшилинг. Шундай бўлмаса, қўшилманг, — деган фармон бўлган. Сиз ҳам туну кун у билан жанг қилдингиз, яна қандай ишонч билан қўшилишингиз мумкин. Сизга ҳам қўшилинг, деб маслаҳат қилмасмиз“.

Беклар шундай сўзларни айтиб, уни қайтаришга қанча уринмасинлар, фойдаси бўлмади. Оламхон ўгли Шерхонни Давлатхон ва Ғозихоннинг олдига юборди, ўгли улар билан учрашиб, сўзлашдилар. Бир неча муддат бандда бўлиб, Лаҳурга банддан қочиб келганига икки-уч ой бўлган Диловархонни ҳам ўзлари билан бирга олиб бордилар. Лаҳурда вилоят берилган Маҳмудхон Хонижаҳонни ҳам ҳамроҳ қилиб олдилар. Кўринишича, улар Давлатхон ва Ғозихон Ҳиндустонга қўйилган бекларни ва умуман, мамлакатнинг бу тарафини ўзларига олади, деб, гапни бир жойга қўядилар. Диловархон билан Ҳожихон Оламхонга қўшилишлари, Деҳли ва Огра вилоятларини олишлари керак эди. Исмоил Жилвоний ва яна айрим амирлар келиб Оламхон билан кўришадилар. Шундан сўнг Деҳлига қараб тўхтамасдан, шошиб жўнаб кетадилар. Андарийга етганларида Сулаймон Шайхзода ҳам Оламхонни келиб кўради. Уларнинг қўшини ҳаммаси бўлиб ўттиз-қирқ минг кишига етарди. Улар Деҳлига келиб, шаҳарни ўраб оладилар, бироқ жанг бошлай олмайдилар, қўрғондагиларга бирор зиён-заҳмат ҳам етказолмайдилар.

Султон Иброҳим уларнинг бирлашганидан хабар топиб, улар устига қўшин тортади. У яқинроқ борганда иттифоқчилар ҳам хабар топиб, қўрғон устидан ўтиб Султон Иброҳим қўшинига қараб юрдилар. Улар агар кундуз куни уруш бошласак, афгонлар бир-биридан уялганидан қочиб кетмайди; кечаси бостириб кирсак, қоронгу кечада биров-бировни танимайди ва ҳар ким ўзига ўзи бошлиқ бўлади, деб душмангача олти курўҳ бўлган жойдан кечаси бостириб киришни келишиб оладилар. Қўёш ботаётганида улар отларига миниб икки марта шайланадилар, кечанинг икки ёки уч қисмини от устида ўтказиб, орқага чекиниш лозимми ёки олдинга юриш керакми, деган масалада гапни бир ерга қўёлмай, учинчи марта кечанинг бир паҳари қолганда ҳужум бошлайдилар. Буларнинг тунги ҳужуми (шабихуни) —

\* Жат — Ҳиндистонда яшовчи бир халқ.

\*\* Гужур — Ҳиндистонда яшовчи бир халқ. Жатгужур деб ҳам номланади.

чодир ва утоққа ўт қўйиш экан. Ҳаммаёққа бир бошдан ўт қўйиб, тўполон кўтардилар. Жалолхон жағҳат ва баъзи амирлар келиб Оламхон билан кўришадилар.

Султон Иброҳим узининг бир неча яқин кишилари билан бирга тонггача уз кичик саройчасидан қўзгалмайди. Унгача тонг ҳам отиб қолади. Оламхоннинг одамлари халқни талаш ва ўлжа ундириш билан машғул бўладилар. Султон Иброҳимнинг аскарлари душман қўшини анча оз эканини кўради. Шу боис кичик бир гуруҳ ва битта филни уларга қарши қўядилар. Фил олдинга қараб югурганида булар тўхтамай қочадилар. Шу қочганича Оламхон Миёни дуоб томонга кечиб ўтади, Панипат атрофидаги жойларда юриб, яна Панипат томонга қайтадилар, Андарийга етганларида бир баҳона топиб Миён Сулаймондан уч-тўрт лак пул олади. Исмоил Жилвоний ва Оламхоннинг катта ўгли Жалолхон булардан ажралиб, Миёни дуоб тарафга кетадилар.

Оламхон йиққан аскарларнинг Сайфхон, Дарёхон, Маҳмудхон, Хонижаҳон, Шайх Жамол Фармулий каби бир қисми ва яна бошқа кишилар уруш бошланмасиданоқ қочиб, Иброҳимнинг олдига борадилар. Оламхон, Диловархон ва Ҳожихон Саҳриндан ўтишлари билан бизнинг келиб Малўтни олганимиздан хабар топадилар. Ҳар доим менга хайрихоҳ бўлган ва мени деб уч-тўрт ой асирликда бўлган Диловархон Оламхонни ташлаб, Султонпурдаги манзилга келиб, Малўтни эгаллаганимиздан уч-тўрт кун ўтганда, Малўт атрофларида бизнинг олдимизга келиб, хизматимизга кириш истагини билдирди.

Оламхон ва Ҳожихон Шатлут сувидан кечиб, Дун билан Даштнинг ўртасидаги тоғда жойлашган Гангўта деган бир берк қўргонга келиб кирадилар. Бизнинг афгон ва ҳазоралардан ташкил топган ҳужумчиларимиз келиб, уларни ўраб олишади. Бундай берк қўргонни олишга деярли яқин қолганда қоронғу тушади ва қамал қилинганлар қўргондан чиқиб кетмоқчи бўладилар. Бироқ отларнинг дарвоза олдида тўдаланиб қолган-

лиги боис қамалдагилар у ердан чиқолмайдилар. Қамал қилинганларнинг қўшинида филлари бор экан. Улар филларни олдинга ҳайдайдилар. Жуда кўп отларни филлар босиб ўлдиради. От билан чиқа олмаганларидан кейин, қоронғида яёв чиқиб, юз минг ташвишлар билан Малўтга кирмай, тоғ томонга қочиб кетган Ғозихонга бориб қўшиладилар. Ғозихон уларга рўйхушлик бермайди.

Оламхон иложсиз қолганидан Дуннинг пастадаги Паҳлўр атрофида эканимизда келиб хизматимга кириш истагини билдирди. Сийалкотда эканимизда, Лаҳўрдагилардан одам келиб, эртага ҳаммаси келиб, мулозамат қилишларини айтди.

Кейинги кун эрталаб йўлга тушиб, Парсаруга тушдик. Муҳаммад Али жангжанг, Хожа Ҳусайн ва яна бошқа йигитлар шу ерда келиб, хизматимга кирдилар.

Душман доираси\* Равий дарёсининг Лаҳўр тарафидаги қиргоғида экан, Бужакдан бошлиқ тайинлаб, бир неча кишини хабар олиб келиш учун юбордик. Кечанинг учинчи паҳарида — тун охирлаб қолганда улар душман бизнинг келаётганимизни эшитиб, орқа-олдига қарамай, бетартиб бир аҳволда қочаётганлиги хабарини келтирдилар.

Эрталаб сафар анжомлари, лашкарнинг кўч-кўронини қўйиб, Шоҳ Мир Ҳусайн ва Жонибекни ўша ерда қолдириб, ўзимиз олдинга қараб жўнадик. Икки намоз ўртасида Каланурга келиб тушдик. Муҳаммад Султон мирзо, Одил Султон ва бошқа беклар шу ерда келиб хизматимизга кирдилар.

Каланурдан эрталаб жўнаб кетдик. Йўлда бизга Ғозихон ва у билан бирга қочганларнинг яқин-атрофда эканлиги ҳақида хабар беришди. Муҳаммадий, Аҳмадий, Қутлуққадам, Вали хозин ва яқинда Кобулда бекликка муносиб деб топилган беклар бошчилигида бу қочганлар ортидан қувиб бориш учун аскар жўнатдик. Агар уларни қувиб етолсалар жуда яхши, мабодо ета олмасалар, унда Малўт қўргонидаги одамлар қочиб кетмасликлари учун қўргоннинг бутун ат-

\* Доира — лагер, ҳарбий база.

рофини яхшилаб қўриқлаш керак, деган қарорга келдик. Бундай эҳтиёткорликдан мақсад Ғозихонни қўлга олиш эди.

Бекларни илгари юбориб, Канваҳийн тугрисидан Бийаҳ дарёсини кечиб ўтиб, тушилди. У ердан жунагач, икки бора тухтаб, кейин Малўт қўргонининг тоққа қараб кетадиган йўли бошида тухтадик. Бурун келган беклар ҳамда Ҳиндустондаги бекларга қўргонни мустаҳкам ўраб олиш буюрилди.

Давлатхоннинг набираси — катта ўгли Алихоннинг Исмоил отли ўгли шу ерда эканимда келди. Уни бир қанча ваъдалар, қўрқитиш ҳамда ўз томонимизга оғдирадиган панд-насиҳат, дўқ-пўписа-лар билан яна қўргонга — ортига жўнатиб юбордим. Жума куни ўрдуни илгари жўнатиб, қўргонга ярим куруҳ қолганида, тухтадик. Ўзим келиб қўргонни кўриб чиқиб, жанг пайтида унғ қанот, чап қанот ва марказ қўшинлари турадиган жойларни белгилаб, қароргоҳга қайтдим.

Давлатхон одам жўнатиб, Ғозихон тоққа қочиб кетганини маълум қилди. Агар гуноҳимдан ўтса, қўргонни топшириб, хизматини қилай, — дебди у. Хожа Мирмиронни юбордим. Давлатхоннинг кўнглидаги қўрқувларни ҳайдаб, олиб келди. Давлатхон ўгли Алихон билан келди. Биз билан урушиш учун белига боғлаган ўша икки қиличини бўйнига осишларини буюрдим. Иш шу даражага етганидан кейин ҳам сабаб-баҳоналар излайдиган шунчалар содда ва гул одам бормикан. Уни олдинга олиб чиқдилар. Қиличларни бўйнидан олишларини буюрдим. Куришаётган чоғида таъзим қилишга шошилмади. Буюрган эдим, оёғини тортиб куч билан тиз чўктирдилар. Олдимга ўтиргизиб, ҳинд тилини биладиган бир кишига сўзларимни унга тушунтиргинки, эсида тутсин, деб шундай дедим: „Мен сени ота дедим, сенга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, уйлаганингдан ҳам яхшироқ муомала қилдим. Ўзингни ва ўгилларингни балужлар эшигида дарбадар бўлиб юришдан қутқариб қолдим. Аёлларинг ва ҳарамингдагиларни (оила аъзоларингни) Иброҳимнинг бандихонасидан халос қилдим. Татархоннинг уч карўр (фойда келтирадиган) ер-

ларини сенга иноят қилдим. Мен сенга қандай ёмонликлар қилдимки, куксинг ва белингга иккита қилич боғлаб, лашкар тортиб, бизнинг вилоятларимиз устига бостириб келиб, бундай гавго ва фитна кўтарасан“. Ҳайратдан тили сўзга келмай қолган бу пасткаш қария бирикки тўнғиллаб, ҳеч сўз айтолмади, ишонч билан айтилган бундай ҳақ сўзларга у нима ҳам дея оларди? Хонадони ва ҳарамидогиларини ўзига қолдириб, қолган бор мол-мулкни олиб қўйишга қарор қилинди. Унга Хожа Мирмироннинг ёнига жойлашиш буюрилди.

Раби ул-аввал ойининг йигирма иккинчисида, шанба куни Давлатхоннинг хонадони ва ҳарамидогиларни қалъадан эсон-омон чиқариб олиб кетишлари учун ўзим келиб, Малўт қўргони дарвозасининг рўпарасидаги баланд ерга жойлашдим. Алихон чиқиб бир неча ашрафий тортиқ қилди. Асир намозига яқин Давлатхоннинг хонадони ва ҳарамидогилар чиқа бошладилар.

Ғозихонни гарчи бу ердан чиқиб кетган деган бўлсалар ҳам, баъзилар уни қўргонда кўрдик, деб айтишди. Шу боис дарвоза олдига ҳар бир гумондор кишини кузатишлари учун хос амалдор ва соқчилар қўйдим. Ғозихон кўзни чалгитиб чиқиб кетмасин, ахир бутун мақсадимиз Ғозихонни қўлга тушириш эди. Яна бирор киши гавҳар ва қимматбаҳо тошларни ўзи билан яшириб олиб чиққудек бўлса, уни қўлга олишларини буюрдим.

Ўша дарвоза қаршисидаги тепаликка чодир тиктириб, тунни шу ерда ўтказдим. Эрталаб Муҳаммадий, Аҳмадий, Султон Жунайд, Абдулазиз, Муҳаммад Али жанг-жанг, Қутлуққадам ва бир неча ички бекларга ичкарига кириб хазина ва бор мол-мулкни олиб чиқишлари учун фармон бўлди. Одамлар қўргон дарвозаси олдида қаттиқ шовқин-сурон кўтарган эди, сиёсат учун бир нечта ўқ отдим. Бирдан-бир дайди ўқ Ҳумоюн мирзонинг қиссахонига тегди, шу заҳотиёқ Ҳаққа жон таслим қилди.

Икки кечани шу тепаликда ўтказиб, душанба куни қўргонга кириб айланиб, Ғозихоннинг кутубхонасига кирдим. Бир қанча нафис китоблар чиқди. Бир

нечтасини Ҳумоюнга бериб, бир нечтасини Комронга юбордим. Улар ичида илмий китоблар жуда кўп эди. Лекин бир қараганда кимматбаҳо кўринган китоблар ичида арзийдигани унча кўп эмасди. Кечаси уша ерда қолиб, эртасига ўрдага қайтиб келдим.

Биз Ғозихонни қўргонда, деб уйлаган эдик, бироқ бу номуссиз номард отаси, ака-укаси, онаси ва опа-сингиллари-ни Малутга ташлаб, ўзи саноқли кишилари билан тоққа қараб қочибди.

*Мабин он беҳамиятро ки ҳаргиз  
Наҳоҳад дид рӯи некбахти,  
Тая осои гузинад хештанро,  
Зану фарзанд бигзорад ба сахти.*

(Мазмуни: *Ундай беҳамиятни кўрма, у ҳеч қачон хушбахтлик юзини кўрмайди. У ўз гавдасини қутқариб, хотин, бола-чақасини ёмон ҳолда қолдиради.*)

Чоршанба куни бу жойдан отланиб, Ғозихон қочган тоққа қараб жўнадик. Малут оғзидаги қароргоҳдан бир куруҳ йўл юриб, бир кул ёнига тушдик. Шу ерда Диловархон келиб, хизматимда қолди. Давлатхон, Алихон, Исмоилхон ва яна уларнинг бир қанча қариндош-уруглари асир қилиб Бҳирадаги Малут қўргонига олиб бориб асрашлари учун Катта бекка топширдик. Қолганларига Диловархоннинг розилиги билан хун баҳоси белгилаб, бировларга битта-биттадан бериб юбордик. Баъзиларни кафилликка бериб юбордилар, баъзиларини асир қилиб сақладилар. Катта ўз асирларини олиб кетди. Давлатхон эса Султонпурга етганида вафот этди.

Малут қўргонини Муҳаммад Али жанг-жанг зиммасига топширдик. Ўз тарафидан акаси Арғунни бир неча йигитлари билан у ерда қолдирди. Ҳазора ва афгон йигитларидан ҳам икки юз эликка яқини қўргонга кўмак учун таъинланди.

Хожа Калон бир нечта туяга Газни шаробларидан ортган эди. Хожа Калон маскани қўргон билан ўрду ўртасининг устидаги бир тепаликда жойлашганди. Уша ерда суҳбат уюштирилиб, баъзилар шароб, баъзилар арақ ичдилар, ажиб бир суҳбат бўлди.

У ердан жўнаб, Малут яқинидаги бир тоғ этагидаги паст тепалардан ошиб Дунга келдик. Ҳиндустонликлар тилида жулга, яъни ўтлоқ — яйловни „дун“ дейдилар. Ҳиндустондаги оқар сувлардан бири мана шу дундадир. Дуннинг атрофида жуда кўп қишлоқлар жойлашган. Бу Жасвал вилояти бўлиб, Диловархон бу ердагиларга тога булади. Дун — ажиб бир яйлов. Анҳорнинг атрофлари майсазор, баъзи жойларга шоли экишибди. Дуннинг ўртасидан уч-тўрт тегирмон сув оқиб ўтади. Яйловнинг кенглиги бирикки куруҳ, баъзи ерлари уч куруҳ ҳам келади. Тоғлари тепаликка ўхшаш кичик-кичик тоғлардир, қишлоқлари шу тоғлар этагида жойлашган. Қишлоқлар бўлмаган жойларда товус ва маймун анчагина. Уй товугига ўхшаш товуқлар ҳам кўпдир. Худди товуқнинг ўзи, фақат уларнинг кўпчилиги бир рангда.

Ғозихон ҳақида бирор ердан ишончли хабар чиқмагач, Турдика билан Бирийм Дэв Малиҳасга Ғозихон қаерда бўлса ҳам, қандай қилиб бўлмасин, қўлга олишларини буюрдим.

Бу Дун атрофидаги кичик тоғларга жуда яхши истеҳкомли қалъалар тушган. Шарқи-шимол тарафида 70—80 қари баландликдаги ерга — тик қоя устига Котла деган қалъа жойлашган. Унинг катта дарвозаси етти-саккиз қари баландликда жойлашган, кўтарма кўприк тушадиган жойнинг кенглиги ўн-ўн икки қари. Икки узун ёғочни кўприк қилишибди. От ва подаларни ўша ердан ҳайдаб олиб ўтадилар.

Ғозихоннинг бу тоғли ҳудуддаги мустаҳкам қўргонларидан бири шу Котладир. Бу ерда унинг одамлари ҳам бор экан. Ҳужумчилар у ерга етиб бориб, жанг бошлаб юбордилар. Улар яқинлашиб қолгандилар. Кеч киргач, қўргон ичидагилар шундай мустаҳкам қўргонни ташлаб қочдилар.

Бу Дун атрофларида яна бир мустаҳкам қўргон Гангўта қўргонидир. Унинг атрофи ҳам хатарли йўллардан иборат, лекин унча мустаҳкам эмас. Оламхон мана шу Гангўта қўргонига яширинган эди, бу ҳақда бурун эслагандик.

Ғозихоннинг устига илгор (олдинда юрувчи аскарлар) жўнатгандан кейин

оёгимни ҳиммат узангисига қўйиб, Олоҳга таваккул тизгинини қўлга олдим ва Султон Иброҳим бинни Султон Искандар бинни Султон Баҳлул Лудий афгоннинг устига юрдим. Ҳашта йиллари пойтахт Деҳли ва Ҳиндустон ерлари унинг тахти тасарруфида эди. Ҳозирда унинг лашкарини бир лак (юз минг киши) дейишарди. Ҳзи ва бекларидаги филларнинг ҳисоби мингтага яқинлашарди. Биз унга қараб юрдик. Бир манзил ўтганимиздан сўнг, Дипалпурни Боқи шиговулга\* иноят қилиб, уни Балхга кўмак учун жўнатдим. Балхдаги ишларни яхшилаш мақсадида анча пул ва Кобулдаги қариндошларга ҳамда бола-чақага Малўтни эгаллаганимизда қўлга киритган нарсалардан совғалар юборилди.

Дундан пастда бир-икки манзил ўтганимиздан сўнг Шоҳ Имод Шерозий Ороӣш Хон ва Мулла Муҳаммад Музаҳҳибнинг хатларини олиб келди. Улар хатда менга бирмунча хайрихоҳликлар изҳор қилиб, кўнглимдаги бу юриш ҳаракати ва гайратини опирган эдилар. Биз пиёда чопаримиз орқали уларга иноят фармонлари ва илтифот мактублари битиб юбордик, ўзимиз олдинга қараб жўнаб кетдик.

Малўтдан чиққан ҳужумчилар Ҳарўр, Каҳлўр ва ўша атрофдаги кириш қийинлигидан ҳеч ким яқинлашолмаган қўрғонларни эгаллаб, элини талаб, бизга келиб қўшилдилар. Оламхон ҳам хароб бўлиб, яёв-яланг бир аҳволда келди. Уни кутиб олишга бек ва хос амалдорларни юбордик, отлар ҳам жўнатдик. Шу ерда эканимизда келиб, хизматимизга кирди. Атрофдаги тоғ ва дараларни ўрганиш учун ҳужумчилар бориб, бир-икки кеча тунаб ҳам келди. Айтарли бирор яхши нарса қўлга кирмади. Шоҳ Мир Ҳусайн, Жонибек ва яна баъзи йигитлар ҳужумга рухсат сўраб, кетдилар.

Дунда эканимизда Исмоил Жилвоний ва Бибаннинг хабарчилари икки-уч марта келишди. Мен ҳам улар истаганидек фармонлар юбордим.

Дундан жўнаб, Арупарга келдик. Арупарда эканимизда қаттиқ ёмғирлар

ёғди. Анчагина совуқ бўлди. Оч-ялангоч Ҳиндустонликларнинг кўпи қирилиб кетди.

Арупардан чиқиб, Саҳринднинг рупарасида — Кармалда тўхтаган эдик ҳамки, бир Ҳиндустонлик: „Султон Иброҳимнинг элчисиман“, деб келди. Унинг хат ва ёрлиги бўлмаса ҳам, у биздан бир кишини элчиликка юборишимизни сўраб, ялиниб-ёлворди. Биз ҳам унга ҳамроҳ қилиб тунги посбонларимиздан Саводийни жўнатдик. Бу бечоралар етиб боришгач, Иброҳим ҳар икковини ҳам асир қилибди. Иброҳимни тор-мор қилган кунимиз Саводий қутулиб келди.

Йулда бир кеча тўхтаб, Банўр ва Санўр ерларини суғорадиган анҳор ёқасида тушдик. Бу Ҳиндустондаги бошқа дарёлардан ажралиб турадиган ягона тезоқар дарё, уни Гагар дарёси дейдилар. Читр ҳам шу дарё ёқасидадир. Дарё бўйлаб сайр қилиш учун юқорига қараб юрдик. Бу дарё Читрдан уч-тўрт курўх юқорида, анҳорнинг четидан чиқиб келади. Дарё бўйлаб юқорироққа кўтарилганимизда бир кенг дарадан тўрт-беш тегирмон сув оқиб чиқаётганини кўрдик. Бу баландликдаги жойлар жуда гўзал ва энг хушҳаво ерлардир. Ушбу дарёнинг дарадан чиқиб келадиган жойида чорбоғ барпо этишларини буюрдим. Бу сув далага тушиб, яна бир-икки курўх оқиб боради ва анҳорга қўшилиб кетади. Гагар суви эса чеккадан оқиб чиқади ва у мазкур дарё қўшиладиган жойдан уч-тўрт курўх баланроқдан оқади. Ёмғир мавсумида бу дарёнинг суви жуда кўпаяди, Гагар дарёсига қўшилиб, Самана ва Сунам томон оқиб боради.

Шу жойда эканимизда Деҳлининг бу тарафида турган Султон Иброҳимнинг у ердан чиқиб олдинга қараб жўнагани ва Ҳисори Феруза шақдори\*\* Ҳамидхоний хоссаҳайлий Ҳисори Феруза ва ўша ердаги лашкари билан Ҳисори Ферузадан бу томонга қараб ўн-ўн беш курўх берида келаётгани ҳақида хабар олдик. Каттабекни хабар келтириш учун Султон Иброҳимнинг қароргоҳига, Мўмин

\* Шиговул — подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутишга тайинланган киши.

\*\* Шақдор — солиқ йигувчи.



аткани Ҳисори Феруза қушинига юборилди.

Жумод ул-аввал ойининг ун учинчисида, якшанба куни Анбаладан чиқиб, бир кўл ёқасига тушдик. Мўмин атка билан Каттабек худди шу куни қайтиб келдилар. Ҳумоюнни Хожа Калон, Султон Муҳаммад дўлдой, Вали хозин бошчилигидаги ун қанотдаги кишилари билан ҳамда Ҳиндустонда қолган беклардан Хисравбек, Ҳиндубек, Абдулазиз, Муҳаммад Али жанг-жангни, марказий қўшиндан, подшоҳ саройининг хос амалдорлари ва йигитларидан — Шоҳ Мансур барлос, Каттабек, Муҳиб Али ва яна бир неча кишини қўшиб Ҳамидхоннинг устига юришга тайинладик.

Бибан ҳам шу қароргоҳимизга келиб, илтифот кўрсатди. Афгон деганлари жуда қўпол ва беақл халқ бўлади. Гарчи навкарлари сони ва мартабаси бундан баланд бўлса ҳам, Диловархон, Оламхоннинг ўғлонлари — подшоҳзодалар бўлса ҳам, менинг олдимда ўтирганлари йўқ, бироқ бу Бибан ўтиришга изн сўради. Аммо унинг бу номаъқулчилигига ким ҳам қулоқ соларди!

Ойнинг ўн тўртинчисида, душанба куни эрталаб Ҳумоюн Ҳамидхон устига қўшин тортди. Ҳумоюн сараланган юз-юз эллик соқчи қисм йигитини ўзидан олдинроқ жўнатди. Бу йигитлар душманга яқинлашиб, қўл жангини бошлаб юбордилар. Бир-икки тўқнашувдан кейин орқадан Ҳумоюннинг қораси кўринди-ю, душман қоча бошлади. Юз-икки юз кишини отдан қулатиб, ярмининг бошини кесдилар, қолган ярмини етти-саккизта фили билан Ҳумоюннинг олдига келтирдилар. Ҳумоюннинг бу галабаси ҳақидаги хабарни ойнинг ун саккизинчисида, жума куни туш вақтида, Бек Мирак мўғул ўша қароргоҳнинг ўзида эканимиздаёқ етказиб келди. Мен дарҳол Ҳумоюнга махсус бош-оёқ кийим ва отхонадаги энг яхши отлардан бирини инъом этиб, яна бошқа мукофотлар ҳам ваъда қилдим.

Ойнинг йигирма биринчисида, душанба куни шу қароргоҳга Ҳумоюн юзтача асир ва етти-саккиз фил билан келиб, менга илтифот кўрсатди. Устод Алиқули ва милтиқчиларга сиёсат учун асирларни милтиқ билан қириб ташлаш

бужорилди. Ҳумоюннинг биринчи юриши ва биринчи кўрган иши шу эди. Бу унинг кейинги ниятлари учун кўп яхши аломат бўлди. Отлиқларимиз қочган кишиларни қувиб Ҳисори Феруза қалъасигача бордилар, у ерни қўлга олиб, талаб, қайтиб келдилар. Ҳисори Феруза қалъасини унга тегишли ва тобе бир карўрлик вилояти билан Ҳумоюнга совға қилдим ва яна бир карўр (юз лак) пул мукофоти ҳам бердим.

Бу қароргоҳдан кучиб Шоҳободга келдик. Султон Иброҳимнинг қароргоҳига „тил“ тутиб келиш учун одам жўнатдик ва шу боис бир неча кун шу ерда қолиб кетдик. Раҳмат пиёдани галаба ҳақидаги хабарлар билан Кобулга юбордик.

Ушбу қароргоҳда эканимизда, жумод ул-аввал ойининг йигирма саккизинчисида, душанба куни офтоб ҳамал буржигача кирди. 961- йили Ҳумоюн ўн саккиз ёшда эди, унинг юзига устара ёки қайчи теккизилди.

Иброҳимнинг урдасидан ҳам унинг бир курўх-икки курўх юриб, ҳар бир қароргоҳда икки-уч кун тўхтаб-тўхтаб келаётганлиги ҳақида тинимсиз хабарлар кела бошлади. Биз ҳам олдинга қараб йўл олдик. Шоҳободдан чиққач, икки манзилда тўхтаб, Сарсаванинг тўгрисига — Жуун дарёси қиргоғига келиб тушдик. Хожа Калоннинг навқари Ҳайдарқули „тил“ ушлаб келиш учун юборилди.

Мен Жуун дарёси кечигидан ўтиб Сарсавани сайр қилдим. Ўша куни маъжун ҳам едик. Сарсаванинг чашмаси бор, озроқ сув шу чашмадан оқиб боради, ёмон жойлар эмас. Турдибек хоксор бу ерни мақтаб таърифлади. Мен унга „Шу ер сеники бўлсин“, дедим. Шу сабаб билан Сарсава Турдибекка берилди.

Бир кемага толор — тахтасупа ясатириб олгандим. Баъзида шу кемада сайр қилардим, баъзан бошқа манзилга кўчганимизда ҳам шу кема билан келардим.

У қароргоҳдан чиқиб қирғоқ бўйлаб пастга қараб икки манзил юрган эдик ҳамки, „тил“ тутишга борганлардан Ҳайдарқули Довудхон Ҳайтим хонни бешолти минг кишиси билан Миёни Дуоб тарафига ўтказибди. Иброҳимнинг доирасидан уч-тўрт курўх берида доира уриб ўтирганмиш, деган хабарни келтирди.

Жумод ул-охир ойининг ун саккизинчисида, якшанба куни бу туда устига Чин Темур Султон, Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо ва Одил Султонни ва бутун чап қанот йигитлари — Султон Жунайд ва Шоҳ Мир Ҳусайн ва Қутлуққадамни, марказдан — Юнус Али, Абдулло, Аҳмадий ва Каттабекни илгор қилиб танладик. Пешин намози чоғи улар шу ердан дарёни кечиб утиб, аср ва шом намозлари оралигида нариги қиргоқдан жунаб кетдилар. Бибан мана шу ҳужум баҳонасида дарёдан утиб, қочиб кетди. Бомдод намози пайти аскарларимиз душман устига етиб бордилар. Озгина одам уруш бошлайдигандек булиб сафланади. Бизнинг одамларимиз яқинлашишлари билан улар қўрқиб қоча бошлайдилар. Иброҳимнинг доирасигача уларни отларидан қулатиб, қувиб бораверадилар. Довудхоннинг акаси Ҳайтимхонни, унинг сардорларидан бири шу киши эди, отдан тушириб, етмиш-саксон асир ва олти-етти фил билан олдимга олиб келдилар. Сиёсат учун аскарларнинг кўпчилиги қатл этилди.

Бу ердан жунаб ўнг қанот, чап қанот ва марказ қўшинларини сафлаб, кўриқдан ўтказдим. Аскарларимизнинг сони биз мўлжаллагандан камроқ эди.

Шу қўнимжойда бутун лашкар халқи ҳолига яраша арава келтиришларини буюрдим. Етти юзта арава олиб келдилар. Устод Алиқулига Рум усули билан аравалар орасига занжир ўрнига ҳукизнинг хом терисидан арқон эшиб тасма қилиб бир-бирига боғлашни буюрдим. Ҳар иккита арава ўртасига олти-етти тўра (қалқон) қўйилади. Милтиқлилар шу арава ва тўра — қалқонлар ортида туриб, милтиқ отадилар. Бу қуролларни тайёрлаш учун беш-олти кун шу ерда қолиб кетдик.

Ушбу асбоб ва қуроллар тайёр бўлганидан сўнг биз беклар ва билимдон сара йигитларни чақириб, умумий кенгаш ўтказдик. Панипат — бутун бир шаҳар. Унинг маҳалла ва уйлари кўп, бир томонимизда атрофдаги маҳалла ва уйлар бўлса, иккинчи тараф арава ва қалқонлар билан тўсилади, милтиқли ва пиёдалар арава ва қалқон ортига жойлаштирилади, деган фикрда тўхтадик.

Шу қарорга келиб, биз жунаб кетдик. Бир манзил утиб, жумод ул-охир ойининг сўнгида, пайшанба куни Панипатга етиб келдик. Унг тарафимизда шаҳар ва маҳаллалар жойлашган. Олдимизга тайёр бўлган арава ва қалқонлар қўйилди. Чап тараф ва яна баъзи ерларда хандақлар қазиб, шохлардан тўсиқлар кўтардик. Ҳар бир ўқ отими (милтиқлилар гуруҳи) ўртасида юз-юз эллик от чиқа оладиган жой қолдирилди. Аскарларнинг баъзилари тараддудланиб ваҳимага тушдилар. Қўрқув ва ваҳимага тушиш ўринсиздир. Тангри ниманики азалдан тақдирга битган бўлса, ундан бошқаси бўлмайди. Аммо уларни ҳам айблаб бўлмайди. Уларнинг ҳам ташвишга тушишга ҳақлари бор. Чунки ватанидан икки-уч ойлик йўлни босиб келиб, бегона қавм билан урушга киришган эдилар. На биз уларнинг тилини биламиз, на улар бизнинг тилимизни билишади.

*Парешон жамъэю, жамъе парешон,  
Гирифтор қавмею, қавме ажойиб.*

Душман аскарларининг сони айни пайтда бир лак — юз минг кишига етарди. Узи ва амирларида бир-икки мингтага яқин филлари бор, дейишарди. Отабобосидан қолган хазинанинг ҳаммаси қўлида нақд эди. Ҳиндустонда шундай одат бор: агар шундай урушлар рўй бергудек бўлса, белгиланган муддат учун пулга навкар ёлланилади. Ёлланган кишиларни „бадхандий“ деб атайдилар. Агар Султон Иброҳим шундай фикрга келса, юз минг, икки юз мингта навкарни ҳам ёллай оларди. Тангри таоло бизни ёрлақди, у на навкарларини рози қила олди, на хазинасини улаша олди. Табиатида бахиллик голиб келган одам қандай қилиб йигитларини рози қила олади. Узи пул йигишга беҳад берилган, тажрибасиз, гўр бир йигит эди. Унинг на келиши ва туришида саранжомлик, на юриши ва урушида ғайрат-иштиёқ бор эди.

Панипатда аскарларнинг ён-атрофига арава ва шохлардан тўсиқ ясаб, хандақлар қазиб истеҳком қураётган пайтимиз Дарвеш Муҳаммад сорбон: „Бундай эҳтиёткорлик билан ҳимояланаётга-

нимизда у бизга қарши келишга қандай имкон топади“, деб айтди.

— Сен буларни узбек хон ва султонларига ўхшатайсанми? — деб жавоб бердим. — Самарқандни ташлаб чиқиб, Ҳисорга келганимизда, узбекнинг барча хон ва султонлари йигилиб, бизнинг устимизга бирлашиб, бостириб келиш ниятида Дарбанддан ўтдилар. Биз бутун лашкар ва мўгулнинг куч-кўрони ва молларини маҳаллаларга яшириб, кўчаларни тўсиб қўйдик. Юриш-туришнинг ҳисоб-китобини олгач, хон ва султонлар Ҳисорни ҳимоялаш учун ҳаёт-мамотимизни тикканимизни курдилар. Ҳисор устига келишга кўзлари етмай, Чағониён атрофида жойлашган Навандокданоқ ортларига қайтиб кетдилар. Буларни сен уларга ўхшатма, булар ҳарбий ишни ва урушиш қуроллари қардан билсинлар.

Тангри бизга кўмак берди, ҳаммаси мен айтгандек бўлди. Панипатда ўтган етти-саккиз кун мобайнида одамларимиздан оз-оздан бориб, уларнинг доирасига-ча яқинлашиб, кўпсонли душманга ўқ отардилар ва бош кесиб келтирардилар. Душман эса на жойидан қўзгалди, на ҳамла қилди. Кейин бизга хайрихоҳ ҳиндустонлик бекларнинг маслаҳатига амал қилиб, Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо, Одил Султон, Хисрав, Шоҳ Мир Ҳусайн, Султон Жунайд барлос, Абдулазиз мирохўр, Муҳаммад Али жанг-жанг, Қутлуққадам, Вали хозин, Муҳиб Али халифа, Муҳаммад бахши, Жонибек ва Қоракўз бошчилигида тўрт-беш минг кишини тунги ҳужумга юбордик. Кеч кириб қолгани боис яхшилаб келишиб ололмай, тарқалиб кетиб, бирор иш қилолмадилар. Тонг отиб, кун ёришгунча, улар душман доираси (лагери)нинг яқинида эканида, душман ногораларини чалиб, филлари билан саф тортиб чиқди. Гарчи бизникилар бирор иш қилолмаган бўлсалар ҳам, шунча кўп киши билан урушиб, бирор кишини йўқотмай, соғ-омон чиқдилар. Муҳаммад Али жанг-жангнинг оёғига ўқ тегди. Жароҳати хавфли бўлмаса-да, уруш куни у жангга ярамади.

Бундан хабар топиб, мен Ҳумоюнни аскарлари билан бир-бир ярим куруҳ олдинга — душман қаршисига юбориб, узим қолган жангчилар билан саф тортиб чиқдим. Тунги ҳужумга кетганлар келиб Ҳумоюнга қўшилдилар. Душман одамлари олдинга қараб, биз ҳам орқага қайтиб, тўхтадик.

Шу кеча урдуда ғалати (ёлгондакам) ғавго кўтарилди. Илгари бундай шовқин-сурон кўрмаган кишилар қўрқув ва ваҳимага тушиб қолдилар. Бироз вақт ўтгач, шовқин босилди.

Ражаб ойининг саккизинчисида, жума куни бомдод намози чоғи соқчилардан душманнинг саф тортиб келаётганлиги ҳақида хабар келди. Биз яна совутларни кийиб, қуролланиб отландик. Унг қанотда Ҳумоюн, Хожа Калон, Султон Муҳаммад дўлдой, Ҳиндубек, Вали хозин ва Пирқули Сийстоний турдилар. Чап қанотда Муҳаммад Султон мирзо, Маҳдий Хожа, Одил Султон, Шоҳ Мир Ҳусайн, Султон Жунайд барлос, Қутлуққадам, Жонибек, Муҳаммад бахши ва Шоҳ Ҳусайн Ёракий мўгул гончи турдилар.

Марказнинг унг тарафига Чин Темур Султон, Сулаймон мирзо, Муҳаммадий кўкалдош, Шоҳ Мансур барлос, Юнус Али, Дарвеш Муҳаммад сорбон ва Абдулло китобдор қўйилди. Марказнинг чап тарафига Халифа, Хожа Мирмирон, Аҳмадий парвоначи, Турдибек, Қўчбек, Муҳиб Али халифа ва Мирзобек тархон қўйилди. Ировулга (аскарнинг айгоқчилик хизматини қилиб, олдинда борадиган қисми) Хисрав кўкалдош ва Муҳаммад Али жанг-жанг етакчи бўлдилар. Абдулазиз мирохўрни тарҳга (ёрдамчи бўлинмага) бошлиқ қилиб тайинладик. Унг қанотнинг четига Вали қизил ва Малик Қосим Бобо Қашқани мўгуллари билан тўлғамага\* сафладик. Чап қанот четидан Қароқўзи, Абулмуҳаммад найзабоз, Шайх Жамол барин, Маҳдий ва Тенгриқули Пишағи мўгулни тўлғамага сафладик. Душман аскарлари яқинлашишлари билан бу икки бўлак тўлғама унг ва чап тарафлардан душманнинг орқа тарафига айланиб утиб олади. Душ-

\* Тўлғама — душман сафининг икки ёнида тартибсиз ҳужум қилиб, шошириш тактикаси.

маннинг қораси кўринганда аскарларнинг катта қисми унғ қанотга қараб келаётганини кўрдик. Шу боис ёрдамчи бўлинмага бошчилик қилаётган Абдулазизни унғ қанотни мустақкамлаш учун юбордик.

Узоқдан қораси кўринган Султон Иброҳимнинг қушини ҳеч ерда тўхтамай тезлик билан бизга қараб келаверди. Яқинроқ келгач, уларга қорамиз кўринди. Бизнинг саф тортиб, жангга шай турганимизни кўриб, улар нима қилишларини билмай тарадудланиб қолдилар. Эсанкираб, туришни ҳам, келишни ҳам билмай, на жойида туролди, на аввалгидек тезлик билан тўхтамасдан илгарилашни ўйлади.

Тулгамага тайинланган аскарларга унғ ва чап қўлдан душманнинг орқа томонига ўтиб, ўқ отиб уруш бошлашлари, унғ ва чап қанотлардагилар ҳам душман билан олишишлари учун фармон бўлди. Тулгамадагилар душман орқасига ўтиб, ўқ ота бошладилар. Чап қанотдаги Маҳдий Хожа жангни ҳаммадан олдин бошлаб юборди. Маҳдий Хожага қарши бир тўда аскар бир фил билан бостириб келди. Маҳдий Хожанинг одамлари кўп ўқ ёғдириб, уларни чекинишга мажбур қилди. Чап қанотга марказдан Аҳмадий парвоначи, Турдибек Қўчбек ва Муҳиб Али халифа ёрдамга юборилди. Унғ қанотда ҳам жанг бошланиб кетди.

Муҳаммад Али кўкалдош, Шоҳ Мансур барлос, Юсуф Али ва Абдуллога марказ қушини олдида туриб жанг бошлаш буюрилди. Устод Алиқули ҳам марказ қушини олдида туриб фарангидан\* отди. Мустафо тўпчи ҳам марказий қушининг чап қанотидаги арава устидаги зарбзандан (тўпга ўхшаш қурол) яхши зарбалар берди. Унғ қанот, чап қанот, марказ ва тулгамадагилар душманни ҳар тарафдан ўраб олиб, устига ўқ ёғдириб, жангни астойдил қизитдилар. Душман унғ ва чап қанотларга бир-икки марта қисқа-қисқа ҳамлалар ҳам қилди. Бизнинг жангчиларимиз уларнинг устига ўқ ёғдириб, яна марказ томонга сиқиб келдилар. Душманнинг унғ ва чап қаноти бир ерга тўпланиб қолиб, шу даражада

тиқилинчлик ҳосил бўлдики, на олдинга юришга, на орқага қочишга йўл топдилар.

Офтоб бир найза бўйи кутарилганда урушни тезлаштиришга чақирилди. Тушгача жанг давом этди. Кун тушга етганида душман енгилди ва яксон қилинди. Тангри таоло фазлу карами билан бундай қийин ишни бизга осон қилди ва шу қадар кўпсонли лашкарни ярим кунда ер билан яксон қилди. Фақат Иброҳим ёнидаги бир жойнинг ўзида беш-олти минг киши ўлдирилди. Бошқа ерларларда улганларнинг сонини ўн беш-ўн олти минг киши, деб тахмин қилдик. Кейинроқ, Ограга келганимизда, ҳиндустонликлардан эшитишимизча, ушбу жангда қирқ-эллик минг киши ҳалок бўлган экан.

Душманни енггач, ортидан кузатиб бориб, отларидан йиқитиб олдик. Аскарларимиз отдан туширилган амир ва йигитларни олиб кела бошладилар. Тўдатуда филларни филбонлари келтириб совга қилдилар. Иброҳимни жанг майдонидан чиқиб кетган, деб ўйлаб, маҳсус қўшиндаги Қисмтой мирзо, Бобо чуҳра ва Бужка бошчилигидаги кишиларни душман ортидан изма-из юбордик. Тезда қувиб етиб, Ограга боргунича уни қўлга олишларини тайинладим.

Иброҳим ўрдасининг ичи билан ўтиб, унинг кичик ҳовлиси — турар-жой ва уйларини айланиб чиққач, бир қорасув ёқасига тушдик. Аср намози пайти Халифанинг қайин укаси Тоҳир Табарий, Султон Иброҳимнинг жасадини жуда кўп ўликлар ичидан таниб қолиб, бошини келтирди.

Шу куниёқ Ҳумоюн мирзо, Хожа Калон, Шоҳ Мансур барлос, Юнус Али ва Абдулло Вали хазиначини тезда бориб, Ограни қўлга киритиб, хазинани эгаллашларини тайинладим.

Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо, Одил Султон, Султон Жунайд барлос ва Қутлуққадамнинг сафар анжомларини олиб кетаётган гуруҳдан ажралиб, илдамлаб Деҳли қўргонига кириб, у ердаги хазинани эгаллаб сақлашларига қарор қилдик.

\* Фаранги — Европадан келтирилган отиш қуроли.

Эртаси куни тонгда бир куруҳ йул юриб, отларга дам бериш учун Жуун ёқасига тушдик. Икки кеча шу ерда қолиб, сешанба куни Шайх Низом авлиёнинг мазорини тавоф қилиб, Деҳлининг рупарасида — Жуун қиргогида тўхтадик. Ушбу чоршанба кечасиёқ Деҳли қўрғонини сайр қилиб, тунбўйи уша ерда қолиб, эртаси — чоршанба куни Хожа Қутбиддиннинг мазорини тавоф қилиб, Султон Гийёсиддин Балбан ва Султон Аловуддин хилжийнинг мақбара, иморатлари ва минорасини, гавзи Шамсий, гавзи Хосни, Султон Баҳлул ва Султон Секандар мақбаралари ва боғларини сайр қилиб, ўрдуга қайтиб, кемага кириб, арақ ичилди. Вали қизилга Деҳлининг эшикдорлиги (солиқ йигувчиси мансаби)ни тақдим этиб, Дўстни Деҳли вилоятига девон қилдим, бор хазинани муҳрлашни ва бутун жавобгарликни уларнинг зиммасига юкладим.

Пайшанба куни бу жойдан кўчиб, Туғлақобод рупарасига — Жуун қиргогида тушдик.

Жума кунини уша жойда утказдик. Мавлоно Маҳмуд, Шайх Зайн ва яна айрим кишилар жума намозига бориб, менинг номимга хутба ўқитдилар. Фақир ва мискинларга бир оз пул тарқатиб, қароргоҳга келдилар.

Шанба куни у ердан жўнаб, жойдан жойга кўчиб, Ограга йул олдик. Мен бориб Туғлақободни сайр қилиб, қароргоҳга қайтдим.

Ражаб ойининг йигирма иккинчисида, жума куни Огра четида жойлашган Сулаймон Фармулийнинг уйига тушдик. Бу жой қўрғондан анча узоқ бўлганлиги боис эртаси куни Жалолхон жағҳатнинг уйига тушилди.

Биздан илгарироқ келган Ҳумоюнни қўрғондагилар, узрларини айтиб, ичкарига киритмабдилар. Булар ҳам элнинг бебошлигини ўйлаб, хазинага қўл тегизмасин, деган ниятда биз келгунча Оградан чиқадиган йўлларни қўриқлаб, келишимизни кутиб турибдилар.

Бикрамажит ҳинду Гвалийар рожа си эди, унинг оталари Гвалийар вилоятда юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилганлар. Искандар Гвалийарни олиш мақсадида бир неча йил Ограда қолиб кет-

ди. Кейин Иброҳим замонида Аъзам Ҳумоюн Серваний анча вақт астойдил курашди ва, охир-оқибат, уни сулҳ йўли билан олиб, унга Шамсободни берди. Султон Иброҳимнинг устига уруш бошлаганида, Бикрамажит жаҳаннамга равона бўлди. Болалари ва оила аъзолари Ограда эди. Ҳумоюн Ограга келганида Бикрамажитнинг оила аъзолари қочипга уринадилар ва Ҳумоюн тайинлаган кишилар уларни қўриқлаб туради, Ҳумоюн ҳам уларнинг таланишларига йул қўймади. Ўз хоҳишлари билан Ҳумоюнга гавҳар ва қимматбаҳо тошлар совға қилибдилар. Улар ичида бир машҳур олмос бор эдики, уни Султон Аловуддин келтиртирган экан. Бу олмос шунчалар машҳурки, бир муқаййим (қиймат белгиловчи) унинг нархини бутун дунёнинг икки ярим кунлик сарф-харажатларига тенг, деб баҳолабди. Саккиз мисқол чиқса керак. Мен келганимда Ҳумоюн уни менга совға қилди, мен яна унинг узига бағишладим.

Қўрғон ичидаги таниқли силоҳийлардан Маликдод Караний, Маллий Сурдук ва Ферузхон Меватийнинг эътибори баланд эди. Буларнинг қилган ҳийлалари билиниб қолди. Сиёсат қилиб, жазолашга юборилди. Маликдод Караний олдинга чиқарилганида баъзи бировлар унинг учун ялиниб-ёлвордилар.

Одамлар у ёқ-бу ёққа бориб, бир маслаҳатга келгунларича орадан тўрт-беш кун ўтди. Улар хоҳлаганларидек июнат ва шафқат кўрсатиб, барча мол-мулкни ўзларига қайтариб, жазодан озод қилдик. Иброҳимнинг отасига етти лаклик даромади бор вилоят нақд июнат қилинди. Бекларининг ҳам ҳар бирига вилоятлар берилди. Иброҳимнинг отаси хизматкорлари билан чиқарилиб, унга Оградан дарё бўйлаб бир куруҳ пастдан жой берилди.

Ражаб ойининг йигирма саккизинчисида, пайшанба куни аср намози чоғи Ограга кириб, Султон Иброҳимнинг мазилида тушдик. Тўққиз юз ўнинчи (1504/1505) йили Кобул эгалланганидан буён Ҳиндустонни қўлга киритишни орзу қилардим. Гоҳ бекларнинг ақли ноқислиги, гоҳ ога-иниларимнинг, қариндош-уруғнинг қўллаб-қувватламасликлари

боис Ҳиндустонга юришга эришолмаган-дим. Ниҳоят, бундай тўсиқлар қолмади. Бек ва амалдорларимдан ҳеч ким менинг мақсадимга қарши бир сўз айтолмади.

Тўққиз юз йигирма бешинчи (1519) йили лашкар тортиб, Бажаврни куч билан икки-уч гариди — бир соатга ҳам қолмай олиб, элини қатлиом қилиб, Бҳирага келдик. Бу ерни талон-торож қилмадик. Элига моли омон солиб (мол бергани эвазига хавфсизлигини таъминлаб) тўрт юз минг шоҳрухийни пул ва мол ҳолида олиб, аскар ва баъзи навкарлар сонига қараб улашиб, Кобулга қайтиб келдик.

Ўша йилдан то тўққиз юз ўттиз иккинчи (1526) йилгача Ҳиндустонни эгаллашга астойдил киришиб, етти-саккиз йил ичида беш марта қўшин тортдик. Бешинчи сафар Тангри таоло ўз фазлу карами билан Султон Иброҳимдек душманни қаҳру газабига олиб яқсон этди, Ҳиндустондек катта мамлакатни бизга муяссар қилди ва бўйсундирди.

Ҳазрати Рисолат (пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад с.а.в.) замонидан шу кунгача Ҳиндустонга биз томондан фақат уч киши ҳоким бўлиб, ўз салтанатини урнатган. Улардан биринчиси Султон Маҳмуд Ғозий бўлиб, у ва унинг авлоди Ҳиндустон мамлақати салтанат тахтида узоқ муддат ўтирдилар. Иккинчиси Султон Шиҳобиддин Ғурий бўлиб, унинг ўзи, қуллари ва унга тобе бўлган кишилар бу мамлакатда кўп йиллар подшоҳлик қилдилар. Учтинчиси менман, лекин менинг ишим у подшоҳларнинг ишига ўхшамайди. Чунки Султон Маҳмуд Ҳиндустонни фатҳ этган чоғида Хуросон тахти ҳам унинг қўлида эди, Хоразм ва Дорулмуруз салтанатлари унга бўйсунарди. Самарқанд подшоҳи унинг қўли остида эди. Унинг қўшини икки юз минг бўлма-са ҳам, юз мингча бор эди. Бунинг устига унинг душманлари рожалар эди. Бутун Ҳиндустон битта подшоҳнинг қўлида эмасди. Ҳар рожа бир вилоятда ўз ерини мустақил бошқарарди.

Султон Шиҳобиддин Ғурий Хуросон салтанатига эгалик қилмаган бўлса ҳам, у ер акаси Султон Ғиёсиддин Ғурийнинг қўлида эди, „Табақоти Носирий“да кел-

тирилишича, бир сафар бир юз йигирма минг ҳарбий билан Ҳиндустонга қўшин тортган экан. Унинг душманлари ҳам рой ва рожалар бўлиб, у пайтлари бутун Ҳиндустон бир кишининг ҳукмронлиги остида эмасди.

Биз биринчи марта Бҳирага келганимизда бир минг беш юз, кўпи билан икки минг киши эдик. Бешинчи бор келганимизда Султон Иброҳимни енгиб, Ҳиндустон мамлақатини фатҳ қилдим. Ҳиндустонга юришда ҳеч қачон бунча лашкар билан келинмаганимиз. Навкар ва хизматкорлар, бутун қўшин билан бирга бўлганларнинг сони ўн икки минг киши деб рўйхатга олинди. Менга Бадахшон, Қундуз, Кобул ва Қандаҳор вилоятлари бўйсунарди, аммо бу вилоятларга суянишдан фойда йўқ эди, аксинча, баъзи вилоятлар душманга яқин ерда жойлашганлиги боис уларга жуда кўп ёрдам бериш лозим эди. Бундан ташқари, Мовароуннаҳр вилоятлари ўзбек хон ва султонларининг тасарруфида бўлиб, уларнинг лашкари юз мингтага етарди; улар азалий душманимиз эди. Ҳиндустон мамлақати эса Бҳирадан Биҳаргача афгонлар тасарруфида бўлиб, уларга Султон Иброҳим подшоҳлик қиларди. Ҳокимиятининг катталигига қараганда, лашкарининг ҳисоби беш юз мингта бўлиши керак эди. Ўша пайтда унинг баъзи амирлари унга муҳолифатда эдилар. Танилган лашкарининг сони юз минг кишига етарди. Айтишларича, ўзининг ва амирларининг мингта яқин фили бор эди. Шу ҳолимиз ва кучимиз билан таваккал қилиб, ўзбадек душманни юз минг қари ортда қолдириб, катта қўшин ва мулк эгаси Султон Иброҳимдек подшоҳ билан юзма-юз келдик. Таваккалимизга яраша Тангри таоло чеккан ранж ва машаққатимизни бекор қилмай, бундай кучли душманни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек катта мамлакатни очиб берди. Бундай давлатни ўзимизнинг куч ва қувватимиздан деб билмаймиз, балки бу фақат Тангрининг лутфи ва марҳаматидандир. Бундай сاداتни ҳаракат ва интилишларимиз туйғайли деб эмас, балки Тангрининг карам ва иноятидандир, деб биламиз.

Ҳиндустон мамлақати — ҳудуди кенг, аҳолиси кўп, ерлари серҳосил ўлкадир.

Шарқи ва жануби, ҳатто ғарби ҳам уммонга туташиб кетган. Шимолида бир тоғ бор. Ҳиндукуш, Кофиристон ва Кашмир тоғлари билан туташ. Шимоли-ғарбида Кобул, Газна ва Қандаҳор жойлашган. Бутун Ҳиндустон вилоятининг пойтахти Деҳли экан. Султон Шаҳобиддин Гурийдан кейин — Султон Ферузшоҳнинг ҳукмдорлиги сўнгигача Ҳиндустоннинг катта қисми Деҳли султонлари қўли остида бўлган экан.

Мен Ҳиндустонни қўлга киритган йили Ҳиндустонда бешта мусулмон, икки кофир подшоҳ ҳукмдорлик қиларди. Гарчи тоғ ва тўқайларда кўпгина катта-кичик рой ва рожалар ҳукмронлик қилаётган бўлса-да, бироқ ушбулар мўътабар ва мустақил эдилар. Биринчиси, афгонлар эдики, пойтахт Деҳли уларнинг қўли остида эди. Улар Бҳирандан Бҳаргача бўлган ҳудудни эгаллагандилар. Бҳирандан Бҳаргача уларнинг қўлида эди. Жунпур афгонлардан бурун Султон Ҳусайн Шарқийнинг қўлида эди. Бу жамоани ҳиндустонликлар „пурий“ деб атайдилар. Буларнинг оталари Султон Ферузшоҳ ва унинг султонлари қошида соқийлик қилишган. Ферузшоҳдан кейин Жунпур мамлакатига ҳукмдорлик қилганлар.

Деҳли у пайтлар Султон Аловуддиннинг қўлида эди. Бу табақа саййидлардандир. Темурбек Деҳлини олганида Деҳли ҳукуматини буларнинг оталари қўлга бериб кетган эди. Султон Баҳлул Лудий афгон ва унинг ўғли Султон Секандар (Искандар) пойтахт шаҳар Деҳли ва пойтахт шаҳар Жунпурни қўлга киритадилар. Ҳар икки пойтахт бир подшоҳликка тегишли бўлиб қолди.

Иккинчиси Гужаратдаги Султон Музаффар эди. Султон Иброҳим устидан галаба қилишимиздан бир неча кун бурун оламдан ўтди. Шариатга қаттиқ амал қиладиган подшоҳ эди. Илмга толиблиги бор эди, ҳадис мутолаа қиларди, ҳамиша Қуръонни кўчиради. Бу табақани таънклар деб аташардилар. Буларнинг оталари ҳам Султон Ферузшоҳ ва унинг султонларига соқийлик қилишган. Ферузшоҳдан сўнг Гужарат вилоятини бошқарганлар.

Учинчиси Дакандаги баҳманийлар эди. Бироқ шу кунларда Дакан султонларида на куч, на эътибор қолганди. Барча вилоятларини катта беклар ўз қўлларига олганди. Ҳукмдорларга бирор нарса керак бўлиб қолса, беклардан сўраб олишарди.

Тўртинчиси — Султон Маҳмуд Малва вилоятида, бу вилоятни Мандав ҳам деб атайдилар, ҳукмдор эди. Бу табақани хилжийлар дейишади. Раана Сангаа кофир буларни босиб, вилоятининг катта қисмини қўлга киритди. Улар анча заифлашиб колгандилар. Буларнинг оталари ҳам Ферузшоҳ қўлида ўсган. У ўтганидан сўнг Малва вилоятини эгаллагандилар.

Бешинчиси Бангола вилоятидаги Нусратшоҳ эди. Отаси Банголада подшоҳ бўлган эди, саййид эди ва Султон Аловуддин лақабини олганди. Нусратшоҳга салтанат мерос бўлиб теккан эди. Банголада қизиқ бир одат бор эди: салтанат камдан кам ҳолларда мерос бўлиб ўтарди. Подшоҳининг муайян бир тахти бўлади. Ҳар бир амир, вазир ва мансаб эгалари учун ҳам аниқ ер-жой белгилаб қўйилган. Бангол халқи учун ўша тахт ва жойлар мўътабар ҳисобланади. Ҳар бир ерга бўйсунувчи, итоат этадиган аскар ва хизматкорлар ҳаммаси белгилаб қўйилган. Подшоҳнинг кўнгли тиласа, у хоҳлаган кишисини бировнинг ерига ўтказиши, у ердаги навкар ва хизматкорлар ҳам подшоҳ истаган ўша одамнинг ихтиёрига ўтиши мумкин. Бу ҳатто подшоҳнинг тахтига ҳам тегишлидир. Кимки амалдаги подшоҳни ўлдириб, тахтга чиқишга имкон топса, ўша подшоҳ бўлади. Амир, вазир, барча аскарлар ва халқ унга итоатда бўлиб, бўйсунадилар. Уни аввалги подшоҳларидек ҳукмдор ва фармон берувчи деб биладилар. Бангол халқи: „Биз тахтнинг ҳалолхўримиз (тахтга бўйсунамиз). Тахтга ким чиқса, биз ўшанга бўйсунамиз ва фармонларини бажарамиз“, — дейди. Чунки Нусратшоҳнинг отаси Султон Аловуддиндан илгари бир ҳабаший подшоҳини ўлдириб тахтга чиқди ва бир муддат ҳукмронлик қилди. Султон Аловуддиндан кейин тахт мерос йўли билан унинг ўғли (қўли)га ўтади ва у подшоҳ бўлди.

Банголада яна бир одат бор: кимки тахтга чиқса, аввалги подшоҳнинг бойлигини сарф ва харж қилишни мутлақо айб, уят ҳисоблаган. Хазина туплашни халқининг олдидаги фахр ва мақтовга сазовор иш, деб билишган. Яна шундай одат борки, хазина, отхона, мамлакат подшоҳининг жами куч-кўрони (лаш-лушлари) учун кетадиган харажатлар қадимдан белгилаб қўйилган муайян вилоят ва туманлардан тушадиган даромадлар ҳисобидан қопланади; бу даромадлар бошқа мақсадлар учун сарф этилмайди.

Улуг, муътабар, катта лашкар ва вилоятларга эга булган мусулмон подшоҳлар мана шу эсга олганимиз беш подшоҳ бўлди.

Кофирлардан вилоят ва лашкарининг куплигига кура, энг катта подшоҳ бу Бижанагар рожасидур. Яна Раана Сангаа булиб, у ўзининг жасорати ва қиличи билан яқингинада шўхрат топди. Унинг асосий ҳукмдорлик қиладиган ери Читўр булиб, Мандав султони салтанати заифлашган пайтда Раана Сангаа унга тегишли Рантанбўр, Сарангпўр, Бҳилсан ва Чандерий каби вилоятларни эгаллаб олди.

Тўққиз ю ўттиз тўртинчи йили Тангри таолонинг меҳрибончилиги билан мен беш-олти минг лашкари бўлган Раана Санганинг улуг ва обрўли кишиси Меданийнинг қулидан бир неча гари (дақиқа) ичида узоқ йиллардан буён уруш мамлақати (урушқоқ давлат) бўлган Чандерийни куч билан олиб қўйдим. Кофирларни қатлиом қилиб, бу ерни ислом давлатига айлантирдим. Унинг шарҳи кейинроқ баён қилинади.

Яна Ҳиндустоннинг ён-атрофида купгина рой ва рожалар бўлиб, уларнинг баъзилари исломга тобе, баъзилари узоқроқда жойлашганидан ёки мустаҳкам ҳимояланганлигидан исломий ҳукмдорларга бўйсунмайдилар.

Ҳиндустон биринчи, иккинчи ва учинчи иқлимда жойлашгандир. У тўртинчи иқлимга кирмайди. Жуда ажойиб мамлакатдир. Бизнинг ерларга солиштирганда мутлақо ўзга бир олам. Тоғ ва дарёлари, урмон ва саҳролари, шаҳар ва вилоятлари, ҳайвон ва усим-

ликлари, одамлари ва тили, ёмғири ва шамоли — ҳаммаси бошқача, бизникига ўхшамайди. Кобул тарафидаги иссиқ вилоятлар қайсидир жиҳатлари билан Ҳиндистонга ўхшаб кетса-да, баъзи жиҳатлари мутлақо фарқ қилади. Синд дарёсидан ўтилиши билан еру сувлар, дарахту тошлар, одамлар, йўллар, одатлар — ҳамма-ҳаммаси фақат Ҳиндустоннинг ўзига хосдир. Ҳиндустон шимолидаги тоғ ҳақида аввал эслатиб ўтилганди. Синд дарёсининг у тарафида Кашмирга тобе вилоятлар жойлашган. Гарчи ҳозирги пайтда бу тоғдаги Паклий ва Шаҳманг каби купгина вилоятлар Кашмирга бўйсунмасалар-да, авваллари Кашмирнинг бир қисмини ташкил этган. Кашмирдан кейин келадиган бу тоғда ниҳоятда куп қабила ва халқлар, туман ва вилоятлар бор. Бу тоғ аҳолиси Банголагача, ҳатто Муҳит денгизи қирғоқларигача зич жойлашган. Ҳиндустоннинг бу қисми ҳақида куп суриштириб билишга ҳаракат қилдик, бироқ ҳеч ким улар ҳақида тўғри маълумот беролмади. Айтишларича, бу тоғ халқини „кас“ деб аташаркан. Менинг хаёлимга шундай фикр келди: ҳиндустонликлар „шин“ (ҳарфи)ни „син“ деб талаффуз қиладилар. Бу тоғда эътиборга молик шаҳар Кашмир бўлиб, ундан бошқа шаҳар ҳақида ҳеч гап йўқ. Шу сабабли Кашмирни „Касмир“ деб атаганлар.

Бу тоғ элининг моли — мушк, денгиз қўтоси, заъфарон\*, қурғошин, мисдир. Ҳинд халқи бу тоғни Савалак Парбат деб атайди. Ҳинд тилида „ава“ — чорак, „лак“ — юз минг, „парбат“ — тоғ, яъни „чорак ва юз минг тоғ“ — бир юз йигирма беш минг тоғ келиб чиқади. Бу тоғларда қор эримайди. Ҳиндустоннинг Лаҳўр, Саҳринд ва Санбал каби баъзи вилоятларидан бу тоғлардаги қор оқариб кўринади. Ушбу тоғни Кобулда Ҳиндукуш деб атайдилар. Бу тоғлар Кобулдан шарқ томонга қараб чўзилиб бориб, бир оз жанубга бурилган. Унинг жанубидаги ерларнинг ҳаммаси Ҳиндустондир. „Кас“ деб аталган номаълум халқ жойлашган бу тоғнинг шимоли Тибат (Тибет) вилоятидир.

\* Заъфарон — сарғиш тус берувчи хушбўй усимлик(рус. шафран).



Жуда кўп дарёлар шу тогдан бошланиб, Ҳиндустонни оралаб оқиб ўтади. Ушбу тогдан чиққан олти дарё: Синд, Баҳат, Чаноб, Равий, Бийаҳ ва Сатлаж Саҳринддан шимол тарафга қараб оқиб боради. Мултон атрофига борганда бу сувлар қўшилиб, бир ерга қўйилади ва уни энди Синд деб атайдилар. Синд гарб томонга оқиб Татта вилоятдан ўтгач, бориб Уммон дарёсига қўйилади. Бу олти дарёдан бошқа яна: Жуун, Рапат, Гумтий, Гагар, Сарў, Гандак ва яна кўп дарёлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси Ганг дарёсига қўйилади ва улар ҳам Ганг деб аталади. Бу дарё шарққа қараб оқиб, Бангола вилояти ичидан ўтиб, Муҳит уммонига қўйилади. Ушбу барча дарёларнинг манбаи Савалак Парбат тоғларида жойлашган. Яна Ҳиндустоннинг ҳеч қачон қор бўлмайдиган тоғларидан чиқадиган Чанбал, Банас, Бетвий ва Сун каби дарёлари борки, улар ҳам Ганг дарёсига қўйилади.

Ҳиндустонда бошқа тоғлар ҳам бор. Шу жумладан, бир тоғ тушган бўлиб, у шимолдан жанубга қараб чўзилган. Бу тоғ Деҳли вилоятида Ферузшоҳнинг Жаҳоннамо номли иморатидан бошланади. Бу иморат бир бўлак унча баланд бўлмаган тоғ устида қурилган. Бу ердан ўтгач, Деҳли атрофида у ер-бу ерда бўлак-бўлак, тошқояли кичик-кичик тоғлар қуринади. Меват вилоятига етганда бу тоғлар катталашади. Меватдан ўтиб Байана вилоятигача чўзилади. Секрий, Барий ва Дулпур тоғлари ҳам ушбу тоққа туташиб кетмаган бўлса-да, мана шу тоғ тизмасига киради. Галийур деб аташадиган Гвалийар тоғлари ҳам ушбу тоғ шохобчаларидан. Рантанбур, Читур, Мандав ва Чандерий тоғлари ҳам шу тоғ тизмасига тегишли. Баъзи жойларда тоғ тизмаси етти-саккиз қуруқ масофагача бир-биридан узилиб қолган. Бу тоғлар паст, ери қаттиқ, тошли ва чангалзорли тоғлардир. Бу тоғларда ҳеч қачон қор ёғмайди.

Ҳиндустондаги айрим дарёларнинг манбаи шу тоғлардир. Ҳиндустон вилоятларининг катта қисми текисликда жойлашган. Гарчи Ҳиндустонда шунча кўп шаҳар ва вилоятлар булса ҳам, ҳеч ерида оқар сувлар (анҳорлар) йўқдир.

Оқар суви дарёлардир, айрим жойларда кўлмак сувлар тупланади.

Айрим шаҳарларда ариқ қазиб, сув чиқариш имконияти ҳам бор, аммо сув чиқармайдилар. Бунинг сабаблари кўп: биринчидан, экин далалари ва боғларини сугоришга ҳожат йўқ. Кузги ҳосил пашакаал ёмғири билан етилади. Шуниси қизиқки, баҳорги экинлар ёмғир бўлмаса ҳам ҳосил беради. Ёш ниҳолларни бир-икки йилгача чарх ёрдамида ёки челақда сув ташиб парвариш қиладилар, ундан кейин сугоришга ҳожат бўлмайди. Баъзи сабзавотлар сугорилади. Лаҳур, Дипалпур ва Саҳринд, ўша атрофдаги ерлар чарх билан сугорилади.

Қудуқнинг чуқурлигича узунликдаги иккита арқонни ҳалқа қилиб ўрайдилар, икки арқон орасига таёқлар боғлаб, у таёқларга кўзаларни маҳкамлайдилар. Бу кўзалар маҳкамланган арқонни қудуқ устига ўрнатилган чархга кийдирадилар. Чарх уқининг бир томонига иккинчи чархни боғлайдилар, иккинчи чархнинг ёнига уқини тик қилиб учинчи чархни ўрнатадилар. Ҳўкиз ана шу чархни айлантирганида, унинг парраклари иккинчи чархнинг парраklarига кириб, учинчи — кўзали чархни айлантира бошлайди. Сув тушадиган ерга нов ўрнатишиб, ундан сувни турли томонга оқизадилар. Яна Огра, Чандвар, Байана ва шу атрофдаги жойларда ерни челақ билан сугорадилар. Бу машаққатли иш, нопоклиги ҳам бор. Қудуқ ёнига ёғоч айриларни маҳкам ўрнатиб, айрининг орасига галтак ўрнатадилар. Узун арқонга катта челақни боғлаб, уни галтакка кийдирадилар. Арқоннинг иккинчи учини ҳўкизга боғлайдилар. Бир киши ҳўкизни ҳайдаши, иккинчиси челақдаги сувни тўкиши керак. Ҳар сафар ҳўкиз челақни сувдан тортиб, яна қайтаётганида арқон унинг сийдиги ва ахлати билан булганган йўлдан судралиб боради ва яна қудуққа тушади. Баъзан экинларни сугоришга эҳтиёж бўлса, эр-аёллар кўзада сув ташиб, уни сугорадилар.

Ҳиндустоннинг шаҳар ва вилоятлари жуда бесафодир. Ҳамма шаҳарлари, ҳамма тураржойлари бир хил қурилган, боғлари девор билан ўралмайди. Ерларининг аксар қисми теп-текис. Баъзи

дарё ва анҳорларнинг қирғоқлари баҳор ёмғирлари туфайли ювилиб кетганки, у ерлардан юриб ўтиш ҳам қийин. Далаларининг баъзи ерларида чангалзорлари бор. Бу ерларнинг одамлари ана шу чангалзорларга яшириниб олиб, солиқ тўлашдан бош тортадилар. Ҳиндустонда дарёлардан бошқа оқар сувлар йўқдир. Баъзи ерларда кўлмак сувлар бор. Шунча кўп шаҳар ва вилоятлар кудуқлар ёки пашакаал (баҳорги) ёмғиридан йиғиладиган ҳовуз сувлари билан кун кечиради.

Ҳиндустонда бирор мавзе ва катта қишлоқнинг, ҳатто шаҳарларнинг бузилиши ёки қурилиши бир зумда кечади. Агар катта шаҳарларда узоқ вақт яшганларга у ерни ташлаб кетиш зарурати туғилса, бир-бир ярим кунда у ерда ҳеч нарсадан асар-аломат қолдирмай қочиб қоладилар. Агар улар шаҳар қуришни ўйласалар, уларга ариқ қазиш, тўғонга ҳожат йўқ. Экинларининг ҳаммаси лалмидир. Элининг ҳисоби йўқдир. Бир тўдаси йиғилса — битта ҳовуз ё битта қудуқ қазади. Уй қуриш ёки девор кўтариш деган гапнинг ўзи йўқ. Хас ва дарахтлар саноқсиз. Чайлалар қурдиларми, дарҳол шаҳар ёки қишлоқ тайёр бўлди, деяверинг.

Ҳиндустонда фақат ўша ерга хос ҳайвонлар тарқалган. Ёввойи ҳайвонлардан бири филдир. Ҳиндустонликлар уни „ҳаатий“ деб атайдилар, у Калпий вилоятининг чегараларида бўлади. Ундан юқори — Шарқ томонга қараб борган сари ёввойи филлар кўпроқ учрайди. Ўша ерлардан фил тутиб келтирадилар. Кура ва Маникпурнинг ўттиз-қирқ жойидаги аҳоли фил овлаш билан шуғулланади. У ерликлар ҳукумат маҳкамаси олдида ҳар бир фил учун жавобгардир. Фил улкан ва зийрак жонивор. Нима десалар, тушунади ва нимани буюришса, бажаради. Баҳоси катталигига қараб белгиланади, уни бўйига қараб сотадилар. Фил қанча катта бўлса, баҳоси шунча баланд бўлади. Ривоят қилдиларки, баъзи оролларда бўйи ўн қари келадиган филлар ҳам бор экан. Бу ерларда тўрт-беш қаридан баланд филларни учратмадик. Фил фақат хартуми билан еб-ичади. Хартуми бўлмаса, у яшол-

майди. Хартумининг икки ёнида юқориги жағида иккита катта тиши бор. Шу тишлари кучи билан девор ва дарахтларни йиқитиши мумкин. Урушиш ва куч ишлатиладиган ҳар қандай ишни шу тишлари билан бажаради. Бу тишларни ож дейдилар. Ҳиндустонликлар бу тишларни жуда қадрлайдилар. Филнинг туки бўлмайди. Ҳиндустон халқи учун филнинг аҳамияти катта. Лашкардаги ҳар бир гуруҳга (булинма, қисм, отрядга) албатта бир неча фил ҳамроҳ бўлади. Филнинг баъзи яхши хусусиятлари бор: у катта ва тезоқар сувлардан оғир юкни осонлик билан кўтариб ўта олади. Тўрт юз-беш юз киши тортадиган қозон аравасини (тўп ортилган аравани) уч-тўртта фил бемалол тортади. Бироқ филга жуда кўп емиш керак. Битта фил икки туянинг емишини ейди.

Яна Ҳиндустонда карк (каркидон) тарқалган. У ҳам жуда улкан жонивордир. Катталиги учта ҳўкизга тенг келади. Бу ерларда карк филни шохи билан кўтарармиш, деб тарқалган гаплар тўғри бўлмаса керак. Бурнининг устида битта шохи бор, бир қаричдан узунроқ, икки қаричга етадиганини учратмадик. Бир катта шохидан кема шаклидаги сувдон ва битта нарднинг соққачаси ясалди. Яна уч-тўрт энлик ортибди. Териси жуда қалин бўлади. Таранг ёй билан ипини қўлтиққача тортиб (қулочкашлаб) ва яхши мўлжаллаб отсалар, жуда яхши кирса, тўрт энлик кириши мумкин. Бироқ айтишларича, терисининг айрим жойларидан ўқ жуда осон ўтаркан. Икки қўли (олдинги оёқлари) олдида ва икки бути (орқа оёғи) олдида қат-қат бурма тушган. Узоқдан ёпиғ (жул) ёпиб қўйгандек кўринади. Бошқа ҳайвонлардан кўра отга ўхшаш томонлари кўпроқ. Чунки отнинг катта қорни бўлмайди, бунда ҳам катта қорин йўқ, чунки отда ошиқ ўрнида бир парча суяк бўлгани каби бунда ҳам ошиқ ўрнига бир бўлак суяк жойлашган; чунки отнинг илигида кўмиги бор, бунинг илигида ҳам кўмик бор. У филдан кўра йиртқичроқ. Бироқ филдек итоаткор ва бўйсунувчан эмас. Паршвар ва Ҳашнағар чангалзорларида (ўрмон, тўқайларида) жуда кўп учрайди. Яна Синд дарёси билан Бҳира вилояти

орасидаги чангалзорларда ҳам кўп бўлади. Яна Ҳиндустондаги Сару дарёси қирғоқларида ҳам бисёр. Ҳиндустонга юриш чоғида Паршавар ва Ҳашнағар чангалзорларида кўп карк ўлдирдик. Яхши шох ташлайди. Ов пайтида кўп кипиларни ва отни шохи билан сузганмиш. Бир сафар овда карк Мақсуд деган хос соқчининг отини шохи билан бир найза бўйи улоқтирди. Шу сабабли унга Мақсуди карк деб лақаб қўйдилар.

Ҳиндустонда тарқалган ҳайвонлардан яна бири ёввойи ҳўкиздир. У бизнинг ҳўкиздан анча катта бўлади. Унинг шохлари буниқидек орқага қараб кетганмас. У жуда ёмон ва йиртқич жонивордир. Ҳиндустоннинг Сару дарёси қирғоқларида жуда кўп учрайди.

Ҳиндустонда яна нилагов тарқалган. Буйи отча келади. Бироқ отдан бир оз ингичкароқдир, эркаги кўк рангда булади. Шу сабабли уни „нилагов“ (кўк ҳўкиз) деб атайдилар. Унинг иккита кичикроқ шохи бор. Бўғзида бир қаричдан узунроқ юнги бор. Шуниси билан у денгиз қўтосига ухшаб кетади. Туёқлари оддий ҳўкизникидек айрилган — қўштуёқдир. Ургочисининг ранги бугу — маралнинг рангидек. Шохи йўқ. Бўғзида ҳам юнги йўқ. Эркагига қараганда, буниси чаққонроқ бўлади.

Яна Ҳиндустондаги ҳайвонлардан бири — кўтаҳпой (калтаоёқ) бўлиб, катталиги оқ кийикча. Унинг олдинги ва орқа оёқлари калта, шу сабабли уни кўтаҳпой — калтаоёқ дейдилар. Мугузи бугу мугузидек шохчали, бироқ кичикроқдир. Ҳар йили у ҳам бўғудек мугуз ташлайди. Яхши югуролмайди. Шу боис чангалзордан чиқмайди.

Ҳиндустонда яна жайроннинг эркаги — ҳунага ўхшаш кийик бор. Орқаси (усти) қора, қорин қисми оқ тукли, ҳунанинг шохидан бунинг шохлари узунроқ ва ёйилиб кетгандир. Ҳиндустонликлар уни „калаҳра“ деб атайдилар. Аслида „калаҳиран“, яъни „қора кийик“ деб номланган, кейинчалик осонроқ қилиб „калаҳра“ деб айтишган. Ургочиси оқ рангда бўлади. Ушбу калаҳра билан кийик овлайдилар: бу калаҳранинг шохига тузоқнинг ҳалқасини маҳкамлайдилар. Кийик тузоққа тушгач, узоққа

қочиб кетмаслиги учун калаҳранинг оёғига тўпиқдан каттароқ тош осиб боғлайдилар. Шундан сўнг чўл (ёввойи) кийигини топиб, калаҳрани унинг рўпарасига қўядилар. Бу кийик урушишни жуда яхши кўради, дарҳол урушишга киришади, кийиклар шохи билан уришиб, сузишиб олдинга-орқага бориб-келдилар. Бу кийикнинг шохи у кийикнинг шохига маҳкамланган тузоққа илинади. У қочишга уринса, ўргатилган кийик қочмайди, афтидан, унга унинг оёғига боғланган тош монелик қилади. Шу йўл билан кўп кийик тутадилар. Тутгандан сўнг бошқа кийикларни тутиш учун уларни қўлга ургатадилар. Қўлга ўргатилган кийикларни уйда ҳам уруштирадилар. Улар яхши урушади.

Ҳиндустоннинг тоғ этакларида кичикроқ кийиклар ҳам тарқалган. Катталиги тоғ архарининг бир йиллик тўқлисича келади.

Яна бири чиний ҳўкиздир. Кичиккина ҳўкиз. Катталиги бизнинг қўчқорча бор. Гушти жуда юмшоқ ва шириндир.

Ҳиндустонда яна маймунлар ҳам бор. Ҳиндустонликлар маймунни „бандар“ дейдилар. Уларнинг турлари жуда кўп. Бир турдаги маймунларни бизнинг ерларга олиб бориб, лўлилар ўйин ургатадилар. Бу маймунлар Дарайи Нур тоғларида, Кўҳи Сафиднинг Хайбар атрофидаги этакларида ва ундан пастроқда бутун Ҳиндустон бўйлаб тарқалган. Бу ерлардан юқорида бўлмайди. Туки сариқ, юзи оқ, думи унчалик узун эмас.

Яна бир нав маймун бўлиб, у Бажавр, Савод ва уша атрофларда учрамайди. Улар бизнинг томонларга олиб бориладиган маймунлардан анча каттароқдир. Думи ҳам жуда узун. Туки — оқроқ, юзи қора. Бу хил маймун Ҳиндустоннинг тоғ ва чангалзорларида яшайди. Бу вилоятларда учрамайди.

Яна бир маймун тури тарқалганки, унинг юзи, туки ва барча аъзолари қопқорадир.

Яна бир ҳайвон нувлдир. Қундуздан бир оз кичикроқ. У дарахтларга чиқади. Баъзилар уни „муши хурмо“ ҳам деб атайдилар. Уни бахт келтиради, деб муборак санайдилар.

Ҳиндустонда „гилаҳрий“ деб номлан-

ган сичқонлар ҳам бор. Фақат дарахтда яшайди. Дарахт устида баланддан пастга ҳайратланарли даражада тез ва чаққон югуради.

Қушлардан Ҳиндустонда товус тарқалган. Бўёқдор (пурранг) ва жуда чиройли жонивордир. Танаси ранги ва безакларича эмас. Гавдаси турнадек келади, бироқ бўйи турнадек баланд эмас. Нарининг ҳам, ургочисининг ҳам бошида йигирма-ўттизтадан икки-уч энлик баландликдаги пари бор. Модасининг безаги ва бўёғи йўқдир. Нар товуснинг бошида гулсафсар рангидаги ҳалқа бор, бўйни чиройли кўкиш рангда. Орқасининг бўйнидан пастроқ қисми сариқ, зангор (сабза), кўк ва сиёхранг нақшлар билан безалган. Устидаги гуллари кичикроқ-кичикроқ гуллардир. Орқасидан пастроғи то думининг учигача шу ранглардаги йирик-йирик гуллар билан безалган. Айрим товусларнинг думи бир қулоч келади ва уларнинг гуллик парлари остида калта, бошқа қушларникига ўхшаган яна битта думи бўлади. Бу расмий — оддий қуйруғи. Унинг қанотлари қизилдир.

Товуслар Бажавр ва Саводда ва ундан пастроқда бўлади. У ердан юқорида — Кунар, Ламғанот ва бошқа ерларда учрамайди. Учишда қирғовулдан ҳам ожизроқдир.

У бир-икки мартадан ортиқ кўтарилолмайди. Учишга ожиз бўлганлиги учун ё тоғда, ё чангалзорда яшайди. Яна қизиги шундаки, товуслар яшайдиган чангалзорда чиябурилар жуда кўп бўлади. Товуслар бир қулоч думи билан чангалдан-чангалга ўтиб юраверади. Нима учун улар чиябурилардан зиён кўрмайди? Ҳиндустонликлар товусни „мур“ дейдилар. Имом Абу Ҳанифа мазҳабида унинг гўшти ҳалол ҳисобланади. Гўшти ни мазасиз деб бўлмайди, дуррожнинг гўштига ухшайди, аммо туянинг гўшти каби истамайроқ ейдилар.

Яна бу ерда тўти тарқалган. У ҳам Бажавр ва ундан пастроқдаги ерларда учрайди. Ёзда тут пишиги чоғида Нингнаҳор ва Ламғанотга учиб келади. Бо-

шқа пайтлари бу ерда учрамайди. Тўтилар бу ерда хилма-хилдир. Бизнинг вилоятларга олиб бориладиган бир тури бор, уни гапиришга ургатадилар.

Яна бир тури бу тўтидан кичикроқ булиб, уни ҳам гапиришга ўргатадилар. Бу тўтиларни „жангалий“ — чангалзор тўтиси деб атайдилар. Бу тўтилар Бажавр ва Савод ва ўша ерларга яқин жойларда кўп. Беш-олти минг тўти бир гала бўлиб учади. Бу тўтилар билан аввалгиларининг ўртасида фақат катта-кичиклигида фарқ бор, ранглари бир хил.

Яна бир нав тўти бор. У чангалзор тўтисидан ҳам кичикроқ. Боши қипқизил, қанотлари ҳам қизил. Думининг учи икки энликча оқ бўлади. Бу турдаги тўтиларнинг боши сафсар рангидадир. Бу тоифа тўтилар гапиришни билмайдилар. Уларни Кашмир тўтиси деб атайдилар.

Яна бир тўти борки, у чангалзор (ўрмон) тўтисидек кичкина бўлади. Тумшуги қора, бўйнида катта ҳалқаси бор, қанотларининг усти қизил, гапиришни яхши ўрганайди. Тўти ва майнага нима ни ўргатсанг, шуни такрорлайди, ўзлари бирор нарсани ўйлаб айтолмайди, деб юрардик. Яқинда мулозимларимдан Абулқосим Жалойир қизиқ нарсани айтиб берди. Мана шу хилдаги бир тўтининг қафаси ёпиқ экан, тўти: „Рўйи маро во кунки, дамгир шудам“\*, деб гапирибди. Бошқа сафар бир неча гапирадиган тўтини олиб кетаётган кишилар бир оз дам олиш учун ўтирадилар. Йўловчиларнинг ўтиб кетаётганини кўрган тўти: „Мардум рафтаанд, шумоён намера-вед“\*\*, дебди. Бу ривоятларнинг туғрилигига жавоб бериш ровийнинг зиммасида. Шундай бўлса-да, киши ўз қулоғи билан эшитмагунича, ишониб бўлмас.

У ерда яна бир нав тўти яшайди. Ранги жуда чиройли — қип-қизил. Бошқа рангдагилари ҳам учрайди. Аниқ эслаб қолмаганлигим боис уни шарҳлаб ўтирмайман. Бу қизил тўтиларнинг ранги ва шакли жуда ёқимли, улар гапиришни ҳам билишар эмиш. Айби шуки, овози худди чинни синигини мис идишга ургандек ёқимсиз ва баланд чиқади.

\* „Менинг юзимни очгин, димиқдим“.

\*\* „У кетди, сиз бормайсиз“.

Ҳиндустондаги яна бир тутиқуш шорақдир. Шорақ Ламгонотда жуда кўп. Ундан пастроқда, бутун Ҳиндустонда у куп учрайди. Унинг ҳам турли хиллари бор. Бир тури борки, у Ламгонотда жуда кўп. Боши қора, қанотлари ола, жуссаси чуғурчуқдан сал каттароқ ва узунроқдир. Унга гапиришни ургатадилар. Бошқа хилини „майна“ дейдилар. Банголадан келтирадилар. Бирдай қора рангда, жуссаси нариги шорақдан анча катта, тумшуги ва оёғи сариқ, икки қулоғида сариқ пўстлари бор, осилиб туради. Бу жуда хунук кўринади. Гапиришга ургатадилар. Жуда яхши ва тоза гапиралади.

Яна бир турдаги шорақ ҳам бўладики, бу айтиб ўтилган шорақдан майдароқдир. Кўзларининг гирди қизил бўлади. Бу тури гапирмайди. Уларни „вин шорақ“ дейдилар.

Ганг дарёсига кўприк қуриб, душманни қочирган чоғимизда Лакнав, Авад ва унинг атрофларида яна бир нав шоракни кўрдим. Унинг кўкси оқ, боши ола, елкаси қора рангда, бунақасини сира учратмагандим. Бу турдагиларини гапиришга ўргатиб бўлмайди, шекилли.

Ҳиндустонда тарқалган яна бир қуш — лўчадир. Уни буқаламун ҳам деб атайдилар. Бошидан думига қадар бешолти хил рангда. Унинг бўйни кабутарникидек — қўшилиб кетган. Катталиги кабки дарийча (хушовоз, катта тоғ каклигича) келади, эҳтимол, бу Ҳиндустон кабки дарийсидир. Чунки кабки дарий тоғларнинг энг баланд жойларида яшайди, бу ҳам тоғ чўққиларида яшайди. Бу қуш Кобул вилоятидаги Нижров тоғларида ва ундан қуйироқдаги тоғларда яшайди. Ундан юқорида учрамайди. Ҳиндустонликлар қизиқ бир нарсани ривоят қилиб бердилар: қиш келиши билан улар тоғ этакларига тушар эканлар: уларни узумзор боғи устидан учирсалар, кейин асло учолмай қолишаркан, шу йўл билан тутишаркан. Гўшти жуда ширин, ҳалол ҳисобланади.

Ҳиндустонда яшайдиган қушлардан бири дуррождир. У фақат Ҳиндустондагина тарқалган эмас, бошқа иссиқ вилоятларда ҳам учрайди. Аммо баъзи тури Ҳиндустондан бошқа ерда бўлмай-

ди. Шу муносабат билан уни зикр қилдим. Дуррожнинг катталиги какликникича келади. Нарининг орқаси қирғовулнинг урғочисиникидек, бугзи ва кўкси қора, оқ-оқ туклари бор, икки кўзининг икки ёнида қизил чизиқлар тортилган. Яхши овози бор. „Шир дорам шакарак“ („Сутим бор шакаргина“) деб қичқирганида, „шир“ни қисқа, „дорам шакарак“ни аниқ талаффуз қилади. Астробод дуррожлари: „Бот мани туттилар“, деб қичқирар экан.

Арабистон ва ўша ерларнинг дуррожи „Биш-шукри тадумун нуъм“ („Шукр қилсанг, неъмат фаровон бўлади“) деб чорлар экан. Модасининг ранги қирғовулникидек, Нижровдан қуйида яшайди.

Бу қушнинг бошқа бир тури ҳам бўлиб, уни „канжал“ деб атайдилар. Жуссаси худди дуррожникидек, овози каклик овозига жуда ўхшайди, аммо бунинг овози анча ўткирдир. Нарӣ ва модасининг ранги ўртасида фарқ камдир. Паршовар ва Ҳашнагар вилоятларида, ундан қуйи вилоятларда яшайди, ундан юқорида учрамайди.

Яна Ҳиндустон қушларидан бири — пулпакордир. Жуссаси кабки дарийча келади. Тузилиши уй товугига ўхшаб кетади, ранги ҳам товуқникидек, томоғидан пасти — то кўксигача хушранг қирмизидир. Пулпакор Ҳиндустон тоғларида учрайди.

Ҳиндустонда яна ёввойи товуқ ҳам тарқалган. Уй товуги билан бу товуқнинг ўртасидаги фарқ шундаки, бу ёввойи товуқ қирғовулдек учади, бундан ташқари, уй товугидек ҳар хил рангда бўлмайди. Бу товуқ Бажавр тоғлари ва ундан қуйи тоғларда яшайди. Бажаврдан юқорида учрамайди.

Ҳиндустонда учрайдиган яна бир қуш — чалсий қушидир. Жуссаси пулпакорникидек келади, фақат пулпакор бундан хушрангроқдир. Бажавр тоғларида яшайди.

Яна бир қуш — шом. Катталиги уй товугича келади. Ранги бетакрор. У ҳам Бажавр тоғларида тарқалган.

Яна бири — беданадир. Гарчи бедана Ҳиндустон паррандаси бўлмаса-да, бироқ бу ерда унинг фақат Ҳиндустонда учрайдиган тўрт-беш хили тарқалган.

Беданалардан бир тури бизнинг ерларга борадиган беданалардан каттароқ ва барвастароқдир. Яна бир бедана тури тарқалган бўлиб, у бизнинг ерларга борадиган беданалардан майдароқ, қанотлари ва думи қизғиш. Бу хил бедана чирдек тўда-тўда булиб учади. Яна бошқа бир хил бедананинг бизнинг вилоятларга учиб борадиганларидан кичикроқ бўлади, бўғзи билан кўкси қорароқ. Бу ерда бедананинг яна бир тури тарқалган, улар камдан-кам Кобулга борадилар. Бу кичкина бедана қорчадан сал катта бўлади. Кобулда уни „қурату“ дейдилар.

Яна бир қуши харчалдир, катталиги туғадоқча келади. Эҳтимол, Ҳиндустон туғдоғидир. Гўшти жуда ширин. Баъзисининг оёқ гўшти, баъзисининг тўши ширин бўлади: харчалнинг гўшти бутунлай ширин ва яхшидир.

Ҳиндустонда чарз қуши ҳам тарқалган. У туғдоридан бир оз кичикроқ. Нарининг орқаси туғдориникидек, кўкси қорадир. Модаси якранг бўлади. Чарзнинг гўшти жуда ширин бўлади. Харчал тувалоққа ўхшаганидек, чарзнинг ҳам тувалоққа ўхшаш томонлари бор.

Яна Ҳиндустон бағриқораси бор. У бизнинг қорабовурдан кичикроқ ва нозикроқдир. Кўксининг қоралиги ҳам камроқдир. Овози ҳам ингичкароқ.

Сувда, дарёлар қирғоқларида яшайдиган қушлар ҳам бор. Улардан бири — дангдир. Жуссаси йирик, ҳар битта қаноти бир қулоч келади. Боши ва бўйнида туки йўқ. Бўғзида халтага ўхшаш бир нарса осилиб туради. Орқаси қора, кўкси оқдир. Баъзан Кобулга учиб боради. Бир йили Кобулда одамларим данг тутиб келтиргандилар. Қўлга яхши ўрганди. Унга гўшт ташласалар, ҳеч хато қилмай, тумшуғи билан илиб оларди. Бир сафар олти наъллик(тақалик) кавушни ютиб юборганди. Яна бир сафар бутун бир товуқни қанотлари-ю патлари билан осонгина ютиб юборди.

Яна бир қуши саърасдир. Ҳиндустонга келган турклар уни тева-турна (туя-турна) дейишади. Бу қуш дангдан бир оз кичикроқ, бўйи дангникидан узунроқ, боши қип-қизил. Уни уйда сақлайдилар, қўлга яхши ўрганади.

Яна бир қуш майнақдир. Бўйи деярли саърасникидек. Жуссаси кичикроқ. Лайлакдан кўра анча йирик, аммо унга ўхшашлиги бор. Тумшуғи лайлак тумшуғидан узунроқ ва қора. Боши савсан (бинафша) рангида, бўйни оқ, қанотлари ола, қанотларининг учи айланасига оқ, ўртаси қорадир.

Яна бир қуши лайлакдир. Бўйни оқ, боши ва қолган барча аъзоси қорадир. Бизнинг вилоятларга учиб борадиган лайлакдан кичикроқ. Бу лайлакни ҳиндустонликлар „якранг“ деб айтишади. Бу ерда яна бир лайлак тури тарқалган. Ранги ва тузилиши худди бизнинг ўлкаларга борадиган лайлакларникидек. Фақат тумшуғи қорароқ ва анча кичикроқдир.

Яна уқор (турна жинсидаги қуш) билан лайлакка ўхшайдиган бир қуш бор. Уқордан тумшуғи каттароқ ва узунроқ, жуссаси лайлакдан кичикроқдир.

Ҳиндустонда яшайдиган яна бир қуш — катта бўзакдир. Катталиги сордек (калхатдек). Икки қанотининг усти оқ. Баланд овози бор.

Яна бу ерда боши ва тумшуғи қора оқ бўзак тарқалган. Бизнинг ўлкаларга учиб борадиган бўзакдан анча катта. Аммо Ҳиндустон бўзагидан кичикроқдир.

Яна бири ўрдак бўлиб, уни гармпой деб атайдилар. Оддий ўрдакдан каттароқдир, нари ва модаси бир хил рангда бўлади. Ҳашнагарда ҳар доим учрайди, баъзан Ламғонотда ҳам. Гўшти жуда ширин бўлади.

Яна бир ўрдак тури тарқалган, уни шаҳмурғ дейдилар. Ғоздан бироз кичик, тумшуғи устида гурраси бор, тўши оқ, орқаси қорадир. Гўшти мазали.

Яна бири зумаж, катталиги бургутча келади. Ранги қора.

Яна сор деган бир қуш тарқалган, орқаси ҳам, думи ҳам қизил.

Ҳиндустонда ҳам ола қарга бор, у бизнинг ола қаргадан кичик ва нозикроқдир. Бўйнида озгина оқи бор.

Яна ҳакка билан қаргага ўхшаб кетадиган бир қуш бор. Ламғонотда уни чангалзор қуши деб аташади. Боши ва кўкси қора, қанотлари ва думи қизғиш, кўзлари қип-қизил. Яхши учолмаган-

лиги боис ўрмондан чиқмайди. Шунинг учун чангалзор қуши дейдилар.

Яна бир катта қуш шаппарадир. Уни чангадир дейдилар. Катталиги япалоқ-қушдек келади. Боши кучукнинг бошига ўхшайди. Тунни дарахтда утказмоқчи булса, битта шохга ёпишиб, бошини пастга осилтириб, тураверди. Бу жуда қизиқ куринади.

Яна бири Ҳиндустон ҳақкасидир. Уни „матайла“ дейдилар. Ҳақкадан сал кичик бўлади. Ҳақка оқ-ола бўлса, матайла оладир.

Ҳиндустонда яна бир қушча тарқалган. Катталиги сандугочча (булбулдек) бор. Ранги ёқимли қизил. Қанотларида озгина қораси бор.

Яна бир қуш карчадир. Катталиги қалдирғочдек келади, ўзи қоп-қора рангда.

Яна бир қуш кўйалдир. Узунлиги зогдек келади. Зогдан анча нозикроқ. Яхши куйлайди. Ҳиндустон булбули шу экан, ҳиндустонликлар уни булбулдек кўрадилар. Сердарахт боғларда яшайди.

Ҳиндустонда яна шаққа (қизилиштонга) ўхшаш бир қуш бор. Дарахтларга ёпишиб тураверади, катталиги қизилиштонча келади. Тўти каби яшил рангадир.

Ҳиндустоннинг сув ҳайвонларидан бири сув шеридир. Оқмас сувларда яшайди, гиласга (калтакесакка) ўхшашлиги бор. Айтишларича, у одамларни, ҳатто ҳўкизни ҳам ямлаб юта олармиш.

Яна бири сейсордир. Кўринишидан у ҳам гиласга ўхшайди. Ҳиндустоннинг барча дарёларида яшайди. Бирини тўтиб келтиргандилар, узунлиги тўрт-беш қарига яқин эди. Йўғонлиги бир қўйча келади. Ундан каттароғи ҳам бўлар экан. Тумшуғи ярим қаридан узунроқ, юқори ва пастки жағида ингичка-ингичка қатор майда тишлари бор. Дарё ёқаларига чиқиб ётади.

Яна у ерларда сув чўчқаси бор. У ҳам Ҳиндустоннинг барча дарёларида учрайди. Сув чўчқаси сувдан бошини бир бор чиқариб, боши кўринар-кўринмас яна сувга шўнгиб кетади, думи сувдан чиқиб кўриниб қолади. Унинг тумшуғи

ҳам сейсар тумшуғи каби узун ва уникадек майда қатор тишлари бор. Қолган бош ва тана қисми балиқникидек, сувда ўйнаётганида мушукка ўхшаб кетади. Сару дарёсидаги сув чўчқалари ўйнаётганларида сувдан яхши кутарилади. Улар балиққа ўхшаб сувдан ташқарига сира чиқмайдилар.

Яна бир сув ҳайвони — гарийал. У жуда йирик буларкан. Навкарларнинг кўпчилиги уни Сару дарёсида кўрдилар. Бу одамни ҳам ушлаб еб қўяркан. Сару қиргоқларида эканимизда, бир-икки чўрини еб қўйибди. Гозипур ва Банорас ўртасида эканимизда гарийал урдадигилардан уч-тўрт кишини еб қўйди. Шу атрофда мен ҳам гарийални узоқдан кўрдим, аниқ кўролганим йўқ.

Яна какка балиқдур. Икки қулоғининг тўғрисида иккита суяк чиқиб туради, узунлиги уч энлик, ётганида мана шу икки суягини тебратади. Ундан жуда ёқимли овоз келади. Эҳтимол, уни шу сабабдан какка дейишар.

Ҳиндустон балиқларининг гўшти ширин, ҳиди ва қилтиги булмайди. Ҳайратланарли даражада чаққон балиқлардир. Бир сафар дарёнинг икки тарафидан тўр солиб, тўрнинг бир томони сувдан ярим қаридан кўпроқ кутарилган эди, балиқларнинг кўпи тўрдан бир қари баландга сакраб ўтдилар.

Яна Ҳиндустоннинг баъзи дарёларида майда балиқлар яшайди. Бир қаттиқ овоз ёки шовқин эшитилса, сувдан бир-бир ярим қари баландга сакраб чиқади.

Ҳиндустон бақалари бизнинг бақаларга ўхшаса-да, улар сув юзида етти-саккиз қари югура оладилар.

Фақат Ҳиндустонга хос ўсимликлардан бири анбадир. Кўпчилик ҳиндустонликлар „бе“ ҳарфини ҳаракатсиз талаффуз қилганликлари туфайли бу сўзни айтишда қийналадилар, шу боис баъзилар уни „нағзак“ дейишаркан. Хожа Хисрав шундай ёзибди:

*Нағзаки мо нағзкуни бустон,  
Нағзтарин меван Ҳиндустон.\**

\* Нағзакимиз бустон беағи ва Ҳиндустоннинг энг гўзал мевасидир.

Анбанинг яхшиси жуда яхши бўлади, куп ейиш мумкин, лекин яхшиси кам учрайди. Купинча уни хом узадилар, уйда пишади. Хомини ошга қўшиб еса бўлади, ошга қатиқдек бўлади. Ғурасининг мураббоси ҳам жуда яхши. Ҳақиқатан, Ҳиндустоннинг энг яхши меваси шудир. Дарахти жуда баланд бўлади. Баъзилар анбани мақтаб, қовундан бошқа ҳамма мевалардан устун қўядилар. Аммо у мақтаганларидек яхши эмас. Анба кордий шафтолисига ўхшаб кетади. Ёмгир мавсумида пишади. Уни икки хил усулда ейдилар: бири — сиқиб, эзиб юмшатадилар, пўстини тешиб, сўриб сувини ичадилар, иккинчиси — кордий шафтолисидек пўстини ажратиб ейдилар. Барги шафтоли баргига бироз ўхшаб кетади, танаси хунук ва кўримсиз. Бангола ва Гужаратда яхши етиларкан.

Яна Ҳиндустон меваларидан кейладир(банандир). Араблар уни „мавз“ деб аташади. Дарахти унча баланд эмас, балки уни дарахт деб ҳам бўлмайди. Ўсимлик билан дарахт уртасидаги бир нарса. Барги амонқоранинг баргига ўхшайди, аммо кейла баргининг узунлиги икки қари бўлади, зни бир қарига яқин, баргининг ўртасидан юракдек бир шох чиқади, гунчаси шу шохда бўлади ва катта гунчаси қўй юраги шаклидадир, гунчасининг ҳар бир барги очилганда, барг тубида қатор олти-етти дона гул кўринади, бу қатор гуллар кейлага айланади. Ушбу юракдек шох узайгани сари уша катта гунчанинг барглари очилиб, қатор кейла гуллари намоён бўлади. Ҳар бир кейла дарахти бир марта ҳосил берар эмиш. Кейланинг икки яхши хусусияти бор: бири шуки, пусти осон арчилади: иккинчиси, унинг данаги ва толаси бўлмайди, бақлажондан бироз узунроқ ва ингичкароқдир, унча ширин эмас. Аммо Бангола кейлалари жуда ширин бўларкан. Жуда хушнамо дарахти бор. Кенг-кенг, хушранг яшил барглари чиройли кўринади.

Яна бир Ҳиндустон дарахти анбилийдир. Ҳиндий хурмони шундай ном билан атайдилар. Анбилийнинг барглари майда, умуман, жавзи бўёнинг (Ҳиндистон ёнгоғи; мускат ёнгоғи) баргига ўхшайди, аммо унинг барги бўё баргидан

майдароқ. Жуда чиройли серсоя дарахт. Дарахти анча баланд бўлади. Ёввойилари ҳам куп учрайди.

Яна бири — маҳвадир. Уни гулчикон ҳам дейдилар. Маҳва дарахти ҳам жуда баланд бўлади. Ҳиндустон иморатларининг аксар қисми маҳва дарахтидандир. Маҳванинг гулидан арақ оладилар ва гулини мавздек (банандек ёки майиздек) қуришиб, ундан ҳам арақ оладилар. Умуман, кишмишга ухшаб кетади, аммо бадмазалиги бор. Гулининг янгиси ёмон эмас, еса бўлади. Унинг ҳам ёввойи тури бор. Меваси бемаза бўлади. Донаси йирик, пусти юпқа, данагининг магзидан ёг ҳам оладилар.

Яна кирний дарахти ўсади. Бу дарахт жуда баланд булмаса ҳам, жуда кичкина ҳам бўлмайди. Меваси сариқ рангда, жигдадан ингичкароқдир, нозикроқдир. Мазаси, умуман, узумга ўхшаб кетади, Ёб бўлгандан кейин, оғизда бироз ёқимсиз таъм қолади. Аммо ёмон эмас, еса бўлади. Данагининг пусти юпқа.

Яна бир дарахт жаъмундур. Барглари, умуман, тол баргига ўхшаб кетади, аммо думалоқроқ ва яшилкоқдир. Дарахти ёқимсиз эмас. Меваси қора узумга ўхшайди, мазаси нордонроқ, унча яхши эмас.

Яна бир дарахт — камракдир. Меваси беш қирралидир. Катталиги олхурича бор, узунлиги турт энлик, саргайиб пишади, данаги ҳам йўқ. Хомроқ узилгани жуда аччиқ бўлади. Яхши пишгани нордон бўлса ҳам хуштаъмдир, хушхурликдан холи эмас.

Яна бири кадҳалдир. Куриниши ҳайратланарли даражада хунук ва бемаза бир мева. Куринишидан худди қўйнинг кепадек қорнининг ичини сиртига ағдашиб қўйгандек. Мазаси кунгилни озидирадиган даражада ширин, ичида фундукдек-фундукдек(ёнгоқдек-ёнгоқдек) данаклари бор. Умуман, хурмога ўхшаб кетади. Фақат бунинг доналари юмалоқ, узун эмас. Бу доналарнинг хурмодан юмшоқроқ гушти бор. Уни ейдилар, жуда ёпишқоқ. Шу боис баъзилар қўлини, оғзини ёглаб еркан. Мевалари дарахтнинг шохида ҳам, танасида ҳам, илдизида ҳам усади. Дарахтга худди кепаларни (қўйнинг сочиқ қорнини) осиб-осиб қўйгандек.



Яна бадҳалдир, катталиги олмадек келади. Хомлигида жуда нордон ва бемаза, пишгани ёмон эмас. Пишганида юмшайди, уни қўл билан узиб еса булади. Мазаси беҳининг пишиб утиб кетганига ўхшайди, нордонгина, хуштаъм.

Яна Ҳиндустон меваларидан бири бейрдир. Форсийлар уни „кунор“ дейишаркан. Унинг турли навлари булади. Олчадан бироз йирикроқ. Ҳусайни узуми кўринишидаги бир нави бор, купи унча яхши бўлмайди. Бандийрда бир бейрни кўрдик, жуда яхши эди. Унинг дарахти айни савр ва жавзода барг тугиб, саратон ва асадда барг чиқариб, яшнайти. Меваси далв ва ҳут ойларида пишайди.

Яна бир меваси карундадир. Бизнинг ўлкалардаги жика каби бута-бута бўлиб ўсади. Жика тоғларда ўсади. Бу эса даштларда учрайди. Мазаси мирминхонга ўхшайди, мирминхондан ширинроқ ва сувсизроқдир. Ундан қайлали ош пиширадилар, мазали чиқади. Қайласи худди равочга ўхшайди.

Яна бири панийаладир. Бу мева олчадан йирикроқ, қизил олманинг гўрасига ўхшайди, нордонгина мазаси бор, яхшигинадир. Дарахти анор дарахтидан каттароқ, барги бодом баргига ўхшайди.

Яна гулар дарахти бор. Меваси дарахтнинг танасидан чиқади, анжирга ўхшайди. Гулар ҳаддан ташқари бемаза.

Яна бири аъмладир. У ҳам бешқиррали, гўзанинг қусагига ўхшайди. Тахир ва бемаза бир нарса. Мураббоси ёмон эмас. Фойдаси кўп мевадир. Дарахтнинг кўриниши чиройли, барглари жуда майда.

Яна бу ерда чирўнжий ўсади. У тоғ дарахти экан. Бизнинг боғларда уч-тўрт тупи бор экан, буни кейин билиб қолдим. Меваси маҳвага жуда ўхшайди, мағзи ёмон эмас, мағзи ёнгоқ мағзи билан бодом мағзи ўртасидаги катталикда, писта мағзидан кичикроқдир. Мағзи думалоқ. Чирўнжийни, полудага (овқат номи) ва турли ширинликларга соладилар.

Ҳиндустонда хурмо ҳам бор. Гарчи хурмо фақат Ҳиндустонда учрайдиган дарахт бўлмаса-да, бизнинг ўлкаларда бўлмаганлиги сабабли уни эсга олдим.

Хурмо дарахти Ламғонда ҳам бор. Шохлари фақат дарахтнинг бошида (учида) бир ерда тўп бўлиб ўсади. Барглари шохларининг тубидан учигача икки томони қоплаб олган. Танаси нотекис ва бадранг. Узумнинг бошидек мева солади. Фақат ундан бироз йирикроқ.

Айтишадики, ўсимликлар ичида хурмо дарахти икки жиҳати билан ҳайвонларга ўхшайди. Бири шуки, агар ҳайвоннинг бошини кессалар, унинг ҳаёти тўхтайтиди. Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахти қурийтиди. Иккинчиси, нари (эркаги) бўлмаса, ҳайвонлардан зурёд олиб бўлмайди. Хурмо дарахтига ҳам нар (эркак) хурмонинг шохини келтириб тегизмасалар, яхши ҳосил бермайди. Бу сўзлар тўғрими-йўқми — маълум эмас.

Хурмонинг боши, юқорида зикр этганимиздек, пишлоқдан иборатдир. Хурмо пишлоғи шундай нарсаки, шох ва барги чиқадиган жой пишлоқдек оқ булади. Бу оқ пишлоққа ўхшаган жойдан шох ва барг ўсиб чиқади. Шох ва барг узайгани сари барги яшилланиб боради. Бу оқ нарсани хурмонинг пишлоғи деб айтадилар. Бу ёмон нарса эмас. У ёнгоқнинг унча пишмаган мағзига жуда ўхшайди. Ушбу пишлоқ ҳосил бўладиган жойни кесиб, у ерга хурмо баргини шундай жойлаштирадиларки, агар кесилган жойдан сув оқса, ушбу барг устидан оқади. Баргни кўзанинг оғзига қўйиб, кўзани дарахтга боғлаб қўядилар, кесик жойда қанча сув ҳосил бўлса, кўзда йиғилади. Агар у бирдан ичилса, ширин сувдек, уч-тўрт кун ўтказиб ичилса, бир оз маст қилади, дейдилар. Мен бир сафар Барийни сайр қилганимда, Чанбал дарёси ёқасидаги қишлоқларни айлангандим. Йулда менга ушбу нав хурмо сувини оладиганлар учраб қолди. Бу сувдан унинг кайфини ҳис қилиш учун бироз ичдим, кайфи сезилмади. Эҳтимол, кайф қилиши учун кўп ичиш керакдир.

Ҳиндустонда яна наргил дарахти бор. Араблар арабчасига уни „норжил“ дейди, ҳиндустонликлар эса „налийар“ деб айтади. Эҳтимол, бу кенг тарқалган хатодир. Наргилнинг бир тури жавзийи ҳиндий — ҳинд ёнгоғидир. Қора қошиқ-

ларни ундан ясайдилар. Каттарогидан гижжакка коса қиладилар. Дарахти хурмо дарахтининг худди ўзи, фақат наргилнинг шохи сербаргроқдир. Баргининг ранги ҳам очiqроқ. Ёнғоқнинг сирти кўк пўст билан ўралгани каби, наргилнинг сиртида ҳам кўк пўсти бор, фақат наргилнинг пўсти тола-тола бўлади. Дарёдаги кемаларнинг жиҳоз ва арқонларини шу наргил пўстлогидан тайёрлар эканлар. Кемаларнинг дарз кетган жойларини ҳам шу ип билан тикарканлар. Наргилнинг пўсти арчилгач, бир учида учбурчак бўлиб жойлашган учта тешикнинг ўрни кўринади. Ундан икkitаси — қаттиқ, биттаси — юмшоқдир. Уни секин босиб тешадилар. Мағзга кирмасидан аввал наргилнинг ичи сув бўлади. Шу тешикни очиб, у сувни ичадилар. Мазаси ёмон эмас, худди хурмо пишлогини сувга айлантирилгандек.

Яна Ҳиндустон дарахтларидан бири таардир. Таарнинг шохлари ҳам фақат тепасида ўсади. Таарга ҳам хурмодек куза боғлаб, сувини олиб ичадилар. Бу сувни таарий дейдилар. Бу сув хурмо сувидан кучлироқ кайф беради. Таар шохларида бир-бир ярим қари жойигача бирорта барги бўлмайди, ундан кейин шохнинг учида ўттиз-қирқта барг бир ернинг ўзида тўда бўлиб йирик панжадек бўлиб ёйилади. Бу баргларнинг узунлиги бир қарига яқинроқ. Ҳиндустонлик хатни худди дафтарга ёзгани каби шу баргларга битади. Яна Ҳиндустонликлар қулоқларининг кенг тешикларида ҳалқаси бўлмаса, шу таар баргидан ҳалқа ясаб, осиб оладилар. Қулоққа тақишлари учун ушбу таар баргидан ҳалқа ясаб бозорларда сотадилар. Танаси хурмо дарахти танасидан яхшироқ ва текисроқдир.

Яна норанж(апелсин) ва лимуга(лимонга) ўхшаш мевалар бор. Норанж Ламгонотда, Бажавр ва Саводда кўп ўсиб яхши етилади. Ламгонот норанжи кичик ва киндикли бўлади, жуда латиф ва нозик ҳамда серсув бўлади. Хуросон атрофидаги норанжга тенглаштириб булмайди. Нозиклигидан Ламгонотдан Кобулга келтиргунча, ўн уч-ўн тўрт йиғочлик йўлда бузилади. Астробод норанжини Самарқандга — икки юз етмиш-

икки юз саксон йиғоч олисга олиб борадилар, терисининг қалинлиги ва камсувлигидан унча эзилмайди. Бажавр норанжларининг катталиги беҳича келади, суви кўп, бошқа норанжлар сувидан нордонроқдир. Хожа Калон: „Бажаврда ана шундай бир норанж дарахтидан меваларини олиб санаганимизда, етти мингта норанж чиқди“, — деб айтди. Мен доим „норанж“ арабча сўз, деб ўйлардим, шундай экан Бажавр ва Савод халқи норанжни „норанг“ дейдилар.

Яна бир меваси лимудир. Ҳиндустонда жуда кўп бўлади. Катталиги тухумдек, кўриниши ҳам тухумга ўхшайди. Заҳарланган киши илдизини қайнатиб ичса, зиёнини даф қиларкан.

Яна норанжга ўхшаш бир мева — турунж (апелсинмонанд мева) ўсади. Бажавр ва Савод халқи уни „баланг“ деб атайдилар. Шу боис турунж пўстидан тайёрланган мураббони „мураббойи баланг“ дейишаркан. Ҳиндустонда турунжни „бажаврий“ дейдилар. Турунж икки хил бўлади: бири — ширин, мазасиз ва кўнгилни беҳузур қиладиган. Ширинини еб бўлмайди, фақат пўстидан мураббо қилиш мумкин. Ламгонотнинг турунжи шунақа: кўнгилни айнитадиган даражада ширин. Яна Бажавр ва Ҳиндустон турунжлари нордон. Унинг нордонлиги хуш ёқади. Шарбати мазали ва хуштаъм бўлади. Турунжнинг катталиги хисравий қовунча келади. Пўсти гадир-будир ва дагал. Учи ингичка ва тумшуғи узун. Турунжнинг ранги норанж рангидан сариқроқ бўлади. Дарахтининг танаси ҳақиқий дарахтларга ўхшамайди, майда бўлади. Бута-бута бўлиб ўсади, барги норанж баргидан каттароқ.

Норанжга ўхшаш мевалардан яна бири сангтарадир. Ранги ва шакли турунждек, фақат териси силлиқ, дагал эмас, турунждан салгина кичик. Унинг дарахти баланд, ўрик дарахтича келади, барги норанж баргига ўхшаш, ўзи нордон. Шарбати жуда лаззатли ва хуштаъм бўлади. У лимон каби меъдага куч-қувват беради, у норанждек кучсизлантирмайди.

Норанжга ўхшаш мевалардан яна бири — катта лиму. Ҳиндустонда уни „галгал лиму“ дейдилар. Тузилиши гоз

тухумига ухшайди, лекин икки боши тухумникидек ингичка эмас. Бунинг пўсти ҳам сангтара пустидек силлиқ, жуда серсув булади.

Яна чинбирейдир, норанжга ухшайди. Куриниши норанждек, лекин ранги сариқ, норанжий (тўқсариқ) эмас. Ҳиди турунж ҳидига ухшайди, меваси ҳам нордонгина.

Яна норанжга ўхшаш мевалардан садофилдир. Куриниши нокка ўшайди, ранги беҳи рангидек. Ширин булади, лекин ширинлиги норанж каби кунгилни беҳузур қилмайди.

Яна бир норанжга ўхшаш мева амрадпалдир.

Яна бир норанжга ўхшаш мева, бу — карнадир. Карнанинг катталиги галгал лимуча келади, у ҳам нордон.

Яна бир норанжга ўхшаш мева амалбеддир. Уч йилдан буён унга энди кўзимиз тушди. Айтишларича, унга нина санчиб қўйилса, эриб кетаркан. Бу нордонлигиданми ё бошқа хусусиятиданмикан. Нордонлиги норанж ва лимуникидек.

Ҳиндустонда ажойиб гуллар ўсади. Улардан бири жаасундир. Айрим ҳиндустонликлар уни „гадҳал“ деб айтишади. У гиёҳ эмас, пояли дарахтдир. Танаси қизил гулбун бутасидан бироз баландроқ, ранги анор гулидан очроқ, катталиги қизил гулча келади, аммо қизил гул гунчалаганидан сўнг очилгач, фақат бир марта гуллайди; жаасун очилганида эса, унинг гулкосаси ўртасидан яна бир энлик ингичка поя ўсиб чиқиб, узаяди ва унда яна шу жаасуннинг гуллари очилади. Натижада ўзига хос дилтортар бир гул пайдо булади. Дарахт устида жуда хушранг ва чиройли кўринади, узоқ турмайди, бир кундаёқ сўлиб қолади. Тўрт ой — пашакаалда ёмғир мавсумида жуда яхши ва кўп очилади, балки, аксар йил очилар. Шунча кўп булса ҳам ҳиди йўқ.

Яна бир Ҳиндустон гули канейрдир. Оқ ва қизил ранглардаги канейрлар бор. Шафтоли гули каби шаклда — бешбаргли булади. Қизил канейрнинг шафтоли гулига ўхшашлиги бор. Бироқ канейр гулидан ўн тўрт-ўн бештаси бир ерда очилади, узоқдан катта гулдек кўринади. Унинг бутаси гулбундан (гул дарах-

тидан) каттароқдир. Қизил канейрнинг жуда яхши ҳиди бор, ўзи жуда ёқимли гул. У ҳам пашакаалда кўп ва хўб очилади. У деярли йил бўйи топилади.

Ҳиндустонда яна жуда нозик ҳидли кевра гули ўсади. Унинг олдида мушкнинг айби шуки, у қуруқ, буни мушки тар — „ҳўл мушк“ деса булади. Жуда ёқимли ҳиди бор. Гарчи ўзининг ажойиб кўриниши булса-да, гулининг узунлиги бир ярим-икки қарич келади. Қамишникидек узун, тиканли барглари бор. Гунчадек тиқилиб қолган ташқи барглари яшилроқ ва тиканлироқ, ичкариги барглари юмшоқроқ булади. Ичкариги барглари уртасида гулнинг ўртасидагидек бир нималари булади, яхши ҳид ўшандан келади. Янги чиқиб, ҳали тана пайдо қилмагани эркак қамиш бутасига ўхшаб кетади. Фақат бунинг барги яссироқ ва тиканли, танаси жуда кўримсиз, илдизлари кўриниб туради.

Яна бир Ҳиндустон гули ёсумандир (ёсмин, жасмин). Гули оқ, уни „чампа“ дейдилар. Бизнинг ўлка ёсуманларидан йирикроқ ва ҳиди ўткирроқ булади.

Бизнинг ўлкаларда тўрт фасл бор. Ҳиндустонда эса уч фасл булади: тўрт ойи ёз, тўрт ойи пашакаал (ёмғир мавсуми), тўрт ойи қиш. Ҳар бир ой қилол (янги ой) кўринганида бошланади. Ҳар уч йилда бир ойни пашакаал ойларига қўшадилар. Яна уч йилдан кейин қиш ойларига қўшадилар. Яна уч йил ўтгач, ёз ойларига бир ой қўшадилар. Уларнинг кабисаси шудир.

Ёз ойлари — чайт, байсак, жет, асаър; унга ҳут, ҳамал, савр, жавзо мувофиқ келади.

Пашакаал (ёмғир мавсуми) ойлари — сааван, баъдун, кувар, каътик; унга саратон, асад, сунбула ва мезон мувофиқ келади.

Қиш ойлари — агҳан, пус, маҳ, паъгун; унга ақраб, қавс, жадий ва далв мувофиқ келади.

Ҳиндустон халқи ҳар фаслни тўрт ойдан қилиб белгилаган. Ҳар фаслдан икки(тадан) ойни жуда иссиқ, серёгин ва совуқ ойлари деб ҳисоблайдилар. Ёзнинг сўнги икки ойи — жет ва асър энг иссиқ ойлари ҳисобланади. Пашакаал ойлари унинг дастлабки икки ойи — сааван ва

баъдун эса энг кучли ёмгирлар ёгадиган ойлар ҳисобланади. Қиш мавсумининг уртасидаги икки — пус ва маҳ ойлари энг совуқ ойлардир. Бундай ҳисобда уларда йил фасллари олтита булади.

Ҳиндустонликлар кунларга ҳам ном қўйганлар: шанба — саничар; якшанба — айтвар, душанба — сумвар; сешанба — мангалвар; чоршанба — будвар; пайшанба — брипаствар; жума — сукрвар.

Бизнинг ўлкаларда кеча-кундузни йигирма тўрт қисмга ажратиб, ҳар бир қисмини соат дейишади ва ҳар соатни олтмиш қисмга бўлиб, ҳар бирини дақиқа деб атайдилар. Бир кеча-кундуз минг тўрт юз дақиқа (минут) булади. Бир дақиқанинг (минутнинг) миқдори тахминан олти марта „фотиҳа“ни („фотиҳа“ сура-сини) „бисмилло“ билан ўқиш вақтига тенг келади, бир кеча-кундуз эса „фотиҳа“ни „бисмилло“ билан саккиз минг олти юз қирқ марта ўқиш вақтига тенг келади.

Ҳиндустон эли кеча-кундузни олтмиш қисмга (булакка) бўлиб, ҳар бир қисмини „гари“ деб атайдилар. Бундан ташқари, кечани тўрт, кундузни ҳам тўрт қисмга ажратганлар. Ҳар бир қисмини бир „пахар“ деб аташади, форсийда „пос“ булади. Бизнинг тарафларда „пос“ ва „пос-бон“ сўзларини эшитганман, аммо уларнинг бу хусусиятлари маълум эмас эди.

Ушбу ишга (яъни соатларни бонг урдиришга) Ҳиндустоннинг барча эътиборли шаҳарларида муайян кишилар белгилаб қўйилган, уларни гарийалий деб аташади. Бириндан (бронзадан) ясалган, катталиги товоқдек, қалинлиги икки энлик бир ясси нарса бор. Бу биринжни „гарийал“ дейишади. Бу гарийални баланд бир жойга осиб қўядилар. Яна уларнинг ости (қуйи тарафи) тешик жом соатга ухшаш тослари (жомлари) бор. Ҳар бир гарийада бу идиш тўлади. Гарийалийлар навбат билан тосни сув остига қўйиб, тўлишини кутадилар. Масалан, кунчиқар чоғи бу тосни сувга қўядилар, тос бир марта тўлганида, тўқмоқлари билан гарийалга бир марта урадилар, иккинчи марта тўлганида, икки бора урадилар. Бутун паҳар тугагунча, шундай давом этадилар. Ҳар па-

ҳар тугаганида, тўқмоқни гарийалга тез-тез ва узоқ вақт уриб турадилар. Агар кундуздан аввалги (куннинг биринчи ярмидаги) паҳар тугаган бўлса, жомга тез-тез урганларидан кейин бироз тўхтаб, кейин бир марта бонг урадилар. Иккинчи паҳар тугаган бўлса, тез-тез урганларидан кейин бироз тўхтаб икки бора бонг урадилар. Шу сингари учинчисидан кейин уч, тўртинчисидан кейин тўрт бора бонг урадилар. Кундузги тўрт паҳар тугаганидан кейин ана шу тарзда туннинг тўрт паҳари давом этади.

Авваллари гарийалийлар паҳар белгисини паҳар тугаши билан урардилар. Кечасилари уйқудан уйғонган кишиларга уч гарий ёки тўрт гарийнинг бонги эшитилса, бу иккинчи паҳарми ёки учинчи паҳарми, билолмай қолардилар. Мен тунги гарийларни ва булутли кунлардаги гарийларни қоққандан сўнг паҳарнинг белгисини қоқишларини буюрдим. Унга кўра, масалан, кечанинг аввалги паҳаридан уч гарий бонги урилгач, бироз тўхтаб, паҳарнинг белгисини яна бир бор урадилар, яъни бундан бу уч гарий аввалги паҳардан эканлиги маълум бўлади. Кечанинг учинчи паҳаридан тўрт гарий бонги урилгач, яна бироз тўхтаб, паҳарнинг аломатини уч бор урадилар, яъни маълум буладики, бу тўрт гарий учинчи паҳардандир. Жуда яхши бўлди. Кечаси ҳар вақт уйғонганинда, гарий бонги овозини адосини эшитиб, қайси паҳардан неча гарий ўтганини биласан.

Ҳар бир гарий ўз навбатида олтмишга бўлинади, ҳар бирини пал деб атайдилар. Бир кеча-кундуз уч минг олти юз пал бўлади. Ҳар бир палнинг миқдори кўзни олтмиш марта юмиб-очишга тенг, деб айтадиларки, бир кеча-кундуз кўзни икки юз ўн олти минг марта юмиб-очишга тенг келади. Мен тажриба қилиб, бир пал ичида „қулҳувалло“ни „бисмилло“ билан саккиз марта ўқиш мумкинлигини аниқладим. Шунда бир кеча-кундузда „қулҳувалло“ни „бисмилло“ билан йигирма саккиз минг саккиз юз марта ўқиса булади.

Ҳиндустон эли оғирлик ўлчовларини яхши белгилаб олишган. Саккиз раттий бир маъшага тўғри келади. Тўрт

маъша бир таанкни ташкил этади, бу ўттиз икки раттий булади. Беш маъша, яъни бир мисқол — қирқ раттийга тенг. Ўн тўрт тўвла бир сер ҳисобланади. Қирқ сер, белгилаб қўйилганидек, ҳамма ерда бир ботмон булади, ўн икки ботмон бир маънийга тенг. Юз маънийни бир манйаса дейдилар. Жавоҳир ва марваридларни таанкда улчайдилар.

Ҳинд халқи саноқни ҳам жуда яхши белгилаб олган. Юз мингни улар лак деб, юз лакни карур деб атайдилар. Юз карур арб деб номланади. Юз арбни карб, юз карбни нийл, юз нийлни падам, юз падамни санк деб белгилашган. Саноқнинг бундай белгиланиши Ҳиндустонда бойликнинг куплигига далолатдир.

Ҳиндустон халқининг катта қисми кофирлардир. Ҳинд халқи кофирларни ҳиндулар деб аташади. Ҳиндуларнинг кўпчилиги таносухий бўлади, яъни ўлгандан кейин жоннинг бошқа бирор танага киришига ишонадилар. Омилкор, ижарага олувчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаммаси шу ҳиндулардир.

Бизнинг вилоятларда фақат саҳроларда кўчманчиликда кун кўрадиган халқнинг қабила-қабила номлари бўлади. Бу ерда вилоят ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ аҳолининг ҳам қабила-қабила номлари бор.

Бу юртда ҳар бир ҳунарманд ота-босидан қолган касбни ўрганиб, давом эттиради.

Ҳиндустон у қадар чиройли улка эмас. Элида ҳам ҳусн йўқ. Муомала маданияти, узаро мулоқот, борди-келди деган нарсаларни билмайдилар. Табъи, идроки ва адаби йўқ, карам ва мурувватни билмайди, ҳунар ва ишларида ҳисобкитоб, тартиб, режа ва гўния (тўгри бурчак) йўқ. Яхши от ва яхши ит учрамайди. Яхши узум, яхши қовун ва яхши мевалари йўқ, муз ва совуқ сув йўқ, бозорларида яхши овқат ва яхши нон, ҳаммом йўқ, мадраса йўқ, машъала, шам йўқ ва шамдон йўқ. Шам ва машъала ўрнига куп чиркин кишилари бор, уларни „дивтий“ дейдилар, чап қўлларида бир учоёқни ушлаб турадилар. Учоёқнинг бир ёғоч оёғи учига шамдоннинг бошидек келади-ган темир маҳкамланган; темир оёқча-

га бош бармоқдек келади-ган йўғон пиликни урайдилар. Ўнг қўлларида тешигини торайтириброқ қўйган кади бўлиб, ундан ёғ тизиллаб тушади. Ҳар сафар фатилани ёглаш керак бўлса, дивтийлар шу кадидан ёғ қуядилар. Катталарида бундай дивтийлардан юз-икки юзтачаси бўлади, шам ва машъала ўрнига шуни ишлатадилар. Подшоҳ ва бекларининг кечалари шамга эҳтиёжи бўлса, мана шу кир-чир дивтийлар бу чирогни келтириб, уларнинг тепасида ушлаб турадилар.

Жар ва чуқурликлардан оқиб ётадиган дарё ва қўлларидан бошқа — боғ ва уйларида оқар сувлари йўқ. Уйларида тоза ҳаво, тартиб ва чирой йўқ. Оддий халқ ва майда одамлари бутунлай яланғоч юрадилар. Лангутадек бир нарсани боғлаб юрадилар. Бунда киндикдан икки қарич пастга калта латта осилиб туради, бу осилган калта латтанинг устидан яна бир парча латта осилтирилади. Лангутанинг боғини боғлаб, ўша бир парча латтани икки оёқ орасидан (бутидан) ўтказиб, маҳкам боғлашади. Аёллари жуда узун бир лунг — белбоғни боғлаб, ярмини белларига, ярмини бошларига ташлаб олишади.

Ҳиндустон жуда катта вилоят, унинг яхши жойлари ҳам бор. У ерда олтин ва қумуш жуда кўп. Ёмғир мавсумида ҳавоси жуда яхши бўлади. Баъзан бир кунда ўн, ўн беш ва йигирма марта ёмғир ёғадиган вақтлар ҳам бўлади. Ёмғир пайти бирпасда сел келади, мутлақо сув бўлмаган жойларда дарёлар тошиб оқа бошлайди. Пашакаалда ёмғир ёғаётганида ва ёмғирдан сўнг ҳаво жуда яхши бўлади. Ҳаво бошқа пайтлари бундай муътадил ва латофатли бўлган эмас. Камчилиги шундаки, ҳаво жуда сернам бўлади.

Пашакаалда у ерларда камон отиб бўлмайди, чунки тезда бузилади. Ёмғир фақат ёйгагина таъсир этиб қолмайди, балки зирҳ ва китоб, рахт (асбоб-анжом, кийим-кечак, сафар анжоми) — ҳаммасига намгарчиликнинг таъсири сезилади. Иморатлар ҳам узоқ турмайди. Пашакаалдан бошқа қиш ва ёз ойларида ҳам ҳаво яхши бўлади. Аммо ҳаммиша шимол

шамоли кўтарилиб туради. Чанг ва тупроқ кўп кўтарилади. Бу ел йилига тўрт-беш марта — ёзлари савр ва жавзо ойларида — пашакаалга яқин жуда қаттиқ эсади. Кўтарилган чанг ва тупроқдан биров-бирова кўрмай қолади, буни „аандий“ деб айтадилар. Жавзо иссиқ келади, аммо ҳаддан ташқари иссиқ бўлмайди. Иссиги Балх ва Қандаҳорни кича бўлмаса-да, у ерлар иссигининг ярмисича чўзилади.

Яна яхши бир жиҳати шуки, ишчи ва ҳунармандлари жуда кўп. Ҳар бир иш ва ҳар бир нарса учун муайян кишилар белгилаб қўйилган. Уларнинг ҳар бири отабобоси қилиб келаётган ишни давом эттириб келади. Мулла Шараф „Зафарнома“да муболага билан шундай битган эдики, Темурбек „Масжиди санг“ни қураётганида ҳар куни Озарбойжон, Форс, Ҳиндус-

тон ва бошқа ўлкалар сангтарошларидан икки юз киши масжидда ишларди. Бир Огранинг ўзида менинг иморатларимда ҳар куни ушбу Огра тошйўнарларидан олти юз саксон киши ишларди. Яна Огра, Секрий, Байана, Дўлпур, Гвалийар ва Куйида ҳар куни бир минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош қурилишларимда ишларди. Ҳиндустонда яна бошқа кўплаб ҳунарманд ва ипчилар ҳаддан зиёд кўп.

Ҳозирда Бҳирадан Биҳаргача — менинг тасарруфимда бўлган вилоятлардан эллик икки карўр даромад тушади. Унинг лўндасини қуйида батафсил баён қиламиз. Ундан саккиз ёки тўққиз карўри менга итоат қилиб келаётган рой ва рожаларнинг мулкларидан тушган бўлиб, бу ерлар уларга қадимдан тирикчилик яроғи бўлиб келган.

**Ҳиндустондан голиб подшонинг қўл остига кирган жойлар даромадининг тахминий ҳисоби**

№	Вилоятлар	Карурлар	Лак	Танга
1.	Сатлаж дарёсининг нариги томони ҳамда Бҳира, Лаҳур, Сийалкот, Дипалпур ва бошқалар	3	33	15989
2.	Саҳринд	1	29	31985
3.	Ҳисори Феруза	1	30	75174
4.	Пойтахт шаҳар Деҳли ва Миёни Дуоб	3	69	50254
5.	Меват (Искандар (Лудий) даврида (бизнинг ҳокимиятга) қўшилмаган)	1	69	81000
6.	Байана	1	44	14930
7.	Агра	—	29	76919
8.	Миёна(урта вилоятлар)	2	91	19000
9.	Гвалийар	2	23	57450
10.	Калпий, Сиҳунда ва бошқалар	4	28	55950
11.	Қаннўж	1	36	63358
12.	Санбал	1	38	44000
13.	Лакнур ва Баксар	1	39	82433
14.	Хайробод	—	12	65000
15.	Авад ва Баҳрайиж	1	17	1369
16.	Жунпур	4	0	88333
17.	Курара ва Маникпур	1	63	27282
18.	Биҳар	4	5	60000
19.	Сарваар	1	55	7506 2/1
20.	Саран	1	10	18373
21.	Чапаран	1	90	86060
22.	Кандла	—	43	30300
23.	Рожа Руп Нарайн чегараси урталлигидаги Тирхут	—	2	55000

кумуш танга, 27 50000 қора танга

24. Чатсу, Маланадаги Рантанбур			
Булий	—	20	—
25. Нагур	—	—	—
26. Раажа Бикрамажит [Рантанбурдан]	—	—	—
27. Каланжарий	—	—	—
28. Раажа Синг Дэв	—	—	—
29. Раажа Бикам Дэв	—	—	—
30. Раажа Бикам Чанд	—	—	—

Ҳиндустон ўлкаси ери ҳамда элининг ўзига хосликлари ва аҳволи ҳақида узимга маълум бўлган, аниқлаган нарсаларимни эслаб баён қилдим. Бундан сўнг яна ёзишга арзигулик нарсага кўзим тушса, эшитишга арзигулик бирор нарса эшитсам, битаман.

Ражаб ойининг йигирма тўққизинчисида, душанба куни хазинани кўриб чиқдик ва уни улаша бошладик. Ҳумоюнга хазинадан етмиш лак берилди. Ҳали рўйхатга олинмаган ва текшириб кўрилмаган яна бир хазинани ҳам унга бор-будича инъом қилдим. Яна баъзи бекларга ўн лак, баъзиларига саккиз лак, етти лак, олти лакдан берилди. Лашкардаги афгонлар, ҳазоралар, араблар ва балужларга ҳамда ҳар бир аскарга мавқеига қараб пул инъомлари булди. Ҳар бир савдогар, ҳар бир толиби илм ва, умуман, лашкарга ҳамроҳлик қилган ҳар бир киши инъом, ҳадядан жуда кўп баҳра ва комил насиба олиб кетдилар.

Лашкарда бўлмаганларга ҳам бу хазинадан кўп инъом ва ҳадялар юборилди. Масалан, Комронга ўн етти лак, Муҳаммад Замон мирзога ўн беш лак, Аскарыйга, Ҳиндолга ва, умуман, барча уруг-аймоққа, ўғиллар ва ёш болаларгача жуда кўп тилла, кумуш, кийимлик, қимматбаҳо тошлар ва қуллардан совғалар юборилди.

У томонда қолган бек ва сипоҳийларга жуда кўп инъомлар жўнатилди. Самарқанд, Хуросон, Кошгар, Ироққа қариндош-уруглар учун совғалар жўнатилди. Самарқанд ва Хуросондаги шайхларга назрлар юборилди. Макка ва Мадинага ҳам назрлар жўнатилди. Кобул вилояти билан Варсак садаси (лашкарнинг юз кишилик бўлинмаси) атрофида яшайдиган ҳар бир кишига — эр-

какми, аёлми, қулми, озодми, катта кишими, ёш болами — бундан қатъи назар, ҳаммасига бир шоҳрухийдан инъом қилинди.

Биз дастлаб Ограга келганда одамларимиз билан бу ерликлар орасида галати ихтилофлар ва бир-бирини ёқтирмаслик кайфияти сезилиб турарди. Аскарлари ва оддий халқ бизнинг кишилардан қўрқиб қочардилар. Деҳли ва Оградан бошқа барча қўрғонли халқи қўрғонларини маҳкамлаб, итоат ва буйсунишдан бош тортдилар. Санбал қосим Санбалийнинг, Байана Низомхоннинг қўлида эди. Меватда Ҳасанхон Меватийнинг ўзи эди. Бу фитнаю фасодларни бошлаган ўша мулҳид (имонсиз) пасткашнинг ўзи эди. Дулпўр Муҳаммад Зайтун қўлида, Гвалийарда Татархон Сарангхоний Раприйда Ҳусайнхон Нуҳоний, Итаъвада Қутбхон, Калпийда Оламхон ҳукмрон эдилар. Қаннуж ва Гангнинг у томони Насирхон Нуҳоний, Маъруф Фармулий сингари яна жуда кўп амирлари бўлган душман афгонлар қўлида эди. Иброҳим вафот этмасидан икки-уч йил бурун улар ёвлашиб қолган эдилар. Мен Иброҳимни енгган пайтлари улар Қаннуж ва унинг нариёғидаги вилоятларни қўлга киритган, Қаннуждан бир-икки манзил буёқроққа келиб жойлашгандилар. Улар Дарёхоннинг ўғли Биҳархонни подшоҳ қилиб кўтариб, унга Султон Муҳаммад деб лақаб бергандилар. Маҳавинда Марғубқул ҳукмронлик қиларди. Шунча яқин жойда туришига қарамай, мени кўришга бирор марта ҳам келмади.

Биз Ограга келганда жуда иссиқ пайтлар эди. Одамлар ваҳимадан бутунлай қочиб кетгандилар. Ўзимизга овқат, отларга ем-ҳашак топиб бўлмасди. Қишлоқларда душманлик ва нафрат туфай-

ли душманлик, итоатсизлик, угирлик ва йултусарликка юз бургандилар. Йулларда юриб бўлмасди. Биз ҳали хазинани улашиб, ҳар бир вилоят, ҳар бир жойга ишончли кишиларни тайин қилишга ҳам улгурмаган эдик. Бунинг устига, уша йил жуда иссиқ келганди. Куплаб одамлар даҳшатли қаттиқ гармсел таъсиридан тап-тап йиқилиб, ўла бошладилар. Шу боис купгина беклар ва сара энг яхши йигитларнинг руҳи тушиб кетди. Улар Ҳиндустонда қолишга кўнмай, кетиб қола бошладилар.

Кекса, тажрибали беклар бундай десалар, айби йуқ. Улар бундай гапларни айтганларида уни эшитган кишининг ақлу идроки уларнинг қарори тугри ёки нотугри эканлигини, яхши ёки ёмонлигини ажрата олади. Аммо кимдир ҳамма нарсани уйлаб, бирор нарсага қатъий қарор қилган булса, айтилган сўзларни такрорлашдан нима фойда. Катта-кичикдан мана шундай сузлар ва бундай бемаза фикрларни эшитишнинг нима кераги бор. Шуниси қизиқки, бу сафар Кобулдан отланаётганимда катта-кичиклардан бир нечасини бек қилиб янги тайинлаган эдим. Менинг булардан умидим шу эдики, мен ўтга кириб-чиқсам ҳам, сувга кириб-чиқсам ҳам, улар ҳеч иккиланмай биз билан бирга киргайлар ва чиққайлар. Мен қайси тарафга борсам, улар менинг ортимдан боргайлар. Улар менинг мақсадимга қарши сўз айтадилар, ҳаммасининг кенгаш ва иттифоқи билан ўзимиз жазм қилган ҳар бир иш ва муҳим нарсдан кенгашдан чиқмасдан бурун қайтадилар, деб уйламагандим.

Булар узларини ёмон тутдилар. Аммо Аҳмадий парвоначи ва Вали хозин булардан ҳам бадтарроқ булди. Кобулдан чиқиб, Иброҳим устидан ғалаба қозониб, Ограни олгунча Хожа Калон узини яхши тутди, мардона сўзлар айтти, ҳимматли фикрлар билдирди, бироқ Ограни эгаллаганимиздан бир неча кун ўтгач, унинг раъйи бутунлай ўзгарди. Айнан Хожа Калон қайтиб кетишга астойдил аҳд қилган эди.

Одамлардаги бундай беқарорликни кўриб, барча бекларни чақириб, кенгаш ўтказдик. Мен шундай дедим: „Салтанат

ва жаҳонгирликка қурол-яроғ ва аслаҳанжомсиз эришиб бўлмайди. Подшоҳлик ва амирлик навкар ва мулксиз мавжуд бўлолмайди. Неча йиллар ҳаракат қилиб, машаққатлар чекиб, узоқ ерларни босиб утиб, лашкар тортиб, ўзимизни ва лашкарни жанг ва ўлим хатарига солдик. Тангрининг марҳамати билан шунча кўп душманни енгиб, бундай катта мамлакатни эгалладик. Энди эса, қандай куч ва зарурият мунчалар жон тортиб олган ерларимизни ҳеч бир сабабсиз ташлаб кетишга мажбур қилмоқда. Ким бизга хайрхоҳ бўлса, бундан кейин бу каби сўзларни айтмасин, кимки тоқат қилолмай кетишни ният қилган бўлса, кетсин, кетгач, қайтиб келмасин“.

Бундай тугри ва мақбул сўзларни кетиш ниятига тушган ёки шу ерда қолишни уйлаётган кишиларга эслатиб, дагдага қилдим.

Хожа Калоннинг бу ерда қолишга кўнгли йуқ эди. Биз шунга қарор қилдик: Хожа Калон кўп навкарли киши эди. Совғаларни олиб, жўнаб кетсин. Кобул ва Ғазнида одам жуда кам. Уларни қўлга олиб, у ерда ҳокимият ва тартиб ўрнатсин. Ғазни, Гардиз ва Султон Масъудийга тегишли бўлган ҳазоралар яшайдиган жойларини Хожа Калонга иноят қилдим. Унга яна Ҳиндустоннинг узидан уч-тўрт лак фойда келтирадиган Ҳурам (Кухром) вилояти ҳам берилди. Хожа Мирмиронни ҳам Кобулга жўнатишга қарор қилдик. Совғаларни олиб бориш унинг зиммасига юклатилди. Мулла Ҳасан Сарроф ва Тўка ҳиндуга уларни қабул қилиб олиш тайинланди.

Хожа Калон Ҳиндустонни шунчалар ёмон кўрардики, кетаётиб, Деҳлидаги уйи деворига шундай байтни ёзибди:

*Агар бахайру саломат гузар зи Синд  
кунам,  
Синҳруй шавам, гар ҳавои ҳинд кунам.*

(Мазмуни:

*Агар Синд дарёсидан соғ-саломат утиб олсам,  
Ҳиндистонни яна ҳавас қилгудек булсам,  
юзим қаро булай.)*

Биз Ҳиндустонда қолган бир пайтда бундай истеҳзоли байт айтиш ва уни ёзиб қўйиш адабсизлик эди. Кетишининг ўзи



кўнглимга бир гашлик солган бўлса, бундай қочирими уни икки баробар қилди. Мен бадиҳа қилиб бир рубой ёзиб жўнатдим:

*Юз шукр де, Бобурки, кариму гаффор,  
Берди сенга Синду Ҳинду мулки бисёр.  
Иссиқлигига гар санга йўқтур тоқат,  
Совуқ юзини кўрай десаиғ Газни бор.*

Бу пайтда илгарилари мартабаси жуда паст бўлган, бундан икки-уч йил бурун оға-иниларини тўплаб, чақириб, умуман, ўзига катта жамоа тўплаган Мулло Опоққа ўрукзай ва Синд қиргогидаги баъзи афгонларни бериб, Куйилга юбордик. У ерларда бўлган ёйотарлар ва сипоҳийларга биз томонга оғдирадиган чақириқ фармонлари юборилди.

Шайх Гуран қошимга эътиқод ва ихлос билан келиб, хизматимга кирди. Миёни дуоб ёйчиларидан икки-уч минг сипоҳийни ҳам хизматимга олиб келди. Алихон Фармулийнинг ўғиллари ва қариндошлари Юнус Али билан Деҳли ва Агранинг орасида, у Ҳумоюнни йўқотиб қўйиб, адашиб юрган чоғида учрашиб қолишади. Кичик жангда Юнус Али душманни енгиб Алихоннинг ўғилларини асир қилиб, ҳузуримга олиб келганди. Шу муносабат билан Давлатқадам туркнинг ўғли Мирза мўгулга Алихоннинг асир тушган ўғилларидан бирини қўшиб, шундай нотинч замонда Меватга кетган Алихонга чақириқ хати билан юборилди. Уни олиб келишди. Алихонга илтифот курсатиб, йигирма беш лак даромад берадиган вилоятлардан берилди.

Султон Иброҳим, Мустафо Фармулий ва Ферузхон Сарангхоний бошлиқ бир неча амирлар Пураб тоғида бирлашиб исён кўтарган амирлар устига жўнатилганди. Мустафо бу бўйсунмас амирлар билан кўп ва яхши жанг қилди, бир неча бор уларни енгди. Иброҳимнинг мағлубиятидан бироз илгари Мустафо ўлди. Шайх Боязид унинг укаси эди. Иброҳим муҳим ишлар билан банд эди, дарҳол уни акасининг одамлари ва ишига бош қилиб қўйди.

Ферузхон, Шайх Боязид, Маҳмудхон Нуҳоний, қози Жийа келиб хизматимга келдилар. Уларга ҳам кутганларидан ортиқ эътибор ва шафқатлар кўрсатиб, Ферузхонга Жўнпурдан бир карўру қирқ

олти лаку беш минг танга; Шайх Боязидга Аваддан бир карўру қирқ саккиз лаку эллик минг танга, Маҳмудхонга Гозипурдан тўқсон лаку ўттиз беш минг танга ва қози Жийага Жўнпурдан йигирма лак даромад берадиган ерлар ҳада иноят бўлди.

Шаввол ойи байрамидан бир неча кун утган ҳам эдики, Султон Иброҳимнинг хос саройи ўртасидаги тош устунли, гунбазли айвонида катта суҳбат уюштирилди. Ҳумоюнга чорқаб (шоҳларнинг махсус кийими), камар шамшир ва олтин эгарлик чопқир от, Чин Темур Султон, Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзога ҳам чорқаб, камар шамшир ва камар ханжарлар совға қилинди. Яна бек ва йигитларга мансабига яраша камар шамшир, камар ханжар ва сарполар инъом қилинди. Ҳаммаси қуйида қисқача қилиб битилди: икки чопқир от эгари билан; қимматбаҳо тошлар билан безатилган икки дона камар шамшир; безакли ханжардан йигирма беш дона; безакли дудама ханжардан ўн олти дона; икки дона безакли шамшир; олтин сопли ҳинд пичоқларидан бир дона; чаҳорқаб (шона кийим)дан тўртта; йигирма саккизта жун чакмон.

Суҳбат куни жуда кўп ёмғир ёғди. Ўн уч марта ёмғир ёғди. Баъзиларга ташқаридан жой теккан эди, ҳаммаси жиққа ҳўл бўлди.

Муҳаммад кукалдошга Самана вилоятини ҳада этиб, Санбалга юриш учун илғор тайинланди. Ҳисори Феруза Ҳумоюнга мукофот тариқасида берилган эди, Санбални ҳам Ҳумоюнга ҳада қилдим. Ҳиндубек Ҳумоюннинг олдида қолган эди. Шу боис Муҳаммадийнинг ўрнига Санбалга илғор қилиб Ҳиндубек, Каттабек, Малик Қосим Бобо Қашқа ака-укалари билан, Мулло Офоқ, Шайх Гуран Миёни дуоб ёйчилари билан илғор қилиб юборилди.

Қосим Санбалийдан уч-тўрт марта одам келиб, Бибан ҳаромхўр Санбални қамал қилиб, унинг ҳимоясини заифлаштирди, илғор юборинглар, деган хабарни берди. Бибан шу сифату кўриниши билан биздан қочиб кетгач, тоғ этакларига борди. Ўша ерларда қочиб юрган афгон ва ҳиндустонликларни йигиб,

ушбу тўполонлар чогида Санбални буш кўриб, келиб уни қамал қилибди.

Ҳиндубек, Каттабек ва илгорга (олд қўшинга) тайинланганлар Аҳар кечигига келиб, сувдан ўта бошлайдилар. Малик Қосим Бобо Қашқани ака-укалари билан бирга олдинга юборадилар. Малик Қосим сувни кечиб ўтган юз-юз элик кишиси ва биродарлари билан илдам юриб, пешин намози пайти Санбалга етиб боради. Бибан ҳам қўшин тортиб, ўрдусидан чиқади. Малик қосим тез бориб, қўргонни айланиб ўтади ва жангни бошлаб юборади. Бибан қаршилиқ кўрсатолмай қочади. Жангчиларимиз бир тудан кишисининг бошини кесиб, бир нечта фил, жуда кўп отлари ва бошқа улжаларни қўлга киритади.

Эртаси тонгда илгор беклари ҳам етиб боради. Қосим Санбалий келиб улар билан куришади, лекин қўргонни уларга топшириш хуш келмайди ва ҳийлалар қилади.

Бир куни Шайх Гуран, Ҳиндубек улар билан сузлашиб, бир баҳона топиб, Қосим Санбалийни бу беклар олдига олиб келади ва бизнинг одамларимизни Санбал қўргонига киритади. Қосим Санбалийнинг юки ва одамларини соғ-саломат қўргондан чиқариб юборадилар.

Байанага Қаландар пиёданни жўнатиб, Низомхонга ваъда ва таҳдид билан фармонлар юборилди. Мана бу қитъа бадиҳа қилиб, ёзиб юборилди:

*Бо турк ситеза макун, эй мири Байана,  
Чолокю мардона турк аёнаст.  
Гар зуд ваёю насиҳат вакуни гуш,  
Овжоки аёнаст чи ҳожат ба баёнаст.*

(Мазмуни: *Эй Баяна мири, турк билан уйнашма, туркнинг эпчиллиги ва мардлиги ҳаммага аён. Агар тез келиб насиҳатни қулоққа олмасанг, аён булган гапни баён қилишининг нима ҳожати бор.*)

Байана қўргони Ҳиндустоннинг машҳур қалъаларидандир. Бу ақлсиз пасткаш одамча қалъанинг мустаҳкамлигига ишониб, жигилдонига сиғадиганидан ҳам кўпроқ нарсалар сўраб юборибди. Ундан келган кишига яхши жавоб қилганим йўқ. Қалъани эгаллаш учун қурол-яроғ тайёрлашга машғул бўлдик.

Бобоқулибек Муҳаммад Зайтунга ваъда ва таҳдид фармонлари юборилди. У ҳам узрлар айтиб, турли айёрликларни ўйлай бошлади.

Кофир Раана Сангаа Кобулда эканимизда хайрихоҳлик билан элчи юборган ва биз шундай келишиб олган эдик: агар подшоҳ (яъни, мен) у тарафдан Деҳли вилоятига борсам, Раана Сангаа бу тарафдан Огра устига юриши керак.

Мен Иброҳимни енгдим ва Деҳлини ҳам, Ограни ҳам қўлга киритдим. Аммо шу пайтгача бу кофирдан чиқиб кетиши учун бирор ҳаракат кўринмади. Анча вақт ўтганидан кейин Кундар деган қўргонни қамал қилди. Маканнинг Ҳасан исмли ўгли ўша ерда эди. Ҳасан Макандан бир неча марта одамлар келди, аммо Маканнинг ўзи ҳали ҳам кўрингани йўқ. Бу атрофдаги Итаъва, Дўлпур, Гвалийар, Байана ҳалигача қўлимга ўтмаганди. Шарқ томонда афгонлар қаршилиқ кўрсатиб, саркашлиқ қилардилар. Қаннуждан Огра томонга икки-уч манзил нарида лашкар тўплаб ўтирган эдилар. Яқин-атроф ерлардан ҳануз хотиржам эмас эдик. Шу боис Ҳасанга кўмак бериш учун одам ажратолмадик.

Икки-уч ойдан кейин Ҳасан чорасиз қолиб, Кундар қўргонини топширди. Раприйдаги Ҳусайнхон қўрқиб, Раприйни ташлаб қочиб кетди. Раприй Муҳаммад Али жанг-жангга берилди. Итаъвадаги Қутбхонга бир неча бор ваъда ва таҳдид билан фармонлар юборилди. Аммо у на бизни кўришни истади, на Итаъвани ташлаб кетди.

Маҳдий Хожага марҳамат қилиб Итаъвани бердим, Муҳаммад Султон мирзо, Султон Муҳаммад дўлдой, Муҳаммад Али жанг-жанг, Абдулазиз мирохўр бошлиқ беклар ва хос амалдорлардан анчаси кўмакка Итаъвага жўнатилди. Қаннўж Султон Муҳаммад дўлдойга берилди. Ферузхон, Маҳмудхон, Шайх Боязид ва Қози Жийа каби бошлиқларга ҳурмат кўрсатилиб, Пураб томондаги вилоятлардан берилган эди, уларга ҳам Итаъвага жўнаб кетиш буюрилди.

Муҳаммад Зайтун Дўлпурда ўтирганди, турли ҳийлалар қилиб, келишга шонилмасди. Дўлпурни марҳамат қилиб

Султон Жунайд барлосга бердик ва унга Одил Султон, Муҳаммадий кукалдош, Шоҳ Мансур барлос, Қутлуққадам, Абдулло Вали, Жонибек, Пирқули, Шоҳ Ҳусайн Ёракий бошчилигидаги кишиларни ёрдамга бериб, уларга Дулпурни куч билан олиб, Султон Жунайдга топшириб, Байана устига юришларини буюрдик.

Бу лашкарни тақсимлагандан сўнг турк ва ҳинд амирларини чақириб, кенгаш қилиб, ушбу сузларни уртага ташладим: Пураб тоғи томонида саркаш амирлар Насирхон Нуҳоний ва Маъруф Фармулий бошлиқ қирқ-эллик минг киши билан Гангдан ўтиб, Қаннўжни эгаллаб, икки-уч манзил бери келиб ўтирибди. Кофир Раана Санга Кундарни эгаллаб, фитна ва бузгунчиликлар қилиб юрибди. Пашакаал ҳам охирлаб қолди. Ё бу саркашлар устига, ёки кофир устига бостириб бориш зарур ва лозим куринади. Бу яқин-атрофдаги қургонларнинг иши осон. Катта душманларни енгганимиздан кейин, булар қаерга ҳам барди.

Раана Сангаани унча ўйламасдик. Ҳамма бир огиздан дедики, Раана Сангаа узоқда, унинг бу ерларга яқин келиши ҳам маълум эмас. Жуда яқин келиб қолган душманни даф қилиш муҳим ва туғридир.

Бу душманлар устига ўзимиз юриш бошламоқчи эдик, Ҳумоюн подшоҳнинг отланишига ҳожат йўқ, бу хизматни мен бажарай, деб арз қилди.

Унинг бу сўзлари барчага хуш келиб, турк ва ҳинд амирлари бу қарорни маъқулладилар. Ҳумоюннинг Пурабга юриши тайинлангач, Дулпурга белгиланган лашкарнинг келиб, Чандварда Ҳумоюнга қўшилишлари буюрилди ва Қобулий Аҳмад Қосим чопар қилиб жўнатилди. Итаъва устига юриши таъйинланган Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо бошлиқ лашкарга ҳам бу ерга келиб, Ҳумоюнга қўшилиш фармони берилди.

Зулқаъда ойнинг ун учинчисида, пайшанба куни Ҳумоюн сафар бошлаб, Оградан уч куруҳ нарида жойлашган Жалесар деган қишлоқчага тушди. У ерда бир кун туриб жўнади, манзилмаманзил кўчиб, олдинга йўналди.

Ушбу ойнинг йигирманчисида, пайшанба куни Хожа Калонга Кобулга жунаб кетиши учун рухсат берилди.

Доим Ҳиндустоннинг битта катта камчилиги — унда оқар сувнинг йўқлиги, деб ўйлаб юрардим. Қаердаки ўрнашимиз лозим бўлса, чархлар ясаб, оқар сув ўтказиб, режа билан боглар барпо қилсак бўлади. Ограга келганимиздан бир неча кун кейин мана шу ишни деб Жуун дарёсидан ўтиб, бог қуриш учун ерларни куриб чиқдик. Бу ерлар шу қадар кўримсиз ва хароб эдики, уни кўнглимиз тортмай ва қониқмай яна сувдан кечиб, кетдик. Бу ернинг кўримсиз ва ёқимсизлиги туфайли чорбоғ ҳақидаги фикрларим ҳам хаёлдан кўтарилди. Аммо Ограга бунча яқин бошқа бўш ер ҳам йўқ эдики, бир неча кундан сўнг иложсиз, шу ернинг ўзида иш бошладик. Аввал катта қудуқ қазилди, ҳозир ҳаммом суви уша ердан олинади. Яна анбили дарахтлари усиб ётган ва саккиз бурчакли ҳовуз қурилган бир бўлак ерда ишладик. Ундан сўнг катта ҳовуз ва ҳовли барпо бўлди. Кейин тош иморат олдидаги ҳовуз ва толор қурилди. Ундан сўнг „Хилватхона“ богчаси ва уйлар бино бўлди. Ундан сўнг ҳаммом қурилди. Бундай кўримсиз ва бетартиб Ҳиндда яхши тартибли бинолар ва текис боглар барпо этилди. Ҳар гушада, ҳар бурчакда ёқимли гулзорлар, ҳар бир гулзорда тартиб билан экилган яхши гул ва настанлар етилди.

Ҳиндустоннинг яна уч нарсасидан қийналардик: биринчиси — унинг иссиғи; иккинчиси — чанги; учинчиси — қаттиқ шамоли. Ҳаммом ҳар учаласининг зиёнини даф қила оларкан. Ҳаммомда чанг ва шамол нима қилсин. Иссиқ кунлари у ер шу қадар совуқ буладики, одам ҳатто совқотиши ҳам мумкин. Ҳаммомнинг иссиқ сувли ҳовуз жойлашган битта ҳужраси фақат тошдан қурилган. Пастки қисми оқ тошдан, қолган бошқа тарафлари — ери ва шифти бутунлай Байананинг қизил тошлари билан қопланган.

Яна Халифа, Шайх Зайн, Юнус Али ва кимга дарё ёқасидан ер теккан бўлса, чиройли, яхши йўсинда богча ва ҳовузлар барпо этдилар. Лаҳур ва Дипалпур усули билан чархлар ўрнатиб, оқар сувлар келтирдилар.

Ҳинд халқи бу тартиб ва кўринишдаги жойларни ҳеч қачон курмаганликлари боис Жууннинг бу иморатлар жойлашган тарафига Кубул деб ном қўйишибди. Яна қургон ичида Иброҳимнинг иморатлари билан шаҳар қургони девори орасида бир буш ер бор эди. У ерга ҳам ўнга-ўн ҳажмида катта бир вайн барпо эттирдим. Ҳиндустонликлар тилида зинали катта қудуқ „вайн“ деб аталади. Ушбу вайн чорбоғдан олдинроқ бино қилинган эди. Уни айни пашакаалда қазидилар. У бир неча марта упирилиб тушиб, ишчиларни босиб ҳам қолди. У Раана Сангаага қарши олиб борган газотдан сўнг қуриб битказилди. Унинг тошига битилган тарихда ҳам газотдан кейин яқунланганига ишора қилганлар. Жуда чиройли вайн бино бўлибди. Вайннинг пастки қисмида уч айвони бўлиб, уларнинг йўли зинанинг узидан қудуққа олиб тушади. Битта йўл ҳар уч айвонга олиб боради. Ҳар бир айвон бир-биридан уч зина тепада жойлашган. Пастдаги айвондан сув тортилган чоғда сув бир зина қўйига тушади. Юқориги айвонга баъзан — пашакаал вақти сув кўпайганда сув чиқади. Ўрта қаватда бир ҳужрали айвон бўлиб, бу айвон яқинида сув чархи ўрнатилган гунбаз бор. Ҳўкиз шу гунбаз ичида чархни айлантиради. Юқориги қаватда бир айвон қурилган. Ташқаридан — ҳовли саҳнидаги қудуқдан беш-олти зина пастроқда, икки томондаги зинадан ҳам бу айвонга йўл боради. Ўнг тарафга юрилса, йўлнинг қаршисида тарих битилган тош бор. Бу қудуқнинг ёнида яна бир қудуқ қазилиб, ушбу қудуқнинг туби аввалги қудуқнинг ўртасидан бир оз юқорироқда бўлади. Айтиб утилган гунбазда чарх ҳўкизи айланиб, у биринчи қудуқдан бу иккинчи қудуққа сув келтиради. Иккинчи қудуққа яна бир чарх ўрнатилган. Бу чарх орқали сув тепаликка чиқади. У тепалик усти билан юқори боққа оқиб боради. Қудуқ зиналари чиқадиган ерда ҳам бир иморат барпо қилинган. Бу қудуқ деворидан ташқарида бир тош масжид қурилган. Аммо уни ҳинд усулида жуда ёмон қилиб қуришган.

Ҳумоюн уруш сафарига отланган фурсатда Насирхон Нуҳоний ва Маъруф Фармулий бошлиқ саркаш амирлар Жажмавда тўпланиб утирган эдилар. Ўн-ун беш куруҳ йўл юргандан кейин Ҳумоюн Мўмин аткани хабар топиб келтиришга жўнатади. Аммо уни мол тутишга юборса арзийди. Бирор яхши хабар топиб келтиролмади. Мўмин атканининг яқинлашганидан хабар топган душман тўхташга куч тополмай, қочиб кетади. Мумин аткадан кейин Қисмтой, Бобочухра ва Бўчкани хабар келтириш учун юбордилар. Бу борганлар душманининг тумтарақай бўлиб қочгани ҳақида хабар келтиришади. Ҳумоюн бориб, Жамжавни эгаллайди. У ердан ўтиб Далмав атрофига келганида Фатҳхон Серваний келиб, у билан кўришади. Ҳумоюн Фатҳхон Серванийни Маҳдий Хожа ва Муҳаммад Султон мирзога қўшиб, бизнинг олдимизга юборди.

Шу йили Убайдхон Бухородан лашкар тортиб Марвнинг устига бостириб келди. Марвнинг аркида ўн-ўн беш фуқаро бор экан. Убайдхон Марвни эгаллаб, бу одамларни қириб, Марв тўғонини қирқ-эллик кун боғлаб, Сараҳс устига юрди. Сараҳсда уттиз-қирқ қизилбош бор экан. Улар дарвозани ёпиб, қургонни бермаганлар. У ернинг халқи буларга ҳужум қилиб дарвозани очадилар. Ўзбаклар кириб, бу қизилбошларни ҳам қирадилар. Сараҳсни олгандан кейин Тус ва Машҳад устига бостириб борадилар. Машҳад эли чорасиз қолиб, таслим бўлади. Тусни саккиз ой қамал қилиб, сулҳ йўли билан қўлга оладилар. Аммо тузган аҳдида турмай эр кишиларнинг барчасини қириб, аёлларини асир қилиб олади.

Худди ўша йили Султон Музаффар Гужаратийнинг ҳозирда отасининг ўрнига Гужаратта подшоҳ бўлган Баҳодурхон исмли ўғли отасини ёмонлаб Султон Иброҳимнинг ҳузурига келди. Султон Иброҳим уни ҳурмат билан қарши олмади. Панипат вилоятларида эканимизда менга мактублари келди. Мен ҳам илтифотли ва мушфиқ фармонлар юбориб, уни олдимга чақирдим. У келмоқчи ҳам бўлди. Кейин фикри узгариб, Иброҳим қўшинидан ажралди ва Гужаратга жўнаб кетди.

Шу пайтлари унинг отаси Султон Музаффар вафот этиб, акаси Искандаршоҳ — Султон Музаффарнинг катта угли отаси урнига Гужаратга подшоҳ бўлди. Муомаласининг ёмонлигидан Имодулмулк деган қули кўпчилик билан келишиб, Искандаршоҳни бўғиб ўлдирди ва ҳали йулда келаётган Баҳодурхонни чақириб, отасининг урнига утқазди. Баҳо-

дурхонга Баҳодуршоҳ лақаби берилди. Бу ҳам яхши иш қилди, яъни Имодулмулкни кўрнамаклик қилгани учун ўлдириб жазосини берди. Отасидан қолган ундан бошқа беклардан ҳам кўпини ўлдирди. Уни қонхўр ва худодан қўрқмайдиган бебош йигит, деб ҳисоблайдилар.

## ТЎҚҚИЗ ЮЗ ЎТТИЗ УЧИНЧИ(1526-1527) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойида Бек Вайс Форуқнинг туғилгани ҳақида хабар келтирди. Гарчи ундан олдин бир пиёда бу хабарни келтирган бўлса-да, аммо суюнчисига Бек Вайс шу ойда келди. Чақалоқ шаввол ойининг йигирма учинчисида, жума кечаси туғилди, унга Форуқ деб исм қўйилди.

Байана ва бизга келиб қўшилмаган баъзи қўргонларни ўққа тутиш мақсадида Устод Алиқулига катта тўп (замбарак) қўйиш буюрилган эди. Ўчоқ ва бошқа керакли нарсаларни тайёр қилиб, менга одам юборди. Муҳаррам ойининг ўн бешинчисида, душанба куни устод Алиқулининг тўп қўйишини томоша қилгани бордик. Тўп қўядиган ернинг атрофига саккиз ўчоқ қуриб, асбобларни эритибди. Ҳар бир ўчоқнинг тубидан тўп қўйиладиган қолипга тўгри келадиган биттадан нов қазиб тайёрланган. Биз боргач, у ўчоқларнинг тешикларини очди, ҳар бир новдан эриган қурол-яроғ сувдек шариллаб қолипга оқиб кирарди. Бироздан кейин қолип тўлмасидан бу ўчоқлардан келаётган эритманинг келиши аста-секин тўхтади. Ўчоқ ёки темирда бирор камчилик бўлган шекилли. Устод Алиқули жуда ёмон аҳволга тушиб қолди. У ҳатто ўзини қолипдаги эриган мис ичига ташлаб юборай деди. Устод Алиқулига тасалли бериб, сарпо кийдириб, бу хижолатдан қутқардик. Бир-икки кун ўтиб, қолип совуганидан сўнг уни очишди. Устод Алиқули жуда хурсанд бўлиб, тўпнинг тош уйи камчиликсиз, дорихонасини қўйиш осон, деган хабарни юборди. Қозоннинг тош уйини чиқариб, ёрдамчиларига уни ислоҳ қилишни тайинлаб, ўзи қозоннинг (тўп-

нинг) дорихонасини қўйиш билан машгул бўлди.

Маҳдий Хожа Фатҳхон Серванийни Ҳумоюннинг олдидан олиб келди. Улар Ҳумоюн билан Далмавада ажралишибдилар. Фатҳхонни яхши қабул қилиб олиб, унга отаси Аъзам Ҳумоюннинг ерларига яна бошқа вилоятларни ҳам қўшиб бердик. Бир карўру олтмиш лаклик даромад келтирадиган вилоятлар берилди.

Ҳиндустонда баланд обрўли амирларга турли унвонлар берилади. Улардан бири — Аъзам Ҳумоюн унвонидир. Яна бири — Хонижаҳон ва бошқаси — Хонинон. Фатҳхон отасининг унвони — Аъзам Ҳумоюн эди. Углимнинг исми Ҳумоюн бўлганлиги боис бировга бундай унвон беришни ноҳўя деб уйлаб, бу унвонни бекор қилдим. Фатҳхон Серванийга Хонижаҳон унвони берилди.

Сафар ойининг саккизинчисида, чоршанба куни дарахтларнинг юқори тарафидаги катта ҳовуз бўйида ёзлик бино (шомиёна) тикилиб мажлис қилдик. Фатҳхон Серванийни бу шароб мажлисига таклиф қилиб, шароб бериб, унга ўзим кийган дастор (салла) ва бош-оёқ кийимим инъом этилди. Бундай иноят ва илтифотлар билан уни хурсанд қилиб, ўз вилоятига кетиши учун рухсат берилди. Унинг ўгли Маҳмудхоннинг доим менинг хизматимда бўлишига қарор қилинди.

Муҳаррам ойининг йигирма тўртинчисида, чоршанба куни Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдорни Ҳумоюннинг олдига шундай буйруқ билан шошилишч жўнатдик: Оллоҳга шукр, Пураб душманлари қочиб кетибди. Бу юборилган киши етиб боргач, Жўнпурга бир неча муносиб бекларни тайинлаб, ўзинг лашкарни олиб,

биз томонга тезда етиб кел. Раана Сангаа кофир яқинга келибди, унинг ташвишини асосий иш деб билайлик.

Ҳумокуннинг лашкари Пураб томонга кетганидан сунг Турдибек, Қўчбек, иниси Шерафган, Муҳаммад Халил ахтабегига ака-ука ва ахтачилари билан, Рустам туркманга ака-укаси билан ва яна ҳиндустонликлардан Равуй Серванийга Байана ерларига бориб, ҳужум қилиб, талаш буюрилди. Агар қўргон ҳимоячиларини ваъда ва ишонтириш йўли билан биз томонга қарата олишса, қаратишсин. Бўлмаса, уларга ҳужум қилиб, талаб, душманни ожиз қолдиришсин.

Низомхоннинг Оламхон исмли бир акаси Байананинг Таҳангар қўргонида эди. Унинг одамлари қайта-қайта келиб, бизга бош эгиб, хайрихоҳ бўлдилар. Бу Оламхон „Агар подшоҳликдан бир гуруҳ лашкар тайинланса, мен Байана ва бу қишлоқлардаги барча ёйчиларни ваъда ва ишонтириш йўли билан олиб келиб, Байана қўргонини қўлга оламан“, деган масъулиятни ўзига олди.

Бундай қарорга келгач, Турдибек бошлиқ илгор йигитларига: Оламхон ўзи шу ерлик одам, ўзига бундай хизмат ва вазифани олар экан, Байанага тегишли ишларда унинг тўғри фикрларини маъқуллаб, уларга амал қилинг, деб фармон берилди.

Ҳиндустонликларнинг баъзилари қилич солсалар ҳам, аксарияти ҳарбийлик йўл-йуригидан, сардорлик юриш-туришидан маҳрум ва бебаҳрадирлар. Бу Оламхонга бизнинг илгор қўшилгач, ҳеч кимнинг сўзига қарамай, ишнинг яхши-ёмон томонини ўйламай, бу илгорни Байанага яқин олиб боради. Биздан борган илгорда икки юз эллик-уч юзга яқин турк бор эди. Ҳиндустонлик ва унинг атрофидан йиғилган лашкар икки мингтадан бир оз кўп эди. Низомхон ва Байанада афгон ҳамда сипоҳий — тўрт мингдан кўпроқ отлиқ лашкар бор эди. Пиёдалари ун мингдан ошарди. Бу душманни кўриб, билиб, Низомхон юқорида зикр этилган отлиқ-пиёда лашкари билан шу дамнинг узидаёқ буларнинг устига юради; жадал келиб, кўп отлиқларини жангга солиб, илгор аскарларини қочиради. Акаси Оламхон Таҳангарий-

ни асир олади. Яна беш-олти кишини ҳам қўлга оладилар. Бир қисм партол (сафар асбоб-анжомлари) ҳам қўлдан кетади. Низомхоннинг бундай хатти-ҳаракатига қарамай, унга ваъда ва ишончлар билдириб, бурунги ва кейинги гуноҳларини афв этиб, унга фармонлар юборилди.

Раана Сангаа кофирнинг тезлик билан келаётганидан хабар топгач, унинг бошқа чораси қолмади. У Саййид Рафиъни чақириб, Саййид Рафиъ воситачилигида, қўргонни бизнинг кишиларга топшириб, ўзи Саййид Рафиъ билан келиб, менга хизмат қилиш бахтига мушарраф бўлди. Мен унга йигирма лаклик вилоят — Миёни дуобни иноят қилдим.

Дўст эшик оға вақтинча Байанага юборилди. Бир неча кундан кейин Байанани Маҳдий Хожага иноят қилиб, тирикчилик яроғи учун етмиш лак белгилаб, у ерга кетишига рухсат берилди.

Гвалийардаги Татархон Сарангхонийдан одамлари бир неча бор келиб, хизматига кириши ва хайрихоҳлигини билдирарди. Кофир Кундарни эгаллаб, Байанага яқинлашиб қолганда, Гвалийар рожаларидан Дарманкат ҳамда Хонижаҳон исмли кофир Гвалийар ерларига келиб, қалъага кўз олайтириб, гавго ва фитна қўзгата бошладилар. Татархон қийин аҳволда қолиб, Гвалийарни менга топширмоқчи бўлди. Беклар, хос амалдорлар ва кўпгина сара йигитларнинг барчаси лашкарда, ҳар тарафдаги илгорда эдилар. Раҳимдодга бир неча бҳиралик ва лаҳурликни, Ҳастичи тунқатор (тунги посбон)ни ака-укалари билан қушиб, номларини тилга олганим ушбу кишиларга Гвалийарнинг узидан вилоятлар тайинлаб жўнатилди. Раҳимдодни Гвалийарда ҳокимиятга ўтқазиб келиш учун Мулла Опоқ ва Шайх Гуранни ҳам юбордик. Булар Гвалийар яқинига борганларида, Татархоннинг фикри ўзгариб, уларни қалъага чорламади.

Ўша пайти, ўзи дарвеш бўлиб, дарвешлик билан ҳам шугулланган, мурид ва дўстлари жуда кўп Шайх Муҳаммад Гавс, Гвалийар қўргонининг ичидан Раҳимдодга, қандай қилиб бўлса ҳам қўргоннинг ичига кириб олинг, бу кишининг фикри ўзгариб, ёмон хаёлларга борган, дея одам юборибди.

Бу хабар Раҳимдодга етиши билан у Татархонга: „Қўргон ташқариси кофирлар туфайли хатарли. Мен бир неча киши билан қўргон ичкарасига кирай, қолганлар, майли, ташқарида турсин“, деб айтиб юборади. Кўп уринишлардан сўнг Татархон бунга рози бўлади. Раҳимдод озроқ кишиси билан киргач, бу дарвозада бизнинг одам турсин, деб ўз одамини қўяди. Ҳаатий Пул дарвозасига у ўз одамларини қўяди. Ўша кечанинг ўзидаёқ Ҳаатий Пулдан бор кишиларини киритади. Эртасига Татархон чорасиз қолиб, қўргонни хоҳлаб-хоҳламай топшириб, чиқиб кетади. Ограга келиб, хизматимга кирди. Унинг тирикчилиги учун Байана ерларидан йигирма лаклик даромади бор жойни тайинладик.

Муҳаммад Зайтун ҳам ҳеч бир чора тополмай, Дулпурни топшириб келди ва хизматимга кирди. Унга ҳам бир неча лаклик даромад келтирадиган вилоят иноят қилинди. Дулпурни холиса қилиб, бирор бекка бермай ўз ихтиёримда қолдирдим, у ердан солиқ йигиш ҳуқуқини Абдулфатҳ туркманга топшириб, уни Дулпурга юбордим.

Ҳисори Феруза ерларида Ҳамидхон Сарангхоний паний афгонларининг бир қисмини ҳамда атрофдаги афгонлардан уч-тўрт минг кишини тўплаб, гавго ва фитна қўзғатган эди.

Сафар ойининг ўн бешинчисида, чоршанба куни Чин Темур Султонга Аҳмадий парвоначи, Абдулфатҳ туркман, Малиқдод Караний ва Мужоҳидхон Мултоний бошчилигидаги лашкарни қўшиб, бу афгон устига бостириб боришларини буюрдик. Улар олисдан жадал отланиб, бориб афгонларга яхши ҳужум қилдилар, жуда кўп кишиларини қириб ташлаб, анчагина бошлар юборишди.

Сафар ойининг охирларида Ироққа Шаҳзода Таҳмоспга элчиликка кетган Хожагий Асад Сулаймон деган туркман билан келди, кўп совғалар келтирди. Совғалар ичида икки чаркас қизи ҳам бор эди.

Раби ул-аввал ойининг ўн олтинчисида, жума куни ғалати воқеа рўй берди. Бу ҳақда Кобулга жўнатилган мактубда батафсил ёзилган эди. Ўша мактубнинг ўзини ҳеч нарса қўшмай ва қис-

қартирмай шу уринда келтираман. Мана ўша мактуб:

„Тўққиз юз уттиз учинчи (1526-1527) йили раби ул-аввал ойининг ўн олтинчисида, жума куни катта воқеа рўй берди. Унинг тафсилоти шундай: Иброҳимнинг онаси бадбахт Буъа менинг ҳиндустонликлар қўлидан нарса ейишим ҳақида эшитиб қолади. Воқеа шундай бўлганди. Бундан уч-тўрт ой бурун, Ҳиндустон овқатларини сира кўрмаганлигим боис Иброҳимнинг ошпазларини келтиришларини буюрдим. Эллик-олтмиш ошпаздан тўрттасини олиб қолдим. Буни эшитган Буъа Итаъвага Аҳмад чошнигирга одам юборади. Ҳиндустонликлар баковулни (бош ошпазни) чошнигир (подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси) дейдилар. Бир чўрининг қўлига Буъа тўрт букланган қоғозда бир тувла заҳар беради. Бир тувла икки мисқолдан бир оз кўпроқ келади. Уни, аввалроқ айтиб утганимиздек, Аҳмад чошнигирга элтиб беришни тайинлайди. Аҳмад уни бизнинг ошхонадаги ҳиндустонлик ошпазга бериб, қандай бўлмасин, заҳарни менинг ошимга солишни тайинлаб, эвазига тўрт вилоятни ваъда қилади. Аҳмад чошнигирга заҳар олиб бориб бериши лозим бўлган чўрининг ортидан заҳарни олиб борган ёки бормаганлигини билиш учун бошқа бир чўрини жўнатади. Яхшиямки, заҳарни қозонга эмас, товоққа солганлар. Қозонга солмаганлигининг сабаби шуки, мен ҳар доим баковулларга ҳиндустонлик ошпазлардан эҳтиёт бўлишни таъкидлардим ва улар қозонда овқат пийлаётган пайти уни тотиб кўрардилар. Овқат тортилаётган маҳали бизнинг бадбахт баковуллар ғафлатда қолади. Ошпазчинни идишга юпқа нонни қўйиб, унинг устига ўша қоғоздаги заҳарнинг ярмидан камроғини сепади, заҳарнинг устига ёгли қайлани солади. Агар заҳарни қайла устига сепганида ёки қозонга солганида, ёмон бўларди. Саросимага тушиб, заҳарнинг ярмидан кўпини учоққа ташлаб юборади.

Жума куни кечқурун, аср намозидан сўнг овқатни тортилар. Қўён гўштидан пиширилган овқатдан анча едим. Зардак қайладан ҳам тотиб кўрдим. Бу за-

ҳар солинган Ҳиндустон овқатининг устидаги бир-икки булагинигина еб кўрдим, қайладан едим, ҳеч қандай нохуш таъмни сезмадим. Қовурилган гўштдан бир-икки булак едим. Кўнглим беҳузур бўлди. Ўтган куни қовурилган гўшт еганимда, унда нохуш бир маза бор эди, кўнглим айнишини ўшандан, деб билдим. Яна кўнглим бир ағдарилди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглим беҳузур бўлиб, қусиб юборай дедим. Охири қарасам, бўлмайдиган, ўрнимдан турдим. Обхонага боргунча йўлда яна бир бор қусиб юборай дедим. У ерга киргач, кўп қусдим. Мен ҳеч қачон овқатдан кейин, ҳатто ичганимда ҳам қусмасдим. Кўнглимга шубҳа тушди. Ошпазни ушлаб туришларини ва ушбу қусуқни итга бериб, итни қўриқлаб туришларини буюрдим. Эртасига бир паҳарга (уч соатга) яқин ит беҳол бўлиб, қорни дамлангандек бўлди. Ҳар қанча тош билан урсалар ҳам, ағдариб кўрсалар ҳам ўрнидан қимирламади. Туш пайтигача ит шу ҳолда ётди, кейин ўрнидан турди, ўлгани йўқ. Бир-икки хос соқчиларим ҳам бу овқатдан ейишганди. Эрталаб улар ҳам кўп қусдилар, бирининг аҳволи жуда ёмон эди, охир-оқибат ҳаммаси халос бўлди. Мисра:

*Расида буд балое, вале бахайр гузашт.*

(Мазмуни:

*Бир бало етишган эди, бироқ яхшилик билан утиб кетди.)*

Тангри менга қайтадан жон берди. Худди у дунёдан келгандек, онадан энди туғилгандек эдим. Мен хаста эдим, тирилдим. Жон қадрини, Оллоҳ номи билан қасам ичаман, энди билдим.

Султон Муҳаммад бахшига ошпазни эҳтиёт қилиб асрашларини буюрдим. қийнасақ, зикр этганимиздек, ҳаммасини бирма-бир айтиб беради.

Душанба — девон куни улуг, шарафли кишилар, амир ва вазирларнинг девонда ҳозир бўлишларини тайинладим. Ўша икки эр киши ва икки аёлни олиб келиб, сўроқ қилдик. Улар воқеани бутун тафсилотлари билан айтиб бердилар. Чошнигирни пора-пора қилдирдим. Ошпазни тириклайин терисини шилдирдим.

Аёллардан бирини филнинг оёқлари остига ташлаттирдим. Иккинчисини қамаб қўйдим. У ҳам қилган ишига яраша жазосини олади.

Шанба куни бир коса сут ичдим. Якшанба куни ҳам бир коса сут ичдим, „гили махтум“ни араққа аралаштириб ичдим. Душанба куни сутга „гили махтум“ни аралаштириб, „тарёки форуқ“ни эзиб ичдим. Сут ичимни анча сурди. Ойнинг бошида, сешанба куни куйган сафродек қора-қора нарсалар йўқ бўлди. Оллоҳга шукрки, ҳозир касалликдан ҳеч қандай асар қолмади. Жон шу қадар азиз нарса эканини шу пайтгача билмаган эканман. Шундай мисра бор:

*Ким улар ҳолатқа етса, ул билур жон қадрини.*

Қачон бу даҳшатли воқеа ёдимга тушса, беихтиёр ўзга бир ҳолатга тушаман. Тангри таоло меҳрибончилик кўрсатиб, менга қайта бошдан жон бағишлади. Бунинг шукрини қай тил билан ифодалай. Кўнгилларда турли шубҳа-гумонлар пайдо бўлмасин деб, мен нимаики содир бўлган бўлса, ҳаммасини батафсил, шарҳи билан битдим. Гарчи тилга, оғизга ҳам сизмайдиган қўрқинчли воқеа юз берган бўлса ҳам, Тангрига шукрки, менинг яна кун кўрарим бор экан. Ҳаммаси бешикаст ва яхшилик билан ўтди. Кўнглингизга ҳеч бир ташвиш ва ҳавотир тушмасин, деб раби ул-аввал ойининг йигирманчисида, сешанба куни чорбоғда эканимда битилди“.

Бу ташвишлардан қутулишим билан битилган ушбу хатни Кобулга юбордим. Модомики, бу бадбахт кампир бундай катта гуноҳни содир этган экан, Юнус Али ва Хожагий Асадга унинг пул ва нарсалари, қул ва чўриларини олиб қўйгандан сўнг, ўзини Абдурраҳим шиговулга эҳтиёт қилиб сақлаш учун топшириш буюрилди. Унинг набираси, Иброҳимнинг ўғлига авваллари жуда ҳурмат ва эҳтиром билан кўз-қулоқ бўлиб турардик. Модомики, менинг жонимга қасд қилганлар шу оиладан чиққан экан, Иброҳимнинг ўғлини бу ерда ушлаб туришни тўғри, деб ҳисобламадим ва раби ул-аввал ойининг йигирма тўққизинчисида, пайшанба куни уни Комроннинг



ҳузуридан баъзи ишлар билан келган Мулло Сарсонга қўшиб, Комроннинг олдига юборилди.

Ҳумоюн Пураб тоғидаги душманлар устига бостириб бориб, Жунпурни эгаллади. ғозипурга Носирхоннинг устига жадал борди. Бундан хабар топган Насирхон Ганг дарёсини кечиб ўтибди. Шунда Ҳумоюн Ғозипурдан Харийднинг устига бостириб борди. У ердаги афғонлар ҳам бундан хабар топиб, Сару сувини кечиб ўтишибди. Аскарлар Харийдни талаб, ортга қайтдилар. Менинг қароримга биноан, Шоҳ Мир Ҳусайн ва Султон Жунайдни бир қисм сара йигитлар билан Жунпурда қолдириб, қози Жийани ҳам улар билан бирга бўлишини тайинлади. Авадга Шайх Боязидни қўйди. Бу ишларни қўлга олиб ҳамда тартибга солиб булгач, Курара Маникпур атрофидан Ганг дарёсини кечиб ўтиб Калпий йўли билан менинг олдимга кела бошлади. Бу вақтда Калпийда бўлган Оламхон ва Жалолхон жағҳатдан хабарлар келиб турарди, ўзлари келмасди. Ҳумоюн Калпий тугрисиغا етганида, одам юбориб, унинг кўнглидан қўрқувни чиқариб ташлади ва ўзи билан бирга олиб келди.

Раби ул-охир ойининг учинчисида, якшанба куни „Ҳашт биҳишт“ боғига Ҳумоюн келиб, ҳурматимни жойига қўйди. Шу куни Хожа Дўст Хованд ҳам Кобулдан келди.

Ўша кунлари Маҳдий Хожанинг одамлари „Раана Сангаанинг юриши аниқ бўлиб қолди“, деган хабарлар билан устма-уст кела бошлади. Ҳасанхон Меватий ҳам Раанага қўшилиш ниятида эмиш. Ҳаммадан олдин шулар ҳақида ўйлаш керак. Лашкардан илгарироқ битта ёрдамчи қисм ҳам Байанага келса, давлатимизга муносиб иш бўлади, деб лашкарни отлантиришга азму қарор қилиб, Муҳаммад Султон мирзо, Юнус Али, Шоҳ Мансур барлос, Каттабек, Қисмтой Бужака бошчилигидаги лашкарни ўзимиздан олдин илғор қилиб Байанага юбордик.

Ҳасанхон Меватийнинг Ноҳирхон исми угли Иброҳим билан бўлган урушда қўлга тушган эди, уни гаровда ушлаб тургандик. Шу боис унинг отаси Ҳасан-

хон яширинмасдан олдимизга келиб-ке-тиб турарди. Ҳар доим ўглини қайтаришимизни илтимос қиларди. Баъзи мулозимларнинг хаёлига Ҳасанхоннинг майлига қараб, ўгли қайтариб берилса, у кўпроқ биз томонга мойил бўлиб, бизга яхши хизматлар қилади, деган фикр келди. Ҳасанхоннинг ўгли Ноҳирхонга сарпо кийдириб, отасига ваъдалар қилиб рухсат берилди. Бу мунофиқ пасткаш ўглига рухсат тегишини кутиб, тўхтаб турган экан. Ўглининг озод бўлганидан хабар топиши билан, ўгли олдига етиб бормасидан олдиноқ, Алвардан чиқиб келиб, Тудада Раана Сангага қўшилди. Бундай вазиятда унинг ўглига рухсат бериб юбориш ўринсиз бўлган экан.

Бу фурсатларда ёмғир жуда кўп ёғарди, доим суҳбатлар қурадик. Ҳумоюн ҳам бу суҳбатларда иштирок этарди. Гарчи у ичкиликни хуш кўрмаса ҳам, бир неча кун бу ноўрин ишни қилди.

Ўша замонда бўлиб ўтган қизиқ воқеалардан бири мана будир: Ҳумоюн Қалъайи Зафардан Ҳиндустон лашкарига қараб келаётганида йўлда Мулло Бобо Пашағарий ва унинг укаси Бобо Шайх қочиб Кетин Қаро Султоннинг олдига бордилар. Балхликлар қаршилик кўрсатишга ожизлик қилдилар. Балх Кетин Қаро Султоннинг қўлига ўтди. Бу қовоқ-калла пасткаш укаси билан бу тарафдаги ишларни ўз зиммасига олиб, Айбак, Хуррам ва Сорбоғ атрофларига келади. Шоҳ Искандар Балхни берганидан кейин саросимага тушиб, Ғурий қалъасини ўзбакка беради. Мулло Бобо билан Бобо Шайх ўзбакнинг бир неча одами билан Ғурий қўргонига кириб келадилар. Мирҳаманинг қўргони жуда яқин бўлгани боис бирор-бир чора қилолмай, ўзбакнинг қўлига тушади. Бир неча кундан кейин Мирҳамани унинг одамлари билан бу ердан кўчириб, Балх томонга олиб бориш мақсадида Бобошайх бир неча ўзбак одамлари билан Мирҳаманинг қўргонига келишади. Мирҳама Бобо Шайхни қўргонига туширади. Қолганларга ҳар ер-ҳар ердан чодир беради. Мирҳама Бобо Шайхни қилич билан жароҳатлаб, бир неча кишиси билан банди қилиб Тенгрибердининг олдига — Қундузга чопар жўнатади. Тангриберди Ёрвали ва Абдул-

латифга бир неча сара йигитларини қўшиб жўнатади. Булар етиб келгунларича, Мулло Бобо узбакнинг одамлари билан Мирҳаманинг қўргонига келиб урушмоқчи бўлади, лекин ҳеч нарса қилолмайдилар. Мирҳаманинг аскарлари Тенгрибердининг одамларига қўшилиб, Қундузга келдилар.

Бобо Шайхнинг бир укаси ёмон экан, шунинг учун бошини кесдилар ва ўша кунлари Мирҳама уни олиб келди. Мирҳамани меҳр ва шафқат билан ҳаммадан устун куриб, тенгдош ва ўхшашлари ичида алоҳида кўрдим. Боқи шиговул (подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутишга таъйинлаган киши) кетаётганида бу икки қари бадбахтнинг ҳар биттасининг бошига бир сердан олтин ваъда қилгандим. Эсга олинган совгалардан бошқа, яна, мана шу ваъдага мувофиқ, бир сер олтин ҳам Мирҳамага берилди.

Айни шу пайтлари Байанага илгор бўлиб борган Қисмтой бир неча бош кесиб келтирди. Қисмтой билан Бўжака бир неча қазоқ йигитлар (ҳарбий саргардон йигитлар) билан „тил“ ушлашга борганларида кофирларнинг икки бўлинмаси ҳужумчиларини босиб, етмиш-саксон кишини асир қилиб оладилар. Ҳасанхон Меватийнинг ҳақиқатан Раана Сангага қўшилгани ҳақидаги хабарни Қисмтой айтиб келди.

Ойнинг саккизинчисида, якшанба куни Устод Алиқулининг ўша — аввал тош уйини бенуқсон қуриб бўлган, кейин ўқ соладиган қисми (дорихонаси)ни тайёрлаган катта тўпида тош отишини томоша қилишга бордим. У аср намози пайти тўпдан тош отди. Тош бир минг олти юз қадамга учиб борди. Устод Алиқулига камар-ханжар, сарпо ва бир от инъом бўлди.

Жумод ул-аввал ойининг тўққизинчисида, душанба куни кофирларга қарши уруш бошлаш мақсадида сафарга отланиб, шаҳар ташқарисидаги ерлардан чиқиб, далада тўхтадик. Бу ерда уч-тўрт кун лашкар йиғиш ва улар учун қурол-аслаҳа тайёр бўлишини кутиб тўхтаб турдик. Ҳиндистонликларга тўлиқ ишончим бўлмагани боис уларнинг амирларини турли тарафларга ил-

гор қилиб жўнатдим. Оламхон қўл остидагилари билан Гвалийарга Раҳимдодга ёрдам бериш учун илгор қилиб юборилди. Макан ва Қосимбек Санбалийни, Ҳомидни ака-укаси билан ва Муҳаммад Зайтунни Санбалга илгор қилиб белгиладик.

Ушбу қароргоҳда эканимизда Раана Санганинг бор лашкари билан Байана яқинига келиб қолгани ҳақида хабар келди. Қаровулликка борганлар хабар келтиролмас, ҳатто қўргонга ҳам кира олмасдилар. Қўргон халқи у ердан анча олдин эҳтиётсизлик билан чиқадилар. Душман куч билан бостириб келиб, уларни яксон қилади. Сангархон жанжўҳа ўша ерда шаҳид бўлди.

Бу алгов-далговда Каттабек совутини ҳам киймай, отилиб чиқади. Бир кофирни отидан йиқитиб олаётган маҳалида бир ҳинд Каттабек навкарларидан бирининг қиличини олиб, унинг елкасига қаратиб солади. Каттабек кўп азобуқубатни бошидан кечирди. Раана Сангага қарши олиб борилган муқаддас урушда бошқа қатнашолмади. Анча вақтдан кейин яхши бўлди. Аммо ногирон бўлиб қолди.

Қисмтой, Шоҳ Мансур барлос ва Байанадан келганларнинг барчаси, билмадим, қўрққанлариданми, ё халқни қўрқитиш учунми, кофирнинг лашкарини жуда чаққон ва ботир деб, кўп мақтаб таъриф қилдилар.

Тўхтаган лашкаргоҳдан Қосим мирохўрни белчилар (ер қазувчилар) билан қўшин тушадиган жой — Мадҳакур вилоятида кўп чоҳлар қаздиришни тайинлаб, жўнатдик.

Жумод ул-аввал ойининг ўн тўртинчисида, шанба куни, Огра томонлардан жунаб, чоҳлар қазилган жойга келиб тушдик. Эртасига у ердан жўнадик. Бу ўлкаларда катта лашкарга суви етадиган бирдан-бир жой Секрийдир, деган фикрга келдим. Кофирнинг сувни эгаллаб, ўша ерга ўрнашиб олиш эҳтимоли бор. Шу боис лашкарнинг ўнг қанот, чап қанот, марказ қисмларини жанговар тартибда сафлаб, Секрий томонга йўналдик. Дарвеш Муҳаммад сорбон билан Қисмтой Байанага келиб-кетиб юрганлари учун бу ерларнинг ер-сувини кўриб-

билиб юрарди. Уларни Секрий кули ёқасидан қароргоҳ учун жой кўришга ўзимиздан олдинроқ юбордик. Лашкаргоҳга келиб тушгач, Маҳдий Хожа ва Байанадагиларга зудлик билан келиб, бизга қўшилишларини тайинлаб, чопар жўнатдик.

Ҳумоюннинг навқари Бек мирак мўгул бир неча йигит билан кофирдан хабар олиб келиш учун юборилди. Улар кечаси жўнаб кетиб, хабар топиб, эртасига душман одамлари Бусовардан бир курўх олдинроққа келиб тушган эмиш, деган хабарни келтирдилар. Шу кун яна Маҳдий Хожа, Муҳаммад Султон мирзо ва Байанадаги илгор келиб қўшилди. Беклар навбат билан қоровулликка тайинландилар.

Абдулазиз қоровуллик навбати келганида орқа-олдига қарамай, тўғри Секрийдан беш курўх узоқда жойлашган Канваҳага борибди. Кофир бу пайти олдинга қараб юра бошлаган экан, буларнинг бундай тўхтамасдан илгарилаб бораётганини билиб қолиб, буларнинг устига тўрт-беш минг кишиси шу ондаёқ етиб келади. Абдулазиз ва Мулло Опоқ билан бир минг беш юзча одам бирга эди, душман одамлари сонини ҳисобга олмай, қўл жангига киришадилар. Кўп кишиларни йўқотиб, ортларига қараб жўнайдилар. Бу хабар бизга етиб келгач, у ерга Муҳиб Али халифани навқарлари билан юбордик. Мулло Ҳусайн ва яна баъзи кишиларни шошилиш ёрдамга жўнатдик. Сўнгра Муҳаммад Али жанг-жанг ҳам юборилди.

Илгари қилиб тайинланган Муҳиб Алининг одамлари етиб боргунларича, душман Абдулазизни сиқиб келиб, байрогини олиб қўйиб Мулло Неъмат, Мулло Довуд ва Мулло Опоқнинг укаси ва яна бир неча кишини асир олиб, шаҳид қилган экан. Булар етиб борганларида, Муҳиб Алининг тоғаси Тоҳир Табарий олдинга интилади, унга ёрдам етиб бормади, шу ернинг ўзидаёқ уни қўлга оладилар. Муҳиб Али ҳам уруш пайтида отдан йиқилади. Болту унинг ёнидан келиб Муҳиб Алини олиб чиқиб кетади. Душман бир курўх жойгача буларнинг ортидан келаверади. Муҳаммад Али жанг-жангнинг қораси кўрингач, улар тўхтайдилар.

Бизга душман жуда яқинлашиб қолди, деган хабар устма-уст келди. Совут кийиб, отларга кежим солиб, қуролланиб, ҳужумга отландик. Мен аробаларни ҳам тортиб боришларини буюрдим. Бир курўх йўл юрдик. Душман кишилари ортга чекинган экан. Ёнимизда катта кўл бор эди. Унинг сувини деб шу ерда тўхтадик. Араваларни олдинга истехком қилиб занжирлар билан боғладик. Ҳар икки араванинг орасида етти-саккиз қари жой қолдириб, занжир тортилди. Мустафо Румий рум усулида ароба ясаганди. У жуда чаққон ва киришимли уста. Аравалари яхши эди. Устод Алиқули у билан зиддона муносабатда эди. Шу боис Мустафони ўнг қанотга Ҳумоюндан илгарига қўйдим. Арава киролмаган ерга хуросонлик ва ҳиндустонлик белчи ҳамда кетмончиларни солиб, хандақ қаздирилди.

Бу кофирнинг бундай илдам келишидан, Байанада олиб борган урушидан ва Шоҳ Мансур, Қисмтой ҳамда Байанадан келганларнинг мақтову таърифларидан кейин лашкар халқи юраксиз бўлиб қолганди. Абдулазизнинг енгилиши яна бир сари бўлди. Халқнинг кўнглини тинчитиш ва қўшинни ташқи томондан ҳимоялаш учун ароба етмаган ерга ёғочдан сепояга (учоёққа) ўхшаш бир нарсалар ясаб, ҳар икки учоёқнинг орасига ҳўкизнинг хом терисидан тасмалар ясаб, яхшилаб маҳкамлаб боғланди. Бу асбоб ва қуроллар тайёрланиб жойлаштирилгунича йигирма-йигирма беш кун ўтди.

Шу фурсатда Кобулдан Султон Ҳусайн мирзонинг қиз набираси, Қосим Ҳусайн Султон ҳамда Аҳмад Юсуф, Саййид Юсуф ва Қивом Урдушоҳ, яна кимлардир — ҳаммаси бўлиб беш юзтача киши келди. Мунажжим Муҳаммад Шариф шумнафас ҳам улар билан бирга келди. Шароб учун Кобулга борган Бобо Дўст сувчи ҳам Газнанинг энг яхши шаробларидан уч карвон туяга юклаб, булар билан бирга келди.

Бу пайтда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, бекорчи гап-сузлардан, юқорида айтиб ўтганимиздек, лашкар халқининг хавотир ва ваҳимаси янада ошганди. Муҳаммад Шариф мунажжим шумнафас менга айтолмаётган булса-да, йўлида дуч

келган одамга: шу кунлари Миррих гарб томонда турибди, кимки шу тарафдан туриб уруш қилса — енгилади, деб муболағалар билан ишонтиришга уринарди. Бундай шумнафас нима деса, деди. Қўрқиб руҳи тушиб кетган халқнинг кўнглини бадтар синдирди. Унинг бундай бекорчи гапларини эшитиб ҳам утирмай, қилаётган ишларимизни тўхтатмай, урушга астойдил тайёрланиб, жангга шай булиб турдик.

Ойнинг йигирма иккинчисида, якшанба куни Шайх Жамолга Миёни дуоб ёйчиларидан олиб ҳамда Деҳлидан йига олганича аскар йигиб, Меватий қишлоқларини босиб, талаб, қўлидан келганча хатога йўл қўймасликларини тайинлаб, жўнатдим. Токи душманга ўша тарафдан талафотлар бўлсин. Кобулдан келаётган Мулло Турк Алига Шайх Жамолийга қўшилиб, Меватни босиб олиш ва талон-торож қилишда ҳеч бир камчиликка йўл қўймасин, деб фармон бердик. Мағфур девонга ҳам шундай фармон бўлди. Улар бориб Меватнинг узоқ чеккасидаги бир неча қишлоқларни босиб, талаб, одамларини асир қилиб олибдилар. Бундан душман унча катта талафот кўрмади.

Жумод ул-аввал ойининг йигирма учинчисида, душанба куни сайр қилишга отландим. Сайр чогида кўнглимга бир фикр келди: ҳар доим кўнглимда ҳамиша тавба ташвиши юрарди, шариатга хилоф иш қилиш ҳамиша кўнглимга губор соларди, дедимки, эй нафс:

*Чанд боши зи маосий мавакаш,  
Тавба ҳам бемаза нест бичаш.*

(Мазмуни:

*Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ олсан,  
Тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кур.)*

*Неча исён бида олудалигинг.  
Неча ҳирмов аро осудалигинг.  
Неча нафсингга бўлурсен тобе,  
Неча умрунгни қилурсен зов,  
Нияти газв илаким юрубсен,  
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,*

*Кимки улмак узига жазм этар,  
Ушбу ҳолатта билурсейки нетар,  
Дур этар жумла маноҳидин узин,  
Аритур барча гуноҳидин узин,  
Хуш қилиб узин бу кечмакликтин,  
Тавба қилдим чоғир ичмакликтин.  
Олтину нуқра суроҳию аёқ,  
Мажлис олоти тамомин ул чоқ,  
Ҳозир айлаб борини синдурдум,  
Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдим.*

Синдирилган бу олтин-кумуш май идишлари ва бошқа асбобларни муносиб кишилар ва дарвешларга улашилди. Тавбада менга эргашган биринчи киши Асас бўлди. У соқол олиш ва қўйишда ҳам менга тақлид қиларди. Ўша кеча, эртаси куни беклар ва хос амалдорлардан, аскар ва аскар бўлмаганлардан уч юзга яқин киши май ичмасликка қасам ичиб тавба қилдилар. Ўзимизда бор булган шаробни тўктириб ташлаб, Бобо Дўст олиб келган шаробга туз солиб, сирка қилишларини тайинладим. Ичкиликларни тўккан ерда бир „вайн“ қаздирилган эди. Бу вайнни тош билан тўлдириб, унинг ёнига бир хонақоҳ қуришларини ният қилдим.

Тўққиз юз ўттиз бешичи йили, муҳаррам ойида бориб Гвалийарни сайр қилдим. Қайтишда Дулпурдан ўтиб, Секрийга келдим. „Вайн“ ишлари якунига етган эди.

Аввалдан агар Раана Сангаа кофир устидан галаба қилсам, тамгани мусулмонларга совға қиламан, деб ният қилгандим. Тавба замонида Дарвеш Муҳаммад сорбон билан Шайхи Зайн тамгани ҳада қилишни ёдга солдилар. Мен уларга: „Ёдимга солганингиз яхши бўлди, қўлимиздаги вилоятларда мусулмон тамгаси тортиқ бўлди“, деб айтдим. Котибларни чақиртириб, бу рўй берган икки буюк воқеа хабарини билдириш учун фамонлар битишни буюрдим.

Шайх Зайннинг иншоси билан фармонлар битилиб, барча қўл остимиздаги ўлкаларга юборилди. У иншо мана будир.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ФАРМОНИ

Сабаблар сурати инъикосининг тўп-ланиш жойи ва садоқат, тўғрилиқ инжулари нақшининг хазинаси булган

ақл эгаларининг фикр ойинаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзига олурки, инсон табиати ўзининг

яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиш Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл қилишдан узоқ эмас. „Нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгувчидир“. Ундан қайтиш бағишловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. Бу Оллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, бахш этади, Оллоҳ катта эҳсон эгасидир“.

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан гараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шарият ман этган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк этилар ва чин тавба билан уларга қайтиш эшиги ёпиларди.

Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюги булган ичкиликдан қайтиш тавбаси „ҳар иш вақтига боғлиқ“ деган парда остига бекиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр ғайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда гайб илҳомчиси ва ҳақиқат жарчисидан „Имон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Оллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?“ мазмуни эшитилиб гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан қўпориб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик, тавфиқ йўлловчиси „Кимки астойдил эшик қоқса, киради“ мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилиқ кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алқисса, „Эй раббим, нафсларимизга гул қилдик“ни ихлос билан тилга келтириб, „Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен мусулмонларнинг биринчисиман“ деган гапни дил лавҳасига нақш этдик. Кўнгил хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиш тавбаси истагини юзга чиқардик.

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан кўплик ва зийнатда юк-

сак юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлар, бошқа асбобларни ерга уриб, Худо хоҳласа, яқинда синдиришга муваффақ бўладиганимиз бутлар каби, пора-пора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул этилишга яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳ муқаррабларидан кўплари „кишилар подшоҳлари изидан бордилар“тақ мажлиснинг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан бахтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, „Яхшиликка ундовчи киши — яхшилиқ қилган кишидек“ деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлмай ва бу саодат баракатидан олға босиш ва галаба кундан-кунга орта боргай.

Бу орзу ва осойишталик тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсунishi лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч саҳланган мамлакатда (Худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида саҳламасин, элтмасин ва келтирмасин: „Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсангизлар“.

Бу галабанинг шукронаси ва чин тавбанинг қабул даражасига эришмогининг садақаси учун, подшоҳликнинг бахшиш дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилиқ обрўйи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ва даромади ҳаддан ташқари кўп булган тамгани, ўзи ҳам шарият қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон бўлдики, ҳеч шаҳар, қишлоқ, йўл, гузар ва бандарларда тамга олмасинлар ва ундирмасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: „Кимки буни эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади“.

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сиғинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ — бутун мил-

латлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абдийликка бириккан давлатимиз дуосига машгул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуг подшоҳ имзо-си билан етишса, эътимод қилсинлар.

Амри олий билан 933 (ҳижрий) йили жумод ул-аввал ойининг 24- кунда ёзилди.

Шу кунларда бўлиб утган воқеалардан, аввал ҳам зикр этилганди, каттаю кичикда қўрқув ва хавотир ошди. Ҳеч кимдан мардона суз ва шижоатли фикр эшитилмасди. На сўзамол вазирлар ва вилоят сўраётган амирларнинг на сўзларида, на тадбирлари мардоналик бор эди, на ўзлари ва қарорларида ҳиммат бор эди.

Бу юришда биргина Халифа ўзини жуда яхши тутди. Ҳокимиятни қўлда тутиш, мустаҳкамлаш бобида саъй-ҳаракат ва ғайрат қилиб хатога йўл қўймади.

Охири, одамларнинг бундай қўрқоқлик ва сустликларини кўриб, бир режа уйлаб топдим. Барча бек ва йигитларни чақириб шундай дедим:

„Беклар ва йигитлар!

*Ҳарки омад бар жаҳон аҳли фано  
хоҳад буд,  
Онки пояндаву боқист, Худо хоҳад буд.*

(Мазмуни:

*Ҳар кимса бу жаҳонга келаркан, охири йўқликка кетади, абадий қолувчи ёлғиз Оллоҳдир.)*

Ҳаёт мажлисига кирган одамнинг ҳар бири охир-оқибат ажал қадаҳидан ичади ва тириклик манзилига келган ҳар бир киши охири дунё ғамхонасидан кечи-иб кетади. Ёмон ном билан тирик юргандан, яхши ном билан ўлган афзал.

*Ба номи некӯ гарбмирам равост,  
Маро ром боадки, тан маргрост.*

(Мазмуни:

*Яхши ном билан улсам, шу етади, менга яхши ном керак, тана эса улим учундир.)*

Тангри таоло бундай саодатни бизга насиб қилибди ва бундай давлатни бизга яқин айлабди. Ўлган — шаҳид, ўлдир-

ган — гозий. Барчангиз Тангрининг каломи номи билан бу урушдан ҳеч ким юз ўгиришни хаёлига келтирмаслиги ва то танасидан жони чиқмагунича, бу жанг ва урушдан чиқиб кетмаслигини айтиб, онт ичмоғингиз керак“.

Бек ва навкар, каттаю кичик — ҳаммаси истак билан Қуръонни қўлига олиб, ана шу мазмунда қасам ичиб, ваъда бердилар. Бу жуда яхши режа эди. Яқин-йироқдаги дўсту душманнинг кўзи ва қулоғи эшитиши учун яхши бўлди.

Шу кунлари ҳар тарафдан гавго-тўполонлар кўтарилди. Ҳусайнхон Нуҳоний келиб Раприйни олди. Қутбхоннинг одамлари Чандварни эгаллади. Рустамхон деган пасткаш Миёни дуобдаги ёйчиларни тўплаб келиб, Куйилни эгаллади, Кичик Алини асир қилиб олди. Зоҳид Санбални ташлаб чиқди. Султон Муҳаммад дўлдой Қаннўжни қолдириб менинг олдимга келди. Гвалийарни гвалийарлик кофирлар келиб, ўраб олдилар. Гвалийарга ёрдамга юборилган Оламхон Гвалийарга бормай, ўз вилоятига кетди. Ҳар куни ҳар томондан бир нохуш хабар келиб турарди. Айрим ҳиндустонликлар лашкарни ташлаб қоча бошладилар: Ҳайбатхон каркандоз Санбалга қочи-иб кетди, Ҳасанхон Баривал қочи-иб, кофирларга қўшилди. Буларга парво қилмай, фақат ўзимизга ишондик.

Аравалар, галтакли учоёқ аравачалар, қурол-яроғлар тайёр бўлгач, жумод ул-охир ойининг охири, сешанбада — наврўз куни кўчдик. Ўнг қанот, чап қанот ва марказни сафлаб, олдимиздаги арава ва галтакли сепоялар билан олдинга ҳаракат қилдик. Устод Алиқулига ўзининг милтиқлилари билан аравачилар ортидан, улардан қолиб кетмай, сафланиб бўлиб яёв бориш буюрилди. Ҳамма сафда ўз жойини эгаллаганидан сўнг, отда илдам бориб, ўнг қанот, чап қанот, ва марказдаги бек ва йигитларнинг кўнглини кўтариб, ҳар бир қисмининг қаерда туриши ва қай йўсинда юришини белгилаб, кўрсатдик. Ушбу тартиб-интизом билан биз бир куруҳча йўл босиб, тўхтадик.

Кофирнинг одамлари ҳам бизнинг яқинлашаётганимиздан хабар топиб, бўлак-бўлак сафланиб бизга қараб кела

бошладилар. Лашкар тўхтаб, аравалар урнатилиб, хандақлар қазилганидан сўнг, ўрду ва унинг атрофи муҳофазасини мустақкамладик. Ўша куни уруш бошлаш ниятимиз бўлмаганлиги боис озгина йигитларимиз олдинга бориб, душманнинг одамлари билан олишиб, ўз бахтларини синаб кўрдилар. Бир нечта кофирни қўлга олиб, бошини кесиб келтирдилар. Малик Қосим ҳам бир нечта бош кесиб олиб келди. У ўзини жуда яхши тутди. Буларнинг барчасидан жангчиларнинг кўнгли анча кўтарилди, улар қувонди. Одамларда ўзгача қувонч пайдо бўлди.

Эртасига беклар билан уруш қилиш ниятида жўнамоқчи бўлган эдик ҳамки, Халифа ва бошқа хайрихоҳ баъзи кишилар тўхтаган еримиз яқинлигини, уни аввал хандақ билан ўраб, мустақкамлаб, кейин уруш бошласак, мақсадга мувофиқ бўларди, деган фикрни билдирдилар. Хандақ қазиш ишлари учун Халифанинг ўзи отланиб, хандақ қазиладиган ерларни белчиларга кўрсатиб,

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ҒОЗИЙ ФАРМОНИ

*...Тангри неъматларининг кетма-кет келиб туриши унга шукр ва сано айтишнинг кўпайишига боисдир. Тангрига шукр ва сано айтишнинг кўпайиши Тангри неъматларининг кетма-кет келиб туришининг сабабидир. Ҳар неъматга бирор шукр лозим ва ҳар шукрга унинг кетидан бирор неъмат. Шукр лавозимларини адо қилиш инсон кудратидан юқори ва иқтидор эгалари унинг маросимини жойига қўйишдан ожиздир. Айниқса, шукр шундай бир неъмат муқобилида бўлсаки, дунёда ҳеч бир бойлик ундан буюкроқ ва охиратда бирор яхшилик ундан гузалроқ бўлмаса. Бу эса, кучли кофирларга галаба қозониш ва мағрур фожирларга устун келишдан бошқача бўлмайдик, буларга ухшашлар тугрисида „Улар кофирлар ва фожирлар“ деган оят ингандир ва ақл эгаларининг ўткир кўзларига бу галабадан кўра яхшироқ саодат кўринмайди.*

*Худога шукрки, тугилгандан то шу дамгача хайрихоҳ хотир ва тўғрилиқ истар кўнглининг асл матлаби ва туб мақсади бўлиб келган у буюк саодат ва*

*улар устидан назоратчилар белгилаб келди.*

Жумод ул-охир ойининг ўн учинчисида, шанба куни араваларни олдимизга қатор қўйдириб, ўнг қанот, чап қанот ва марказга сафланиб, қаторлар бир куруҳга яқин йўл юриб келиб, белгиланган жойга тушдик. Баъзи чодирлар тикиб бўлинган, баъзилари энди тикилаётган эди ҳамки, душманнинг сафи кўрина бошлаганлиги ҳақида хабар келтиришди. Дарҳол ўнг қанот ўнг қанотга, чап қанот чап қанотга — жой-жойларига бориб, сафларни аравалар билан тўсиб, мустақкамлашлари буюрилди. Ушбу „Фатҳнома“дан ислом лашкарининг кайфияти ва кофирлар тўдасининг камчилик эканлиги, қатор ва сафларнинг туришлари, ислом аҳли ва кофирларнинг урушлари аниқ ва маълум бўлади. Шайх Зайн томонидан битилган бу „Фатҳнома“ ҳеч қандай ортиқча сўз ва камчиликларсиз бу ерда қайд этилмоқда.

*у улуг бахшиш бу муборак кунларда буюк Тангрининг лутф-карам боргоҳидан юз кўрсатиб қолди. Беминнат ва беиллат мушқулларни очувчи ва файз сочувчи янгидан зафар қалиди билан файз эшикларини галаба қозонган шоҳимизнинг улуг чеҳраларига очди, севинчга тўлган қўшинларимизнинг атоқли номлари иззатли ғозийлар дафтарига ёзилди ва ислом туги зафарёб лашкарларимизнинг мадади билан кўтарилиш ва юксалиш авжига етди.*

*Бу саодат ва давлатнинг содир ва зоҳир булиши шундай юзага келди: ислом таянчи бўлган аскарларимиз қиличларининг шуъласи фатҳ ва зафар нурлари билан ҳинд мамлакатларини мунаввар қилгандан кейин, илгариги „Фатҳнома“ларда баён қилинганидек, муваффақият қўллари галаба нишонли байроқларимизни Деҳли, Огра, Жўнпур, Хариёд, Биҳар ва бошқа улкаларда кўтарди. Халқларнинг кўпчилик мусулмон ва кофир тоифалари бизнинг қутлуг подшоҳлигимизга бўйсуниб, қуллик йўлига садоқат ва ихлос қадамини қўйдилар.*

Аммо Раана Сангаа кофир утган вақтларда қутлуғ подшоҳлигимизга бўйсунганлигини иқрор қилиб келган бўлса ҳам, ҳозирда у „тортинди ва кибрланди ва кофирлар жумласидан бўлди“ мазмунига мувофиқ шайтонсифат бош тортиб, биздан ажралганларга бошлиқ бўлди ва шу билан бир қанча тоифаларнинг бирикишига сабабчи булдики, баъзиларнинг гарданида зуннор тавқи ва айримлари муртадлик тикани меҳнатигагирифтор эди. У малъун кофирнинг истилоси ҳинд вилоятида шу мартабада эдики, подшоҳлик давлатининг қуёши порлашдан бурун ва шаҳаншоҳлик хилофати нурунинг барқ уришидан илгари, шу билан бирга, катта рожалар ва ройлар бу қиргинда унинг фармонига бўйсунганлари ҳолда бу урушда унинг жиловиди булган ва муртадлик билан тавсифланган ҳокимлар ва йўлбошчилар ўз улугликларини назарда тутиб, ҳеч бир қиргинда унга бўйсунмаганлар, балки у билан биргалашмаганлар. Ва ҳеч бир сафарда суҳбатдошлик ва рафиқлик йўлини тутмаганлар. Бу кенг улканинг барча улуг султонлари, чунончи, Деҳли султони, Гужарат султони, Манду султони ва бошқалари ўзга кофирлар билан биргалашмай, у бузуқи билан қаршилиқ кўрсатишдан ожиз бўлиб, ҳийла йўсунидаги мулойимлик йўлини тутиб, у билан келишувчилик қилиб келганлар. Кофирлик туғини ислом мамлакатларининг икки юзга яқин шаҳрида тиккан эди. Масжид ва ибодатхоналарни хароб қилиб, у жойлардаги мўминларнинг хотин, бола-чақаларини асир қилди. Унинг қуввати воқеий ҳолатдан утиб, шу даражага бордики, Ҳиндда қарор топган қоидага кўра, бир лаклик вилоятни ўн минг сувор ва бир карўрли вилоятни ўн минг сувор эътибор қиладилар, у кофирлар сардорининг қўлга киритган мамлакатлари ўн карўрга етди. Бу даромад бир лак сувор ўрнида бўлади.

Бу кунларда машҳур кофирларнинг кўпгинаси ҳеч қачон ҳеч бир маъракада унга мадад бермаганлари ҳолда, ислом аскарларига душманликлари жиҳатидан унинг бузуқтабиат лашкарлари сафини орттирдилар. Чунончи, худди тутундай саркашлик даъвосида бўлган

ва турли жойлар кофирларининг бошловчиси ҳисобланган унта мустақил ҳоким у ярамас кофирга кишан ва занжирдек ёпишиб олди. У унта башоратланганлар қаршисига чиқиб, ёмонлик туғини ёйган унта кофирнинг қарамлари ва қўшинлари ҳамда гоят кенг вилоятлари бор эди. Чунончи, Салоҳиддин ўттиз минг суворийли, Равал Удай Синг Багарий ўн икки минг суворийли ва Мединий Рав ўн икки минг суворийли, Ҳасанхон Меватий ўн икки минг суворийли, Бармал Идрий тўрт минг суворийли, Нрипат Ҳара етти минг суворийли, Сатравий Кейчий олти минг суворийли, Дҳарам Дэв тўрт минг суворийли, Бирсинг Дэв тўрт минг суворийли вилоятга эга эди.

Маҳмудхон Искандархон ўглининг вилоят ва қишлоғи бўлмаса ҳам, сардорлик умидида тахминан ўн минг суворий жам қилган эди. Соғломлик ва омонлик водийсидан узоқлашганларнинг жами, Ҳинд қишлоқ ва вилоятларида давом этиб келган қоида буйича, ҳаммаси бўлиб, икки лак бир минг бўлган эди.

Алқисса, у мағрур ичи қора кофир бағри қаттиқ кофирларнинг кўнгилларини юзаки бириктириб, мусулмонларга қаршилиқ кўрсатиш ва улар билан урушиш ҳамда пайгамбар алайҳиссалом шариатининг асосларини емириш ҳолатига утди. Подшоҳнинг жангчи аскарлари Худонинг балосидек у кўзсиз қора дажжоллар бошига ёпирилиб, „қазо етишса, кўз кўр бўлади“ деган ҳукмни хулқ ва номус эгаларининг ўткир назарларига манзур қилдилар ва „жимки дин учун уруш қилса, албатта, у ўз нафси учун уруш қилган бўлади“ оятини мулоҳаза қилиб, „кофирларга ва мунофиқларга қарши урушинг“ деган бажарилиши лозим бўлган ҳукмни амалга оширдилар.

933 (ҳижрий) йил жумод ус-соний ойининг 13-нчи шанба куни Байана музофотининг Канва мавзесидаги тоғ атрофида душмандан икки қуруқ масофада галабанишонли ислом лашкарларининг чодирлари тикилди. Ислом суворийларининг ҳашамат ва дабдабалари дин душманлари ва кофир лаъинларнинг қулоқларига етиши билан муҳаммадий



миллат муҳолифлари, аҳли ислом каъбасини бузишга бел болаган „асҳоби фил“дек, тогжусса ва девҳайбат филларни узларига мададкор ва таянч қилиб, ҳаммалари бир жон, бир тан булиб, уз бузуқи лашкарларини тартибга солдилар.

Назм мазмуни:

Залил ҳиндилар, „асҳоби фил“ каби, уз филларига магрур булдилар.

Ҳаммалари ажал тунидек хунук ва шум, тундан қора ва юлдузлардан купроқ эдилар. Ҳаммалари худди оловдек, лекин тутун каби кеккайиб, кум-кук осмонга бош тортган эдилар. Отлиқ ва яёв, худди чумолидек минг-минглаб унг ва сўлдан келдилар.

Уруш қасдида енгилмас ўрду томон йўналдилар. Шижоат бустонининг дарахтларига ухшаган газотчи ислом аскарлари санавбардай саф тортиб, санавбар шаклли пўлат қалпоқларининг қуёшдай порловчи учларини, Худо йўлида жанг қилувчиларнинг қалбларидек, юксаклик авжига етказдилар. Сафлар Искандар деворидек темирга айланган ва тузилиш пайгамбар шариятининг йуллари каби тўғри ва мустақкам эди. Қувватининг матонати „гуёки тубдан бир-бирига чирмашиб кетган“; нажот ва бахтиёрлик „улар Худодан бўлган тўғри йўлдадилар ва улар нажот топгандилар“ деган сўзга мувофиқ, уларнинг хос сифати эди.

Қитъа (мазмуни):

Шаҳаншоҳнинг раъйи каби ва барқарор, диндек кишиларда қўрқув йўқликдан сафлар раҳнасиб. Унинг байроқлари ҳамма ёққа ёйилган, ҳаммаси „Инна фатаҳна“ (Биз фатҳ қилдик) алифларидек.

Ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни кўзда тутиб қўшиннинг олд томонига қўйилган туфакчилар ва раъдандозларни Рум жангчилари йўсинида паналаш учун аробалардан бир саф тартиб бериб, улар бир-бирларига занжир билан туташтирилди.

Алқисса, ислом аскарлари шундай интизом ва истеҳком пайдо қилдиларки, буюк ақл ва юксак фалак унинг тадбирчиси, тартиб берувчисига офарин деди.

Бу тартиб ва интизомни, қувват ва истеҳкомни вужудга келтиришда ҳазрат

султоннинг яқини, хоқоний давлатининг суянчиги Низомиддин Али Халифадонинг ҳамма саъй-ҳаракат ва тадбирлари тақдирга мувофиқ, барча сардорлик ва иш юритишлари подшоҳнинг порлоқ раъйига мақбул тушди.

Подшоҳнинг гулда туришига қарор берилди.

Гулнинг унг томонида: Мададга Худонинг лутфига хос булган саодатли қутлуғ азиз катта биродар Чин Темур Султон ва Худо назарига манзур булган катта азиз фарзанд Сулаймоншоҳ, тўғри йўл эгаси валий нисбатли жаноби Хожа Камолиддин Дуст Хованд, олий салтанат таянчи, энг яқин ва ихтисос эгаларининг зубдаси Камолиддин Юнус Али, хослар таянчи, комил ихлосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос, хослар таянчи, ихтисос эгаларининг зубдаси Низомиддин Дарвеш Муҳаммад сорбон, хослар таянчи, чин ихлосли Шиҳобиддин Абдулло китобдор ва Низомиддин Дуст эшикога уз уринларида қарор топдилар.

Гулнинг чап томонида: салтанат эгаси, халифаликка нисбатли Султон Оловуддин Оламхон бинни Султон Баҳлул Лудий, ҳазрати султоннинг яқини, кенгаш ва маслаҳатчи садрларнинг буюги, исломнинг қуввати Шайх Зайни Хавофий, хослар таянчи, комил ихлосли Камолиддин Муҳиб Али, ҳазрати султоннинг яқини, хослар таянчи Низомиддин Турдибек (марҳум Қуч Аҳмадбекнинг биродари), асилзода ва аъёнлар буюги, улуг хон Оройишхон, мазкур Қучбек марҳумнинг угли Шерафган, халқ ўртасида вазирларнинг буюк вазири Хожа Камолиддин Ҳусайн ва буюк девон кишилари гуруҳидан ҳар бирлари муқаррар қилинган уринда турдилар.

Баронгорда азиз ва улуг фарзанд, саодатли ва бахтиёр, салтанат ва хилофатнинг эъзозлиси Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодир ўрнашиб, унг томонига фарзанди азиз салтанат эгаси Қосим Ҳусайн Султон ва хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф уғлоқчи ва мамлакат ишончи, комил ихлосли Жалолиддин Ҳиндубек қавчин, мамлакат ишончи, чин ихлосли Жалолиддин Хисрав кўкалдош, мамлакат ишончи Қивомбек Ўрдушоҳ, хослар таянчи, комил эътиқод ва ихлос

ли Вали хозин қароқузи, хослар таянчи Низомиддин Пирқули Сийстоний, эл уртасида вазирлар таянчи Хожа Камолиддин Паҳлавон Бадахший, хослар ишончлиси Низомиддин Абдушшукур ва аъёнлар ишончлиси Ироқ элчиси Сулаймон оқо ва Сийстон элчиси Ҳусайн ога қарор топди. Айтиб ўтилган давлатли фарзандимизнинг зур галабали чап томонида олижаноб Муртазога нисбатли саййид авлоди Мирҳама, хослар таянчи Шамсиддин Муҳаммадий кукалдош ва Низомиддин Хожаги Асад хондор тайинландилар.

Баронгорда ҳинд амирларидан мамлакат таянчи, хонлар хони Диловархон, аъёнлар таянчи Маликдод Караний ва аъёнлар таянчи шайхлар шайхи Шайх Гуран — ҳар бирлари буюрилган ерларда турдилар.

Ислоншиорли қўшиннинг жавонгорида олий даражали пайгамбарнинг энг зубда авлоди Саййид Маҳдий Хожа, энг азиз ва улуг биродар Муҳаммад Султон мирзо, салтанат эгаси ва хилофат нисбатли Одил Султон Маҳмуд Султон ўғли, мамлакат ишончи Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг, хослар таянчи, комил ихтисосли Жалолиддин Қутлуққадам қаровул, хослар таянчи, комил ихтисосли Жалолиддин Шоҳ Ҳусайн Боракий мўғул гончи ва Низомиддин Жонибек Муҳаммадбек атка саф тортдилар.

Бу тарафда ҳинд амирларидан султонлар хулосаси Камолхон ва Жалолхон мазкур Султон Аловуддин ўғиллари, аъёнлар ишончлиси Алихон Шайхзода Фармулий ва аъёнлар ишончлиси Низомхон Байана тайин булган эдилар.

Тулгама учун хослар ишончи комил ишончли Турдика ва Малик Қосим Бобо Қашқанинг биродари барча мўғул тўдалари билан — баронгор томонида; хослар таянчи, тугри ихтисосли Мўмин атка, хослар таянчи Рустам туркман бошлиг хос аскарлардан бир тўдаси билан жавонгор томонда номзод бўлдилар. Хослар таянчи комил ихтисослиларнинг сараси Низомиддин Султон Муҳаммад бахши ислом гозийлари аъён ва арконларини тайинланган жойларида сахлаб, ўзи бизнинг ҳукмларимизни эшитишга тайёр турарди. Тавочи ва ясо-

вулларни теварак-атрофга юбориб, аскар ва сипоҳийларни забт қилиш бобида ҳукмларимизни буюк султонларга, иззатли амирларга ва ҳурматли гозийларга етказиб турарди.

Қўшин керак-яроги барпо ва муҳайё бўлиб, ҳар киши уз жойига бориб турганда сўзсиз бажарилиши лозим бўлган шарафли фармон содир бўлдики, ҳеч ким буйруқсиз турган ўрнидан қимирламасин ва рухсатсиз урушга киришмасин.

Мазкур кундан бир қисми утган эди, икки муқобил томон бир-бирига яқин келиб, уруш бошланиб кетди. Икки томон гули, гўё нур ва зулмат каби, бир-бирларига қарши туриб, баронгор ва жавонгорда шундай зур уруш бўлдики, ер юзига зилзила ва юксак осмонга гулгула тушди. Кофирларнинг бузуқи жавонгори исломнинг маборак аскарлари баронгори томон йўналиб, Хисрав кукалдош, Бобо Қапқанинг биродари Малик Қосим устига ҳужум қилдилар. Энг азиз ва улуг биродар Чин Темур Султон буйруқ бўйича уларнинг ёрдамига бориб, мардона уруш бошладик, кофирларни жойидан улоқтириб, қалблари кетигача деярли силкитиб юборди. Галаба инъоми у азиз биродарнинг номига бўлди. Замона нодири Мустафо Румий улуг яратувчининг иноят назарига манзур бўлган, қайтарувчи ва буюрувчи маликнинг лутф-карамлари билан ихтисос топган бахтиёр ва энг азиз фарзандимиз Муҳаммад Ҳумоюн Баҳодирнинг гулидан араваларни олдинга келтириб, кофирларнинг қўшинлари сафларини туфак ва зарбзан билан қалбларидек чил-чил қилди. Худди уруш пайтида азиз ва улуг биродар Қосим Ҳусайн Султон, хослар таянчи Низомиддин Аҳмад Юсуф ва Қивомбек фармон олиб, уларнинг ёрдамига бордилар. Кофирларнинг гуруҳлари уқтин-уқтин уз кишилари ёрдамига етиб келардилар.

Биз ҳам мамлакат ишончи Жалолиддин Ҳиндубекни, унинг кетидан хослар таянчи Муҳаммадий кукалдош ва Хожаги Асад жондорни, ундан кейин олий салтанат таянчи ва хос яқин Жамолиддин Юнус Али, хослар таянчи комил ихтисосли Жалолиддин Шоҳ Мансур барлос ва хослар таянчи Шиҳобиддин

Абдулло китобдорни, улар орқасидан хослар таянчи Дуст эшикога ва Шамсиддин Муҳаммад Халил ахтабегини кумака юбордик.

Кофирларнинг баронгори неча мартабадан ислом қўшини жавонгори томон ҳужум қилиб, узларини нажот эгалари гозийларга етказдилар. Ҳар гал азамат гозийлар баъзиларини зафарли ўқлар билан тамугга юбориб, бир қисмини қайтардилар. Хослар таянчи Мўмин атка ва Рустам туркман бадкирдор кофирларнинг зулматшиор қушинларининг орқасидан йўналдилар. Навкарлар бошлиги хослар таянчи, тўғри ихлосли Хожа Маҳмуд Али атка ва ҳазрати султоннинг яқини, хоқоний давлатининг ишончи Низомиддин Али Халифани ушлар кумагига юбордик. Азия ва улуг биродар Муҳаммад Султон мирзо, салтанат эгаси Одил Султон, мамлакат ишончи Муизиддин Абдулазиз мирохур, Жалолиддин Қутлуққадам қаровул ва Шамсиддин Муҳаммад Али жанг-жанг ва хослар таянчи Шоҳ Ҳусайний Боракий мўгул гончи маҳкам туриб, уруш қилдилар. Эл аро буюк вазирлар вазири Хожа Камолиддин Ҳусайни девон кишилари гуруҳи билан уларнинг кумагига юбордим. Барча жангчилар тулиқ саъй ва гайрат билан урушга рағбат кўрсатиб, „Айт, икки эзгуликдан бошқа бирор нарсани биздан кутадиларми?“ деган оятни назари эътиборга олдилар ва жон бериш юришини қилиб, жон олиш байрогини кўтардилар.

Уруш-ўлдириш узоққа чўзилиб охири кўринмас бўлгандан кейин, ижроси мажбурий фармон етишдики, занжирланган шердек арава кетида турган подшоҳга хос аскарлардан жанговар йигитлар, яқдиллик урмонида ётар арслонлар гулнинг ўнг ва сўлидан чиқиб, туфакчиларнинг жойини ўртада қолдириб, икки томондан жанг қилсинлар. Улар уфқ пардасида кўринган тонг ёругидек, араба кетидан чиқиб ҳужум қилдилар. Манҳус кофирларнинг шафақ тусли қонларини фалак гунбазига ўхшаган маърака майдонида тукиб, кўпчилик саркашларнинг бошларини тан фалагидан юлдуздек маҳв қилдилар.

Замона нодири Устод Алиқули ўз кишилари билан гулнинг олдида туриб, мардоналик кўрсатиб, темир қўргондек кофирлар сафига шундай катта жусса-ли тошларни отардики, агар у тошни амаллар тарозисининг палласига солсалар, эгаси „Кимнинг тоши огир келса, у яхши турмушда яшайди“ деган ном олади ва агар қаттиқ тоққа ва баланд тепага отсалар, „таралган юнгдай“ тит-пит қилиб юборади. Мана шундай тош, туфак ва зарбзан отиш билан кўпчилик кофирларни қулатди.

Подшоҳ гулнинг туфакандозлари, буйруқ бўйича, аравадан майдон ўртасига келиб, ҳар бирлари кофирлардан кўпига ўлим заҳарларини ичирдилар. Пиёдалар зўр хатарли ўйинга кириб, ўз номларини урмон шерлари ва мардлик майдонининг ботирлари ўртасида мапҳур қилдилар.

Бу аҳвол муносабати билан ҳазрати Хоқондан, гулнинг аробаларини илгари суришга фармон бўлди. Шахсан подшоҳнинг ўзи, ўнг томондан фатҳ ва давлат, сўл томондан иқбол ва нусрат бўлгани ҳолда, кофирлар қўшини томон қўзгалди. Теварак-атрофдан зафарнишонли кўшин бу ҳолни мушоҳада қилиб, зўр қўшин денгизида даҳшатли тўлқин кўтарилди ва бу денгизнинг барча наҳанг балиқлари шижоатини юзага чиқарди. Губор зулмати бутун майдонни қора булут каби қоплаб, қиличларнинг ярақлаши чақмоқ чақишдаги ялтирашдан ҳам утиб кетди. Гарднинг кўтарилиши кун юзини ойнанинг орқа томонидай бенур қилиб қўйди, калтак урувчи билан калтак егувчи, голиб билан мағлуб арлашиб кетиб, бирини биридан ажратиш қийин бўлди. Замона сеҳргари шундай бир кечани назарга келтирдик, унда тийрдан бошқа сайёра, йўлида маҳкам турган суворийлардан ташқари тургун юлдузлар кўринмас эди.

Назм мазмуни:

Уруш куни қоннинг нами (ер остидаги) балиққа, гард эса (осмондаги) ойга етди. Бу кенг даштда отларнинг туёқлари зарбидан ер олтига, осмон саккизга айланди.

Гозий жангчилар, айни жон олиб, жон бериб турган пайтда гайб нидочисидан: „Қайгурманг, умидсизланманг,

гамга тушманг — галаба сизларда“ деган хушхабар эшитар, аниқ хабарлар етказувчидан: „Оллоҳдан ёрдам ва фатҳ яқиндир, мўминларга башорат қил“ деган хушхабарни тингладилар, шундай шавқ билан уруш қилардиларки, қўқори олам фаришталаридан уларга таҳсин нидоси етарди. Муқарраб фаришталар парвона каби уларнинг бошларидан айланардилар. Икки намоз орасида уруш шундай гурилладики, у машъаллардан фалакларга байроқ кўтариларди. Ислому лашкарларининг баронгор ва жавонгорлари кофирларнинг баронгор ва жавонгорларини гул билан бирликда бир ерга туплади.

Номдор жангчиларимиз галабаси асарлари ва ислом байрогининг қўқори кўтарилиши зоҳир бўла боргани сари, у малъун кофирлар ва ярамас динсизлар бир муддат ўз ҳолларига ҳайрон бўлиб турдилар. Охирда жонларидан кўнгил узиб, гулнинг ўнг ва сўлида ҳужумга ўтдилар. Сўл томонда кўпроқ ҳужум қилиб, ўзларини яқин етказдилар. Аммо шижоатли гозийлар савобни кузда тутиб, ўқ кўчатини ҳар бирларининг кўкраклари заминига ўтқаздилар ва ҳаммаларини ўзларининг қора бахтлари каби орқага қайтардилар. Бу ҳолат нусрат ва иқбол шабадаларини қутлуқ наввоблик давлатимиз чаманига эстирди. Ва „Ҳақиқатан, биз сенга ёрқин галаба эшигини очдик“ муждасини етказди. Фатҳ гузалининг оламга оро берувчи жамоли „Оллоҳ сенга улуг нусрат билан кўмак беради“ кокили билан безалиб, парда остида яшириниб турган иқбол саодати ёрдам бериб, бу ҳолнинг гувоҳи бўлди.

Бузуқ ҳиндлар ўз ҳолларини мушкул билиб, „титилган юнгдек“ сочилиб ва тўзиган палосдек нобуд бўлдилар. Кўплари ўлиб, маърака майдонида қолдилар, бирмунчалари бошларидан кечиб чўлларда сарсонликка тушдилар ва қарға-қузгунга емиш бўлдилар. Ўлганлардан тепалар ва бошлардан миноралар юзага келди.

Ҳасанхон Меватий туфак зарби билан ўлганлар қаторига тизилди; халойиқ сардори бўлиб келган, йўлдан озган саркашларнинг куплари ўқ ва туфак тегиб ҳаётларини тугатдилар. Жумладан, Удайпур вилоятининг ҳокими, ун икки минг суворийли Равал Удай Синг Багарий; тўрт минг суворийли Раай Чандарбан Чавҳан; олти минг суворийли Чандерий улкасининг ҳокими Бупат Равмазкур Салоҳиддин ўгли; тўрт минг суворийли Маникчанд Чавҳан ва Дилпат Рав; ўттиз минг суворийли Гангу, Карамсинг ва Дангурсий, яна ҳар бири бир гуруҳ бошлиги ва шавкат ҳам шуқуҳ эгаси булган бошқалари тамуғга йўлландилар ва бу ботқоқлик ўтидан энг чуқурликка кетдилар. Кофирларнинг мамлакати мажруҳлар ва ўликлар билан жаҳаннамдек тулди, жаҳаннамнинг энг туби дўзах посбониға жон топширган мунофиқларга лиммо-лим бўлди.

Ислому аскарларидан ҳар ким бир томонга борса, ҳар қадамда бир саркашнинг ўлигини топар эди. Урдуга қочувчилар кетидан юурса, ҳар бир қадами янчилган бир ҳашаматли гавдадан холи топмас эди.

Ҳама ҳиндулар ўлдирилган хор-зор,  
Туфак тоши билан „асҳоби фил“дай.  
Таялардан тоғлар бўлди аён,  
Ҳар бир тоғда у чашмадан оқарди қон.  
Зур шуқуҳли саф ўқининг қўрқинчидан  
Қочиларди ҳар бир дашту тоғ томон.

933 (ҳижрий) йил, шаъбон ойининг 25-нчисида битилди.

Бу галабадан кейин „тугро“да\*\* „гозий“ сўзи битилди. Фатҳномада тугронинг остида ушбу рубойини битдим:

Ислому учун оворан ёзи бўлдум,  
Куффору ҳунуд ҳарбсози бўлдум,  
Жазм айлаб эрдим узни шаҳид улмоққа,  
Ал-миннату лиллаҳки, гози бўлдум.

Шайх Зайн бу фатҳга „Фатҳи подшоҳи ислом“\*\* жумласини таърих қилиб топган эди. Мир Гису ҳам таърихни ушбу жумладан топиб, рубойи битиб, Қобулдан келаётган кишилардан менга

\* Тугро — буйруқ ва ёрликларнинг тепасига катта қилиб ёзилган подшоҳ белгиси.

\*\* „Фатҳи подшоҳи ислом“ жумласи араб ҳарфлари билан ёзилиб, абжод ҳисобида ҳисоблаб чиқилса, 933 ҳижрий йил келиб чиқади, милодий йил ҳисобида 1527 йил.

юборган эди. Таворуд\* руй берибди. Ҳам Шайх Зайн, ҳам Мир Гисунинг рубойларидан топган сўзлари жуда яхши бўлганлиги учун уша сўзларнинг ўзи келтирилди. Яна бир сафар Дипалпур фатҳида Шайх Зайн „Васъати шаҳри раби ул-аввал“\*\* ни таърих қилган эди. Мир Гису ҳам шу сўзлардан таърих топганди.

Душманни яксон қилиб, ортидан қувиб бориб, саваладик. Кофирнинг қароргоҳи бизнинг ўрдадан икки куруҳ нарида эди. Ўрдасигача етиб боргач, Муҳаммадий, Абдулазиз, Алихон ва яна баъзи одамларимизни кофирнинг ортидан қувиб бориш учун жунатдик. Озгина бепарволик булди. Бировга ишонмай, узим боришим керак эди. Кофирлар қароргоҳидан бир куруҳча масофа босиб ўтган эдим. Кун кеч бўлгани боис қайтдик, хуфтон намози пайти ўрдага келдик.

Муҳаммад Шариф мунажжим, қанча шумнафасликлар қилган эди, дарҳол муборакбод қилишга келди. Қаттиқ сўкиб, ичимни бўшатдим. Гарчи у кофирсифат ва шумнафас, ўзига жуда магрур ва кўп совуқ киши булса-да, менга кўп йиллардан буён хизмат қилиб келарди. Унга бир лак инъом қилдим ва менинг қўлим остида булган мамлакатларда қолмаслигини айтиб, рухсат бердим.

Кейинги кунни ҳам шу лашкаргоҳда ўтказдик. Муҳаммад Али жанг-жанг, Шайх Ҳуран ва Абдумалик қурчи(милтиқчи) катта гуруҳ билан Миёни Дуобда исён кўтариб, Кўйилни эгаллаб, Кичик Алини асир қилиб олган Илёсхон устига юборилди. Булар етиб борганларида Илёсхоннинг одамлари урушолмай, сафи бузилиб, ҳар томонга тарқаб кетдилар. Мен Ограга келганимдан бир неча кун кейин Илёсхонни тутиб келтирдилар, тириклайин терисини шилдирдим. Ўрдунинг қаршисида жойлашган Кўҳбачча тепалиги устида (уруш шу ерда содир бўлганди), калламинор қуришларини буюриб, фармон бердим.

Бу жойдан икки манзил юриб, Байанага бордик. Байанага етгунча, ҳатто Алвар ва Меватгача бўлган ерларда кофир ва муртадларнинг ўлиги тулиб ётарди. Мен бориб Байанани сайр қилдим. Қароргоҳга келиб, турк ва ҳинд амирларини чорлаб бу кофирнинг (Раана Сангаанинг) ерлари устига бостириб боришни кенгашиб олдик. Йўлда сув озлиги ва ҳаво ҳаддан зиёд иссиқ бўлганлиги боис бу юриш тухтатилди.

Меват вилояти Деҳлига яқин ерда жойлашган. Тахминан уч-тўрт карўрча даромади бор. Ҳасанхон Меватийга бу ерлар ота-бобосидан қолган, улар бу ерларни юз-икки юз йиллардан буён мустақил бошқариб келганлар. Деҳли султонига эса ярим-ёрти бўйсуниб келишаркан. Ҳинд султонлари вилоятларининг катталигидан ё фурсатларининг озлигидан ёхуд Меват ерларининг тоғли жойлар бўлганлиги боис унга қайрилиб ҳам қарамай, ўзлариға тўлиқ бўйсундиришга ҳаракат қилмаганлар, меватликлар уларга шунчаки итоат қиладигандек эдилар. Биз ҳам Ҳинд фатҳидан сўнг собиқ султонлар йўлини тутиб, Ҳасанхоннинг ҳурматини жойига қўйдик. Аммо бу кўрнамак, кофирсифат имонсиз бизнинг лутф ва иноятларимизни унутди, гамхўрлик ва ҳурмат кўрсатганимиз учун шукр қилмади, балки аввал ҳам ёзганимиздек, барча фитналарга ўт қўювчи ва барча ёмонликларга сабабчи унинг ўзи бўлди.

Кофирларга қарши юриш қолдирилганидан кейин Меватни эгаллаш учун йўлга тушдик. Тўрт манзилда тўхтаб, Меват ҳукмдори ўтирган Алвар қўргонидан олти куруҳлик масофада Маанас дарёси қиргоғига келиб тушдик. Ҳасанхондан бурун ота-бобоси Тижарада ўтиришар экан. Мен Ҳиндистонга кириб, Паҳархонни босиб, Лаҳур ва Дипалпурни қўлга олган йили мендан қўрқққани боис эҳтиёткорлик қилиб, бу қўргонни бино қилишга киришган эди.

\* Таворуд — икки шоир шеърида бирор байт ёки мисранинг мазмунан ёки шаклан бир хилда чиқиб қолиши.

\*\* „Васъати шаҳри раби ул-аввал“ жумласидаги арабий ҳарфлар абжад ҳисобида олиниб қўшилганда, хижрий 930 чиқади, милодий 1524 йил.

Ҳасанхоннинг Карамчанд исмли об-рули кишиларидан бири Ҳасанхоннинг угли Ограда эканида ҳам келганди. Углининг қошидан келиб Алварда омонлик сўради. Унга Абдурраҳим шиговулни қўшиб, чақириқ фармонлари билан жунатдим. У бориб Ҳасанхоннинг угли Ноҳирхонни олиб келди. Яна марҳамат кўрсатиб, хизмати учун бир неча лаклик вилоятларни бердим.

Урушда Хисравни катта қаҳрамонлик кўрсатди, деб уйлаб, унга тирикчилик яроги учун эллик лаклик ер ажратиб, Алварни бошқариш айтилди. Бадбахтлигидан ноз қилиб, Алварни олмади. Кейинроқ қаҳрамонликни Чин Темур Султон кўрсатганлиги маълум бўлди. Жудду (мукофот) Султон номига бўлди. Унга Меватнинг пойтахти Тижара шаҳрини иноят қилиб, тирикчилиги учун эллик лаклик даромади бор ер белгиланди.

Сангаа урушида ун қўл тўлгамасида бошқалардан кўра яхши жанг қилган Турдига хизмат ҳақини ун беш лак қилиб, узига Алвар қургони инъом қилинди. Алвар қургонининг хазинаси ичидигилари билан бирга Ҳумоюнга иноят қилинди.

У лашкаргоҳдан ражаб ойининг биринчи кунини, чоршанбада жунаб кетиб, Алварга икки қуруқ яқин келиб қолдик. Мен бориб Алвар қургонини сайр қилдим. Тунни уша ерда ўтказиб, эрталаб қароргоҳга қайтиб келдим.

Кофирга қарши газотдан бурунроқ каттаю кичик қасам ичганини ёзган эдик; ушанда бу галабадан кейин ҳеч кимга ҳеч қандай мажбурият юклатилмайди, кимки кетмоқчи бўлса, рухсат берилади, деб айтгандик. Ҳумоюн навкарларининг кўпчилиги Бадахшон ва уша тарафлардан келган кишилар эди. Улар ҳеч қачон бир ой-икки ойга аскарликка кетган эмасдилар. Урушдан олдин уларнинг бетоқат була бошлаганликларини кўриб, уларга шундай ваъда бергандим. Бунинг устига Кобул ҳам бўш эди. Шу боис Ҳумоюнни Кобулга жўнатишга қарор қилдик. Шундай келишиб олгач, тўрт-беш қуруқ юриб, Маанас дарёси қиргоғида тўхтадик. Маҳдий Хожа ҳам кўп хавотирда эди, унга ҳам Кобулга кетиш учун рухсат бердик. Байана-

нинг шақдорлиги (солиқ йигувчиси лавозими) Дўст эшикогага берилди. Аввал Итаъва Маҳдий Хожага аталганди. Қутбхон Итаъвани ташлаб қочиб чиққанида, Маҳдий Хожанинг ўрнига угли Жаъфар Хожа Итаъвага юборилди. Ҳумоюнга рухсат берганимиз муносабати билан учтўрт кун шу қўнимжойда турдик. Ушбу жойдан Мумин Али товачи фатҳнома билан Кобулга юборилди.

Пирўзпур (Фирўзпур) чашмаси ва Котладаги катта кўлнинг таърифини эшитгандим. Ҳам Ҳумоюнни кузатиш, ҳам бу ерларни сайр қилиш ниятида яқшанба кунини лашкарни уша ерда қолдириб, отландим. Уша кунини Пирўзпур чашмасини томоша қилиб, маъжун едик. Чашма суви оқиб ўтадиган даранинг ҳамма ерида канейр гуллари очилиб ётибди. Бу ерлар таъриф қилганларидек бўлмаса-да, сафодан холи эмас. Ушбу даранинг ичида, қаердаки сув ёйилиб оқаётган бўлса, уша жойга тошларни тарошлаб, унга-ун (қари) қилиб ўрнатишларини буюрдим.

Кечани шу дарада ўтказиб, эрталаб отланиб, бориб Котла кўлини сайр қилдим. У ҳамма тарафидан тоғ этаклари билан уралган. Айтишларича, Маанас суви шу кўлга оқиб кираркан. Кўл жуда катта, унинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғи яхши кўринмайди. Кўл атрофида анчагина кичик-кичик кемачалар бор. Айтишларича, атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси уруш-жанжаллар пайти шу кемаларга тушиб, ўзларини қутқарар экан. Биз борганимизда ҳам бир қанча кишилар кемага тушиб, кўл ичига сузиб кетдилар.

Кўлни сайр қилиб қайтгач, Ҳумоюннинг ўрдасига тушдик. У ерда дам олиб, овқатланиб, мирзо ва унинг беқларига сарполар кийдириб, Ҳумоюн билан хайрлашиб, хуфтон намози пайти жўнадик. Йўлда бир ерда ухлаб, яна йўлга тушиб, тонг отганда Кухрий вилоятдан ўтиб, яна бир оз ухлаб, Туъдада тўхтаган лашкарга етиб келдик.

Туъдадан жўнаб Сункарада тўхтаганимизда, Ҳасанхон Меватийнинг угли Ноҳирхон Абдурраҳимга топширилган эди, қочиб кетди. У ердан бир манзил ўтиб, Бусаъвар ва Чавсаннинг ўртасида

— тоғнинг тумшугида жойлашган чашма ёнида тўхтаб, чодирлар тиктириб, маъжун едик. Бу ерлардан утаётганимизда Турдибек Хоксор бу чашмани мақтаган эди. Отда келиб томоша қилиб утгандик. Чиндан жуда чиройли чашма экан. Оқар сув топиб бўлмайдиган Ҳиндустонда бундай чашма булоқлар қандай бино бўлган. Аҳён-аҳёнда учрайдиган чашмалар ердан зах сувидек сизиб чиқади, бизнинг ўлкалардаги булоқлардек қайнаб чиқмайди. Бу чашманинг суви ярим тегирмон сувига яқин. У тоғ орасидан қайнаб чиқади, атрофи ямшил ут билан қопланган, менга жуда ёқди. Бу чашма устида тарошланган тошлардан саккиз бурчакли (мусамман шаклида) ҳовуз ясашларини буюрдим. Чашма ёқасида маъжунхўрлик қилиб утирганимизда, Турдибек гурур билан қайта-қайта: „Мен бу ерни мақтаган эканман, унга ном бериш керак“, деб такрорлади. Абдуллоҳ: „Подшоҳнинг Турдибек ёқтирган чашмаси“ дейиш керак, деб қолди. Унинг бу сўзлари қаттиқ кулги ва шодонликка сабаб бўлди.

Дўст эшикога Байанадан шу чашма бошида келиб, илтифот кўрсатди. Бу ердан кетиб, яна бориб Байанани сайр қилдим. У ерни сайр қилиб, Секрийга келиб, барпо этишлари аввалдан тайинланган бог ёнида тушиб, у ерда икки кун турдим. Богни яхши тутиш ҳақида кўрсатма бериб, ражаб ойининг йигирма учинчисида, пайшанба кун тонг саҳарда Ограга келдим. Аввал айтиб утганимиздек, гавго-тўполонлар пайтида мухولىфлар Чандвар ва Раприйни уз тасарруфига олгандилар. Муҳаммад Али жанг-жанг, Турдибек Қучбек, Абдулмалик қўрчи ва Ҳусайнхон Дарёхоннинг одамлари билан Чандвар ва Раприй устига юборилди. Улар Чандварга яқинлашганларида, ичкарида бўлган Қутбхоннинг одамлари хабар топиб, қочиб чиқадилар, Чандварни қўлга олиб, Раприйга қараб юрадилар. Ҳусайнхон Нуҳонийнинг одамлари шаҳар дарвозаси олдига биров урушиш ниятида келадилар. Бизнинг жангчилар бостириб боргач, тўхтамай қочадилар. Ҳусайнхоннинг ўзи филга миниб, бир неча кишиси билан дарёга киради, худди чўкиб кетгандек эди.

Бу хабарни эшитган Қутбхон ҳам Итаъвани ташлаб озгина одами билан қочиб қолади.

Итаъва дастлаб Маҳдий Хожага аталган эди. Угли Жаъфар Хожа Маҳдий Хожа ўрнига Итаъвага юборилди. Аввал зикр этганимиздек, Сангаайи кофирга қарши юриш пайти кўпгина ҳиндустонлик ва афгонлар мендан узоқлашди. Уларнинг барчаси тайинланган вилоят ва ерларга эга бўлди.

Муҳаммад дўлдой Қаннўжни ташлаб келган эди. Қўрқанидан ёки уялганидан Қаннўжга боришни қабул қилмасдан, Қаннўжнинг ўттиз лаклик даромадини Саҳринднинг ун беш лаклик даромадига алмашди. Қаннўжни Муҳаммад Султон мирзога иноят қилиб, хизмат ҳақини ўттиз лак қилиб белгиладик. Бадавунни Қосим Ҳусайн Султонга бериб, Муҳаммад Султонга қўшилишни буюрдик. Яна турк амирларидан Малик Қосим Бобо қашқани ака-укалари ва мўгуллари билан, Абдулмуҳаммад найзабозни, Муайядни отасининг навкарлари билан, Ҳусайнхонни Дарёхоннинг одамлари билан, Султон Муҳаммад дўлдойни навкарлари билан, яна ҳинд амирларидан Алихон Фармулий, Маликдод Караний, Шайх Муҳаммад, Шайх Бакарый ва Татархон Хонижаҳонни Муҳаммад Султон мирзога қўшиб, Сангаайи кофирнинг уруш-тўполонлари вақтида келиб, Лакнурни қамал қилган Бибаннинг устига юбордим. Бу қисм Ганг дарёсидан утаётганида, Бибан хабар топиб, сафар анжомларини ташлаб, қочиб кетибди. Қисм Хайрободгача унинг ортидан қувиб бориб, ўша ерда бир неча кун туриб, қайтди.

Хазинани улашиб улгурган эдим. Ер ва вилоятларни тақсимлаб берамиз деганда, кофир билан бўлган ишлар орага тушди. Кофирга қарши урушдан қутулгач, ер ва вилоятларни тақсим қилдик. Пашакаал яқинлашиб қолгани боис ҳаркимнинг ўз ерига бориб ҳозирлик кўриши ва ёмғир мавсуми тугагач, олдимга келишига қарор қилдик.

Шу пайт Ҳумоюн Деҳлига бориб, Деҳлидаги хазина сақланадиган уйлардан бир нечасини очиб, уларни беҳукм ўз тасарруфига олгани ҳақида хабар кел



ди. Мен ҳеч қачон ундан буни кутмаган эдим. Кунглимга жуда оғир келди. Қаттиқ-қупол сўзлар билан насиҳатлар битиб, юбордим.

Шаъбон ойининг ўн бешинчисида, пайшанба куни Ироққа элчиликка бориб Сулаймон туркман билан келган Хожаги Асадни яна Сулаймон туркманга қўшиб, шаҳзода Таҳмоспга совғалар билан Ироққа элчиликка жўнатдик.

Турдибек Хоксорни дарвешликдан чиқариб, сипоҳийликка олган эдим, бир неча йил хизматимни қилди. Унинг дарвешликка майли яна кучайди ва мендан рухсат сўради. Унга рухсат бердим ва Комроннинг олдига элчи сифатида жўнатдим. Утган йили кетганларнинг ҳасби ҳолига бир қитъа айтилган эди. Мулло Алихон ўқисин деб, бу қитъани Турдибекдан бериб юбордим. У қитъа мана будир:

*Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин  
Бордиягиз аяглаб узга ранжу алам,  
Кобулу хуш ҳавосияни соғиниб,  
Ҳинддин гарм бордиягиз ул дам.  
Курдиягиз топтивгиз экин анда,  
Испрату айш бирла нозу инам.  
Биз дағи улмадук, биҳамдиллоҳ,  
Гарчи кўп ранж эдию беҳад гам,  
Ҳаззи нафсию машаққати бадани,  
Сиздан утти ва утти биздин ҳам.*

Бу рамазонни „Ҳашт биҳишт“ богида ўтказдик. Ҳар бир таровиҳ намози гусл билан ўтди. Ўн бир ёшимдан бери икки рамазон ҳайитини кетма-кет бир жойда ўтказган эмасман. Ўтган рамазон ҳайити Ограда келганди. Бу одат бузилмасин деб, якшанбада, ойнинг охириги куни ҳайит қилиб Секрийга бордик. Секрийда солинган „Боги Фатҳ“нинг гарби-шимол тарафидаги тошсула тайёр бўлган эди. Шу сула устига оқ уй тикиб, ўша ерда ҳайит қилдик. Оградан жўнаган оқшом Мир Али қўрчини Таттага Шоҳ Ҳасаннинг олдига юбордик. Шоҳ Ҳасаннинг канжафа (қарта) ўйнашга майли кучли эди, канжафа сўраганди, шуни бериб юбордик.

Зулқаъда ойининг бешинчисида, якшанба куни томогим оғриди. Ўн етти кун чўзилди.

Мазкур ойнинг йигирма тўртинчисида, жума куни Дўлпурни сайр қилишга бордик. Кечаси ярим йўлда бир ерда ухлаб, тонгда Султон Искандар тўғонига келиб тушдим. Тўгондан қўйироқда — тоғнинг тугаш жойида яхлит қизил иморат тоши бор экан. Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошни келтиришларини ва агар ундан яхлит уй тарошлаб, қуриш мумкин бўлса, яшашларини буюрдим. Агар пастлик қилса, иморат учун текисланган тошдан яхлит ҳовуз ўйишларини буюрдим.

Дўлпурдан Барий томонга сайр қилдик. Эртаси Барийдан чиқиб, Барий билан Чанбал орасидаги тоғдан ўтиб, Чанбал дарёсини томоша қилиб қайтдик. Барий билан Чанбал оралигидаги тоғда обнус\* дарахтини кўрдик. Унинг мевасини тинду дейдилар. Обнус дарахтининг оқи ҳам буларкан. Бу тоғда асосан оқ обнус усган эди. Барийдан кетиб, Секрийни сайр қилиб, шу ойнинг йигирма тўққизинчисида, чоршанба куни Ограга келдик.

Шу кунлари Шайх Боязиддан турли тутуриқсиз хабарлар айтиб келардилар. Султон Али туркни, йигирма кунда қайтиб келиш ҳақидаги ваъдасини олиб, Шайх Боязиднинг олдига жўнатдик.

Зулҳижжа ойининг иккинчисида, жума куни қирқ бир марта ўқиладиган вирдни(дуони) ўқишни бошладим. Уша кунлари ушбу:

*Кузу қошу сўзу тилиниму дей,  
Қаду хаду сочу белиниму дей —*

деган байтимни беш юз тўрт вазнда тақтиъ\*\* қилдим. Шу боис рисола тартиб бердим. Уша куни яна томогим оғриди, тўққиз кунга чўзилди.

Зулҳижжа ойининг йигирма тўққизинчисида, пайшанба куни Кўйил ва Санбал сайрига отландик.

\* Обнус — қора тусли қаттиқ ва хушбўй дарахт.

\*\* Тақтиъ — шеърда мисраларни айрим булақларга ажратиб, вазнини ўлчаш.



## ТУҶҚИЗ ЮЗ УТТИЗ ТҶРТИНЧИ (1527-1528) ЙИЛ ВОҶЕАЛАРИ

Муҳаррам ойининг аввалида, шанба куни Куйилга келиб тушдик. Дарвеш Али Юсуфни Ҳумоюн Санбалда қолдирган эди. Улар дарёдан утиб, Қутб Серваний ва бир қанча рожаларни босибдилар. Жуда куп одам ўлдириб, бир қисмининг бошини ва битта филни Куйилда эканимда келтирдилар.

Икки кун Куйилни сайр қилиб, Шайх Гуран ёлвориб сурагани боис, унинг уйига тушдик. Зиёфат қилиб, тортиқлар келтирди. У ердан жўнаб, Утруйда тўхтадик.

Чоршанба куни Ганг дарёсидан утиб, Санбал қишлоқларида қўндик.

Пайшанба куни Санбалга келиб тушдик. Икки кун Санбални айланиб, шанба саҳари у ердан қайтиб кетдик.

Якшанба куни Секандарага келиб, Равуй Серванийнинг уйига тушдик. Ошлар тортиб, хизматимизни қилди. У ердан тонг отмасидан жўнаб кетдик. Йўлда бир баҳона билан одамларимдан ажралиб, отимни елдириб кетдим. Ограга бир куруҳ масофа қолгунича ёлғиз ўзим келдим. Шу ердан утганимизда, орқадагилар менга келиб қўшилди. Пешин намози чоги Ограга келиб тушдик.

Муҳаррам ойининг ўн олтинчисида, якшанба куни иситма тутиб, титрадим. Касаллик қайта-қайта хуруж қилиб, йигирма беш-йигирма олти кунга чўзилди. Сурги дори ичдим. Охири қиздирувчи дори ёқди. Уйқусизлик ва ташналиқдан кўп қийналдим. Мана шу касал бўлган кунларимда уч-тўртта рубой битдим. Улардан бири мана будир:

*Жисмида иситма кунда маҳкам буладур,  
Куздин учадур уйқу чу охшам буладур.  
Ҳар иккаласи гамим била сабримдек,  
Боргон сайи бу ортадур, ул кам буладур.*

Сафар ойининг йигирма саккизинчисида, шанба куни аммабегимлар — Фахрижаҳонбегим ва Хадича Султонбегим келдилар. Кемада бориб, Секандарободдан юқорироқда кутиб олдим.

Якшанба куни Устод Алиқули катта тўпидан тош отди. Тоши жуда узоққа отилган бўлса-да, тўпи майда-майда бўлиб кетди. Тўпнинг бир бўлаги бир тўда одамнинг устига тушиб, уларни бо-

сиб қолди. Улардан саккизтаси ҳалок бўлди.

Раби ул-аввал ойининг еттинчисида, душанба куни Секрийни сайр қилиш учун отландим. Қуйилдаги кўл ичига қурилиши тайинланган саккиз қиррали супа тайёр бўлган эди. У ерга кема билан бориб, супага чодир тиктириб, маъжунхўрлик қилдик. Секрий сайридан қайтиб келиб раби ул-аввал ойининг ўн тўртинчисида, душанба куни кечқурун газот бошлаш ниятида Чандерийга қараб йўлга тушдик. Уч куруҳга яқин йўл юриб, Жалесарда тўхтадик. Одамларимизнинг қуролланиш ва тайёргарлик кўришлари учун шу ерда икки кун туриб, пайшанба куни жўнаб кетиб, бориб Унварда тўхтадик. Унвардан кемага тушиб, Чандварда ундан чиқдик. У ердан манзилма-манзил кўчиб, ойнинг йигирма саккизинчисида, душанба куни Кунар кечиги олдида тўхтадик.

Раби ул-охир ойининг иккинчисида, пайшанба куни дарёдан ўтдим. Тўрт-беш кун — то лашкар халқи дарёдан утиб бўлгунича, дарёнинг гоҳ у, гоҳ бу қиргогида туриб қолдим. Бир неча кун кемада устма-уст ўтириб, маъжун едик. Чанбал Ганга дарёсига Кунар кечигидан бир-икки куруҳ юқорироқда қуйилади. Жума куни кемага тушиб, Чанбалнинг қуйилиш жойидан утиб, қароргоҳга келдик.

Гарчи Шайх Боязид душманлигини очиқ кўрсатмаса-да, унинг ҳаракат ва қилаётган ишларидан душманлик нияти сезилиб турарди. Шу сабабдан Муҳаммад Али жанг-жангни қўшиндан айириб, Қаннўждан Муҳаммад Султон мирзо ва уша ердаги султон ва амирлардан: Қосим Ҳусайн Султон, Беҳуб Султон, Малик Қосим Кўкий, Абулмуҳаммад найзабоз, Минучеҳрхонни ака-укалари билан, Дарёхонийлар билан биргалашиб Сарваардаги муҳолиф афгонлар устига юриш учун юборилди. Шайх Боязидга келиб қўшилишни таклиф қилсинлар, агар ишониб келиб қўшилса, бирга келсинлар. Мабодо келмаса, энг биринчи бўлиб, уни яксон қилсинлар. Муҳаммад Али бир неча фил суради. Унга ўнтача

фил берилди. Муҳаммад Алига рухсат бергандан сўнг, Бобо чуҳрага ҳам бориб уларга қўшилиши учун фармон берилди. Кунардан бир манзил кемада босиб утилди.

Раби ул-охир ойининг саккизинчисида, чоршанба куни Калпийдан бир курўх берида тўхтадик. Бобо Султон Саидхоннинг туғишган укаси Султон Халил Султоннинг ўгли келиб шу қўнимжойда хизматимизга кирди. Утган йили оғасидан қочиб Андароб чегарасигача келган ва пушаймон бўлиб қайтиб кетган эди. Ушанда Кошғар яқинига етганида хон унинг олдига Ҳайдар мирзони юбориб, ортига қайтарган экан.

Эртаси куни Калпийга келиб Оламхоннинг уйига тушдик. У Ҳиндустон расм-қондаси билан ош тортиб меҳмон қилди ва совгалар келтирди.

Ойнинг ўн учинчисида, душанба куни Калпийдан жўнаб кетдик.

Жума куни Ирижга келиб тўхтадик.

Шанба куни Боязидга (Бондирга) келиб тушилди.

Ойнинг ўн тўққизинчисида, якшанба куни Чин Темур Султон бошчилигидаги олти-етти минг кишини ўзимиздан илгарироқ Чандерий устига юбордик. Жўнаб кетган илгор беклари: Боқи мингбеги, Турдибек Қўчбек, Ошиқ баковул, Мулло Опоқ, Муҳсин дулдой, Ҳиндустон бекларидан: Шайх Гуран.

Ойнинг йигирма тўртинчисида, жума куни Качва яқинида тўхтадик. Качва элини ўзимизга қаратиб, Качвани Бадруддиннинг ўглига бердик.

Качва — яхшигина жой. Унинг атрофида кичик-кичик тоғчалар тушган. Качванинг шарқи-жанубидаги тоғнинг ўртасига тўғон солинган ва каттагина кўл ҳосил бўлган, айланаси беш-олти курўх келади. Бу кўл Качванинг уч тарафини тўсиб турибди. Фарби-шимол тарафида озгина қуруқ ер қолган бўлиб, дарвозаси ўша томонда. Бу кўлда уч-тўрт киши сигадиған кичик-кичик кемалар бор. Қачонки аҳоли бирор хатардан қочиб кетмоқчи бўлса, кемаларга ўтириб, кўл ичкарасига сузиб кетади. Качвага етгунча яна икки жойда мана шундай тоғ орасида тўғон қуриб, Качвадагидан кичикроқ иккита кўл барпо этишибди.

Качвада бир кун туриб, чаққон назоратчи ва жуда кўп белчиларни тайинлаб, аравалар ва тўп қийинчиликсиз ўтиши учун йўлнинг ўнқир-чўнқир ерларини текислаб, чангалзорларни кесишларини буюрдим. Качва билан Чандерийнинг ораси қалин бутазор билан қопланган.

Качвадан жўнаб, орада бир бор тўхтаб, Чандерийга уч курўх қолганида Бурҳонпур сувидан ўтиб, тушдик. Чандерийнинг арки тоғ устига тушган. Тош қўргони ва шаҳарнинг ўзи тоғ ўртасида жойлашган. Аравалар юрадиган текис йўли қўргоннинг тубидан ўтади. Бурҳонпурдан жўнаб, аравалар туфайли Чандерийдан бир курўх қўйироқдан юрилди.

Бир марта тўхтаб, ойнинг йигирма саккизинчисида, сешанба куни Баҳжатхон ҳовузининг қиргоғида — тўғон тепасида тўхтадим. Эртаси куни отланиб, жанг майдони — лашкар қисмлари жойлашадиган ер — қўргон айланаси марказ, ўнг қанот ва чап қанот қўшинларига тақсимланди. Устод Алиқули тўпи учун бир богда текис ер танлади. Назоратчи ва белчиларга тўпни ўрнатиш, тупроқ уйиб тепалик тиклашлари буюрилди. Бутун лашкар халқига қалъагирлик асбоблари — қалқон(тўра), нарвон ҳамда олдинда қалқон бўлиб борадиган навкарларни тайёр қилишлари ҳақида фармон бўлди.

Чандерий авваллари Мандав подшоҳлари қўлида эди. Султон Носириддин улганидан сўнг, угилларидан бири — ҳозир ҳам Мандавда бўлган Султон Маҳмуд Мандав ва ўша ҳудудларга эгалик қилди. Муҳаммадшоҳ исмли яна бир ўғли Чандерийни қулга олиб, Султон Искандарга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Султон Искандар ҳам жуда кўп лашкар жўнатиб, унга ҳомийлик қилади. Султон Искандардан сўнг, Султон Иброҳимнинг замонида Муҳаммадшоҳ ўлади, ундан Аҳмадшоҳ исмли кичик ўғли қолади. Султон Иброҳим Аҳмадшоҳни ҳайдаб, ўрнига ўзининг одамини қўяди. Рана Сангаа Иброҳимнинг устига қўшин тортиб Дулпурга келган чоғда беклари Султон Иброҳимга қарши исён кутаради. Ўша пайтда Чандерий Сангаанинг

қўлига утади. Сангаа у ерни Мединий Рав исмли улуг ва обрўли бир кофирга беради. Ушбу дамда Мединий Рав тўрт-беш минг кофир билан Чандерий қўрго-нида эди. Оройишхоннинг у билан ошнолиги бор экан. Иноят ва шафқат қилишимни айтиб, Оройишхон билан Шайх Гуранни Мединий Рав олдига юбордик. Чандерий ўрнига Шамсиободни беришни ваъда қилдик. Бир-иккита обрў-эътиборли кишиси олдимизга чиқди. Билмадим, ишонмадиларми ёки қўргоннинг мустақкамлигига ишонишдими, сулҳ иши битмади.

Чандерий қўргонини ҳужум билан олиш ниятида жумод ул-аввал ойининг олтинчисида, сешанба куни эрталаб Баҳ-жатхоннинг ҳовузидан кўчиб, қўргон яқинидаги урта ҳовуз қиргоғига тушдик. Шу куни эрта билан келган Халифа бир-иккита хат ҳам келтирди. Уларнинг мазмунига кўра, Пурабга юборилган лашкар орқа-олдини уйламай бориб, урушга кириб шикаст топибди. Лакнавни ташлаб Қаннўжга келибди. Халифа шу сабабдан қаттиқ хавотир ва ташвишда эди.

Мен: „Хавотир ва ташвиш уринсиздир. Худо берган тақдирдагидан бошқаси бўлмайди. Бу иш олдинда бўлгани учун бу ҳақда ҳеч нарса демаслик керак. Индинга қалъага ҳужум қилиб кўрамиз, Ундан кейин нима рўй берса, кўра-верамиз“, дедим.

Душман фақат аркни мустақкамлаган экан. Тошқўргонда ҳар аҳтимолга қарши ҳар-ҳар ерга бир-иккитадан одам қўйишган экан. Бу оқшом аскарлар ташқи қўргонга ҳар тарафдан яқин келдилар. У ерда озгина одам бор эди, унча уруш ҳам бўлмади. Душман аркка қочиб кетди.

Жумод ул-аввал ойининг еттинчисида, чоршанба куни эрталаб, аскарларга қуролланиб, жой-жойига бориб, уруш бошлалари учун фармон берилди: Мен байроқ кўтариб ногора садолари остида отланганимда, ҳамма тарафдан ҳужум бошласинлар. Уруш қизигунча ногора ва байроқни туттириб қўйиб, узим Устод Алининг тўпидан тош отишини кўриш учун бордим. Уч-тўрт бор тош отди. Ери қияроқ бўлмагани ва шаҳар қўргони де-

ворининг мустақкамлиги — бутунлай тошдан қурилганлиги боис отилган тошларнинг таъсири бўлмади.

Чандерий аркининг тоғ устида жойлашгани зикр этилганди. Бир тарафидан сув ўтиши учун усти ёпиқ йўл солибдилар. Унинг девори тоғдан пастроқдандир. Ҳужум қилиш мумкин бўлган ягона жой шу ер эди. Марказ қўшиннинг ўнг қўли, чап қўли ҳамда бир тўда хос аскарларга шу ерга жойлашиш тайинланди. Ҳар тарафдан ҳужум бошладилар. Мана шу ерда қаттиқ уруш бўлди. Кофирлар юқоридан бир неча тош отди, ўт ёндириб улоқтирди, лекин бу йигитлар парво қилмадилар. Охир-оқибат ташқи қўргон девори билан ушбу сув ўтказилган ернинг девори туташган жойдан Шоҳим Нурбек кўтарилди, яна икки-уч ердан ҳам йигитлар тирмашиб чиқдилар. Сув ўтказилган йўл ёнида турган кофирлар қоча бошладилар ва уша ер эгалланди.

Юқори қўргондагилар озгина ҳам урушмай, бир зумда қочиб қолдилар. Кўп йигитлар тирмашиб, юқори қўргонга чиқдилар. Оз фурсат ўтар-ўтмас, кофирлар тамом яланғоч бўлиб, келиб уруша бошладилар. Кўп кишиларимизни чекинтириб, девордан улоқтирдилар. Бир неча одамни чопиб, йўқ қилдилар. Деворнинг устидан бир зумда кетиб қолганларининг сабаби шу эканки, қалъани бой беришлари муқаррар бўлгач, улар аёлларининг ҳаммасини чопиб, ўлдириб, ўзларига ўлимни танлаб, яланғоч бўлиб урушга келибдилар. Охир-оқибат, одамларимиз ҳар томондан ҳужум қилиб, уларни девор устидан улоқтирдилар. Икки юз-уч юз кофир Мединий Равнинг ҳовлисига кирди. Кўпчилиги ушбу ҳолатда бир-бирларини ўлдирибдилар: биттаси бир қилични кўтариб турган бўлса, қолганлари ўз хоҳиши билан навбатманавбат бўйинларини қилич остига қўйибдилар. Кўпчилик шу йўл билан дўзахга кетди.

Тангрининг марҳамати билан бундай машҳур қўргон байроқни кўтариб, ногорани чалиб улгурмай, қаттиқ курашларсиз, икки-уч гарийда қўлга кирди. Чандерийнинг гарби-шимол тарафидаги тоғ тепасида кофирларнинг бошидан

калламинора кўтарилди. Бу галабанинг таъриhini „фатҳи дорулҳарб“ сўзларидан топган эдилар. Мен унга шундай шеър боғладим:

*Буд чанде мақоми Чандерий,  
Пур зи куффуру дорулҳарбию зарб.  
Фатҳ кардам ба ҳарб қалъаи у,  
Гашт таърих: „Фатҳи дорулҳарб“.*

(Мазмуни:

*Чандерий кўп вақтлардан буён кофирларга тулган „дорулҳарб“ эди. Унинг қалъасини урушиб қўлга киритдим, „фатҳи дорулҳарб“ бунга таърих булди. (Бу таърих абжад ҳисобида ҳижрий 934-, милодий 1527 йилга тўғри келади.)*

Чандерий — жуда гўзал жой. Тева-рак-атрофида оқар сувлари кўп. Арки тоғнинг тепасида жойлашган, тоғнинг ўртасида тошдан катта ҳовуз уйилган. Яна бир катта ҳовуз биз ҳужум қилиб олган дутаҳида (сув ўтказилган усти ёпиқ йўл ёнида) эди. Оддий кишиларнинг ҳам, мартабалиларининг ҳам уйлари тамом тошдан қурилган. Фақат катталарининг иморатлари такаллуф билан, тарошланган тошлардан, кичикларининг (паст табақадагиларнинг) уйи эса тарошланмаган тошдан қурилган. Томларини ҳам сопол ўрнига тахта, тошлар билан ёпишган. Қўрғоннинг олдида учта катта ҳовуз бор. Бурунги ҳукмдорлар бутун атрофига тўғонлар солиб, ҳовузлар қурган эканлар. Ерлари баландликда жойлашган. Чандерийдан уч куруҳ берида Бетвий деган бир дарёчаси бор. Бетвий Ҳиндустонда сувининг яхши ва хуштаъмлиги билан машҳур бўлган ажойиб дарёчадир. Унинг ўртасида бўлак-бўлак иморатбоп қоялар бор. Чандерийгача Оградан жануб сари тўқсон куруҳ йўлдир. Чандерийда Қутб юлдузининг баландлиги йигирма беш даражага тенг.

Эртаси, пайшанба куни қўрғон четидан кучиб, Маллухоннинг ҳовузи ёқасига жойлашдик. Биз бу ерларга Чандерийни эгаллагандан сўнг Салоҳиддин кофирга тегишли кофирлар ўлкаси — Раай Синг, Бҳилсан ва Сарангпур устига юриш ниятида келган эдик. Буларни қўлга олгач, Читўрга Сангаанинг устига юриш қиламиз. Турли тутуруқсиз, хавотирга соладиган хабарлар келганлиги боис бекарларни чорлаб, кенгаш ўтка-

зиб, бу фитначилар ва душманларнинг гавго-тўполонларини даф қилишга киришиш энг тўғри ва яхши иш деб топилди.

Чандерий аввал зикр этиб ўтганимиз Султон Носириддиннинг набираси Аҳмадшоҳга берилди. Чандерийдан хазина даромадига эллик лак белгиланиб, солиқдорлигини Мулла Опоқга юкладик. Уни икки-уч минг турк ва ҳиндустонлик билан Аҳмадшоҳга кўмаклашиш учун қолдирдик.

Бу ишларни тартибга солиб, жумод ул-аввал ойининг ўн биринчисида, якшанба куни қайтиб келиш ниятида Маллухон ҳовузидан кучиб, Бурҳонпур дарёсининг қирғоғига тушдик.

Якшанба кунининг ўзида Бандийрдан Яккахожа билан Жаъфархожани Калпий кемаларини Кунар кечигига келтиришлари учун юбордим.

Ойнинг йигирма тўртинчисида, якшанба куни Кунар кечиги олдида тўхтаб, лашкарга кечиб ўтиш учун буйруқ берилди. Уша кунлари олдинда жўнаб кетганлар Қаннужни ҳам ташлаб, Раприйга келишибди, Абулмуҳаммад найзабоз Шамсобод қўрғонини қамал қилган экан, бироқ душманнинг кўп одами келиб, Шамсобод қўрғонини ҳужум билан эгаллабди, деган хабар келди. Уч-тўрт кун лашкар дарёдан кечиб ўтгунича, гоҳ дарёнинг у юзида, гоҳ бу юзида туриб қолдик. Дарёдан ўтиб, манзилма-манзил тўхтаб, Қаннуж сари юриб, қазоқ йигитларни душмандан хабар олиб келишлари учун илгари юбордик. Қаннужга етишимизга икки-уч манзил қолганида хабар келтирдиларки, бу „тил“ тутишга борганларнинг қорасини кўриб, Қаннуждан Маъруфнинг ўгли қочиб кетибди. Бибан, Боязид ва Маъруф бизнинг хабаримизни топиб, Гангдан ўтиб, Гангнинг Қаннуж тўғрисидаги шарқий қирғогидан ўтадиган кечикни ўраб олиш хатоли билан ўтирган эмишлар.

Жумод ул-охир ойининг олтинчисида, пайшанба куни Қаннуждан ўтиб, Ганг дарёсининг ғарбий қирғоғига тушдик. Бизнинг йигитларимиз бориб, душманнинг бир нечта кемасини ҳужум билан олдилар. Юқори ва қуйидан катта-кичик ўттиз-қирқта кемани келтириш-

ди. Мир Муҳаммад жолабонни кўприк қуришга ярайдиган жой танлаб, кўприк қуришда керак бўладиган асбобларни ҳозирлаш учун жўнатдик. Урду тушган жойдан бир куруҳча қуйроқдан жой кўриб келди. Чаққон назоратчилар тайинланди. Кўприк солинадиган ернинг яқинидан Устод Алиқули тўп ўрнатиб, тош отиш учун жой танлаб, тош отиш билан машғул бўлди. Кўприк тушадиган ердан қуйроқда Мустафо Румий зарбзан\* араваларни бир оролга олиб ўтиб, ўша оролдан зарбзан ота бошлади. Кўприкдан юқорида мўлжар\*\* кўтарилди. Туфакандозлар мўлжар устида милтиқни яхши отдилар. Малик Қосим мўгул ва яна баъзи йигитлар дарёдан кемада бир-икки марта кечиб ўтиб, озчилик бўлса ҳам, жуда яхши жанг қилдилар.

Бобо Султон ва Дарвеш ўн-ўн беш кишини ёнига олиб шижоат билан, орқолдига қарамай, бир куни шомда кема билан дарёни кечиб ўтиб, уруш ҳам бошламай, бошқа бирор нарса ҳам қилмай қайтиб келишди. Бу ишлари учун уларни қаттиқ койидик. Охир-оқибат, Малик Қосим жасорат кўрсатиб, озгина одами билан душман ҳалқасини ёриб кириб, уни сиқиб қўйди. Душман жуда кўп одами ва битта фил билан ҳужум қилди. Буларни орқага сурдилар. Кемага тушиб, кемани юргизгунларигача, фил етиб келиб кемани чўктириб юборди. Малик Қосим ўша урушда ҳалок бўлди. Бир неча кун — то кўприк қурилгунича, устод Алиқули тўпдан яхши тошлар отди. Биринчи кун саккиз марта тўп отди, иккинчи кун ўн олти марта отди. Уч-тўрт кун мана шундай тўп отди. Бу тошларни „ғозий тўп“ билан отди. Бу — Сангаайи кофирнинг урушида тош отган ўша тўп эди. Шу боис уни „ғозий“ деб номладилар. Яна бир каттароқ тўп ҳам қуйганди, бир марта тош отганидаёқ парчаланиб кетди. Милтиқчилар ҳам жуда кўп ўқ отдилар. Жуда кўп кишилар ва отларни милтиқ ўқи билан қулатдилар. Қочган қўллар, хизматчилар ва йўловчиларни отлари билан отдилар.

\* Зарбзан — тўп ўрнида ишлатиладиган уруш қуроли.

\*\* Мўлжар — душман ўқларидан сақланиш учун ясалган тупроқ уюми; парапет.

Кўприк қуриш ишлари охирлаб қолганида, жумод ул-охир ойининг ўн тўққизинчисида, чоршанба куни кўчиб, кўприк устига келдик. Афгонлар кўприк қуришимизга ишонгилари келмай, устимиздан кулган эканлар. Пайшанба куни кўприк тайёр бўлди. Озгина пиёда ва лаҳўрлик кўприкдан ўтди, бир оз уруш бўлди.

Жума куни марказдан махсус аскар тўдаси, ўнг қўл ва чап қўл йигитлари ҳамда милтиқчилар пиёда ўтдилар. Афгонлар тўла қуролланиб, от ва филлари билан келиб ҳужум қилдилар. Улар чап қанотдагиларни сиқиб қўйдилар. Марказ ва ўнг қўлдагилар қаршилик кўрсатиб, душманни чекинишга мажбур этишди. Икки жангчимиз кўпчиликдан ажралиб чиқиб, олдинга от сурдилар. Бирини ўша дамнинг ўзидаёқ отдан тушириб, олиб қолдилар. Яна бирининг отини ва ўзини роса калтакладилар. Оти орқа оёқларини кўтариб тик турди, орқасига қайтди ва ўзимизнинг кишилар орасига кириб йиқилди. Ўша куни етти-саккизта бош келтирдилар. Душманнинг кўп кишиси ёй ва милтиқ ўқларидан яраланди. Уруш аср намозигача давом этди.

Кечқурун кўприкдан ўтганларнинг барчасини ортга қайтардик. Агар мана шу шанба кечаси кишиларимиз нариги томонга ўтказилса, эҳтимол, душманнинг катта қисми қўлга тушарди. Аммо шу нарса эсимга тушдики, ўтган йили сешанбада — Наврўз куни Секрийдан Сангаага қарши урушга отланганимизда, шанба куни душманни яксон қилгандик. Бу йил чоршанбада — Наврўз куни бу душманга қарши отландик. Якшанба куни душман устидан ғалаба қозонсак, ажойиб иш бўларди. Шу боис одамларимизни у тарафга ўтказмадик.

Шанба куни душман урушга чиқмади, узоқда саф тортиб турди. Шу куни кўприкдан аравалар ўтказилди. Эртаси саҳарда одамларнинг ўтиши учун фармон бўлди. Ногора чалинган пайт қаровулдан душман кишилари қочиб кетди, деган хабар келди.

Чин Темур Султонга лашкарга бош булиб душман ортидан қувиб боришга буйруқ бердик. Муҳаммал Али жанг-жанг, Ҳисомиддин Али халифа, Муҳиб Али халифа, Кўкий Бобо қашқа, Дуст Муҳаммад Бобо қашқа, Боқи Тошкандий, Вали қизил бошчилигида қувгинчи тайинладик. Уларга Султон билан бирга булиб, унинг сузидан чиқмаслик буюрилди. Бомдод намози чоги мен ҳам дарёдан ўтдим. Туяларни қуйироқдаги, кўриб келган кечикдан олиб ўтишлари ҳақида ҳукм бўлди.

Ўша якшанба куни Бангармавудан бир куруҳ берида Қорасув қирғоғига тушдик. Душманни кузатиш учун юборилган кишилар яхши ҳаракат қилмагандилар. Улар Бангармавуда турган эканлар. У ердан уша куни пешин намози чоги қузгалибдилар. Эртаси куни саҳарда Бангармавунинг олдидаги кўл ёқасида тўхтадик.

Шу куни кичик хон додамнинг угли Тўхта Буга Султон келиб, хизматимга кирди.

Жумод ул-охир ойининг йигирма тўққизинчисида, шанба куни Лакнавни сайр қилиб келиб, Гўйи дарёсидан ўтиб тўхтадик. Шу куни Гўйи дарёсида чўмилдим. Билмадим, қулогимга сув кирди-ми ёки ҳаво таъсириданми, ун қулогим битиб қолди, лекин бу бир неча кунгина давом этди, қаттиқ огриқ бўлмади.

Авадга бир-икки манзил қолганида Чин Темур Султоннинг одами келиб, душман Сару дарёсининг нариги юзида ўтирибди, кўмак юборсинлар, деган хабарини берди. Қазоқ (Қарочахон) бошчилигидаги мингга яқин йигитни марказдагилардан кўмак учун ажратдик.

Ражаб ойининг еттинчисида, шанба куни Аваддан икки-уч куруҳ юқорида Гагар билан Сарунинг қўшилиш жойида тўхтадик.

## ТЎҚҚИЗ ЮЗ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ(1528-1529) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойининг учинчисида, жума куни Чандерийга юришдан бурунроқ Мултон масаласидаги ишлар учун Аскаррийни чақиртирган эдим, келди. Хилватхонада эдим, илтифот кўрсатди. Эртаси куни тонгда Хондамир муаррих (тарихчи), Мавлоно Шиҳоб муаммойи,

Шу кунгача Сару дарёсининг Авад рўпарасидаги нариги қирғоғида Шайх Боязид ўрнашган экан. Хат юбориб Султон билан музокара олиб бораркан, унинг ҳийлаларини Султон сезиб қолиб, пешин намози чоги Қарочага одам юбориб, дарёдан кечиб ўтишга тайёрланади. Қароча Султонга қўшилгач, тўхтамасдан дарёдан кечиб ўтадилар. Элликтача отлиги ва уч-тўрт фили бўлган душман дош беролмасдан қочишга тушади. Бир неча кишини отдан йиқитиб, бошини кесиб, менга юбордилар. Беҳуб Султон, Турдибек, Бобо чухра, Қўчбек, Боқи Шиговул Султондан кейин кечиб ўтадилар. Улардан аввалроқ ўтганлар Шайх Боязидни намозшомгача қувиб борадилар. Шайх Боязид ўзини чангалзорга уриб қутулади. Чин Темур Султон кечаси Қорасув ёқасида тўхтаб, ярим кечаси отланиб, душманнинг ортидан қувиб боради. Қирқ куруҳча йўл босиб, Султон Боязиднинг оила ва яқинлари яшайдиган ерга етадилар. Аммо улар қочиб кетишган экан. Шу ерда таъқиб қилувчилар ҳар тарафга тарқалишади. Боқи шиговул бир неча йигит билан душманнинг кетидан қувиб, Шайх Боязиднинг оила аъзолари ва қариндошларига етиб олади, бир неча афғонни асир қилиб олиб келишади.

Бир неча кун Авадни ва ушбу ерларни эгаллаш ҳамда тартибга солиш учун шу жойда туриб қолдик. Аваддан етти-саккиз куруҳ юқоридаги Сару дарёси қирғоқларини ов қилиш учун яхши ерлар деб мақтадилар. У ерга Мир Муҳаммад жолабонни юбордик. Гагар ҳамда Сару дарёларининг кечикларини кўриб келди. Ойнинг ўн иккинчисида, пайшанба куни ов қилиш нияти билан отландим.

Юнус Алининг қариндоши Мир Иброҳим қонуний хизматимга кириш ниятида Ҳиротдан чиққанларига анча вақт бўлганди, етиб келиб, хизматимга кирдилар.

Ойнинг бешинчисида, якшанба куни аср намози чоги Гвалийарни сайр қилиш ниятида, уни китобларда „Галийур“ деб

битадилар, Жуундан кечиб утиб, Огра қалъасига кирдим. Икки-уч кундан кейин Кобулга қайтиб кетиши лозим булган Фахрижаҳонбегим ҳамда Хадича Султонбегим билан хайрлашиб, Гвалийарга отландим. Муҳаммад Замон мирзо рухсат сўраб, Ограда қолди. Уша кечаси уч-тўрт куруҳ йўл юриб, катта бир кўл ёқасида тўхтаб, уйқуладик. Намозни эртарақ адо этиб, отландик. Гамбийр дарёси қиргогида тушланиб, пешин намози чоги у ердан жўнаб кетдик. Йўлда кайфиятни кўтариш учун Мулло Рафиъ тайёрлаган талқон дорини (сафуфни) ичдик. Жуда бадхўр ва бемаза экан.

Кечки пайт аср намози чоги, Дулпурдан бир куруҳ ғарб томонга боғ ва иморат солишлари буюриб қўйилган эди, уша ерга келиб тушдим. Мен буюрган бу боғ ва иморат тоғнинг тугаш жойида жойлашибди. Бу тоғ тумшугининг учи яхлит қизил иморат тошидан эди. Мен бу тоғни ергача қазиб тушишларини, агар бу яхлит тошдан иморат тарошлаб бўлса, иморат қуришларини, агар у баланд бўлмаса, тошнинг устини текислаб, ҳовуз уйишларини буюрган эдим. Тоғ якпора тошдан иморат қурадиган даражада баланд эмас экан. Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарошга саҳни текисланган ушбу тошнинг устига саккиз бурчакли улчамда ҳовуз қуришни режалаштириш тайинланди. Сангтарошларнинг ишга қаттиқ киришишлари ҳукм қилинди.

Бу яхлит тошдан ҳовуз уйиш буюрилган ернинг шимолида анба, жамъун ва бошқа ҳар хил дарахтлар жуда кўп. Бу дарахтларнинг орасидан ўнга-ўн қари ҳажмда қудуқ қазиш буюрилган эди, у ҳам якунига етай деб қолибди. Бу қудуқнинг суви уша ҳовузга бориб қуйилади. Бу ҳовузнинг ғарби-шимолий томонида Султон Искандар тўғон солган. Тўғоннинг устига иморатлар қурибди. Тўғон тепасида пашакаалда сув йигилиб, катта кўл ҳосил бўлади. Бу кўлнинг шарқий тарафлари богдир. Кўлнинг шарқ томонида ҳам яхлит тошдан супага ўхшаш жойлар тарошланишларини буюрдим. Ғарб томонга масжид солиш тайинланди. Сешанба ва чоршанба кунлари мана шу ишлар учун Дулпурда турдик.

Пайшанба куни отланиб, Чанбал дарёсидан ўтдик, пешин намозини дарё ёқасида ўқиб, икки намоз орасидаги вақтда Чанбал қиргогидан қўзғалиб, шом ва хуфтон намозлари уртасида Каварий дарёсидан ўтиб тушдик. Ёгингарчилик тўфайли дарё суви кўтарилган эди, отларни суздириб ўтказдик, ўзимиз эса кема билан ўтдик.

Эртаси — жума куни ашур ойи эди, у ердан отланиб йўлда бир қишлоқда тушланиб, хуфтон намози чоги Гвалийардан бир куруҳ шимол томонга ўтган йили қуришларини буюрганим — чорбоққа келиб тушдим.

Эртаси, пешин намозидан сўнг отланиб Гвалийар шимолидаги тепаликлар ва Намозгоҳни сайр қилиб келгач, Гвалийардаги Раажа Ман Сингнинг иморати туташиб кетган Ҳаатий Пўл деган дарвозадан кириб Раҳимдод утирган Раажа Бикрамажитнинг иморатларига кечга яқин — аср намози чоги келиб тушдим.

Шу кеча қулоғим огригани учун, кечанинг ойдинлиги ҳам сабаб бўлгани, қорадори (афюн) едим. Эртаси куни афюннинг хумори кўп азоб берди. Анча қайт қилдим. Шунга қарамай, Ман Синг ва Бикрамажит иморатларини тамом юриб, сайр қилдим. Гарчи булак-булак ва тартибсиз қурилган бўлса ҳам, жуда ажойиб иморатлардир. Бу иморатларнинг ҳаммаси тарошланган тошлардандир. Барча рожаларнинг иморатларидан Ман Сингнинг иморатлари яхшироқ ва баландроқдир. Ман Синг қасрининг бир тараф девори шарққа қараган. Бу тарафдаги деворлар бошқа деворларга қараганда кўпроқ ҳашаматлироқ бўлиб, баландлиги тахминан қирқ-эллик қари келади, тамоман тарошланган тошдан қурилган, сиртини ганч билан оқартирибдилар. Баъзи жойларда тўрт қаватли иморатлар бор. Уларнинг пастки икки қавати жуда қоронғи. Озгина ёруғлик у ерда бирпас утиргандан кейин сезилади. Бу жойларни шам билан юриб, томоша қилдик. Ушбу иморатнинг ҳар бир тарафида бештадан гунбаз бор. Бу гунбазлар орасига ҳиндустонча усулда қурилган тўрт қиррали кичик-кичик гунбазчалар тушган. Ушбу бешта катта гунбаз тепаси зар югуртирилган мис тангалар билан қопланган. Бу деворларнинг ташқи тарафи

яшил кошин билан безатилган. Бутун атрофидаги деворларга яшил кошин билан кейла (банан) дарахтларининг тасвири туширилган. Қалъанинг шарқ тарафида девори буржи остида Ҳаатий пул жойлашган. Ҳиндлар Филни „ҳаатий“, дарвозани „пул“ деб атайдилар. Дарвозадан чиқишда бир филнинг суратини ўйиб тасвирлабдилар, устида икки филбони ҳам бор. Худди филнинг ўзи, жуда яхши ўхшатишибди. Шу боис „Ҳаатий пул“ деб айтадилар. Турт қаватли иморатнинг энг пастки қаватида бу фил ҳайкалига қаратилган тўйнуқ бор, ундан фил жуда яқин кўринади. Юқори қаватида зикр этилган гунбазлар юксалиб туради. Иккинчи қаватида яшаш хоналари жойлашган. Бу уйлар ҳам анча чуқурда. Гарчи уйларни ҳиндча йўсинда беаган бўлсалар-да, аммо бу жойлар беҳавороқ ерлардир.

Ман Сингнинг ўгли Бикрамажитнинг иморатлари қўрғоннинг шимол тарафида — уртароқда жойлашган. Ўглининг иморатлари отасининг иморатича эмас. Фақат битта катта гунбази бор, жуда қоронги, у ерда бир муддат тургандан сўнггина кўзлар равшанлашади. Бу катта гунбаз остида бир кичик иморат қурилган бўлиб, унга ҳеч тарафдан ёруғлик тушмайди.

Ушбу катта гунбазнинг устида Раҳимдод кичикроқ бир тахтасупа (толор) солибди. Раҳимдод Бикрамажитнинг ушбу иморатларига жойлашгач, Бикрамажитнинг иморатларидан унинг отасининг иморатларигача олиб борадиган бир йўл солибди. Ташқаридан у билинмайди ҳам, ичкаридан ҳам ҳеч ер кўринмайди, унга фақат баъзи ерлардан ёруғлик киради, жуда ажойиб йўл тушган.

Бу иморатларни сайр қилиб, отланиб, Раҳимдод солган мадрасани кезиб, қўрғоннинг жануб тарафидаги катта бир ҳовуз четида Раҳимдод солган богчани томоша қилиб, кечқурун урду тушган чорбоққа келдик.

Бу боққа жуда кўп гуллар экилибди. Хушранг қизил канейр гуллари ҳам жуда кўп. Бу ерларнинг канейр гули шафтоли гулидек. Гвалийар канейри қип-қизил хушранг канейрлардир. Бир бўлак қизил канейрни Гвалийардан Огра богларига келтириб эктирдим.

Бу бог жанубида катта бир кўл бор. Пашакаал сувлари шу кўлда йиғилади. Бу кўлнинг гарбида бир баланд бутхона жойлашган. Султон Шамсиддин Элтамиш бу бутхонанинг ёнида бир жоме масжиди солдирибди. Бу бутхона жуда баланд бутхона экан. Қўрғонда бундан баландроқ иморат йўқ. Дулпур тоғидан Гвалийар қўрғони ва бутхона аниқ кўришиб туради. Айтишларича, ушбу бутхонанинг ҳамма тошларини мана шу катта кўлдан қазиб олишган экан. Бу богда пастгина, беухшовроқ, усти ёпиқ бир тахтасупа қурибдилар. Богнинг эшиги олдига ҳиндустонча бичимда хунук айвонлар қуришибди.

Эртаси куни пешин намози чоғи Гвалийардаги кўрмаган ерларни томоша қилиш ниятида отланиб, Ман Синг қўрғонидан ташқаридаги Баъдалгар деб номланган иморатни кўриб, Ҳаатий Пул дарвозасидан кириб, Удва деган жойга бордик. Бу Удва деган ер қўрғоннинг гарб тарафидаги бир тоғаро йўлда водийда жойлашган. Гарчи бу тоғаро йўл тоғнинг тепасида қурилган қўрғоннинг деворидан ташқарида бўлса ҳам, бу тоғаро йўлнинг кириш жойида яна икки қатор баланд деворлар қуришибди. Бу деворларнинг баландлиги ўттиз-қирқ қарига яқин келади. Ичкариги девор узунроқ ва баландроқдир. Бу ташқи девор тоғаро йўлнинг у тарафидан ҳам, бу тарафидан ҳам қўрғонга туташган. Бу деворни орқа томонидан биринчи девордан пастроқ яна бир девор билан иҳота қилибдилар (ўрабдилар). Бу девор бошдан-оёқ катта деворга туташмаган. Уни катта ариқ қуриш учун ана шундай иҳота қилганлар. Бу деворнинг ичида сув олиш учун вайн (қудуқ) қазганлар. Ун-ун беш зина тушиб сув олиш мумкин. Бу катта деворнинг вайн жойлашган деворга ўтиш жойидаги эшик устига Султон Шамсиддин Элтамишнинг исмини тошга ўйиб ёзганлар, таърихи: олти юз ўттизинчи (милодий — 1232/1233) йилдир.

Ушбу ташқи девор тубида, қўрғон ташқарисидан бир катта кўл бор, кўришибдан унинг суви камаймайди, катта ариққа шу кўлнинг суви боради. Удванинг ичида яна икки катта кўл бор. Қўрғон халқи бу кўлларнинг сувини ўзга



сувлардан афзал биладилар. Удванинг уч тарафи батамом тоғлар билан ўралган. Тошининг ранги Байана тошларидек қизил эмас, бир оз рангсизроқ.

Удванинг атрофидаги яхлит қояларни қазиб, катта-кичик бутлар тарошлабдилар. Жануб тарафида баландлиги йигирма қари келадиган катта бут турибди. Бу бутларни бутунлай ялангоч — кийимсиз тасвирабдилар.

Удва ичидаги икки катта кўлнинг атрофига йигирма-йигирма бешта қудуқ қазишибди. Бу қудуқлардан сув тортиб, экин етиштириб, гул ва дарахтлар ўтқазибдилар. Удва ёмон ер эмас, аксинча, жуда ажойиб жой. Унинг битта айби — атрофидаги бутлардир. Бутларни бузиб ташлашларини буюрдим. Удвадан яна қургонга чиқиб, кофирлар замонидан бери дарвозаси ёпиб қўйилган Султоний Пўлнинг узини томоша қилиб, шом намози чоғи Раҳимдод солган богчага келиб тушдим. Ўша кеча шу ернинг ўзида қолдим.

Ойнинг ун тўртинчисида, сешанба куни Раана Сангаанинг Рантанбур қалъасида уз онаси Падмаватий билан турган Бикрамажит исмли иккинчи углидан одамлар келди. Гвалийар сайрига жўнаб кетишимиздан бурун ҳам Бикрамажитнинг баланд обрўли Асўк исмли ҳиндусидан одамлар келиб, қуллик ва хизматкорлигини изҳор қилган эдилар. Асўк тирикчилик яроғи учун ўзига етмиш лаклик даромад берадиган ер сўрагани. Агар Рантанбурни топширса, унга истаганидек вилоятлар бериш қарорига келиб, одамларига рухсат бериб юбордик. Гвалийар сайрига жўнаётганимизда унинг одамлари билан Гвалийарда учрашишимизни ваъдалашиб олдик. Улар ваъдалашган вақтимиздан бир неча кун кейинроқ келишди. Бу Асўк ҳинду, айтишларича, Бикрамажитнинг онаси Падмаватийга яқин қариндош булар экан. У аҳволни она ва ўғилга баён қилибди. Булар ҳам Асўк билан иттифоқ бўлиб, менга хайрихоҳ ва хизматкор бўлишни қабул қилибдилар.

Сангаа Султон Маҳмудни енгиб, Султон Маҳмуд кофирларга асир тушганида, Сангаа унинг тож ва кулоҳини ҳамда зар камарини олиб, узини қўйиб юбор-

гани. Ўша тож, кулоҳ ва заркамар Бикрамажитда экан. Ҳозир отаси ўрнида раана бўлиб, Читўрни бошқараётган акаси Ратансин тож, кулоҳ ва заркамарни укасидан сўратибди. Бу эса бермабди. Бу келган кишиларидан менга тож, кулоҳ ва заркамар ҳақида гап очтирибди. Рантанбурнинг ўрнига Байанани сўрабди. Байана ҳақидаги сўзни бошқа томонга буриб, унга Шамсободини Рантанбурга алмашишга ваъда бердик. Ўша куннинг ўзидаёқ бу келган кишиларга сарполар кийдириб, тўққиз кундан сўнг Байанага бориш ваъдаси билан рухсат бериб юбордик.

Бу — Раҳимдод солган богдан отланиб, Гвалийар бутхоналарини сайр қилдик. Баъзи бутхоналар икки қават, уч қаватли. Қаватларнинг бўйи пастроқ (хоналари паст-паст). Эскича кўринишда, пастки қисми тошдан уйилган ҳайкаллар билан тўла. Баъзи бутхоналар мадраса кўринишида қурилган. Бинонинг олд томонида кенг ва баланд гунбази, мадраса ҳужраларидек ҳужралари бор. Ҳар бир ҳужранинг устида тошдан кичик-кичик гунбазлар тарошлаб ўрнатилган. Қўйи ҳужраларда тошлардан бут ҳайкаллар тарошланган. Бу иморатларни томоша қилиб, Гвалийарнинг гарб тарафидаги дарвозасидан чиқиб, Гвалийар қўргонининг жануб тарафидан айланиб ўтиб, сайр қилиб, Ҳаатий пўл олдидаги Раҳимдод солган чорбоққа келиб тушдим. Раҳимдод бу чорбоғда катта байрам ҳозирлаб қўйган эди. Яхши ошлар тортиб, кўп совғалар улашди. Совга қилган нарса ва пуллари тўрт лак келарди. Бу чорбоғдан жўнаб, кечқурун ўз чорбоғимга қайтиб келдим.

Ойнинг ун бешинчисида, чоршанба куни Гвалийарнинг шарқи-жанубий тарафида, олти куруҳлик ерда жойлашган шаршарани томоша қилиш учун жўнадим. Йўлга кеч отланган эканмиз, шаршарага пешин намозидан кейин етиб бордик. Бир арқон бўйи баландликдаги қоядан бир тегирмон сув оқиб тушади. Бу сув тушаётган ердан пастроқда катта кўл ҳосил бўлибди. Шаршарагача юқоридаги сув яхлит қоятош бўйлаб оқиб келади. Бу сувнинг туби яхлит тошдан иборат. Ҳар жой-ҳар жойда сув

тўпланиб, кўл ҳосил бўлибди. Бу сувнинг қиргоқларида ўтирса бўладиган бўлак-бўлак яхлит тошлар сочилиб ётибди. Аммо айтишларича, бу сув доим оқмас экан. Шаршара бошида ўтириб, маъжун едик. Кейин сув бўйлаб юқорига кўтарилиб, сувнинг бошланиш жойига бордик. Қайтишда бир баланд жойга чиқиб, бир муддат ўтирдик. Созандалар соз чалдилар, қўшиқчилар бир нималарни айтдилар. Ҳинд эли „тинду“ деб атайдиган обнус дарахтини кўрмаганларга кўрсатдик.

Ортга қайтиш учун тоғдан тушиб, шом ва хуфтон намозлари ўртасида отларга миндик. Тунги иккинчи посга яқин бир ерга келиб уйқуладик. Куннинг биринчи паҳарида чорбоққа келиб тушдик.

Ойнинг ўн еттинчисида, жума куни Салоҳиддиннинг ватани — Суҳжана деган қишлоқни ва қишлоқдан юқорида — тоғ орасидаги ва унинг ичкарасида жойлашган лиму(лимон) ва садафил богини сайр қилиб, куннинг биринчи паҳарида чорбоққа келиб тушдим.

Ойнинг ўн тўққизинчисида, якшанба куни тонг отмасиданоқ чорбоғдан жўнаб, Каварий дарёсидан ўтиб, тушландик. Пешин намози чоғи у ердан жўнаб, кун ботай деганида Чанбал дарёсидан ўтиб, шом ва хуфтон намозлари орасида Дўлпур қўргонига кириб келиб, Абулфатҳ солган ҳаммомни чирог билан томоша қилиб, у ердан жўнаб кетдик ва тўгон тепасидаги янги солинган чорбоққа келиб тушдик.

Эртаси тонгда ўзим турли ишлар қилиш буюрилган ерларни айланиб чиқдим. Яхлит тошга ўйиш буюрилган (кайладор) соябонли ҳовузнинг юзини ҳали бирор марта ҳам текислай олмаган эдилар. Кўпроқ сангтарошлар келиб, ҳовуз тубини сув қўйиб қиргоқларини текислаш мумкин бўлган даражада, бир марта яхшилаб ўйиб олишлари буюрилди. Кечки пайт — аср намози вақтига келиб, ҳовуз туби юзасини биринчи марта тўлиқ текисладилар. Ҳовузга сув тўлдиршларини буюрдим. Қиргоқларини сув сатҳи билан тенглаштириб, текислаш билан машгул бўлдилар. Бу сафар ҳам ерини яхлит тошдан тарошлаб, ичидаги

кичик ҳовузни ҳам яхлит тошдан ўйиб бир обхона (таҳоратхона) қуришларини буюрдим. Душанба куни маъжун суҳба-ти бўлди. Сешанба куни ҳам ўша ернинг ўзида эдим.

Чоршанба куни кечқурун огиз очиб, озгина нарса еб, Секрига бориш ниятида отландик. Вақт иккинчи паҳарга яқинлашганда, бир ерда тўхтаб, уйқуладик. Қўлогимга, билмадим, совуқнинг таъсири бўлдими, бу кеча жуда қаттиқ огриди, ухлай олмадим. Тонг саҳарда бу ердан қўзғалиб, биринчи паҳарда Секрийда солган боққа етиб тухтадик. Богнинг девори ва қудуқнинг иморатлари менинг кўнглимдагидек бўлмагани учун бу ишларни назорат қилаётган кишиларга дўқ-пўписа ва сиёсат қилдим. Секрийдан аср ва шом намозлари оралигида жўнаб, Мадҳакурдан ўтиб, бир ерда тўхтаб ухладик. У ердан отланиб, биринчи паҳарда Ограга келдик. Қалъада Хадича Султонбегим, Фахрижаҳонбегимни, баъзи иш-куч учун қолган эдилар, бориб кўрдим. Уларни кўриб, Жуундан ўтиб, „Ҳашт биҳишт“ боғига келдим.

Сафар ойининг учинчисида, шанба куни катта амма бегимлардан уч бегим: Гавҳаршодбегим, Бадиулжамолбегим, Оқбегим; кичик бегимлардан: Хонзодабегим, Султон Масъуд мирзонинг қизи, яна Султонбахтбегимнинг қизи ҳамда Зайнаб Султонбегим деган янга-чечамнинг набираси келиб, Туътадан ўтиб, шаҳар ташқарисида дарё қиргоғида тўхтаган эдилар, аср ва шом намозлари орасида бориб, уларни кўрдим. У ердан кемада қайтиб келдим.

Сафар ойининг бешинчисида, душанба куни Рантанбўрни топшириш ва Бикрамажитнинг у ер хизматини қабул қилиб олишда ўз йўл-йўриқлари билан аҳд ва шарт тузишларини тилаб бҳиралик ҳиндулардан Деванинг ўғли Хамусийни Бикрамажитнинг аввалги ва кейин келган элчиларига қўшиб жўнатдик. Бизнинг томондан борган одам буларнинг ҳаммасини кўриб, ишониб қайтиши лозим эди. Мен ҳам агар Бикрамажит аввал айтган сўзларида турса, Тангри ишимизни ўнгласа, отасининг ўрнига раана қилиб, Читўрга ўтиргазаман, деб ваъда бердим.

Бу пайтга келиб Деҳли ва Оградаги Искандар ва Иброҳимнинг хазиначиси тугади. Лашкарни таъминлаш, туп ва милтиқчилар ўқ-дориси ҳамда меҳнатига ҳақ тўлаш учун барча хизматчилар маошининг юздан ўттиз қисмини сафар ойининг саккизинчисида, чоршанба куни девонга тушириб, уни қурол-яроғ учун сарф этишлари ҳақида фармон берилди.

Ойнинг унинчисида, шанба куни Хуросонга аввал ҳам бир бор чақириқ (истимолат) фармони олиб борган Султон Муҳаммад бахшининг Шоҳ Қосим исмли пиедаси (тезюари) яна Ҳиротга юборилди. У олиб кетган фармон: „Тангри кўмаги билан Ҳиндустоннинг шарқ ва ғарбидаги душман ва кофирлардан кўнгиллар тинчиди. Худо хоҳласа, шу йили ёзда нима қилиб бўлса ҳам сизларни кўришга борамиз“, деган мазмунда эди. Аҳмад Афшорга ҳам фармон юборилди. Фармоннинг ҳошиясига ўз хатим билан Фаридун Қубузийни чорлаб, бир неча сўз ёздим. Шу куни пешинда симоб ейишни бошладим.

Ойнинг йигирма биринчисида, чоршанба куни ҳиндустонлик пиеда Комрон ва Хожа Дуст Хованддан хабар келтирди. Хожа Дуст Хованд зулҳижжа ойининг унинчисида Кобулга бориб, Ҳумоюннинг олдига жўнаган экан. Хубенда унинг олдига Комроннинг одами келиб, менинг фармонимни Комроннинг олдига бориб, унинг ўзига сўзма-сўз етказишини илтимос қилибди. Комрон зулҳижжа ойининг ўн еттинчисида Кобулга келган экан. Хожа билан сўзлашиб, ушбу зулҳижжа ойининг йигирма саккизинчисида уни Қалъайи Зафарга кузатади.

Бизга келган хабарларда яхши янгиликлар бор эди: Шаҳзода Таҳмосп ўзбакни ҳайдаш ниятида Рениш ўзбакни Домгонда ушлаб ўлдириб, элини қатлиом қилибди. Убайдхон қизилбошлар ҳаракатидан хабар топгач, Ҳирот атрофидан жўнаб кетиб, Марвга бориб, Самарқанд ва уша вилоятлардаги султонларни Марвга чақиради. Мовароуннаҳрдаги султонларнинг ҳаммаси Марвга кўмакка келадилар.

Ҳумоюннинг Ёдгор тоганининг қизидан ўғил кўрганлиги ва Комроннинг Кобулда тоғаси Султон Али мирзонинг қизига уйланаётганлиги ҳақидаги хабарларни ҳам шу хабарчи келтирди. Уша куни мен Саййид Дакний Шерозий жибагарга\* сарпо кийдириб, фавворали қудуқ қурилишини ўз билганича яқунлашини буюрдим.

Ойнинг йигирма учинчисида, жума куни танамнинг ҳарорати кўтарилди. Жума намозини масжидда қийналиб ўқидим. Кейинги куни пешин намозини эҳтиёткорлик билан китобхонада анча вақт утказиб ўқидим. Индини — яшанба куни иситмам чиқиб, озроқ титроқ тутди.

Сафар ойининг йигирма еттинчисида, сешанба кечаси ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг „Волидия“ рисоласини назмда битиш кўнглимдан ўтди. Ҳазратнинг руҳига илтижо қилиб, кўнглимдан ўтказдимки, агар бу манзума ҳазратга мақбул бўлса, „Қасидаи Бурда“ соҳибига худди у зотнинг қасидаси мақбул тушиб, фалаж касалидан халос бўлгани каби мен ҳам бу хасталикдан қутулгайман ва бу назмимнинг қабулига далил бўлгай. Шу ният билан рисола „рамали мусаддаси махбуни маҳзуф“ вазнида назм этишни бошладим. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг „Субҳат ул-абро-р“и ҳам шу вазнда битилган. Уша кеча ўн уч байт айтилди. Мен ҳар куни ўн байтдан кам ёзмалик мажбуриятини олдим, адашмасам, фақат бир кун ёзолмадим. Ўтган йили ва, умуман, ҳар сафар шу хасталик бошланса, у камида бир ойқирқ кун давом этарди. Тангри инояти билан, ҳазратнинг ҳимматидан ойнинг йигирма тўққизинчисида, пайшанба куни бир оз руҳсизландим ва шу билан бу касалдан халос бўлдим. Раби ул-аввал ойининг саккизинчисида, шанба куни рисола сузларини назмга солиб тугатдим. Бир куни эллик икки байт ёзилди.

Ойнинг йигирма саккизинчисида, чоршанба куни шу атрофдаги ва бошқа жойларлардаги аскарларга яқин кунларда, Тангри хоҳласа, лашкар тортишимиз ҳақида фармон юборилди. Лашкарининг

\* Жибагар — қурол ишловчи.

бор қурол-яроги билан тезда етиб келишлари буюрилди.

Раби ул-аввал ойнинг тўққизинчисида, якшанба куни Бек Муҳаммад таълиқчи (хаттот) келди. Ўтган йили муҳаррам ойнинг охирида Ҳумоюнга сарпо ва от олиб борган эди.

Ойнинг ўнинчисида, душанба куни Ҳумоюннинг олдидан Беккина Вайс Лоғарий ва Баёншайх исмли Ҳумоюннинг бир навқари келдилар. Беккина Ҳумоюн ўглининг севинчисига келибди. Болага Алъамон деб исм қўйибдилар. Шайх Абулважд унинг тугилиши таъриhini „Шаҳи саодатманд“ сўзларидан топибди. Баёншайх Беккинадан анча кейин йўлга чиққан экан. Ҳумоюндан сафар ойнинг тўққизинчисида, жума куни Кишимнинг пастида, Душанба деган ерда ажралишиб, жўнашган эканлар. Раби ул-аввал ойнинг ўнинчисида, душанба куни Ограга келди. Жуда тез етиб келди. Бир сафар мана шу Баёншайх қалъаи Зафардан Қандаҳорга ун бир кунда етиб борганди. Таҳмоспнинг келгани ва ўзбакнинг шикаст топгани ҳақидаги хабарни шу Баёншайх келтирди.

Бунинг тафсилоти шундай: Шаҳзода Таҳмосп қирқ минг кишилик лашқари билан милтиқ ва араваларини Рум усулида сафлаб Ироқдан катта тезлик билан келиб, Бистом ва Домғонда Рениш ўзбакни енгиб, уни эли билан қириб ташлаб, тезлик билан олдинга қараб юради. Кепакбийнинг ўгли Қанбар Алини ҳам қизилбошнинг одамлари яксон қилади. У озгина одами билан Убайдхоннинг ҳузурига келади. Убайдхон Ҳирот атрофидаги ерларда туриш учун қурол-ярог тополмай, Балх, Ҳисор, Самарқанд ва Тошканддаги хон ва султонларга шошилич равишда одам жўнатиб, ўзи Марвага кетади. Султонлар зудлик билан йиғиладилар. Тошканддан Суюнчакхоннинг иккинчи ўгли Бароқ Султон, Самарқанд ва Миёнколдан Кучумхон, Абусаид Султон, Пулод Султон, Жонибек Султон угиллари билан, Ҳисордан Ҳамза Султон ва Маҳдий Султоннинг угиллари ва Балхдан Кетин Қаро Султон етиб келдилар. Султонларнинг ҳаммаси тез-

да бориб, Марва Убайдхонга қўшиладилар. Уларнинг сони бир юз беш минг кишига етади. Уларнинг тилчиси келтирган хабарга кўра, шаҳзода Таҳмосп Убайдхонни Ҳиротнинг чеккасида озгина лашқар билан утирибди деб ўйлаб, қирқ минг кишисини бошлаб илдам жўнайди. Энди уларнинг бирлашган жамиятидан хабар топгач, Родагон сайхонлигида хандақ қазиб утирарди. ўзбаклар бундан хабар топгач, душманни писанд қилмай, „Барча хон ва султонлар Машҳадда қоламиз. Фақат бир неча султон йигирма минг кишилик лашқар билан қизилбошлар урдуси жойлашган ерларга бориб, уларни хандақдан бошларини чиқаришига қўймайди. Ақраб ойи келгач, ядачиларга\* яда қилиш буюрилади“, дея кенгашиб оладилар. Шу йул билан душманни кучсизлантириб енгамиз, дея Марвдан жўнайдилар. Шаҳзода ҳам Машҳаддан чиқади. Жом ва Харгирд атрофларида улар бир-бирларига рубарў келишади. Ўзбаклар мағлубиятга учрайдилар. Жуда кўп султонлар асир тушиб, қатл қилинади.

Бир хатда ёзишларича, Кучумхондан ўзга бирор султоннинг қочганлиги тўғрисида аниқ хабар йўқ. Лашқар билан бирга бўлганлардан бирор киши ҳануз қайтгани йўқ. Ҳисордаги султонлар Ҳисорни ташлаб кетдилар. Иброҳим Жонийнинг ўгли Чалма, асли исми — Исмоил, Ҳисор қургонида экан. Ҳумоюнга, Комронга хатлар битиб, ўша Баёншайхнинг ўзига бериб, уни зудлик билан яна ортига жўнатдик.

Ойнинг ўн тўртинчисида, жума куни хатлар тайёр бўлди. Уларни Баёншайхга топшириб, унга рухсат бердик. Ойнинг ўн бешинчисида, шанба куни у Оградан жўнаб кетди.

Ҳумоюнга битилган мактубнинг қораламаси қуйидагича:

„Ҳумоюнга муштоқликлар билан соғиниб салом дегач, сўзим ушбуки, раби ул-аввал ойнинг ўнинчисида, душанба куни Беккина билан Баёншайх келдилар. Уларнинг хат ва арзларидан сўнг тоғнинг у ва бу тарафидаги аҳвол аниқ маълум булди.

\* Ядачи — ёмғир чақирувчилар.

*Шукр, бермиш санга ҳақ фарзанде,  
Санга фарзанду, манга дилбанде.*

Тангри таоло бундай севинчларни менга ва сенга ҳамиша насиб этсин, омин ё раббил-оламин. Исмини Алъамон қўйибсан. Тангри муборак қилсин. Аммо шундай бўлса-да, ўзинг ёзганингдек, гофиллик қилибсанки, бу исми куп қўллаганда, авом Аламо ёки Эл Амон дейдилар, „алиф“ ва „лом“нинг бундай қўшилиб келиши исмда кам учрайди. Тангри оти ва зотини қутлуг ва муборак қилсин, менга ва сенга узоқ умр берсин, Алъамон куп асрлар давлат ва саодатли бўлсин.

Тангри таоло ўз фазлу карами билан бизнинг ишларимизни ўнглади. Бундай омад ва зафар юз йилларда ҳам топилмас. Яна ойнанинг ўн биринчисида, сешанба куни Балх халқи Қурбонни чақриб, уни Балхга киритганмиш, деган мишмишлар ҳам етиб келди.

Яна Комронга ва Кобулдаги бекларга бориб сенга қўшилишга ва ундан Ҳисорга ёки Самарқандга, умуман, давлат осойишталиги қаерни тиласа, ўша ерга жўнайсизлар, деган фармон бўлди. Тангрининг инояти билан душманни енгиб, худо хоҳласа, вилоятларни қўлга олиб, дўстларни шод ва душманларни остин-устин (хор) қилгайсизлар. Сизларнинг жонни тикиб, қилич соладиган пайтингиз келди. Омадингиз келганида, уни бой бериб қўйманг. Бепарволик ва сусткашлик билан подшоҳлик мувофиқ келмайди.

*Жаҳонгири таварқуф бар наёбад,  
Жаҳон овро бувад кў беҳ шитобад,  
Ҳама чизи зи руи кадхудои —  
Сукув меёбад илло подшоҳий.*

(Мазмуни:

*Жаҳонгирлик тўхтаб турмайди,  
Ким яхши тиришса, жаҳон ушаники бўлади,  
Ҳаётда ҳар бир нарса(нинг) тўхташи мумкин,  
Аммо подшоҳлик тўхтамайди.)*

Агар Тангрининг марҳамати билан Балх ва Ҳисор вилоятларини қўлга киритиш насиб этса, Ҳисорга сен ўз одамингни қўй, Балхда Комроннинг одами турсин. Агар Тангрининг инояти билан Самарқанд ҳам фатҳ этилса, Самарқандда ўзинг утир. Ҳисор вилоятини, Худо

хоҳласа, ўз ихтиёримда қолдираман. Агар Комрон Балхни оз деб билса, хабар беринг, бу камчиликни, Худо хоҳласа, ўша ердаги қўшни вилоятлар билан тўлдирамиз. Сенга маълумки, ҳар доим бир қоидага амал қилинарди: олти ҳисса сенга бўлса, беш ҳисса Комронга тегарди. Ҳамиша ушбу қоидага амал қилгин, ундан четга чиқманглар. Уканг билан яхши яшагин. Катталар кўтаримли бўлишлари керак, сенинг ҳам у билан яхши муомалада бўлишингга умид қиламан. У ҳам имонли ва яхши йигит, хизмат ва ҳамжиҳатликда унинг ҳам камчилиги йўқ.

Сендан бир оз гинам ҳам бор. Икки-уч йилдан бери бирорта одаминг келмади. Мен юборган одам ҳам роппа-роса бир йилдан кейин қайтди. Шундай ҳам бўладими?

Бунинг устига хатларингда ёлғизлик, ёлғизлик деб ёзибсан. Подшоҳликда бундай дейиш айбдир. Ахир, айтадилар-ку:

*Агар пой банди ризо пеш гир,  
Ва гар яксувори сари хеш гир.*

(Мазмуни:

*Агар оёгинг банд булса, ризони олдинга қўй,  
Агар танда сувора булсанг, уз бошингга бор.)*

Яъни: жангга боғланган бўлсанг, бошингга келган ҳар нарсага рози бўл, агар ҳеч нарсага боғланмаган бўлсанг, йўлингдан қолма, кетавер.)

Ҳеч бир банд подшоҳлик бандича бўлмас. Подшоҳлик билан ёлғизлик мувофиқ келмас. Яна мен айтгандек, хатларингни ёзиб бўлгач, уларни қайта ўқимайсан, чунки ўқишга ният қилганингда ҳам ўқий олмасдинг. Ўқий олмаганингдан сўнг албатта ўзгартирган бўлардинг. Хатингни қийналиб ўқиса бўлади, лекин у жуда чалкаш. Насрда ҳали ҳеч ким муаммо курган эмас. Гарчи унча тўғри бўлмаса ҳам, имлонг ёмонмас. „Илтифот“ни „то“ билан, „қулунж“ни „ё“ билан битибсан. Хатингни бир амаллаб ўқиса бўлади, лекин тушунарсиз сўзларни қўллаганингдан мақсадингни тўла тушуниб бўлмайди. Эҳтимол, хат ёзишга сустлигинг шундандир. Жимжимадор сўзларни битмоқчи бўласан, шу боис тушунарсиз чиқади. Бундан кейин такаллуф қилма, равшан ва аниқ сўзлар би-

лан ёз. Сенга ҳам, ўқувчига ҳам ташвиш камроқ бўлади.

Энди сен катта ишлар олдида турибсан. ўй-фикрли ва тадбирли беклар билан кенгашиб, уларнинг сўзларига амал қил.

Агар менинг розилигимни истасанг, хилватда ўтиришни бас қил, одамлардан узоқлашишни унут. Бир кунда икки бора уканг ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошингга чорлаб, ҳар қандай маслаҳат бўлса кенгашиб, ҳар бир ишингни бу хайрихоҳ кишилар билан иттифоқликда амалга оширгин.

Хожа Калон мен билан тортинмай муомала қилишга ўрганган эди. Мен Хожа Калонга қандай муносабатда бўлган бўлсам, сен ҳам ўшандай муомала қилгин. Агар Тангрининг марҳамати билан у тарафларда ишлар бироз камайса ва Комронга эҳтиёж бўлмай қолса, Комрон Балхга ишончли кишиларини қўйиб, ўзи менинг қошимга келсин.

Жуда кўп фатҳ ва зафарларни Кобулда эканимда кўрдим. Шу боис Кобулни яхши ниятларимга эришган жой деб билдим ва уни ўз ихтиёримда қолдирдим. Ҳеч бирингиз унга тама қилмагайсиз.

Сен ўзингни яхши тутиб, Султон Вайснинг кўнглини олибсан. Уни қошингга чорлаб, унинг раъйи билан иш қилгин, чунки у иш биладиган одам. Лашкарингни ҳар доим йигиқ ва яхши тартибда сақла. Оғзаки айтган кўп сўзларимдан Баёншайх воқифдир ва улардан сени хабардор қилади, деб, сенга муштоқликлар билан салом. Раби ул-аввал ойининг ўн учинчисида, пайшанба куни битилди“.

Комронга ва Хожа Калонга ҳам ўз қўлим билан ушбу мазмунда хатлар битиб юбордим.

Ойнинг ўн тўққизинчисида, чоршанба куни мирзолар, султонлар, турк ва ҳинд амирларини чорлаб, кенгаш қилиб, бу йил лашкар албатта бирор тарафга юриши керак, деган фикрга келдик. Биздан бурунроқ Аскарый Пурабга жўнайдди. Ганг дарёсининг у тарафидаги султон ва амирлар ўз лашкарлари билан Аскарыйга келиб қўшиладилар ва давлатимиз учун фойдаси бор томонга отланадилар.

Ушбу кайфиятимизни битиб, ойнинг йигирма иккинчисида, шанба куни Гиёсиддин қўрчини ўн олти кундан кейин учрашиш ваъдаси билан Сутон Жунайд барлос бошчилигидаги Пураб амирлари томонга чоптирдик. Зарбзан, арава, милтиқ ва шу каби бошқа қурол-аслаҳалар тайёр бўлгунича, ўзимиздан илгарироқ Аскарый жўнатилди, деб оғзаки айтиб юбордик. Гангнинг нариги юзидаги барча султон ва амирларга Аскарый қошига йигилиб ва давлатимиз учун фойдаси бор томонга Тангри инояти билан отлансинлар, деган фармон бўлди. У ердаги хайрихоҳ кишилар билан кенгаш қилинг. Агар у ердаги ишларда менга эҳтиёж бўлса, ушбу ваъда билан борган кишидан айтиб юборинг. У келиши билан, Худо хоҳласа, жўнайман. Агар Бангалий биз билан ҳамжиҳатлик ва ихлос мақомида бўлса ва у ерда менинг боришимга эҳтиёж бўлмаса, унинг ҳам шарҳини битиб, маълум қилинг. Жим қараб туриб бўлмайди, мен бошқа томонга отланаман. Сизлар хайрихоҳ кишилар билан кенгашиб, Аскарыйни яхши қабул қилиб олинг. Тангри таоло кўмаги билан у ердаги ишларни ҳал қилсангиз.

Раби ул-аввал ойининг йигирма тўққизинчисида, шанба куни Аскарыйга қимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар билан шоҳона сарпо кийдириб, байроқ, ноғора, бир отхона от, унта фил, бир карвон туя, бир карвон хачир ва подшоҳона асбоб-анжомлар инъом қилдик. Унга девонда бош ўринга ўтириш ҳукм бўлди. Мулласига ва икки тарбиячисига тугмалик чакмонлар, яна бошқа навкарларига тўққизтадан уч марта тун инъом бўлди.

Ойнинг охирида, якшанба куни Султон Муҳаммад бахшининг уйига бордим. Пойандоз солиб, совғалар сочқи қилди. Пул ва буюмлардан икки лакдан кўпроқ нарса тортиқ қилди. Ош тортилиб, совғалар тақдим этилгач, яна бир уйга бориб, маъжун едик. Учунчи паҳарда у ердан чиқиб, сувдан ўтдик ва „Хилватхона“га келдик.

Раби ул-охир ойининг тўртинчисида, пайшанба куни Чақмоқбекнинг Шоҳий тамгачи котиблигида Оградан Кобулгача бўлган масофани ўлчаб чиқишига

қарор қилдик. Ҳар тўққиз куруҳ масофа ерда баландлиги ўн икки қари келадиган минора қуриб, минора устига чордара\* урнатсинлар. Ҳар ун саккиз куруҳда олтига ём отини\*\* боғлаб қўйсинлар. Ёмчи (элчи, чопар) ва сайисга улуфа (маош ва озиқ-овқат), отларга ем-хашак тайинлансин. Агар бу ём отлари боғланадиган ер бирор холисага (давлат ерларига) яқин жойда бўлса, унинг харажатлари ана шу ердан ундирилсин, агар ундай бўлмай, бирор бекнинг вилоятида жойлашган бўлса, унинг таъминоти ўша бекнинг зиммасига юклатилсин. Ўша куни Чақмоқ билан Шоҳий Оградан чиқиб жунаб кетдилар. „Мубаййин“да зикр этилганидек, бу куруҳлар бир милга мувофиқ қилиб белгиланди:

*Тўрт мингдур қадам била бир мил,  
Бир куруҳ они ҳинд эли дер бил.  
Дедилар бир ярим қари бир қадам,  
Ҳар қари билки, бордур олти тутам.  
Ҳар тутам тўрт элик, яна ҳар элик  
Олти жав арзи бўлди, бил, бу билки.*

Ўлчов танобини зикр этилган бир ярим қари билан тўққиз қулоч чиқадиган қирқ қари деб белгиладикки, унинг юз таноби бир куруҳ бўлади.

Ойнинг олтинчисида, шанба куни тўй бўлди. Қизилбош, ўзбек ва ҳиндуларнинг элчилари бу тўйда қатнашдилар. Қизилбош элчиларни ўнг қўлга — ўзимиздан етмиш-саксон қари узоқроққа шомиёна\*\*\* урнатиб, ўтқаздик. Беклардан Юнус Алига қизилбошлар билан бирга утириш ҳақида фармон бўлди. Чап қўлда худди шу тартибда ўзбек элчилари ўтқазилиб, беклардан Абдуллоҳга улар билан бирга утириш учун фармон берилди. Мен янги солинган саккиз қиррали, усти хас билан ёпилган толорнинг шимол тарафида утирдим. Ўнг қўлимда — мендан беш-олти қари нарида — Тўхта Бўга Султон, Аскаррий, Ҳазрати Хожанинг фарзандлари Хожа Абдушшаҳид, Хожа Калон, Хожа Ҳусайний, Халифа

ва яна Самарқанддан келган хожага қарашли ҳофиз (қори) ва муллолар утиришди. Чап ёнимда беш-олти қари нарида — Муҳаммад Замон мирзо, Тонготмиш Султон, Саййид Рафиъ, Саййид Румий, Шайх Абдулфатҳ, Шайх Жамолий, Шайх Шиҳобиддин араб ва Саййид Дакний ўтирдилар. Барча султонлар, хонлар, улуғлар ва амирлар ошдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар. Олдимга бир гиламча солишларини буюрдим. Олтин ва кумушни шу гиламча устига тўктилар. Матолар, кийимликлар ва бадраларни (олтин, кумуш ақча солинган халтача) унинг ёнига тудалаб қўйдилар.

Ошдан бурунроқ совга тақдим этиш чоғида маст туяларни ва филларни қаршимиздаги оролда урушга солдилар. Бир нечта қўчқорни ҳам уриштиришди. Улардан кейин курашчи полвонлар кураш тушдилар.

Катта ош тортилганидан кейин Хожа Абдушаҳид билан Хожа Калонга авраси туя жунидан тўқилган матодан бўлган қундуз тўнлар муносиб сарполар билан кийдирилди. Мулла Фаррух ҳамда ҳофиз бошчилигида келганларга чакмонлар кийдирилди. Кўчумхоннинг элчисига ва Ҳасан Чалабийнинг укасига ҳам ипак, бош кийим (бошлик), тугмалик қундуз тўнлар ва шунга яраша сарполар инъом бўлди. Абусаид Султон, Меҳрибон хоним ва унинг ўғли Пулод Султоннинг элчиларига ва Шоҳ Ҳасаннинг элчисига тугмалик чакмонлар, ипак тўнлар инъом бўлди. Икки хожага ҳамда ва икки катта элчи — Кўчумхоннинг навқари ва Ҳасан Чалабийнинг укасига кумуш тоши билан олтин ва олтин тоши билан кумуш тортилиб, инъом қилинди. Олтин тоши беш юз мисқолга тенг бўлиб, Кобул тоши билан бир сер келади, кумуш тоши эса икки юз элик мисқолга тенг келиб, Кобулнинг ярим серига тўғри келади. Хожа Мир Султонга ва унинг угилларига, Ҳофиз Тошкандий ва Мулла Фаррух бошчилигидаги Хожанинг хизматидаги ки-

\* Чордара — бог уртасида икки томонидан дарчалар очиб қўйиб солинган бино.

\*\* Ём оти — у шаҳардан бу шаҳарга хат, хабар етказувчининг ҳар бекатда алмаштириб минадиган оти.

\*\*\* Шомиёна — кечалари дам олиш учун ясалган махсус нозик чодир; деворлари юпқа ёзлик бино.

шиларга ҳамда бошқа элчиларга ҳам олтин ва кумуш ёйлар туҳфа этилди. Ёдгор Носирга камар ханжар совға булди. Мир Муҳаммад жолабонга ҳам Ганг дарёси устига яхши кўприк солгани учун мана шундай муносиб совға инъом булди. Мир Муҳаммадга, милтиқчилардан паҳлавон Ҳожи Муҳаммад, паҳлавон Баҳлул ва Вали Порсийга якка ханжар (биттадан ханжар) инъом булди. Устод Алиқулининг икки ўглига ханжар инъом булди. Яна Саййид Довуд Гармсериёга олтин-кумуш пуллар тортиқ қилинди. Яна қизим Маъсуманинг ва ўғлим Ҳиндолнинг навкарларига тугмалик чакмонлар ҳамда шойи сарполар инъом қилинди. Мен билан Андижондан келиб, жойсиз, ватансиз юрганларга, Сўх ва Ҳушёрдан келганларга ҳам чакмонлар ҳамда ипак сарполар, олтин, кумуш, кийимлик ва бошқа нарсалардан инъомлар бўлди. Қурбон билан Шайхнинг навкарларига, Қоҳмард аҳолисига ҳам шу усулда иноятлар қилдик.

Ош тортилганидан кейин Ҳиндустон бозигарлари (ўйинчи, масхарабоз) келиб ўйинларини кўрсатсинлар, деган фармон бўлди. Лўлилар келиб томоша кўрсатдилар. Ҳиндустон лўлилари шундай томоша кўрсатдики, бизнинг вилоятлардаги лўлилардан бундай ишларни кўрган эмасдик. Масалан, бири шундайки, улар етти ҳалқани олиб, биттасини пешонасига ва иккитасини тиззасига жойлаштиради. Қолган тўртта ҳалқадан иккитасини қулининг бармоқларига, иккитасини оёғи бармоқларига кийдириб тез ва тўхтовсиз айлантиради. Яна бири — товусюриш усули бўлиб, унда лўли бир қўли билан ерга таяниб, бошқа қўли ва икки оёғини юқорига кўтаради ва уларнинг ҳар бирига ҳалқа кийдириб, бу уч ҳалқани тез ва тўхтовсиз айлантиради. Яна бир томошаси шундайки, бизнинг улкалардаги лўлилар икки ёғочни оёқларига боғлаб, „пойи чўбин“ — „ёғочоёқ“ қилиб юрадилар. Ҳиндустонлик лўлилар эса бир оёғи билан „ёғоч оёқ“ қилиб, уни ҳатто оёқларига боғламасдан ҳам юра оладилар. Яна бири буки, икки лўли бири-бирини ушлаб, бизнинг улкаларда икки хил чайқалади, Ҳиндустон лўлилари бири-бирига осилиб, уч-тўрт хил кўринишда

чайқаладилар. Яна бири буки, бир лўли олти-етти қари келадиган ёғочнинг бир учини белига тик тутиб туради, бошқа бир лўли шу ёғочга чиқиб, ёғоч устида ўйинлар кўрсатади. Яна бири буки, кичкина лўли катта лўлининг бошига чиқиб тик туради, пастдаги лўли у ёқ-бу ёққа тез-тез бориб келиб томоша курсатётган чоғда бу кичкина лўли ҳам унинг бошида тебранмай туриб, томошалар кўрсатади. Лўлилардан кейин кўп раққосалар келиб, рақс тушдилар.

Шом намозига яқин анчагина олтин, кумуш ва мис сочилди. Ажойиб гавго кўтарилди ва ур-йиқит бўлди. Шом ва хуфтон намозлари оралигида беш-олтита ўзимга яқин кишиларни қошимга ўтиргиздим. Бир паҳардан кўпроқ вақт ўтирдик. Эртаси тонгда — иккинчи паҳарда кемага ўтириб „Ҳашт биҳишт“га келдик.

Душанба куни сафарга отланган Аскарый келиб, ҳаммомда рухсат олиб, Шарққа қараб жунади. Сешанба куни қурилиши буюрилган ҳовуз ва қудуқларни кўриш учун Дулпурга бордим. Биринчи паҳардан бир гарий ўтганда боғдан жўнаб кетдим. Кечанинг биринчи посидан беш гарий ўтганида Дулпур боғига етиб келдик.

Ойнинг ўн биринчисида, пайшанба куни тошқудуқ, йигирма олти топтарнов ва тошустун ва якпора қизил қоядан қазилган ариқлар тайёр бўлганди. Ўша куни учинчи паҳардан кейин қудуқдан сув торта бошладик. Дулпурда ишлайдиган сангтарош, дурадгор ва барча мардикорларга Оградаги усталар ва ишчилар одатига кўра, инъомлар бўлди. Қудуқ сувида ҳид борлиги боис эҳёткорлик қилиб, ўн беш кеча-кундуз унинг чархини тинмай айлантираб, сувини чиқариб ташлаш тайинланди.

Жума куни биринчи паҳарга бир гарий қолганида Дулпурдан жунадик. Кун ботмасидан дарёдан кечиб ўтдик.

Ойнинг ўн олтинчисида, сешанба куни қизилбош билан ўзбакнинг урушида қатнашган киши — Дав Султоннинг навкари келди. Унинг айтишича, ошур (ашур) куни Жом ва Харгирд атрофида туркманлар билан ўзбаклар жанг қилибдилар. Бомдод намози пайтидан то пе-



шин намозигача урушибдилар. Узбаклар уч юз мингта чиқарди, деди у. Туркманлар эса қирқ-эллик минг киши экан. Аммо кўз билан чамалаганда, уларни юз минг киши дейиш мумкин. Лекин узбак уз одамлари сонини бир юз беш минг киши дер экан. Қизилбошлар Рум усулида — арава, зарбзан, милтиқлиларни бир саф қилиб, ўзини улар ортига беки-тиб уруш бошлайдилар. Икки минг арава, олти мингта милтиқлиси бор экан. Шаҳзода ва Жўҳа (Хожа) Султон йигирма минг сара йигити билан аравалар орасида турар, бошқа бекларни араваларнинг ўнг ва чап қанотларига саф торттирган эди. Узбаклар етиб бориб, четдаги кишиларни босиб, одан тушириб олди-га солиб жўнайдилар. Қизилбошларнинг орқа тарафидан айланиб ўтиб, туя ва партолни (сафар анжомларини) ўлжа қилиб оладилар. Шу пайт аравалар орасида турган жангчилар занжирларни ечиб, олдинга чиқадиладар. Бу ерда ҳам жуда шиддатли жанг бўлади. Узбак уч бора қаршиликка учрайди. Тангри таоло кўмаги билан ўзбакни енгадилар. Кучумхон, Убайдхон, Абусаид Султон бошчилигидаги тўққиз султон асир олинади. Бир Абусаид Султонгина тирик эмиш, қолган саккиз султон қатл эттирилади. Убайдхоннинг боши топилмабди, бироқ танасини топибдилар, ўзбаклардан эллик минг киши ва туркманлардан йигирма минг киши ўлимга бордилар.

Худда уша куни Гиёсиддин қўрчи, ўн олти кунда қайтиб келиш ваъдасини олиб Жўнпурга жўнатган эдик, келди. У жўнаган пайтда Султон Жўнайд лашкари билан Харидга кетганлиги боис Гиёсиддин қўрчи ўз вақтида етиб келолмади. Султон Жўнайд оғзаки тарзда: „Шукр-шукр. Тангрининг марҳамати билан бу тарафларда подшоҳнинг келишини талаб этадиган ишлар кўринмайди. Мирзо Аскарый келганларида, бу вилоятдаги султонлар, хонлар ва амирларга Мирзо билан бирлашишга фармон бўлса, ҳамма ишларнинг осонлик билан йўлга тушишига умид бор“, деб айтиб юборибди.

Гарчи Султон Жўнайддан шундай жавоб келган бўлса-да, Сангаа кофирга қарши газовотдан кейин Банголага элчи

қилиб юборган кишимиз — бугун келиши лозим бўлган Мулло Муҳаммад музаҳҳиб келтирадиган хабарни ҳам кутдик.

Ойнинг ўн туққизинчисида, жума куни маъжун еб, бир неча яқин одамларим билан „Хилватхона“да ўтирган эдим, Мулло Муҳаммад музаҳҳиб кечқурун, яъни шанба кечаси келиб мулозamat қилди. У тарафлардаги аҳволни сўраб билдик. Банголий итоат ва ҳамжиҳатлик мақомида экан.

Якшанба куни турк ва ҳинд амирларини „Хилватхона“га чорлаб, кенгашидик. Банголий элчи юбориб, итоатда ва ҳамжиҳатлик йўлини тутганлиги ҳақида сўз борди ва Банголага боришнинг узи ўринсиз, деган фикрга келдик. Агар Банголага бормасак, бу ерларда лашкарни таъминлаш учун етарли хазинага эга булган бирор ер йўқ. Гарб тарафда бундай жойлар бор: ҳам яқин, ҳам хазинаси бор.

*Моли вофир, эли кофир, йул ёвуқ,  
Шарқ сори гар йироқтур, ул ёвуқ.*

Охири гарб томонга йўлимиз яқин бўлганлиги боис, бир неча кун тўхтаб, шарқ тарафдан кўнгилни хотиржам қилиб гарбга қараб борсак ҳам бўлади, деган қарорга келдик. Пураб амирларига фармонлар битиб, яна Гиёсиддин қўрчини, йигирма кунда бориб келиш ваъдасини олиб, чопар қилиб жўнатдик. Фармонда Ганг дарёсининг нариги юзидаги барча султонлар, хонлар, амирлар Аскарыйнинг қошида йигилиб, бу душманнинг устига юрсин, деб ёзгандик. Бу фармонларни етказгач, у ердаги бор воқеалар хабарини олиб, белгиланган муддатда етиб келиши лозим эди.

Уша кунлари Муҳаммадий кукалдошдан Балуч яна келиб, баъзи ерларни вайрон қилди, деган хабар келди.

Шу боис Чин Темур Султонга буюрилдики, Саҳринд ва Саманадан наридаги Одил Султон, Султон Муҳаммад дўлдой, Хисрав кукалдош, Муҳаммад Али жанг-жанг, Абдулазиз мирохўр, Саййид Али, Вали қизил, Қароча, Ҳалоҳил, Ошиқ баковул, Шайх Али, Катта, Гужурхон, Ҳасан Али Савадий сингари беклар бошчилигидаги кишилар Султон

қошига йиғилиб, олти ойлик қурол-яроғ билан Балўч устига юрсин. Султоннинг эълону қарорларига тайёр туриб, унинг қонун-қоидаларидан чиқмасинлар, деб буюрдик. Бу фармонни етказиш учун Абдулғаффор товачи тайинланди. Ушбу фармонлар аввал Чин Темур Султонга етказилсин, деб тайинланди. У ердан ўтиб, номлари зикр этилган бекларга фармонни курсатиш, қаердаки, Чин Темур Султон қўшин қисмлари учун жой белгилаган бўлса, барчаси қўшини билан уша ерда ҳозир бўлиши тайинланди. Абдуғаффорнинг ўзига ҳам шу лашкарда бўлиш, кимки сустлик ва эътиборсизлик қилса, менга хабар қилиши тайинланди. Бундай камчиликка йўл қўйган кишини мансаби ва даврасидан четлатиб, ер-жойларидан узоқлаштиргаймиз. Бу фармонларни топшириб, яна бир неча сўзларни оғзаки тайинлаб, Абдуғаффорга рухсат бердик.

Ойнинг йигирма саккизинчисида, якшанба кечаси, учинчи паҳардан олти гарий ўтганида Жуундан ўтиб Дўлпурдаги Нилуфар боғига йўл олдик. Якшанба куни учинчи паҳарга яқинлашганда боққа келдик. Боғнинг атрофидаги жойларга беклар ва хос амалдорларимга ўзлари учун иморатлар, боғлар солсин деб, ер ва жойлар тайинланди.

Жумод ул-аввал ойининг учинчисида, пайшанба куни боғнинг шарқи-жанубий тарафида ҳаммом учун жой белгиладим ва унинг ерини текисладилар. Ушбу текисланган ерда ҳаммомнинг пойдеворини қўйиш ва қурилиш режасини тузишни буюрдим. Бу ҳаммомнинг бир хонасида унга-ўн қари ҳажмида ҳовуз буюрдим.

Уша куни Халифа Оградан юборган қози Жийа билан Бирсанг Дэвнинг хабарлари келди. Биҳарни Секандарнинг ўғли Маҳмуд эгаллаганмиш, деб хабар берилганди. Бу хабарни эшитишим билан лашкарни олиб йўлга чиқишга жазм қилдим. Эртаси, жума куни олтинчи гарийда Нилуфар боғидан жўнаб, намози шомда Ограга келдик. Муҳаммад Замон Дўлпурга кетаётган экан, йўлда учради. Чин Темур Султон ҳам шу куни Ограга келган экан.

Эртаси, шанба куни кенгаш бекларини чақириб, ойнинг ўнинчисида, пайшан-

ба куни Пураб сари жўнашга қарор қилинди.

Уша шанба Кобулдан ҳам хат ва хабар келди. Ҳумоюн нариги юздаги аскарларни йиғиб, Султон Вайсни ўзига қўшиб олиб, қирқ-эллик мингга яқин киши билан Самарқанд устига юриш бошлабди. Султон Вайсининг укаси Шоҳқули Ҳисорга бориб кирибди. Турсун Муҳаммад Султон Тирмиздан чиқиб, Қабодиёни олиб, ёрдам сўрабди. Ҳумоюн Тулак кўкалдош ва Мир Хурдни кўп кишилари, уша ердаги бор мўғуллар билан Турсун Султонга кўмакка юбориб, ўзи ҳам уларнинг ортидан жўнабди.

Жумод ул-аввал ойининг ўнинчисида, пайшанба куни учинчи гарийдан сўнг Пурабга бориш ниятида сафарга чиқиб, Жалесар қишлоғидан юқориқоқда кема билан Жуундан кечиб ўтиб, „Зарафшон“ боғига келдим. Байроқ, ногора ва отлиқларга ҳамда бутун лашкар элига боғ рўпарасида — сувнинг у юзига жойлашсин, деган фармон берилди. Мени кўришга келадиганлар сувдан кема билан ўтиб келаверади.

Шанба куни Бангола элчиси Исмоил Митаа Банголийнинг тортиқларини келтириб, Ҳиндустон одати бўйича мулозамат қилди. Бир ўқ отими масофасидаги жойга келиб, таъзим қилди ва ортига қайтди. Кейин унга „сермўйна“ деб аталадиган одатий сарпо кийдириб, олиб келдилар. Бизнинг одат бўйича у уч бор тиз чўкиб таъзим қилди ва олдимга келиб Нусратшоҳнинг мактубини берди. Келтирган тортиқларини топшириб, ортига қайтди.

Душанба куни Хожа Абдулҳақ келдилар. Кема билан сувдан кечиб, Хожанинг чодирларига бордим ва илтифот кўрсатдим.

Сешанба куни Ҳасан Чалабий келиб, мулозамат қилди. Лашкарни жангга шайлаш учун бир неча кун Чорбоғда қолдик.

Ойнинг ўн еттинчисида, пайшанба куни учинчи гарийдан кейин у ердан кўчдик. Мен кемада кетдим. Оградан етти куруҳ нарида жойлашган Унвар қишлоғида тўхтадик.

Якшанба куни ўзбек элчиларига кетиш учун рухсат берилди. Кўчумхоннинг элчиси Амин мирзога камар, ханжар ва

зарбоф ялакқават тўн ва етмиш минг танга инъом булди. Абусаид Султоннинг навкари Мулло Тагойига, Меҳрихоним ва унинг угли Пулод Султоннинг навкарларига тугмалик чакмонлар, шойи тўнлар кийдирилди. Уларнинг ҳам ҳар бирига яраша пул инъомлари булди.

Эртаси куни Хожа Абдулҳаққа Ограда туриши, ўзбак хон ва султонларидан элчи бўлиб келган Хожа Яҳёнинг набираси Хожа Калонга Самарқандга кетиш учун рухсат берилди.

Ҳумоюннинг ўгилли бўлгани, Комроннинг уйланиши муносабати билан қутлаш учун Мирзойи Табризий ва Мирзобек тагойини ун минг шоҳрухий сочиқ билан жўнатдим. Узим кийган тўн ва боғлаган камар ҳам икки мирзога юборилди. Мулло Биҳиштий орқали Ҳиндолга қимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар ва яна шундай безакли сиёҳдон ҳамда садаф билан безалган сандал (хонтахта), кийган нимчамни ва камар ҳамда „Бобурий хатти“нинг алифбеси юборилди. Яна „Бобурий хатти“ билан битилган қитъалар юборилди. Ҳумоюнга таржима ва Ҳиндустонга келганда битган шеърларни юбордим. Ҳиндол ва Хожа Калонга ҳам таржима ва шеърлар юборилди. Мирзобек тагойидан Комронга ҳам таржима ва Ҳиндга келганимдан кейин ёзган шеърларим, „Бобурий хатти“ билан битилган сархатлар\* юборилди.

Сешанба куни Кобулга кетадиган кишиларга хатлар ёзиб бериб, рухсат бердик. Мулло Қосим, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарош, Мирак Мирғиёс, Мир сангтарош ва шоҳ Бобойи белчига Огра ҳамда Дўлпурда солинадиган иморатларни эсларига солиб ва улар зиммасига юклаб, рухсат бердик.

Биринчи паҳар яқинлашганида Унвардан жўнаб кетдик. Пешин намозидан кейин Чандварга бир куруҳ қолганида, Абапур деган катта қишлоққа келиб тушдик. Пайшанба оқшоми Абдулмалик қўрчини Ҳасан Чалабийга қўшиб шоҳнинг олдига, Чопуқни эса ўзбак элчила-

ри билан бирга хонлар ва султонлар олдига юбордик.

Кечанинг тугашига тўрт гарий қолганида Абапурдан кўчиб, тонг отаётганида Чандвар ёнидан ўтиб, кемага тушдим. Хуфтон намози чоғи Раприй олдига кемадан чиқиб лашкаргоҳга келдим. Ўрду Фатҳпурда жойлашганди. Фатҳпурда бир кун туриб, шанба саҳари таҳорат олиб, отланиб Раприй яқинида бомдод намозини жамоат булиб ўтадик. Мавлоно Маҳмуд Форобий имомлик қилдилар. Офтоб чиққанида Раприйдаги катта тўқай пастидан кемага кирдик. Таржимани „таркиб хати“\*\* билан битиш ниятида ун бир сатрлик мистар\*\*\* боғладим (ясадим). Уша куни аҳлуллоҳнинг сўзлари кўнглимга огоҳлик солди.

Раприй вилоятларидан Жакийн деган вилоят рўпарасида кемаларни қиргоққа тортиб чиқиб, уша кечани кеманинг ўзида ўтказдик. У ердан тонг отмасидан аввал кемаларни юритиб, орада бомдод намозини ўқидик. Кемада эканимда Султон Муҳаммад бахши Хожа Калоннинг навкари Шамсиддин Муҳаммадни олиб келди. Келтирган хатлари, айтганларидан Кобулдаги аҳвол маълум ва аниқ бўлди. Маҳдий Хожа ҳам кемада экинимизда келди. Эртаси куни пешин намозидан олдин Итаъва олдигаги дарёнинг нариги юзидаги боққа чиқиб Жўнда гусл қилиб, пешин намозини адо этдим. Намоз ўтаган ердан Итаъвага яқинроқ жойга келиб, дарёдан юқоририроқда жойлашган тепалик устидаги боғ дарахтлари соясида ўтириб, йигитларни шўхликка солдик. Маҳдий Хожа буюрган таом шу ерда тортилди. Намозшомда дарёдан ўтиб хуфтон намози чоғи ўрдага келдим. Лашкарнинг йигилишини кутиб ҳамда Шамсиддин Муҳаммад орқали Кобулдагиларга бериб юборилган хатларни битиш учун икки-уч кун шу жойда турдик.

Жумод ул-аввал ойининг охирида, чоршанба куни Итаъвадан кўчиб, саккиз куруҳ йўл юриб, Мурий ва Адусада

\* Сархат — ҳуснихат машқ қилувчи учун ўқитувчи томонидан ёзиб бериладиган хат намунаси.

\*\* Таркиб хати — аралаш хат; матнда турли ёзувларни қўллаш.

\*\*\* Мистар — чизиқсиз қоғозга чизиқ тушириш учун қалин қоғозга иплар тортиб ясалган асбоб (чизгич).

тўхтадик. Кобулга жўнатадиган баъзи хатларни шу жойда битдик. Ҳумоюнга мана бу мазмунда хат битилди: „Агар ҳозирча арзирли бирор иш қилмаётган булсанг, ўгрилик ва қароқчиликни ман этгин, токи улар юзага келган тинчликни бузмасинлар. Яна шуки, Кобул вилоятини холиса қилдим, ўгилларимдан ҳеч бирингиз унга тама қилмагайсиз. Ҳиндолни чақиртирган эдим. Яна Комронга Шаҳзода билан яхши муносабатда бўлишни, Мўлтон вилоятини унинг ўзига инъом қилганимни ҳамда Кобул вилоятининг холиса бўлганини, менинг оила аъзоларим ва қариндош-уруғларимнинг олдимга келаётганликларини битган эдим. Яна баъзи ишлар Хожа Калонга битилган хатдан маълум бўлишни уйлаб, уша хат қораламасини ўзгартирмай кучириб ёздим:

„Хожа Калонга саломдан сўнг, сўзим шуки, Шамсиддин Муҳаммад Итаъвага келди. Кобулдаги аҳвол маълум бўлди. Бизнинг у томонларга боришга бўлган иштиёқимиз ҳадсиз-адоқсиздир. Ҳиндустондаги ишлар бирмунча тартибга кела бошлади. Тангри таолодан умид қиламизки, бу ердаги ишлар Тангри таолонинг кўмаги билан тез кунларда саранжом бўлади. Бу ердаги ишлар йўлга тушиб кетса, Тангри насиб қилса, тўхтаб турмай Кобул сари йўлга тушаман. У ерларнинг латофатини киши қандай унутади? Айниқса, ичишни гуноҳ билиб, тарк этганда, қовун ва узумдек шаръий нарсанинг лаззатини киши қандай қилиб эсдан чиқарсин. Яқинда менга қовун келтиришган эдилар, кесиб еганимда, галати таъсир қилди. Роса йигладим. Кобулдаги нотинчликлар ҳақида битилган эди. Бу ҳақда уйлаб, охири, агар бир вилоятда етти-саккиз ҳоким бўлса, қандай қилиб тартиб ва ободонлик, яхши бошқарув бўлсин, деган фикрга келдим. Шу боис опамни ва ҳарамни (аёлларни) Ҳиндустонга чақиртирдим, Кобул вилоят ва қишлоқларини холиса қилдим. Ҳумоюн ва Комронга ҳам ушбу мазмунни шарҳлаб батафсил ёздим. Бир муносиб киши бу хатларни мирзоларга олиб борсин. Илгари ҳам мирзоларга бу ҳақда ёзиб юборгандим, эҳтимол, сизга ҳам маълум булгандир. Энди буёғига у ви-

лоятни бошқариш ва ободонлаштириш масаласида ҳеч бир баҳона, эътироз бўлиши мумкин эмас.

Бундан кейин агар қўргон номуштаҳкам ва халқ нообод бўлса, ё захира қолмаса, ёки хазина тўлмаса, бу фақат мамлакат суянчиғи бўлганларнинг уқувсизлиги туфайли содир бўлиши мумкин. Қўйида айтиладиган баъзи зарур ишларга фармон ҳам юборилган. Булардан бири шундай: кўп хазина тўплансин. Зарур ишлар қўйидагилардир: энг аввало, қўргон тартибга келтирилсин, ундан кейин захира тўплаш, ундан кейин келиб-кетувчи элчилар учун маош ва озиқ-овқат ва яшаш жойи харажатларини таъминлаш, ундан кейин жоме масжиди иморатини қуриш. Буларнинг барчаси учун маблағни тушаётган даромаддан олиб шарият қонун-қоидаларига мувофиқ сарф этилсин. Яна карвонсарой ва ҳаммомлар тартибга келтирилсин, яна аркда Устод Ҳасан Али пишиқ гишт билан қуриб ярмига етказиб қўйган иморат битказилсин. Бу иморатни Устод Султон Муҳаммад билан кенгашиб, яхши режа билан қуриш тайинлансин. Агар Устод Ҳасан Али тузган аввалги режа сақланиб қолган бўлса, иморатни уша режа асосида охирига етказилсин, иморат режаси топилмаса, унда ўзаро келишиб, чиройли бир режали иморат солинсин. Ҳовлиснинг саҳни девонхона ҳовлиси саҳни билан баробар бўлсин. Яна дарадан Кичик Кобул сари бориб, Бутқоқ дарёсида тўпланадиган Кичик Кобул тўғонини яхши сақланг. Яна Ғазни тўғонини тузатинг, Боғи Хиёбон ва хиёбонни ҳам. Яна бу боғнинг суви кам, унга бир тегирмон сув топиб келтириш керак. Яна Хожа Бастанинг гарби-жануб тарафида Тутум дарадан бир тепалик устига сув келтириб, ҳовуз қаздириб, ниҳоллар эктирган эдим. Кечик рўпарасига тушгани ва ўзига тортадиган жой бўлганлиги боис „Назаргоҳ“ деб атагандик, бу ерларга ҳам яхши ниҳоллар экиш керак. Тартиб билан гулзорлар қилиб, атрофига хушранг ва хушбўй гуллар, райҳонлар экиш лозим.

Яна Саййид Қосим ҳам кумакчилар қисмига бошлиқ бўлиб тайинланди. Яна ўқотарлар ва устод Муҳаммад Амин

жибачининг аҳволдан гофил бўлманг. Яна ушбу хат етиб бориши биланоқ опамни ва ҳарамни тезда йўлга чиқариб, Нилобгача йўлбошчи бўлиб келинг. Ушбу хат етиб боргач, бир ҳафтадан кеч қолмасдан албатта йўлга чиқишсин. Чунки уларни кутиб олиш учун Ҳиндустондан чиққан лашкар тор ерда сиқилиб, қийналиши ва борган ерини хароб қилиши мумкин.

Яна Абдуллога битилган мактубда тавба водийсида кечирган ташвишларим ҳақида куп ёзилганди. Мана бу рубойи уша пайтдаги аҳволимни бир оз ифодалайди:

*Май таркини қилгали наришондурмен,  
Билмон қилур ишимнию ҳайровдурмен.  
Эл борча пушаймон будуру тавба қилур,  
Мен тавба қилибмену пушаймондурмен.*

Бинойнинг қочиримли сўзлари ҳаёлимга келди: бир куни Биной Алишербекнинг олдида қочирим қилади. Алишербек тугмалик чакмонда экан. Унга қараб: „Жуда яхши зарофат қилдинг. Чакмонимни берардим, бироқ тугмалари халал берди“, деб айтса, Биной: „Тугмалар нимага халал берарди, балки димоғдорлик халал берар“, деб жавоб қилибди. (Бу сўзлар масъулияти ровийлар зиммасида.) Маъзур тутинг. Мунча ҳазил гаплар бўлди, Худо ҳаққи, мен ҳақимда ёмон ўйламанг.

Юқоридаги рубойи ўтган йили айтилган эди. Ҳақиқатан, бу ўтган икки йилда чоғир мажлисининг орзуси ва иштиёқи ҳадсиз-ниҳоясиз эдики, ҳатто баъзи пайтлари шароб иштиёқидан ҳатто йиғлаш даражасига етардим. Бу йил, Оллоҳга шукрки, бу ташвиш кунглимдан бутунлай кутарилди. Эҳтимол, бу таржимани назм қилишимнинг яхшилиги ва баракотидан бўлгандир. Сиз ҳам тавба қилинг. Суҳбат, майхўрлик ҳамсуҳбат ва ҳамкоса била ёқимлики, сиз ким билан суҳбат қиласиз ва ким билан ҳамкоса бўласиз. Агар ҳамсуҳбат ва ҳамкоса Шераҳмад билан Ҳайдарқули бўлса, унда бу тавбанинг оғирлиги йўқдир, деб орзумандлик билан сизни соғиниб салом.

Жумод ул-охир ойининг аввалида, пайшанба куни битилди“.

Бу насиҳатомиз сўзларни битаётганимда қаттиқ таъсирландим. Бу хатларни Шамсиддин Муҳаммадга топшириб, оғзаки кўрсатмалар бериб, жума кеча-си жунаб кетишига рухсат берилди.

Жума куни саккиз куруҳ юриб Жуманудунага тушдик. Уша куни Кетин Қаро Султоннинг бир навқари ундан бизга элчи бўлиб келган Камолиддин Қиёқ исмли навқарининг олдида юборилган экан, келди. Кетин Қаро Султон Қиёққа чегарадаги бекларнинг бўлмағур ишлари ва қилиқлари ҳамда қароқчи ва ўғриларнинг бебошликларидан ҳасрату шикоят қилиб бир нималар ёзганди. Қиёқ уша келган одамни бизнинг олдимизга юборибди. Қиёққа кетишга рухсат бердим ва чегарадаги бекларга қароқчи ва ўғриларнинг жоловини тортиб қўйишни, яхши муомалада бўлиб, ўзларини яхши тутишларини буюрдим. Бу фармонларни Кетин Қаро Султондан келган кишига топшириб, мана шу жойда ижозат берилди.

Ҳасан Чалабийдан Шоҳқули деган киши келиб, ўзбеклар ва қизилбошлар ўртасидаги урушдаги аҳвол ҳақида хабар берди. Шоҳқулидан шоҳга хат битиб, Ҳасан Чалабийнинг кечикканлиги узрини айтиб, ойнинг иккинчисида, жума куни Шоҳқулига рухсат берилди.

Шанба куни саккиз куруҳ юриб Калпий вилоятидаги Какура ва Чачавалий ерларида тўхтадик.

Ойнинг тўртинчисида, якшанба куни туққиз куруҳ юриб Калпий вилоятининг Дийдапур деган ерида тўхтадик. Уша ерда сочимни қирқдим. Икки ой бўлган эди ҳамки, сочимни қирқтирганим йўқ эди. Сенгар дарёсида ғусл қилдим.

Ойнинг унинчисида, душанба куни ун тўрт куруҳ юриб Калпий вилоятларидан Чапаркадада тўхтадик.

Эртаси — ойнинг олтинчисида, сешанба куни Қарочанинг ҳиндустонлик хизматкори Моҳимнинг келаётганлиги ҳақидаги Қарочага битилган фармонни олиб келди. Менинг илгари ўз қўлим билан битган парвона хатга\* ўхшатиб ёзилган фармонда Моҳим Лаҳур, Бҳира

\* Парвона хат — ҳукмдорнинг қўл остидаги амалдорларга ёзиладиган хати.

ва уша атрофда яшайдиганлардан йўлбошчи сўрабди. Фармон жумод ул-аввал ойининг еттинчисида Кобулда битилган.

Чоршанба куни етти курўх юриб Одампул вилоятида тўхтадик. Уша куни тонг отмасданоқ отланиб йўлга тушдим. Ёлгиз тушланиб, Жуун дарёсига етиб келдим. Жуун ёқалаб пастга қараб юрдим. Одампулнинг туғрисида етганда, бир оролда қароргоҳга яқин жойда шомиёналар тиктириб маъжун ейилди. Уша куни Содиқ билан Кулолни кураш туширдик. Кулол шу пайтгача турли даъволар қилиб келарди. Ограда йул чарчоғини ёзай деб, узр сўраб, йигирма кунга муҳлат сўрагани. Бу муҳлатдан қирқ-эллик кун ўтди. Бугун у кураш тушишга мажбур булди. Содиқ яхши кураш тушди, Кулолни жуда осон йиқитди. Содиққа ўн минг танга, эгарланган от ва тугмали чакмон инъом қилдик. Гарчи Кулол йиқилган бўлса-да, кўнгли ўксимасин деб, унга ҳам сарпо, уч минг танга совга қилдик. Арава ва тупларни кемалардан чиқаришга фармон бўлди. Йўл қуриб, ерни текислаб арава ва тупларни чиқаргунча шу жойда уч-тўрт кун туриб қолдик.

Ойнинг ўн иккинчисида, душанба куни ўн икки курўх юриб, Курарага тушдик. Уша куни тахтиравонда келдим. Курарадан ўн икки курўх ўтиб, Курара вилоятларидан бири — Курийага келиб тўхтадик. Курийадан саккиз курўх ўтиб, Фатҳпул Асвага тушдик. Фатҳпулдан саккиз курўх юриб, Сарой Мундада тўхтадик. Шу ерда тўхтаганимизда хуфтон намози чоғи Султон Жалололдин келиб хизматимга кирди. У ўзи билан икки кичик ўглини ҳам бошлаб келди.

Эртаси — ойнинг ўн еттинчисида, шанба куни саккиз курўх юриб, Курара вилоятларидан бўлган Ганг қиргоғидаги Дугдугийда тўхтадик. Якшанба куни Муҳаммад Султон мирзо, Қосим Хусайн Султон, Беҳўб Султон ва Турдика шу жойда эканимизда келдилар. Душанба куни Аскарый ҳам шу жойга келиб, илтифот кўрсатди. Уларнинг ҳаммаси Гангнинг шарқий тарафидан келган эдилар. Аскарый ўз лашкари билан Гангнинг у юзидан борсин, деган фармон берилди.

Бизнинг урду(лашкар) қаерда тўхтаса, улар ҳам нариги бетда — рупарамизда тўхтайдилар.

Шу ерда эканимизда олдиндагилардан Султон Маҳмуд бир лак афгон йиғибди, деган хабар кетма-кет келарди. У Шайх Боязид ва Бибанни катта лашкари билан Сарваар томонга юбориб, ўзи Фатҳхон Серваний билан Ганг ёқалаб Чунар устига келаётган экан. Шерхон сурни ўтган йили ҳурматини қилиб кўпгина вилоятлар бериб, шу ерларда қолдирган эдим, у эса мана шу афгонларга қўшилиб кетибди. Шерхон ва яна бир неча амирларни мажбурлаб дарёдан ўтказибдилар. Султон Жалололдиннинг одамлари Банорасни ҳимоя қилолмай, у ерни ташлаб қочибди. Сўзларига қараганда, улар Банорас қўргонида етарли даражада аскар қолдириб, Ганг ёқасига келиб жанг қилмоқчи бўлишган экан. Дугдугийдан жўнаб кетиб, олти курўх юриб, Курарага уч-тўрт курўх қолганида Кусарда тўхтадик. Мен кемада келдим. Султон Жалололдиннинг зиёфати боис бу қароргоҳда икки-уч кун турилди.

Жума куни Султон Жалололдиннинг Курара қалъаси ичидаги уйларига тушилди. Меҳмондорлик қилиб, ош ва таомлар тортти. Таомдан сўнг унинг ўзи ва ўғилларига яқтак, тўн, нимча кийдирилди. Султон Жалололдиннинг илтимосига кура, унинг катта ўғлига Султон Маҳмуд унвони берилди. Курарадан отланиб, бир курўхча йўл юриб Ганг қиргоғига тушдик. Гангда аввал тўхтаган жойимизда Моҳимнинг қошидан Шаҳракбек келгани. Бугун хат битиб, мана шу қўнимжойдан унга рухсат берилди. Хожа Яҳёнинг набираси Хожа Калон мен битаётган „Вақоеъ“ни сўрагани, китоб қилиб кўчиртирдим, Шаҳракдан бериб юборилди.

Эртаси — шанба куни бу ердан жўнадик. Тўрт курўх юриб Кўҳда тушдик. Мен фақат кемада келдим. Тўхтайдиган жойимиз яқин экан, эрта келдик. Бир муддатдан сўнг кемада маъжун едик. Хожа Абдушшаҳид Нурбекнинг уйида экан, уларни чорладик. Мулло Маҳмудни Мулло Алихоннинг уйидан чақиртирдик. Бир замон шу ерда утириб, сўнгра кема билан дарёнинг у юзига ўтиб, пол-

вонларни кураш туширдик. Дуст Ясин Хайрга паҳлавон Содиқ билан эмас, бошқа курашчилар билан олишиш буюрилди. Қоидага хилоф равишда аввал зўроқ полвонларнинг кураш тушиши буюрилди. Ясин Хайр саккиз киши билан яхши кураш тушди.

Аср намози чоғи Султон Муҳаммад бахши кема билан у тарафдан келди. У Султон Искандарнинг угли Маҳмудхоннинг, душман уни Султон Маҳмуд деб аташарди, мағлубияти ҳақида хабар келтирди. Пешин намози чоғи биз тарафдан борган айгоқчи ҳам душманнинг мағлубияти туғрисидаги хабарни келтирди. Икки намоз орасида Тожихон Сарангхоний келтирган хабар ҳам жосуснинг хабарига тўғри келарди. Султон Муҳаммад келиб бу ҳақда менга хабар берди. Душман Чунарни ураб олибди. Бир оз уруш ҳам қилибди. Бизнинг келганимиздан ишонарли хабарни эшитишгач, тартибсиз бир ҳолда у ердан жўнаб қолибди. Банорасни ўраб олган афгонлар ҳам саросимага тушиб ортга чекинадилар ва сувдан ўтаётганларида икки кемаси гарқ бўлиб, бир қанча кишиси сувга чўкди.

Кейинги куни олти куруҳ йўл юриб Пайаг вилоятларидан бири — Сиравлига келдик. Мен кемада келдим. Эсон Темуру Султон ва Тўхта Бўга Султон мен билан кўришиш учун ярим йўлда кутиб туришган эдилар. Султонларни ҳам кемага чорладим. Тўхта Бўга Султон яда қилган (ёмгир чақирган) экан, тунда қаттиқ шамол кўтарилиб, ёмгир ёға бошлади. Ҳаво жуда яхши эди. Бундай об-ҳаво маъжун ейиш истагини уйғотди. Гарчи бир кун аввал маъжун еган бўлсак ҳам, бу кун яна маъжун едик. Қўнимжойга келиб, эртаси куни ҳам шу ерда қолдик.

Сешанба куни йўлга тушдик. Қароргоҳ туғрисида катта ям-яшил бир орол бор экан. Кема билан ўтиб, оролни томоша қилиб, биринчи паҳарда кемага кирдим. Отда сайр қилиб қайтаётганимда билмасдан жар ёқасига келиб қолиман. От ёрилган жар устига чиққач, жар кўчди. Мен дарҳол сакраб, ўзимни четга отдим, от ҳам учиб кетмади. Агар мен отнинг устида бўлганимда, эҳтимол, от билан бирга жарга учардим.

Ўша куни мен Ганг дарёсини қулочлаб сузиб ўтдим. Ҳар қулочимни санаб, ўттиз уч қулочлик жойдан сузиб ўтдим. Яна тўхтамасдан бу томонга ҳам сузиб ўтдим. Барча дарёлардан сузиб, кечиб ўтгандим. Фақат Ганг дарёси қолганди. Намозшом чоғи Ганг Жуун дарёларининг қўшилиш жойига етиб бориб, кемани Пайаг тарафидан қиргоққа тортириб бир паҳару тўрт гарийда ўрдуга келдим.

Чоршанба куни иккинчи паҳардан кейин лашкар Жуун дарёсидан ўта бошлади. Тўрт юз йигирмата кемамиз бор эди.

Ражаб ойининг бошида, жума куни мен дарёдан ўтдим.

Ойнинг тўртинчисида, душанба куни Жуун қиргоғи бўйлаб Биҳарга қараб жўнадик. Беш куруҳ юриб Лавайинда тушдик. Мен кемада келдим. Ўша кунгача аскарлар Жуундан кечиб ўтаётган эдилар. Одампулда кемалардан чиқарилган зарбзанли араваларни Пайагда яна кемага юклаб, кема билан олиб келишлари буюрилди.

Тўхтаган жойимизда курашчиларни курашга туширдик. Паҳлавон Лаҳурий билан Дўст Ясин Хайр кураш тушди. Улар қаттиқ олишдилар. Дўст қийинчилик билан рақибини йиқитди. Иккала-сига ҳам сарпо инъом бўлди.

Айтишларича, олдинда Тўс деб аташадиган, ботқоқ ва балчиқли ёмон бир дарё бор экан. Кечик куриш ва йўл қуриш мақсадида икки кун шу қўнимжойда қолдик. От ва туялар учун кечик жойи юқорироқдан топилди. Айтишларига қараганда, кечикнинг нотекис тошлари бўлганлиги боис юкли аравалар у ердан утолмас эмиш. Аммо мен юкли араваларни худди ўша ердан олиб ўтишларини буюрдим.

Пайшанба куни у ердан кўчиб, мен Тўс дарёсининг Гангга қўшиладиган жойигача кемада келдим. Бу икки дарё қўшиладиган ерда кемадан тушдим ва отга миниб Тўс дарёси бўйлаб юқорига қараб юрдим. Аср намози пайти сувдан кечиб ўтиб, тўхтаган жой — ўрдуга келдим. Ўша куни олти куруҳ йўл юрдик. Эртасига ўша қўнимжойда бўлдик.

Шанба куни йўлга тушиб, яна Ганг қиргоғига — Нилобга келдик. У ердан

жўнаб, олти курӯҳ юриб, катта қишлоқдан (кентдан) юқориқоқда тўхтадик. У ердан яна етти курӯҳ ўтиб, Нанупурда тўхтадик. Ушбу жойда Тожиҳон Чунардан угиллари билан келиб, ҳурмат кўрсатди. Уша кунлари Кобулдан юклар ва қариндошларимнинг ҳақиқатан келаётганлиги тўғрисида Муҳаммад бахшидан хабар келди.

Чоршанба куни қароргоҳдан кучиб, Чунар қўргонини сайр қилдик ва Чунардан бир курӯҳча ўтиб тўхтадик. Пайагдан жўнаган кунлари танамда чечак жароҳати пайдо бўлганди. Шу жойда бир румлик бу касалга қарши Румда энди пайдо бўлган муолажани қўллади. Мурчни сопол қозонда қайнатди, ярани унинг бугига тутдим. Буги камайгач, иссиқ сув билан ярани ювдим. Бу муолажа учун икки нужумий (астрономик) соат вақт кетди. Шу жойда бир киши ўрду ёнидаги оролда шер ва карк кўрганини айтди. Эрталаб уша оролни яхшилаб айланиб чиқдик. Филни ҳам олиб келишганди. Шер билан карк чиқмади. Ҳалқанинг четидан бир ёввойи говмиш чиқибди. Уша куни қаттиқ шамол турди. Қум ва чанг кўп қийнади. Кемага етиб бориб ўтирдим ва ўрдуга келдим. Урду Банорасдан икки курӯҳ юқориқоқда тушганди. Чунар атрофидаги чангалзорларда, айтишларича, фил жуда кўп бўларкан. Бу жойдан чиқиб бориб фил овлаш ниятим бор эди. Тожиҳон Маҳмудхоннинг Сўн дарёси қирғоғида эканлиги ҳақида хабар келтирди. Бекларни чақириб, душман устига бостириб боришни келишиб олдик. Охир-оқибат, зудлик билан бу ердан кучиб, тўхтамай йўл юришга қарор қилинди. У ердан жўнаб, тўққиз курӯҳ юрдик ва Билва кечиги ёнига тушдик.

Шу жойдан ойнанинг ўн саккизинчисида, душанба кечаси Тоҳирни Ограга юбордик. Кобулдан келаётганларнинг меҳмондорчилиги учун сарфланадиган пулларнинг баротини\* олиб кетди.

\* Барот — ёрлик, солиқдан озод қилиш ёки солиқ олиш ҳақида ҳукмдорлар томонидан бериладиган алоҳида ҳужжат.

\*\* Паймойиш таноби — масофаларни улчайдиган ип.

\*\*\* Мирохўр — 1) хон отбоқарларининг бошлиғи; 2) хирож ва бошқа даромадларни назорат қилувчи амалдор.

Уша куни кемага келдим. Тонг отмасиданоқ кемага чиққандик. Гўйи дарёсининг қўшилиш жойига, яъни Жўнпур дарёсига етиб, Гўйи дарёсидан бироз юқорига сузиб бориб, яна ортга қайтдим. Гарчи торгина дарё бўлса ҳам, гузари (кечик жойи) йўқ эди. У томондаги лашкар ўтган йили кема ва сол ҳамда отда сузиб ўтган эди. Жўнпур дарёси қўшиладиган жойдан бир курӯҳ қўйироққа тушиб бултурги қўнимжойни, уша ердан Жўнпурга борган эдик, айланиб чиқдим. Дарё бўйлаб юқоридан ҳамроҳ шамол эса бошлади. Банголий кеманинг елканини торттириб, катта кемани шу кемага боғладилар, у анча тез сузиб кетди. Урду Банорасдан бир курӯҳ юқориқоқда тушган эди, қўнимжойга кун тугашига икки гарий қолганида етиб бордик. Оптимиздан тўхтамай келган кемаларнинг энг тез юргани хуфтон намози чоғида келди.

Чунарда эканимда Мўгулбекка ҳар бир манзилда тўғри йўлни паймойиш таноби\*\* билан таноблаб ўлчаш буюрилганди. Ҳар сафар мен кемага тушганимда Лутфибек дарё қирғоғи бўйлаб масофани таноблаб ўлчаши лозим эди. Тўғри йўл ўн бир курӯҳ чиқди, сув ёқаси эса саккиз курӯҳ. Кейинги кунни шу жойда утказдик.

Чоршанба куни ҳамма кемалар билан келиб, Гозипурдан бир курӯҳ қўйироққа тушдик. Пайшанба куни уша жойда Маҳмудхон Нуҳоний келиб, илтифот кўрсатди. Шу куни Жалолхон Биҳархон Биҳарий, Фаридхон Насирхон, Шерхон Сур, Аловуддинхон Сур ва яна бир неча афгон амирларидан хабарлар келди.

Шу куни Абдулазиз мирохўрнинг\*\*\* Лаҳўрдан жумод ул-аввал ойининг йигирманчисида битилган хабари келди. Ушбу арз битилган куни Лаҳўрга Қалпий вилоятдан Қарочанинг мен юборган ҳиндустонлик хизматкори етиб борганди. Абдулазизнинг мактубида ёзилишича, Абдулазиз ва у билан бирга та-



йинланган кишилар жумод ул-охир ойнинг тўққизинчисида Нилобда менинг яқинларимни қарши олибдилар. Абдулазиз улар билан Чанобгача бирга келиб, Чанобда улардан ажралиб, Лаҳўрга улардан илгарироқ келиб, ушбу хабарни юборибди.

Жума куни турган еримиздан кучдик. Мен кемага утириб ўтган йили Чавса тўғрисидаги қуёш тутилганида бир кунлик рўза тутиб тўхтаган жойни чиқиб сайр қилдим. Қайтиб кемага кирдим. Муҳаммад Замон мирзо ҳам ортимдан кемада келди. Мирзонинг қистови билан маъжун ейилди. Урду Кармунас дарёсининг қирғоғига тушган эди. Ҳиндустонликлар ушбу Кармунас дарёси сувидан кўп сақланарканлар. Парҳезкор ҳиндулар бу дарёдан ўтмай, кемада унинг этагидаги Гангдан сузиб ўтдилар. Уларнинг эътиқодларича, бу дарё суви кишига тегса, унинг барча ибодатлари зое кетармиш. Дарёнинг бундай номланиш сабабини ҳам шунга боғлаб тушунтирдилар. Кемада Кармунас дарёси бўйлаб юқорига сузиб, яна ортга қайтдик ва Гангнинг шимолий томонига кечиб ўтиб, кемаларни дарё қирғоғига қўйдик.

Йигитлар бир оз шўхлик қилдилар, бир оз курашга тушдилар. Соқи Муҳсин тўрт-беш киши билан курашга тушаман, деб даъво қилди. Бир киши билан курашга тушиб, йиқилай деди. Иккинчи рақиб Шодмон эди. У Муҳсинни йиқитди. Хижолат бўлиб, уялиб қолди. Ҳақиқий полвонлар ҳам келиб кураш тушдилар.

Эртаси, шанба куни Кармунас дарёсининг кечигини куриш учун одам юборганим боис биринчи паҳарга яқин кучдик. Мен ортга миниб, кечикка қараб Кармунас дарёси бўйлаб юқорига бордим. Кечик узоқ бўлгани учун яна ортга қайтиб, кеманинг узида қўнимжойга келдим. Урду Чавсадан бир куруҳ олдинроққа тушганди.

Уша куни яна мурч дорисини қилдим. Бир оз иссиқроқ экан, танам қавариб чиқди. Анча ташвиш чекдим.

Олдимизда боткоқли кичикроқ дарё бор экан. Унинг устидан йўл куриш учун эртаси ўша ерда турилди. Душанба оқшо-

ми Абдулазиз юборган ҳиндустонлик чопар келтирган хатга жавоб битиб юборилди.

Душанба куни эрталаб кемада келдим. Шамол бўлганлиги боис кемаларни арқон билан тортиб келтирдилар. Баксара тўғрисида жойлашган ўтган йили узоқ вақт ўтирган қўнимжойнинг рупарасига бориб, дарёдан ўтдим ва ўша жойни сайр қилдим. Дарё қирғоғига тушиш учун зиналар ясагандик, тахминан қирқтадан кўпроқ, элликтадан озроқ эди. Юқоридаги иккита зина қолибди, қолган барча зиналарни сув бузиб кетибди. Кемага кириб маъжун ейилди. Урдудан юқорида бир оролга кемани қўйиб, паҳлавонларни курашга солдик. Хуфтон намози пайти ўрдуга келдик.

Бултур ҳозир ўрду тушган қароргоҳни кўриш учун Ганг дарёсидан мен таёқ билан, баъзилар от, баъзилар туя миниб ўтиб, сайр қилган эдик. Уша куни афъюн егандим.

Эртаси, сешанба куни Каримберди, Муҳаммад Али Ҳайдар рикобдор ва Бобо Шайх бошчилигидаги икки юзга яқин сара йигитни душмандан хабар олиб келишга юборилди. Ушбу жойда эканимда, Бангола элчисига учта қатъий таклифимни ҳукмдорига етказишини буюриб, фармон бердим.

Чоршанба куни Муҳаммад Замон мирзонинг олдига унинг Биҳар тарафидаги ишларидан хабар олиб келиш учун юборилган Юнус Али сустроқ жавоб келтирди. Биҳар шайхзодаларининг одами душман Биҳарни ташлаб кетди, деган хабарни келтирган экан.

Пайшанба куни Турди Муҳаммад ва Муҳаммад Али жанг-жангга турк ва ҳинд амирлари ҳамда ёйотарлардан икки мингга яқин кишини қўшиб, Биҳар элига чақириқ фармонлари битиб, рухсат берилди.

Хожа Муршид Ироқийни Биҳар атрофидаги ерларга маҳкама бошлиги қилиб, Турди Муҳаммадга қўшиб юборилди.

Эртаси Муҳаммад Замон мирзо Биҳарга боришга рози бўлиб, Шайх Зайн ва Юнус Алидан баъзи нарсалар ҳақида хабар бериб, бир гуруҳ одами кўмак учун сўрабди. Баъзи йигитларимизни

Муҳаммад Замон мирзога ҳарбий кўмак учун, баъзиларини навкар қилиб жўна-тиб, шаъбон ойининг аввалида, шанба куни уч-тўрт кун тўхтаб турганимиз ушбу жойдан кўчилди. Мен шу куни от-ланиб, Бўжпур ва Биҳияни сайр килиб келиб, ўрдуга тушдим.

Муҳаммад Али бошчилигидаги йигитлар хабар олиб келиш учун юборилган эди, йўлда бир қисм кофирни яксон қилиб, Султон Маҳмуд ўтирган ерга етиб борибдилар. Султон Маҳмуднинг икки мингтача одами бор экан. Бизнинг қаровулимизнинг хабарини эшитиб, саросимага тушиб, иккита филини ўлдириб, жўнаб қолади. Бир бегини аскарлари билан қоровул қилиб қўйган экан. Йигитларимиздан йигирмага яқин киши уларга яқинлашганларида, тўхтамасдан қочибдилар. Бир нечасини отдан йиқитиб, бирининг бошини кесиб, бир-икки зўр йигитини тириклайин келтирдилар.

Эртаси куни кўчдик. Мен кемада бордим. Шу ерда Муҳаммад Замон мирзо дарёдан ўтди. Мирзонинг кечиби утиши ва кетиши учун икки-уч кун шу қўним-жойда ўтирдик.

Ойнинг тўртинчисида, сешанба куни Муҳаммад Замон мирзога махсус бош-оёқ кийим, камар шамшир, чопқир от ва чодир инъом қилиб, Биҳар вилояти-ни бошқариш учун таъзим қилдирилди. Биҳар атрофидаги ерлар даромадидан бир курўҳ йигирма беш лакни хазина учун холиса қилиб белгилаб, унинг назорати Муршид Ироқийга юклатилди.

Пайшанба куни у қўнимжойдан кема билан келдим. Ҳамма кемаларни сувга туширишларини, етиб келишим билан кемаларни юргизиб, ҳалқа билан бир-бирига боғлашларини буюрдим. Уларнинг қатори дарё кенлигидан ҳам ортди. Гарчи барча кемалар йигилмаган бўлса ҳам, баъзи ер паст, баъзи ер чуқур, баъзи ер текис ва баъзи ер нотекис бўлганлиги учун кемаларни бу йўсинда олиб юриб бўлмади. Кемаларнинг ўртасида(чаргаси-да) бир гарийал кўринди. Бир балиқ гарийалдан қўрқиб шундай баланд сакра-дики, бир кеманинг ичига келиб тушди. Уни ушлаб келтирдилар.

Қароргоҳга етиб келгач, кемаларга ном қўйдик. Ограда Раана Сангаага қар-

ши урушдан олдин қурилган биринчи синашта катта кемага „Осойиш“ деб от қўйилди. Уша йили қўшин жангга отла-нишида Оройишхон бир кема ясади, менга тортиқ қилганди. Мана шу сафар келаётганимизда унга тахтасупа ўрнат-тирдим. Бу кемага „Оройиш“ деб от қўйдик. Султон Жалололдин тақдим эт-ган кемага каттароқ толор ясаптириб, унинг устига яна бир тахтасупа ўрнатиш-ларини буюрдим. Бу кема „Гунжойиш“ деб номланди. Яна ҳар қандай иш учун юбориладиган кичик ҳужрали бир кема-чага „Фармойиш“ деб ном қўйилди.

Эртаси, жума куни ҳеч қаерга қи-мирламадик. Муҳаммад Замон мирзо-нинг иши якунига етди. Биҳарга жўнаш-ниятида ўрдудан бир-икки курўҳ узоқ-лашиб тушган эди. Уша куни келиб мен-дан жўнаб кетишга рухсат олди.

Бангола лашкаридан икки жосус ке-либ, Маҳдуми Олам бошчилигидаги бан-голийлар Гандак дарёси қирғоғининг йигирма тўрт жойида қисмларга бўли-ниб, тупроққўрғонлар кўтараётганлари ҳақида хабар берди. Уз оилалари ва қариндош-уруғларини нариги қирғоққа олиб ўтмоқчи бўлган Султон Маҳмуд бошчилигидаги афгонларнинг ўтишлари-га йўл бермай, узларига қўшиб олибди-лар. Бу хабар келгач, уруш бўлиш эҳти-моли пайдо бўлди ва биз Муҳаммад За-мон мирзонинг кетишини тўхтатдик. Шоҳ Искандар уч-тўрт юз киши билан Биҳарга юборилди.

Шанба куни Дуду ва унинг ўғли Жа-лолхон Биҳархоннинг одами келди. Бан-голий уларни кўз-қовоғидек асрар экан. Мени деб Дуду ва унинг ўғли Банголий-дан тамом урушиб, қутулиб чиқиб, да-рёдан кечиби ўтиб, Биҳар вилоятига етиб бориб, менинг хизматимга кириш учун келаётган эмиш. Шу куни Бангола эл-чиси Исмоил Митаага: „Бурун битиб юборган уч талабимизга негадир жавоб жуда кечиби кетди. Агар улар бизга ихлос ва ҳамжиҳат мақомида бўлсалар, тезроқ жавоб битишларини айтиб хат ёзиб юборилсин“, деб фармон бердим.

Якшанба оқшоми Турди Муҳаммад ва Жанг-жангнинг одами келди.

Шаъбон ойининг бешинчисида, чор-шанба куни эрталаб бу тарафдан булар-

нинг қаровули борса, Биҳарнинг шиқдори шаҳарнинг нариги тарафдаги дарвозасидан қочиб кетибди.

Якшанба куни у қўнимжойдан кучиб, Арий вилоятга тушдик. Бу жойда эканимизда Харийддан келаётган лашкар юз-юз эллик кема билан Сару билан Гангнинг қўшилиш жойида, Сару дарёсининг нариги қиргогида утирибди, деган хабар келди. Мадомики, Банголий билан сулҳнома бор эди. Ҳамиша бундай ишларда қутлуг булгани боис сулҳ ишини илгари сурардим. Гарчи беадаблик қилиб, келиб йўлимиз устида утирган бўлса ҳам, аммо доимги қоидага риоя қилиб, Бангола элчиси Исмоил Митаага Мулло Муҳаммад музаҳҳибни қўшиб, ўша аввал ҳам айтган уч талабни яна айтиб, рухсат беришга қарор қилдик.

Душанба куни Бангола элчиси илтифот кўрсатиб келганди, унга кетиш учун рухсат берганлигимни айтдим. Душманни даф қилиш учун у ёқ-бу ёққа боришимизга тўғри келади. Аммо сизларга тааллуқли ер ва сувга бундан зарар ҳам, фойда ҳам бўлмади. Чунки биз қўйган уч шартимизнинг бири мана шундай эди: „Харийд лашкарига айтгинки, йўл устини қўйиб, Харийдга келсин. Турклардан бир неча кишини уларга қўшинг ва улар Харийд халқини ўзларига мойил қилдиган мурожаатлар қилиб, ўз ерларига олиб кетсинлар. Агар улар кечик бошидан кетмасалар ва бу бўлмагур зиддона сўзларидан воз кечмасалар, бошига ҳар қандай ёмонлиқ келса, ўзидан, қошига ҳар қандай номуносиблик келса, сўздан кўрсин“.

Чоршанба куни Бангола элчиси Исмоил Митаага одатдаги тўндан кийдириб, инъомлар қилиб, рухсат берилди.

Пайшанба куни Шайх Жамолни Дуду ва унинг ўғли Жалолхон олдига узимизга қаратадиган фармонлар ва иноят сўзалари билан жунатдим. Ўша куни Моҳимнинг навқари келди. Боғи Сафодан нарида — Волийда улардан ажралиб жўнаган экан. Хатлар келтирди.

Шанба куни Ироқ элчиси Мурод кўрчи қожар билан кўришдик.

Якшанба куни Мулло Муҳаммад музаҳҳибга одатий ёдгорликларни топшириб, рухсат бердик.

Душанба куни Халифа ва яна баъзи бекларни дарёнинг қайси жойидан ўтиш мумкинлигини кўриб келишлари учун жўнатдим. Чоршанба куни яна Халифани икки дарё оралигидаги жойни кўриб келиш учун юборилди.

Жануб тарафга Арий вилояти яқинидаги нилуфарзорни сайр қилиш учун отландим. Нилуфарзорни томоша қилаётганда Шайх Гуран нилуфарнинг янги тугилган уругини олиб келди. Бу уруғлар бир қадар пистага ухшаб кетади. Нилуфар жуда яхши бир гул, ҳиндустонликлар уни — „кавал какрий“, уругини — „дўда“ деб атайдилар. Менга Сўн дарёси шу ерга яқин, деб айтдилар. Бориб Сўнни кўриб келдик. Сўн дарёсининг пастида жуда қалин дарахтлар кўринди. У ерни Манер деб айтдилар. Шайх Шарафуддин Манерийнинг отаси Шайх Яҳёнинг қабри ўша ердадир. Модомики, шунча яқин келиб қолган эканмиз, Сўндан кечиб ўтиб, Сўндан икки-уч курўҳ қуйига тушиб Манерни сайр қилдик. Боғлардан ўтиб, мазорни тавоф қилдик. Сўн қиргогига келиб, гусл қилдик, пешин намозини адо қидиб, урда томонга йўл олдим.

Отларимиз семиз бўлгани учун бир неча от ортда қолди. Яна бир нечаси чарчаб қолганди. Бир неча кишини қолдириб, толиққан отларни йиғиб, уларни сугориб, дам бериб, қийнамасдан олиб келишларини буюриб фармон бердим. Агар шундай қилмасак, анча отларни йўқотишимиз мумкин эди.

Манердан қайтаётганимизда бир киши Сўннинг қиргогидан то урдугача отининг ҳар қадамини санаб келсин, деб буюрган эдим. Йигирма уч мингу бир юз қадам санабди. Бу одамнинг қирқ олти минг икки юз қадами ўн бир ярим курўҳга тенгдир. Манердан Сунгача ярим курўҳча чиқади. Қайтиш йўлимиз ўн икки курўҳ. Боришда у ер-бу ерни томоша қилиб, ўн беш-ўн олти курўҳ юриб бордик. Ҳаммаси бўлиб ўша куни ўттиз курўҳга яқин сайр қилдик. Кечанинг биринчи паҳарига олти гарий бўлганида ўрдуга келдик.

Эртаси, пайшанба куни Жўнпурдан Султон Жунайд барлос ва Жўнпурдаги йигитлар келдилар. Кеч қолганлари учун

қаҳр билан таъна-маломат қилиб, кўришмадим. Қози Жийани олдимга чақириб, у билан кўришдим. Шу кунни турк ва ҳинд амирларини кенгашга чақириб, дарёдан ўтиш борасида тортишдик. Шунга қарор қилдикки, Устод Алиқули туп ва фаранги зарбзани Ганг ва Сару дарёлари оралигидаги тепаликка қуриб, кўп милтиқчилар билан ўша ердан урушни бошлайди. Икки дарё қўшиладиган жойдан бир оз пастроқда Банголийнинг бир фил ва жуда кўп кемалари турадиган оролнинг қаршисида Ганг дарёсининг Биҳар тарафидан Мустафо бутун қурол-аслаҳаларини тўлиқ тайёрлаб, жангга киради. У билан жуда кўп милтиқчилар ҳам бирга бўлади. Муҳаммад Замон мирзо ва у ерга белгиланган бошқа кишилар Мустафонинг орқасида туриб, унга ёрдамчи қисм сифатида кўмаклашадилар. Устод Алиқули ва Мустафо зарбзан отиш, тўп ўрнатиш, мўлжор кўтариш, ер текислаш ишлари учун белгиланган жуда кўп белчи ва ишчиларга назоратчи қилиб тайинланди. Улар қурол-яроғ ва керакли нарсаларни топиш ва йиғиш билан машғул бўлдилар. Султонлар, амирлар ва хонлар олдинда бориб Ҳалдий кечиги орқали Сару дарёсидан ўтишлари, мўлжор қурилиб битгунича у тарафда тўла қуролланиб, душман устига ташланишлари лозим эди.

Шу пайт Султон Жунайид ва қози Жийа саккиз куруҳ юқорида кечик бор, деб хабар бердилар. Шунга мувофиқ солчилардан бир-иккитаси Султон Жунайид, Маҳмудхон ва қози Жийанинг кишиларидан олиб, бориб кечикни кўрсинлар, деб тайинланди. Агар ўтиш мумкин бўлса, ўша ердан кечиб ўтилади.

Одамлар орасида Банголий Ҳалдий кечигига ҳам одамларини қўймоқчи экан, деган гап тарқалди. Маҳмудхоннинг Секандарпурдаги шиқдоридан: „Ҳалдий кечигида элликтача кема йиғиб, кемачиларга хизмат ҳақи берганман, аммо кемачилар Банголийнинг келиши ҳақидаги гаплардан қаттиқ ваҳимага тушган“, — деган хабар келди.

Сару дарёсидан кечик жойини тез топиш жуда зарур бўлганлиги боис, ке-

чик кўришга кетган кишиларни кутиб ўтирмасдан шанба куни бекларни кенгашга чақирдим ва уларга шундай дедим: „Чатурмакда Секандарпурдан Авад ва Баҳрайжагача Сару дарёсининг бирор кечиги йўқ. Бундай қилиб ўтиргунча, катта гуруҳни тайинлаймиз. Улар Ҳалдий кечигидан кемалар билан утиб, душман устига бостириб боради. Улар келгунларича, Устод Алиқули ва Мустафо тўп, милтиқ, зарбзан ва фарангий\* билан жанг қилиб турадилар. Биз ҳам Ганг дарёсидан ўтиб Устод Алиқулига ёрдамчи қисм тайинлаб урушга тўла тайёр бўлиб тураемиз. Кечикдан утган қисм душманга яқинлашиши билан биз ҳам уруш бошлаб, дарёдан ўтамиз. Муҳаммад Замон мирзо ва Гангнинг Биҳар тарафига тайинланган кишилар Мустафо билан бирга урушга кирадилар.

Шундай қарорга келиб, Гангнинг шимолидаги қўшинни тўрт қисмга бўлиб Аскарый бошчилигида Ҳалдий кечигига юбордик. Бир қисмда Аскарый ўз навкарлари билан, иккинчи қисмда Султон Жалолоддин Шарқий, яна бир қисмда ўзбек султонлари Қосим Ҳусайн Султон, Беҳуб Султон, Тонготмиш Султон, Маҳмудхон Нуҳоний Ғозийпурий, Кукий, Бобо Қашқа, Туламиш ўзбек, Қурбон Чархий ва Ҳусайнхон бошлиқ Дарёхонийлар бор эди. Туртинчи қисмга Мусо Султон, Султон Жунайид бошлиқ қилаётган бўлиб, уларнинг қўл остидаги Жўнпур аскарлари тахминан йигирма минг кишига етарди. Ушбу кечанинг ўзида, якшанба кечаси эди, қўшинни отлантириш учун назоратчилар тайинланди.

Якшанба куни тонгда қўшин Гангдан ўта бошлади. Мен кемага тушиб биринчи посда кечиб ўтдим. Уч паҳар бўлганида кечик кўришга борганлар қийналиб қайтиб келдилар. Ҳеч қандай кечик топилмабди. Улар кемаларни ва биз тайинлаган қисмни йўлда кўрганликларини айтдилар.

Сешанба куни дарёни кечиб ўтган ердан жўнаб, дарё қўйиладиган жойдан бир куруҳ узоққа, жанг майдонига яқин ерга тушдик. Мен ўзим бориб Устод Али-

\* Фарангий — Европадан келтирилган уруш қуроли.

қулининг фарангий ва зарбзан отишини томоша қилдим. Шу куни Устод Алиқули фарангий тоши билан иккита кемани яксон қилиб чўктириб юборди. Мустафо ҳам шу ердан икки кемани синдириб чўктирди. Катта тупни жанг майдонига элтиб, ерини текислаш учун Мулло Гуломни назоратчи қилиб тайинладим, бир неча қўриқчи ва чаққон йигитларни унинг ёнига ёрдамга қўйдим. Қайтиб келиб ўрду тўғрисидаги бир оролда маъжун едик. Бу кеча маъжундан кайф бўлиб, кемани чодирга яқин келтириб, кеманинг узида ётдим. Кечаси ғалати воқеа юз берди. Кечанинг учинчи посига яқин кемада шовқин-сурон кўтарилди. Менинг хос соқчиларим — ҳар бири кеманинг бир ёгочини олиб, ур-ур деб қичқиради. „Фармойиш“ кемаси мен ётган „Осойиш“ кемаси ёнида эди. Бир тунги қаровул ўша ерда „Фармойиш“ кемасида экан. Уйқудан кузини очиб қараса, бир киши „Осойиш“ кемасига қўли билан осилиб чиқмоқчи бўлаётган экан. Қаровул узини унинг устига ташлайди; у сувга шўнғиб, чиқаётганида қаровулнинг бошига қилич билан солади; биров жароҳатлаб, яна сувга қараб қочади. Шовқин шунинг учун кўтарилган экан. Манердан келган тунда ҳам кеманинг яқинида тунқаторлардан бир-иккитаси бир неча ҳиндустонликни қувлаб, икки қилич ва битта ханжарини келтиришган эди. Тангри таоло асради.

*Агар тиги олам бижувбад зи жой,  
Набуррад раге то нахоҳад Худой.*

(Мазмуни:

*Агар олам тиги уз жойидан қўзғалса,  
Худо хоҳламаса, бирор томирни ҳам  
қирқмайди.)*

Эртаси, чоршанба куни „Гунжойиш“ кемасига тушиб, тошотар жойлашган ерга яқинроқ келдим ва ҳар бир кишини бир ишга тайинладим. Угонберди мўгул бошчилигидаги мингтача йигитга дарё бўйлаб бир-икки ёки уч курўх юқорироқдан, қандай бўлмасин, сувдан кечиб утишларини тайинлаб жўнатдим. Булар кетаётганларида банголлар йигирма-ўттизтача кемаси билан Аскарый урдусининг тўғрисида чиқадилар. Жуда кўп пиёдалари кемадан чиқиб, тўсатдан

ҳужум бошламоқчи булишади. Аммо бизнинг одамларимиз от солиб уларни қочишга мажбур этадилар. Бир нечасини қўлга тушириб, бошини кесиб, кўпчилигини отиб ташлаб, етти-саккиз кемани қўлга оладилар. Худди ўша куни Муҳаммад Замон мирзо тарафидан ҳам бир неча банголий кемаси билан сузиб кириб, урушни бошлаб юборади. Муҳаммад Замон мирзо томонидагилар шиддат кўрса-тиб, банголийларни қочиради; уларнинг уч кема кишиси сувга ғарқ бўлади. Битта кемасини қўлга олиб, ҳузуримга келтирдилар. Бу урушда Бобо чухра яхши жанг қилиб, жасорат курсатди. Муҳаммад Султон, Якка Хожа, Юнус Али, Угонберди ва нариги тарафга кечиб ўтиши бурундан белгиланган жамоага Угонберди ва ўзлари қўлга киритган етти-саккиз кемани кечаси қоронгида юқорига тортиб ўтишлари буюрилди.

Уша куни Аскарыйдан одам келиб, сувдан ҳамма — битта қолмасдан ўтди, эртага тонгда, пайшанба куни барчаси душман устига бостириб боради, деган хабарни айтди. Бу ўтганларга Аскарыйга қўшилиб, душман устига юришлари ҳақида фармон берилди. Пешин намози чоғи Устод қошидан одам келиб, тош тайёр бўлибди, қандай фармон бўлади, деб сўради. Бу тошни отсин ва мен боргунимча яна бир тошни тайёр қилсин, деб фармон бердим.

Аср намози пайти кичкина Банголий кемага тушиб, мўлжор кўтарилган ерга бордим. Устод бир марта катта тош отди, кейин яна бир неча бор фарангий отди. Банголийларнинг оташбозликда шухрати бор эди, бу сафар яхшилаб синадик, улар бир ерни мўлжаллаб эмас, балки ҳар томонга ҳар хил усулда отадилар.

Шу куни аср намози чоғи бир неча кемани Сару дарёси бўйлаб душман қаршисидан юқорига тортиб ўтишларини буюрдик. Кема тортувчи кишилар қўрқмасдан ва ёпинмасдан бир неча кемани тортиб ўтказдилар. Эсон Темур Султон, Тўхта Бўга Султон, Бобо Султон, Оройишхон ва Шайх Гуранга бу кемалар ўтган ерда туриб, кемаларни муҳофаза қилишлари тайинланди.

У ердан қайтиб, биринчи посда ўрдуга келдим. Ярим кечага яқин юқорига

кема тўртаётганлардан тайинланган қисм олдинга ўтди, деган хабар келди. Кемаларни тортиб бораётганимизда, банголийлар бизни пайқаб қолиб, биз билан жангга киришдилар. Бир кемачининг оёғига тош тегиб, оёғи синди, ўта олмадик.

Пайшанба куни тонгда мўлжордагилардан юқорига жўнатилган кемаларнинг ҳаммаси етиб келди, деган хабар келди. Душман отличларининг барчаси отланиб, бизнинг ҳаракатдаги қисмимизга қарши юриш бошлади. Мен ҳам зудлик билан отланиб, кеча оқшом ўтказилган кемалар устига етиб келдим. Муҳаммад Султон мирзо бошчилигида ўтишга қарор қилган кишилар тўхтамай ўтиб, Аскаррийга қўшилсин, деб чопар юборилди. Мана шу кемалар тепасида бўлган Эсон Темур Султон билан Тўхта Бўга Султонга тезроқ ўтишни бошласинлар, деб буйруқ бердим. Бобо Султон белгиланган ерга келмаётганди. Дарҳол Эсон Темур Султон бир кемада ўттизқирқтача навқари билан отларини кема ёнига олиб, ёлидан ушлаб суздириб ўтдилар. Буларнинг ортидан яна бир кема сузиб ўтди.

Буларнинг дарёдан ўтаётганини кўриб банголийларнинг жуда кўп пиёдаси буларга қараб юрди. Эсон Темур Султоннинг етти-саккиз навқари отланиб, бу пиёдаларнинг қаршисига бориб, султон отлангунича, уларни жангга тортиб, ўқ отишиб, Султон турган томонга тортдилар. Бунгача Эсон Темур Султон ҳам отланди. Иккинчи кема ҳам кечиб ўтди. Султон ўттиз-ўттиз беш отлич билан жуда кўп пиёданнинг устига бостириб, уларни қочишга мажбур қилди. Жуда яхши иш кўрсатди. У чаққонлик билан, қўрқмасдан, ҳаммадан бурун дарёни кечиб ўтди. Иккинчиси шуки, кўп пиёданнинг устига оз одами билан бостириб бориб, уларни қочишга мажбур қилди. Тўхта Бўга Султон ҳам дарёдан кечиб ўтди. Кемалар олдинма-кейин дарёдан кечиб ўта бошладилар. Лаҳўрлик ва ҳиндустонликлар ҳам ҳар томондан — бири ёғочга таяниб, бошқаси — даста (бир бог) қамиш ёрдамида дарёдан кечиб ўтишга киришдилар.

Бу аҳволни кўрган мўлжор тўғрисидаги жуда кўп банголийлар кемалари

билан дарёнинг қуйи тарафига қоча бошладилар.

Дарвеш Муҳаммад Сорбон, Дуст эшикога ва яна баъзи йигитлар мўлжор тўғрисида ўтдилар. Султонларга отлич одам юбориб, дарёдан кечиб ўтганларни яхшилаб йигинг ва қаршида турган қисмга яқинлашинг ва уларни айланиб ўтиб, душман билан жангга киринг, — деб буйруқ бердим. Султонлар ўтганларни ўзларига қўшиб, уч-тўрт қисм бўлиб, душманга ташландилар.

Булар яқинлашганда душман пиёдаларини олдинга солиб, сафини бузмай кела бошлади.

Аскаррий билан бирга белгиланган қисмдан Кўкий аскарлари уларга яқинлашади. У тарафдан Кукий, бу тарафдан султонлар етиб бориб, душман билан жанг бошлайдилар. Душманни отидан қулатиб, бошқа отличларини ортга қайтишга мажбур қиладилар. Басант Рав исмли обруъ-эйтиборли кофирни Кўкий ва унинг одамлари отдан қулатиб, бошини кесадилар. Унинг ўн-ўн беш жангчиси Кўкийнинг жангчилари устига бостириб келади ва булар шу замониёқ уларни чопиб ташлайди. Тўхта Бўга Султон душманнинг қаршисидан бориб, жуда яхши қилич солади. Мўғул Абдуваҳҳоб ва унинг укаси ҳам яхши қиличбозлик қилдилар. Шундай була туриб, Мўғул сузишни билмасди, дарёдан зирҳи билан отнинг ёлини ушлаб кечиб ўтарди.

Менинг кемаларим орқада қолган эди. Уларни олиб келиш учун одам юбордим. „Фармойиш“ кемаси илгарироқ келди. „Фармойиш“ га чиқиб банголийларнинг ерларини сайр қилиб, „Гунжойиш“ кемасига тушиб, юқорида кечик борйўқлигини сўрадим.

Мир Муҳаммад жолабон Сару дарёсининг юқорисида ўтадиган яхши жой бор, деб маълум қилди. У айтган ердан лашкар кечиб ўтаверсин, деган фармон бўлди.

Муҳаммад Султон Мирзо бошчилигидаги кишиларга дарёдан ўтишга буйруқ берилган эди. Сувдан ўтаётганда Якка Хожанинг кемаси чўкиб кетиб, Якка Хожа Тангри раҳматига борди. Унинг навқар ва вилоятларини укаси Қосим Хожага иноят қилдим.

Пешин намози чоги гусл қилаётган пайтим султонлар келишди. Уларни мақтаб, келганларини маъқуллаб, иноят ва шафқатимдан умидвор қилдим. Ўша пайти Аскарӣ ҳам келиб қолди. Аскарӣ биринчи марта бундай ишларда қатнашаётган эди. Унинг хулқи келажаги учун яхши аломат бўлди. Ўша оқшом ҳали урдудан кучиб кетмаётганимиз боис бир оролда „Гунжойиш“ кемасида ухладим.

Жума куни Сару дарёсининг шимол тарафида Харидга тегишли Нирхун вилоятидаги Кундаба деган қишлоқда тўхтадик.

Якшанба куни Кўкийни одамлари билан Ҳожипурга хабар олиб келиш учун юбордик. Шоҳмуҳаммад Маъруф ўтган йили келганида унга катта эътибор қилиб, Саран вилоятини берган эдим, жуда кўп яхши ишлар қилди. Отаси — Маъруф билан икки марта уруш қилиб, уни енгди ва асир қилиб олди. Султон Маҳмуд ҳийла билан Биҳарни эгаллаганида, Бибан билан Шайх Боязид унга қарши борганларида, Шоҳмуҳаммад ҳеч нима қилолмай, уларга қўшилди. Уша пайтда ҳам бир неча марта хабарлар келганди. Халқ орасида ҳам у ҳақда бўлмагур гап-сўзлар юрарди. Аскарӣ Ҳалдий кечигидан утган заҳоти Шоҳмуҳаммад уз одамлари билан келди. Аскарӣ билан учрашиб, банголийлар устига бирга борди. Уша жойда эканимизда келиб, илтифот кўрсатди.

Уша кунлари Шайх Боязид ва Бибандан, уларнинг Сару дарёсидан ўтиш ниятида эканлиги ҳақида кетма-кет хабарлар келарди.

Шу пайтда Санбалдан қизиқ хабар келди: Али Юсуф Санбалда туриб, у ерни жуда яхши идора қилиб, тартиб ва интизом ўрнатган эди. Ўзи ва дўстидек бўлиб қолган табиби бир куннинг узида Тангри раҳматига борибди. Санбални бошқариш учун Абдулла Санбални юборишга қарор қилдик. Рамазон ойининг бешинчисида, жума куни Абдуллага у ерга кетиш учун рухсат берилди. Уша кунлари Чин Темур Султондан ҳам хабарлар келди. Белгиланган бекларнинг кўпчилиги Кобулдан менинг қариндошларим келаётганлиги боис Султонга қў-

шила олмаётган эканлар. Муҳаммадий ва яна баъзилар Султон билан юз курўҳча жойга жадал бориб, Балучни босибдилар. Абдуллодан Чин Темур Султонга, Султон Муҳаммад дулдой, Муҳаммадий ва у ердаги айрим бек ва йигитларга Чин Темур Султон билан Ограда йигилиб, тайёр бўлиб туришларини тайинлаб фармон юбордим. Душман қайси тарафдан келса, ўша томонга отлансинлар.

Ойнинг саккизинчисида, душанба куни Дарёхоннинг набираси Жалолхон, унинг олдида Шайх Жамолий борган эди, ўзининг обрў-эътиборли амирлари билан ҳузуримга келиб илтифот кўрсатди. Ўша куннинг узида Яҳё Нуҳоний, аввалроқ укасини юбориб қуллигини изҳор қилган эди, унга бошқариш ишлари учун фармон ҳам юборган эдим, келиб хизматимга кирди. Модомики, етти-саккиз минг нуҳоний ва афгон умидвор бўлиб келган экан, уларни ноумид қилишни истамай, Биҳардан подшоҳ хазинасига тушадиган бир карўр даромадни ажратиб, эллик лакни Маҳмудхон Нуҳонийга иноят қилиб, қолганини мана шу Жалолхонга бердим. У бир карўр солиқ тўлашга рози бўлди. Бу пулларни йигиб олиш учун Гулом ясовул юборилди. Муҳаммад Замон мирзога Жўнпур вилояти берилди.

Пайшанба куни оқшомда Исмоил Митаадан бурунроқ, бизнинг учта шартимизни Халифанинг Гулом Али исмли навкари Шоҳзода Мунгернинг Абулфатҳ деган навкари билан биргаликда Нусратшоҳга етказган эди, ўша Абулфатҳ билан биргаликда Шоҳзода Мунгер, Ҳасан Лангар вазир ва Халифанинг хатларини олиб келди. Улар биз айтган учта шартни қабул қилиб, Нусратшоҳ розилиги учун масъулиятни уз зиммаларига олиб, сулҳ тузишни таклиф этибдилар.

Модомики, бизнинг бу юришимиз исёнкор боғий афгонларни даф қилиш мақсадида бўлган экан, бу душманлардан баъзилари бош олиб кетди, баъзилари келиб хизматкорлик ва қулликни қабул қилди, қолган оз қисми Банголийнинг қўлида қолди. Улар учун Банголий жавоб берарди. Бунинг устига пашакал яқинлашиб қолганди. Биз ҳам Банголийнинг таклифига зикр этилган шарт-

лар билан сулҳ сузини ёзиб юбордик.

Шанба куни Исмоил Жилвоний, Аловулхон Нуҳоний, Авлиёхон Ишроқий беш-олтита амир билан келиб, хизматимга тайёр эканликларини билдирдилар. Ўша куни Эсон Темур Султон ва Тухта Бўга Султонга мукофот қилиб камар шамшир ва камар ханжар, зирҳлар ва хилъатлар ҳамда чопқир отлар инъом қилдим. Эсон Темур Султонга Нарнўл вилоятдан ўттиз олти лак ва Тухта Бўга Султонга Шамсобод вилоятдан ўттиз лак иноят қилинди ва таъзим қилдирилди.

Ойнинг ун бешинчисида, душанба куни Биҳар ва Бангола тарафлардан хотиржам бўлиб, Сару дарёси қиргоғи ва Кундаба яқинида жойлашган қўним-жойдан Бибан ва Шайх Боязид ҳаромхўрнинг ёмон ишларини даф қилиш ниятида жўнадик. Орада икки бор тўхтаб, чоршанба куни Секандарпурнинг Чатурмак деган жойидаги Чапура деб аталган кечиги устида тўхтадик. Ўша куннинг ўзидаёқ халқ дарёдан ўта бошлади. У ҳаромхўрларнинг Сару билан Гагардан утиб, Лакнавга қараб бораётганликлари ҳақида кетма-кет хабарлар кела бошлади. Улар ўтмоқчи бўлган кечик йўлини тўсиш учун аскарларга турк ва ҳинд амирларидан Султон Жалолиддин Шарқий, Алихон Фармулий, Турдика, Низомхон Байаний, Тўламиш узбак, Қурбон Чархий, Ҳасанхон Дарёхонийни бошлиқ қилиб тайинлаб, пайшанба куни кечқурун рухсат бердим.

Шу оқшом таровиҳ намозидан сўнг биринчи посдан беш гарий ўтганида, пашакаал булутлари қайнаб чиқиб, бир замоннинг ичида шундай тўфон бўлиб, қаттиқ шамол қўзгалдики, йиқилмаган чодир деярли қолмади. Мен чодир ичида утириб ёзаётган эдим, қогоз ва дафтарни йиғиштиришга ҳам улгурмадим. Чодирни эшиги олдидаги пардаси билан бошимга қулатди. Чодир тепасидаги кигиз бўлак-булак бўлиб кетди. Тангри сақлади, ҳеч қандай зиён етмади. Китоб ва дафтар жиққа ҳўл бўлди. Уларни қийинчилик билан йиғиштириб олдилар. Жун шолчага ўраб, кат остига қўйиб, устига гиламларни ёпдик. Бўрон икки гарийдан сўнг тинди. Йигма чодирни

тиктириб, шам ёқтирдим. Машаққат билан ўт ёқиб, тонггача ухламай, варақ ва дафтарларни қуритиш билан машғул бўлдик.

Пайшанба куни мен дарёдан кечиб ўтдим. Жума куни отга миниб, Харийд ва Секандарпурни сайр қилдик. Ўша куни Абдулло ва Боқи Лакнавнинг олингани ҳақида ёзган эдилар. Шанба куни Кўкийни одамлари билан бориб Боқийга қўшилишларини тайинлаб олдинроқ жўнатдим. Якшанба куни Султон Жунайид барлос, Ҳасан Халифа, Мулло Опоқнинг одамлари ва Мўмин атканинг ака-укаларига бориб, Боқига қўшилишларини ва мен етиб боргунимча қўлларидан келганича унга бехато хизмат қилишларини тайинлаб рухсат бердим.

Шу куни аср намози пайти Шоҳ Муҳаммад Маъруфга махсус сарпо ва яхши от иноят қилиб, рухсат берилди. Ўтган йилги тартиб бўйича Сарандаги хизматлари ҳамда Кандладаги ёйчиларни таъминлаб туриши учун маош иноят қилинди. Шу куни Исмоил Жилвонийга ҳам Сарваар даромадидан етмиш икки лак хизмат ҳақи тайинлаб, рухсат берилди. Аловулхон Нуҳон ва унинг бошчилигида келганларга ҳам Сарваар даромадидан хизмат ҳақи тайинлаб, рухсат берилди. Улардан ҳар бири углини Ограда менинг доимий хизматимда қолдиради, деган қарорга келдик. „Гунжойиш“ ва „Оройиш“ кемасини, яна қўлимизга тушган банголий кемаларидан танлаб олинган икки кемани Тирмуҳаний ва Гозипурга олиб бориш банголийлар зиммасига юкланди. „Осойиш“ ва „Фармойиш“ кемаларини Сару дарёси бўйлаб юқорига ўрду билан бирга элтсин, деган фармон бўлди.

Биҳар ва Сарудан хотиржам бўлиб душанба куни Чатурмуқнинг Чупара кечигидан Сару қиргоқлари бўйлаб Авад томонга кучдик. Ўн қуруқча йўл юриб Фатҳпурга тегишли Калийра деган қишлоқ ёнида, Сару қиргоғига тушдик. Олдинроқ жўнаганлар адашиб Фатҳпурнинг катта кўлига кетиб қолибдилар. Бир неча кишини яқин ўртадаги одамларни орқага қайтариб келишлари учун жўнатдик. Кичик Хожани кўл ёқасига бориб, у ерга тушган лашкарни эртаси



куни ўрдуга олиб келиши учун жўнатдик. Эрталаб у ердан кучдик. Ярим йўлга етганда „Осойиш“ кемасига тушдим. Юқорида жойлашган қароргоҳга чорттириб бордим. Йўлда кетаётганимизда Боқининг ҳузуридан келаётган Шоҳ Муҳаммад девонанинг углини Халифа олиб келди. Лакнав ҳақидаги хабарнинг тўгрилиги тасдиқланди.

Рамазон ойининг ун учинчисида, шанба куни душман уруш бошлайди. Лекин урушиб ҳеч нима қилолмайдилар. Уруш кетаётган пайтда бирдан йигиб қўйилган хас-хашак, капалар ва жар ичига бир йўла ўт кетади, қўргон ичи тандирдек қизийди. Қўргон деворлари устида юриб бўлмайд қолади ва улар қўргонни оладилар. Икки-уч кундан сўнг бизнинг қайтганимиз ҳақидаги хабарни эшитиб, душман Далмудга қараб жўнайди. Ўша куни ҳам ун куруҳча йўл юриб Секрий вилоятининг Жалесар деган қишлоғи ёнида Сару дарёси ёқасида тўхтадик.

Чоршанба куни отларга дам бериш мақсадида ўша жойда қолдик. Баъзи кишиларнинг айтишларича, Шайх Боязид ва Бибан Гангдан ўтиб, Чунар ва Жуун ерлари орқали ўзларининг сипоҳийлари томонига ўтиш ниятида юрганмиш. Бекларни чақириб кенгашдим. Жунпур ўрнига Чунарни, яна баъзи вилоятларни олган Муҳаммад Замон мирзо ва Султон Жунайд барлос, Маҳмудхон Нуҳоний, Қози Жийа ва Тожихон Сарангхоний бориб Чунарда душманнинг йўлини тўссин, деган фикрга келдик.

Эртасига пайшанба куни тонгда кўчиб, Сару дарёсидан узоқлашиб ўн бир куруҳ йўл юрдик ва Парсарудан ўтиб, Парсару ёқасига тушдик. Бекларни чорлаб, кенгаш ўтказдим. Эсон Темур Султон, Муҳаммад Султон мирзо, Тўхта Бўга Султон, Қосим Ҳусайн Султон, Беҳуб Султон, Музаффар Ҳусайн Султон, Қосим Хожа, Жаъфар Хожа, Зоҳидхожа, Жонибек, Аскарыйга навкарлари билан Кичик Хожа, ҳиндустонлик амирлардан Оламхон Калпий, Маликдод Караний, Равуй Серванийга лашкардан ажралиб, ўз йигитларини бошлаб Боязид ва Бибаннинг ортидан тезлик билан олдинга — Далмуд тарафга боришларини тайинладим.

Мана шу Парсару дарёсида кечаси таҳорат олаётган эдим, шам ёругига жуда кўп балиқ тўпланиб сув юзига чиқди. Мен ва ёнимдагилар қўл билан балиқ тутдик.

Жума куни Парсарунинг катта бир ирмоғи бошида тўхтадик. Жуда ингичка дарё экан. Лашкар халқи у ёқдан-бу ёққа тинимсиз юриб, безовта қилмасин деб, сувни юқорисидан бугдириб, ўнга ўн қари келадиган ерда таҳорат учун жой қилдирдим. Йигирма еттинчи кечаси шу жойда бўлдик.

Эртаси бу дарёдан узоқлашиб, Тус сувидан ўтиб тушдик. Якшанба куни ҳам шу дарё ёқасида турдик.

Ойнинг йигирма тўққизинчисида, душанба куни мана шу Тус дарёси қирғоғи манзилимиз эди. Бу оқшом, гарчи, ҳаво унча булутсиз бўлмаса ҳам, бир неча киши ойни кўрди ва қозининг ҳузурида гувоҳлик беришди. Янги ойнинг бошланиши аниқ ҳужжатланди.

Сешанба куни тонгда ҳайит намозини ўқиб, йўлга тушдик. Ўн куруҳ йўл юриб, Тайикка бир куруҳ қолганида, Гўйи дарёси қирғоғида тўхтадик. Пешин намозига яқин маъжун едик. Шайх Зайн, Мулло Шиҳоб ва Хондамирни қошимизга чақириб, мана бу байтни юбордик:

*Шайху Мулло Шиҳобу Хондамир,  
Келинг уч-уч, якки-якки, бир-бир.*

Дарвеш Муҳаммад ва Юнус Али, Абдулло ҳам шу ерда эди. Аср намози вақтида полвонлар кураш тушдилар. Чоршанбани ўша жойда ўтказдик. Тушга яқин маъжун ейилди. Тожихонни Чунардан ҳайдаб чиқариш учун борган Малик Шарқ шу куни келди. Ўша куни полвонлар кураш тушдилар. Аввалроқ келган Паҳлавон Авадий эндигина келган ҳиндустонлик курашчи билан олишиб, уни йиқитди. Яҳё Нуҳонийга Сарваар еридан ўн беш лаклик даромадни хизмат ҳақи қилиб белгилаб, сарпо кийдириб, рухсат берилди.

Эртасига ўн бир куруҳ йўл юриб, Гўйи дарёсидан ўтиб, дарё ёқасида тўхтадик. Олдинда кетган султон ва беклардан уларнинг Далмудга етиб борганлари, бироқ ҳали Ганг дарёсидан ўтмаган

ликлари ҳақида хабар келди. Мен ач-чигланиб, уларга Ганг дарёсидан тезда ўтиб душман ортидан боринг, Жуундан ҳам ўтиб Оламхонни ўзингизга қўшинг ва душман билан жангга киришга ҳаракат қилинг, деган фармон юбордим.

Ушбу дарё ёқасидан жўнаб, икки жойда тўхтаб, Далмудга етиб келдик. Қўшиннинг катта қисми ўша куннинг ўзидаёқ Ганг дарёсидан кечиб ўтдилар. Ўрдуни нариги қиргоққа утказгач, кечикдан қуйидаги оролда маъжун ейилди. Аскарлар Жонолигон тарафдан сувдан ўтиб, бир кун туриб қолди. Боқи Тошкандий Аваднинг лашкари билан келиб хизматимга кирди.

Ганг дарёсидан бир манзил узоқлашиб, Кўраранинг яқинида Аринд дарёси ёқасида тушдик. Далмуддан Курарача йигирма икки куруҳ йўл экан.

Пайшанба куни у жойдан тонгда қўзғалиб, Одамपुर вилояти қаршисида тўхтадик. Душман ортидан дарёдан кечиб ўтиш ниятида олдинроқ жолабонлардан бир-икки кишини бор кемаларни олиб келиш учун Калпийга юборгандик. Биз тўхтаган куни кечқурун бир неча кема келди. Дарёдан ўтиш учун кечик ҳам топилди. Қўнимжой жуда чанг бўлгани боис фақат оролда бўлардим. Неча кун ўша ерда турган булсак, кечакундуз фақат оролда турардим. Душмандан ишонарли бирор хабар келмагани учун Боқи шиговулни Аваддаги йигитлар билан сув кечтириб, душмандан хабар топиб келиш учун юборилди.

Эртаси жума куни аср намози пайти Боқибекнинг навқари келди. Шайх Боязид ва Бибаннинг қаровулيني тор-мор қилиб, Муборакхон Жилвоний деган до-вюррак йигитини ва яна бир неча кишини ўлдириб, бир неча бош ҳамда битта тирик одамини юборибди. Кейинги куни эрталаб Боқи билан бирга кетган Шоҳ Ҳусайн бахши қайтиб келди. У қаровулни тор-мор қилганларни ҳамда бўлиб ўтган воқеаларни батафсил сўзлаб берди. Шу куни кечқурун, ойнинг ўн учинчисида, якшанба кечаси Жуун дарёси суви шундай кўтарилдики, эрталаб ушбу оролни яхшигина сув босди. Мен бошқа оролга, дарёдан бир ўқ отими

пастроқдаги оролга ўтиб, чодир тикиб ўтирдим.

Душанба куни илгари кетган бек ва султонлар олдида Жалол Тошкандий келди. Илгорнинг хабарини эшитиб, Шайх Боязид ва Бибан Маҳўба вилоятдан қочибдилар.

Пашакаал бошланган, лашкар эса беш-олти ойдан буён сафарда эди. Лашкарнинг от-улови хароб бўлганди. Шу боис илгари кетган султон ва бекларга Огра ва ўша атрофдан янги кучли илгор келгунича, борган жойингизда тўхтаб туринг, деган фармон берилди.

Шу куни аср намози пайти Боқи шиговулга ва Аваддан келган лашкарга рухсат берилди. Лашкар Сару дарёсидан кечиб ўтаётганида қайтиб келиб хизматимга кирган Маъруф Фармулийнинг ўгли Мусога Амруҳардан ўттиз лаклик даромади бор вилоятни хизмат маоши қилиб тайинлаб, махсус бош-оёқ кийим ва эгарли от совға қилиб, Амруҳарга кетишга рухсат берилди.

Бу томонлардан хотиржам бўлиб, сешанба куни кечаси учинчи посдан кейинги биринчи гарийда тезлик билан Ограга йўл олдик. Эртасига ўн олти куруҳ йўл юриб, тушга яқин Калпийга қарашли Билавар деган вилоятда тушланиб, отга арпа бериб, намозшом пайтида у ердан жўнаб кетдик. Бу кеча ўн уч куруҳ юриб, учинчи посда Калпий вилоятларидан Сўгандпурга тушдик. Баҳодирхон Сервонийнинг мақбарасига кириб ухладик. Бомдод намозини ўша ерда ўтаб, йўлга тушдик. Ўн олти куруҳ юриб, туш пайти Итаъвага етиб келдик. Маҳдий Хожа қаршимизга чиқиб кутиб олди. Кечанинг биринчи посидан кейин у ердан жўнаб кетдик. Йўлда бир муддат ухлаб, ўн олти куруҳ йўл босиб, туш чоғи Раприйнинг Фатҳпурида тўхтадик. Эртаси куни пешин намози пайти Фатҳпурдан жўнаб, ўн олти куруҳ йўл юриб, кечанинг иккинчи посидан Оградаги „Ҳашт биҳишт“ боғига тушдик.

Эртаси — жума куни Муҳаммад бахши ва яна баъзи кишилар келиб илтифот кўрсатишди. Пешин намозига яқин Жуундан ўтиб, Хожа Абдулҳаққа илтифот қилиб, қалъага бориб аммабегимларни кўрдим.

Балхлик бир деҳқонни қовун экиш учун қўйгандим. Бир неча қовун сақлаб қўйган экан, олиб келди. Анча яхши қовунлар етилибди. Бир-икки туп тоқни „Ҳашт биҳишт“ боғига эктиргандим, у ҳам яхши узумлар солибди. Шайх Гуран ҳам бир сават узум юборган экан, узумлари ёмон эмасди. Ҳиндустонда бундай қовун ва узум етилишидан жуда хурсанд бўлдим.

Якшанба кечаси иккинчи посдан ўтган эди ҳамки, Моҳим келди. Биз лашкар томонга жумод ул-аввал ойининг ўнинчисида отлангандик. Галати тасодиф содир бўлибди. Улар ҳам Кобулдан ўша куни йўлга чиқишган экан. Зулқаъда ойининг аввалида, пайшанба куни катта девонхонада йигилиш ўтказилаётганида Ҳумоюн ва Моҳимнинг тортиқларини келтирдилар. Шу куни Мағфур девоннинг бир навкарига юз эллик қаҳара(юк ташувчи, ишчи) бериб, қовун, узум ва мевалар келтириш учун Кобулга юбордик.

Ойнинг учинчисида, шанба куни Кобулдан карвонбоши булиб келган Ҳиндубекни Али Юсуфнинг ўлими боис Санбалга юборган эканлар, келиб менга илтифот қилди. Ҳисомиддин Али Халифа ҳам Алвардан шу куни келиб, мулозамет қилди.

Эртаси, якшанба куни Али Юсуфнинг вафоти боис Тирмуҳанийдан Санбалга юборилган Абдулло келди.

Кобулдан келган кишилардан эшитдикки, Шайх Шариф Қорабогий Абдулазизнинг игвогарлиги ёки ўзига тарафдорлиги боис қилмаган зулм ва ўтмаган бидъатларни бизга нисбат бериб, даъво хатлари битибди, унинг остига Лаҳур имомларининг номларини ёзиб ҳамда уларга куч билан имзо чектириб, аризаннинг нусхаларини шаҳарларга тарқатиб, жанжал қилиш ниятида юрганмиш. Абдулазиз бундан ташқари, менинг бир қанча ҳукмларимга қулоқ солмай, ҳар хил номуносиб гаплар айтиб, кераксиз ишлар қилиб юрди. Шу боис, ойнинг ўн биринчисида, якшанба куни Қанбар Али аргунни Шайх Шарифни, Лаҳур имомларини югурдаклари билан ҳамда Абду-

лазизни ҳузуримизга олиб келишни тайинлаб жунатдик.

Ойнинг ўн бешинчисида, пайшанба куни Тижарадан Чин Темур Султон келиб, илтифот кўрсатди. Ўша куни паҳлавон Содиқ билан Улуг Авадий куштигир кураш тушдилар. Содиқ жуда қийналиб, ярим-ёрти йиқитди. Жуда қаттиқ курашишига тўғри келди.

Ойнинг ўн тўққизинчисида, душанба куни қизилбошлар элчиси Мурод қўрчига қимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар ва муносиб тўн кийдириб, икки лак танга иноят қилиб, кетишига рухсат берилди.

Ўша кунлари Саййид Машҳадий Гвалийардан келиб, Раҳимдоднинг душманлик ишларини қўзғатганини хабар қилди. У ерга Халифанинг навкари Шоҳмуҳаммад муҳрдорни кўп насиҳатомиз сўзлар битиб жунатдик. Шоҳмуҳаммад бориб, бир неча кундан кейин ўзи билан бирга Раҳимдоднинг ўғлини келтирди. Угли келган бўлса ҳам Раҳимдоднинг келиш нияти йўқ эди. Унинг қўрқувини тарқатиш мақсадида зулҳижжа ойининг бешинчисида, сешанба куни Нурбекни Гвалийарга юбордик. Бир неча кундан кейин Нурбек келиб, Раҳимдоднинг ялиниб-ёлворганини айтди. Унинг муддаосидек фармонлар битиб юборилаётган бир пайтда унинг бир навкари келиб: „Мени ўғлини олиб қочишга юборди, бу ерга келиш унинг хаёлида ҳам йўқ“, деди. Бу хабарни эшитиб, дарҳол Гвалийарга отланмоқчи бўлдик. Аммо Халифа менга яна бир бор Раҳимдодга насиҳатомуз хат ёзиб юборай, шоядки, у тўғри йўлга ўтса, деб айтди. Бу ишни бажариш учун Шиҳобиддин Хусрав юборилди.

Мазкур ойнинг еттинчисида, пайшанба куни Итаъвадан Маҳдий Хожа келди. Ҳайит куни Ҳиндубекка махсус бош-оёқ кийим, қимматбаҳо тошлар қадалган камар-шамшир ва яхши от иноят қилинди. Туркманлар орасида Чигатой номи билан машҳур Ҳасан Алига бош-оёқ сарпо, қимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар ва етти лаклик даромади бор вилоят иноят бўлди.

## ТЎҶҚИЗ ЮЗ ҲТТИЗ ОЛТИНЧИ(1529) ЙИЛ ВОҚЕАЛАРИ

Муҳаррам ойининг ун учинчисида, сешанба куни Шихобиддин Хисрав билан Шайх Муҳаммад Гавс Гвалийардан Раҳимдоднинг гуноҳларини сўраб келди. Дарвешваш ва азиз инсон эди. Раҳимдоднинг гуноҳини у кишига багишлаб, Шайх Гуран билан Нурбек Гвалийарга юборилди. Гвалийарни буларга топшириб...

... Буларни кўмакка юбордик. Кейин Муҳаммад Али жанг-жанг жўнатилди. Илгари бориши тайинланган Мулло Муҳиб Али аскарлари етиб боргунича, Абдулазиз уларни жойидан қувлаб, байрогини олиб, Мулло Неъмат, Мулло Довуд, Мулло Опоқнинг укаси ва яна бир неча кишини қўлга тушириб, шаҳид қилибди. Булар етиб боришгач, Муҳиб Алининг тоғаси Зоҳир Табарий бостириб бориб жанг қилади, лекин унга ёрдам етиб бормади, Зоҳирни уша ердаёқ қўлга оладилар, Муҳиб Али ҳам уруш пайти отдан йиқилади. Болту ён тарафдан кириб, Муҳиб Алини олиб чиқади. Бир куруҳгача буларнинг ортидан қувиб келадилар. Муҳаммад Али жанг-жангнинг қораси кўрингач, тўхтайдилар. Бизга душманнинг одамлари яқин келиб қолди, деган хабарлар кетма-кет кела бошлади. Жиба (совут) кийиб, отларга кежим солиб, қуролланиб жангга отландик. Араваларни тортиб келишларини буюрдим. Бир куруҳ йўл босдик. Душман одамлари орқага қайтган экан.

Дарёи Хўрд каттагина кўл эди. Сувнинг ташвишини қилиб шу ерда тўхтадик. Араваларни олдинга истеҳком қилиб, занжирлар билан уларнинг гир атрофини боғлаб чиқдик. Раана Сангаа бениҳоя кўп жангчилари ва қўшини билан олдинга юриш бошлади. Ҳиндустон одатига кўра, юз мингни бир лак ва юз лакни бир карўр деб айтадилар. Унинг жангчилари ва лашкари икки мингга, вилояти ун карўрга етган эдики, унга бир лак отлиқ жойлашиб, яшаши мумкин эди. Ҳеч бир урушда унга ёрдам қилмаган, итоат этмаган ва ваъдалашмаган бош ва бошлиқлар унга қўшилиб, унинг ҳукму фармонларини бажара бошладилар.

Унинг лашкари тафсилоти мана бундай: Раай Синг ва Сарангпур ҳукумати-нинг эгаси Салоҳиддинда уттиз минг отлиққа етадиган ер ва сув бор эди. Равал Удай Синг Багарий ун икки минг отлиққа эга эди. Меватнинг ҳоқимлиги қўлида булган Ҳасанхон Меватийнинг ун икки минг, Баҳодир Ҳамлойдари-нинг тўрт минг ва Сатравий Кейчийнинг олти минг, Жармал Парам Дэв ва Меват ҳоқимининг тўрт минг ва Бир Синг Дэв Чавҳаннинг тўрт минг отлиққа етадиган ер-суви бор эди. Султон Искандарнинг ўгли Маҳмудхоннинг, гарчи вилояти бўлмаса ҳам, сардорликни ҳавас қилиб, ун икки минг отлиқ лашкарни сақларди. Булар ҳисоблаб чиқилса, душман икки минг лак кишига етиб қолади.

Душманнинг келишини сезиб, ўз қароримизни қабул қилиб аскарларни шундай сафладик. Марказга подшоҳ ҳузуридаги хос отлиқ аскарлар қўйилди, марказнинг ўнг қанотига Чин Темур Султон, Мирзо Сулаймон, Хожа Дўст Ҳованд, Юнус Али, Шоҳ Мансур барлос, Дарвеш Муҳаммад сорбон, Абдулло китобдор ва Дўст эшикогани бошқа амирлар билан қўйишга қарор қилдик. Чап қанотига султон Баҳовуддин Баҳлул Лўдийнинг ўгли Аловуддин, Шайх Зайн Хавофий, Низомиддин Али халифанинг ўгли Амир Муҳиб Али, Қўчбекнинг укаси Турдибек, Қўчбекнинг ўгли Шерафган ҳамда Оройишхон, Хожа Ҳусайн ва бошқа кишиларимизни сафладик. Ун қанотга ўзимиз туриб, Ҳиндустон амирларидан Хонихонон Диловархон, Маликдод Караний ва Шайх Гуран каби кишиларни хизматимизда ушлаб турдик. Ун қанотга яна Қосим Ҳусайн Султон, Аҳмад Юсуф ўглоқчи, Ҳиндубек қавчин, Хисрав кўкалдош, Қивомбек, Ўрдушоҳ, Вали хозин, Қароқўзи ва Марқули Сийстоний ва Хожа Паҳлавон Бадахший ва Абдушукур ҳамда Малик Қосим Бобо Қашқа, унинг укаси бошқа мўғул баҳодирлари билан тайинланди. Уларнинг ортидан Мирҳама, Муҳаммадий кўкалдош, Хожаги Асад бир неча йигит билан мўлжалланди. Чап қанотнинг ўнг қўли белгиси қилиб Маҳдий Хожа, Му-

ҳаммад Султон мирзо, Маҳдий Султоннинг угли Одил Султон, Абдулазиз мирохӯр ва Муҳаммад жанг-жанг, Қутлуққадам қаровул, Шоҳ Ҳусайн Ёракий, Жонибек атка ва Ҳиндустон амирларидан Султон Аловуддиннинг ўгиллари Жалолхон ва Камолхон ҳамда Алихон, Шайхзода Фармулий, Низомхон Байана, Мўмин атка, Рустам туркман саройдаги хос амалдорлари билан, бошқа баҳодирлар, гозийлар ихлос билан сафланиб, урушга бел боғладилар.

Низомиддин Али Халифага Рум ғазоти тартибида лашкарларимиз олдида борадиган милтиқчилар ва раъдандозларни\* пана қилиш учун араваларни келтириб занжир билан боғлашларини буюрдик. Султон Муҳаммад бахшига яқинимизда туриш буюрилди. Зарур иш чиқиб қолганда унга буюришимизни, у эса ясовуллар ва товачиларга айтиши, улар эса бошлиқларига етказишини тайинладик. Лашкарнинг юриши тартибга солингач, бошлиқлар ўз қўли остидаги аскарлари билан бориб, жой-жойларига турдилар. Ундан кейин биз буйруқ бўлмагунича ўрндан бирор киши қўзғалмасин ва то рухсат бермагуниimizча майдонга кириб жанг бошламасин, деб фармон бердик.

Куннинг биринчи поси утиши билан чап ва ўнг қанотларда шундай уруш бўлдики, гўё заминни зилзила ва замонни тўполон босди. Душман бизнинг ўнг қанотимиздан кириб келиб, Хисрав кўкалдош ва Малик Қосим Бобо Қашқага қарши ҳужумга ўтди. Чин Темур Султонга уларга кўмак бериш учун етиб бориш буюрилди. У жасорат кўрсатиб, душманни қувиб, қўриқчилари сафини бузиб, уларни марказ қўшини яқинига суриб бориб қўйди ва бу ғалабанинг мукофотини унинг номи билан атадик. Мустафо Румийга араваларни марказдан олдинроққа элтиш буюрилди. Милтиқ ва зарбзан билан душман лашкарини тўхтовсиз ўққа тутдиларки, баҳодирларнинг кўнгиллари ёришди. Душмандан жуда кўпчилигининг танаси ер билан битта бўлди — уларни фано ели олиб кетди.

Лекин воқеа шундай бўлган эдики, Раана Сангаанинг лашкари саф-саф бўлиб келаверарди. Мен ҳам одамларимдан яхшиларини териб-териб олиб бир-бирининг ортидан ёрдамга юборардим. Дастлаб Қосим Ҳусайн Султон, Аҳмад Юнус ва Қивомбекка фармон бердим. Ундан кейин Ҳиндубек қавчинга фармон бердим. Сўнгра Муҳаммад кўкалдош ва Хожаги Асадга ҳукм қилдим. Ундан сўнг Юнус Али, Шоҳ Мансур барлос ва Абдулло китобдор, уларнинг ортидан Дўст эшикога ва Муҳаммад Халил ахтабеги кўмакка юборилди. Душманнинг ўнг қанотидаги аскарлари бизнинг жавонгорга ҳужум қилди ва ҳар сафар бизнинг ихлоси баланд гозийларимиз душманнинг бир тўдасини ўқ ёмғири билан ерга санчарди. Қолган қисмини эса қилич ва ханжар чақмоги билан тўппа-тўғри жаҳаннамга равона қиларди. Мўмин атка, Рустам туркман, Мулло Маҳмуд, Али атка, Муҳаммад Султон мирзо, Одил Султон, Абдулазиз мирохӯр, Қутлуққадам қаравул, Муҳаммад Али жанг-жанг ва Шоҳ Ҳусайн Боракий мўгул гончи қўл билан урушга тушиб, бир жойда қаттиқ олишдилар. Хожа Ҳасан девон девонийлар (маҳкамадагилар) билан кўмакка кетди. Барча баҳодирлар жон олиб жон бериб курашиб, душмандан қасос олдилар. Чунки душманнинг кўплигидан уруш узоқ чўзилди. Хос хизматкорлар аравалар ортида худди занжирдаги шердек туришарди. Уларга марказнинг ўнг ва чап тарафларидан милтиқчиларни ўртага олиб жанг қилишларини буюрдим. Бу йигитлар худди занжирни гажиб, узиб чиққан шердек ўз бошига тушганини кўриб, ўзларини кофирлар тўдасига уриб, қўлларидан нимаики келса, қилдилар. Нодир ул-аср Али Қўли қўли остидагилар билан марказ олдида турди, унинг одамлари милтиқ, зарбзан ва тош отиш билан банд эдилар.

Қарасак, душманнинг енгилиши анча чўзилди. Марказдаги араваларнинг олдинроққа юришига буйруқ бердик. Узимиз ҳам унинг ортидан юрдик. Қўриқчиларим ўнг ва сул тарафдан ўнг ва чап қанотларга қараб, олдинга интилиб,

\* Раъдандоз — олов отадиган қуролни бошқарувчи.

душманга ҳамла қилдилар. Шундай уруш-жанг бўлдики, бизнинг ўнг ва чап томонлардаги қўшинимиз душманнинг ўнг ва чап тарафларидаги қўшинини суриб бориб, бир жойда тўхтаб урушдилар. Душман қўлидан ҳеч иш келмай, ҳаёт ипларини куйдуриб, бизнинг ўнг ва чап қанотдаги жангчиларимизга ҳужум қилиб, ўзларига жуда яқинлаштирилди. Оёгимизда мустаҳкам турганимиз учун душманнинг туришга мажоли қолмай, беихтиёр қоча бошлади. Кўпчилиги ўша майдонда жон бериб, жаҳаннамга равона бўлди. Қолган оз қисми саросимага тушиб, қум саҳросига қочди. Ҳасанхон Меватийга уқ тегиб, фано гардига айланди. Ганимнинг Равал Удай Синг, Маникчанд Чавҳан, Раай Чандарбан, Дилпат Раай, Кангар ва Карамсинг каби бошлиқлари йўқлик йўлининг губори бўлдилар. Бир неча минг киши аскарларимиз отлари тўғи остида поймол бўлди. Муҳаммад кўкалдош, Абдулазиз мирохур, Оламхон ва яна бир неча амирларга Раана Сангаанинг ортидан таъқиб қилиб бориш буюрилди. Менинг ўзим ҳам бир неча куруҳ қувлаб бордим, Раана Сангаанинг бошига қоронги кун тушди.

То шу кеча киргунича, душмандан хотиржам бўлиб, мақсадимизга етиб қайтдик. Бир неча соатдан кейин манзилга етиб бордик. Тақдирда булмагани учунми, у кофирни қўлга туширолмадик. Ортидан юборилган кишилар ғайрат қилмадилар. Буларга ишониб утирмай, ўзимиз таъқиб қилишимиз керак эди, деб пушаймон бўлдик. Фозил билимли кишиларимиздан Шайх Зайниддин бу ғалабага „подшоҳи ислом“ деган таърихни топди. Кобулдан Мир Гису ҳам шу таърихни битиб юборибди. Илгариги мана шундай ғалабаларимиздан бири Дипалпур фатҳига икки киши „васъати раби ул-аввал“ деган таърихни топди.

Бу фатҳ мана шундай қўлга киргач, Раана Сангаанинг ортидан вилоятига таъқиб қилиб боришга сабаб йўқ эди. Лашкарни тўхтатиб, Меватни забт этишга ҳиммат қилдик. Муҳаммад Али жангжанг, Али Гуран ва Абдумалик қўрчини жуда кўп одам билан Илсхоннинг устига юбордик. У икки дарё орасида бош кўтариб, Кўйил шаҳарчасини жанг

қилиб эгаллаганди. Кўйил шаҳарчасининг ҳоқими Кичик Алини ушлаб, банди қилиб қўйган экан. Биз жўнатган қўшин етиб борганида дош беролмай, қочибди. Бир неча кундан кейин Ограга етиб бордик. У ерга киришимиз билан бу бахтиқарони боглаб, чирмаб олиб келдилар. Жазосини олди.

Ундан кейин Меват тарафларга бориш керак, деган фикрга келдик. Ражаб ойининг олтинчисида, чоршанба куни Меват ҳокимлиги жойлашган Алварга бордик. Унинг хазинасини осонлик билан қўлга киритдик. Бу вилоят ҳам ҳимоямиздаги мамлакатлар қаторига ўтгач, биз пойтахтга қараб йўл олдик. Муҳаммад Ҳумоюнга Кобул ва Бадахшонга кетишига рухсат бериб, ўзимиз марказга борадиган бўлдик.

Тўққиз юз ўттиз тўртинчи йили Хон Мирзо оламдан ўтди. Бадахшон ҳукумати кўзимизнинг нури Муҳаммад Ҳумоюнга бериб эдик. Уша йили ражаб ойининг тўққизинчисида Муҳаммад Ҳумоюнга ўша мамлакатга боришга рухсат берилди. Шу пайтлари Бибан афгон бош кўтарган эди. Қосим Ҳусайн Султон, Муҳаммад Қосим Бобо Қашқа, Абдулламуҳаммад найзадор, Ҳусайнхон ҳамда Ҳиндустон амирларидан Алихон Фармулий, Маликдод Караний, Татархон ва Хонижаҳонни Муҳаммад Султон мирзога йўлдош қилиб юбордик. У бадбахт қўшин тайинланганини эшитиб, бошини қўлига олиб дунёдан чиқиб кетади.

Ўзимиз уша йилнинг охирларида Фатҳпур ва Барийни айланиб, Ограга келдик. Тўққиз юз ўттиз тўртинчи йили Кўйилни томоша қилишга бордик. У ердан Санбалга овга чиқдик. Кўхистонни сайр қилиб, дорулхилофага келдик. Сафар ойининг йигирма саккизинчисида Фахрижаҳонбегим ва Хадича Султонбегим бола-чақаси билан Кобулдан келдилар. Биз кемага тушиб, уларни кутиб олдик ва вақтни яхши утказдик.

Бир оз вақтдан сўнг Чандерий ҳоқими Мединий Рав ва Раана лашкар йиғатган эмиш, деган хабар келди. Бундай хабарлар етиб келиши билан олти-етти минг йигитни Чин Темур Султонга йўлдош қилиб Калний ҳудудидан Чандерийга юборилди.

Жумод ул-аввал ойининг еттинчисида, чоршанба куни Чандерий забт этилди. Унинг таъриhini „дорул-ҳарб“ деб топдилар. Чандерий қўлга киргач, уни Султон Носириддиннинг набираси Аҳмадшоҳга инъом қилдик.

Жумод ул-аввал ойининг ўн биринчисида, якшанба куни қайтиб дорул хилофа — пойтахтга кирдик. Ундан илгарироқ Чандерийга борадиган эдик, Раана лашкари билан олдинга юриб бизнинг хизматимиздагилар турган Ирижга келиб, уни қамал қилмоқчи бўлади. Уша кеча улуглардан бири унинг тушига кириб қўрқитади. У уйқудан сесканиб уйғониб кетади, уни иситма тута бошлайди. Уша иситмада лашкарга ортга қайтишни буюради. Йўлда унга ажал ҳамроҳ бўлиб, жаҳаннамга юборгани аён бўлди.

Бизнинг қўшинимиз Бурҳонпур дарёсидан ўтаётганда шундай хабар келди: Маъруф, Бибан ва Боязид Қаннўждан қочиб, Ирижга келиб, Шамсобоҳ қалъасини Абулмуҳаммад найзабоздан куч билан тортиб олибдилар. Шу боис жиловни ўша тарафга буриб, бир неча йигитни ўзимиздан олдинроқ юбордик. Бу хабарни эшитганидан сўнг Маъруфнинг ўгли Қаннўждан қочиб қолади. Бибан, Боязид, Маъруф ҳам Гангдан утиб Қаннўжнинг тўғрисида Гангнинг кунчиқар томонидан бориб, кечикни тўсиб қўйиш ниятида ўтирадилар.

Туққиз юз ўттиз бешинчи йили, муҳаррам ойининг учинчисида, жума куни Мирзо Аскарини Мултон маслаҳати учун чақиртиргандик, Кобулдан етиб келиб, Гвалийарда илтифот кўрсатди. Ўша куни Раажа Бикрамажит ва Ман Сингнинг иморатларини айланиб, пойтахтга жўнаб кетдик. Ўша ойининг йигирма бешинчисида, пайшанба куни у ерга кириб бордик.

Раби ул-аввал ойининг ўнинчисида, душанба куни Муҳаммад Ҳумоюндан элчилар келиб, илтифот кўрсатдилар, хат ҳам олиб келдилар. Унда Тангри таоло бизга бир ўғил берган эди, отини Алъамон қўйдик, деб битилганди. Бу исм менга ёқмади. Ундан сўнг турк ва ҳинд амирларини чорлатиб, зиёфат бердик. Бу зиёфатда шарқ тарафдаги вилоятларга

ҳокимият ўрнатиш керак, деган маслаҳатни кенгашидик. Мирзо Аскарини оғир лашкар билан олдинда жўнасин. Ганг дарёсининг у тарафидаги амирлар унга йўлдош бўлиб, бу ишга жаҳд қилсинлар. Раби ул-охир ойининг еттинчисида, душанба куни Мирзо Аскарини жўнаб кетиши учун рухсат берилди.

Ўзимиз Даҳпур тарафга овга отландик. Жумод ул-аввал ойининг учинчисида Маҳмуд Искандарнинг ўгли Биҳарни олиб, гавго-тўполон кўтариш ниятига тушган, деган хабар келди. Овдан қайтиб, дорул хилофага — пойтахтга тушдик.

Шу пайти Бадахшондан Муҳаммад Ҳумоюннинг элчилари келди. Мактубда битилишича, Муҳаммад Ҳумоюн қирқэллиқ минг аскар йиғиб, Султон Вайсни ўзига йўлдош қилиб, Самарқандга бориш ниятига тушибди. Орада сулҳ сўзи ҳам бор. Унинг хатига жавобда Тангри таолодан умидвормизки, ҳадемай Ҳиндустон улкаси қўлга киради, деб ёздим, — хайрихоҳ ва муносиб кишиларимизни Ҳиндустон улкасига қўйиб, ўзимизга мерос улкамизга борамиз. Бу юришда бутун халқимиз Ҳумоюнга йўлдош бўлиб, ихлос кўрсатадилар.

Ўша ойининг ўн еттинчисида, пайшанба куни Жуун дарёсидан утиб, шарққа қараб жўнадик. Ўша куни Бангола вориси бўлган Нусратшоҳдан элчилар келиб, тортиқлар келтириб, қуллик изҳор қилдилар.

Жумод ул-охир ойининг ўн тўққизинчисида, душанба куни Мирзо Аскарини келиб бизни кўрди. Сиз лашкарингиз билан Ганг дарёсининг нариги тарафида тўхтанг, деб фармон бердик. Огра яқинида Искандар Султоннинг ўгли Маҳмудхоннинг шикаст топганлиги ҳақида хабар етиб келди. Ҳозир эрларигача бориб, Бажпур ва Баҳатда тўхтадик. Уша ерда Биҳар вилоятини Мирзо Муҳаммад Замонга бердик.

Рамазон ойининг еттинчисида, пайшанба куни Бангола ва Биҳардан хотиржам бўлиб, Сарваар тарафга Бибан ва Боязидни даф қилиш учун юриш бошладик. Бу ғанимлар билан жанг қилиб, уларга шикаст етказдик. Ундан кейин Харийд ва Секандарпурни сайр қилиб,

бу вилоятлардан хотиржам бўлиб, илгор билан пойтахтга қараб жўнадик ва оз фурсатда у ерга кириб келдик.

Муҳаммад Ҳумоюн, бир йилдирки, Бадахшонда, дийдоримиздан айро тушганди. Бизни согиниб, Бадахшонни кўёви Мирзо Сулаймонга топшириб, бир кунда Кобулга келади. Мирзо Комрон ҳам Қандаҳордан Кобулга келган экан. Ийдогоҳда учрашиб қолиб, ҳайрон бўлиб, келиши сабабини сўрабди. Муҳаммад Ҳумоюн ҳам бизни согинганини айтиб, Мирзо Ҳиндолни Кобулдан Бадахшонга юбориб, бизнинг тарафга келаверибди. Бир неча кунда дорул хилофа — Ограга етиб келади. Биз унинг онаси билан отини айтиб, сўзлашиб утирган эдик ҳамки, келиб қолди. Кўнгиллар гул янглиғ очилиб, кўзлар чироғдек ёришди. Ҳар куни зиёфат бериларди. Кейин унинг ўзига тўй бериб, хурсандчилик қилдик. Анча пайтгача бир ерда бўлиб, бир-биримиз билан дўстона муносабатда бўлдик. Ҳақиқатда, суҳбатда тенги йўқ эди ва агар комил инсон дейиш мумкин бўлса, у — ўша эди.

Муҳаммад Ҳумоюн Бадахшондан келган вақтлари Кошгар хонларидан ва бизга қариндошлиги ҳам бўлган Султон Саидхон Рашидхонни Ёркентга қўйиб, хомхаёллик қилиб Бадахшон томонга жўнабди. У Бадахшонга етгунича, ундан илгарироқ Мирзо Ҳиндол бориб Қалъаи Зафарга кирган экан. Султон Саидхон у ерни уч ой қамал қилиб, қўлидан ҳеч иш келмай, ортига қайтибди.

Бадахшонни кошгарийлар эгалладилар, деган хабар бизга етиб келди. Биз Хожа Халифага Бадахшонга бориб, қўлидан нима келса, қилсин, деб фармон бердик. У фаҳмсизликдан қабул қилмади. Муҳаммад Ҳумоюнга: „Сен борсанг қандай бўлади?“ — деб айтдик. У: „Фармонга чора йўқ, лекин уз ихтиёрим билан дийдордан айрилмайман, деб аҳд қилганман“, — дея жавоб берди. Шунинг учун Мирзо Сулаймонга Бадахшонга боришга рухсат берилди. Шундай бўлса-да, Султон Саидга бизда сизнинг қанча ҳаққингиз борки, сиз бундай қилдингиз, жуда ғалати бўлди, деб ёздик. Дарҳол Мирзо Ҳиндолни чақириб, Мирзо Сулаймонни юбордик. Агар ҳуқуқни назарда тутиб, Бадахшонни фарзандимиз

Сулаймон мирзога берсангиз яхши бўларди, дедик. Илло, биз гуноҳни ўзимиздан соқит қилиб, меросни меросхўрга топширдик, билсинлар.

Мирзо Сулаймон ундан илгари Кобулга етиб боради. Бадахшонни душман қўлдан бериб, у ерда омонлик бўлган экан. Мирзо Сулаймон Бадахшонга борганидан сўнг, Мирзо Ҳиндол Бадахшонни унга топшириб, ўзи Ҳиндустонга йул олади.

Муҳаммад Ҳумоюнга ўзи жойлашган ер — Санбалга кетиши учун рухсат берилди. Олти ойгача уша ерда турди. Кўринишича, у жойнинг ер ва суви унга ёқмади. Уни иситма тутар экан, борабора узоқ чўзиладиган бўлибди. Буни эшитишим билан Деҳлига олиб келишларини ва у ердан кемага солиб олиб келсинлар, бу ерда уни зийрак ҳакимлар кўриб, дардига даъво қилсинлар, деган фармон берилди. Бир неча кунда уни дарё йўли билан олиб келдилар ва табиблар ҳар қанча дори-дармон бермасин, яхши бўлмади. Улуғ кишилардан Мир Абдулқосим, бундай дардларга бирор яхши нарсани садақа қилиб бериш керак, шунда Тангри таоло шифо беради, деб айтди. Менинг кўнглимга келдики, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендан бошқа яхши нарсаси йўқ. Мен ўзим унга тасаддуқ бўлайин, Худо қабул қилсин, дедим. Хожа Халифа ва бошқа яқинлар: Муҳаммад Ҳумоюн сиҳат топади, сиз нега бу сўзни тилингизга келтирасиз, дейишди. Мақсад шуки, дунё молидан яхшисини садақа қилиш керак. Бас, уша Иброҳим билан бўлган урушда қўлга киритилган олмосни Муҳаммад Ҳумоюнга инъом қилган эдингиз, ўша олмосни садақа қилиш керак, дейишди. Унинг эвазига дунё молини бериш қандай бўлади, мен унга ўзимни фидо қилурманки, у жуда мушкул аҳволда қолибди, деган сўзлар тилимга келди. Ундан нима ўтган бўлса, ўзимга оламан, унинг кучига куч, бардошига бардош бўламан. Ўша ҳолатга кириб, уч қатла бошидан айланиб, ҳар қандай дардинг бўлса, мен олдим, дедим. Ўша замон мен оғир бўлдим, у енгил тортди. У соғайиб ўрнидан турди. Мен нохуш бўлиб йиқилдим. Давлат аъёнлари ва мамлакат арбобларини чорлаб,



байъат (аҳд-паймон) қўлларини Ҳумоюннинг қўлига топшириб, у ўрнимда қоладиган валиаҳд эканлигини тайинладим. Тахтни унга топширдим. Хожа Халифа, Қанбар Алибек, Турдибек, Ҳиндубек ва бошқа кишилар ҳам бу насиҳатларимда бор эдилар, ҳаммаси қабул қилиб, ҳеч нима деёлмадилар.

Варақларни қораловчи — котиб айтадики, тўққиз юз ўттиз еттинчи йили, жумод ул-аввал ойининг олтинчисида ўша подшоҳ ўз қўли билан обод қилган Чаҳорбоғда аҳволи ўзгариб, бу бевафо оламни тарк этди.

Замоннинг доно кишилари таърих, марсия, қасида ва таркиблар битдилар. Шу жумладан, Мавлоно Шиҳоб Муаммойи мана бу мисрадан таърих топди: „Ҳумоюн буд вориси мулки вай“\*.

У қобил подшоҳнинг яхшиликлари ни айтиб ва ёзиб тугатиш маҳол. Лекин лўнда қилиб айтганда, унинг асли зотида мана бу саккиз сифат ҳамма вақт мужассам эди: биринчиси шуки — муваффақиятлари баланд эди; иккинчиси — ҳиммати аржуманд(азиз ҳимматли) эди; учинчиси — вилоят олмоқ; тўртинчиси — вилоят сақламоқ; бешинчиси — маъмурлик; олтинчиси — Тангри таоло бандаларига турмуш кенгчилиги(яхши аҳвол) нияти; еттинчиси — лашкарнинг кўнглини қулга олиш; саккизинчиси — адолат қилмоқлик.

Фазилат бобида камчилиги йўқ эди, назм ва насрни туркий ва форсийда айтишда тенгсиз эди. Хусусан, туркий девони бор. Унда янги маънолар ҳам топиб, шеърлар айтган. „Мубаййин“ деб номланган маснавий китоби ҳам бор. Тил билладиган доно кишилар орасида унингдек латиф(ғўзал) сўз айтувчи йўқ. Хожа Аҳрор айтган „Волидия“ рисола-сини шу подшоҳ назм қилибди. Ушбу китоб „Бобурия“ бўлиб, Байрамхоннинг ўғди Мирзохонга туркийдан форсийга таржима қилишни буюрдилар, токи туркий билмаган кишиларга осон бўлсин. Ул подшоҳнинг мусиқа илмидан ҳам хабари бор эди ва мана бу рубоийни форсийда айтган эдилар:

*Дарвешонро агар на аз хешонем,  
Лек аз дилу жон муътақиди эшонем.  
Дур аст мағуъ шоҳи зи дарвеший,  
Шоҳем, вале бандан дарвешонем.*

(Мазмуни:

*Гарчи дарвешлар бизларга яқин булмасалар ҳам, биз уларга жон-дилимиз билан мухлисмиз. Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ булсак ҳам, дарвешларнинг бандаси(қули)миз).*

Форсийда мана бу матлаъни ҳам айтибди:

*Ҳалок мекунадам фурқати ту донистам,  
Вагарна рафтан аз ин шаҳр метавонистам.*

(Мазмуни:

*Сендан айрилиш мени ҳалок қилишини билдим, булмаса, бу шаҳардан кета олардим.)*

Бу матлаъ ҳам уларникидир:

*То ба зулфия сияҳаш дил бастам,  
Аз паришония олам растам.*

(Мазмуни:

*Унинг қора сочига дил болаганимдан буён оламнинг бесаранжомлигидан қутулдим.)*

У подшоҳнинг аруз ва қофия илмига багишланган рисолалари ҳам бор ва, шу жумладан, „Муфассал“ ушбу фаннинг шарҳи бўлади, кўпдан-кўп яхши таснифлар қилибдилар.

У подшога Тангри таоло тўрт ўғил ва уч қиз каромат қилган эди. Уғиллари: Муҳаммад Ҳумоюн подшоҳ, Мирзо Комрон, Мирзо Аскарый ва Мирзо Ҳиндол эдилар. Қизлари: Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим ва Гулбаданбегим эдилар. Бу уч қиз бир онадан эди.

Подшоҳ ҳар доим бир неча табъ аҳллари — шоир ва санъат аҳлининг суҳбатидан узоқлашмасди. Улар ушбулардир: илми ҳикмат бобида тенги йўқ Абулбақо. Яна Зайниддин Хавофийнинг набираси Шайх Зайн садр бўлиб, жуда ўткир табъи бор эди, назм ва иншода завқи баланд эди, Ҳумоюн подшоҳ замонида амирлик ҳам қилди. Яна Шайх Абулвоҳид Фориғий, у Шайх Зайн Хавофийнинг отаси эди, ҳуштабъ киши эди, шеърни ҳам яхши айтарди. Яна бири — Султон Муҳаммад кўса Мир Алишернинг мусо-

\* „Ҳумоюн буд вориси мулки вай“ — Ҳумоюн унинг мулкининг вориси эди.

ҳибларидан эдики, подшоҳ суҳбатида иззат топиб, улуг мартабага эришди. Яна Мавлоно Шиҳоб Муаммойи, у „Фақирӣ“ тахаллусини олганди. Фазилатли ва шеърдан хабари бор киши эди. Яна Мавлоно Юсуфий табибки, уни Хуросондан чақриб олган эдилар, томирдан кӯриш ва ташхис қўйиш унинг иши эди. Яна Сурх Вадойки, туркий ва форсийда шеър айтарди. Яна Мулло Бақоийнинг завқи баланд эди, „Махзан ул-асрор“ вазнида подшоҳга бағишлаб маснавий битганди. Яна Хожа Низомиддин Али Халифа хизмат, маҳрамият ва вазирлик ишларига ақл, тадбири бор эди, подшоҳ олдида шунчалар иззати бор эдики, кўп сўзи табъига маъқул келарди, табибликка ҳам қобилияти бор эди. Яна

Мир дарвеш Муҳаммад сорбонки, Хожа Аҳрорнинг яхши муридларидан, хушсуҳбат киши эди, фазилатидан подшоҳ саройида обрӯ-эътибор топди. Тарихчи Хондамир ҳам ажойиб инсон эди. Халқ орасида машҳур булган „Ҳабиб ус-сияр“, „Хулосат ул-ахбор“, „Дастур ул-анвор“ ва яна бошқа асарлари бор. Амирларидан Хожа Калонбек подшоҳ хизматида ўтирарди. Фозиллик ва сахийлик бобида барчага ўрнак бўла оларди. Унинг укаси Кичик Хожа муҳрдор ва хослар аҳлидан эди. У ҳам ҳамиша подшоҳ хизматида эди. Улуг амири Султон Муҳаммад дўлдой хушхулқ киши эди.

„Валлоҳу би кулли шайин алим“.  
(Ҳамма нарсани билгувчи Оллоҳдир.)  
Омин.

## МУНДАРИЖА

Шоҳ, адиб ва шоир — Заҳириддин Муҳаммад Бобур .....	3
Бобурнома	
Саккиз юз тўқсон тўққизинчи (1494) йил воқеалари .....	29
Тўққиз юзинчи (1494—1495) йил воқеалари .....	43
Тўққиз юз биринчи (1495—1496) йил воқеалари .....	48
Тўққиз юз иккинчи (1496—1497) йил воқеалари .....	51
Тўққиз юз учинчи (1497—1498) йил воқеалари .....	54
Тўққиз юз тўртинчи (1498—1499) йил воқеалари .....	63
Тўққиз юз бешинчи (1499—1500) йил воқеалари .....	68
Тўққиз юз олтинчи (1500—1501) йил воқеалари .....	75
Тўққиз юз еттинчи (1501—1502) йил воқеалари .....	84
Тўққиз юз саккизинчи (1502—1503) йил воқеалари .....	88
Тўққиз юз тўққизинчи (1503—1504) йил воқеалари .....	100
Тўққиз юз ўн биринчи (1505—1506) йил воқеалари .....	123
Тўққиз юз ўн иккинчи (1506—1507) йил воқеалари .....	142
Тўққиз юз ўн учинчи (1507—1508) йил воқеалари .....	154
Тўққиз юз ўн тўртинчи (1508—1509) йил воқеалари .....	163
Тўққиз юз ўн бешинчи (1509—1510) йил воқеалари .....	163
Тўққиз юз йигирма олтинчи (1519—1520) йил воқеалари .....	187
Тўққиз юз ўттиз иккинчи (1525—1526) йил воқеалари .....	189
Тўққиз юз ўттиз учинчи (1526—1527) йил воқеалари .....	225
Тўққиз юз ўттиз тўртинчи (1527—1528) йил воқеалари .....	245
Тўққиз юз ўттиз бешинчи (1528—1529) йил воқеалари .....	250
Тўққиз юз ўттиз олтинчи (1529) йил воқеалари .....	280

84(5У)1

Б79

**Бобур Заҳириддин Муҳаммад.**

**Бобурнома / Заҳириддин Муҳаммад Бобур; Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов, Х.Султанов, Б. Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2008. — 288 б.**

ББК 84(5У)1

## *ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР*

### **БОБУРНОМА**

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*  
*Тошкент — 2008*

Муҳаррир *Г. Насриддинова*  
Бадий муҳаррир ва дизайнер *Ш. Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Т. Грешникова*  
Компьютерда саҳифаловчи *К. Ҳамидуллаева*  
Мусаҳҳиҳлар: *М. Солиҳов, Н. Жумаева*

Оригинал-макетдан босинга рухсат этилди 5.08.2008. Бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Гарн. SchoolBookTAD. Кегль 11 шпонли. Шартли б.т. 33,48+0,46 форзац.  
Нашр т. 32,8+0,42 форзац. 2000 нусхада босилди.

Буюртма № 286.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент—129, Навоий кучаси, 30 уй. // Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кучаси, 1-уй. Шартнома № 12—182—07.